

Dunyo
adabiyoti
kutubxonasi

Юлиан Семёнов

Тирик
колиш
буорицган



Юлиан Семёнов

Тирик колиш буюрилган



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент
2016

УЎК: 821.512.133-3
КБК: 84(2Рос=Рус)6
С - 43

Семёнов, Юлиан

Тирик қолиш буюрилган: роман. Юлиан Семёнов / Таржимон Абдуворис Абдумажидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 480 б.

ISBN 978-9943-27-775-5

Муаллиф «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» романининг узвий давоми бўлган ўзининг янги «Тирик қолиш буюрилган» деб номланувчи асарида гитлерчилар рейхининг ўлим олдидаги талвасасини, фашизм пешволарининг ўз ҳаётларини сақлаб қолиш йўлида ҳар қандай қабиҳликдан ҳам тоймай қилган беҳуда уринишларишни тасвиirlайди.

УЎК: 821.512.133-3
КБК: 84(2Рос=Рус)6

Рус тилидан
Абдуворис Абдумажидов
таржимаси

ISBN 978-9943-27-775-5
© Юлиан Семёнов, «Тирик қолиш буюрилган». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

СҮНГГИ ЎЙИННИНГ БОШЛАНИШИ

– «Майбах-3»га борамиз, – деди Мюллер ҳайдовчиға. – Лекин илтимос, тезроқ ҳайданг, Ганс.

«Майбах-3» – рэйх Бош штабига қарашли Гелен бошчилигидаги «Шарқ чет эл армиялари» разведка бошқармасининг Потсдамда жойлашган биносининг махфий номи эди; бу ерда, қарағайзор ўрмонда фельдмаршал Кейтельнинг, штаб бошлиги Гудерианнинг қароргоҳи, генерал Хойзингернинг оператив бошқармаси ва вермахтнинг фикрловчи трести – генерал полковник Йодль аппарати жойлашганди.¹

Мюллер орқадаги ўриндиққа сұяниб олди. Ҳайдовчи Ганс кейинги уч йилдан бери унга хизмат қиларди; худди итдек содиқ эди; группенфюрернинг ўғли Фрицни жудаям яхши күради, отаси тақиқлаб қўйган бўлишига қарамай, болани мактабдан уйига олиб бориб қўяди, ой сайин ўзи қишлоғига бориб, отасининг фермасидан Мюллерга қишлоқчасига қўлбола қилиб дудлаб тайёрланадиган чўчқа ёғидан олиб келади.

...Фриц ўқиётган мактаб ишларини кузатувчи гестапо туман бўлимининг бошлиги бундан олти кун

¹ Икки йилдан кейин Кейтель билан Йодль Нюрнберг трибунали ҳукмига мувофиқ дорга осилади, тўрт йилдан кейин уларнинг ходими генерал Хойзингер НАТОнинг Фарбий Германиядаги кучлари қўмондони, генерал Гелен Германия Федератив республикаси разведкасининг бошлиги қилиб тайинланади. Гудериан эса бундесвернинг бош ҳарбий назариётчиси бўлади.

аввал группенфюрер қабулига ёзилиб, ўқитувчилар жамоасига қўшиб қўйилган айгоқчининг рапортини стол устига қўйганди. Рапортда Фрицнинг чўнтак тарогини синдириб бурнига қистириб олиши, сочини пешанасига тушириб туҳматга тўла «Диктатор» фильмидаги Гитлерни масхаралаб тасвирлаган америкалик разил Чаплинга ўхшаб олиб: «Ҳар бир немис ер олиш ҳуқуқига эга!», «Ҳар бир олий ирқ вакили иш билан таъминланади!», «Герман миллатидаги буюк рим империясининг ҳар бир фуқароси жаҳонда энг баҳтиёр одам ва у сўнгги томчи қони қолгунча ўз озодлигини ҳимоя қилишга тайёр!» – деган муқаддас шиорларни Гитлерга хос овоз билан бақириб айтиши баён қилинганди. Фриц Мюллер бу муқаддас шиорларга ўзича изоҳ беради; биринчисига – «қабристондан бир метр ҳажмида!», иккинчисига – «энг яхши концлагерда!» учинчисига «агар рад этса, биз уни тезда дорга осамиз!» – деб қўшимча қиласди.

Туман бўлимининг бошлиғи ҳали анчагина ёш эди, ҳозир Германияда қабул қилинган ўзаро муносабат қонун-қоидаларидан унчалик хабардор эмасди. Шунинг учун ҳам у машинкада бир нусхада босилган ахборот хизмат пиллапояси бўйлаб тезда кўтарилишда ўзига ёрдам бермаслиги мумкин эмас, деб ўйларди соддадиллик билан.

– Раҳмат, дўстим, – деди Мюллер бармоқларининг учлари музлаб қолаётганини сезиб чаккасига босаркан. – Сиз ҳақиқий ўртоқ сифатида иш юритибсиз... Бошқа одам бўлганда, менга бўлган ҳурмати юзасидан айгоқчини бартараф этиб, рапортни ёқиб ташланган ва ҳаммасини бости-бости қилиб юборган бўларди... Лекин бу касални яшириш деган маънони берган бўларди; бутун вақтини миллий ишимизга сарфлаётган отанинг хонадонида тантиқ ўsgан падар лаънати яна қанақсанги қилиқ чиқаришини ким билади

дайсиз... Бизнинг динимиз – ҳақиқат, фақат ҳақиқат! ССнинг қардош одамлари ўртасидаги муносабатлар ҳақида гап кетганда ҳақиқатдан бошқа ҳеч нарса бўлиши мумкин эмас... Мен сизни Кенигсберг гестапоси бошлигининг ўринбосари лавозимига тайнлайман, навбатдан ташқари унвон ва СС обергруппенфюрери Кальтенброннернинг бўйруғи асосида бериладиган ташаккурнома билан табриклайман...

– Хайль Гитлер!

– Хайль Гитлер, дўстим, хайль Гитлер... Сиздан илтимос, менга битта масалада ёрдам қилворинг – шунчаки бир дўстона юмуш...

– Хизматингизга тайёрман, группенфюрер!

Мюллер кулимсираб қўйди:

– Албатта, ўз-ўзидан тушунарли... Хизматимга тайёр бўлмаганингизда, балки, кечалари ваҳимада мижжа қоқмай ётган бўлардингиз... Сизга эса ажойиб тушлар кўриш имкони бериляпти, гаров ўйнайман, тушингизга қушлар тез-тез кириб турса керак-а? Гаров ўйнаб айтаманки, сокин куз ҳукмрон бўлган Бавариядаги кўллар узра учайдиган оққушлар тушингизга кириб туради.

– Нимагадир оққушларни эслолмаяпман, группенфюрер... Умуман тушларимни яхши эслаб қололмайман. Уйгониб кетганимда аллақандай қувончли бир нарса хотирамда тургандек бўлади-ю, кейинчалик кундалик юмушларга берилиб кетиб, кечаси кўрган тушларимни мутлақо унутиб қўяман...

– Кундузи яхши туш кўриб бўлмайди, – деди Мюллер. – Кундузги мудраш тўқликдан келиб чиқади, қорнинг тўқ бўлганидан кейин бўлмағур нарсалар кўзингга кўринаверади... Хўш, сиз бугун шундай қилингки, абраҳ Фриц фольксштурм туман бошқармасига чақирилиб, Шарқий фронтга жўнатилсан. Мен энди унинг дийдорини кўришни истамайман, тушунарлими? Герман

миллатининг буюк фюрери, фронтда ва мамлакат ич-карисидаги барча галабаларимиз ижодкорининг манзилига беадаблик қиласидиган ҳар қандай кимсани асло кечирмайман. Кейин менга қўнғироқ қилиб – адъютант Шольц сизни мен билан улади – Фриц қайси йўлдан, қай вақтда, қайси йўналиш бўйича, қайси қисмга жўна-тилганини айтасиз. Гапларимни тушуняпсизми?

– Ҳа, группенфюрер!

У товонларини бир-бирига уришириб орқасига ўгирилганда Мюллер ҳайратда қолди: гестапо туман бўлинмаси бошлигининг калласи худди ҳайдовчи Ганснигига ўхшарди; сочи тақа шаклида олинган, бўйни жудаям узун, йўғон, калласи суяқдор эмас, аллақандай чўзинчоқ бир нарса...

...У ўғлини йўқ қилишни Рихард Шапсга топширди; Мюллер фақат йигирманчи йилларда ўзи иш бошлаган Мюнхен жиноий ишлари полицияси – «крипо»даги эски қадрдонларинигина эмас, балки босқинчилик бўйича мутахассис ҳисобланган учта жиноятчи: Рихард Шапс, Роберт Грундрегер ва Йозеф Руани ҳам ҳар эҳтимолга қарши «захирада» сақлаб турарди; Мюллер уларни фақат камералардаги маҳбуслар орасидагина эмас, балки эркинликда юрувчи жиноятчиларнинг катта жиноят тайёрланаётгани ҳақида РСХА¹ га олдиндан хабар берувчи маҳсус агентлар сифатида «крипо»нинг тўртинчи бўлинмаси рўйхатига киритиб қўйганди.

...Фриц Одерга яқин жойда ўлдирилди; бу – фронтда ваҳший большевикларга қарши курашда кичик Мюллernинг буюк Германия манфаати йўлида ҳаҳрамонона ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар тарқалишига кафолат берарди.

(Гестапо туман бўлинмасининг бошлиғи Кенигсбергда йўқ қилинади, бу ишни Йозеф Ру амалга оширади; Фриц ҳақида рапорт ёзган даракчини, шунингдек, ўғли-

¹ Р С Х А – Империя хавфсизлиги бош бошқармаси.

нинг қилиқлари түғрисида огоҳ бўлиш мумкин бўлган унинг энг яқин учта ўртоғини Грундрегер гумдон қилади; Фрицнинг партадоши Питер Бёнешни эса ҳозир у даволанаётган касалхонадан чиққач, Шапс ўлдиради.)

«Агар боланг ўн бешга киргандан кейин сенга дўст бўйолмаса, – деди ўзича Мюллер, – агар у отаси билан тил топишолмаса, демак, у сенга бегона ҳисобланади. Қондошлиқ масаласи билан Геббельс шуғулланаверсин, ўзини эҳтиётловчи фаросатдан маҳрум бўлган бир ёшгина нокасни деб, камерада оёқдан осилиб туриш – фюрернинг янги қонуни бўйича мени худди мана шундай қисмат кутиши мумкин эди – ўзим амал қилиб яшаётган орзуларимга нисбатан сотқинликдир. Агар бу ҳақда Шелленберг билиб қолгандами, бугуннинг ўзида мени ертўлада қийнаётган бўлишлари мумкин эди. Агар олло-таоло кишини жазоламоқчи бўлса – аввал уни фаросатдан маҳрум этаркан, Фрицни олло-таолонинг ўзи жазолади. Мен эмас!»

...Мюллер «Шарқнинг чет эл армиялари» разведка бошқармаси жойлашган икки қаватли қизил гиштин бино олдида машинадан тушаркан, пластмассадан ишланган қутичани Гансга узатди:

– Бутербродни еб ол, ўғлим, орасида мазали колбаса билан сен Магдебургдан келтирадиган лаззатли, чўчқа ёғига ўхшамаса ҳам хуштаъм ёф бор... Мен тезда чиқаман, машинани бомбапанага обормасанг ҳам бўлади...

– Салом, жаноби генерал.

– Хайль Гитлер, группенфюрер! – жавоб берди Гелен ўрнидан туриб Мюллернинг истиқболига пешвоз чиқаркан.

Мюллер кулиб қўйди:

– Биз шунақа даврда яшаяпмизки, ҳозир группенфюрер ўрнига бирорта оддий лейтенант бўлиш ишончлироқ. Шундай эмасми?

Гелен елкасини қисиб деди:

– Сиз ўта қудратли немиссиз, шунинг учун ҳам ҳаётнинг барча ҳодисаларини ягона тартиб шаклига келтиришга уринасиз. Бунақаси эса мумкин эмас, чунки мантиқ ҳиссиётдан ажралиб қолса тартибсизлик бошланади.

– Бу гапларнинг нима алоқаси бор? – сўради Мюллер Геленнинг рўпарасидаги креслога ўтиаркан.

– Бу шунчаки бир хушомад. Агар сиз менинг алоқаларим борлигини дарров сеза олганингизда, мен бу ерда ўтирмаган, жуда ёрлақаганда, Шарқий фронт ертўлаларида совқотиб юрган бўлардим.

– Мени бекорга ўзингизнинг асосий душманингиз деб ҳисоблаяпсиз, – жавоб берди Мюллер. – Сизнинг мендан кўра қудратлироқ душманларингиз бор, буни биласиз, аммо Россия соҳасидаги билимларингиз – сизнинг энг ишончли кафолатингиз ҳисобланади, алоқаларингизгина эмас, асло.

– Қани, соддадил деҳқонга мантиқий ҳийла-найрангингизни тушунтириб беринг-чи.

– Марҳамат, – деди ўз навбатида жилмайиб Гелен. – Инсон туйғуси – бу, туғма нарса, мантиқ эса кейин ҳосил бўлади. Бу иккала хусусият ягона бўлиб бирлашгандан кейингина ишнинг муваффақияти учун қулай замин яратилади. Биз эса кейинги йилларда худди иккига бўлиб ташлангандек яшаяпмиз: туйғу бизга бир нарсани айтади, мантиқ, яъни кўрсатмаларга итоат этиш ва буйруқларни бажариш бурчи эса, бутунлай бошқа томонга чалгитиб кетади. Тўғрими?

– Шубҳасиз.

– Мана, кўряпсизми... Сиз ўта қудратли немис каби ақл бовар қилмайдиган ишни уддалашга беҳуда уринасиз-да, оқибати кулфат билан тугайдиган мантиқсизликка бериласиз.

– Биринчидан, мен немис эмас, баварияликман. Иккинчидан, мен ҳозирги мантиқсиз мантиғимизни ҳамма вақт ҳам завқ билан тарғиб қилавермайман, шу сабабли ҳам ҳозирча тирик юрган бўлсан керак. Аммо нега энди ўта қудратли немис ҳақида гап очиб қолганингизга ҳалиям тушунмаяпман.

– Бунинг сабаби шундаки, сиз ўз сўзингизни, ўз фикрлаш усулингизни суҳбатдошингизга ўтказмоқчи бўласиз... Баҳслашиб ўтируманг, мен ҳам соф немис эмасман, пруссак билан голланд қони омухтаси қўшилмаси ўзлигини намоён этмаслиги мумкин эмас... Сиз дангалига фикр юритасиз: группенфюрермисан, генералмисан – бари бир, душманга сен фирт ёвуз бўлиб кўринаверасан, лейтенантни бўлса итвачча деб қўя қолишади. Шундай эмасми?

– Шундай.

– Менга қараганда, албатта, сизга аламлироқ бўлади. Шарқда ҳам, Фарбда ҳам сиздан нафратланишади. Менга нисбатан Кремлнинг ашаддий нафрати Фарбаги, айниқса, Америкадаги яхудий молиячи корчалонларнинг ишларимга фаразли қизиқиши олдиди нима деган гап.

– Мана энди гапларингизга тушундим, – деди Мюллер нафасини ростлаб. – Айтмоқчисизки, мендек генералнинг ҳали бозори ўтмаган. Сендеқ шарти кетиб парти қолган қария Мюллерни, ҳатто лейтенантга айланиб қолганингда ҳам руслар ҳам америкаликлар ҳам девор тагига олиб бориб отиб ташлашади, демоқчи бўласиз-да.

– Йўқ, сиз ҳеч қанақангি бавар эмас, балки немис, юз фоиз немисиз, бобокалонларингиз Бранденбург ёки Ганноверда туғилган бўлса ажаб эмас. Сизга ачинаман. Сиз билан биз, ҳа, худди биз, группенфюрер, аллақандай арзимаган ташкилот вакиллари эмасмиз, лекин ўртада рейх хотираси турибди; менинг хотирам

Кремлга қарши қаратилган, сизники Кремлга қарши бўлганидек, Даунингстритга, Оқ уйга ва Елисей саройига ҳам қарши. Бизни отиб ташлаш гуноҳ бўлади.

– Йўқ, – Мюллер бошини чайқаб қўйди, – Йўқ, генерал! Сиз мени Шелленберг билан адаштиряпсиз. Аммо сиз мени шу ерга бошлаб келган худди ўша гоялар йўналишида фикр юритдингиз... Гудериан сиздаги «Қизил таврот»нинг бир нусхасини бизга бериши рад этди. Сабаби нимада?

– Гудериан фақат рад этилган буйруқча имзо чеккан, группенфюрер. Мен рад этганман.

«Қизил таврот»нинг нусхасини гестапога юбориш ҳақидаги илтимосномани рад этиш сабабини у яхши биларди. Бу китобда сиёсий намояндалар, генераллар, конструкторлар, министрлар ҳақидаги хуфёна маълумотлар босилган эди; Гелен бу маълумотларни Россиядаги агентура хабарларидан, телефон сўзлашувларини яширин тинглаш ва асиrlарни сўроқ қилиш (у икки ой вақтини Власов ва унинг яқинлари билан суҳбатлашиб, «таврот»даги ёзувларни қайта текшириш ҳамда уларни сотқинлар олиб келган янги маълумотлар билан бойитишига сарфлади) орқали тўплаганди.

«Қизил таврот» Гелен умид боғлаган омиллардан бири эди; жаҳонда ҳеч ким, ҳеч бир маҳкама Гелен ва унинг штабида мавжуд бўлган бунақангি бой ахборотга эга эмасди, бирорта разведка, ҳатто асосан сиёсий иш, яъни тезкорлик билан жанжал чиқаришга ихтисослашган Шелленберг разведкаси ҳам Гелен билганчалик маълумотта эга эмасди; ҳақиқий разведка аста-секин ҳаракатга келувчи минани ғамлаб олиб, анча йил аввал жойлаштириб қўйиши кераклигини бригаден-фюрер унутиб қўйган ёки тушунмаган бўлиши мумкин. Айтгандек, у шафқат қилиши мумкин – Гелен навбатдаги муваффақият тўғрисида фюрерга хабар беришга шошиладиган гиммлерчасига ишлайди. Бироқ, рейхнинг

армияси «резерв қонуни» асосида яшаяпти: ҳатто ғала-ба қўлга киритилган тақдирда ҳам кутилиши мумкин бўлган мағлубият ҳақида ўйлаши ва ўч олиш, қарши ҳу-жумга ўтиш, янги қақшатқич зарба бериш чораларини олдиндан тайёrlаб қўйиши лозим бўлади...

– Бу ишларингизни нотўгри тушунишлари мумкин, генерал, – деди Мюллер, – шу сабабли ҳам мен бу масалани тинч йўл билан ҳал этгани келдим.

Гелен бошини чайқаб деди:

– Группенфюерер, жа катта кетманг, ҳозир Гитлернинг умиди фақат бизда, армияда, Сиз бундан бир йил, ҳатто яrim йил аввал рейхнинг даҳшатли қуроли эдингиз. Эндиликда бизни ҳеч нима қилолмайсиз. Мени энди сизга топшириб қўйишмайди. Мен энди сиздан қўрқмайман.

– Хўш, хўш, – деди Мюллер. – Баракалла. Мард одамларни ёқтираман-да! Ўзим ҳам болалигимда шунаقا – қўрқоқ бўлгандим. Ана шундай қўрқоқларгина маҳфий полицияга ёпишиб олишади. Нима қилганда ҳам бошқалар устидан қудратли ҳокимликка эга бўласан-да... Фақат шуни айтиб қўяй, икки взвод аскарни Тюрингиядаги боф-ҳовлингизга, хотинингиз билан фарзандларингиз ҳузурига тезда жўнатинг, оиласизни қўз қорашибидек сақлашсин. Ҳозир таҳликали замон, дастлабки зарба, аввал бебаҳт аёл билан болаларнинг бошига тушади.

Мюллер бамайлихотир, секин ўрнидан туриб эшик томон юрди.

– Сиз ақлдан озибсиз! – ҳайқириб юборди Гелен. – Сиз ақлдан озибсиз! Орқага қайтинг!

Мюллер итоаткорона ортга бурилиб яна креслога – энди худди уй эгасидек қулай жойлашиб ўтирида, ярашган киши оҳангига деди:

– Ҳеч бўлмаса, қаҳва ичишни таклиф қилсангиз бўларди.

Гелен ўзини тутиб олиб жавоб берди:

– Сизга қаҳва тутишим мүмкин, аммо ўзингиз ҳам уйингизга бир даста эсэсчилардан пойлоқчилар қўйсангиз ёмон бўлмасди. Чунки сизнинг ҳам оиласиз, хотин, бола-чақангиз бор, шундай эмасми?

– Бор эди, – жавоб берди Мюллери. – Ўғлим Шарқий фронтда ҳалок бўлди, хотинимни эса қурбон қилишга тайёрман. Шунинг учун мени тўхтатдингизми?

– Сизга «Қизил таврот»нинг нима кераги бор?

– Мақсадим – сизни бир ишга шерик қилмоқчиман.

– Яъни?

– Жуда оддий иш: Москва билан алоқа қиладиган каналдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиб қолдим; сизнинг «Қизил таврот»нинг Кремлга ташлай олсак, у ерда шунақангি тўс-тўполон бўлардики, бунинг оқибатини сўз билан тасвирилаш мушкул. Власовнинг калласи баъзан ишлаб қолади-да, оддий киши унутиб юборадиган нарса сотқиннинг миясида шундоқ турари. Мантиқ билан ҳиссият омихтаси бўлган бу нопок қотишмаси тоза нарсани домига тортишга уринади. Сотқинлик – аломат нарса-да, сотқин учинчи одам бўлишни истайди, у ҳар доим ўзини оқлаш учун биринчи ва иккинчи одам қиёфасига киришни ўйлади... Мен тавротингизни шу ерда, хонасингизда кўриб беришга тайёрман, мен уни олиб кетганимда таврот Кальтенброннер ёки Гиммернинг темир сандигига тушиб қолишидан ҳайиқиб, тўғри иш қиляпсиз...

– Демак, умримни бағишлигаран ишга сизни ҳам дахлдор этишим учун мендан сўраяпсизми? – сўради Гелен истеҳзо билан.

– О! Сўзларни шунчаям аниқ-аниқ териб мутлақо тўғри ифода этдингиз-да, генерал!

– Бунда бахтиқаро Канарисга ёрдам беришингиз керак бўлади.

– У билан Кальтенбруннер шуғулланяпти. Шахсан ўзи шуғулланяпти.

– Ҳа, лекин Германиянинг... ва фюрернинг содиқ кишилари азоб чекаётган ўша концлагерда сизнинг одамларингиз бор-ку, – қўшиб қўйди Гелен. – Улар ҳар ишга қодир...

– Мантиқ, генерал, мантиқ, қани сизнинг мантигиниз? Эндиликда армиянинг ҳамма нарсадан құдратли эканини, бизнинг, бечора гестапонинг эса боши берк кўчага кириб қолганимизни ўзингиз ҳозиргина айтдингиз-ку, яна сизнинг одамларингиз ҳамма ишга қодир деб, ўз сўзингизга қарши чиқяпсиз-а...

Мюллер Геленга қараб ҳаддан ошириб юборганини фаҳмлади: бу жин ургур прус оқсуяги, армиядаги юқори табақа вакили қуюшқондан чиқиб кетиши мумкин...

– Майли, – деди Мюллер, – келинг, шартлашиб олайлик: мен фюрер ҳукми билан ўлдирилган фельдмаршал Вицлебен ҳамда генерал Тресковнинг қариндошлари йўқ қилинмаслигига кафолат бераман... Мен фюрернинг буйругига кўра, ўзини ўзи ўлдириган фельдмаршал Роммелнинг оиласини концлагерга жўнатмасликка сизга ваъда бераман... Бахтиқаро Ка-нариснинг тақдирига келганда эса, мен уни нималар кутаётганини аниқлашга уриниб кўраман. У нега шу пайтгача қатл этилмагани, жаллоднинг қўлини ким тўхтатиб қолгани, бу кимнинг фойдаси экани сабабларини тушуниб олишга ҳаракат қиласман. Ана шундай шартлашув сизни қониқтирадими?

Гелен телефон гўшагини кўтариб, адъютантига икки финжон қаҳва келтиришни буюрди, сўнг темир сандиқни очиб, китобни олди-да иргангандек бўлиб, лекин шу билан бирга ачингандек китобни Мюллерга узатди.

Мюллер бир-иккита саҳифасини варақлаб, жилмайиб қўйди.

– Буям бир мулк-а? Ажойиб мулк!

– Мулк эмас, бу – келажак...

Адъютант чиқиб кетгач, Мюллер сўради:

– Айрим саҳифаларидан фотонусха олиш мумкинми?

– Айримларидан мумкин, ҳаммасидан эмас.

– Қанчасидан?

– Тўртдан бир қисмидан.

– Келишдик. Менда яна бирорта илтимосингиз. борми?

– Бор.

– Марҳамат.

Гелен жилмайиб деди:

– Бирорта қизни жудаям севиб қолишингизни истардим, сизнинг ёшингиздагиларнинг кўпи шундай қиласди, шунда оиласминг тинч яшаши ҳақида сиз қилмоқчи бўлган фамхўрликка жавобан мен ҳам ўша қизга меҳрибончиликлар кўрсатган бўлардим.

Мюллер бошини чайқаб қўйди.

– Мен Маркс асаларини ўқиб тураман, генерал, унинг «товар-пул» формуласи кексая бошлаган эрмакталаб эркакларга бемалол мос келади, бу – муайянлик – унда ҳиссиётга ўрин йўқ...

– Қаҳвангиз совиб қоляпти...

– Умуман, мен қаҳва ичмайман, шунчаки ўзимни умумий қонун-қоидаларга бўйсунишга ўргатганман, даврамдагилар ҳам бунга риоя қилишини ёқтираман...

Мюллер Принцальбрехтштрасседаги ўз хонасига қайтиб келиб, Шольцдан аччиқ чой дамлашни илтимос қилди-да, қандай янгиликлар борлигини сўради, адъютантнинг жавобини эшитиб ҳайронлиқдан елкасини қисиб қўйди, сўнг ҳорғин жилмайиб, балиқчаларга, ушоқ солди.

Ҳайрон бўлишга ва қувонишга асос бор эди: Штирлицнинг қайтмаслигига Мюллер тўқсон тўйқиз фоиз ишонган бўлса ҳам у Берлинга қайтиб келибди; унинг

қайтмаслигига Мюллерда етарли даражада далил бор эди, чунки шахсий кузатув хизматининг Швейцариядан юборган маълумотига кўра, СС штандартенфюрерининг рус махфий хизмати билан алоқаси борлиги аниқ эди.

ЛЕКИН ҚАЙТИШИНИНГ МАЪНОСИ НИМАДА? НЕГА?

Сарғиш эман барглари тўшалган ерда ўтирган Штириц ўрнидан турди. Айрим жойларда кўм-кўк, зумрад майсалар кўриниб қолибди, нимагадир унга худди ёш балогатга етмаган қизчанинг мунгли қўшиғидан таъсиrlаниб кўнгли хижил бўлди, Марина Рокк апрелнинг ўн етти лаҳзаси ҳақида, дараҳтларнинг рақста тушиши ва оқимга тушиб қолган оқ чорлоқ қушининг чўкиб кетиши, ҳеч ким унга ёрдам беролмаслиги ҳақидаги ашуласининг сўнгги бандини куйламоқда эди; Роккнинг сал бўғиқроқ бўлгани сабабли ҳам аллақандай маъюс, сирли эшитилаётган овози авжига чиқди, кейин оғир сокинлик чўқди; диктор фронтлардан олинган сўнгги хабарларни ўқишига киришди; овозининг оҳанги – голибона, юксак: «Танкчилар жасорати, люфтваффе валломатларининг ғалабаси, енгилмас ССнинг даҳшатли қарши ҳужуми...»

Штириц машина ёнига келиб, радиони ўчириди ва рулга ўтириб Берлин томон жўнаб кетди...

У ҳозир биргина ўзига насиб этган бу сокинлик ва ёлғизлик гаштини чўзмоқчи бўлгандек машинани тез ҳайдамасди.

Уч соатдан кейин манзилга қайтиб боргач, ўзини нималар кутаётганини билишни истамасди, аниқроғи тасаввур ҳам қилолмасди. У ўзини ҳеч нимани ўйла-масликка мажбур этиб секин борарди; бутун аъзои баданига эрк берди; бироқ, ўйламасликни ўзига қатъий буюргани сайин саволлар шунчалик қуюлиб кела-

верарди, савол эса фикрлар омили, ишнинг бошланиши, хатти-ҳаракат замини.

Шунда Штирлиц ўзини чалғитмоқчи бўлди: Сашенъканинг чеҳрасини эслашга уринди; бу чехра узоқ йигирма иккинчи йилдан бери кўз ўнгида мунтазам турибди, бироқ, бу хотира шунчалик хавотирли, бетакрор каби туюлганидан Штирлиц ҳатто бир дақиқа кўзларини юмиди, навбатдаги симёгочни ўтказиб юборган бўлса-да, ўзича гапириб қўйди: «Бу икки юз ўттизинчи километр эди, тез ҳайдама, ҳаммаси жойида бўлади, аниқроқ қилиб айтганда, ҳаммаси жойида бўлиши керак, акс ҳолда ҳақсизлик юз беради, сен бунга лойиқ эмассан. Наҳотки, ҳақсизлик – «ложиқлик» муҳри босилган нарса бўлса? Ҳақсизлик – турмушдаги мантиқсизликнинг олий шакли. Бу фалокат ҳақсизликка нолойиқ бўлганлар, эзгуликнинг ёзилмаган қонун-қоидалари асосида яшашга урингланлар бошига ёғилади... – Қойил, ўзингни роса мақтаяпсан-а, – кулиб қўйди! Штирлиц, – очиқчасига эмас, балки бир хил маънода... Ҳар бир одам бошқалар уни мақташини жудаям ёқтиради, агар мақтайдиганлар топилмаса, унда ўзингга хон, ўзингга бексан... Афтидан фюрер ёшлигида минглаб одамлар кўп марталаб тақрорлаган ўз номини ва гулдурос қарсакларни тез-тез эшишиб турган бўлса керак. Қизиқ, одамлар қачон бўлса ҳам ўз пешволари хатти-ҳаракатини психиаторлар текширувидан ўтказишга жазм қилишармикан? Гап бундай, илтифотли ҳукмрон, сиз – телбасиз, сиз ҳалқа ҳокимлик қилиш ўрнига санаторийда дам олинг, асабларингизни мустаҳкамланг, расм чизиш билан шуғуланишингиз мумкин, акварель асабларни жудаям бўшаштиради; шеърият соҳасида машқ қилсангиз ҳам бўлади, ўз шеърларингизни оммага ўқиб беринг, шундаям қарсаклар, мафтункор қофияларга муккасидан кетган қизчалар қаршингизда бўлади...

Айтгандек, бундай эмас, шеърият – муқаддас даргоҳ, унга телбаларни киритиб бўлмайди. Шеърият даргоҳига киритиб бўлмайди – даҳшатли гап. Сенга уят, Штириц, ҳозир яхши гапирмадинг: шеърият маънавий соғломлик муҳри билан белгиланмаган барча нарсани ўзидан четлаштиради».

Штириц гўё «Испания республикасида махфий иш олиб бораётган СД агентураси билан учрашиш зарурияти» баҳонасини рўйиҳа қилиб унга Гвадальхара остонасидаги фронтдан ўтиб олишга қўймондонлик рухсат берган ўттиз еттинчи йилнинг кузидаги ўша байрамни эслади. «Дарча»да¹ уни Гриша Сироежкин кутиб олди. Улар йигирма биринчи йилда, Дзержинский Гоҳрандан брильянтларни ўғирлаганлар иши юзасидан Исаевни Таллинга жўнатганда дўстлашиб қолишганди, Гриша эса у билан ва ЧКнинг Эстониядаги резиденти кичик Шелехес билан алоқа қилиб турарди.

...Сироежкин уни Валансияга яқин чоғроққина боғ-ҳовлига бошлаб келди, бу ерда Владимир Антонов-Овсеенко, Михаил Кольцов, Родион Малиновский, Ҳожимурод Мамсурев, Яков Смушкевич, Роман Карменлар тўпланиб бўлишган эди. Максим Максимович буларнинг ҳар бири билан анча йиллардан бери дўстона алоқада эди. Ўшанда Антонов Овсеенко тез-тез Дзержинскийнинг ҳузурига кириб турарди; Родион Малиновский Исаевни Владивостокка ўтказган Василий Блюхерницида бўлиб турарди; республика авиациясининг ҳозирги бош маслаҳатчиси Яков Смушкевич билан Хитойда учрашиб қолганди. Ўшанда бу ерда Блюхер билан Михаил Бородин Қизил Армияни барпо этиш ишларига кўмаклашмоқда эдилар...

У дўстлари ҳузурида атиги бир кеча бўлди, ҳеч ким мижона қоқмади; дўстлари Павел Постишев, Яков Пе-

¹ Чегарада махфий ўтиш жойи.

терс, Николай Подвойский, Михаил Кедров, Николай Крестинский, Григорий Петровский, Николай Криленко, Ганс Артузовни эслашди.

Кейин Исаев Антонов-Овсеенко билан бирга чоғроқына хонага киришди; Антонов-Овсеенко Испаниядаги бош консул бўлиб, ҳамма ишга масъул эди.

– Максим, ҳозир сен Ватанга чақириб олишлари хусусида рапорт ёзиш истагида эканингни билиб турибман, – деди Антонов-Овсеенко тамаки чекаркан, – ҳаддан ташқари толиқçанингни ҳам биламан, ҳаммасига тушуниб турибман, дўстим... Аммо рапортингни марказга юбормайман, турли қиёфадаги жодугар фашизмга қарши кураш энди бошланяпти, буниси узоқ давом этадиган қонли кураш бўлади.

Антонов-Овсеенко Исаевга синовчан назар ташлаб патамакини чўзиб чекди, кейин хўрсиниб, ғалати жилмайиб қўйди:

– Биласанми, мендек ҳарбий кишига – нима деганда ҳам бешинчи йилдан бери прaporщикман, ўттиз йкки йиллик тажрибам бор – ҳарбий буйруқларнинг ҳаммаси аён... Бироқ, уставда топилмайдиган яна биттаси бор, у: «Тирик қолиш буюрилган»... Тушуняпсанми?

– Тушуниб турибман, – жавоб берганди ўшанда Исаев. – Лекин у ердагилар, уйдагилар тушунишармикан, мени қандай...

Антонов-Овсеенко унинг сўзини бўлди:

– Максим, у ердагилар ҳаммасини тушунишади. Билдингми? Ҳаммасини...

«Тирик қолиш буюрилган, – Антонов-Овсеенко-нинг сўзини такрорлади ўзича Штирлиц. – Лекин фақат виждан амри билан тирик қолиш. Акс ҳолда йўқ бўлиш керак. Шармандалик эвазига сотиб олинган ҳаёт, ҳаёт эмас, балки шунчаки яшашдир...»

У йигирма еттинчи йилда Шанхайдага бўлганда миллий ҳаракатга қўшилиб олиш ҳақидаги Мен-

жинский буйругини олганини эслади; Гитлер гояларининг мазмунига қанчалик чуқур борар экан, гёйбу мутаассиб унчалик хавфли ва ҳокимият тепасига чиқолмайди, деб ҳисоблади. Марказ янгилашатган-дек туюлаверди унга; у учинчи йилда, Менжинский оламдан ўтгандан кейингина Вячеслав Рудольфович қанчалик ҳақ бўлганини тушуниб етди. Менжинский энг даҳшатли воқеа юз беришини, яъни нацистларнинг ҳокимият тепасига келишидек даҳшатни олтийил аввал тахмин қилган.

Штириц ўшандан бери фюгернинг ҳокимият тепасига келиш сабабини қанча ўйласа ҳам тагига етмасди. Ҳа, умумий фронтнинг йўқлиги ашаддий ўнг кучларнинг ғалаба қозонишига кўмаклашмаслиги мумкин эмасди, лекин нега энди Гитлер ҳокимият тепасига келиши керак?! Ўттизинчи йилларнинг бошларида Германияда эски тузум тарафдори бўлган кучлар – биринчи навбатда армия, «Пўлат шлем», қудратли «Немис миллий партияси» кабилар эди. Нега энди бу куч блоки эмас, балки Гитлер ҳокимият тепасига келди? Наҳотки фидойи миллатчилик, яъни фақат ўзига-ўзи таъзим қилиш омили, ўз фаолиятининг боришида тарихий хотира кўзини тўсиб қўядиган даражада шунчалик қудратли бўлса? Ирқий белгилар гояга қурилган бирорта ҳам миллий ҳаракат мутлақ ғалабага эришмаган ва эришиши ҳам мумкин эмаслиги ҳаммага аён. Шундай экан, Гёте, Вагнер, Гелье Бетховен ва Бахни вояга етказган халқни Гитлер қай йўл билан алдади экан? Наҳотки, мамлакатда нон ва маргарин йўқлигининг сабабини ифво йўли билан яхудларга, лўлиларга ва Коммунистик Интернационал зиммасига юклаш бу халқقا, бутун бошли халқقا манзур бўлганийкин? Балки мавжуд айбларни бошқаларга тўнкаш уларга манзур бўлса керак? Балки Гитлер инсонда, айниқса, заиф ва чаласавод одамларда

мавжуд бўлган бемаъни, яширин туйгуларга эътиборни қаратиб, худди ана шу бемаъни ҳолатдан фойдаландимикан? Аммо бемаънилик ва заифликни асос килиб олиш жиноятдан ҳам оғирроқ, у фақат дастлабки пайтда фойда келтириши мумкин; оқибат натижаси маълум: умумий ҳалокатга, миллий камситилишга, тор-мор этилишга олиб боради.

Булар билан Гитлернинг нима иши бор? У ҳар доим фақат биргина «Адольф Гитлер» аталмиш гоя билан яшаган; у оломоннинг гулдурос қарсакларини ва ўз номини қайта-қайта такрорлаб бўкиришларини хаёлидан ўтказиб турган... Йўқ, сиёsatни унда туғма эзгулик қанчалигини аниқлаш йўли билан яна текшириб чиқиш керак, чунки софдил киши аввало бошқалар ҳақида ўйлайди, шундан кейингина ўзини ўйлайди...

Штирлиц ниҳоят даражада чарчаганини сезди; узоқда Берлин кўзга ташланди; рейхнинг пойтахтини тип-тиниқ осмонга ўрлаётган дилни фаш қилувчи қоп-қора тутундан таниди; инглиз-америка авиациясининг ҳужуми эндилиқда деярли кеча-кундуз давом этмоқда эди.

«Агар яна тўхтасам, – тўсатдан фаҳмлаб қолди Штирлиц, – машинадан чиқиб ерга ўтириб олсан (бу ерда, шимолроқда, йўл чеккаларида ҳали майсалар ниш урмагани ва ўрмондаги қор устини қурум босганини кўриб қолди у, чунки ёнгин куқунларини шамол ўнлаб километр атрофга учирмоқда эди), орқага қайтиш истагидан ўзимни тўхтатиб қололмайман. Базелга етиб олиб, чегарани кесиб ўтаман-да, биринчи учраган чогроқ меҳмонхонада – у Германиядан тахминан икки юз метр берида, вокзалнинг шундоқчиниа рўпарасида – роса уйқуни ураман. Кўча, паровозлар гудоги эшитилиб турса ҳам, анча тинч, сокин. Паровозларнинг гамгин гудок чалиб йўлга чиқиши жуда-

ям ажойиб бўлади... Дадам мени Москва остонасида-ги кичик станцияга (Малаховка деб аталарди шекили-ли) ҳар сафар олиб борганида ўтаётган поездларнинг тақ-тақа-туқ, тақ-тақа-туқ овозига узоқ қулоқ солиб турардик... Ҳозир тўхташинг мумкин эмас, қария... Уйингга етиб бориб, душда чўмилиб олгин-да, аччиқ қаҳва ичиб ишга киришавер...»

Уйга элтувчи уч муйилишга етмай, Штирлиц кескин тормоз берди: йўлни зумрад кўзли ўйноқи, қоп-қора мушук кесиб ўтганди.

Бу ердан, афсуски, ҳеч ким қувиб ўтмаслигини у биларди: Бабельсбергда деярли машина қолмаганди, ҳаммаси фронт эҳтиёжи учун мусодара қилиб олинганди, армияга ярамайдиган тахта қопланмали букри «эдкав» машиналари эса гаражларда турарди – бензин қатъий ўтиб қолдирган кўзга кўринмас чизиқни бирор йўловчи кесишини узоқ кутиб қолишга ақли етарди: одамлар фақат бомбардимон пайтида паноҳгоҳда яшириниш учунгина уйларидан чиқишарди; ҳозир ҳамма муқаррар оқибатни кутиб ҳадиксираб яшарди – эндилиқда фашизмнинг енгилиши рейхдаги барчага, халқини ўзининг шахсий, ҳукуқсиз ва гаровга олинган тилсиз одамлари сифатида тутиб турган герман миллатининг буюк фюриеридан бошқа ҳаммага аён эди.

«Мен кутиб туравераман, – деди ўзича Штирлиц моторни ўчирап экан. – Ҳамма нарсадан ҳам кутишга устаман-ку. Бари бир олдимдан қора мушук ўтди, бунинг устига куннинг иккинчи ярмида, ўзимнинг дўзахимга қайтишим арафасида яна, чапдан ўнг томонга ўтди-я, – ким нима деса десин-у, аммо бу ёмон аломат...»

У қора мушук ўтиши сезгининг биринчи асосий, мантиқий қатлами моторни ўчиришни қўлга буюришга имкон берган бир баҳона бўлганини сезгининг

иккинчи қатлами билан тушуниб олди; ҳар бир одамнинг чамаси кўп бўлади ва мия қобигидаги бу сирли қатламлар миқдори истеъдод савиясига боғлиқ даражада бир-бирига бутунлай қарама-қарши фикр ва ҳиссиётларнинг оғир юки билан кўпайиб боради.

«Шунчаки ҳаммасини яна бир марта ўйлаб олишим керак, – деди ўзича Штирлиц. – Қайтиб келишга розилик берган дақиқамдан бошлаб қаттиқ ҳаяжондаман. Шу розилигим билан, афтидан, ўзимни ўлимга маҳкум қилганимни тушуниб турибман... Лекин хаста одамгина қўрқув ҳиссиётидан маҳрум бўлади... Демак, қайтиб келишга розилик бериш билан ўзимда ҳеч бўлмаса умид учқунини қолдирганмиканман? Йўқмикин? Шубҳасиз қолдирганман... Мени нимада айблашлари мумкин? Ҳамма ишда... Бу жавоб эмас, қария, бу, жавоб беришнинг энг жўн усули, ўзингни алдамай қўяқол. Энг асосий ишкаллардан бири пастор билан унинг фарзандлари эканини тушуниб турибсан. Агар уларни ахир излаб топиб, гестапога келтиришса ҳолимга вой – қутулиб кетолмайман. Бу бир. Уларни излаб топиш қийин албатта, амалий жиҳатдан мумкин эмас. Ҳужжатлари ишончли, улар яшаётган тоқча тез орада америкаликлар етиб боришади, аммо Плейшнернинг хавфсиз эканига имоним комил эди, у бўлса энди йўқ... Пасторнинг ўзи-чи? Гестапочилар унга зарба беришлари мумкинми? Буниси гумон... уни Берндан чиқаришолмайди, аввалги қудратлари йўқ... Ҳақиқий куч-қудратларини билмаслигим ҳам мумкин-ку... Борди-ю, Мюллер билан тил топишган бўлса-чи? Унда Мюллер дастлаб: «Вольфнинг Даллес билан олиб борган музокарасини Кальтенброннер, Борман қаёқдан олишдийкин?» – деган саволни беради. Мен қандай ҳимояланишни ўйлаб қўйишим керак, лекин фикримни жамлай ололмаяпман, лаънати мушук ҳозиргина йўлимни кесиб ўтди, шу сабабли бирор бу

жин ургур чизиқни босиб ўтмагунча кутиб ўтиришга ҳақлиман... Хўп, яхши, агар чегара хизмати рейх чега-расидан ўтаётгандарнинг ҳаммасини яширин сурат-га олишдек навбатдаги қабиҳ янгиликни жорий этган бўлса-чи? Мюллер ҳозир Катя билан менинг суратимни кўраётган бўлса-чи?.. Нима деб жавоб қиласман?.. Нега энди у мендан шу ҳақда дарров сўраши керак экан? Унинг таъқиб қилиши ва Потсдамда ёки Веддингда менга топширилган алоқачилар билан боғланганимда кўлга тушириши икки карра иккидек аниқ».

Штириц ҳоргин кўзлари билан узунчоқ кўзгуга тикилди: кўча бўм-бўш, бирорта тирик жон кўринмасди.

«Хўш, нима бўпти? – ҳозирча таъқибнинг йўқлигидан хотиржам бўлишни истамай ўзига эътиroz билдириди у. – Бу давлатда қўшниларимдан учтасини чақириб олиб, ҳар сафар машинамда йўлга чиқишимни, ҳузурига келадиган барча машиналарни, барча велосипедчи, йўловчи, мотоциклчини қайд қилиб бориш вазифасини бемалол топширишлари мумкин... Улар итоаткорона қайд қилишади, ёзиб олишади, телефонда хабар беришади. Лекин мен асосий саволга чап бераман... Бу саволни менга Шелленберг беради... У ўзига хос табассум билан мен Вольф воқеасини ошкор этган кунлар мобайнида Швейцариядаги ишларим ҳисобот ёзиб беришимни таклиф қиласди... Шелленберг пастор билан учрашган жойларимнинг манзили, мен қўнғироқ қилган телефон рақамлари ёзилган ҳисоботни худди шу ерда, унинг хонасида топширишимни илтимос қиласди... Бернда эса улар ортимдан ҳар қадамимни текширадиган кузатувчилар кўйган бўлишлари мумкин... Уйга қайтиш ҳақида рухсатнома олишимга имоним комил бўлгани учун ҳам текширувларга эътибор бермагандим. Сен яхши иш қилмадинг, Исаев, шу сабабли қаерда кузатувга тушиб қолганингни эслаб кўр. Биринчидан, Плейш-

нер ижарага хона олган «Виржиния» пансионатида. Мюллер менга «Блюменштрассе»даги гестапонинг маҳфий учрашув хонасига шифровкамни келтирган одам билан юзма-юз учраштиришни ваъда қилганди... Плейшнер, миттигина, олакўз, жасур Плейшнер уни бундай қувончдан маҳрум қилди... Аммо Плейшнер билан қизиққаним, у истиқомат қилган пансионатга борганим – агар буни ташқи кузатувчи хуфиялар сезиб қолган бўлса – бари бир айбларимни исботлаш учун етарли далил бўла олмайди... Хўш... Яна нима? Нималар бор? Шуниси равшанки, Шелленберг пасторни чақиришишни талаб қиласди: «У менга ўша ёқда, эркинликда эмас, балки шу ерда, камерада зарур бўлади». Мен унга иш нуқтаи назаридан, мақсадга мувофиқ эмас, деб жавоб бераман; биз Шлаг орқали Швейцарияда турли хил сұхбатлар ўтказишнинг ажойиб имкониятига эга бўламиз: ҳозир соат ўн дақиқаси кам ўн икки, соатнинг занг уришигача яна бир оз вақтимиз бор, шундай экан, барча алоқаларимизни узиш шартмикан? Ёлғон гаплар билан ўзингни хотиржам қилмай қўя қол, бу аҳмоқона иш, шу билан бирга ноинсофлик. Шелленберг мантиқни ишлатиб ўтирмайди, у қўланса рейҳдаги барча одамлар сингари ҳиссиётга берилган одам. Ҳокимият тепасига чиқиб олган шайтонларнинг қалтис ҳаракатларини жиловлаб бўлмайди; уларнинг амалий иши назорат қилинмайди, уларни на қайта сайлаш, на иш юзасидан лавозимидан четлаштириш мумкин, улар фақат шу давлат тузуми билан бирга йўқ бўлишади... Айтгандек, бояги лаънати мушукни деб машинага тормоз берганим ва беш дақиқадан бери йўлнинг ўртасида турганим менинг фойдам: фақат таваккалчи кишигина шундай қилиши мумкин; Мюллernerнинг фикрича, бирор разведкачи ўзига эътиборни қаратмаган бўларди... Қойил, Штириц! Қизиқ, бу «мушук баҳо-

наси»ни машинани түхташ билан ўйлаб топдимми ё ҳозир миямга келиб қолдими? Ўзимга ўзим жавоб бермайман, бу ҳам ҳимояланиш усули... Мен на Мюллерга, на Шелленбергга жавоб бермаслигим керак, мен уларни суриштиришга мажбур қилишим керак... Бунга эса фақат биргина йўл орқали эришишим мумкин: мен учрашадиган биринчи одам Борман бўлиши лозим. Вольфнинг Даллес билан музокараси ҳақидаги пастор қўлга туширган тасмани унга бераман... Нега бермас эканман? Буни инглизлар нима дерди? «Рул энд дивайд» – «Бўлишиб олиб, билганингни қиласвер...» Бироқ, менинг уйимдан Борманга қўнгироқ қилиш мумкин эмас... Агар Мюллер уйимга ўзининг ваҳший одамларини киритиб қўйган бўлса, шу ердан қўнгироқ қилишимга рухсат беришади, деган фикр хаёлимга ўзи қаёқдан келиб қолди?

У моторни ўт олдириб орқага бурилди-да, марказ томон йўлга тушди – ўша ерда, метро ёнида телефон-автоматлар ҳали ишлаб турганди. «Фишермаркт»даги қаҳвахоналардан қўнгироқ қилиш мумкин: «Қўпол Готлиб»дан қўнгироқ қилишнинг фойдаси йўқ: бу ерда ҳамма гаплар туман гестапоси томонидан ёзиб олинади, Готлибининг ўзи ҳам қулоғини динг тутиб юради: империянинг ўттиз тўртинчи йил еттинчи июнда чиқарган қонуни бўйича ҳар бир ресторан, меҳмонхона, бар, қаҳвахона, пивохонанинг эгаси ҳокимият билан ҳамкорлик қилиши ва хулқ-атвори арзимаган бўлса ҳам шубҳали туюлган барча меҳмонлар ҳақида хабар бериши лозим эди. Агар сенинг ҳузурингга пиво ичгани келган одам соқоли олинмаган, бефарқ кийинган ёки аксинча, жудаям олифта, айниқса чет әл костюмida (инглиз ва америкача бичим дарров кўзга ташланарди) бўлса, агар меҳмон йигласа ёки ҳаддан ташқари қаттиқ кулса, хуллас, агар у бирор нимаси билан оммадан ажralиб турса, у ҳақда тезда

гестапо бўлинмасига хабар бериш лозим бўлади. Лўли ва яхудийларга (йўқ қилиниши лозим бўлган файри-инсонларга), ресторон, қаҳвахона ва меҳмонхоналарга кириш тақиқлангани сабабли, уруш бошланганидан кейин рейхга ҳайдаб келтирилган француз ишчиларига, Польша, Югославия ва Совет Иттифоқидан ишлашга олиб келингган «остербайтер»ларга ҳам жамоат жойларига кириш тақиқлангани сабабли ялпи кузатишнинг жазолаш системаси фюрер шунчалик таъсири номлаган «олий ирқли жаноблар» бошига ёғилди, худди ўшалар, «жаноблар»нинг ўзи «империядаги ҳар бир фуқаронинг озодликка ва иззат-хурматга бўлган ҳуқуқи» ҳақида шифокор Геббелснинг тарғибот аппарати томонидан ҳар куни, ҳар соатда жар солинаётган «герман миллатининг буюк рейхи» деб аталмиш улкан концлагерда маҳбус бўлиб қолган.

Штирлиц метронинг «Адольф Гитлер-Платц» станцияси ёнида машинани тўхтатди-да, чанг босган «хоръ» машинасини айланиб кузатиб чиқар экан, тезда уни ювиш лозимлигини, акс ҳолда, полициячилар шошилинч равишда маҳкамага хабар беришини ўйлаб қолди (унинг машинаси хизмат рақами билан юради ҳарфларнинг ҳар бир биримаси у ёки бу рейхминистрликка берилган, шунда кўчада кузатиш осон бўлади: ўртача мансабдорларнинг қаёққа боргани ҳақидаги маҳсус хабарнома йўл полициясининг алоҳида сектори томонидан ҳар куни таҳлил этилиб, кейин хизмат машиналарининг ностандарт туюлган маршрутлари ҳақидаги ахборот гестапога жўнатиларди).

Телефон аппаратига ўн пфенningлик иккита майда пул ташлаган Штирлиц ўйланиб қолди: «Ахир, аввал Борманга қўнгироқ қилиб, Мюллерни дабдурустдан ўзимга қарши қилиб қўяман-ку! У менга: «Кўряпсизми, Штирлиц, сизни ўзимизники қилиб олиш қан-

чалик осон бўлди, ўн дақиқада ҳаммаси жой-жойига тушди-қўйди», – деб роса қувонганди. Уни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Мен иш қиладиган ҳозирги вазиятда у биринчи шахс бўлиши лозим... Унинг адъютанти Шольцга қўнгироқ қилиб, қайтиб келганимни шефига хабар қилишини, ҳузурига киришим вақтини белгилашини, чунки менда ўта муҳим ахборот борлинини айтишим керак... Шундан кейингина Борманга қўнгироқ қиласман... Баракалла, Штирлиц, ўз вақтида жудаям муҳим тузатиш киритдинг. Қўшилувчи сонлар ўрнини алмаштирган билан йигиндиси ўзгариб қолмайди, дейишади. Бекор гап, шунақаям ўзгарадики... Лекин бардаги йигит рейхга қайтишим ҳақидаги буйруқни берган ўша дақиқадан бери мени азоблаётган лаънати саволдан ўзимни бекорга чалғитмаётган эдим... Ҳа-я, албатта, буйруқ эмас, илтимос эди, буниси аён... Мен ўша саволни – «нега қайтиб боришим керак?» саволни ўзимга беришдан қўрқяпман. Балки, Швейцарияда ўтирганлар ўзимизнинг рус газеталаримизни ўқиб, рейхда нима воқеалар рўй беришини шу ердаги мендан кўра кўпроқ билишларини наҳотки тушунолмаган бўлса? Лекин, нимани? Ниманийкин?

Штирлиц худди ўтган сафаргидек Борман билан унинг машинасида Табиатшунослик музейининг ёнида учрашганидан кейин ўзининг қайтиб келишидан нега Москва манфаатдор эканини фаҳмлаб етди.

ХА, ХУДДИ ШУНДАЙ: ҲАҚИҚАТАН ҲАМ СИЗДАН ШУБҲАЛАНАМАН

– Салом, Штирлиц, сизи кўрганимдан бағоят хурсандман. Ўтилинг, – деди Мюллер ва ўша ондаёқ юзининг чап томони буришиб кетди. – Ўзим тайёрлаган қўлбода олма арағидан ичишни истармидингиз?

– Истайман.

– Асл Магдебург яхна думбасидан татиб кўришни-чи?

– Жудаям хоҳлайман-да.

Мюллер китоб жавонига ўрнатилган холодильникдан устини қирор босган баварча «айнциан» шиша-сини, тахтача устида юпқа япроқланган оқ-қизғиши рангдаги яхна думбани, мидий консервасини олди-да, дам олиш хонасидаги кичкина стол устига қўйиб деди:

– Агар чекмасликнинг иложини тополмасангиз чекаверинг.

– Раҳмат. – Штирлиц кулимсираб қўйди.

Мюллер дарров унга қаради.

– Нега куляпсиз?

– Бир пайтлари яҳудийлар ёзувчиси Шолом Алейхемнинг китобини ўқигандим... Ўша китобида: «Агар мумкин бўлмаса-ю, лекин жудаям исталса, демак – мумкин», деган ғалати жумла бор эди.

– Ажойиб экан, – деди Мюллер қўлига қадаҳни олиб.

– Сизнинг эсон-омон қайтиб келганингиз учун, ўз бурчингизни қойил қилиб бажарганингиз учун ва сизнинг филология соҳасидаги қобилияtingиз учун ичайлик.

Штирлиц арақни ичиб, газагига думбадан татиб кўрди-да, – чинданам у foят мазали эди, – сўради:

– Нега энди филология соҳасидаги қобилиятиим учун бўларкан?

– Чунки барча яҳудийларнинг Германияда нашр қилингандай китоблари рўйхати билан танишиб чиқсан-

ман. Улар орасида Шолом Алейхем йўқ эди. Уни фақат Россияда нашр этишган.

– Тўгри. Уни яна Галлимар деган ношир Парижда уч марта чоп этган.

– Жин урсин, ўша Алейхемни, мен ҳозир уруғ-ай-моқларим орасида бирорта яхудий бўлишини истардим, яқин орада бу ерга Америкадан серҳаракат одамлар ёпирилиб келганидан, Сталин эса Илья Эренбергни ўзининг ноibi қилиб юборганидан кейин жудаям асқотиб қолган бўларди. Ҳа, майли, Борман билан суҳбатингиз ҳақида гапириб беринг-чи... Суҳбатни тасмага ёзиб олмадингизми?

– Йўқ. Бундан кейин ҳам ёзиб олмайман.

– Сабаб?

– Сабаби шундаки, у билан биринчи учрашувимдан кейин сизга бўлган муносабатимни шундогам ўзгартириб қўйди... Сиз унинг ҳузурида бўлдингиз-а?

– Буни ўзи айтмадими?

– Бу ҳақда яна ким айтиши мумкин?

– Масалан, сизнинг шефингиз ва менинг дўстим Шелленберг...

– Афтидан, менинг шефим ва сизнинг дўстингиз Шелленберг пастор Шлагнинг инглиз-америкаликлар билан хиёнаткорона музокарасига ҳамкорлик қилганим учун мени империя ҳалқ судига топширса керак.

– Шлаг кимнинг вакили экан? Наҳотки аллакимнинг номидан иш кўраётган бўлса? У биз билан боғланганми? Ё партия биланми? У хиёнатчи эди ва шундай бўлиб қолади, Шелленберг Бернга кимни юборишни яхши билган... Ҳар ҳолда Шелленберг сиз билан «душманлар қўмакчиси» сифатида шугуланишимни ҳали мендан илтимос қилганича йўқ...

– Илтимос қиласи.

– Бу ҳақда Борманга айтдингизми?

– Албаттa.

- Муносабати қандай бўлди?
- Ўйлаб кўраман, деди... Лекин сиз бундай имко-
ниятни у билан олдиндан муҳокама қилиб олгансиз
чоги, менга шундай туюлди...

Мюллер яна қадаҳларни тўлдирди-да, ўзиникини
ёруқса тутиб бошини чайқаб қўйди:

- Нима жин уриб ҳаммамиз сиёсатга берилдик-а,
Штирлиц?

- Қанақасига сиёсатчи бўларканмиз? Жосуслармиз...

- Бу оламда айни жосусларгина чинакам сиёсатчи-
лар ҳисобланишади: улар ҳамма нарсадан хабардор,
яъни мутлақ ҳақиқатни билишади, сиёсат эса худди
илон каби тўлғаниб турари, ахир ошиқнинг бир томо-
нида ҳам олчи, ҳам товваси бўлмайди-ку.

- Худди шу сабабли уларнинг ишига асрлар даво-
мида муҳтоҷ бўлишади, нима деганда ҳам бу хомха-
ёллик, одамлар эса унга ҳирс қўйишади.

- Борман чинданам сизнинг хавфсизлигинги
таъминлаб туришни мендан илтимос қилганди, сиз
яна топдингиз... Швейцарияда яхши ухладингизми?

- Худди шу ерда бўлганидек.

- Лекин у ерда бомбардимон йўқ, сокинлик...

- Мен бомбардимонга эътибор қилмайман.

- Тақдирга ишонувчиларданмисиз?

- Сиз одамни ҳар нарсага дучор қилишингиз мум-
кин, – деди хўрсиниб Штирлиц.

- Ҳа, рост, бунисига устамиз, – маъқуллади Мюл-
лер очиқ кўнгиллик билан. – Хўш, қани, айтинг-чи, у
нималар ҳақида гапирди?

- Шелленбергнинг, афтидан, ўз ишини Швейца-
рияда давом эттираётгани ва Стокгольмда янгисига
тайёрланаётгани ҳақида.

- Сизга музокараларни барбод қилиш соҳасидаги
мутахассис сифатида Шелленбергнинг бу ўйинига
суқилиб кириб олиш вазифасини топширгандир?

- Ҳа.
- Лекин на Борман, на сиз буни қандай амалга оширишни билмаяпсизлар чоги?
- Худди шундай.
- Энди гестапочи Мюллер, кекса отахон Мюллер бу ишда сизларга ёрдам бериши керак-а?
- Керак.
- Ҳүш, буни қандай амалга оширсин у? Нима, бошида шохи борми? Шефингизга сирдош бўлиб олиш йўлини тополмаяпман. Икки кундан бери бош қотириб бирон натижа чиқаролмаяпман. Қани, ўз фикрингизни айтинг, Штирлиц. Сиз ақлли ва айёrsиз... Ҳаёлингизга келганини дадил айтаверинг, хато жойига тузатиш киритаман...

- Группенфюрер, сиздек одам билмаганидан кейин ҳатто барча айёрлигимни ишлатсан ҳам бир нима қила олармидим...

- Штирлиц, олифтагарчиликни ёқтиромайман... Бунинг устига олифтагарчиликни ўрнига ҳам қўёлмайсиз, ҳаддан ташқари доносиз... Вольф иши юзасидан ўтказган операциянгизнинг барча жараёнини менга айтиб беринг-чи... Инглизлар суд иши кўрилаётганда таққослаш қонуни асосида ҳаракат қилиш лозим, деган удумга амал қилишганда унчалик ноҳақ эмасдилар... Кулогим сизда...

Штирлиц текширув бошланганини тушунди. «У барча иш юзасидан ўзим тўқиган ривоятимни қандай баён қилишимни тинглаб кўрмоқчи. Кейин буларни агентура маълумотлари, телефондаги гапларими ни таҳлил этиш, кузатув хизматининг рапортларига асосланиб текшириб кўради... Ҳозир у ўрнидан туриб ёзиб олиш аппаратининг кнопкаси яширилган жавон ёки бирон нима ёнига бориши керак... Рўпарамда ўтирган ҳолда чўнтагига қўл солиб диктофонни пайпаслаб кўрмаса керак, у пиҳини ёрган жосус, ўз иши-

нинг устаси, контрагент ҳаракатини олдиндан ҳисобга олиб қўяди...»

Бироқ, Мюллер ўрнидан турмади, шунчаки стол устидаги кичкина пультни олдига сурди-да, кнопкасини босиб деди:

– Сўзларингизни ёзиб оламан-да, кейин биргалашиб эшитамиз, агар аллақандай тушунмовчилик бўлса, унга қайтиб, таҳлил қиласиз. Майлими?

– Албатта, – жавоб берди Штирлиц ва бу кишига, унинг ўта мұхим мантиғига яна бир марта қойил қолди. – Шундай қилиб, менга пастор билан иш олиб бориши вазифаси топширилган эди. Шелленберг, афтидан, агар Даллес билан музокаралар муваффақиятсиз тугаган ёки бу ҳақдаги маълумот фюрернин қулогига етиб борган тақдирда Вольфни мұхофаза қилиш мақсадида пастордан фойдаланишни кўпдан бери ўйлаб юради. Иш юритиш жараёнида Шлаг билан қизиқдими – у муносиб одам, ўз мавқеи бор, жасур, ҳамма нарсага тайёр, немислар иложи борича тезроқ сулҳ тузишга эришсалар бас... Шлагнинг пацифистлар ҳаракати орасида анчагина алоқаси бор, унинг номини Ватиканда ҳам билишади, собиқ канцлер Брюнинг билан кўпдан бери қадрдон... Олдиндан келишиб олинган ривоятга кўра, у сулҳ тўғрисидаги музокараларда бир қатор бообрў кишилар номини айтиб, Аллен Даллес билан ҳамсуҳбат бўлиши лозим эди, чунки у – Даллес агентларининг сўзига кўра – мамлакатда тартибни сақлаб туришга қодир ва Германиянинг русларга ем бўлиб қолишига имкон бермайдиган – Ялтада қарор қилинганидек эмас – рейхдаги мавжуд кучлар орасида таянчга эга эмасди. Шлаг Даллеснинг обергруппенфюрер Вольф билан музокара бошлага ни ҳақидаги маълумотни Брюнингдан олди. Лекин бу – ҳаммаси эмас. Шлагнинг фикрича, – ҳузурингизга нима мақсадда келганимнинг энг асосийси шу, бу

хақда Борманга айтганим йўқ, садоқатимни қадрланг – Вольф операцияси биргина сизнинг дўстингиз ва менинг шефим эмас, балки бош штаб ҳамда ташқи ишлар министрлигидаги анчагина жиддий кучлар томонидан режалаштирилган...

– Даил борми? – йўталиб сўради Мюллер.

Штирлиц унинг атайлаб йўталганини, овози та-смага тушиб қолишини истамаётганини фаҳмлади, йўтал овозни таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборади, бироқ, ўзича таъкидлади Штирлиц, бош штаб ва дипломатлар тўғрисидаги унинг тўқимасига Мюллер лақقا ишонди, ўша ондаёқ даил сўради... «Ха, майли, сенга далилларни бераман, фақат ўзимнинг бу фоямни пасторга айтмаганим ёмон бўлди-да, ўйлашимча, улар тезда пасторнинг изига тушишади... Шундай қилиш керакки, Мюллер, ха, айнан Мюллernинг ўзи Швейцарияга боришни менга топширсин. Сўроқ пайтида ўзимни шундай тутишим керакки (бунинг сўроқ экани аниқ). Мюллерга мутлақо зарур вазиятни юзага келтириш учун эса савол-жавоб замирида бирорта муҳимроқ нарса қолдириш лозим... Қармоққа илинтириш керак, фақат шошқалоқлик қилинмаса бас, фақат мен бошлаб берсам бас, фақат бу толиқкан кишида хаёл суриш истагини уйғотсан бўлгани... Бу истакни қандай уйғотсамикан? Манфаат, шахсий манфаат истаги керак, у ақлли одам, у ҳозир ҳамма нарса бой берилган бир пайтда фақат ўзи ҳақида ўйлаши лозимлигини тушунади. Лекин у ҳам Гитлернинг гаровида. Уларнинг барчаси гаровга олинган, хаста, қалтироқ, васваснинг қўлида гаровда турган қўрқоқ, нимжон одамлар... Даҳшатнинг ўзгинаси бу! Нега шундай бўлганийкин? «Ўзинг кўр-кўрон-на сажда қилувчи пирни яратма», деб тўғри айтишган. Улар ана шу пир ўзларини жаҳоннинг қудратли ҳукмдорига айлантиради, бутун нисониятни бизга

құл қилиб беради, деб ўйлашғанды... Чаламуллалик, ҳақиқий билимларнинг етишмаслиги ҳамма вақт шу хилдаги назарияни юзага келтиради, билим олишни ҳаммаям ёқтиравермайди-ю, лекин болаларни тарихни ўқишига, чет тилларни ўзлаштиришга... мажбур қилишади, миллий-социализмнинг назарияси дангасаларга, ҳаммадан кўра спорт ўйинларини, радиодан эшиттириладиган кўнгилочар дастурларни, ишдан келиб кечқурун бир кружка пиво ичишни ёқтирадиган одамларга мўлжалланган...»

– Фалати далиллар бор, – деди Штирлиц, – Шлаг менга бор гапни айтавермайди, баҳосини ошириш мақсадида кўпгина нарсаларни сир сақлаяпти. Бироқ, мазкур масалада гапининг мантиғи чуқур, мутлақо мукаммал. Мана унинг схемаси: нега Вольф ўтган йилнинг охирида рейхсфюрер шахсий штабининг бошлиғи вазифасидан олиб ташланди? Ахир, бу ҳалоқат, барбодлик-ку, шундай эмасми?

Штирлиц жавоб кутиб Мюллерга қаради: у индамасди, диктофондаги тасманинг шитирлаб оҳиста ўралаётганини Штирлиц ҳис этиб, кулимсираб сўради:

– Группенфюрер, овозингиз меники билан бир тасмада бўлишини истамаяпсиз-а?

Мюллер индамай бош иргади.

– Яхши, тушундим. Ҳозиргина ўзим айтган «группенфюрер» сўзини ўчириб ташлаш осон, афтидан швед тасмаси бўлса керак, яхши уланади, эшитилаётгандага узилиб кетмайди... Давом этамиз... Вольфнинг «барбод бўлиши» деб аталмиш бу иш шу ерда, Берлинда, худди шу бинода ўйлаб топилган операциянинг биринчи босқичи эди... Шимолий Италиядаги қўшинлар гуруҳи қўмондонининг ўринбосари лавозимиға Вольфни тайинлашга розилик бериши лозим бўлган бош штабни бу ишга аралаштириш иккинчи босқич бўлганди. Генерал-полковник Гудерианнинг

имзоси билан армия ана шунга розилик билдириди. Протокол қонун-қоидаси Вольфнинг Италияга келиш факти дипломатия тартибига кўра Муссолини ҳукумати билан келишиб олишни талаб қиласарди. Бу масала ҳақидаги ёзишмалар ташқи ишлар министрлигининг архивида сақланмоқда. Сиз билан биз кийиб юрган шунчалар фаразли СС қора мундирини Вольф моҳирлик билан яшил френчга¹ алмаштириди; ҳарбий киши – хизматчилар тоифасига хос одамлардир, бир-бирига душманлик руҳидаги генераллар ҳам вақт-вақти билан музокаралар столи атрофига доимо тўпланиб туришган... Буларнинг ҳаммаси Арденнада иттилоқчиларга қарши ҳужум арафасидаёқ бўлиб ўтганди. Демак, бу ҳақиқатда ҳам бир йил олдин тайёрланганмиди? Бунинг устига, Шлагнинг фикрича, Шелленберг Канарисни олганда, адмирал унда, афтидан, Вольфга Даллес билан бемалол, баҳамжиҳат суҳбат қилишини таъминловчи алоқа воситаларини гувоҳларсиз топширган, агар пастор юзасидан олиб борган менинг... Йўқ, айтайлик, сиз билан менинг ишимиз бўлмаганда, музокаралар, шубҳасиз, муваффақиятли тугаши мумкин эди... Сиз далил келтиришни сўраган эдингиз; мен пастор мулоҳазаларининг мантиқий шаклини сизга баён этдим – бу, агар ишонсангиз, далил ҳисобланади. Фақат Гудериан учун Вольф ҳақидаги буйруқни вермаҳт штабида бевосита ким тайёрлаганини синчковлик билан текшириш керак. Шелленберг шубҳасиз ўзининг шахсий алоқаси орқали, балки армиядаги анча ишончли агентураси орқали ҳаракат қилган. Гелен Гудерианга энг яқин одам. Унинг ишлари Шелленбергнинг иккинчи бўлинмаси фаолияти билан тулашиб кетган. Балки ўшамикин, Геленмикан?

Мюллер ёзувни тўхтатди-да, Штирлицнинг ёнига келиб сўради:

– Геленни сизга Шлаг айтдими?

¹ Ҳарбий бичимда тикилган калта камзул.

- Йўқ.
- Геленни Шелленбергнинг яқин одами, деб ҳисоблашга бирор асосингиз борми?
- Йўқ... фараз.
- Айёрлик қиляпсиз-а?
- Гўдақдек сир-асрорим йўқ.

Мюллер тўсатдан қўрқиб кетди; бундай ваҳимани кутмаган эди, чунки унга Штириц худди ўзининг фикрларини уқиб олаётгандек, қилмишлари ҳақида сирли равишда хабардор бўлаётгандек, ҳаммадан махфий тутиб ўйлаб қўйиган ишларини олдиндан билаётгандек туюлди. Бу ҳолат бир эмас, кўп такрорланди. Илгари Штирицнинг махфий хизмат билан, тўғрироги рус махфий хизмати билан алоқаси борлиги ҳақидаги, уни эндилиқда шу ерда, хонанинг ўзида отиб ташлашга имкон берувчи маълумотларни олмасдан аввал бунақа топқирлик группенфюрерга эрмак бўлиши мумкин эди, аммо ҳозир у ҳаётида биринчи марта ўзининг ожизлигини ва австриялик лаънати девонани деб фожиона чорасиз аҳволда қолганини ҳис этиб даҳшатга тушди.

«Унинг руслар билан алоқаси борлиги ҳақида ҳозир дабдурустдан сўраб қолсан-чи? – ўйлади Мюллер.
– Албатта чўчиб тушади. Унинг мудҳиш аҳволини ўз кўзим билан кўраман-у, шунда ҳозиргина бошимдан кечирган ваҳимадан холи бўламан. Йўқ, – деди ўзича,
– бундай қилишга ҳақим йўқ. Штириц – сен учун у картанинг кўзири, у билан исталган тузни босишинг керак. Лекин ўйин қонли бўлиши кутилмоқда, агар у мени тушунса, бирор нимани биламан-у, аммо индамаётганимни ҳис этса, чорасиз мағлубият бўлади».

– Хўп, майли, Гелен ҳақидаги маълумот диққатга сазовор, раҳмат, Штириц. Пастор билан алоқани келишиб олганмисиз?

- Ҳа.
- Алоқа икки томонламами?

- Албатта.
 - Энди гап бундай... Чегара соқчилари сизни чегарадан ёлғиз ўзингиз эмас, балки аёл билан ўтганингизни хабар қилишди. Шу түғрими?
 - Йўқ. Нотўғри. Мен биргина фрау Кирштайнни эмас, балки иккита боласини ҳам чегарадан олиб ўтганман.
 - Ким у?
 - Қочоқлардан. Эри биздаги Крупп заводларининг бирида ишлаган, соат техникаси мутахассиси, швейцариялик... Ҳалок бўлган... Аёл йўл ёқасида турган экан, ваҳшийларнинг ҳаво ҳужуми энди тўхтаганди...
 - Болалари неча ёшда?
 - Эмизикли эди, икковиям... Афсуски, бунақаларнинг ёшини фарқ қилолмайман...
 - Швейцариянинг қаерида тушиб қолди?
 - Бернда.
 - Меҳмонхона ёнидами?
 - Ҳа.
 - Номи нимайди?
 - «Олтин тож ишқида».
- Мюллер елкасини қисиб қўйди:
- Швейцария республикасидагилар энг золим ҳокимият белгиларига эга бўлган қиролларга тақов номларни намунча яхши кўришаркин-а!
 - Менимча, яқин орада биздаги барча меҳмонхоналарнинг ҳам номлари ўзгарса керак – республиканча номлардан кўра, бошқачароқлари сероб бўларди. Ҳар бир одам ўзи муҳтож бўлган нарсага ўта қизиқувчан бўлади...
 - Ҳм, эҳтимол шундайдир... Берлинда шубҳасиз «Рус саройи», «Калинка», «Самовар» номли меҳмонхоналар пайдо бўлса керак.
 - Мюнхенда эса «Уолдорф Астория» ва «Пенсильвания» номлари бўлади, – қўшимча қилди Штирилиц!

Мюллер бош иргаб қўйди, сўнг эринибгина керишиб сўради:

– «Виржиния» меҳмонхонасида кимни излаган эдингиз?

– Швейцарияда орқамдан кузатганмидингиз?

– Сизни муҳофаза қилгандик.

– Ундай бўлса жавоб бераман: «Виржиния»да мен пастор билан мулоқотда бўлган профессорни излагандим.

– Нега «Виржиния»га пасторнинг ўзи бормади?

– Чунки хавфсизлик чоралари ҳақида унга кўрсатма бергандим. Профессор... исми ёдимдан кўтарилибди... пастор билан учрашувга келмади... Кўп нарсадан хабардор киши, рейҳдаги аллақандай ўта маҳфий гурӯҳ вакили... Нимагадир ўзини ўлдирибди...

Мюллер френчининг чўнтағидан кичкина қоғозни эринчоқлик билан олди-да, Штирицнинг рўпарасига қўйди.

– Бизнинг маҳфий квартирамизга бу шифровкани худди ўша одам олиб келганди. Сизни камерага ўтқизишга тўғри келганда кўрсатганим ёдингиздами? Жудаям ғалати-я, тўғри эмасми? Шифр худди ёшгина радиист аёлнинг, ёшгина дилбар она шифрининг ўзгинаси...

«Агар у мени чап қўлда ёзишга мажбур қилса иш расво бўлади, – ўз шифровкасининг ёнларини текислаб ўйлади Штириц. – Бунга ўзини олдиндан тайёрлаш кепрак. Кўлга тушдимми? Тасодифми? Ёки у ўйин қиляптими? Агар Мюллер ўзининг шубҳаларини Борманга айтган бўлганда, у боягидек муомала қилмаган бўларди».

– Мендан шубҳа қиляпсизми, группенфюрер?

– Маълум даражада.

– Бу даражанинг ўзи қанаقا?

– Мен сиздан, ўйинингиздан шубҳа қиляпман. Биласизми, чамаси, «минивольфиада» ўйинидан... Нега энди шундай қилинмас экан? Инсон сифатида сизни

тушунишим мүмкін: ҳозир бизнинг «миллий умумийлик» давлатимизда ҳар кім ўзи ҳақида ўйлаяпти.

– Агар ростанам шунаңанги ўйин қилаётган бўлсам-чи? – оҳиста сўради Штирлиц. – Агар бу ерда иттифоқчилар бомбардимонининг гумбур-гумбури бошланган дақиқада жўнаб қолиш ҳақидаги сизнинг режангиз менга энг қулай туюлса-да, бари бир, ҳатто сизга ҳам унчалик ишонмай ўз ролимни ўйнаётганимни сизга айтсан-чи? Ахир сиз кимлар билан жўнаб кетишимизни шу пайтгача менга айтганингиз йўқ-ку. Ростанам қаёқча? Қандай қилиб? Сиз корхона на хўжайини бўлишни истаяпсиз, лекин мен сизнинг корхонангизга пулимни эмас, ҳаётимни тикяпман. Шу сабабли пастор билан пухта иш олиб бордим.

– Ва унинг синглиси билан болаларини аллақаерга шунчалик усталик билан яшириб қўйдингиз-ку, бечора Айсман нақ ўзини осиб қўяёзди. Синглиси қаерда?

– Швецияда.

– Алдаманг.

– Бўлмаса сўраманг.

– Лекин уни топсам, пастор мени ширкатингизга қабул қиласдими?

– Агар пастор билан менинг фаолиятимни маъқулласангиз, у сизни ширкатга қабул қиласди. Аниқроғи – фаолиятни давом эттиришни маъқулласангиз.

– Маъқуллашим нимадан иборат бўлади?

– Шундан иборатки, у, Шлаг рейхдаги мавжуд кучлар номидан иш кўрувчи шахсга айланиши лозим. Шелленберг эмас, Шлаг.

– От ўрнини той босишига Даллес розилик беради, деб фараз қиляпсизми? Менинг номим унинг учун Вольфникидан кўра диққатга сазовор бўлади, деб ўйлайсизми? Мени ҳеч ким Вольф каби ўйинга жалб қилгани йўқ, на Гиммлер, на бош штаб ва на дипломатлар. Мен – қўрқитувчи шахсман, бу ҳар қандай нодонга ҳам аён.

– Лекин сиз армия одамларига нисбатан шунақсанги материаллар түплашга ва оқибатда уларнинг қўлини синдириб, бизнинг манфаатимиз учун ишлашга мажбур қилишга қодирсиз... Даллес эса Вольф билан бўлган ачинарли муваффақиятсизликка қарамай, улар билан музокара столидан жой олади.

– Шелленберг билан учрашувингиз қачонга белгиланган?

– Ўзингизга маълум-ку...

– Биз унинг аппаратини ҳозирча эшитишга уламаганмиз.

– Ўн тўққиз-у ўттизда.

– Унга бир амаллаб: «Сталин Берндаги музокаралар ҳақида кимдан билиб олганийкин?» деган саволни бериб кўринг.

– Сизда шунақсанги маълумот борми?

– Штирлиц, сиздан Шелленбергга савол бериб жавобини эшитишни илтимос қиляпман. Тамом-вассалом...

– Унинг хонасидан тирик чиқиб кетишумга имонингиз комилми?

– Комил. Фақат эртага аzonда ўзингизнинг Бабельсбергингизда уйқудан уйғонишингизга имоним комил эмас, мана шунга чинданам ишонмайман. Худди шу сабабли ҳам сизга ҳайдовчимни бириткириб қўяман... Ҳа, ҳа, ҳайдовчимни, ўнг қўлингизнинг панжалари оғрияпти, машинани бошқариш сизга оғирлик қиляпти – буни Шелленбергга айтасиз... – Мюллор столдаги кнопкани босган эди, ўша заҳоти эшикда Шольц пайдо бўлди. – Ганс қаерда?

– Кутяпти.

– Илтимос, уни таклиф қилинг.

Ҳайдовчи кириб келди.

– Ганс, бугундан бошлаб сен мана бу кишига энагалик қиласан, – деди Мюллор. – Унинг ҳаёти хавф остида. Сен унинг уйида, биринчи қаватда тунайсан:

ҳеч кимга, бирорта тирик жонга эшикни очмайсан; сен у билан доим бирга бўлишинг, менга ва бебаҳт ўғлимга хизмат қилгандек унинг хизматини қилишинг лозим. Ҳаммаси тушунарлими?

– Тушундим, группенфюрер.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ (ОДЕССА)¹

Бу махфий ташкилот Мюллер гоясига асосан барпо этилган эди. Агар ҳозирнинг ўзида, қирқ бешинчи йилнинг мартада бирор чора кўрилмаса, рейхнинг ҳалокатидан сўнг эсесчи кадрларни қутқариб қолиш қийин бўлишини, амалий жиҳатдан мумкин эмаслигини у тушунарди. Агар ўша гояни тасдиқлашса эсесчиларни Лотин Америкасига, Испанияга, Португалияга ва нацист йўналишидаги монархияга асосланган араб мамлакатларига жўнатишнинг ишончли йўлларини барпо этишни молиявий жиҳатдан таъминлаш, сохта ҳужжатли одамлар орқали Ўрта ер дениз соҳилларидан дангиллама уйлар, автомобиллар, қайиқлар, чогроққина меҳмонхоналар сотиб олиб, уларни ССнинг таянч базаларига айлантириш, ташкилот манфаати йўлида ишлайдиган чет элликларни ёллаш, чегарада, полиция аппаратларида, дунёдаги транспорт, авиация ва океан компанияларида ишончли агентурани тайёрлаш мумкин бўлади.

Мюллер Ватикан билан бевосита алоқадор даракчиларга эга бўлиб, улар орқали Борманнинг ўғли, йиғирма ёшли Алоизнинг попликка қабул этилиш арафасида эканини, бу нацизм ахлоқи руҳига зиддигини билиб олганди. Бироқ, у маслагидан қайтмаганди, аксинча, бундай қилишга Гитлернинг ижозатини олганди. Мюллернинг тахминича, рейхслейтер ўз фар-

¹ СС аъзоларининг ҳозир ҳам ҳаракатда бўлган ўта махфий ташкилоти,

зандининг национал-социализм гоялари манфаати йўлида папага яқин бўлган клерикаллар¹ доирасига кириб олиш учун «оқсуяклар мартабасини қурбон қилаётганига» фюрерни осонгина ишонтиrolган.

Борман ўзига содиқ НСДАП аъзоларини сақлаб қолиш мақсадида ССдан яширинча маҳфий каналлар тайёрлаётгани, бунинг учун Гитлер эндиғина ҳокимият тепасига келган ўттиз учинчи йилдан бошлаб Берлин билан алоқа ўрнатган Ватиканнинг ташқи ишлар маҳкамасидаги айрим поплар билан қилинаётган алоқадан фойдаланмоқчи бўлаётгани ҳақидаги ахборот Мюллernинг қулогига мартнинг охиридагина етиб келди.

Мюллер кўчib юришнинг яширин каналларини Борман қандай барпо этаётганини аниқлашга уриниб кўрди-ю, бўлмади: чунки рейхслейтер сир сақлашни биларди-да. Шунга қарамай, Мюллер бетараф мамлакатлардаги элчихоналар ҳузурида вакил қилиб тайинланган НСДАПнинг бир қатор ишбошилари ҳарбий жиноятчи, деб эълон қилиниши мумкин бўлган барча шахсларнинг яширин равищда кўчib кетишига имконият яратиш билан боғлиқ ишларни фаол ўтказаётгани ҳақидаги маълумотларни тўплашга муваффақ бўлди.

Ана шундан кейингина у Борманга кўп гаплардан хабардор эканини эслатиб қўйди.

– Хўш, нима қипти? – сўради Борман унга қарамай. – Менинг одамларим чиндан ҳам мана шунақа ишлар билан шугулланишпти ҳам дейлик. Нима, улардан бирортасининг ҳалоллигига шубҳа қиляпсизми? Ўз манфаатини кўзлаяптими? Мендан бирон маълумотни яширишяптими? Алдашяптими?

«Қачон мен билан очиқласига гаплашаркин? – деб ўйлади Мюллер. – Нуқул гапи чала қолади, доим нишадандир ҳайиқади, ҳеч кимга ишонмайди... Шундай

¹ Черковнинг таъсирини кучайтиришга уринувчи оқим тарапфорлари

экан, нега энди бошлаган барча ишида ўзи билан бирга бўлишни менга таклиф қиляпти? Нега энди Штирлиц билан учрашганидан кейин умумий ҳаракатларни мувофиқлаштириб олиш учун доимий ҳамкорлик зарурияти ҳақида гапиряпти? Ишбилармон одамга ишонмаслик мумкин эмаслигини қачон тушунаркин? Қачон ҳақиқатни айтаркин?»

– Гап, айниқса сизнинг одамларингиз ҳақида бораётганда мен ҳеч кимдан шубҳа қилмайман, рейхслайтер. Шунчаки, гап ҳатто НСДАП ишбошиларининг тақдиди каби муҳим масала ҳақида бораётган бўлса ҳам, сиз унинг техник томонлари билан шугулланмаслигингиз лозим, деб ўйлайман. Техника – сиёсатчиларнинг эмас, балки мен каби техниклар насибаси... Мухолифларингиз буни билиб қолишса, сизни мағлубиятчиликда айблашади. НСДАП чет эл ташкilotининг Боле бошлигида бўлими тузилибди, бир-бирининг фаолиятини такрорлайдиган ташкилот тузишнинг нима ҳожати бор, большевиклар Берлин остонасида мажақлаб ташланади, ғалаба яқин, деб айюҳаннос солишади... Менинг фирмам эса қўшимча яширин марказ тузишга рухсат олиш ҳуқуқига эга, бу марказ бизга – уруш фожиона якунланган тақдирда – миллий-социализмнинг юз минглаб содиқ курашчиларини қутқариб қолишга имкон беради. Мен бундай марказнинг зарурлигини бир қатор дипломат ва ҳарбийларимиз орасида бир томонлама сулҳ бўлиши мумкинлиги ҳақида фикрлар мавжуд дегувчиларга асослаб бераман. Бундай муртадлар чет элда назоратсиз қолиш ҳуқуқига эга эмас, менинг шахсий гвардиячиларимни шошилинч равишда чет элга йўллаш лозим. Улар дунёнинг исталган бурчагида бу абллаҳларни кузатиб юриб, ҳар қандай жиноий хатти-ҳаракатнинг олдини олишади... Мен ҳатто Шелленбергдан гўё Лотин Америкасида янки ёки қи-

зилларга қарши қўзгалон етилиб келаётгани ҳақида бирон маълумот сўрашга ҳам тайёрман, бу, менимча, ҳужум нуқтаи назаридан фюрерни қизиқтириб қолади, унга ҳозир бунақа ишлар худди малҳамдек зарур...

– Нима ҳам дердим, – бурнининг учини қашиб деди Борман. – Яхши таклиф. Баёнотнома ёзиб келинг-чи, таклифингиз оқилона экани ҳақида фюрерни ишонтиришга уриниб кўраман... Сизда хомакиси борми?

– Мен зарур одамларни рейхдан хавф-хатарсиз жойга яширинча кўчириш учун тадбирлар ҳозирлаб қўйғанман. Европада деярли текинга сотиб олиш мумкин бўлган меҳмонхоналар бор: Лотин Америкасида эгалари ташлаб кетган кемачалар бор, уларни узоқ қариндошлиаридан ярим баҳосига сотиб олса бўлади... Менда ҳамма нарса тайёр, лекин ҳаракат қилишимга ижозат керак, ўзингиз биласиз, одамларимнинг чет элдаги фаолияти дарров Шелленгберг резидентлари томонидан сезиб қолинади, шундай бўлганидан кейин Гиммлер менга: «Нима мақсадда? Ким учун? Қарерга?», деб савол бериб қолиши мумкин.

– Хўш, бу саволни аввал сизга мен берсам-чи?

– Жавоб бераман... Сизга мумкин... Менинг ихтиёrimda ҳозир етмиш мингта қойилмақом ҳужжат – Парагвай, Аргентина, Португалия, Испания, Сингапур, Чилидан келтирилган паспортлар, ҳайдовчилик гувоҳномалари, нотариус шаҳодатномалари бор... Келажакдаги ишларимиз учун манфаат келтирувчи СС-нинг фаол, ақлли, ёш, абжир етмиш минг аъзоси билан суҳбат ўtkазилди... Бир қатор каналларни синааб кўриш мақсадида бир ўйин ўtkазишга рухсат бердим: касбдошлардан бирини соxта паспорт билан жўнатиб бутун Германия бўйлаб юришни, чегарамиздан Швейцарияга яширинча ўтиб олишни, кейин Италияга боришни, Римда соxта ҳужжатни Ватиканнинг асл паспортига алмаштиришни буюрдим.

– Ватиканда қанақа одамнаның бор? – сўради Борман.
– Сизга рўйхатини беришга тайёрман, итальянча
фамилияларни доим адаштириб қўяман...
– Ташаккур. Гоят қизиқиш билан кўриб чиқаман.
Ватикан бўйича ҳеч қандай маълумотга эга эмасман,
– деди Борман. (Мюллэр яна ўзича ўйлади: нега энди
нуқул алдайверади? Фойдаси нима? Ахир, Ватиканда
ўғли Алоиз бор-ку!) – Давом этинг, – илтимос қилиб
деди Борман. – Кулогим сизда.

– Мен ўша одамни, – деди хўрсаниб Мюллер, – фош
этилиб қолинган тақдирда – бу рейхдами, Швейцари-
ядами ёки Италиядами, қаерда юз беришидан қатъи
назар – унга ёрдам бермаслигим, ундан воз кечишим,
сотиб қўйишим ҳақида огоҳлантириб қўйдим, ҳамма-
си жанговар вазиятга яқин ҳолатда бўлиши лозимли-
гини уқтиридим...

Мюллер чўнтакларини кавлаштириб гижимлан-
ган халқаро телеграмма қофозини олди-да, Борманга
узатди.

– Бу нима? – сўради у.

– Бир қараб чиқинг-а... У Буэнос-Айресдан менга
хабар йўллабди. Матнга эътибор қилманг... унинг рас-
шифровкаси бундай: «Испаниянинг «Куэлья» фирмаси
реклама бўйича агент бўлиб ишга жойлашдим.
Ўртача сигимли кема ва сув ости қайиқларини қабул
қилиши мумкин бўлган Пунта Аренас ёнидаги кимса-
сиз ҳудуддан иккита уй сотиб олса бўлади. Қирқ минг
доллар керак. Ҳамкасларимдан уч кишини ёллашга
тайёрман. Ватиканда ҳужжат алмаштириш аъло дара-
жада ўтди».

– Шундай йўл билан ҳамма жойда ССнинг янги қа-
роргоҳларини ташкил этиш мумкин, деб ўйлайсизми?

– Россияда – амримаҳол, – деди мазах билан Мюл-
лер. – Лотин Америкасида, мавқеимиз кучли бўлган
жойда ишларимиз юришиб кетади.

– Сизнинг навқирион ҳамкасабангиз у ерга қанчада етиб борганийкин?

– Беш ойда.

– Демак, ўтган йилнинг ноябридаёқ, сиз одамларимизни мағлубиятдан кейин қутқариб қолиш ҳақида ўйлаган экансиз-да! Рейхни дафн этишга эртароқ киришмаганмикансиз?

– Рейх қирқ учинчи йилнинг февралидаёқ, Сталинград воқеасидан кейиноқ дафн маросимларини кутяпти, деб ўйлагандим, – кескин жавоб берди Мюллер.

– Бундай гапларни юрак ютиб менга гапиряпсизми?

– Рейхслайтер, ахир сизнинг одамларингиз шу йўналишда анча илгари иш бошлаганди-ку...

– Менинг одамларим ғалабага имони комил, фюрерга содиқ эди, содиқлик қиляпти ва шундай бўлиб қолади!

Мюллер кафтини оғзига тўсиб йўталиб қўйди:

– Менга нисбатан ишончсизликни ҳис этсан, ўзини йўқотиб қўяман... Менимча, иккюзламачилик даври тугади... Энди бир-биримизга ҳақиқатни айтадиган вақт келди...

Борман ўрнидан туриб хона бўйлаб юрди, кейин дераза ёнида тўхтади-да, пешонасини ойнага тираб, орқасига ўгирилмай деди:

– Ташкилотнинг тузилиш тартибини менга тушунтириб беринг-чи. У қанақа бўлинмалардан тузилади? Чет элликлар билан қандай ва ким орқали алоқа қилиб турилади? Бунга жалб этилганларнинг ҳозирги ва кейинги сони қанча бўлади? Ташкилот аъзоларини танлаш принципи қандай? Номзодларни ким тасдиқлайди? Оила аъзоларининг аҳволи қандай бўлади? Жаҳоннинг турли ҳудудларидағи ташкилот аъзолари орасида алоқа формаси қанақа? Штаб қаерда жойлашади? Унинг тузилиши қандай бўлади? Ким буйруқ беради? Уларнинг шакллари қанақа?

Мюллер штаб ва унинг тузилиши, яъни, оддий тил билан айтганда, маҳфий ташкилотнинг бошида ким

туриши ҳақидағи асосий саволни Борман – аслини ол-ғанда, худди шу нарса уни қизиқтириши аниқ экани сезилиб тұрса-да, – гүё иккінчи даражали масала каби әнг охиріда сұраганини ўйлаб, яна йұталиб қўйди.

Лекин Мюллер рейхслейтер бошлаган ўйинни қа-бул қилиб (қабул қилмай ҳам кўр-чи) Борман берган саволлар тартиби бўйича кетма-кет жавоб берди:

– Ташкилотнинг тузилиши, тасавуримда, икки қатламли бўлади. Дастребки пайтда биз уни Сталин, Рузвельт ва Черчилль декларациясига мувофиқ НСДАП, РСХА ва армия аппаратларида хизмат қилганликлари учунгина текшириб кўрилмай, ёппасига ҳарбий жиноятчилар ҳисобланган СС офицерларини қутқариб қолишини зарурият туғилиб қолганда таъминлашга даъват этилган маҳфий уюшма сифатида номлаймиз. Менинг одамларимни Германияда кўздан қочиришнинг иложи бўлмаслиги сабабли – улар ҳамманинг кўз ўнгидаги юришади, давлат ҳалокатга учраганидан кейин сотқинликнинг авж олиб кетиши эса бизга маълум – гап ССнинг әнг садоқатли курашчиларини чет элга кўчириш ҳақида бориши лозим. Бироқ, ташкилот тузилишининг иккінчи асосий қатлами шундан иборат бўлиши керакки, келажакда курашимизни давом эттириш учун жаҳоннинг барча ҳудудларида таянч пунктларига ҳозирнинг ўзида асос солишимиз керак. Бизга содиқ бўлган чет элликлар билан алоқаларимизни тезда кўчириб юбориладиган офицерларимиз мустаҳкамлашади; Геббелъснинг тарғиботи жуда яхши ишләяпти, узоқдан ҳамма нарса яқындагига нисбатан бошқачароқ кўринади; бунинг устига, баҳтимизга билимдонлар унча кўп әмас. Одамлар кўпроқ миш-мишларга ишонишади, шу сабабли ҳали Аргентина ва Парагвай, Испания ва Португалияда бемалол ишлаш имконияти бор; биз ҳали Сингапур ва Индонезия, Бирма ва Бернеода япониялик

жанговар иттифоқчиларимиз имкониятидан түлиқ фойдаланганимизча йўқ, ахир худди ўша ерда Лондон ва Канада билан боғланган йирик савдо нуқтлари жойлашган бўлиб, булар Америка ва Европада ўрнашиб олишнинг ажойиб йўллари ҳисобланади... Сиз ўзбошимчалигимни кечиравасиз, деб ўйлайман; мен автомобиль, кимё ва авиация концернларимиздаги дўстларим билан Осиёнинг ўша ҳудудларида ўз филиалларини ташкил этиш перспектив режасининг баъзи томонларини гаплашиб қўйдим... Албатта, иттифоқчилар аввалига дарғазаб бўлишади, саноатчиларимизга жазо чораларини ҳам кўришлари мумкин, аммо иқтисодиёт ҳиссиётдан кучлилик қиласиди. Farb Германиясиз қаёққа ҳам борарди?

– Концернлар ўз мулоҳазаларини сизга ёзма равиша тақдим этишдими?

Мюллер жилмайиб қўйди:

– Наҳотки бунга кўнишса, рейхслейтер?

– Нега кўнишмас экан?

– Чунки улар ўз идораларидағи сизнинг вакилларингиздан қўрқишишади. Агар рухсатнома олганларида – бошқа гап эди, бир ҳафта мобайнинда таклифлар ба-тафсил тузиб чиқиларди.

– Кейин бу иттифоқчиларга маълум бўлиб қоларди... Улар эса Мюллер фамилияли киши нима сабабдан бу истиқболли лойиҳа билан бунчалик қизиқиб қолганидан ҳайрон бўлишишади... У ёки бу ҳолатда юз бераётган ҳодисаларнинг ҳаммаси яхшиликка буюрсин.

– Жа ҳаммаси эмас, – хўрсиниб деди Мюллер. – Бу масалада сиз яна ҳақ бўлсангиз ҳам, ҳаммаси эмас, рейхслейтер, мен ахборотлар ўзгалар қулогига етиб бориши мумкинлигини ўйламабман.

– Демак, Борман ҳамма вақт ҳам янгишавермас экан чоги? Гоҳида унда ҳам фойдаси кам фикрлар бўларканми? – сўради жилмайиб рейхслейтер. – Марҳамат, давом этинг.

- СС махфий ташкилотига жалб қилингандар миңдори масаласига келганды, ҳозир аниң бир рақамни айтишга ожизлик қиласаман, лекин бунақалар, тахминий ҳисобимча, ўттиз мингдан ортиқ кишини ташкил этади...

- Тахминий ҳисобнинг принципи қанаقا?

- Агар бундан икки йил аввал шунақанги ҳисоб-китоб чинакамига зарур бўлишини билганимда, агар биз бошидаёқ фақат ғалабани эмас, балки мағлубиятта учраш мумкинлигини ўйлаб иш юритганимизда, мен бир системани ўйлаб топардим ва у, гапимга ишонинг, яхшигина система бўларди... Ҳозир эса оддийгина йўлни танлашга тўғри келди: мен ҳисоблашни аппаратимдаги қутқарилиши лозим бўлган икки юз кишидан бошлидим... Менинг рус, украин, поляқ, яхудий, испан секторлари бўйича референтураларим раҳбарларининг ҳаммаси, саноат ва банклар устидан назоратни амалга оширган, мафкуравий, диний, ёшлар ташкилотлари масалалари билан шугулланган одамларим, концентрацион лагерлардаги ишларни амалга оширганларнинг бир қисми ҳозирнинг ўзида – албатта, сиз ўйлаган фикрларимни маъқулласангиз – олдиндан тайёрлаб қўйилган марказларга кўчиб ўтишга ҳозирликни бошлаб юборишлари лозим... Базель, Аскон, Милан, Ватикан, Пальма де Мальорк, Барселона, Мадрид, Лиссабон, Буэнос-Айрес, Асуњонда таянч базаларини йўлга қўйишни ўз зиммамга оламан...

Борман дунё харитасига қараб деди:

- Аниқ маршрут... Ёмон эмас...

- Танлаш принципига келганды, бу ўринда, албатта, маълум харажатлар бўлиши мумкин, яна вақт масаласи бор... Гестапо бўлимлари раҳбарларининг анчагина қисми менинг одамларим эмас; Кальтенбруннер кўпинча ўзи ҳомийлик қилувчи одамларини тайинларди. Шундай бўлганидан кейин вилоятларда-

ги тобеларимнинг ҳаммасига ҳам ишонавермайман. Аммо Гамбург, Мюнхенъ, Осло, Ганновер, Любек, Копенгаген, Флесбург, Бремен, Вюрцбург, Милан, Веймер, Дрезденда бемалол ишонадиган одамларим бор, уларга мутлақо ишонаман, улар мен каби фикр юритишади. Агар рухсат берсангиз, уларга рўйхат тушиб чиқиши буюраман, – Мюллер илжайиб қўйди, – албатта, бу маълумотларни ҳужжатларда акс эттirmай, оғзаки топшираман... Номзодларни тасдиқлаш масаласи... Ўйлашимча, тахминий танлаб олишни менга ишониб топширасиз-да, кейин ўзингиз унга оқ фотиҳа берасиз. Оила аъзолари масаласига келганда, улар оила бошлигининг ҳалок бўлганига ишонч ҳосил қилишлари керак... Раҳмисизлик бўлса ҳам шундай қилиш лозим... Акс ҳолда қидириб юришади... Қидирувни эса душманлар кузатиб боришади-ю, бутун ишимиз ошкор бўлиб қолади. Бўлажак регионал гуруҳларнинг ўзаро алоқа усуллари ҳақида... Бу масала штаб ҳақидағи саволингиз билан чатишиб кетади. Ўйлашимча, штабга мен бошчилик қилишимга тўғри келади... Агар сиз бу ўринда менга яна битта – НСДАП фюрери Борманнинг СС масалалари юзасидан маҳсус ёрдамчиси лавозимини эгаллашга ижозат берсангиз, зарур юмушларни ҳозирнинг ўзидаёқ бажарища менга имкон берувчи муассасанинг салмоғи ошган бўларди... Албатта, бунағанги лавозим ҳам, – Мюллер кулиб қўйди, – ҳужжатларда акс этмаслиги лозим, ҳар ҳолда ҳозирча...

– Сиз дўстим Гиммлернинг фамилиясини унутиб қўйдингиз... уни ҳозирча ҳеч ким СС рейхсфюрери лавозимидан четлаштиргмаган...

– Четлаштирилади. Четлаштиришлари зарур, – хотиржам жавоб берди Мюллер. – Рейхсфюрер лавозимининг нохушлиги унга яшириниб яшаш имконини бермаслигини ўзингиз ҳам биласиз. Кейин у...

– Нима? Марҳамат, айтаверинг, гапни чала қолдириш одобдан эмас.

– У сизнинг душманингиз, рейхслейтер, уни ҳисобга олишнинг нима ҳожати бор? Уни ҳисобдан чиқариб юбориш керак.

– Кальтенбруннер-чи? – ўйчанлик билан сўради Борман. – Нега энди – у ташкилот фюрери, сиз эса – штабининг бошлиғи ва ўринбосари бўлмас экансиз?

– Чунки мен Кальтенбруннерга ишонмайман, – жавоб берди Мюллэр.

– Бунга сизда асос борми?

– Бор.

– Қани, айтинг-чи.

Мюллер бошини чайқаб қўйди:

– Айтмайман, рейхслейтер. Илтимос, мени ке-чиринг, лекин бунаقا иш қилолмайман... Ҳеч қачон чақимчилик қилмаганман... Ўзингиз Кальтенбруннерни текшириб гапларимнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

– Қандай қилиб текшираман? – суриштирди Борман.

– Сиз унга Канарис билан бирга ишлашни илтимос қилиб кўринг.

– Нега энди айни Канарис билан? – ҳайрон бўлди Борман.

Мюллер кескин жавоб берди.

– Мен сизга айтишни лозим кўрганларимни гапирдим холос, рейхслейтер.

Борман елкасини қисиб, яна ўрнидан турди, хона бўйлаб бир оз юрди-да, кейин сўради:

– СС офицерлари махфий ташкилотимизни номини сиз нима деб атамоқчисиз?

– У ўзининг биринчи ҳарфлари билан атаб бўлинган, яъни ОДЕСС бўлган. ОДЕССни бизнинг ташкилотимиз деганингиз учун катта раҳмат...

– Ишларни қизитиб юбораверинг, Мюллэр... Бизнинг ОДЕССимиз йўли Берлиндан, шу ердан,

рейхсканцеляриядан бошланишини яхшилаб ўйлаб күринг... Бу йўлнинг қўшимча штабларини шу ерда, пойтахтда ташкил этинг, чунки кўча жанглари бўлиши кутилмоқда, ҳа, ҳа, афсуски, худди шундай... Ертўлалар, метрополитенлар, ер ости коммуникациялари – ҳаммаси сизга беш қўлдек маълум бўлиши керак... Мулла диний китобини билганидек бу нарсалар сизга ёд бўлиб кетсин...

БЎЙИНГА ТОРТИЛГАН СИРТМОҚ

– Нега энди пешонангизга ўқ узиб қўя қолмайсиз, Штирлиц? – аёлларга хос юмшоқ қўлини штандартенфюрернинг елкасига қўйиб сўради Шелленберг.
– Дафн маросимини дабдабали ўтказиш кафилини олган бўлардим.

– Мен мантиққа риоя қиласидиган одамман, – жавоб берди Штирлиц. – Менинг тоифамдаги одамлар шошма-шошарликдан ҳайиқишиади: шилқ этиб тушсан-у, бирор соатдан кейин эса тиригинг зарур экани аниқланиб қолади...

– Менга эса айнан мурда ҳолингизда кўпроқ фойдангиз теккан бўларди.

– Вольф билан Даллес музокарасининг барбод бўлиши сабабини менга тўнкаш учунми?

Шелленберг чуқур хўрсиниб қўйди:

– Албатта-да... Хўш, қани айтинг-чи, Мюллер билан нима ҳақда гаплашдинглар?

– Швейцариядаги операция ҳақида.

– Менга тўғрисини айтинг; у нимаси билан сизни қўлга олди?

– Билимдонлиги билан. У мендан кўра кўпроқ нарсани билади. У ҳаммасини билади.

– Агар у ҳаммасини билганида сизни оёғингиздан осиб қўйган, мени эса Канарис билан бир камерага

қамаган бўларди. У фақат ўзига тегишли нарсаларни гина билади. Менга эса яна сизнинг попингиз керак бўлиб қолди... Яна сизнинг янги ҳомийингиз Мюллерга ёлғон-яшиқ маълумотларни етказувчи бирорта киши зарур бўлади. Ишни барбод қилган бўлишингизга қарамай, нега сиз билан очиқчасига галлашаётганим сабабини биласизми?

- Мен барбод қилганим йўқ.
- Бўлмаса ким?
- Биз. Ҳаммамиз. Биринчи навбатда Вольф.
- Нималар деяётганингизни ўйлаяпсизми?
- Ўйлаяпман, бетўхтов ўйлаяпман... Хўш, ишни барбод қилган бўлишимга қарамай, нега мен билан очиқчасига гаплашишни давом эттирияпсиз?
- Чунки сиз қадамингизни билиб босасиз, ўз тақдирини Мюллер билан боғлаш – тентаклик. Биз, разведка, сувдан қуруқ чиқишимиз мумкин. У, гестапо, чўкиб кетишга маҳкум этилган... Сиз ростанам унинг ҳузурида бўлдингизми?
- Ҳа.
- Ўзи сизни чақиртирдими? Мени хабардор қиласдан-а?
- Ўзингиз ҳаммасини яхши биласиз-ку, бригаден-фюрер... Ўйлашимча, Базель яқинида мен пасторни ўtkазиб юборган «дарча» миздаги чегара соқчи офицери Мюллер томонидан ёлланган бўлиши керак, нима деганда ҳам бу сизнинг шахсий «дарчангиз» эди, гестапо ҳужожатларида қайд этилмаганди... Мюллер ана шу офицер орқали пасторни сезиб қолган. Қариянинг ортидан «дум» қўйишиган – Швейцарияда ҳозирча Мюллernинг мавқеи ҳали кучли; пастор сиз билан биргаликда тузиб чиққан режамизга мувофиқ Даллес билан қизиқсан. Даллес уни Вольф билан учраштирган, ёш миллат, разведкани энди йўлга қўйишияпти, тажрибаси кам, шу сабабли фош бўлиб қолди. Пастор

менга бириктирилгани сабабли Мюллер мени роса сўроқлаб бурчакка тиқиб қўйди. У ўзи билган маълумотларнинг юздан бирини ҳам менга айтмади. Лекин у ҳаммасини билади. Сиз билан суҳбатимиз ҳақида ҳам унга ахборот беришга мажбурман... Фирмамизнинг бўриларга хос қонунига лаънатлар бўлсин-у, лекин уни мен яратганим йўқ...

– Мен ҳам... Суҳбатимиздаги қайси гапларни унга етказасиз?

– Сиз лозим топганингизни...

Шелленберг ўрнидан туриб, хона бўйлаб бир оз юрди-да, китоб жавони ёнида тўхтади, чети зарҳал саҳтиён муқовали қадимги китобни олиб керакли саҳифасини очди (орасига қизил тасмача – хатчўп қўйилганди), сўнг ўқишига берилди: «Киноя ва ҳажвијалар отаси бўлмиш Свифт ёшлигидаёқ ўзини телбалик кутаётганини башорат қилганди. Бир куни Юнг билан боғда сайр қилиб юриб, у энг тепасида битта ҳам барги қолмаган қайрағочни кўриб қолди. Шунда Свифт Юнгга: «Мен ҳам худди шу йўсинда калламдан ўла бошлайман», деди. Олий табақали амалдорлар орасида ўзини ўта мағрур тутган Свифт энг ифлос майхоналарга жон деб борар ва бу ерда қартабоз, йўлтўсар, фоҳишалар даврасида кунини ўтказарди. Ўзи тақводор бўлса ҳам, мазмунан динга қарши китоблар ёзарди, шу боисдан: «Унга епископ мансабини беришдан аввал бошқатдан чўқинтириш керак», дейишарди. Свифт эса ўзи ҳақида: «Ақли заиф, кар, ожиз, ношукур», деб ёзганди. Унинг мантиқсизлиги жудаям қизиқ; севган аёли Стелла вафот этганда умидсизликка берилди-ю, аммо ўзини юпатиш мақсадида: «Хизматкорлар ҳақида мактублар» деган кулгили асарини ёзди. Ўшандан кейин орадан бир неча ой ўтгач, Свифт эс-ҳушидан ажралди. Лекин унинг тили ҳамон устара каби ўткир эди. Кейин у одамовиликка берилиб, ўз

хонасига қамалиб олган ҳолда ҳеч нима ўқимай ва ҳеч нарса ёзмай бир йилни ёлғиз ўтказди. У гүштли овқатдан воз кечди, хизматкори остонада кўриниши билан қутуриб кетадиган бўлиб қолди. Бироқ, бутун аъзои баданини чипқон босиб кетгандада Свифтнинг эс-ҳуши жойига келиб қоларди-ю, нуқул: «Мен – жинниман», деб такрорлайверарди. Кейин у яна бутунлай руҳий тушкунликка бериларди, лекин гоҳида унда киноя аввалги куч билан жўшиб кетарди. Вафотидан бир неча ой илгари унинг шарафига мушакбозлик ўтказишганда Свифт: «Бу телбалар теварак-атрофдагиларни ақлдан оздирмасалар бўлгани», деди. Ўлими арафасида у руҳий bemорлар фойдасига ўн бир минг фунт стерлинг ўтказишни рад этиб васиятнома ёзди. У шунингдек, доимо ўзига азоб берган даҳшатли ахлоқий уқубатлар ифодаси бўлмиш «Бу ерда мағруона нафратдан энди юраги зўриқмайдиган Свифт дафн этилган» эпитафиясини¹ ёзib қолдирди».

Шелленберг китобни жойига қўйиб, Штирлиц томон кескин ўгирildи:

- Буни сизга нимага ўқиб берганимни тушуняпсизми?
 - Мюллernинг ҳақиқий руҳий қиёфасини тушуниб олишимда менга ёрдам бермоқчисиз шекилли?
 - Мюллер рейхслейтер Борман фойдасига ишляяпти, буни жуда яхши биласиз.
 - Бу парча Борманга тааллуқли эмас, бригаден-фюрер.
 - Бечора Борманнинг юраги теварак-атрофдагиларга мағруона нафратдан аллақачон зўриқиб бўлган, Штирлиц. У зўриқсан юрак билан яшашда давом этяпти...
- «Буям мени аллақандай найрангга мўлжаллаяпти,
- фаҳмлаб қолди Штирлиц. – Уларнинг ҳаммаси ниманидир билишади-ю, мен эса айнан нималигини тушунолмаяпман. Мени ўйнатишяпти, агар ким сифатида ўйнатишларини билолмасам, демак куним

¹ Эпитафия – қабр тошидаги бағишлиов.

битган бўлади. Агар Мюллер билан Шелленберг ўзаро савдолашиб ўз ўйинларини бошлаган бўлишса-чи? Ўзаро фикрлашиб олишганмикан? Афтидан шунақага ўхшайди, иккаласиям ҳаддан ташқари аниқ саволлар беришади, ҳеч қандай такрори йўқ. Лекин бу – менинг фойдам. Тартибга нисбатан бўлган эҳтиросли интилиш уларга панд беради, улар ролни ўзаро бўлиб олишган: улар гапда янгишишлари, бир-бирларини такрорлашлари, ўзларича фикр юритишлари лозим эди... Ҳар ким ўзи билан ўзи бўлгани маъқул эди. «Ким билан у курашди? – қирқинчи йилнинг кузида Париж харобазорида сотиб олган Пастернак шеърлари босилган журнални такроран эслади у. – Ўзи ўзи билан, ўзи ўзи билан».

– Хўш, – деди ниҳоят Штириц. – Агар жигари, томирлари, буйраги ва мияси яхши ишлаб турса, зўриқкан юрак билан ғимиллаб туриш мумкин. Бунақа юракли одамнинг калласида бошқаларнинг тушига ҳам кирмайдиган фикрлар бўлса, у яшаши мумкин.

– Қойил! Ақлингизга балли! Сиз – ақлли одамсиз, шу боисдан сизни кечираман, бунақа иш учун бошқа ҳеч кимни кечирмаган бўлардим. Сиз истасам-истамасам ҳам барча ишларимдан хабардор экансиз, Штириц. Демак, энди сиздан бирор нимани яширишнинг ҳожати йўқ. Агар носамимий муносабатингизга ишонч ҳосил қилсан, нима иш қилишим ўзингизга маълум, биз муштлашишдан олдин ғижинишиб, ириллашиб бир-бирини қўрқитадиган бўрилар эмасмиз... Гап бундай, агар сиз билан менинг шефим рейхсфюрер нима ҳақда ўйлаётгани, фюгернинг вориси, рейхсмаршал Геринг нима ҳақда орзу қилаётгани, Гудериан, Типпельскирх билан Гелен вермахт алоқачилари текшириб чиққан ўз хоналарида эшитув аппаратларини йўқ ҳисоблаб ўзаро нималар ҳақида гаплашаётгандари менга тушунарли бўлса-да, на мен

ва на сиз Борманнинг нималар ҳақида ўйлаётганини билмаймиз. У эса яқин келажак ҳақида ўйлаётгани аниқ, шундай эмасми, Штириц?

– Ўйлашимча, янгишяпсиз. У фюрер билан ажралмасдир.

– Кўйинг бу гапларни, Штириц. У фюрернинг ўринбосари Штрассер билан ажралмасди – уни сотди. У САнинг сардори, миллий-социализмнинг валломати Эрнст Рем билан ажралмасди – уни ўлдиришда қатнашди, у партиямиз министри Гесс билан ажралмасди – хўроз қичқиришга ултурмаёқ уни сотди... Нега сиз билан бунчалик очиқчасига гаплашаётганимни тушуняпсизми? Мен масаланинг яширин моҳиятини илгари ҳеч қачон бунчалик яққол айтмасдим... Тушуняпсизми?

– Йўқ.

– Жуков тез орада Берлинга штурмни бошлайди, Штириц. Бу эса охират бўлади – Зеел тепаликлирида уларнинг танкларини бир неча кунга тўхтатиб қололсак-да, тамом бўлдик деяверинг. Гелен русларнинг кучи бизникига қарагандা беш марта устунлиги ҳақида фюрерга кечаси ахборот берди. Мана шунаقا. Буни ўз қулогим билан эшийтдим. Сиз давлатимиз биносининг харобалари остида ўлишни истайсизми? Мен истамайман. Мана менинг қўлим, уни қисиб, бу ердан иккаламиз жўнаб кетишимиз учун фақат менга хизмат қилишга онт ичинг... Ёки уч киши кетамиз...

– Учинчиси ким бўлади?

Шелленберг анчагача индамади, сўнг савол билан жавоб берди:

– Агар учинчиси Мюллер бўлса-чи?

– Мен йўғимда у билан самимий муносабатларни йўлга қўйдингизми?

– У билан самимий муносабатда бўлиш мумкин эмас. Лекин иш юзасидан муроса қилса бўлади. Унинг иши эса – бу, ҳаёт демакдир. Ана шу иш учун у курашишга тайёр.

– Мюллер сизни чўқтириб юборадиган оёқса боғланган тош бўлиб туюлмаяптими?

– Бизни дeng, – таъкидлади Шелленберг, – бизни, Штирлиц. Ўзингизни четга олманг, ҳожати йўқ. Мюллера ахборотлар тўлиб-тошиб ётибди. У русларнинг «Қизил капелласи» билан шуғулланган – мен фақат чет эл операциясига қўшилганман. У шу ерда, Берлинда терговни шахсан ўзи ўтказган. У бирор нимани ҳар эҳтимолга қарши қолдиради – ҳеч қачон умид кўпригини бузмайди, Москвадан янги «меҳмонлар» келишини кутиб, бирорта илмоқни сақлаб туради...

«Балки менинг ихтиёrimга берилган Веддинг билан Берлиндаги радиостлар ҳам «меҳмон» кутишаётган бўлишса-чи? – ўйлади Штирлиц. – Нега кутишмас экан? Биринчи «меҳмон» бўламан».

Шелленберг севимли «Кэмэл» сигаретини тутатиб, мумланган гугурт чўпининг ёниб бўлишини диққат билан кузатиб турди, сўнг ўнг қўли билан дирижёрларга хос ҳаракат қилиб кулдонга қўйди-да, давом этди:

– Қирқинчи йилнинг охирида мен фош қилган русларнинг энг маҳфий гуруҳи билан Мюллер шуғулланганди, ўша иш ёдингиизда бўлса керак...

– Ёдимда, – жавоб берди Штирлиц. (Буни унутиб бўлармиди – ўша гуруҳнинг фош этилишида бошим кетишига сал қолганди; яширин ташкилот аъзоларидан бири қийноқларга чидолмай гувоҳлик берганди; Штирлицнинг баҳтига у билан бирор марта ҳам алоқа қилмаганди, алоқада бўлган иккинчи киши терговчи хонасининг деразасидан ўзини ташлаганди.)

– У Шульц-Бойзен ва Харнак иши билан шуғулланган, шу гуруҳдан баъзилари қолганини, пухта яшириниб олишганини у билади. У Антон Зефков иши билан ҳам шуғулланган... Мен йигирманчи июль фитнаси иштирокчиларининг ҳаммаси ҳақидаги маълумотларни у билишини айтмай қўя қолай... Бу нарса

ҳозир рейхдаги рус разведкасининг сирлари томон биқиниб яқинлашаётган Фарбдаги одамларни унчалик қизиқтирмайди, аммо шунга қарамай, Даллес ва ўз-ўзидан маълумки, сэр Уинстон шунақсанги одам ҳисобланади, лекин кейинчалик бу қизиқиш очофат бир махлукقا айланиб, васвас тусини олади.

– Даллес генераллар фитнаси билан боғлиқ ҳамма иш билан ҳозир ҳам шуғулланяпти, бригаден-фюрер, – деди Штирлиц. – Унга бир ривоят зарур, бу ишга у зўр қизиқиш билан киришган, гапимга ишонаверинг, гарчи рейхдаги рус разведка тармоғи ҳозир Даллес нинг миясидаги биринчи масала ҳисобланиши борасида сиз ҳақ бўлсангиз ҳам. Агар Мюллер бизнинг барча махфий маълумотларимизни ўзи билан олакетса, уни дорга осишмайди, деб ўйлайсизми?

– Агар ҳалокатдан кейин дарров қўлга тушса – тўс-тўуплонда осиб юборишлари мумкин... Ҳозирги вазиятимизда энг асосийси қўлга тушмаслик... Айниқса, дастлабки ойларда. Кейин унчалик қўрқинчли бўлмайди: жаҳлдан тушилади, қизиқёнлик пасаяди. Иш билан шуғулланишга тўғри келади, жиддий иш билан...

– Мюллер ҳам қочиш йўлини биладими?

– Шубҳасиз... У бунга ҳаммадан кўра пухта тайёрланган.

– Даиллар борми?

– Бор. Мен уларни биламан, Штирлиц, буни билишимни унга англатиб ҳам қўйдим. У зўравонликни қадрлайди. У менинг зўравонлигимни тан олди. Руслар масаласидаги унинг билимлари иттифоқлигимизни жудаям бебаҳо қиласди. Биз ўзига хос консультация идораси бўлиб қоламиз. «Нақд пулга буюртмаларни бажарамиз, пул Парагвайга, пойттахт Асуњонга жўнатилсин, сифатига кафолот берамиз...» Менинг бу ўйлаганларим ҳақиқат шаклини олиши учун бизга иккита одам зарур... Улардан бири яҳудий қони билан бадном бўлган

бўлиши керак. Албатта, гирт яҳудий эмас, авлоди ёки яхшиси аждоди яҳудий бўлса бас. Эйхманда ажойиб картотека бор. Сиз Эйхманни ўйинга қўшишдан аввал унга яхшилаб тушунтиришингиз лозим...

– Айнан қайси ўйинга?

– Уни Швейцарияга йўллайсиз. У ерда нима қилиши керак? Кейинроқ айтаман, учрашадиган одамнинг фамилиясини ёзиб бераман. Бундан кўзда тутилган мақсад? Истагимиз – концентрацион лагерларда йўқ қилинишга маҳкум этилган ўша баҳтиқаро яҳудийларни мутаассиблардан қутқариб қолиш.

– Биринчидан, бригаден-фюрер, ким билан шугуланишим лозимлигини ҳозирча билмайман. Иккинчидан, Эйхманда зарур одам топилган тақдирда бу одамни тайёрлашнинг нима кераги борлигини тасаввур қилолмаяпман.

Шелленберг яна чекди-да, Штирлицнинг саволини гўё эшишмагандек, сўзида давом этди:

– Иккинчи одамнинг исм-фамилияси Дагмар Фрайтаг, – Шелленберг папкани Штирлиц томон сурриб қўйди. – Хонасингизда танишиб чиқарсиз, кейин албатта қайтариб беринг. Бу ажойиб аёл: биринчидан – гўзал, иккинчидан – истеъдодли, учинчидан – унинг онаси швециялик. Сиз уч-беш кун мобайнида – бундан ортиқ эмас – алоқа қилишнинг усул ва услубларини ишлаб чиқиб, уни Стокгольмга йўллашингиз керак. Стокгольмда у филология шифокори, Скандинавия ривоятлари бўйича мутахассис сифатида қироллик кутубхонасида герман-скандинав муштараклигини тадқиқот қилибгина қолмай, граф Бернадот оиласига яқинлашиш йўлини излаши лозим. Тушунарлими? Мен граф билан ўйин бошламоқчиман, Штирлиц. Мюллер сизнинг номингиз партгеноссега маълум эканини шама қилиб қўйди, Берндаги элчинномамизнинг партия ишларига масъул маслаҳатчиси билан

сиз учрашиб турган эдингиз, шундай эмасми? Афтидан, Борман худди шу сабабли сиз билан қизықиб қолган, шундай экан, маълум вақтгача сиз Кальтенбруннер ёки ўша Мюллер томонидан уюштирилиши мумкин бўлган тасодифлардан холи қоласиз. Аммо, агар рейхслейтер Борман Бернадот ҳақида менинг ишимга зиён етказадиган даражада огоҳ бўлиб қолса, мен сизни шу ернинг ўзида, хонада отиб ташлайман, гапимни тушуняпсизми?

– Исканжага олинганимни тушуниб турибман, бригаден-фюрер. Менинг ҳар бир қадамимни кузатиб юришганини фараз қиляпман, ҳар бир сўзимдан қусур излашаётганини сезиб юрибман. Нима ҳам дердим, қайтанга шунаقا яшаш қизықроқ бўларкан. Лекин мени ўлдириш – ҳатто шу хонада бўлса ҳам – ақлсизлик бўлади ва бу сизга қарши даҳшатли, тузатиб бўлмайдиган зарба бўлиб қайтади.

Шелленгберг бақрайиб қолди, кўзларида аллақандай оғир бир ифода пайдо бўлди; шундай бўлса ҳам у кулимсираб самимий сўради:

– Ақлдан озиб қолдингизми?

– Мен Свифт эмасман, бригаден-фюрер. Ҳамма каби мен ҳам ўлимга маҳкум этилганман-у, лекин фақат ақлдан озиш оқибатида эмас.

– Мени қўрқитмоқчи бўлганингизда нимани кўзда тутганингизни, марҳамат қилиб, тушунтириб берсангиз.

– Йўқ, тушунтириб ўтирумайман.

– Қандай ҳаққингиз бор, Шти...

– Ҳаққим бор! – Шелленбергнинг сўзини бўлиб ўрнидан турди Штирлиц. – Ҳаммаси тугади, бригаден-фюрер. Ҳаммаси. Бошлиқлар ҳам йўқ, тобелар ҳам. Ақлли одамлар бор ва аҳмоқ одамлар бор. Билимдон одамлар бор ва нодон одамлар бор. Мағлубият жамиятни қип-ялангоч қилиб қўяди, яхши ва ёмон томонларини яққол кўрсатади, ҳечам аяб ўтирумайди,

фақат ҳақиқатни юзага чиқаради; калласи ишлайдиган, ҳамма нарсани биладиган ва эсда тутадиганларгина тирик қолади. Шундай экан, ҳозир тирик қолишим мендан күра сизга күпроқ манфаатли бўлади. Акс ҳолда билганингизни қилинг. Мен ўлимдан қўрқмайман, негаки, фюрер тақиқлаб қўйган бўлишига қарамай яширинча олло таолога сифинаман.

Шелленберг ўрнидан турди-да, қўлларини орқасига қовустириб хона бўйлаб юрди, кейин портлар тўлқинидан ойнаси учиб кетмаслиги учун кўндалангига қоғоз ёпиштирилган дераза ёнида тўхтади, хўрсиниб олиб қаттиқ овоз билан деди:

– Борган сайин менга кўпроқ ёқяпсиз, Штирлиц. Вой, абрах-е! Умуман олганда, ҳаммаси тўғри: мамлакатни биз, олий табақаликлар ла... дик, сиз ўз мавқеингизни эгаллаш ҳукуқига эгасиз, ҳар ким пешонасидагини кўради. Бораверинг. Эйхмандан менга ақлли, бебаҳт, лекин довюрак бир яхудийни топиб беринг. У менинг шахсий вакилим сифатида Монтрёда швейцар жамосининг руҳонийиси ва Швецариянинг собиқ президенти Музи билан алоқа боглаши лозим. Лекин нима билан ва қандай баҳога савдо қилишини эса: «У ишни бошлашга тайёр, агар бизни сотиб қўйса, пешонамга ўзим ўқ узaman», деб менга хабар қилганингиздан кейин сизга айтаман. Ана шунақангиси сизни қониқтирадими?

Штирлиц бош иргаб, ҳоргинлик билан деди:

– Хайль Гитлер!

Мюллер диққат-эътибор, ошкора фаразгўйлик билан Штирлицга тикилиб қолди.

– Ҳа, бутун ишларимни билиб олибсиз, – деди у ниҳоят. – Мен чинданам ишга киришдим. Ҳа, чинданам у-бу масалани уйғулаштириб олиш хусусида Шелленберг билан келишиб олдим. Ҳа, чинданам Даллеснинг одамлари билан яқин келажакда савдола-

шиш мумкин бўлган маълумотларни тайёрлаяпман. Ҳа, чинданам менинг ҳайдовчим Ганс сиз ҳақингиздаги ҳамма гапни менга етказиб туради, аммо у асосан Шелленберг ўзи топширган вазифани бажариб бўлганингиздан кейин сизни бартараф қиласлиги учун кузатиб бориши лозим. Шунинг учун шошилманг, Штириц, шошилманг! Сиз бўлмасангиз сув сатҳида қалқиб қоладиган даражада Шелленбергга зарур одам бўлиб олинг. Боксчиларнинг шу атамасини биласизми? Ё сизни кўпроқ теннис қизиқтирадими? Борман ҳузурида бўлганингизда мен билан очиқчасига гаплашгандек ҳамма гапни дангал айтаверишни хаёлингизга ҳам келтирманг. Шелленберг билан биз, афсуски, бошқаларнинг ақл-фаросатини қадрлашга мажбурмиз. Борман бунаقا ҳолатдан маҳрум, чунки у ҳеч қачон амалий иш билан шуғулланмаган; кўрсатма бериш осон, уни амалга ошириш эса жудаям мушкул.

Мюллер ўрнидан туриб темир сандиқнинг ёнидаги зил эшикни очиб, папкани олди-да, уни Штириц рўпарасига қўйди.

– Бу адмирал Канариснинг маълумотлари, ўйноқи усулда ёзилганига эътибор қиласланг – бечора, афсуски тузалмас ғалати одам. Бироқ бу ерда тўпланган маълумотлар қутулиб қолишимизга нега умид қилаётганимни ойдинлаштириб беради. Мен американкларнинг руслар билан тўқнашишини назарда тутяпман. Негаки, худди шу нарсагина бизга яшаш имкониятини беради. Ўқиб чиқинг, Штириц, сизга худди ўзимга ишонгандек ишонаман. Ўқиб чиқинг, буни билиб қўйишингиз керак.

«Оқ уйга яқин бир одамнинг менга хабар берисига қараганда, президент Рузвельт қирқ биринчи йилнинг ёзидаёқ ҳамиттироқ мамлакатларга қарши сиёсий разведка ва «қора пропаганда» билан шуғулланиш вазифаси зиммасига юклатилган ташкилот бўлмиш «ОСС» – «Стратегия хизмати бўлими»ни тузиш ҳақида кўрсатма берган.

Унга президент Гувер мактабини ўтаган республикачи, яъни «кучли қўл» муҳиби, Рузвельт бошлиқ ҳукмрон демократик партияning очиқдан-очиқ душмани; ўзиникидан бошқа ҳар қандай нуфузни рад этувчи, табиатан исёнкор, миллио Уолл-стритнинг тож киймаган қиролларига хизмат қилувчи адвокатлар фирмасининг эгаси, штатларда «ёввойи» деб аталмиш эллик саккиз ёшли Жозеф Донован раҳбарлик қилмоқда. «Ёввойи Билл» Рузвельтга энг яқин одамлардан бири – президентга барча нутқларининг асосини ёзиб берувчи драматург Роберт Шервуд билан тезда жанжаллашиб қолади ва шу сабабли биринчилардан бўлиб «Стратегия хизмати бўлими»га юборилади.

Ҳар қандай гоя кундалик ишга раҳбарлик қилувчинг таъсири остида турмушда ўз ифодасини топади; ҳатто энг мукаммал режага ҳам уни ўйлаб топганлар эмас, балки ўйланган фикрни ҳақиқатга айлантиришга киришганларгина тузатиш киритишиади.

Рузвельтнинг дастлабки режасига кўра, ҳамма иш ОССнинг армия, флот ва авиация Бирлашган штабига бўйсунишига қаратилиши лозим эди, аммо биринчи жаҳон уруши ветерани, Американинг учта юксак ордени билан тақдирланган Донован ОССни армия ва флотдан мутлақо ажратиб олишга муваффақ бўлди.

Ажойиб тактик ҳисобланмиш Донован ҳийла ишлатишга моҳир эди: у ОССга Вест-Пойнтни битирган ходимларни, яъни армия одамлари, доимий офицер ҳисобланганларни кўплаб қабул қилди: бу иш генералларни хотиржам қилди; «ёввойи Билл» АҚШдаги энг йирик уюшма ва банклар манфаатини ҳимоя қилувчи «фуқаролар»га ОСС эшикларини очиб қўйди. Америкада одат тусига кирганидек, ўқув юртлари молиявий ёрдамни давлатдан эмас, балки кейинчалик ўзи фан йўли билан хизмат қилувчи уюшмалардан

олгани учун ҳам саноат ва молия раҳбарлари билан бирга, нуфузли университетларнинг етук профессорлари ҳам ОСС хизматига келишди.

Донован ўз атрофига содиқ кишиларни тўплаб штаб тузади. Улар орасидаги кўзга кўринганлари «Юнайтед Стейтс стил корпорейшн» вакили Луис Рем, гавайлик капиталист, мултимиллионер Атертон Ричардс, Гарвард университетининг профессори Жеймс Крафтон Рожерс ва Нью-йорклик банк эгаси Жеймс Варбург эди. ОСС бошлиги худди мана шуларга бундай деди:

– Дўйстлар, ҳар қандай ишни бошлаётганда аввал унинг натижаси қандай бўлиш истагида эканимизни тасаввур қилишимиз лозим. Агар Давлат департаментидаги расмиятчиларга қараб иш тутадиган бўлсак, ҳаракатсиз ҳолатдан кўзгала олмаймиз: дипломатия – очиқ, имкониятлар фани, биз бошлаганимиз эса энг бошидан махфий иш ҳисобланади. Агар Давлат департаменти ҳамласидан ўзимизни эҳтиётлаб, ҳар бир ишимизни армия билан маслаҳатлашиб қилсак, бизни келишиб олиш ва бўйсуниш қоидалари билан қийнаб қўйишади; армиянинг очиқчасига зарба бериш ва жойларни босиб олишдек улкан ҳуқуки бор; бизнинг ишимиз эса бундай системага мутлақо тааллуқли эмас. Биз Рим, Бангкок, Берлин ёки Мадридда вазиятни ривожлантириш, хоҳишини шунчаки тушунибгини қолмай, бу хоҳишини ташкил этишимиз, одамларни шу йўлда вояга етказишимиз, фикрларини шакллантиришимиз, партия ва бош министрлар манфаатига ишлайдиган қилиб тайёрлашимиз керак, кейинчалик эса улар билан, яъни бизнинг кадрлар билан Давлат департаменти, агар зарур бўлса, армия шугулланаверсин. Америка учун панада қолишга тайёрмиз, майли, голиблик шон-шуҳрати репортёrlар қаршисида савлат тўкиб турувчиларга тегақолсин. Штатларда мавжуд бўлган катта бизнес рекламани ёқтири-

майды, у буюк ишлар манфаати йўлида эркинликни афзал кўради. Бизда маблаг бор, қилинган иш учун Уолл-стритда амалга оширилаётгандек ҳақ тўлашни билиш керак, шу сабабли хасислик ва пасткашлик қилишга ҳақларингиз йўқ; сизлар таваккал ишимизни қўллаб-қувватлашингиз лозим; ходимларимизнинг эркинлиги таъмин этилган – худди шундай қилгани-миздагина бугундан эътиборан ва умрбод Америкага зарур бўладиган маҳфий тергов аппаратини яратоламиз! Эътиборингизда бўлсин: бугунги кун ва ҳатто эртанги кун ҳақидагина ўйламаслик керак. Германийнинг ҳалокати муқаррар, биронта ҳам давлат икки фронтда жанг қилиб ғалаба қозонолмаган: бизнинг вазифамиз келажақда Америка яшайдиган дунёни ҳозирдан бошлаб ўйлашдан иборат...

Донован ажойиб нотиқ эди; республикачилар томонидан Нью-йорк вице-губернатори ва губернатори лавозимига икки марта унинг номзоди қўйилган эди; у ҳатто Рузвельтни ҳам ишонтиришга уста эди; у жасур киши эди, олдинги сафда жанг қилганди, шу боисдан маъсулиятни зиммасига олишдан қўрқмасди («Афсусланадиган ягона бир нарса шундан иборатки, – деганди у тор доирадаги дўстлар даврасида, – ўн саккизинчи йилда, Россияда экспедицион корпусимизда хизмат қилган пайтимда жудаям ёш эдим; бизнинг каллаварамлар ўз кузатишларига асосланиб «Большевиклар мана ҳозир ўз-ўзидан ҳалокатга учрайди», деган хаёлга боришиади. Большевиклар ҳеч қачон ўз-ўзидан ҳалокатга учрамайди. Агар ўшанда менга қўйиб беришганда Керенскийни Петербургга қандай қайтариш йўлини билардим».) У Америкадаги ҳақ тўлайдиганлар билан жуда яхши алоқада эди. Шу боисдан у ишни кенг кўламда ва қамровда бошлаб юборганди.

– Энг шубҳали алоқалардан ҳам чўчиманг, – доим ўз ходимларига такрорларди Донован. – Имконияти

борича ҳамма жойдан одамларни ахтаринг, агар ОСС вице-директорлиги лавозимига Сталинни таклиф этиш ишимиз муваффақиятини таъминлашига ишончим комил бўлганида, ҳечам ўйлаб ўтирумай ундан рўпарадаги хонани эгаллашни сўраган ва Гитлернинг кун-соати битгунгача у билан энг самимий муомала қилган бўлардим...

«Тадқиқот, изланиш ва таҳлил» бошқармаси ОС нинг бош органига айланди. Бу ерда фақат банкирлар, Вест-Пойнт битиrvчилари ва юристларгина эмас, балки Америка журналистикасининг Жозеф Ольсондан бошлаб Уолт Ростоугача бўлган намояндлари тўпланган эди. Профессорлардан Шерман Кент билан Эврон Киркпатрик ишга раҳбарлик қилишди¹.

Бироқ ОССнинг кўлами ва моҳияти жиҳатидан «ишчилар ҳаракати бўлими» деб аталмиш иккинчи бўлинмасининг тузилиши Вашингтонни изтиробга солиб қўйди. Донованнинг сиёсий қидирув ишларини жаҳон бўйлаб кенг қулоч ёйдираётганини ичиқоралик билан кузатаётган ФБР директори Жон Эдгар Гувер биринчи бўлиб ваҳима кўтарди; мамлакатда махфий хизматнинг назоратсиз хўжайини бўлишга одатланиб қолган Гувер уолл-стритлик бир миллионернинг чет эллардаги барча операцияларни ўзлаштириб олганини эшитиб лол қолди.

«Ишчи бўлими»ни тузиш ҳақидаги гап уники эмас, балки бу фикр биргина армия эмас, Нью-йорк штатидан сенатор Роберт Вагнер ҳам тарафдори ҳисобланган полковник Хэбер Бланкенхорстга тегишли бўлса-да, – дея ўз ҳомийси сенатор Трумэнга исботламоқчи бўлди ФБР

¹ Шерман Кент – 1950–1967 йилларда ЦРУ директорининг ўринbosари бўлган. Эврон Киркпатрик – 1954 йилда Давлат департаманти разведка бошлигининг ўринbosари, 1955 йилдан – ЦРУнинг махфий филиали бўлмиш «Тадқиқотлар ташкилоти» президенти.

– шефи, – бари бир, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ўйлаб кўринг-а, у ишчилар ҳаракати билан алоқадор одамларни АҚШ давлат муассасаларига ишга таклиф этаяти-я! У яхудийлар юристи Артур Гольдбергни¹ шу бўлимнинг шефлигига тайинлабди; Гольдбергнинг аждодлари РОССИЯДАН бизга кўчиб келишган.

Капитолияга қадрдан бўлган манбаимнинг таъкидлашича, Трумэн индамай Гувернинг гапларини тинглабди, муайян бир жавоб бермай, ҳазилга йўйибди-ю, бироқ алоҳида қоғозга барча фамилияларни ёзиб олибди.

Умуман йўлаб кўрадиган масала йўқ эмасди: Донован Испанияда генераллисимус Франко қўшинлари ва рейхсмаршал Геринг учувчиларига қарши руслар билан ёнма-ён жанг қилган «Линкольн батальони» иштирокчиларидан бир қанчасини бўлимга ишга таклиф этишни Гольдбергга ижозат берганди; бундан ташқари, касаба уюшмасининг илгари монополияга фаол қарши чиқсан ва забастовкачиларни² кўллаб-кувватлаган намояндаларини ишга олди.

Бироқ Донован мазах билан кулиб қўяқолди:

– Қизиқ, «тадқиқот, изланиш, таҳлил» бўлимiga собиқ немис коммунисти Герберт Маркузени таклиф қилганим ҳақида Гувер хабардор бўлгач, ҳоли нима кечаркин? Гувер Штатларда гангстер ва жосусларни қўлга туширишни билади-ю, лекин халқаро ишлар хусусида ҳеч вақони тушунмайди; мен босиб олинган мамлакатларда радикаллар ёрдамисиз яширин касаба уюшмалари билан ишлашолмайман: Гитлер рейхидаги вазиятни ҳеч ким Маркузечалик аниқ таърифлаб беролмайди; вақти келиб ўзимиздаги сўлларни аниқлаб оламиз, лекин бу, нацистлар устидан ғалаба қозонишимиз учун улар қўлларидан келган

¹ Артур Гольдберг президент Кеннеди хонасида меҳнат министри, 1968 йилгacha АҚШнинг БМТдаги вакили.

² Забастовка – иш ташлаш.

ҳамма ишни қилиб, бизнинг мавқеимизни Европада мустаҳкамлаганларидан кейин, бу ерда дастлабки тўс-тўполон амалга оширилади.

Шунга қарамай, Донован ўз хатти-ҳаракатини изоҳлаб бериш учун – шуҳасиз, Гувернинг «чақимчилиги» билан – Капитолияга чақиртирилдми. Ҳамон ўша мазахли кулги билан у ўз фикрини билдириди:

– Агар Гувернинг мўлжалига мос келадиган, бизнинг нуқтай назаримизда ўта соф одамлардан иборат ташкилотга эга бўлишни истасак, унда бежон гўдак туғилган бўлади, чунки сўровномалар эмас, балки одамлар меҳнат қилишади. Менинг ходимларимга тавакkal қилишга – ўзлари кимни лозим топган бўлсалар, ўшаларни аппаратга таклиф этиш имкониятини беринг. ОСС контрразведка бўлимига машҳур юрист Жеймс Мэрфи бошчилик қилаётганини эътиборга олинглар – у ҳамма вақт концернларимиз манфаатларини ҳимоя қилиб келган, худди шу сабабли касаба уюшмалари билан ва айниқса, душман қароргоҳида юз бераётган барча ишлардан огоҳ бўлиш учун сўл касаба уюшмалари билан ажойиб муносабатларни йўлга қўйган.

Донован ОССнинг дастлабки бюллетенлари Оқ уйга етиб келаётган кунларда тушунтириш берганди. Бу бюллетенларни ОССнинг ёш ходимлари Артур Шлесинжер¹, Леонард Микер² ва Рэй Клайн³ тайёрлашарди, ахборотлар қизиқарли ва бегараз эди; шундан кейин Донованни холи қўйиши, у мақсадига етди –

¹ А. Шлесинжер – АҚШдаги етук сиёsatчилардан бири.

² Л. Микер – Давлат департаментининг маслаҳатчиси, 1969 йилгача АҚШнинг Руминиядаги элчиси.

³ Р. К л а й н – ЦРУнинг 1953 йилгача Лондондаги, 1962 йилгача Таивандаги вакили; кейин ЦРУ директорининг ўринбосари, сўнг Давлат департаментига ишга ўтиб, 1969 йилдан разведка бошлиги бўлган.

эркин ҳаракат қиласынан бўлди; агентларни Лондон, Африка, Хитой, Ҳиндистонга йўллашни бошлаб юбориши, ҳақиқий фойдали ишлар бошланиб кетди...

Кейин Донован «МО» – «ахлоқий операциялар бўлимни», яъни босиб олинган мамлакатлар, деб атальмиш Германия, Италия, Японияда эшилтириладиган радиодастурлар сценарийси ёзиладиган руҳий уруш штабини тузди; ўша мамлакатларда Европадаги қаршилик кўрсатиш ҳаракати учун варақалар чиқарилди, яширин ташкилотлар учун газеталарнинг асоси ишлаб чиқилди, бўлажак муҳаррирлар, шарҳловчилар, таниқли репортёрлар излаб топилди, яъни европалик зиёлилар билан алоқа йўлга қўйилди.

«МО» бўлимига сўл эътиқодли одамларни жалб этиш лозим бўлгани учун (чунки ўнглар ҳамма вақтчин кўнгилдан фашизмга хайрихоҳлик қилишарди) Донован усталик билан мувозанатни сақлаб «СИ» – «махфий разведка»нинг алоҳида бўлими ва «СО» – «махсус операциялар бўлими»ни тузди. Бу асосий бўлимлар ишини у шундай йўлга қўйидики, бунинг натижасида сўл файласуф Герберт Маркузе ўз таҳлилларини бевосита шефнинг ўзига берадиган бўлди. Бу шеф эса ўзининг ўнг қарашлари билан таниқли, русларга ўта қарши кайфиятли миллиардер Жуниус Морган ёки унинг туғишган укаси Генри ёки миллиардер Вандербильд ёки миллиардер Дюпон бўларди.

Греция билан Югославиядаги яширин ташкилотлар билан барча алоқаларни Бостон банкининг вице-президенти назорат қилиб турарди. АҚШдаги энг йирик «Вальтер Томпсон адвэртайзинг адженси» реклама фирмаси ОСС «лойиҳа бўлими» бошлиги лавозимига ўз одамини тайинлади; Донован Лондондаги «ахлоқий операциялар» бўлими резиденти, ОССнинг Коҳирадаги гуруҳлари бошлиги ва Касабланкадаги «Қора ташвиқот» бюроси раҳбари лавозимларини ҳам шу агентликка берди. «Стандарт ойл» Бухарест-

даги яширин ташкилот билан алоқаны йўлга қўйиш ва ўша ерда Руминиядаги нефть конларини кузатиб туриш учун ўз тармоқларини ташкил этиш мақсадида ОССнинг Испания ва Швециядаги резидентурасидаги ўзига беришни талаб қилди. (Қирол Михай маршал Антонескуни истеъфога жўнатиб, Гитлерга қарши уруш эълон қилган 1944 йил 30 августда Руминиядаги тўнтаришдан кейиноқ, ҳали Қизил Армия немисларнинг қаршилигини енгиги Бухарестга киришига улгурмаган бир пайтда «Стандарт ойл» Донованнинг Уолл-стритдаги адвокатлар kontораси бўйича шериги Рассел Дорре бошлиқ ОССнинг маҳсус вакилларини у ерга юбориш учун қуролланишга маблағ, совфа ва самолётларини аямади. ОСС бригадаси Қоҳирадан Бухарестга учеб бориб румин, немис разведкасининг архивини, мамлакатда нефть қазиб чиқариш саноатининг тараққиёт истиқболлари тадқиқоти билан боғлиқ маҳфий илмий материалларни ўғирлаб келди.

АҚШнинг энг йирик «Парамоунт Пикчерз» кинокомпанияси ОССнинг Швециядаги резидентурасидаги ўзига ўрин берилишини талаб қилди, чунки Европада ажойиб алоқалари бўлган айни шу бетараф мамлакат орқали ўз маҳсулотларини сотиш учун улкан бозорни кўлга киритиш кони фойда бўлади.

«Гольдман ва Закс» банклар гуруҳи Шимолий Африкада яширин гуруҳлар ташкил этиш ишида Донованга ёрдам тариқасида ОСС ҳисобига икки миллион доллар маблағ ўтказди; бу банкирлар урушгача у ерда жиддий фойда кўришарди, келажақдаги фойдани кўзлаб бир оз чиқимдор бўлишлари ҳам керак-да!

Меллоннинг банкирлар гуруҳи ўз жамоа аъзолари учун ОССнинг Люксембург, Мадрид, Женевадаги резидентурасида асосий лавозимларни талаб этди; тузилган аҳдномага мувофиқ, иттифоқчилар Парижни озод қилганларидан кейин ОССнинг Франциядаги филиали бошлиғи лавозими ҳам Меллон жамоаси-

га бериладиган бўлди. Поль Меллоннинг синглиси Алиса (менинг ахборотчим Алисанинг дунёда энг бадавлат аёл эканини ҳам хабар қилди) ОСС штабининг аъзоси ва Америка разведкасининг муҳим лавозими – Лондондаги резидентура бошлиғи бўлган миллионер сенаторнинг ўғли Брюсга турмушга чиқди.

(Америкадаги энг бадавлат оиласидар ОССга кирмаган ягона оила Рокфеллер одамлари бўлди: Нельсон билан «ёввойи Билл» ўшандан бери гаплашишмайди, қабул маросимларида намойишкорона бир-бирла-рига таъзим қилишни ўзларига эп кўришмайди.

Дарвоҷе, Рокфеллер «Америка ички ишларини мослаштириш хизмати»ни уюштириб, ўз ташкилотини тузди. Пулни аяб ўтирумади, шунинг учун ҳам «мословчи»лар унинг одамларини ниҳоятда маҳфийлаштирган ҳолда аста-секин ОССга кирита бошлади.)

Модомики, ОСС Американинг нацистларга қарши тутган йўли деб аталмиш бир ташкилот сифатида тузилган экан, модомики, руслар вермахтимизнинг шуҳгратли қўшинларига қарши турган асосий куч бўлган экан, модомики, айни сўллар, курашда етакчи роль ўйнаган экан, модомики, Оқ уй билан Кремль ўртасидаги муносабат ҳар қачонгидан кўра ниҳоятда ишончли бўлган экан, корпорация пайсалга солмай ҳаракат қилишни талаб этди ва «ёввойи Билл» ОССга асосан муҳожирлардан иборат «рус гуруҳи»ни тўплади.

Бироқ Гувер АҚШдаги ўнг кучларнинг раҳбарлари хабардор воқеаларни билмай хавотирга тушиб қолди. 1942 йилнинг январида ОССнинг икки ёш ходими испан элчихонаси соқчисини сотиб олиб, дипломатия вакилининг энг муқаддас ҳисобланган шифровкачилар хонасига кириб олиб кодлар¹ ёзилган китобдан фотонусха кўчиришни бошлаганларида Гуверни сек-

¹ Код – шартли белгилар рўйхати.

ретари уйғотишга мажбур бўлди – ФБР ишларига бурнини суқсан Донованнинг «хиёнаткорлиги» ҳақидаги хабар шунчалик мұхим эди. Гувер ўзининг ўринбосарига қўнғироқ қилиб:

– «Ёввойи Билл»га қарши операцияни тайёрланг, жуда ҳаддидан ошиб кетди, етар, – деди.

Орадан бир неча ой ўтиб, Донован одамлари Франко-нинг элчихонасига яна яширинча кириб олганларидан кейин ФБР машиналари Гувернинг буйруги билан бинони құршаб олиб, тревога күтаришди; ОСС агентлари қамоқça олинди ва Пиренея йўналишида АҚШ сиёсатини шакллантириш учун алоҳида аҳамиятли шифрларни билиб олиш операцияси барбод бўлди.

Дарғазаб Донован эрталаб Оқ уйга етиб келди.

Гуверни чақиритиришди.

– Қадрдоним Билл, қани энди сизнинг одамларингиз элчихонада эканини билганимда эди! – деди у дўстона кайфиятда. – Элчихонада ОСС йигитлари иш олиб бораётгани хаёлимга ҳам келмабди! Бир оғиз шипшитиб қўйганингизда, ҳаммаси жойида бўларди! Лекин сиз ўзингизнинг қадрдон, содиқ дўстингиз Гуверни унутиб қўйдингиз...

«Душманлар»нинг ярашуви орадан бир неча ой ўтгач, Донован умуман олганда ОССнинг чет эллардаги ҳақиқий оператив ишлари бошлангани тўғрисида Гуверга огоҳ бўлиш имкониятини берганидан кейингина амалга ошиди. Донован операциясининг моҳияти бундай эди: инглиз-америка қўшинлари Шимолий Африкага тушиб, вермаҳт армиясига қарши ҳужум бошлаганларидан кейин Рузвельтнинг ҳам, Черчилнинг ҳам асосий эътибори Франко немис қўшинларини Испания орқали ўтказармикан, рейхга ҳужум қилаётган англосаксларга қарши рейхнинг зарба берishiغا, уларни Африканинг шимолий соҳилларидан ажратиб қўйишига, шу йўл билан денгиздан келади-

ган ҳар қандай ёрдамдан маҳрум этишига имкон берармикан ёки бетараф бўлиб турармикан, деган ма-салага қаратилганди. Албатта, Франко, одатдагидек, Германияга хайриҳоҳ эди-ю, лекин унинг қаршисида бир-бирига зид икки йўл турарди; вермахтни мамлакатга киритиш билан ўзи диктаторликдан маҳрум бўлиб қолиши, фюрер испан туирогида бирорта ҳам немис аскари қолмаслиги тўғрисида ваъда берганига қарамай, давлати босиб олган мамлакатга айланиб қолиши мумкин; Франко, шунингдек, Берлиннинг таклифини рад этиш билан тартибни бойкот қилишни тўхтаттан ва ўзини, Франко испан миллати манфаатларининг ягона ҳамда құдратли ифодаловчиси сифатида тан олишга инглиз-америкликларни мажбур этиб, Лондондан фойда кўрган бўларди. Рейх хизмати шунга қарамай қистовни давом эттириди. Мадриднинг ўзида ҳам гарб демократиясидан нафратланувчи, фақат национал-социалистлар уюшмасигина жаҳоннинг келажаги бўлади, деб ҳисобловчи кучлар етарли даражада эди.

Шу боисдан Франконинг оқибатда қийин йўл танлашини олдиндан айтиш қийин эди, лекин шундай қилиш керак эди.

Донован воқеаларни қувиб ўтмоқчи бўлди: у Франконинг келгуси имкониятларини шунчаки тушуниб ва ҳисоблаб чиқибгина қолмай, балки иттифоқчалири манфаатли қалтис ҳаракатни унга мажбуран қабул қилдиришни ҳам ўз агентларига буюрди.

Одат тусига кириб қолган «пасанги» ўйинини давом эттириб, Донован ўз вакилини дипломат «ниқоби» остида Мадридга йўллади; бу вакил чикаголик миллионер Довальд Стил бўлиб, у Мадрид олий табақалари орасида ўзининг эътиқодли антикоммунист экани, оқларнинг армиясига ёрдамлашиш мақсадида Россияга жўнатилган Америка экспедицион корпуси таркибида қизиллар билан жанг қилгани ҳақида гапришдан ҳори-

май, тезда танишлар орттирди. Атири-упа концерни раҳбарларидан бири Грегори Томас¹ ўз ўтмишдошининг ишончли алоқаларини олиб, Стил ўрнига етиб борди; Стил бошлаган ишни айни шу киши мустаҳкамлади; олий табақали хонимларга совғалар улашиш унга янгилик эмасди; атири – пора эмас, балки эътибор белгиси. Пиренея ортида ҳеч нарса эътибор белгиси каби қадрланмайди, у ахборотга бой бўлганлар қалбига йўл топади ва бу йўл у нимани лозим топса шунга эриштириб, уни юқорига, Франкога етказиши мумкин.

ОССнинг президенти Доунс Лондонда Испания республикасининг собиқ президенти Хуан Негрин билан учрашди; собиқ президент унга агар Франко ўзаро аҳднома тузган мамлакатларга қўшилса ва Гитлернинг қўшинларини Испания орқали ўтказиб юборса, мамлакатда фуқаролар уруши бошланиб кетишини, «оммавий партизанлик ҳаракати эса муқаррар» эканини айтди.

Испанияда партизанлар курашини кенг авж олдириш учун ҳеч қандай тайёргарлик бўлмагани сабабли Доунснинг барча одамлари генералиссимус полициясининг махфий хизмати томонидан ҳибсга олиниб Мадридга келтирилди-да, Пуэртадель-Соль ертўласида учинчи даражали қийноққа солинди. Бир неча киши чидаш беролмай, америкаликлар Марокашдан яширинча жўнатишганини тан олишди.

Испания ташқи ишлар министри (ахборотни мен шахсан ўзидан олдим) Америка элчиси Хайесни ҳузурига чақиритирди:

– Бу ички ишларимизга аралашибининг қўпол бир воқеаси ҳисобланади! Буни баҳонасиз агрессия деб изоҳлаш мумкин! Сизлар мамлакатимизда қон тўкилишига тайёргарлик кўряпсизлар!

¹ Г.Томас – «Шанело» корпорациясининг бўлажак президенти. ЦРУ филиали – «Озод Европа» радиостанцияси раҳбарларидан бири.

Бу пайтда эса ОССнинг Мадриддаги одамлари дангиллама уйларга атири-упа қутиларини ташиб: «Бу ҳали бошланиши, мамлакатга суқилиб кириш ҳали давом этади, чунки Оқ уй Франконинг Испания дарвозаларини вермахтга очиб қўйишидан ҳадикси-раяпти», деган аниқ мўлжалга етиб борадиган ёлғон хабарларни тарқатишарди.

Партизанлар курашидан чўчиган Франко рейх қўшинларини мамлакат орқали ўтказмаслиги ҳақида мураккаб алоқалар усули билан Вашингтонга хабар беришга муваффақ бўлди.

Бу хабар Америкага етиб борганидан кейин, Хайес Давлат департаментидан «коммунист террорчилар гурху»ни Испанияга йўллаш Америка армияси ёки махфий хизматнинг иши эмаслигига, балки испан республикачилари билан Америка коммунистлари уюштирган ифво эканига; уларга маълум даражада молиявий ёрдам берган кимса «давлат хизматидан ҳайдаб юборилгани»га Франкони ишонтириш топширигини олди.

Чиндан ҳам Доунс ОССдан бўшатиб юборилди, бироқ орадан роппа-роса икки ой ўтгач, у генерал Эйзенхауэр штаби ҳузуридаги «Махфий операциялар бўйича маслаҳатчи» лавозимига тайинланди.

Илгари Донован ва унинг одамларига нисбатан ниҳоятда ғазаб билан қарши чиқсан элчи Хайес «ёввойи Билл» билан «дўстлашиш» ҳақидаги шартномага имзо чекди ва ўшандан бери элчинонада унинг биринчи ёрдамчиси... ОСС офицери бўлди...»

(Бироқ на Мюллер, на Шелленберг, на Канарис ўша воқеанинг эртасига Гувер Донованга қўнгироқ қилиб, кечкурун бирга овқатланишни таклиф этгани; оқшом жуда соз ўтгани, «душман»лар дўстлашиб олишгани; Донован бу ҳамкорликни расмий акт билан тасдиқлагани; ФБРнинг икки етакчи агенти – балтморлик адвокат Сидней Рубенштейн билан Эвел Юнгер ОСС

контрразведкасининг раҳбарлари бўлгани ҳақида маълумотга эга эмасди.)

– Хўш, қалай? – сўради Мюллер. – Канарис ажойиб маълумотлар тўплаган-а?

– Гоят ажойиб, – деди Штирлиц папкани Мюллера қайтариб бераркан. – ОСС операциялари ҳақида маълумотлар қирқ иккинчи йил билан тугабдими?

Мюллер илжайиб қўйди:

– Штирлиц, мен вафот этган дақиқадан бошлибгина ахборот олмайдиган одамлар тоифасига мансуб бўламан.

Бироқ Европа бўйича ОСС резиденти Аллен Даллеснинг укаси мультимиллионер Жон Фостер Даллес президентликка республикачилар номзоди Томас Дьюининг сайловолди компаниясида ташқи сиёсат бўлимiga раҳбарлик қила бошлаганидан кейин орадан қўп ўтмай Донованнинг мавқеига жиддий путур етганини, мультимиллионер Рузвельтга кескин хуруж қилиб қизиллар хавфига қарши қаттиқ чоралар кўришни талаб қилгани ва америкаликларни коммунизм билан қўрқитганини, кўпгина ҳужжатларни у ўзининг қадрдан дўсти ва партиядош сафдоши Доновандан бевосита олиб турганини ҳам на Шелленберг, на Мюллер ва на НСДАПнинг «чет эл бўлими» билмасди. Президент ОСС ишларини ким текшириши, истиқболли режага киритилмаган унинг операцияларини ким маблағ билан таъминлаши, давлатнинг сиёсий разведка идорасидан хусусий тарздаги ахборотларни қайси корпорациялар олаётгани ҳақида-ги ҳисботни талаб қилди.

Рузвельт олинган маълумотларнинг бир қисми билан танишиб чиққач, ўзининг энг яқин ходими Гопкинсга мурожаат қилиб, деди:

– Гарри, сизнинг-ча Донованни ОССдан четлаштириш вақти келмадимикин?

– Нимани баҳона қилиб? – сўради у.

– Баҳонаси аниқ, – жавоб берди президент рўпара-сидаги папкага бармогини ниқтаб. – Дьюи мағлубиятга

учраганидан кейин унинг сайлов штабида ишлаганларга Донован ОССдаги муҳим лавозимларни берган ва уларнинг ҳаммаси рейх бўйича операцияларни режалаштираётган бўлимларда Гитлернинг молиячилари билан эски алоқаларидан фойдаланиб ишлашяпти.

Оқ уйдаги бу суҳбат қирқ бешинчи йилнинг марта, Штирлиц рэйхга қайтиб келгач, бир ярим соатдан кейин бўлиб ўтди.

Бу оламда катта ва кичик, кулгили ва фожиали, эзгулик ва қабиҳлик каби ҳамма нарса кўзга кўринмас ғалати муносабат билан пайваста бўлиб кетган; кўпинча у ёки бу тақдирнинг тулашувини мантиқан тушунтириб бўлмайди, тасодифдек туюлади, бироқ айни шундай тасодифдек туюлганлари аслида тараққиётдан яширган барқарор миқдорлардан бири ҳисобланади.

МАНА, ГЕСТАПОНИНГ ИШЛАШИНИ КЎРИБ ҚЎЙИНГ

Берлиннинг марказини бомбардимон қилишмоқда; самолётлар Бабельсбург тепасидан учишмасди, шу боисдан бу ҳудудда электрни ўчириб қўйишмаган бўлса-да, чироқлар одатдагидек хира ёнарди.

– Илтимос, менга қанд солманг, Ганс, – деди Штирлиц. – Мен сахаринли¹ қаҳва ичаман.

Ҳайдовчи ошхонада туриб жавоб берди:

– Ўзингиз озгинсиз-ку, жаноби Больzen! Менинг шефим ҳар бир бурда нонни ўлчаб ейди, нуқул очиқиб юради...

– Ҳинд йоглари очиқиб юришни энг фойдали ҳисоблашади, – деди Штирлиц. – Шундай экан, биз, немислар, бунаقا фойданинг энг чўққига чиққан шароитида яшаяпмиз – деярли ҳамма очқаб юрибди.

¹ Сахарин – ширин оқ порошок.

Ошхонадан садо бўлмади, Ганс, афтидан, турли вазиятда ўзини қандай тутиши ҳақида Мюллар берган кўрсатмаларни эслаб, Штирлицнинг гапини эътиборсиз қолдириди.

– Балки, ўзимдан-ўзим ҳадиксираётган бўлсам-чи? – деб ўйлади Штирлиц. – Балки, бу йигит ростданам мени қўриқлашга қўйилган бўлса-чи? Мамлакат эмас, ичи чаёнларга тўла улкан бир идиш, кирдикорлар мантигини тушуниб олиш амалий жиҳатдан мумкин эмас, ўз ҳиссиётингга умид боғлашга тўғри келди... Аммо қўриқчимдан қутуломасам ва радиист билан алоқага чиқолмасам, бу ерда нима ҳам қиласдим? Берлинда бўлишимнинг нима ҳожати бор? Ўзаро олиб бораётган маҳсус ўйиннинг имкониятлари ҳақида Мюллери огоҳлантириб тўғри иш қилган эканман майли, ўйлайверсин; ҳали орамизда чинакам суҳбат бўлиб ўтмаган бўлса-да, кўринишидан бунаقا жавоб уни қониқтиргангага ўхшайди...»

Туркча усулда тайёрланган қаҳва қойилмақом эди.

– Бунаقا зўр қаҳва тайёрлашни сизга ким ўргатган?
– қизиқиб сўради Штирлиц.

– Группенфюерернинг ўғли Фриц. У билимдон бола эди, инглиз ва француз тилларини биларди, доим расмсиз китоб ва дарсликларни ўқирди. Ҳақиқий қаҳвани қандай қилиб тайёрлаш усулини шу бола аллақаердан ўқиб олибди. Идиш электр плитага қўйилмайди, балки кўпиги кўтарилигунча ўт устида тутиб турилади; болакай буни бизнинг тилимизда эмас, лекин жуда чиройли қилиб олимона атаганди... Қандай таржима қилганини ҳозир эслайман... «Лаззатли портлашнинг самараси», мана унинг ғалати номи...

– Группенфюерернинг ўғли ҳозир қаерда?

Ганс Штирлицнинг олдига мармаладни суриб қўйди.

– Буни онам пиширган, жаноби Бользен, марҳамат, еб кўринг.

– Саволимга жавоб бермадингиз.

– Мана бу ўзимизнинг думба мойдан татиб кўришингизни ҳам илтимос қиласман... Дадам уни ғалати усулда тайёрлайди, шу боисдан орасида пуштиранг қатлами кўп, кўряпсизми, қанчалик гўзал?

– Ҳа, ажойиб, – деди Штирлиц йигитнинг жавоб бермаслигини фаҳмлаб, – уйда тайёрланган думба мойингиздан мамнуният билан татиб кўраман. Ўзингиз қаерлик бўласиз?

– Магдебургдан, жаноби Больzen. Уйимиз йўлининг чорраҳасида, Ганновер томон кетадиган муйилиш Гамбургга йўл кўрсаткич ёдингиздами? Жуда қадимги чорбоғида каттагина силос минораси бор чиройли уй...

– Бу йўлдан кўп юраман-у, аммо, афсуски ҳозир қадимги чиройли уйингизни эслолмаяпман, Ганс... Томи қизил черепица билан ёпилган, синч тўсинлари эса тўқ-жигарранг бўёқ билан бўялган уй эмасми?

– Ўша-да! Демак, ёдингизга тушди-я?!

– Энди кўз олдимга келяпти, – деди Штирлиц. – Агар сизга қийин бўлмаса, илтимос, менга яна қаҳва тайёрлаб беринг.

– Хўп бўлади, жаноби Больzen.

– Бир оз кейинроқ ича қолаймикан? Сизники сошиб қоляпти, ичиб қўйинг.

– Ҳечқиси йўқ, совиган қаҳвани хуш кўраман. Группенфюрернинг ўғли менга «айс-кафе» тайёрлашни ўргатганди. Татиб кўрганмисиз?

– Совиган қаҳвали узун стаканга музқаймоқ бўлаги солинадиганими?

– Ҳа.

– Жудаям мазали, татиб кўрганман. Сиз «Капучини» қаҳвасини ичганмисиз?

– Йўқ, бунақаси борлигини ҳатто эшигтганим ҳам йўқ.

– Асримизнинг ўрталарида капуцинлар, сайёр роҳиблар яшагани ёдингиздами?

– Мен попларни ёқтиримайман, ахир уларнинг ҳаммаси хоин-ку, жаноби Больzen...

– Нега энди ҳаммаси бўларкан?

– Чунки улар тинчлик ҳақида вайсашади, биз эса большевиклар билан америкаликларни йўқ қилиш учун жанг қилишимиз лозим...

– Умуман олганда, ҳақ гап, мулоҳазангиз яхши...
Хўш, капуцинлар қаҳваси ҳақида гаплашаётган эдик...
Бунақасида қайноқ қаҳвага музқаймоқ солинади-да, ғоятда ғалати шоколад кўпиги ҳосил қилинади. «Капучини» қаҳвасини ғалабадан кейин татиб кўришимизга тўғри келадими, деб қўрқяпман... Борақолинг, азизим, суҳбатимиз тугади... Уч пиёлача қаҳва тайёрлаб қўйинг, мен ҳам совиган қаҳвани ёқтираман, бироз ишлашим керак.

Ганс чиқиб кетгач, Штирлиц камзулининг чўнтағидан бир парча қоғозга ўралган уйқу дорисини олиб, Ганснинг пиёласига солди-да, сигарет тутатиб чекди; телефон гўшагини кўтариб, Шелленберг унга делосини берган аёлнинг – Дагмар Фрайтагнинг рақамини терди.

Дагмарнинг овози паст, сал йўғонроқ эди. Штирлицга бунақа овозлар ёқарди, олло-таоло одатда бунақаларни баланд бўй, қотма, хипча бел, римлик аёларга хос чеҳрали қилиб яратади.

«Сен нуқул ҳар нарсаларни ўйлаб топавераркасан-да, қария, – деб қўйди ўзига-ўзи Штирлиц. – Хўш нима қипти? – Шу ондаёқ ўзига-ўзи эътиroz билдириди. – Бу ажойиб нарса. Теварак-атрофингдаги ҳодиса ва одамларга ўзлигингни мажбуран қабул қилдиришинг керак; шунда сенинг тасаввуринг, сенинг тизминг, сенинг гояларинг билиб бўлмас қонунларга аста-секин бўйсуниб, фуқаролик ҳуқуқига эга бўлади, фақат тўғри иш юритаётганингга ва ўз гояларинг ёвуз, яъни ахлоқсиз эмаслигига ишонч ҳосил қилсанг бас».

– Қўнгироқ қилиб сизни безовта қилишга профессор Йорк рухсат берган эди, – деди Штирлиц. – Менинг фамилиям Больzen, Макс Больzen.

– Оқшомингиз хайрли бўлсин, жаноби Бользен, – жавоб қилди аёл. – Кўнғироқ қилишингизни куттган эдим.

– Сизнинг кўзларингиз ферузаранг, – таъкидлаб қўйди Штириц.

– Кечқурунлари, айниқса бомбардимон бошланиб, электрни ўчириб қўйишганда кўзларим сарғайиб кетади, – жавоб берди аёл. – Аслида эса, ҳақ гапни айтдингиз, кўзларим мушукларники каби яшил.

– Жуда соз. Мен билан учрашишга қачон вақтингиз бўлади?

– Истаган пайтингизда. Сиз қаерда яшайсиз?

– Ўрмонда. Бабельсбургда.

– Мен бўлсанм Потсдамда. Яқин экан.

– Қачон ухлайсиз?

– Агар бомбардимон қилишмаса кеч ётаман.

– Бомбардимон қилишса-чи?

– Унда қоронги тушиши билан дори ичиб олиб қаравотга чўзиламан.

– Ҳозир дўстларимга қўнғироқ қиласман-да, – мен эндиғина қайтиб келувдим, – бир-икки оғиз гаплашиб олишим керак – кейин яна сиз билан боғланаман. Балки, агар рози бўлсангиз, сизникига бораман, фақат кечроқ.

«Ҳозир ҳар бир сўзимни ёзиб олишяпти, – ўйлади ўзича у гўшакни жойига қўяркан. – Буниси ёмон эмас. Ҳамма гап бу ёзувни Мюллерга қачон беришларида қолган: ҳозирнинг ўзида беришармикан ё эртага? Ундай бўлгандаям, бундай бўлгандаям кўчага чиқишимнинг асоси кўрсатилган. Мюллернинг Ганси қанчалик бақувват эканини бир кўрайлик-чи; қирқ дақиқадан кейин у ўрнидан туролмайди, бу дори икки соат қимирилмай ухлашга кафолат беради. Шуниси ҳам борки, у қаҳвасини ичмаслиги ва ухлаб қолмаслиги мумкин. Ҳа, майли, кечки сайрни баҳона қилиб Ганс билан бирга боравераман-да, феруза кўз Дагмар билан суҳбатлашиб олганимдан кейин Потсдам бўйлаб

сайр қиласын. Фрагтайниңгдей уйи, агар янглишмасам, радиист истиқомат қилаётган уйдан уч квартал нарида жойлашган. Эхтимол, Дагмарниңгдей уйида ҳовлиға қулайроқ чиқадиган жой бордир, унда деворлардан ошиб ўтишга түгри келади, нима ҳам қиласын, эндилікде Борман ҳам Farb билан музокара олиб боришга халақит бермаёттанини, Швецияда ҳам бу ишга жиддий одамлар жалб этилганидан Москва огох бўлиши лозим».

Ганс ошхонадан қайтиб келиб Штирлицга қаҳва қуиб берди, ўзининг қаттиқ таъсир этувчи уйқу доили қаҳвасини ичиб, жаноби Бользенниңг нонуштага нима ейиши билан қизиқди; тухумни чўчқа гўшти билан қўймоқ қилишга уста эканини айтди.

– Раҳмат, азизим Ганс, эрталаб ҳузуримга бир қизча келади, нонуштага нима ейишимни ўша билади...

– Жаноби Бользен, группенфюрер бомбардимон пайтида қизчанинг ҳалок бўлганини айтганди... Сизни ранжитишга мажбур қилганим учун мени кечиринг...

– Қачон бўлди бу?

– Мен яна сабзидан котлет тайёрлашни биламан, – деди Ганс.

У жавоб бермаслиги лозим бўлган саволларни шунчаки эшиитмасди.

– Сиздан сўраяпман, Ганс. Менинг хизматкорим қачон ҳалок бўлди?

– Лекин мен билмайман-да, жаноби Бользен. Мен фақат ўзимга маълум нарсалар ҳақида гаплашиш ҳуқуқига эгаман.

– Мана кўряпсизми, менга тушунириб қўйганингиз қандай яхши бўлди. Сиздан бирор нимани сўраганда индамай туриш ёки бошқа нарсалар ҳақида гапириш одобдан эмас, шундайми?

– Ҳа, бу нодонлик, гапингиз түгри, жаноби Бользен, аммо мен ёлғонни ёқтирумайман. Алдагандан кўра индамасликни афзал кўраман.

– Қани юринг, сиз яшайдиган хонани күрсатиб қўйай.

– Группенфюер менга биринчи қаватда ётишни буюрган. Сиз ётадиган иккинчи қаватга чиқиладиган зинани тўсиб қўйишим керак. Агар ижозат берсангиз, кечаси креслода ётаман... Уни зинапоянинг ёнига сурсам майлими?

– Йўқ, иккинчи қаватда ҳожатхона йўқ, сизни безовта қилишни эса...

– Бемалол, безовта қилаверинг, кейин бирпасда ухлаб қоламан.

– Мен ҳозир ўзимни ўйлаяпман. Одамларни бекорга безовта қилишни ёқтирамайман. Шундай экан, илтимос, креслони суриб қўйинг. Йўқ, сиздан чеккароқ сурилишни илтимос қилаётганим йўқ, bemalol ўтишм учун уни зинапоянинг мана бу томонига қўйинг.

– Лекин группенфюернинг айтишича, мен...

– Сизнинг унвонингиз қанаقا? Капралми? Меники эса – штандартенфюер.

– Мен сизни қўриқлашга қўйилганман, жаноби Больzen, буйруқни эса менга группенфюер беради. Илтимос, кечиринг...

– Афтидан, Мюллерга қўнгироқ қилишимни истаяпсиз шекилли?

– Худди шундай, жаноби Больzen, илтимос, мендан жаҳлингиз чиқмасин, командирнинг буйругини бажармаган аскарни ўзингиз ҳам кечирмаган бўлардингиз.

– Азизим Ганс, марҳамат қилиб, аппаратни менга беринг, сими узун қилинган, столдан bemalol олишингиз мумкин.

Ганс телефонни Штирлицга узатди-да, кафти билан оғзини тўсиб эснаб қўйди, бундан хижолат чекиб сўради:

– Яна ярим пиёла қаҳва ичсам майлими?

– Бемалол ичаверинг. Нима, кечаси яхши ухлолмадингизми?

– Ҳа, анча йўл босишга тўғри келганди, жаноб Бользен.

Телефонда Шольц жавоб берди.

– Хайрли кеч, Штирлиц гапиряпти. Марҳамат қилиб мени шефингиз билан улаб қўйсангиз, майлими?

– Уляяпман, штандартенфюрер.

– Раҳмат.

Мюллнер гўшакни кўтарди, ўзига хос кулги билан хи-хилаб қўйди.

– Қалай, асабий тутқаноқ бошландими? Баракалла Ганс! Ҳали шошманг, бундан баттари бўлади. Эсингизда бўлсин: калтафаҳм одамлар хиёнатга қодир эмас. Уни телефонга чақиринг.

Штирлиц гўшакни Гансга узатди, у Мюллнернинг гапларини эшитар экан, икки марта бош иргаб қўйди-да, шеф билан яна гаплашасизми, дегандек Штирлицга қараб қўйди, лекин у ўрнидан туриб ваннахонага кириб кетди.

Қайтиб келганда, Ганс креслода ўтириб, кўзларини ишқаларди.

– Ётақолинг, – деди Штирлиц. – Дам олишингиз мумкин, бугун энди сизга юмушим йўқ.

– Раҳмат, жаноби Бользен. Сизга халақит бермайманми?

– Йўқ, ҳечам.

– Кўпинча мен хуррак отаман...

– Қулогимга пахта тиқиб ухлайман, bemalol xurrap otaveriring. Чойшабни юқоридан оласиз, қаердагигини биласиз-а?

– Ҳа, – жавоб берди Ганс,

Йигирма дақиқадан кейин Ганс ухлаб қолди.

Штирлиц яна битта адёлни унинг устига ёпиб, гаражга тушди.

У машинасини ҳовлидан олиб чиқиб кетгач, Ганс гандираклаб ўрнидан турди ва телефон ёнига бориб Мюллнернинг рақамини терди-да:

- У жүнаб кетди, – деди.
- Хабарим бор. Раҳмат Ганс. Бемалол ухлайвер, қайтиб келганда ҳам уйғонма. Баракалла, қойил қиляпсан!

Штирлиц машинани радиостлинг уч қаватли чоғроққина уйига етмасдан икки квартал беридаги тор күчада түхтатди. У ёғига пиёда борди ва гугурт ёқиб фамилияларни – бу ерда түрт оила ижарага турарди – үқиди-да, қўнғироқ тугмасини босди.

Радист кекса немис, асли берлинлик Пауль Лорх экан.

Штирлиц шивирлаб айтган паролни¹ эшишиб майин жилмайиб қўйди-да, уни ичкарига таклиф қилди, улар икки хонали чоғроққина уйга кўтарилишиди. Лорх қатор рақамлар ёзилган иккита кичкинагина қофозни берди.

– Қачон олувдингиз? – сўради Штирлиц.

– Кеча тунда.

Биринчи шифрланган хатнинг мазмуни бундай эди.

«Ахборот беришни нега пайсалга соляпсиз? Биз ҳар куни маълумот олиб туришдан манфаатдормиз. Марказ».

Иккинчиси маълум даражада биринчисини тақрорларди: «Бизга маълум булишича, Шелленберг Швецияда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Бу ҳақиқатга тўғри келадими? Агар бу факт тасдиқланса, у алоқа қилаётган одамларнинг фамилияларини бизга етказинг. Марказ».

– Передатчик қаерда? – шивирлаб сўради Штирлиц.

– Яшириб қўйилган.

– Ҳозир олиб келсак бўладими?

Лорх боши билан рад ишорасини қилди:

– Уни эртага кечқурун олиб келишим мумкин.

– Бугун келтирилса яхши бўларди-да... Ҳечам илонжи йўқми?

– Йўқ, соат олтида ишда бўлишим керак, биз эса бешда қайтамиз.

¹ Парол – яширин шартли сўз ёки ибора.

– Мени эртага ёки индинга кутинг. Туну кун күтинг. Врач чақыртирасизми, касаллигингизни баҳона қиласизми, лекин доим уйда бўлинг. Телефонингиз ўзгармаганми?

– Йўқ.

– Мен қўнгироқ қилиб қолишим мумкин... Анча қийин аҳволга тушиб қолганман... Ҳозир, биласизми, ўзимга ўзим хўжайинлик қилолмайман... Сиз ҳалиям итлар сартароши бўлиб ишляяпсизми?

– Ҳа, лекин эндиликда одамларнинг ҳам соч-соқолини олишга тўғри келяпти. Шу боисдан аzonда госпиталга боряпман...

– Телефон рақамингиз маълумотлар китобида аввал-гидек касбингиз билан боғлиқ бўлимда қўрсатилганми?

– Ҳа.

– Шаҳарда итларнинг сартарошларидан яна қанча қолган?

– Иккита аёл, улар пуделлар¹ бўйича мутахассис. Нега шивирлаб гаплаяпсиз? Мен ишончли одамман.

– Албатта, албатта, – ҳамон шивирлаб деди Штирлиц. – Сизнинг ишончли эканингизга шубҳа қилмайман, шунчаки, жуда чарчадим, асабларим жойида эмас, мени кечиринг...

– Аччиқ чой ичишни истайсизми?

– Йўқ, раҳмат. Сизга, балки, менинг... Хуллас, ҳайдовчи қўнгироқ қилиб қолиши мумкин. Унинг исми Ганс. Агар иложини тополмаса, у менинг машинамда сизни олиб кетгани келади. Машинанинг рақами эсэсчиларники, қўрқманг, ҳаммаси жойида. Агар ўзим сизникуга келолмасам, ўзингиз бориб итимнинг юнгини қирқиб берасиз. Лекин сизникуга, албатта, келишим керак. Мана, шифровка матни, эртага мен келгунча эфирга узатинг.

¹ Пудель – юнги жингалак хонаки ит

«Шелленберг ҳақиқатда ҳам Швейцария билан Швейцарияда янгидан бир қатор мұхым музокараларни бошлаб юборған. Стокгольмда Бернадотни ва Монтрёда Музини контрагент деб аташяпти. Менга филолог, ўттыз олти ёшда, эри савдогар Фрайтаг Гитлерга қарши фикр билдиргани учун қамоққа олинганидан кейин Шелленберг томонидан ишга жалб этилган Дагмар Фрайтаг атамиши кимсани Стокгольмга, граф Бернадот доира-сига юборишни тайёрлаш вазифаси юкланды. Мюллер ўз одамини менга бириктириб қўйған. Борманга, афтидан, Гарб билан алоқалар ҳақида хабар қилинганды, негаки, мендан бетарафлар билан, аслида Даллес билан музокара олиб борилаётгани ҳозирча рейхнинг энг олий сири бўлиб қолиши учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилишимни талаб этидик, у, авваламбор, бу ҳақда Кремлинг билишини истамайди. Юстас».

Мюллер Штирлиц ортидан қўйилган маҳсус кузатув гурухи раҳбарининг ахборотини эшишиб, Лорхнинг манзилини ёзиб олди.

– Раҳмат, Гуго, қойилмақом иш бўлди, – деди унга, – энди кузатувни тўхтатинг, у ҳозир, чамаси, анави Дагмар Фрайтагникига боради. Дамингизни олинг.

Кейин Мюллер, дешифровка бўлимидан филология шифокори штурмбанфюрер Герберт Ничени ҳузурига чақириб сўради:

– Шифокор, агар сизга душман радиограммасидан олинган бир қанча сўзни берсан, уни ўқиёласизми?

– Рақамлар устунининг узунлиги қанақа? Шифр билан ёзилганлардан қанча сўз сизга маълум? Қанақа сўзлар?

– Ҳм... Тўғриси, бу сўзларни билмаганингиз маъқул эди... Мен бизнинг бинодан ташқарида ишлаётган гуруҳлар бўйича сизга айтадиган сўзларни тарқатиб ишлатасиз... Сизга айтадиган бу сўзлар жуда хавфли шифокор... Агар буларни муассасамиздаги бирор

учинчи шахс билиб қолса, ҳаётингиз сариқ чақага ҳам арзимайдиган бўлади... Демак, мана шифрограммада акс этиши шарт бўлган сўзлар... «Дагмар», «Стокгольм» «Фрайтаг», «Швейцария», «Даллес», «Мюллер», «Шелленберг», «Бернадот»; ифвогарлик мақсадида партиямизнинг ҳар бир аъзоси учун муқаддас бўлган рейхсмаршалнинг, рейхсфюрернинг ва рейхслайтер Борманинг номи ҳам аталиши мумкин. Айнан, герман миллати буюк фюрерининг номи ҳам эслаб ўтилиши мумкин... Шифрнинг қанақалигини билмайман-у, аммо рус радиосткаси ишлатган шифрга ўхласа ажаб эмас.

– Штириц қўлга туширган радиостками? Госпиталдаги?

– Ҳа, Штириц уни айни «Шарите»да пайқаб қолган, ҳақ гапни айтдингиз.

Мюллер темир сандиқда Эрвин билан Кэт эфирга жўнатганда тутиб қолинган шифровкани олди-да, Ниченинг рўпарасига қўйиб деди:

– Ҳозирча гап бундай, мана бу рақамлар ўрнига қўйидаги сўзларни қўйиб бир бош қотириб кўринг... «Вольф», «Даллес», «Шлаг», «Пастор», «Мюллер», «Швейцария», «Берн», «Шелленберг»... Гиммлер билан Борманинг номи разиллик, ифвогарлик маъносида эслатиб ўтилган бўлиши мумкин. Агар ҳаммаси бўлса ҳам, бу сўзларнинг кўпчилиги, тахминимча, шу рақамларда ўз ифодасини топган... Мен шу ерда тунаб қоламан, шундай экан, қўнғироқ қиласкеринг, Шольцни огоҳлантириб қўйганман, у мени дарров уйготади...

Шольц уни соат олтида, кун ёришиб кетганда уйғотди; тунда бомбардимон қилишмади, шу сабабли ёнгин тутунлари, крематорийнинг енгил учиб юрувчи кукунлари кўринмасди.

Шифокор Ниче расшифровка қилинган ёзувни Мюллернинг олдига қўйди.

«Шелленберг Гиммлернинг ижозати билан Швейцарияда музокара олиб бориш ниятида юрибди. Менга эркин ҳаракат қилишга рухсат берилди, тезда алоқа зарур, батасыл маълумотни ўзим Бернга жўнатамётган пастор етказади. Юстас».

Мюллер кўзларини юмиб олди, кейин ўтирган креслосида секин силкиниб қўйди – у овоз чиқармай куларди, худди шамоллаб қолгандек, бошини чайқаб бўғиқ хирилларди. Штирлиц ўзи билан, Шелленберг ва Борман билан қилган сұхбатидан кейин Пауль Лорх орқали жўнатган шифровкасини Мюллерга беришганда, гестапо шефи болалигида токзордаги кўчатлар парвариш қилинадиган баҳорги ишларда бобосига кўмаклашган пайтидагидек мамнунликни, лаззатли қувончни ҳис этди.

Унинг бунчалик қувонишига асос бор эди.

У Штирлиц ўз иродасининг кўр-кўёна ижрочиси бўлиб қолишига эришди; эндиликда Кремль билан Оқ уй орасидаги муносабатларнинг очиқдан-очиқ бузилиши масаласи, конфронтация эҳтимоли мавҳум гоя бўлмай қолди. Шу нарса амалга ошса – Мюллер қутулиб қолади. Ҳар ҳолда у билан Борманнинг қутулиб қолиш имкони беқиёс ошди, агар ҳатто руслар билан америкаликлар орасида ўзаро қуролли конфронтация юз бермаса ҳам, бари бир қизиллар разведкаси Борман билан Мюллернинг бундан кейин сулҳ музокараларига қандай муносабатда бўлиши билан қизиқмаслиги мумкин эмас; чунки музокараларни тўхтатиш ёки уни давом эттиришда ҳамкорлик қилиш шуларга боғлиқ...

БҮЛАЖАК ИНТИҚОМ АСОСЛАРИ

Борман азонда Берлиндан жүнаб кетди.

У Потсдамга йўл олди; бу ерда, ўрмондаги атрофи баланд деворлар билан ўралган, НСДАПнинг бешта ветерани ва Мюллер ажратиб берган учта СС офицери қўриқлаётган чоғроққина уйни шифокор Менгеле «AE-2» маҳсус лаборатория қилиб жиҳозлаган. Борман ниҳоятда сир сақлаб келаётган, фюрерга ҳам маълум қилинмаган Менгелининг госпитали ана шундай маҳфий ном билан «AE-2» деб аталарди.

Рейхслейтернинг энг ишончли одамлари унинг топшириги билан танлаб олинган номзодларни тунда, парда тутилган машиналарда худди шу ерга олиб келишарди.

Менгеле бу ерда пластик операциялар ўтказарди. Йигирманчи йилларда Борманни судда ҳимоя қилишни уюштирган «кекса курашчи», рейхслейтер дўстининг ўғли оберштурмбанфюрер Гросс биринчи бўлиб операция қилинди; Борман амалга оширган қотилликни большевиклар террорига қарши курашда сиёсий ҳимояланиш ҳодисаси сифатида талқин этиш фикрини айни Гросснинг отаси адвокатларга уқдирган эди. Эндиликда, орадан йигирма икки йил ўтгандан кейин Борман кичик Гроссни Американинг сионистлар¹ доирасида келгусида олиб бориладиган ишларга мўлжаллаганди; бу йигит Итон университетини битирган, инглизча талаффузи мутлақо равон, Эйхманнинг қўл остида ишлаган, яхудий болаларини ўлдириб ўз душегубкаларини² синовдан ўтказаётганда Вальтер Рауфга ёрдам берган.

¹ Сионист – яхудийларнинг реакцион буржуа-миллатчилик ҳаракати тарафдори.

² Душегубка – одамларни газ билан бўғиб ўлдириш учун маҳсус ускуналанган машина.

Менгеле Гроссни хатна қилди, буруннинг шаклини ўзгартириди ва концлагерларида газ камераларида бўғиб ўлдириш олдидан яхудийларга қилинганидек эсэс рақамларидан бири – «1.597.842» сонини унинг баданига игналарда туш билан ёзди.

«АЕ-2» лабораториясиغا иккинчи бўлиб Рудольф Витлофф келтирилди; у Россияда тарбияланган, отаси Сименс-Шуккерт савдо фирмасида ишлаган, ўғли рус мактабига қатнаган, бу тилни мукаммал билиб олган, «Қизил капелла» билан шуғулланган Мюллернинг гурруҳида, амалий машгулот ўтказган; Борманнинг одамлари уни большевикларнинг орқа томонига ташлаш учун тайёрлашган; Менгеле Витлоффнинг пешонасида тиритиқ ҳосил қилди, рус ҳарбий маҳбусининг чап елкасидан шилиб олинган бир парча тери устидан Сталиннинг портрети ва «Немис босқинчиларига ўлим» сўзларини игна билан баданига туширди.

Бугун Менгеле учинчи операцияни ўтказди; Клаус Нейман монархияга қарши курашувчи радикал араблар сафиға кириб олишга тайёрланмоқда эди. Борман ўзининг учала одами билан алоҳида-алоҳида гаплашиши лозим эди; яширин ишлаш қонуни бўйича бу учлиқдан ҳеч қайсиси бир-бирини кўрмаслиги шарт.

Борман вайронга шаҳар бўйлаб бораркан, танланган учала номзод билан суҳбатда ошкора фикр юритишга ҳаққим бормикан, деган саволга ҳамон жавоб беролмасди. У иккиланарди: буларни душманнинг орқа томонида мустаҳкам ўрнашиб олишга йўллантирсинми ё ҳаммага маълум бўлган гапларни айтсинми, яъни: «Биз курашда ютқаздик, агар мўъжиза рўй бермаса, яқин ойларда уруш тугайди; сизларнинг зиммангизга национал-социализмни тиклашнинг буюк ишига ўзингизни баҳшида этишдек масъулиятли вазифа қўйилди. Ўзимиз бошлаган ҳаракатнинг жозибаси шундан иборатки, биз олий ирқ миллати-

нинг сараланган энг яхши вакилларига кучлилар ҳокимиюти учун курашда ҳамма нарса қилишларига ижозат этилганини ошкора ва дангал эълон қиласиз. Ҳа, афтидан, фақат немисларгина мутлақ ва эътиrozсиз пешвонлик ҳуқуқига эга эканини бўрттириб кўрсатмаслик керак экан. Жаҳоннинг биринчи бўлиш орзусини алантагалиш мумкин бўлган ҳудудларида миллий озчилик алангасини туркиратиш лозим эди. Ҳа, биз келажакда бу хатони ҳисобга оламиз ва сизлар, айни сизлар хотира ва орзусларни ўзида мужассамлантириши лозим бўлган алана посбонлари бўласиз. Миллий фоялар ёнгини бутун оламни тутиб кетганда немислар бари бир биринчи бўлиб олишади. Синфлар йўқ, синфлар ҳақидаги гап яхудийларнинг яширин фояларига мубтало бўлган марксистларнинг сафсатаси; рус большевиклари тарғиб этатётган «интернационал бирдамлик» асло йўқ ва бўлмайди ҳам, ҳар бир миллат фақат ўзини ўйлади; жамиятда, агар бу фақат битта миллат жамияти бўлса, ҳеч қандай зиддият йўқ; соғқонлилик – олий ирқлар жамияти фаровонлигининг гаровидир».

Борман агар ўзининг арзандаларига бор ҳақиқатни айтмаса, ўзи бошлаган, яъни ҳали эълон қилинмаган бўлса ҳам фюрернинг ҳақиқий вориси бошлаган ишга маълум даражада зиён этишини биларди. Бироқ у Гитлерга кўр-кўрона, мутаассибона ишонч руҳида тарбияланган одамларни ўзига танлаб беришганига имони комил эди; агар уларга рейхнинг инқизорзи муқаррар ва яқин экани очиқчасига айтилса, бу одамларнинг ҳақиқат сўзларига қандай муносабат билдиришини олдиндан айтиш анчайин мураккаб; улардан бири Борманни хоинликда, шубҳали миш-мishлар тарқатишда айблаб тезда фюрерга мактуб йўллаши ва сотқинни суд қилишни талаб этиши мумкинлигини ҳам у биларди. Бир қанча ўғил ва қизларнинг ўз оталари устидан: «Улар фюрер урушда ютқазди,

дэйишдан ҳайиқишишмади», деган мазмунда шикоят қилган ҳоллари ҳам учради; империя халқ судининг раиси Фрейслер болаларнинг бу хатларини Борманга кўрсатар экан: «Ана шу болалар каби ватанпарварлар билан биз ҳар қандай душманни енгамиз», деди фоят таъсиrlанганидан кўзига ёш олиб.

...Борман келажак ҳақидаги ўйларини миясидан қувди, кучли ирода эгаси бўлган бу киши фақат айтадиган сўзи ва хатти-ҳаракатинигина эмас, балки фикрлар оқимини ҳам назорат қилишга одатланганди. Бироқ март ойининг бошларида у маданий асарларни жойлаштириш ҳамда асраш масаласи билан боғлиқ ишлар юзасидан – Россия, Польша ва Франциядан тўққиз юз етмиш миллион долларлик картина ҳамда ҳайкалтарошлиқ асарлари ташиб келтирилган эди – Австрияга, Линц туманидаги Бад Аусензеега икки кун муддатга бориб, рейхнинг эвакуация қилинган ташқи ишлар министрлиги, Болгария, Хорватия, Венгрия, Словакиянинг «қувғиндаги ҳукуматлари» жойлашган ўйларни кўриб, аввалги салоҳиятнинг ачинарли ҳолатини ҳис қилас экан, ҳаммаси тамом бўлганини тушуниб етди, фронтлардаги чекинишлар эмас, гестапо Мюллернинг барча нарса кунпаякун бўлаётгани ҳақидаги маълумоти эмас, НСДАП ҳудудий ташкилотларининг рейхдаги очарчилик ва касалликлар тўғрисидаги ахборотлари эмас, балки озчилик қолганини ҳис этиш унга зарба бўлиб туолганди. У бункерда, фюрернинг ёнида бўлганида, одатдаги кун тартиби ҳар куни такрорланиб турганда, алоқа тўхтовсиз ишлаётган пайтда, Гитлер министрлик харитаси ва ахборотларини бемалол таҳлил қилаётган вақтда Борман хотиржам эди, чунки империянинг ер ости идорасида бомбардимон гумбури эшитилмасди, мазали таомлар беришарди, СС офицерлари одатдагидек жуда яхши кийинишганди,

генераллар ахборот бериш учун белгиланган вақтда етиб келишарди; куч-кудратлилик тасаввури ҳукмрон эди; рейх Данияни, Шимолий Италияни, Голландия ва Норвегияни ҳамон эгаллаб турарди, СС қўшиллари Австрияга туширилганди, Чехословакия ва Венгрияда ҳамон гарнizonлар сақланиб туриларди; шарқда аҳвол ташвишли эди, аммо миллат сўнгги томчи қони қолгунча бардош бериши лозим, ўз ихтиёри билан ўзини ўлдиришни ким ҳам истарди?! Қизиллар ҳаммани тифдан ўтказишади, буниси аниқ; демак, немислар ҳар бир уй, сайҳонлик, майдонни, ҳар бир саройни ҳимоя қилишади, гап одамларнинг жисмоний мавжудлиги ҳақида бормоқда...

Борман Линцдан қайтар экан, айни ўшандаги нима воқеалар юз бергани ҳақида ўзига биринчи марта ҳисоб берди, унга фюрернинг кўрсатмасини кутмай биринчи марта ўз ҳолича бир қарорга келиши лозим бўлди. Айни ўша пайтда қутулиб қолишнинг ўзи тузган режани миясида қийинчилик билан тугилиб, қўрқа-писа бош кўтара бошлади. Аввалига бу режа узил-кесил пишиб етилганини ўзича тан олишдан қўрқиб кетди; Борман бу фикрни хаёлидан чиқариб ташлади, у бунақа ишга моҳир эди. Аммо маршал Жуков Берлинга ҳужум қилишга тайёргарлик кўраётганида, Розенберг унга «Правда» ва «Красная звезда» газеталарининг бош мақолаларида айтилган муҳим гапларни ўқиб берганда, Борман иккиланиш вақти тугаганини, фаол ҳаракат қилиш пайти бошланганини тушуниб етди.

Бу ишда унга Геббельс ёрдам берди. У Геринг, Гиммлер, Риббентроп ва Розенбергни узил-кесил бир четга суриб қўйиб, эндиликда Геббельс билан мустаҳкам иттифоқ тузиб олганди.

(Айни Геббельснинг ўзи апрель ойида ВКП(б) Марказий Комитети агитация ва тарғибот Бошқармаси бошлиғи Александровнинг «Красная звезда» газе-

тасида эълон қилинган мақоласининг таржимасини кўтариб Борманнинг ҳузурига келди. Мақолага «Ўртоқ Эренбург масалани соддалаштиromoқда» деб сарлавҳа қўйилганди.

– Руслар немисларни рақсга таклиф қилишяпти, – деди Геббелъс тантанавор оҳангда.

Борман фақат душманлар эмас, балки ҳар хил немислар борлиги, муқаррар ғалабадан кейин икки миллат ўртасида қандай муносабатлар ўрнатилиши тўғрисида ҳозирнинг ўзида ўйлаш лозимлиги ҳақида ёзилган мақолани диққат билан ўқиб чиқди.

Геббелъс Сталиннинг лақмалиги ҳақида, немислар ҳамма вақт осиёлик ваҳшийлар учун душман бўйлиб қолиши тўғрисидаги гапини давом эттирас экан, Борман хаёлига келган бебош фикрдан ҳатто музлаб кетди: «Москва ростанам унга, Борманга дўстона қўл узатайтган бўлса-я? Бу мақоладан нега энди шунаقا хулоса чиқариб бўлмас экан?»)

Борман айни шу нуқтаи назардан иборат ўз фикрларига асосланган қутулиб қолиш режасини март ойининг охирида тузиб чиқди.

Эндилиқда у Фарб билан алоқа ўрнатиш ишида на Гиммлерга, на Шелленбергга халақит бермасликка аҳд қилиб қўйди. Бундан ташқари, Мюллер фитначиларга иложи борича қилча ҳам зарар етказмай, бу ишда уларга ёрдам бериши лозим. Бироқ, шунга эришиш керакки, бу музокаралар ҳақидаги ахборотлар мунтазам равишда ва соат сайин Москвага, Сталинга етиб борсин; Сталин кутаверсин, бир пайти келиб Гиммлер Даллес билан келишиб олади, деб ўйлайверсин, большевикларга қарши европаликлар ягона фронтининг қасос шамшири остида яшайверсин – нима, шунаقا бўлиши мумкин эмасми? Шундай қилиш керакки Гиммлер бу музокараларда аниқ бир натижага эришсин. Фарбий фронтдаги мавжуд барча

жанговар кучларни Шарққа күчиришга фюрерни күндириш керак. Шундан кейин бош штабга зарба бериш, Гудерианни ҳайдаб юбориш ва унинг ўрнига Кребсни қўйиш керак – у русча гаплашолади, Москвада ҳарбий атташеда ишлаган. Кремль бу ўрин алмашишлар моҳиятини тезда тушуниб олади, у ердагилар бунга моҳир, Гарбий фронт америкаликларга очиб қўйилгач, уларнинг армияси Берлин томон интилган бир пайтда сулҳ таклифи билан Сталинга мурожаат қилиш керак; ҳа, уни бир томондан – Гиммлер билан, иккинчи томондан – вермахтни, унинг Гудериан, Кессельринг, Гелен типидаги ҳарбийлар эгаллаб олган олий қўмондонлигини бошқариб бўлмаслиги билан қўрқитиб, унга, Сталинга, ҳа, Ялта шартномаси бир варақ қоғозчалик қадрсиз бўлиб қолганидан гувоҳлик берувчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда айни Сталинга мурожаат қилиш керак; майли, у нимани ўйласа, ўйлайверсин, мантиқа зид антиқа хулоса чиқаришга уста у ё Берлинда, амалий жиҳатдан бутун Европада америкаликлар бўлишини ёки Борманнинг янги Германияси, ҳа, америкалик зодагонлар армиясини улоқтириб ташлашга ва Москва билан, унинг шу босқичдаги голиблигини тан олиб, фаҳрли сулҳ тузишга тайёр турган айни Борман Германиясини танлайди.

«Вақт оз қолди-да, – деди ўзича Борман. – Жудаям вақт оз, ҳали мен ўтишим лозим бўлган босқичлар эса ҳаддан ташқари кўп. Танг вазиятда уйғунликни сақлаб қолиш қийин, лекин бари бир уйғунликни сақлай олсан, менда қочишни эмас, балки ҳаётимни тиккан ишни давом эттиришни ўйлашга асос берувчи имконият юзага келади».

Айни ўшандада у Штирлицни эслаб қолди.

Айни ўшандада у Берлиндан қайтиб келиши биланоқ Мюллерга қўнгироқ қилди-да, уни ҳузурига чақиртириб, Гудериан билан Геленга қарши маълумот тайёrlашни буюрди. Айни ўша пайтда у Гиммлер ва у

бошлиқ штабнинг маҳфий алоқалари тўғрисидаги ах-
боротларни Кремлга ким етказа олиши ҳақида Мюл-
лерга савол берганди.

Штирлиц қайтиб келганида айни шу сабабли
ҳибсга олинмаганди: у Борман бир пайтнинг ўзида
ҳам жуда ҳурмат қиласиган, ҳам нафратланадиган ки-
шининг кўрсатмасиз таваккалига бошлаган ишида
етишмаган бир ҳалқа эди.

Германияда шундай вазият юзага келган эдикি,
рейхнинг юқори мансабдаги амалдорларга бўйсуниш
қоидасига биноан илгари ўрни белгиланган, ҳуқуқ ва
бурчлари аниқ тасдиқланган муайян вазифадаги, бир
машинанинг аллақандай детали сифатида унинг му-
каммал ишлашини таъминлаган ишбошилари ўй-ха-
ёлларини эндиликда, ҳалокат арафасида, олий ҳоки-
миятнинг боқишини ва бошпана билан таъминлаши-
ни эмас, балки ҳаётини сақлаб қолиш кафолатини
беришига ишонмай қиялама йўл бўйлаб жарлик то-
мон елиб бораётган вагондан тушиб қолишдек ягона
фикр қамраб олганди.

Чинакам ижтимоий гоялардан маҳрум этилган
одамларга аллақандай елимнамо виждон хос экан,
фюрерга хизмат қилиш эвазига олинган баҳт-саодат
ёвузлик, принциплизм, итоатгўйлик, қўрқоқлик
йўли билан қўлга киритилган экан, газабга дучор бўл-
ган дўстларнинг сотқинлиги соғлом фикр ва мантиқ
устидан зўравонлик, қирқ бешинчи йилнинг баҳо-
рида рейхда юзага келган вазият уларни ич-ичидан
сотқинликка ундарди. «Миллатнинг иккинчи рақам-
ли фахри» ҳисобланган Герман Герингдан бошлаб
ҳар бир киши ўзининг йўқ қилинмаслигига фақат но-
мигагина кафолатга эга бўлса ҳам севимли фюрерни
унутишга тайёр эди.

..Мюллера Борманнинг гапларини эшитиб, дарров
бир қарорга келди: Штирлицнинг рус маҳфий хиз-

мати билан алоқаси борлиги ҳақида рейхслейтерга айтиш ҳечам мүмкін әмас. Мюллер қутулиб қолишинг режасини ўзи тузиб қўйган әди, фақат бу режаси Борманнинг тоғаси билан шу қадар туташиб кетишини ҳатто тасаввур ҳам қилмаганди. Шу боисдан у эслатиб қўйди:

– Агар Штириц Германияга қайтишга аҳд қилиб қолса, уни қабул этиш учун вақт тополсангиз, агар у сизга қўнғироқ қилолса ва сиз белгилайдиган учрашув жойига етиб боролса, бўлажак ишлар юзасидан унга йўл-йўриқ бераётганингизда қўйидагиларни алоҳида таъкидлаб қўйишни илтимос қиласман: «Сизнинг асосий вазифангиз эндиликда бажариб бўлинган юмушлардан кескин фарқ қиласди. Сизнинг вазифангиз Шедленберг ва унинг одамларини эҳтиёт қилишдан иборат бўлади. Сиз уларнинг музокаралари мутлақо маҳфийлигини таъмин этмоғингиз лозим – бу, фақат бекордан-бекорга фюрернинг қалбини жароҳатлаб қўймаслик учунгина әмас, балки бу ҳақдаги ахборот Кремлга етиб бормаслиги мақсадида қилингани. Стокгольм ва Швейцариядаги музокараларнинг якунидан кимнинг чинакамига фойдаланиши ҳозирча номаълум, муҳими шундаки, бундай музокараларнинг мавжудлиги фактини Москва ҳечам билмасин».

Борман ғалати бир ҳолатда сергак тортиб Мюллера синовчан назар ташлаб қўйди, аммо савол бермади; у ҳам НСДАПнинг кўпчилик олий ишбошилари каби майда-чуйдаларга аҳамият бермаслик, бу билан аппарат шуғулланади, вассалом, принципи бўйича яшашни афзал кўрарди. Агар Мюллер Штириц тўғрисида унга, Борманга маълум бир тўхтамга келишга ундаш мүмкін бўлган муҳим бир гап айтишни лозим топганда, бу оқибатда ишга халақит берган бўларди; майли масъулият Мюллернинг зиммасида туравер-

син, чунки у ўйланган ишнинг даражаси қандайлиги-ни тушунади, шундай бўлгач, у ҳалол экани зигирча шубҳа остига олинган одамни бу ишга жалб қиласмиди? Албатта, йўқ. Аксинча бўлса-чи? Нима ҳам қиласардинг, бу унинг иши, у – ўз ишининг устаси;agar ўйлаган ишни барбод этса, ўзини нималар кутаётганини яхши билади. Хотирасида фақат асосий гоянинг шаклинигина қолдириб, ортиқчаларини четга суро билиш керак; майда-чуйдаларига разведкачининг ўзи жавоб бераверсинг, мен, сиёsatчи Мартин Борман эса асосий гояни илгари сурман, ходимларнинг асосий вазифаси уни амалга оширишдан иборат; тўғри, улардан ҳеч бири ахлоқимиз ва қонунимизнинг руҳига зид иш қилишмайди; Европа тақдири билан яшаман, махфий полиция менга, Борманга бажараётган ишимда қандай кўмаклашиш ҳақида ўйлаб қўйисин. Майда-чуйдалар учун масъулият ижрочилар зиммасига юклатилган; ўшалардан суриштираверишсинг; гояни суд қилиб бўлмайди!

Борман «AE-2» лабораториясига етиб келганидан кейингина номзодлар билан гаплашиб олишнинг учинчи, энг мақбул усулини – национал-социализмнинг порлоқ гоялари учун курашда ҳамкор ўртоқлар билан қувноқ оҳангда, очиқасига, дўстона сухбатлашишни лозим топди.

Махфий учрашув жойлари, банк счётларининг рақамлари – хуллас, майда-чуйдалар – ўз одамларига аллақачонданоқ маълум; алоҳа усуллари келишиб олинган; фақат оқ йўл тилаб хайрлашиш қолган, холос.

Ҳар бирига унинг ўзига хос тилак билдириш лозим: Гроссста бирор нима дейишнинг ҳожати йўқ, ўз ишининг моҳир устаси, Эйхман бўлса Альфред Розенберрга қараганда анча омилкор, чунки назариётчиларга қараганда амалиётчилар одатда ишни кўпроқ билишади; Витлофф Россияни беш қўлидек яхши билади,

Мюллер билан Кальтенбруннер унинг ишчанлик хусусиятини юксак баҳолашганди; Нейман Александрияда вояга етган, унинг отаси ўша ерда Рудольф-нинг оиласи билан дўст тутинганди. Ҳар бири билан суҳбатлашаётганда уларнинг эътиборини жаҳонда миллий социализм гоялари қайта юзага келаётганидан дарак берувчи воқеаларга қаратмоқ лозим бўлади. Айни шу масалани улар мутлақо тўғри тушуниб олишлари керак; хомхәёлликка асло ҳожат йўқ; фақат воқеаларни ҳушёрлик билан талқин этишлари лозим, вассалом. Борман Гитлер ҳокимият тепасига келганидан сўнг концлагерда ўлдирилган Нобель мукофоти лауреати Карл фон Осецкийнинг сўзларини эслатиб ўтмоқчи бўлди. «Мен ўз шоввозвларимга душманни худди «Отче наш»ни билгандек билиб олиш лозимлигини айтаман, – деб ўйлади у ўзича, – чунки сени ҳеч ким ҳокимият ва шон-шуҳратга интилувчи, очиқ-часига ҳаракат қиласидиган муросасиз душманчалик тушунмайди. «Кекса фельдмаршал, рейхспрезидент Гинденбург фюрерни қабул қилиб, «миллий иттифоқ» ҳукуматини тузишни унга топширишидан бир кун аввал айни Осецкийнинг ўзи юз берадиган воқеалар моҳиятини қўйидаги тарзда баён қилганди: «Катта ер эгалари ўз аҳволлари ёмонлашаётганини ҳис қилгандагина йирик саноат қаттиқ бир қўл ишчиларни бетўхтов мунозарага эмас, балки ишлашга мажбур этган тақдирдагина ютиб чиқиш мумкин бўлган янгича бир вазиятни ҳис этганидагина сарой аъёни пайдо бўлади».

«Ҳечқиси йўқ, – деб ўйлади ўзича Борман, – ўша ифлос Осецкийнинг «сарой аъёни» ҳақидаги гапларини айтавераман, майли, буни мендан эшитаверишсин, уларга душман орасида яшашга тўғри келади, алам қилдирадиган сиёсий кинояларга эътибор қилмасликни ўрганишлари керак. Қондошлиқ, обрў-эъти-

борга ташналик, омманинг омиллиги, тасодифлар – ана шу омиллар билан тикланиб оламиз. Кейин эса агар Мюллер ўз садоқатини бутунлай исботлай олсангина у билан алоқа қилишни уларга айтаман».

– Бугун кайфиятингиз чинданам жуда яхши, рейхслайтер, – деди Борманни дарвоза ёнида кутиб олган Менгеле.

– Худди шундай, – жавоб берди Борман Менгеленинг лунжини сийпаб.

БЕЧОРА, МУШТИПАР АЁЛЛАР...

– Бу ўринда достону эртак ва афсоналарнинг нима ҳожати бор? – деди кулиб Дагмар Фрайтас. – Арақни ичинг-да, бу дунё ташвишларини унутинг!

У япончасига оёқларини тагига босиб стулда ўти-раркан, бўйдор бўлишига қарамай, кўхлик кўринди. Штирлиц тасаввур қилганидан ҳам хушсурат, гўзалроқ аёл эди.

– Яъни масалан? – сўради Штирлиц аллақандай но-маълум бир қувонч билан тотли швед арагини ичар-кан. – Нега «ташвиш» бўларкан?

– Ҳаммаси жудаям оддий, – жавоб берди Дагмар. – Яхши оиласдан чиққан қиз бир касбнинг бошидан тутиши, эркин бўлниши лозим ва ҳоказо. Мен бош штаб офицери бўлиши орзу қилардим, жанг режаларини тузишни ниҳоятда ёқтиардим, ёшлигимда қўғирчоқ эмас, балки қўргошин аскарчаларни ўйнардим. Ҳозир ҳам Европада ягона бўлган жамланмани асраб юрибман, ҳатто қизил аскарчалар ҳам бор, кейин кўрсатаман. Кўришни истайсизми?

– Ҳа.

– Шунача гаплар... Дадам билан онам мени филолог қилиб тайёрлашди. Шуям фан бўптими? Бу фан эмас, бу – амалий иш, бу – тезоб суртилган дараҳтдан қан-

дай фойдаланишни, балиқчилар тўри қаерда кўримли туришини биладиган, залнинг нимқоронги бурчагига Испаниянинг бир парчасини – сип-силлиқ оқланган дөврлар, қадимги экипаж қолдиқлари, кўплаб эски мис идишлари – қай йўсинда тасвирлашни ўйлаб топадиган устанинг ресторонни дид билан жиҳозлашидир.

– Унчалик эмасдиро, – деди кулиб Штирлиц. – Фақат сизнинг чекланган ихтисосингиз, яъни скандинав ва герман адабиётининг узвий боғлиқлиги масалаларини билишингиз бош штабга қўл келадиган мутахассислик. Сўз ўзакларининг муштараклигини ва бир хил маънода эканини исботлай оласизми? Исботлайсиз! Мана шундан кейин Швеция рейхга қўшилишга мажбур, деб эълон қилишга ўтса ҳам бўлади.

– Вой худо, буни мен аллақачон исбот қилиб бўлганман, аммо шу пайтгача қўшиб олишмади-ку! Русларнинг қўпгина достонларини ҳам биз яратганимизни аниқлаб чиққанман. Руслар жамиятининг князлик дружина қатлами дастлабки пайтларда бизниклардан, скандинав-германлардан ташкил топганди, худди ана шунинг ўзи, аждодларимиз эпик ижодимизни ўша ёққа тарқатишган, славянлар орқамизга бир тепганидан кейин эса уларнинг достонларини бу ерга олиб келишган, деган маънони билдиради...

– Бу – илмий жиҳатданми? Ёки Россиянинг бизга қўшилишини асослаш осон бўлиши учун қўргошинли бош штабингиз фикрича шундайми?

– Унисиям, бунисиям тўғри, аммо Германиянинг Россияга қўшилишини қизилларнинг бош штаби асослаб беради, – ғалати йўсинда тўсатдан кулиб қўйди аёл, – ҳечам бизниклар эмас.

– Яна арақ қуийб берасизми?

– Нон-пишлоқ емайсизми? Пишлоқ бор.

– Ким билади дейсиз... Балки, истаб қоларман...

Дагмар ҳеч кутилмаганда назокат билан енгилги на ўрнидан турди, юбкаси спортчиларникига хос жу-

даям калта эди, Штирлиц аёлнинг оёқлари ниҳоятда гўзал эканини кўриб қолди. У ғалати, юксак даражада аянчли бир қонуниятни эслади: гўзал чеҳра албатта хунук қомат билан, нозик қўл нимагадир ингичка оёқ билан, хурпайган соч семиз, бесунақай бўйин билан бирга бўлади.

«Буники эса ҳаммаси жойида, – деб ўйлади Штирлиц. – Табиат уни эзгуликнинг мукаммал қонуниятига асосан яратибди. «Ҳар бир кишига оз-оздан» деган одатдаги шафқатсиз мантиқ асосидамас.

Дагмар бутербродни мазали тайёрлабди: маргарин қалин сурилган, пишлоқ ниҳоятда юпقا қилиб кесилган бўлса ҳам нон устига уйиб қўйилганди.

– Марҳамат, ичиб, бемалол еяверинг, – деди яна стулга назокат билан енгилгина ўтирап экан. – Эркакларнинг овқатланишини томоша қилишни жудаям яхши кўраман, яшаш унчалик қўрқинчли туюлмайди.

– Менга скандинав-рус достонлари ҳақида гапириб беринг, – илтимос қилди Штирлиц.

– Сиз фақат ақлий меҳнат ҳақида суҳбатдан кейингина аёлни тўшакка таклиф этасизми? Мен сиз билан ҳозироқ ётишга тайёрман.

– Наҳотки?

– Гўё ўзингиз билмагандек... Аёллар сизнинг тоифангиздаги эркакларни дарров севиб қолишади.

– Сабаби борми?

– Сизларга ишонса бўлади.

– Бор-йўғи шуми?

– Каттарогини таклиф этолмайсизми? Бўлмаса менга бўйинбог олиб беринг, сизнинг итингиз бўламан.

– Итларни яхши кўрасизми?

– Итальяннинг саволи... – Дагмар елкасини қисиб қўйди. – Ёки испанларга хос савол... Лекин ҳечам немисники эмас. Наҳотки итларни ёқтирумайдиган бирор немис бўлса?

- Сизга Писка деган янги лақаб қўйман, розимисиз?
- Ҳар қанақаси бўлса ҳам розиман.
- Шундай қилиб, достонлар ҳақида...
- Сигаретингиз борми?
- Бор.
- Хумор қилиб қолди.
- Аслида сиз чекмайсиз шекилли?
- Чекишни ташладим. Гимназияда чекардим, эҳ-хе, шунақаям чекардимки... Арақ ҳам ичардим. Бошқа ишларни ҳам...
- Қойил. Машқда қийналсанг – жангда осон бўлади.
- Рус генерали Суворовнинг гапи.
- Мутлақо тўғри. Фақат, хотирамдан кўтарилимаган бўлса, фельдмаршал эди.
- Хотирангиз янглишмабди. У генераллиссимус эди.
- Менга қаранг, сизнида меҳмон бўлиш жудаямроҳат экан.
- Сиз меҳмон бўлиб келганингиз йўқ... Тушунишмича, сиз иш юзасидан...
- Жин урсин бу ишни... Сиз бари бир уни қойилмақом қилиб бажарасиз, эндиликда бунга, шубҳам йўқ... Сиз илгари ҳамкасабаларимдан қай бири билан алоқа қиласардингиз?
- Менимча, бу ҳақда ҳеч кимга гапириш мумкин эмас! Раҳбарим мени огоҳлантириб қўйган...
- Менга айтиш мумкин.
- Мумкин бўлса мумкинтир-да, – деди кулиб Дагмар. – У ўзини Эгон Лоренс деб таништирганди.
- У чинданам Эгон Лоренс, бу лақаб эмас. Лоренс сизда қандай таассурот қолдирди?
- Ёқимтой киши, эримга кўмаклашиб туришга ҳаракат қиласарди... ёки ўзини шунақа қилиб кўрсатарди... Ҳар ҳолда одоб сақларди...
- Нега у ҳақда ўтган замон феълида гапиряпсиз?
- У госпиталда ётибди. Бомбардимон остида қолиб жароҳатланган.

– Менга бары бир, скандинав-герман-рус эпоси ҳақида гапириб беринг, бу жудаям қизиқ. Келинг, яна ичайлик.

– Маст аёлларни ёқтирасизми?

– Ким билади дейсиз... Ўзингни бемалол ҳис қиласан... Худди теннис кортида маҳорат бобида тенг рақибинг билан ўйнагандек...

– Нега сизни эпос қизиқтириб қолди? – Дагмар озғин елкасини қисиб сўради.

– Чунки сиз мени қизиқтириб қолдингиз. Одамни у ўз ишлари ҳақида гапираётган пайтдагина чинакамига билиб олиш мумкин.

– Сиз эркакларни кўзда тутяпсиз. Аёлнинг қанақа эканини эса у севганда, бола боққонда, эркакка овқат тайёрлаганда ва эркак қанчалик хавотирлик билан ухлаётганини кузатиб ўтиргандагина билиш мумкин... Йўқ, мен савдои эмасман, чин сўзим... Нега менга бунақангидек қарайсиз?

– Мен сизга яхши ниятда тикиляпман.

– Шу боисдан сўрайапман-да.

– Айтаверинг...

– Сиз русча гаплашасизми?

– Ўқий оламан. Лугат ёрдамида.

– Фин эпосини ўқиганмисиз? Ёки эстонларникини? Карелияникини-чи? «Калевипоэг» деган фойт гўзал номда. Биласизми?

– Йўқ, билмайман.. Қулогимга чалингандек бўлганди... Бизда таржимаси борми?

– Биз таржима қилишнинг уддасидан чиқолмаймиз. Фақат русларгина моҳирона таржима қилишади.

– Бунчалик имтиёзни уларга нима берган?

– Европа билан Осиёнинг туташуви... Арабалаш тиллар; Эронга, Ҳиндистонга, Хитойга борадиган карвонлар хазорлар, скифлар, Византия, қойилмақом овқатлар...

- Шундай қилиб, «Калевипоэг...»
- Русларда эса паҳлавон Коливан ҳақида достон ёзилган. Мен қиёсан таққослаб чиқдим, бизникига яқинлиги бор. Уларнинг Илья Муромец ҳақидаги достони эса янаем яқин.

Аёлнинг талафғузи гоят мукаммал, русча номларни қийналмай гапиради. Штириц унинг юзига иккинчи марта қарамаслик мақсадида бармоқлари билан эзғилаётган сигаретдан кўз узмасликка ўзини мажбур этди.

- Умуман олганда бизнинг эпосимиз, уларнинг достонлари ғалати нарса, – хўрсиниб қўйди Дагмар.
– Булар ҳаётда ҳамма вақт тирик қолиш, шунчаки тирик юриш эмас, балки ғалаба қозониш, шон-шуҳрат пиллапоясидан юқорига кўтарилиш керак, деган хулоса чиқаришга ундейди – фақат шундагина ўлим қўрқинчли туюлмайди, чунки сенинг номинг авлодлар учун сақланади. Қанчалик юқори кўтарилсанг, изсиз кетмаслигинг кафолати шунчалик ишончли бўлади... Ростини айтяпман! Нега куляпсиз?

– Чунки гапларингизни эшитиш жудаям ёқимли-да.
– Ичинг.
– Арагингизни ҳаммасини ичиб қўяман.
– Мен арақни швед элчихонасидан сотиб оламан, у ерда жудаям арzon.

– Хўш.

– Нима «хўш?» Русларда князь Владимир бўлганди. У халқини чўқинтирган, ўзи авлиё бўлган, Қизил Қуёш деган ном олган. Князь машҳур бўлгани сайин уни шунчалик кўп шарафлаш, у ҳақда ажойиб достонлар тўқиши лозим эди; яқин ёронлари унинг машҳурлик соясида қолиб кетишиди; унинг Добринин деган амакиси, Муромецдек дўсти ва сафдоши бор эди... Бу уруш ҳақида эпос яратишганда сиз рейхсфюрер шуҳратининг нурларига чулғанасиз, а... Ажойиб-а?

– Бағоят ажайиб. Лекин мантиқ қаны? Князь Владимир, Добринин амаки ва паҳлавон Муромец?

– Бари бир мен аёлман... Биз аёллар – ҳиссиёт, сиз әркаклар – мантиқ әгаларисиз... Гап бундай, русларда Муромец ўз фарзанди Бориска билан қандай жанг қилгани түгрисида достон бор... Уни ғоҳида Збут, кўпинча Сокольник, кейинчалик эса Жидовки деб номлашганди... Муромец ўғли билан жанг қилаётганда ўша Жидовки ўзининг фарзанди эканини билиб қолади, уни қўйиб юборади; фарзанди эса паҳлавон уйқуга кетганда отасини йўқ қилмоқчи бўлади... Уддасидан чиқолмайди. Муромецни ўзининг сеҳрли хочи сақлаб қолади. Еттиламчи ёшдаги қариянинг кучи ақл бовар қилмайдиган даражада зўр эди...

– «Еттиламчи ёшдаги қария»нинг маъноси нима?

– Қадимги славянлар ҳисобига кўра, қирқдан эллик беш ёшгача – бу, донолик ёши. Энди Муромецни Бери яқинидаги жангда бир-бирига тўқнаш келиб қолган Гильдебранд ва унинг ўғли Алебранда ҳақидаги қуий герман эртаги билан таққослаб кўринг-а! Ўхшайдими? Жудаям ўхшайди. Бу ота ҳам фарзанди билан жанг қилади, аммо ўғлига пичоқ санчмоқчи бўлган дақиқада у билан ярашиб олади... Ёш паҳлавон қарияга ўз онасидан эшитган гапни айтишга улгуриб қолади... Онаси ўғлига отасининг кимлигини айтиб берганди... Кўз ёшлари, қувонч дақиқалари, ўзаро кечирим сўрашлар... Иреклик паҳлавон Кизамор билан унинг ўғли Картон ҳақидаги шеърий достон-чи? Буниси русларнига янада ўхашароқ, у немислардан форсийларга эмас, балки варяглардан юононларга ўтган. Отаси Муромец каби жангда ўғлини ўлдиради, бироқ, кимни ҳалок этганини билиб қолиб уч кун мобайнида мурда устида кўз ёши тўқади-ю, кейин ўзи ҳам ўлади... Ҳаммамиз бир-биримизга яқинлигимизни кўряпсизми?

Штириц елка қисиб қўйди:

- Демак, бирлашиш вақти келибди-да...
- Меникода қолишингизни нега истаётганимни биласизми?
- Фаҳмлаб турибман.
- Айтинг-чи?
- Сиз ваҳимадасиз. Балки, шу боисдан бугун ёнингизда қолишимни истаётгандирсиз.
- Бунисиям бор... Аммо ҳақиқийси бошқа масалада... Ҳамма нарсани тушунадиган, фақат каравотда эмас, балки зиёфатларда латофатли, чин дўст, энг гўзал, оқила ва ҳоказо фазилатлар соҳибаси бўлмиш ажойиб аёлларни фақат эркакларгина орзу қилишмайди... Биз, аёллар, сизлардан кўра орзу қилишга моҳирмиз... Биласизми, агар биз эркаклар каби ёзишни билганимизда шунақангি китобларни яратган бўлардик-ки... Мана мен ҳам сизни аллақачон ўзимча тасаввур қилиб қўйгандим, эндиликда кўз ўнгимда ўтирибсиз...

У ўзига узлуксиз, оғир нигоҳ қаратилганини ҳис этиб уйғониб кетди.

Дагмар каравотнинг четида унинг юзига тикилиб ўтиради.

- Уйқунгизда гапирад экансиз, – шивирлаб деди у.
- Бу жудаям ёмон.

– Ҳаётимдан нолиган бўлсам керак-да?

Аёл хўрсиниб қўйди-да, унинг пешонасини секин силаб сўради:

- Сизга сигарет тутатиб берайми?

- Мен ахир немисман, – жавоб берди у. – Бир қултум қаҳва ичмай туриб чекишга ҳаққим йўқ.

- Қаҳва аллақачон тайёр...

- Дагмар, бизнинг бўлажак ишларимиз ҳақида Шелленберг сизга нималар деди?

Аёлнинг ҳайрон бўлиб қараганидан билдики, Шелленберг у билан учрашмаган.

– Сиз билан учрашишимни сизга ким айтди? – са-
волни ойдинлаштириб сўради Штирлиц.

– Ўша киши ўзини таништирмади...

– У – тепакал, соchlари оқ, чап юзи гоҳида учиб ту-
радиган кишими?

– Ҳа, – жавоб қилди аёл. – Менимча буниям сизга
айтмаслигим керак эди.

– Ҳечам айтманг. Юринг, қаҳва ичамиз. Кейин би-
роз ишлаймиз, тўғрими!

– Швецияда менинг энагам бор эди... Рус аёли... у
менга чўқинтириш маросими пайтида поп гўдакнинг
сочини мумга ўраб кумуш жомга ташлашини айтиб бер-
ганди. Агар ғалтакча чўкмаса, демак, гўдак узоқ умр ва
баҳтли ҳаёт кечираркан... Онангиз сизга соққачангиз
чўкмаганини айтган бўлиши керак, шундайми?

– Мен онамни умуман кўрмаганман, Дагмар.

– Бечорагинам... Онасиз яшаш қанчалик даҳшат...

Дадангиз-чи? Уни яхши эслайсизми?

– Ҳа.

– У иккинчи марта уйланганмиди?

– Йўқ.

– Сизга ким овқат пишириб берарди?

– Дадам қойилмақом овқат тайёрларди. Кейин
ўзим ҳам ўрганиб олдим. Бойиб кетганимдан сўнг
хизматчи аёл ёллагандим.

– Ёшмиди?

– Ҳа.

– Унинг исми Александра, Саша эмасмиди?

– Йўқ. Ўзим севиб қолган аёлнинг исми шунаقا эди.

– Бугун тунда ўша билан гаплашдингиз...

– Афтидан, фақат бугун бўлмаса керак...

– Мен сизга фол очдим... Шу боисдан, илтимос,
буғун кечгача кичик кўзлари ўткир ва соchlари қора
киши билан учрашманг... Мана, қартага қаранг, қарға
қирол, у сизга ёвузлик қилмоқчи.

Аёл тахта билан чиройли қилиб тўсилган ошхонага чиқиб кетди, Штириц эса ўрнидан турди-да, дезадан кимсасиз, сокин кўчани кузата туриб ўйлади: «Мен ўйин иштирокчисиман, буниси аниқ, унинг қандай тугашини тушунолмаяпман. Мен Мюллер билан «Шелленберг таклиф этган шартни қабул этиб, афтидан, тўғри иш қилдим. Аммо ҳозир, шундай кунларда биргина мени «ўйнатишларига» арзидиган одам бўлмасам керак. Улар бафоят доно, уларнинг тутган йўллари узоқча мўлжалланган, мен бўлсам уларнинг қандай қуроллари билан қаерга зарба беришига ва уни кимга қаратилганига ақлим етмаяпти. Улар менинг кимлигимни билиб олган бўлишлари мумкинми? Билмадим. Лекин ўйлашимча, кимлигими ни охиригача билишолмаган, акс ҳолда узоқ муддатли операция билан шуғулланмаган бўлишарди, соат ўн иккига занг урятти, улар дақиқаларнинг қадрига етишлари лозим. Шелленберг билан, тап тортмай гаплашганимда, ўша дақиқада эҳтимолга ячин ягона тўғри йўлни танладим. Агар Шелленберг менинг қароримни олдиндан назарда тутиб қўйган бўлса-чи? Бироқ, энг тушунарсиз жойи шундаки, нега энди Дагмарнинг исмини Шелленберг айтди-ю, мен ҳақимда уни Мюллер огоҳлантириб қўйган? Мана, масала қаерда...»

ЗАРУРИЯТ ОДАТДА ШАФҚАТСИЗ БЎЛАДИ

Эйхманнинг чинданам ичига ботган кўзлари ўткир, чаккасидаги соchlари қоп-қора эди, худди қартадаги қарға қиролнинг ўзгинаси. Узоқдан эшитилаётган портлаш овозига – Веддинг туманидаги заводларни бомбардимон қилишмоқда эди – худди кўринмас, аммо жудаям эътиборли суҳбатдошига таъзим қилгандек, бошини сал чўзиб қулоқ солиб турди.

– Эрталабдан бери сизни кутгандим, Штирлиц, – деди у, – сизни күрганимдан хурсандман, марҳамат, ўтиринг.

– Ташаккур. Сизникида эрталаб бўлишимни ким айтди?

– Шелленберг.

– Қизиқ, дастлаб бу ерга келишимни ҳеч кимга айтмагандим.

Эйхман хўрсиниб қўйди.

– Фаросатим-чи?

– Ишонасизми?

– Худди шу боисдан ҳалигача тирик юрибман-да... Мен сизга бир жуфт номзодни танлаб қўйдим, Штирлиц...

– Атиги бир жуфтми?

– Қолганлари фойиб бўлишди, – Эйхман кулиб қўйди. – Крематорий тутуни билан ҳавога учиб кетишди, худога шукурки, жилла қурса шулар қолишли.

У Штирлицга иккита папкани берди-да, плитка-ни ёқиб шкафдан қаҳва идишини олди, Штирлицдан қанд билан ичасизми ёки аччигини афзал кўрасизми, деб сўради, унинг жавобини эшишиб: «Сахарин бўйракка таъсир этади, бекор қиласиз», деди елкасини қисиб. Икки пиёла қаҳва тайёрлаб бўлиб сигарет чекаркан деди:

– Бу разиллар сизга қандай мақсадлар учун кераклигини билмайман-у, аммо Вальтер Рубенауга алоҳида эътибор беришингизни тавсия этардим, бунаңги айёр оламда топилмайди

– Нега Герман Мергелни тавсия этмайсиз?

– У бемаъни одам...

– Яъни?

– Ҳаддан ташқари таваккалчи, нималигини билиб бўлмайди... Ўзи технолог, акаси билан авиация бензинини тозалашга мўлжалланган аллақандай ғалати бир мосламани ихтиро этган, танлов ўтказилган-

да уларнинг насаби чала эканини сезмай қолишиб, тадқиқотни давом эттиришда иштирок этишга рухсат беришган. Ака-уканинг лойиҳаси жаҳонда энг яхши кашфиёт бўлиб чиқсан, аммо рейхсмаршал шахсий делодаги фотосуратни кўриб, булар яҳудий эмасмикин, деб хавотирланган. Фюрер эса бунақанги ажойиб ихтиrolар фақат тоза қонли оқсуякларга хослигини, яҳудийлар бунчалик дадил ишга қодир эмаслигиги ни айтади. Герман ёш бўлса ҳам коммивояжерлик билан шугулланган, гоятда чақсон, шу боисдан уни сизга айтмадим, бошقا хислатларидан хабарим йўқ... Сарғиш юлдузчани тақиб юрмаслиги аён¹, унга Венесуэла паспорти берилган, шундай экан, ундан бошқача йўсиндаги ишни кутмай қўяқолинг, у маҳкум этилганлардан эмас... Яна ниманидир, мутлақо янги бир нарсани ихтиро қилишган, лекин, ўйлашимча аплаҳлар кутишяпти...

– Нимани?

Эйхман қаҳвани финжонларга қуйиб жавоб берди:

– Бизнинг душман устидан узил-кесил ғалаба қозонишимизни, Штирлиц, яна нимани бўларди?!

– Шелленберг буларнинг менга нима учун зарурлиги ҳақида сизни хабардор қылмадими?

– У бир одам ҳақида гапирди...

– Лекин бунақа тоифадаги одамнинг нега менга зарурлигини у сизга тушуниргандир?

– Йўқ.

– Шундай бўлса ҳам Вальтер Рубенауни менга тавсия этяпсизми?

– Ҳа.

– Унга ишониш мумкин, деб ўйлайсизми?

– Яҳудийга ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳеч нимада ишониш мумкин эмас, Штирлиц. Лекин ундан фойдаланиш мумкин... Мен шунақанги ишларни қиласардимки...

¹ Яҳудийлик белгиси.

– Бунақа ишларингиздан хабардормиз, – деди Штирилиц кулимсираб ўзича ўйларкан: «Вой, аблаҳ-е; вой разил-е, сен Германияни Альберт Эйнштейн ва Оскар Кокошка, Анна Зегерс ва Сигизмунд Фрейд, Энрико Ферми ва Бертольд Брехт каби ажойиб оқил одамлардан маҳрум этган мараз ирқисан; ифлос антисемит¹, золим ва умуман гитлер ва гиммлерлар ҳокимиият тепасига олиб келган аҳмоқ одамсан... Э, худо шу одам билан ёнма-ён ўтириш қанчалик даҳшат...»

– Нимани назарда тутяпсиз? – Сергак тортиб сўра-ди Эйхман.

– Сизнинг ишларингизни назарда тутяпман. Ахир печкали концлагерлар сиз қилган ишлар-ку, бунақангি корхона механикасидан ҳайратланмай бўларканми...

– Хомхаёллик – бу, ҳис этяпман...

– Сиз ахир тарғибот рейхсминистрилиги аппаратида ишлайсиз, Эйхман, ўшалар хомхаёлликни излашади, сиз фактларга тик боқишингиз лозим. Ишнинг расвосини чиқармаслик учун. Худди мен каби. Хомхаёллик масаласига келганда эса, тўғрисини айтганда, у тувланидек унчалик қўрқинчли эмас.

Вальтер Рубенау дастлаб қамоққа олинмасдан ил-гари адвокат эди. Рейхслейтер Гесснинг фармони билан яҳудий миллатига мансуб барча врач, заргар, адвокат, шунингдек, доришунос, қандолатчи, ҳамшира, нонвой, колбаса тайёрловчи, массажчи, режиссёр, журналист ва артистларга ўз иши билан шуғулланиш қамоқ ёхуд ҳатто ўлим жазоси таҳди迪 билан тақиқланганидан кейин Рубенау усталик қилиб яширин равишда ҳуқуқ муҳофазаси ишлари билан шуғулланишга қарор қилди.

Орадан етти кун ўтиб у қўлга тушиб қолиб, қамоққа ташланди: империя халқ суди уни концентрация лагерига ўн йилга ҳукм қилди.

¹ Яҳудийларга душманлик билан қаровчи одам.

Қирқ биринчи йилда у Даҳауда бир гуруҳ коммуинст ва социал-демократлар, Берлин ва Кёльн яширин таш-килотининг раҳбарлари билан битта баракка тушиб қолди. Ўшанда унинг силласи қуриб қолганди, Вольдемар Гиршфельд ўзининг кундалик озиқ-овқат улушкини у билан баҳам кўриб, Вальтерни очлик ўлимидан сақлаб қолди. Рубенаунинг камзулига тикиб қўйилган олтиқиррали юлдуздан фарқли ўлароқ Гиршфельд елкаси ва кўкрагида қизил нишонини тақиб юради. Унтершарфюрер Бодс унинг кийимидағи олти қиррали юлдузни юлқиб оларкан:

– Сендаги қон ифлос яхудий эканингни кўрсатиб турган бўлса ҳам, сен, Гиршфельд, миллий мансубликка умуман ҳаққинг йўқ, – деди. – Биз қизил нишонни мўлжал олиб отаверамиз, у саригидан кўра каттароқ.

Уни ботқоқликни қуритиш ишлари пайтида «қочмоқчи бўлгани учун» отиб ташлашди. Бечора зўрга юради, югуролмасди, оёқлари, айниқса, тиззалари шишиб кетганди, қовургалари саналиб, елкаси худди гимнастика тўгарагида шуғулланувчи боланикига ўхшаб қолганди.

Рубенауга оталиқ қилишни социал-демократлар партияси Кёльн вилоят қўмитасининг яширин бюро аъзоси Абрам Шор ўз зиммасига олди. У мустаҳкам ижтимоий ғоялардан маҳрум бўлган, лагерга тасодифан тушиб қолган Рубенау тоифасидаги одамлар, агар уни қўллашмаса, унга таъсир этилмаса, ҳар доим бирга олиб юрилмаса тезда тушкунликка берилишини, таслим бўлишини, ифлос айғоқчига айланишини марҳум Гиршфельд каби яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам идорада ишловчи Уве Грубер орқали ўртоқлар Рубенауни энг оғир ишлардан анча енгилроқ юмушга – касалхона барагида хизмат қилишга ўтказишиди.

Шордан ҳам олти қиррали юлдузни юлқиб олишиди: кўпчилик сиёсий «хефлтлинглар» каби у ҳам ўқса маҳкум этилганди, бироқ гестапога унинг хотини, Файна Шор Чехословакияга ўтиб олишга муваффақ бўлгани, Прагадаги «Гитлер концлагерлари»даги маҳбусларга қизил ёрдам» ташкилотида ишлаётгани, Женевадаги Халқаро Қизил Хоч билан алоқа ўрнатгани, икки марта Москвага, МОПРга борганини, Стокгольмда бўлгани, Брехт, Пабло Пикассо, Элюар ва Арагон билан учрашганини, ўзи олиб бораётган ишни қўллаб-қувватлаш ва бунда ёрдам бериш ҳақидаги уларнинг розилигини олгани, британ ва француз матбуотига бир қанча фош этувчи интервьюлар бергани ҳақидаги маълумот келиб қолди.

Гестапо Даҳаудаги ўз вакилига Шорнинг хотинини рейхга қайтариш учун Абрамдан фойдаланиш имкониятини ўрганиб чиқиши буюрди.

РСХА тўртингчи бошқармасининг комендант ҳузуридаги маҳсус вакили Ликсдорф Шорнинг шахсий делосини варақлаб кўриб, бу одам марксист мутаассиблар тоифасидан эканини, у билан мушук-сичқон ўйнашнинг фойда бермаслигини тушунди ва айғоқчи Клаусни ишга солди: айғоқчи моҳирона иш юритган бўлса-да, маҳбусни йўлдан оздиролмади: хотини ҳақида гап очилгудек бўлса, у ўша ондаёқ оғзига талқон солиб оларди.

Ликсдорф бу ишга Рубенауни жалб қилишга рухсат беришларини сўраб Берлиндаги Принцальбрехт-штрассега, РСХА штабининг қароргоҳига телеграмма йўллади. Агар Рубенаунинг саккиздан бир бўлаги, ёки яхшиси ўн олтидан бир бўлаги яҳудий бўлганда, шунда ҳам она авлодига эмас, балки ота авлодига мансуб бўлганида – чунки Альфред Розенберг исбот қилганидек, миллатни ҳечам ота эмас, балки она белгилайди – Ликсдорф таваккалчиликни ўз зиммасига олиб

уни агентура ишига жалб этган бўларди. Бироқ агар гап қонининг тўртламчилиги ёки чалазодлиги устида борадиган бўлса, унда – Гейдрихнинг кўрсатмасига биноан – бу масала ҳақида юқори раҳбарликка, тореийхсфюергача ахборот берилиши лозим. Гиммлер бунақаларни ишга жалб этишни одат бўйича тақиқлаб қўйганди; у фақат бир марта, ундаям авер Испанияда йирик молиячи Мерч қавмларидан бири билан алоҳа ўрнатганда Канарисга ён босганди. Қария Мерчнинг ўзи энг янги қурол-аслаҳа сотиб олиш учун Франкого катта маблағ бериб, бунинг эвазига ягона шарт қўйди: фалангчилар ғалабасидан кейин испан миллатининг буюк даҳоси ур-йиқитга рухсат бермаслиги лозим эди.

...Ликсдорф СС штабининг қароргоҳидан рад жавобини кутганди; лекин империя хавфсизлиги Бош бошқармасининг қудратли шефи Гейдрих қўли остида ўшанда эндингина ўз фаолиятини бошлаган Шелленберг Фаина Шорнинг рейх учун чинданам хавфли душманга айланадиганини, унинг Москва, Париж, Стокгольм ва Берн билан алоҳалари кун сайин рейхга катта зарап етказаётганини билмаганида шунаقا бўлиши мумкин ҳам эди. У Фаина Шорни алдаб рейхга олиб келиш, суд қилиб жазолаш имкониятини берадиган операциянинг муҳимлигини Гейдрихга тушунтиришга муваффақ бўлди, бу эмиграциядаги бошқаларга сабоқ бўларди – жўнаб кетдингми, гимирламай жим ўтиравер!

Худди шунинг учун ҳам Вальтер Рубенау рейхнинг концентрация лагерларида РСХА манфаатларини кўзловчи СС мансабдорлари ишига тайинланувчи файри ирқдаги шахсларнинг алоҳида картотекасига киритилди.

Ликсдорф аввалига Рубенаунинг хотини немис аёли Ева Шульц ва унинг икки фарзанди – ўн ёшли

Ева билан етти ёшли Паулни қамоқقا олди; тутқунларни Мюнхен турмасига ташлашди; бу ерга Рубенауни ҳам олиб келишиди.

Ликсдорф уни тергов камерасига чақиртирди-да:

– Дераза ёнига бориб, маҳбуслар сайрга чиқадиган ҳудудга қара, – деди.

У тошдан бунёд этилиб, қоп – секторларга бўлинган, бунинг устига тиканли сим билан ўралган ҳовлини кўрди; секторларнинг бирида энига мос келмаган баҳайбат камзул кийиб олган болалари, иккинчисида – хотини юрарди.

Рубенау қулоги шангиллаб, боши гувиллаб кетганини ҳис қилди-ю, гурс этиб полга йиқилди.

Фельдшер уни ҳушига келтириб бўлгач, Ликсдорф сўради:

– Уларнинг озод этилишини истайсанми?

Рубенау йиглаб юборди.

– Хўш? Жавобингни эшитмаяпман, мараз! – бақирди Ликсдорф.

Рубенау бош иргади.

– Озод қилсак, ҳар қандай ишни бажаришга тайёрмисан?

Рубенау аъзои бадани титраб сассиз йиглар, бир оғиз ҳам гапиролмасди.

Ликсдорф ёнига яқинлашди-да, елкасидан тираб кўзига тикилди ва янада энгалиб шивирлади:

– Жавобингни эшитмаяпман. Сен «ҳа» дейишинг керак, шунда суҳбатни давом эттирамиз. Агар индамай ўтираверсанг ҳозироқ, сенинг кўз ўнгингда болаларинг тақдиди ҳал бўлади.

Гестапонинг даҳшатли машинаси оддий усулда ишларди: одам ҳатто ҳалокат ёқасида ҳам оқибати яхши бўлишига умид қиласди. Бир куни Гейдрих яқинларига: «Сизларнинг ҳар бирингизга клиникаларимизнинг рак касалига мубтало bemорлар ётган

бўлинмаларига кириб чиқиши маслаҳат берардим. Бемор ўзининг ночор аҳволига баҳо беришни истамаётган, тўғрироғи эндиликда бунаقا қилолмайдиган ҳолатдаги мароқли «ихлос-халос» жараёнини бир кузатинг-а... Биз қамоқча олган жиноятчилар ҳам шунақанги рак билан оғриган bemor ҳисобланади. Уни қанчалик қийнасангиз, иродасини қанчалик буксангиз, у шунчалик тез бўйсунадиган бўлади, у озодликка чиқиш орзузи билан яшайди».

– Ҳамма ишга тайёрман, ҳамма иш қўлимдан келади, лекин сиз мени алдаяпсиз, шу сабабли фақат улар озод бўлганларидан кейингина нимани буюрсангиз қиламан. Акс ҳолда, нима ҳам қилардим, мени ўлдираверинг.

– Нега сени ўлдирап эканмиз? – ҳайрон бўлиб сўради Ликсдорф. – Биз сенинг кўз ўнгингда болаларинг билан хотинингни ўласи қилиб калтаклаймиз, ўзинг биласан-ку, беҳуда гапни гапирмаймиз.

Шундан кейин Рубенау рози бўлди. У Шорга тез орада ўз оиласи билан учрашиши лозимлигини айтиб, ундан хотинига хат ёздириб олди. Рубенаунинг гестапо учун ишлаётганини Шор ҳали билмасди.

Рубенау Даҳаудан олиниб госпиталга жойлаштирилди, ишни бошлашга шай ҳолга келтирилиб, сўнг Прагага жўнатилганидан кейингина Фаина билан ўйинни бошлаб юборишиди. Фаина Шор у орқали эри билан «алоқа» ўрнатди. Бу алоқа, Рубенаунинг унга айтишича, ниҳоятда ишончли эди. Аёл «сиёсий маҳбусларни қочириш билан шуғулланувчи яширин ташкилот», деб номланмиш ташкилот вакили билан учрашишга рози бўлди. Чегарада учрашувга келишиб олинди. Фаина Шорнинг икки ҳамроҳи ўлдирилди, ўзини тутиб олиб Берлинга олиб келишди ва эри билан бирга қатл этишди.

Бу ишни амалга оширганлар СС рейхсфюрерининг ташаккурномаси билан таҳдирланишди-ю, бироқ

түс-түполонда Ликсдорфни унугиб қўйиши, шунда у эҳтиётсизлик қилиб Гейдрихга хат ёзди: «Чала-зотлар билан иш олиб бориш Рубенаунинг Прагага қилган сафари натижаларига кўра мумкин бўлибина қолмай, балки зарур ҳисобланади, мен ўтказган тажрибани бошқа лагерларда ҳам жорий этиш керак». Гейдрихнинг жаҳли чиқиб кетди: «Бу телбага большевизмдан юқибди! У айрим бир воқеани принцип дарражасига кўтармоқчи. У инсонни белгиловчи асосий нарса – бу, миллатга мансублиги эканини ошкор этувчи исботсиз асос қилиб олинадиган асосий қоидага ошкора ҳамла киляпти! Йўқ, чалазотлар билан иш юритиш мумкин эмас, у, Ликсдорф эса миллий гоялар устунлигига асосланган таълимотимизнинг асосий душмани бўлган ва шундай бўлиб қоладиган рус синфий онгининг бузгунчилик оғуси билан заҳарланган!»

Ликсдорф СС сафидан ҳайдаб юборилди; икки ойлик уқубатли тушунтиришлардан кейин уни бир амаллаб Бреман ўт ўчириш гурӯҳига жойлаштириб қўйиши. У ичкликка берилиб кетди. Қаттиқ масти бўлиб талвасага тушадиган кунларининг бирида гурӯҳнинг ёнгинасидағи ҳожатхонада ўзини осиб қўйди, у олдиндан кўқтомирини қирқиб, ундан оқсан қон билан: «Мен Гитлер бошлиқ лаънати яҳудийлар қурбони бўлдим! Нобуд қилинган олий ирқ ҳаёти учун ундан ўч олинглар!» – деб ёзилган бир варақ қоғозни кўкрагига осиб олганди.

Шунга қарамай, Шелленберг Рубенауни кузатища давом этди. Хотини билан болаларини вақтинча турмадан озод қилишни буюрди-да, уларнинг геттода¹ яшашларига рухсат берди: ойда бир марта Рубенауни «сўроқ»ка чақиртиришиб, шаҳарга олиб боришар, шунда у машина деразасидан оиласини кўриши мумкин эди.

Бунинг эвазига у яна икки марта ўзининг қондош биродарларига қарши гестапо ўтказган операция-

¹ Гетто – майдада миллатлар учун ажратиб қўйилган маҳалла.

да қатнашди: кейингисида Эйхман уни Фарб билан алоқаси бўлган молиячилар билан ўзи музокара ўтказган Будапештга олиб борди; молиячилар концлагерлардан озод этилган ҳар бир яҳудий руҳонийси учун вермахт билан ССга йигирмата канистри билан биттадан юк машинаси беришни ваъда қилишди. Бу машиналарни Эйхман рейхслайтер Альфред Розенбергнинг Қароргоҳига бошлаб келди. Кейинчалик бу машиналар Россия, Польша ва Франция музейларидан талаб келингган маданий хазиналарни Германиядан Линц яқинидаги тоққа ташиганди.

Худди ана шу кишини Штирлицга бериш Эйхманга буюрилганди...

– Салом, Рубенау, – деди Штирлиц сухбатдошини камера ўртасига қоқиб қўйилган курсига ўтиришга таклиф қиласкан. Бу сухбат бошидан-охиригача ёзиб олинишини у биларди; Штирлиц ўзидан хавотир олмасди, фақат рўпарасида ўтирган одамни тушуниб олиши керак, шундан кейин сухбатни эшитаётганлар учун унинг ижобий хусусиятларини очиб бериши ёки аксинча, ўзидан ҳазар қилувчи, ёвузларча нафратланувчи одамларнинг агенти бўлиб қолган бу иродасиз одамни рад этиши лозим эди. – Менинг фамилиям Бользен, сизга ростанам ёрдам бериш ниятида бўлган оз сонли одамлардан бириман. Бироқ аввалига сиз бир қанча саволларимга – очиқ-ойдин гапириш сизнинг фойдангиз – жавоб беришингиз лозим. Шунга тайёрмисиз?

– Тайёрманми, йўқми, буниси аҳамиятсиз, мени шунга ўргатишган, менинг оиласми гаровга олган-сизлар, шу боисдан мен фақат тўғри жавоб бероламан, бошқача бўлиши мумкин эмас.

– Эҳтимол. Ҳўш, биринчи савол, биздан кўра, менинг ташкилотимдан кўра, Германия немис национал-социалист ишчи партиясидан кўра кимдан кўпроқ нафратланасиз?

Рубенаунинг юзи тортишгандек бўлди, қоши кўта-рилиб, пешонаси тиришиб кетди, қўллари қабариб чиққан тиззасида бесаранжом бўлиб қолди.

– Саволингиз жудаям галати чиқяпти, жаноби Больzen...

– Рубенау, афтидан, гапларимни яхши эшитмаганга ўхшайсиз. Мен сизга бир хил маънода савол бердим, сиз ҳам, марҳамат қилиб, шу йўсинда жавоб беринг...

– Мен ҳаммадан қўра Германияни танг аҳволга со-либ қўйған масъулиятсиз сафсатавозлардан нафрат-ланаман...

– Ҳозирги тангликни айтяпсизми?

– Йўғ-е, нималар деяпсиз! Мен ўттизинчи йиллар-даги тангликни кўзда тутяпман!

– Газеталаримизда босилган мақолаларга кўра, большевиклар, Интернационал, яхудийлар ва амери-ка молиявий капитали Германияни тангликка олиб келган. Жавобингизни худди шу мазмунда тушуниш мумкинми?

– Ҳа, худди шу йўсинда жавоб бермоқчидим.

– Йўқ, жавобингизни мутлақо бошқача талқин этишга ҳаққим бор: агар Германияда сўл кучлар бўл-маганида ёки аксинча, улар фаросатлироқ, уюшган-роқ, кучлироқ бўлишганда, биз ҳокимият тепасига келмаган ва сиз ҳозиргидек шунча азобни бошингиз-дан кечирмаган бўлардингиз... Шундайми?

– Йўғ-е, жаноби Больzen, фикримни ўзингизча талқин этяпсиз...

– Мени алдаяпсиз! Бахтиқаро жафокаш ўзини қий-наётган золимдан қанчалик нафратланса, сиз ҳам биздан шунчалик нафратланасиз. Агар эътиroz бил-дирсангиз, ҳозироқ суҳбатга чек қўйиб сизни камера-га қайтариб юбораман, бундан кейинги тақдирингиз билан бошқа одам шуғулланадиган бўлади, мен эмас. Хўш?

– Ростанам, дастлаб қамоқça олинганимда, холи-сона тергов қилишни истамаган одамларга нисбатан тохыда нафратим қўзириди...

– Қулоқ солинг, Рубенау, ҳозир сизга нималар ҳақида ўйлаётганингизни айтиб бераман, агар тўғри бўлса бошингиз билан тасдиқ ишорасини қиласиз ёки нотўғри гапирсам, бошингизни чапдан ўнгга чайқайсиз. Айтгандек, агар сизга қулай бўлса, ўнгдан чапга чайқашингиз мумкин. Шундай қилиб, сиз ҳозир қуйидагича ўйлаяпсиз: «Сен нокас ва дилозор нацистсан, менга ва оиласамга азоб беришинг яқинда тугайди, сизларга, бутун шайкангизга лаънатлар бўлсин! Сизлар қамоқça ташлаган фарзандларим билан хотиним орқали менинг иродамни буқкан ўша кунга лаънатлар бўлсин! Сизлар бемаъни фоялар йўлида ҳамма ишга тайёр йиরтқич ҳайвонсизлар! Ҳечқиси йўқ, итваччалар, ҳечқиси йўқ, кўз ёшлиарим зое кетмайди, мени ўзларингиз жўнатган Прага ва Роттердамдан лом-мим демай қайтиб келган деб ўйламанг! Сизнинг режаларингиз ҳақида Фаина Шорни огоҳлантириб қўйгандим, шу боисдан учрашувга у ўзининг қуролланган икки дўсти билан келганди, бироқ каллакесарларингиз кўпроқ эди ва уларга чегарадаги ўрмонда бу содда яширин ташкилотчиларни қандай тутиб олиш ўргатилган эди... Ҳечқиси йўқ итваччалар, ҳечқиси йўқ. Роттердамда ҳам хавф-хатар ҳақида суҳбатдошларимни огоҳлантириб қўйганман, буни жуда пухта бажарганман, сизлардан кўра ақллироқман, сизларнинг мудҳиш бошқармангиз бари бир барбод бўлишини билардим, олдиндан ғамимни еб қўйгандим, ўз ирқий тентаклигингиз билан довдираб қолган сизлар эса буни ҳеч бўлмагандан бир йил олдин ҳам ўйлаб кўрмадинглар. Эйхман мени Будапештта олиб борганда яхудий руҳонийсига икки оғиз шипшишиб қўйгандим, у ҳаммасига тушунди, мени кечиришади, сизлардан ҳеч бирингизни эса кечиришмайди!»

Рубенау даҳшат ила Штирилицга тикилиб қолди, пешонаси билан чаккасини тер қоплади, бармоқлари мажолсиз муштга айланди...

– Хўш, ўнгдан чапгами? – савол билан шоширди уни Штирилиц. – Ёки чапдан ўнггами?

– Нега мени яна қийнаяпсиз? Нега?

– Фаина Шорни қийнашган. Эрининг – ўзининг шолғом шўрваси билан баҳам кўриб сизни боқдан Абрам Шорнинг кўз ўнгида уни зўрлашган, Файнанинг кўз ўнгида эса Абрамнинг тирноқлари орасига игна суқиб, аёлни азоб чекишга мажбур қилишган. Аммо на униси ва на буниси сизнинг номингизни сотишмади... Лекин буниси мен юритаётган ишга ва сизнинг кела-жагингизга тааллуқли бўлмаган бир ҳиссиёт... Ҳозиргина сизни тушунишлари ва оқибатда бу йўлда қурбон қилинган сифатида кечиришлари мумкин бўлган нарсалар ҳақидаги махфий фикрларингизни гапириб бераётганимда, иккаламизни кечиришлари лозим, деган хулосага келдим. Агар биз концлагерлардаги яхудийларни мутаассиблар томонидан йўқ қилинмаслигига эришсак, яна бир қанча дўстларимизни ҳам кечиришлари лозим бўлади. Бунинг устига, яхудийлар Швецарияга жўнаб кетишларига имкон беришади... Бу ишни, айтайлик, мен ташкил қиламан. Ёки менинг дўстим. Лекин Швецариядаги одамлар билан, ўзингизнинг зўр молиячиларингиз билан алоқани сиз йўлга қўясиз. Қалай, ёмон эмас-а?

– Оилам-чи? Болаларим нима бўлади?

Штирилиц столнинг тортмасидан рейхдан жўнаб кетишга ижозат берувчи паспортни олиб рўпарасига ташлади:

– Ўрнингиздан туриб варақлаб кўринг...

Рубенау хавфсираб яқинлашди, нажот истагандек Штирилицнинг бешафқат юзига тикилиб қараб паспортни варақлаб чиқди, хотини билан иккала боласи-

нинг фотосуратини кўриб, Швецария визаси борми-кан, дегандек диққат билан қаради, унинг борлигига ишонч ҳосил қилгач, йиглаб сўради:

– Аммо ҳужжатда жўнаб кетишга сизнинг рухса-тингиз йўқ экан-ку!

– Нахотки сиз билаи мен Швецариядан эсон-омон қайтиб келгунимизча уларни жўнатиб юборишиади, деб ўйласангиз?

– Айтганларингизни бажараман, қийин иш эмас-у, бироқ қайтиб келганимиздан кейин мен яна камера-га, оилас эса Мюнхен турмасига тушиб қоладими?

– Йўқ, бунақа бўлмайди, чунки сиз Швецариядан келадиган ҳурматли жанобларни шу ерда, рейхдаги меҳмонхонада қабул қилишингиз ва уларни бошлаб юришингиз, яхши ниятли таваккалчилигимиз эвази-га озод этилган маҳбуслар учун транспорт топишин-гиз лозим бўлади. Дастребки вакиллар биз билан му-зокарани якунлаганидан сўнг, хотинингизни уларга қўшиб жўнатиб юборамиз...

– Йўқ, – кескин равишда деди Рубенау, – уни эмас. Болаларимни...

– Яна айтаман. Озод этилган маҳбусларни олиб ке-тадиган Швецария вакиллари билан бирга хотинингизни ҳам жўнатиб юборамиз. Кейинги колонна би-лан сизнинг битта фарзандингиз жўнаб кетади...

– Алдаяпсиз! Хотинимнинг паспортида иккала бо-ламнинг исми ёзилган! Евани у ёқса қанақа қилиб жўнатамиз? Ёки Паулни? Ўғлим ниҳоятда истеъодод-ли, у етти ёшида концерт учун мусиқа яратган, унга раҳмингиз келсин, у ахир Германия шон-шуҳрати учун хизмат қиласи... Сизлар эса у билан Евагинам-ни... Уларни жўнатиб юбораман, деб нега алдаяпсиз?

Штирилиц ёғоч курсининг қаттиқ суюнчиғига рост-ланиб ўтирди.

– Фикрингиз тўғри, Рубенау... Баракалла... Буниси-ни ўйламабман... Очигини айтганда, операциянинг

техник томонларини тайёрлаган ходимлар хом ўйлашибди... Эртага кундузи сизга Рубенау-Шульц хонимнинг ўзига берилган янги паспортни кўрсатаман... Болаларга – ҳар бирига алоҳида – иккита ҳужжатни ҳам...

– Яхши, иккинчи болам қачон жўнайди? Биринчи бўйлиб Пауль жўнаб кетсин, агар тирик қолиш насиб бўлса, майли, у тирик қолсин... Бу қачон бўлиши мумкин?

Штирлиц савол билан жавоб берди:

– Сизга ўқишга газета беришмайдими? Албатта, радиони ҳам эшитмасангиз керак?

– Йўқ.

– Сизга газета бериб туришларини ва фронт ахборотларини тинглашга ижозат этишларини айтиб қўяман. Ҳозирча мана бу қоғозга қуийдаги жумлаларни ёзинг: «Мен, Вальтер Рубенау, разведка офицери Больzenнинг концлагерлардаги бир қатор маҳбусларни озод этишда қатнашиш таклифига рози бўлдим. Менинг сотқинлигим оилас билан ўзимнинг тезда, сўзсиз ҳалок этилишини ҳис этган ҳолда бўлажак инсонларварлик операцияларининг барча босқичларида Больzenга ва унинг раҳбарларига ёрдам беришни ўз зиммамга оламан. Рубенау». Бугунги кунни ёзиб қўйинг.

...Шундан кейин Штирлиц соқчини чақириб, Рубенауни камерага жўнатди, турма бошлиғига қўнгироқ қилиб, ўзининг маҳбусига тўйимли овқат тайёрлаш, учта сигарет ва икки чақмоқ қанд бериш мумкин эмасмикан, деб қизиқди. Кейин Шольцга қўнгироқ қилди ва агар иложи бўлса – яқин вақт ичидা – группенфюрердан қабул этишини илтимос қилаётганини унга айтиб қўйишини буюрди.

СҮНГИЙ ҮЙИН

Штирицнинг Москва билан алоқаси борлигига ишонч ҳосил қилгач, Мюллер бундан кейин ҳандай иш юритиши лозимлигини узил-кесил тушуниб олди. Унинг Кремлга қарши иш режаси бир-бири билан уз-вий боғланмаган, аммо ягона бош гояга бўйсунувчи бир қанча босқичлардан иборат эди.

Шу боисдан Штирицни кутиб оларкан:

– Оғайнини, үйингизга бориб кийиниб келинг, – деди. – Жавонингизда кечқурун кийиладиган костюм бор, шундай эмасми?

– Одамларингиз бирор нимани яшириб қўймаганимни текшириб, ҳатто астарини ҳам сўкиб ташлашибди, – жавоб берди Штириц. – Уларни огоҳлантириб қўйинг, ўзига мос ип билан тикиб қўйишсин, мен анча сезгирман, группенфюер, майдада-чуйдаларни ҳам кузатишга одатланиб қолганман.

– Бебош бўлиб кетишида-да, – хўрсишиб қўйди Мюллер. – Жазосини бераман. Ип масаласида шахсан ўзим кўрсатма бергандим.

– Кечки костюмда нима билан шугулланамиз?

– Мусиқа эшиитамиз, – жавоб берди Мюллер. – Ҳарбий экономика рейхминистри шифокор Шпеер электрстанцияга филармониянинг залини чироқ билан ёритиб туриш ҳақида кўрсатма берди; у мусиқа масаласида директор Герхард фон Вестерманга мурувват қиляпти, ҳатто Геббелльс билан жанжаллашиб ҳам қолибди: Геббелльс оркестрчиларнинг ҳаммасини «фольксштурм»¹ сафига олишни буюрибди, Шпеер эса мусиқа эшитишини яхши кўради. Бугун анави... ҳаҳ, исми ёдимдан кўтарилибди... анави анча ёшга бориб қолган қария...

– Бетховен, – деди Штириц Мюллерга жиддий қараб қўяркан. – У тахминан сизнинг ёшингизда вафот

¹ Фольксштурм – халқ лашкари.

этган – шундай экан, ўзингизни қария ҳисобламасан-гиз керак...

– Марҳум учун мендан хафа бўлманг, Штирлиц, жудаим ҳиссиётга берилаверманг, у ишимизга халақит беради...

– Кечки костюмимни кияман-у, бироқ филармонијада пальтосиз совқотиб қоламиз, груптенфюрер...

– Қаёқдан биласиз?

– Мен бир ойда икки марта филармонияга бориб тураман, унугиб қўйдингизми?

– Сиз учун шахсий соқчи тайинлаб қўйилади, деб ўйламанг, Штирлиц. Сизни фақат мақсадга мувофиқ топилган жойдагина кузатишади.

...Мюллер креслога қулайроқ жойлашиб олди. Унинг бу қилиғидан Штирлиц шунақаям нафратландики, намойишкорона нарироқча сурилиб ўтиришдан ўзини зўрга тийиб қолди.

Штирлицининг бу пинҳоний истагини гўё Мюллер тушуниб қолгандек кулимсираб деди:

– Бардошингизга балли-ей, сизнинг ўрнингизда бўлганимда бақириб юборардим.

«Эгмонт»ни бошлашганда Штирлиц дарров қирқинчи йили Парижнинг Авеню Ваграм кўчасидаги «Фридман» меҳмонхонасини эслади. Ўшанда у «Коминтерн»нинг Москва радиостанцияси тўлқинида консерваториянинг катта залидан берилган мусиқали достонни туриб олиб эшиганди. Муаллиф сўзларини Василий Иванович Качалов ўқиган, Само-суд эса дирижёрлик қилган эди ўша эшигтиришда.

Штирлиц ўшанда русларнинг режиссёрик тафаккури немисларникидан анча ўзиб кетганини хаёлидан ўтказганди. Классик куйларни хорга солиб ижро этишга бўлган интилиш, саҳнага яккахон ижрочиларни чиқаришдан ҳайиқиш, ҳаммани гуруҳ-гуруҳ қилиб тўплаб, уларнинг ҳар бирига НСДАП ишбошилари-

дан корчалон тайинлаш истаги ёмон оқибатларга олиб келди нацистлар ҳукмронлиги пайтида ажойиб автомобиль йўллари қурилиб, қудратли дастгоҳлар, тез учар самолётлар барпо этилди-ю, лекин минг йиллик рейх чегарасидан нарига ҳатлаб ўтадиган бирорта китоб, жаҳон жамоатчилиги қизиқишини уйғотувчи бирорта фильм, опера, симфония, сурат, ҳайкалтарошлиқ асари яратилмади; нацизм ўз ўлчови билан, ҳеч кимга маълум бўлмаган қаёқдаги анъ-аналарга амал қилиш ҳақидаги даъвати билан, янги шакл-усуллар излашга нафрати билан мутафаккирлар ва шоирлар аҳлини маънавий қашшоқликка маҳкум этди. (Фақат Гитлер мурувват қилган Герберт фон Кароян ўзини бошқача тутарди, унинг дирижёрлик услуги бошқаларницидан ажralиб, ўз истеъодини намойиш қилаётгани билиниб турарди. Геббелъс бунақангичи қуюшқондан чиқиши – бошқа мусиқачиларни айнитиб қўяди, уларни ҳар хил ножоиз ишларга ундейди, деб чек қўйиш лозимлигини айтганида, Гитлер: «Кароян мусиқада менинг миллат билан сўзлашув усулимга тақлид қиляпти, уни ўз ҳолига қўйиб қўйинг, халақит берманг. Ахир у буюк немисларни тарғиб қиляпти. Менга маълум бўлишича, у ўз концерт дастурига на Чайковский, на Равел асарларини киритган», деб эътироуз билдириди).

Штириц гитлерчилар босиб олган Парижда рус «Эгмонт»ини тингларкан, ниҳоятда фахрланиб қўйганди ўшанда – ҳатто бир нарса тиқилгандек ҳаприқиб қўйганди, чунки айнан унинг инқилоби, унинг Россияси санъатида инсоният тарихида мисли кўрилмаган изланишлар борган сайин кенг қулоч ёзаётгани жаҳонга маълум бўлиб, бунақаси фақат Эллада Тикланиш даврининг энг гуллаган пайтида юз берганди.

У Маяковский, Эйзенштейн, Шостакович, Кончаловский, Прокофьев, Яшвили, Есенин, Даиг Вертов,

Саръян, Пастернак, Коровин, Блок, Эль Лицис,トイ-ров, Майорхольд, Шолоховни эслади, у довруги бутун жаҳон бўйлаб тараалган «Чапаев», «Она», «Биз – Кронштатдан», «Шўх йигитлар» фильмларини эслади; ўн йил мобайнинда жаҳонда ўз издошларини яратган бунчалик кўп буюк номларни юзага чиқариш яна қайси бир санъат зиммасига тушган?!

...Мюллер энганиб Штирлицга таъкидлаб қўйди:

– Эгмонтнинг большевизмга мойиллиги борга ўхшайди, муроса қилишни рад этяпти.

– Наҳотки НСДАП аъзоси душман билан муроса қиласа?

– Мен ўша ондаёқ жаллодлар таклифига кўнган бўлардим, – деди шивирлаб Мюллер ва ғалати қилиб Штирлицга қўзини қисиб қўйди.

Ўн дақиқадан кейин концертни тўхтатиб қўйиши; инглизларнинг ҳаво ҳужуми бошланганди, берлинликлар «искаб топарлар»ни овозидан таниб олишарди.

Принцальбрехтштрассега яёв қайтишди. Мюллер анча вақтгача индамай борди-ю, кейин гапга тушиб кетди:

– Гапимга қулоқ солинг, дўстим, сиз – ақлли одамсиз, ҳамма гапни тўғри тушунгансиз, урушни тинч-тотув ҳал этишини фикр қилаётганларнинг ҳаммаси билан иноқлашиб олишга бўлган уринишларимни ҳам, шефингиз билан менинг орамдаги янги муносабатларни ҳам биласиз, аммо асосийсидан хабарингиз йўқ. Буям майли-я... Асосийини мен ҳам билмайман, шу боисдан оч-наҳор юрган хордаги қизларнинг овозини саҳнадан тинглаш учун сизни бошлаб борувдим. Эндиликда сизга таниш бўлиб қолган ўша хонамда кўп йиллардан бери ишлаб одамларга ишонишни унугиб қўйибман, Штирлиц. Мен ҳатто ўзимга ҳам ишонмайман, буни тушуняпсизми? Йўқ, йўқ, чин сўзим, ҳозир мени ҳазиллашяпти, деб ўйламанг... Рубенау, Дагмар, тўхтатиб қўйилган музока-

раларни қайтадан бошлаб юбориш – буларнинг нима кераги бор?

– Афтидан, музокараларни давом эттириш мақсадида бўлса керак.

Мюллер афсусланиб қўй силтади:

– Музокаралар доим бўлиб турибди, Штирлиц у бир дақиқа ҳам тўхтагани йўқ... Шелленберг қирқ тўртинчи йилдаёқ Стокгольмга учиб, «Президент» меҳмонхонасида американлик Хьюонт билан бир томонлама сулҳ ҳақида сұхбатлашганди... У Швейцариянинг собиқ президенти шифокор Музи билан Гиммлернинг ўзаро учрашувини уюштириди. Бу воқеа кеча эмас ва Рубенау орқали эмас, балки бундан беш ой олдин, яъни Арденда инглиз-америка қўшинларига зарба беришимиз, улар орқага чекиниши арафасида бўлганди. Ўшанда улар аҳдлашиб олишди. Шунда Гиммлер бадавлат яҳудийларни ва машҳур французларни концлагерларимиздан олиб чиқиб кетишга ижозат берганди. Тушуняпсизми? Аҳдлашиб олишди. Шелленберг ҳузуримга келиб – Гиммлер қўнгироқ қилганидан кейин – мендан икки минг маҳбусни озод қилиш ҳуқуқини олди. Кейин биз шунақанги зарба бердикки, натижада иттилоғчилар тумтарақай қочиб кетишли, Гиммлер эса Музи билан алоқаларга чек қўйди, фақат Шелленберг тараддудини давом эттираверди, бу ҳақдаги барча ҳужожатларни сақлаб юрибман... Январь ойида Сталин Krakov остононарида ҳужумни бошлаб юбориб американклар жонига ора кирганидан кейин – биз гарбдаги қисмларимизни Коневга қарши ташлашимиз лозим эди-да, – рейхсфюрер ўн иккинчи февралда, сиз Швейцарияга жўнаб кетмасингиздан аввал, Фрайбург яқинидаги Шверцвальдда Музи билан яна учрашиб, у билан янги шартномага имзо чекди... Тушуняпсизми? Ҳар икки ҳафтада бир минг икки юз бадавлат яҳудийни озод қилиб, бирин-

чи классли вагонларда Швейцарияга жүннатиш мажбурияти олинган шартномага имзо чекди. Яхудий молиячилари эса бунинг эвазига ўзларининг назоратларида бўлган Америка газеталарида Германияга қарши тарғиботни тўхтатишга ваъда беришди... Эҳ, агар Гитлер бундан уч йил аввал улар билан тил то-пишгандами?! Агар... Бу молиячилар собиқ президент Музи орқали Халқаро Қизил Xочга олтин билан ҳақ тўлаш, у эса ўз навбатида бизга бу маблаг эвазига бензин, машина ва дори-дармонлар харид этиш мажбуриятини олишди... Бензин рейхга олиб келинмоқда, шунинг учун ҳам яна самолётларимиз учяпти, Штирлиц, шунинг учун ҳам ўз машинамизда ҳозиргача юрибмиз... Шуниси ҳам борки, Гиммлер банк эгалари бўлган америкалик яхудийлар билан ўзига ҳимояланиш ҳуқуқини берадиган битим тузиб олди. Маълум бўлишича, айни унинг ўзи, СС рейхсфюрери васвас Гитлер томонидан йўқ қилинишга маҳкум этилган баҳтиқароларни қутқариб қолишни амалга оширган, унинг ёнини олиб бир оғиз сўз айтиб қўйишишин. Шунақаям қилишади, ишонаверинг...

Штирлиц бошини чайқаб қўйди:

– Бу оламда хотира деган нарса йўқ деб ўйламанг...

Мюллер ғамгин жилмайиб қўйди:

– Хотира йўқ, Штирлиц... Шу ёдингизда бўлсин. Менга «Фолькишер беобахтер» билан «Дас шварце кор» газеталарига муҳаррирлик қилиш ва шунингдек радиоэшиттириш дастурини тузиб чиқиш ҳуқуқини беришсин, илгари ўtkазиб келинган антисемитизм¹ сиёсатини буюк фюрер фармонларининг чидаб бўлмайдиган дараҷада бузилиши эканини, у ҳеч қачон қирғинбаротга чорламаганини, буларнинг ҳаммаси душман тарғиботи эканини немисларга бир ой мобайнида исбот қилиб берган бўлардим. У фақат бир

¹ Анти семитизм – яхудийларга қарши миллий душманчилик.

нарсани – баҳтиқаро яхудийларни ўз рақобатчилари нафратидан сақлаб қолишини истаганди. Хотира... Бу сўзни унтиб юборинг... Ичиқоралик десангиз, ишонаман, лекин бу хислатнинг «хотира» тушунчасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Фақат ўч олиш иштиёқи бор, холос. Гиммлернинг ўша битимини биз дабдала қилдик... Хўш? Нега энди «биз» бўларкан? Мен эмас. Кальтенбрүннер, менга қолса яхудий канцлер бўлавермайдими, ҳаммаси бой берилди, энди нима бўлса бўлар... Менимча, Кальтенбрүннер гарбда ва Гиммлер даврасида нималар бўлаёттанини етказиб турувчи ахборот манбаига эга бўлса керак... Хуллас, мен Музи билан Гиммлер ўртасидаги бу музокараларни француздар Мадриддан йўллаган шифровка орқали билиб қолдим, Кальтенбрүннер шубҳасиз буни ўша ондаёқ Гитлерга етказган. Гитлер эса: «Лагерларда ўтирган яхудий, инглиз ёки америкаликка ёрдам қилувчи ҳар бир киши судсиз, терговсиз отиб ташлансин», деб буйруқ берган.

– Агар гап поляқ, француз ёки югослав маҳбуслари ҳақида борса-чи?

– Штирлиц, миянгизда пишиб етилган: «Агар гап рус маҳбуслари ҳақида боргандা, нима бўлиши мумкин эди?» деган саволни бераверинг. Сиз худди шуну сўра-моқчи эдингиз? Жавоби сизга аввалдан маълум, мугамбирлик қилманг, жудаям пихини ёрган одамсиз-да.

– Мугамбирлик – айни пихини ёрганларга хос бўлади, – деб таъкидлади Штирлиц. Мюллэр тўхтаб, чўнгагидан дастрўмол олиб, бурнини қоқди, шундан кейингина кулиб қўйди:

– Ҳаво ҳужумларидан кейин Берлинда кузги Парижнинг ҳиди димоқقا уриляпти. Фақат у ерда каштона ёнғонини қовуришади, бизда эса одам гўштини... Мулоҳаза қилишда давом этамиз, юз бераётган бу воқеалар тўғрисида сизнинг фикрингизни эшлитишдан манфаатдорман, Штирлиц... Гап шундаки, Шел-

ленберг концлагерлар бошқармамизнинг бошлиги обергруппенфюрер Бергерни ҳамкорликда ишлашга кўндирибди, у эса Гитлернинг кўчириш, яъни тўғрисини айтганда, барча тутқунларни ёппасига йўқ қилиш тўғрисидаги буйругини бажармасликка ваъда берди. Музи буни Шелленберг орқали билиб олган. Лекин у шунчаки огоҳ бўлибгина қолмади: у сизнинг шефингиз илтимосини бажариб, Эйзенхауернинг ҳузурига борди-да, барча лагерларимиз қаерларда жойлашгани белгилаб қўйилган харитани унга берди... Харитага белгиларни эса Шелленберг қўйган... Шахсан ўзи... У яна америкаликлардан индульгенция¹ олганга ўхшайди – ҳозир француз министри Эрриони, унинг ҳамкасабаси Рейнони ва генерал Жиронинг оила аъзоларини лагердан озод этишга уриняпти... Кальтенброннер уларни қўйиб юборишни менга тақиқлаб қўйди, бу ҳақда шефингизга айтдим, ҳозир у бир қарорга келишдан қўрқаётган, фюеррга рўпара бўлиш даҳшатидан эзилган Гиммлерни кўндиримоқчи бўляпти... Ана шунаقا гаплар, Штирлиц... Швеция масаласида ҳам иш силлиқ кетяпти... Граф Бернадотнинг Гиммлер билан, айни Гиммлернинг ўзи билан учрашиш истаги ҳақида швед элчиси Томсеннинг Риббентропга йўллаган телеграммаси икки ойдан бери менда турибди... Риббентроп ўзининг маслаҳатчиси шифокор Вагнерни Шелленберг ҳузурига йўллаганини, у бунинг маъносини суриштирганини, шефингиз эса, табиийки, ўзининг одамлари Бернадотни рейхсфюрер билан учрашишга кўндирган бўлса-да, унга бу гаплардан хабарим йўқ, деб жавоб берганини биламан... Риббентроп шундан кейин Гиммлерга мурожаат қилган, у Бернадотнинг қудратли шахс эканини айтиб, у билан сухбатлашишни Риббентропга

¹ Индульгенция – гуноҳидан кечиши ҳақида пул бараварига бериладиган хат.

тавсия этган, ўзи эса Кальтенбруннерга швед билан алоқа қилишга ижозатнома беришни илтимос қилиш учун фюрер ҳузурига Фегеляйн¹ жүнатишни буюрди. Гитлер ўз қариндошининг гапларини әшитиб: «Ялпи уруш бораётган бир пайтда қирол хонадони аъзолари билан стол атрофига ўтириб гап сотишнинг фойдаси йўқ», – деди қўлини силтаб... Бироқ, Шелленберг ишни шундай ташкил қилдики, натижада Бернадот Риббентропнинг жавобини ҳам кутмай, Берлинга етиб келди. Бу ерда унинг Риббентроп, Шелленберг ва... яна ким билан учрашганини биласизми? Кальтенбруннер билан.

У Дания, Норвегия ва Голландиянинг тақдиди ўзини foятда ташвишга солаётганини таъкидлаб, Гиммлернинг қабул этишини улардан яна илтимос қилди... Шелленберг Гиммлернинг Хохенлихендаги ўйига Бернадотни бошлаб борди... Улар бу ерда даниялик ва норвегиялик барча маҳбусларни – фюрернинг буйругини бузган ҳолда – Германия шимолидаги битта концлагерга тўплаш ҳақида келишиб олинди. Ана шу одамлар эвазига армиямиз ва СС эҳтиёjlари учун Швециядан бензин олиб келинди... Энди сиздан сўрайман: Шелленберг узилиб қолган алоқаларни тиклаш истагида эканини айтиб, нега сизни бу галати ўйинга жалб қиляпти?

...Кечаги кунгача, Шелленберг билан навбатдаги учрашувгача Мюллер бу музокаралар тўғрисидаги бор ҳақиқатни билмасди; ахборотларнинг бир қисмигина унга етиб келарди, аммо Москва билан сўнгги ўйинга тайёрланар экан, Шелленбергга режасини ошкор этмаган ҳолда, қадрдан Вальтеридан бу вазиятни муфассалроқ тушунтириб беришни илтимос қилди. Мюллер

¹ Фегеляйн – СС группенфюрери, Ева Брауннинг синглисига уйланган, Гиммлернинг Гитлер қароргоҳидаги шахсий вакили ҳисобланган.

билин самимий муносабатда бўлишдан манфаатдор Шелленберг унинг алоҳида режаси борлигини хаёлига ҳам келтирмай, гестапо шефига ўзи мақсадга мувофиқ ҳисоблаган гапларни айтиб берди.

Шуниси ҳам борки, Штириц тўғрисида Мюллерга маълум бўлган гапларни Шелленберг билмасди; «ота-хон-Мюллер» бу дастакни кўз қорачигидек асрарди, чунки келажакда ўзини қутқариб қолувчи ниҳоятда зўр операцияси учун зарур бўлишини биларди; Россияга қарши режалари шунақаям донг таратадики, бутун дунёда шов-шув бўлиб кетади, кейин бунаقا тоифадаги ишларнинг муаллифига Farbdagi энг қудратли одамлар васийлик қилишади: улар ўта муҳим ишларга қобилиятли ақл эгаларини ниҳоятда қадрлашади; Мюллер – қобилиятли, бунақаси Геленning тушига ҳам кирмаган.

...Мюллернинг гапларини тинглар экан, Штирицнинг жудаям сигарет чеккиси келди, бармоқлари музлаб қолди; бироқ у ўзини илжайишга мажбур қилди:

– Демак, Бернда амалга оширган барча ишларим беҳуда тараддуд ва менинг ақлим етмаётган аллақандай муҳим бир ниқоб бўлган экан-да?

– Менинг ҳам ақлим етмаяпти, – жавоб берди Мюллер. – Лекин Сиз Бернда беҳуда юрганингиз йўқ. Машикани айлантирадиган қайиш механикасини тушуниб олишимизда мен билан Борманга ёрдам бердингиз. Афсуски, қайишлардан бирини қирқиб ташлаган бўлсангиз ҳам, бари бир, бу механиканинг моҳиятини тушунолмадик...

– Бечора Вольф, унга нима бўлди?

– Ҳозирча уни вақтинча ўйиндан чиқаришди. Менинчча, уни асосий резерв сифатида сақлаб туришибди, ахир Вольф Италияда ярим миллиондан кўп армияни назорат қилиб турибди, бу бирор нимага арзийди...

– Хўш, Шелленберг нега узилмаган алоқани тиклаш ишига мени жалб этяпти?

– Бу масала сиздан кўра кўпроқ мени қизиқтирияпти, Штирлиц.

– Истайсизми, Шелленбергдан бу ҳақда суринтириб кўраман?

– У сизни отиб ташлайди. Ўша ондаёқ. Йўқ, мумкин эмас... Ўйлаб кўринг. Кечаси ўйлаб кўришга вақтингиз бўлади. Кейин шу ерга келинг, бу ишни биргалашиб муҳокама қилишга уриниб кўрамиз.

Орадан уч соат ўтгач, Мюллер Марказга Штирлиц жўнатган телеграммани ўқиб чиқди, унда ўзи боягини айтганлари хабар қилинганди.

«Ўшанинг ўзи! – жилмайиб кўйди Мюллер. – Майли, Сталин ўйлайверсин, майли, бу ерда, Берлинда ҳозир кимлар Гиммлерга қарши ҳаракат қилаётгани ҳақида ўйлайверсин; майли, америкаликлар ҳақида ўйлайверсин; майли, Гиммлернинг яқин орада Даллес билан тил топишиб олиши ҳақида ўйлайверсин; майли, танлаб олаверсин, у энди танлаб олиши мумкин, мен унга ўзимни таклиф этдим, Америкада Рузвельтга қарши ҳаракат қилаётган ва очиқдан-очиқ Кремлдан нафратланувчи кучлар борган сайин жисплашиб бораётган бир пайтда Бормани тиклаш ўринли бўларди...»

ПЕШВО ВА УНИНГ ҲАМТОВОҚЛАРИ

АҚШ президенти Франклин Делано Рузвельт ўша даврнинг ҳар қандай буюк сиёсатчиси каби сиёсий масалаларни тайёрловчилар ва ифодаловчилар орасида юзага келадиган зигирча ҳам риёкорлик мамлакат ишига тузатиб бўлмас даражада катта заар келтиришини ўйларкан, ўз штабига ишонарди.

Шу боисдан президент Швейцарияда англия-америка маҳфий хизматининг обергруппенфюрер Вольф одамлари билан алоқалари хусусида руслар Бос миистри йўллаган қуруқ ва ўткир маънодаги янги мак-

тубини олиб, руслар раҳбарининг бунчалик ошкора ташвишланиши ва аччиғланиши сабабини Давлат департаментида ҳам, Пентагонда ҳам, Билл Денованинг стратегия хизмати бошқармасида ҳам суриштириб аниқлашдек нозик масалани ўзига энг яқин одамлардан қай бирига топшириш ҳақида узоқ ўйланиб қолди.

Урушдан кейинги Россиянинг роли масаласида ўзининг қарашларини эндиликда Вашингтондаги одамларнинг ҳаммасиям қўллайвермаслигини президент тушуниб олганди.

Президент шу сабабли ўзи Сталинга йўллаган энг дўстона руҳдаги самимий мактубидаги қайси жумлалар Кремль йўлбошчисининг жаҳлини шунчалик чиқаргани сабабини аниқлашга ҳаракат қилди.

Ўзининг мактубидаги жумлалар – ниҳоятда диққат билан ўқиб чиққанидан кейин – одоб доирасида ёзилгандек туюлди президентга; сиёсий курашнинг тажрибали стратеги сифатида у давлат ва партия намояндалари ўз нутқларига олдиндан яширин киритиб қўядиган портловчи сўзлар қадрини яхши биларди.

...Шу боисдан қўлига қалам олиб, ҳатто вергулларигача эътибор бериб, номани диққат билан ўқиб чиққанидан кейин, Рузвелт ўзининг ҳақлигига ва ҳалол иттифоқчи эканига хотиржамлик билан ишонч ҳосил қилиб, мактубни четга суриб қўйди-да, япалоқ бармоқларини бир-бирига чирмаштириб, ҳозирча жавоб беролмаётган ва балки жавоб беришни истамаётган бир қанча саволлар ўзини қийнаётганини тан олди. Биринчидан, нега Сталин немислар билан алоқа қилинаётганини Черчиллга ёзмайди. Донованнинг хабар қилишича, у ерда фельдмаршал Александр бошчилигига инглизлар асосий роль ўйнашяпти; иккинчидан, нега Черчилл бу музокаралар тўғрисида унга – Рузвелтга ҳеч нимани билдирамади; ниҳоят учинчидан, бу музокараларнинг ОСС томонидан қилинган мукаммал таҳлилнинг шу пайтгача йўқлигини

қандай баҳолаш керак? ОСС ходимлари гүё Париждағи инглизлардан ва шу ердаги Британия әлчихонасида разведка ва сиёсий режалаштириш масалаларига масъул бўлган хуфя дўстлардан қолган резги ҳужжатларни саралаш билан чекланиб қолмоқдалар.

Рузвельт эндиликда бу саволларга жавоб бермасликнинг ҳечам иложи йўқлигига иқорор бўлди, чунки уруш йилларида Россия даҳшатли талафот кўрибгини қолмай, балки, жаҳонда ниҳоятда улкан эътибор қозонди, у гитлерчиларнинг гайриинсоний тузумига қарши турган асосий кучга айланиб қолди.

...Ҳарбийлар унга нацистлар Фарбий фронтнинг уёки бу участкасида таслим бўлишининг прагматистларга¹ хос фойдаси исбот қилиб берилган баёнотномани топширишди; шу тоифадаги имкониятлар билан руслар таништирилмагани учун масъулият дипломатлар зиммасига тушади; америкалик биронта ҳам ҳарбий бошлиқ нацистлар билан алоқа қилишда иштирок этмагани ҳақида президентни огоҳлантириб қўйишди; ўз навбатида Сан-Францискода Бирлашган Миллатларнинг биринчи конференциясини ўtkазишга туну кун тайёргарлик билан банд бўлган Давлат департаменти Оқ уйга эсдалик хати топшириб, душман билан ҳатто нацист Карл Вольф тоифасидаги ифлос одамлар билан ҳам хуфиёна алоқалар қилиш умуман мақсаддга мувофиқ эканлиги яққол аён бўлиб турганини маълум қилди; бироқ дипломатлар Америка вакилларининг Европадаги бунақа хилдаги алоқалари қайд қилинмаганини тасдиқлашди. «Шунга қарамай, – деб таъкидланади эсдалик хатида, – биз уруш тугаганидан кейин, айниқса, Берлин узра Қизил байроқ ҳилтираган тақдирда Европадаги вазиятнинг ташвишида юрган бетараф мамлакатлардаги у ёки бу олим ва фойдахўрларнинг шахсий ташаббус кўрсатиши мумкинлигидан кўз юмолмаймиз;

¹ Прагматист – фақат буржуазияга фойдали нарсаларниги на тан оладиган реакцион идеалистик оқим тарафдори.

бұнақанғи шахсий хуфёна учрашувлар Европада Америка манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташвишланишдан ўзга нарса әмас...»

Рузвельт «фойдахүрлар» сүзига ёпишиб олиб, ўша зақоти ака-ука Жон ва Аллен билан ҳатто нацистлар даврида ҳам рейх манфаатларини АҚШда ҳимоя қилған Германиянинг Шредер банк корпорацияси ўтасида чиққан жанжал ҳақидаги миш-мишларни эслаб, Донован билан кечқурун бирга овқатланиш ҳақидаги ўз таклифини бекор қилди-да, адъютанти орқали ундан Берн тугунига оид муфассал ахборот тайёрлашни сўради. «Шу билан бирга, – қистовга олди президент, – бизнинг суҳбатимиз амалий, ўзаро фойдали характерда ўтиши лозим, масала шундай эътиборга молик; разведка бошлиғи ҳамма нарсадан хабардор бўлиб, президент эса ҳеч нимани билмайдиган ҳозирги вазиятда Америка бирор наф қўрмаса керак».

Рузвельтнинг бундай баландпарвоз гапларини эшишиб, Донован дарров ўзининг қадрдон дўсти, «Жекобс ва ака-укалар» адвокат фирмасининг директори, Даллесларнинг шериги Давид Лэнс билан кечқурун соат еттида Майл Кирк ресторанида бирга овқатланишга келишиб қўйди.

Ресторанда Донован дўстига воқеани гапириб берди.

– Ҳа, яхши, – деди Лэнс сочиқни тиззасига ёйиб қўяркан, – рўй берган вазият унчалик ёқимли әмас, бироқ, Аллен биронта қилмиши билан ҳам қонун доирасидан чиқмаган...

– Чиққани маъқул эди, – чўрт кесди Донован. – Лекин бу ҳақдаги хабар Рузвельтга етиб бормасин эди! У саховатпешалик қоидаси муҳлисларидан, шу сабабли энди Алленнинг иши нима билан тугашини тасаввур ҳам қилолмайман...

У Америка учун катта имтиёз билан тугаши мумкин әмас, буни жуда яхши биласиз... Модомики, Рузвельт

Ялтада айнан русларнинг биринчи бўлиб Берлинга кириб боришига ва шу йўл билан – бир неча ўн йил илгари – гитлеризм устидан бош голиблик шон-шуҳратини эгаллашига розилик берган экан; модомики, агар у министрлар хонасини Сталин тасдиқлайдиган Польшанинг барпо этилишига ижозат берган экан; модомики, у Титонинг Югославияда биринчи шахс эканини тан олишга жазм этган экан, бу мамлакатда кимдир келажагимиз ҳақида жиддий ўйлаб кўриши керак-ку! Аллен Вольф билан гаплашганидан кейин мен дарров Шредердан – бу сафар Стокгольмдан – Германиядаги барча портларни ҳозирнинг ўзидаёқ корпорацияларимиз рўйхатига киритиш мумкинлиги ҳақида ишонч қоғозини олдим... Яна шуниси ҳам борки, Шредер рейхни нималар кутаётганини фаҳмлаб, рейхнинг барча патент фондини Рузвельт қизилларга бостириб кириш имкониятини берган Саксониядан Мюнхенга ўтказишга эришди, бу эса, Билл, кўп эмас, оз эмас, ўттиз миллиард доллар демакдир. Ҳа-ҳа, худди шундай! Фикрнинг баҳоси шунаقا қиммат туради – бу, адолатдан. Демак, буларнинг ҳаммаси мамлакатимизни бўлади ва биз бутун дунё тараққиёт дараҷасидан яна бир қадам илдамлаган бўламиз. Бунинг устига Шредер Франция, Россия, Польшанинг буюк рассомлари яратган асарлар ва итальян галереяларидан келтирилган полотнолар яшириб қўйилган. Линц туманидаги еrostи шахталарининг қаерда жойлашганини хабар қилган; буларнинг баҳоси миллиардлаб долларни ташкил этади...

– Дэйв, келинг, Рузвельт билан қиласидиган суҳбатими ни ўйлашиб кўрайлик, – деди қовоғини уюб Донован. – Бу жудаям қийин иш, шу боис унинг ҳузурига борищдан аввал сиз билан у-бу гапларни пишитиб олмоқчиман...

– Унга Хитойдаги саргузаштларингизни эслатиб қўйинг, Билл... Нима бўлганда ҳам сиз Мао Цзедун-

нинг кимлигини уқиб олган, у билан муносабатда бўлган ва яқин келажак гояси хусусида бир оз гаплашган ягона одамсиз...

– Маонинг Бернданаги вазиятга қанақа алоқаси, бор?

– Бевосита алоқаси бор. Мао – Европадаги сўлларга қарши турадиган куч бўлиши мумкин. Бу Японияни зирқиратувчи нуқтадир.

– Москва Даллес операцияси ҳақида билиб қолганга ўхшайди, биз уни фельдмаршал Александр номи билан пухта ниқоблаб қўйган бўлишимизга қарамай, Кремль Бернадот ҳақида ҳам, Даллес операцияни собиқ президент Музи орқали бошламоқчи экани ҳақида ҳам маълумот ололмайди, деб кафолат беролмайман.

– Сизнинг-ча, бу қойилмақом иш бўлмасмикан?

– Яъни масалан?

– Майли, Рузвелт Сталин билан ўзаро жанжаллашаверсин! Менга қолса ҳатто мумкин қадар кўпроқ гапдан хабардор бўлишида Сталинга ёрдам берган бўлардим.

– Бу, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган, гап, Дэйв. Халақит бермаслик мумкин, лекин бизнинг маҳкамадагилар ёрдам бериб туришганда ғайриайгоқчи менинг ҳам, сизнинг ҳам бу ишга қизиқишимизни дарров сезиб қолади... Мени фақат бир нарса ростакамига ташвишга соляпти; сизнинг Шредер билан ҳозирги муносабатларингизни Рузвелт билиб қолган бўлса-чи? Айни Шредернинг ўзи ўттиз учинчи йилдан бери «Геббелъс дўстлари» тўгарагининг раиси бўлгани, Даллес эса у билан ҳозир ҳам аввалгидек дўст экани ҳақидаги маълумотларни Рузвелтнинг столига қўйсангиз борми, у ғазабдан хип бўғилган бўларди...

– Буниси ёмон бўлади, – унинг фикрига қўшилди Лэнс. – Бундан воз кечиш керак... Қаёқданам шу Рузвелтни бошлиқ қилиб олдиларинг! Унинг саломатлиги ҳеч нимага арзимай қолгани ҳақидаги

гап-сўзларнинг ҳаммаси Рузвельт Сталинга тилёғламалик қилиб мамлакатни жар ёқасига келтириб қўйди, дегувчиларни тинчлантиришнинг бир усулидан бошқа нарса эмас...

Донован бош чайқаб деди:

– Бунақа деманг, Дэйв... Рузвельт ўзининг ма-йинлиги, зиёлига хос ўта маданиятлилиги билан бу мамлакатга кўпгина наф келтиради... Биз ҳам шунга эришишни истаймиз, лекин тезроқ, ўз услубимиз билан, самараси унинг эмас, балки бизнинг гуруҳимиз одамлари фойдасига ҳал бўлишини истаймиз... Президентнинг саломатлиги эса чиндан ҳам ҳозир яхши.

– Аниқ гапми?

– Ҳа. Уни даволовчи врачлар билан гаплашиб кўришни дўстларимдан илтимос қилгандим.

Лэнс бир қултум сув ичиб елкасини қисиб қўйди; ўша лаҳзада унинг ранги бўзариб кетганди.

– Агар Рузвельт Шредер билан бутунги муносабатларни билиб қолса, Алленни биз тутиб туролмаслигимизни ўзингиз биласиз. Яна бир нарсани ўйлаб кўришни жудаям маслаҳат берган бўлардим: Гровснинг одамлари Лос-Аломосда¹ нималар қилаётгани ҳақида Джо Амакини огоҳлантириш вақти етиб келмадими кан?

Донован оғир тин олди:

– Ажойиб гоя, чалғитиш усулининг қойилмақом шакли! Менимча, Португалиядаги сизнинг шерикларингиз қизилларнинг ташқи савдо ташкилотида ишончли алоқа воситасига эга, ўша ёқقا Москва учун маълумот бериш мумкин... Бу Гровс билан Гувер ҳал қиладиган масала бўлади, бизники эмас. Менимча, Сталин ана шу нарсамизнинг қачон портлатилиш куни билан унчалик қизиқмаса ҳам, лекин у аввало исталган мамлакатни букиб қўйиш мумкин бўлган

¹ Лос-Аломос – 1945 йилда америка атом бомбасини портлатишига тайёргарлик кўрилган махфий полигон.

қурол устида иш олиб борилганини нега ундан яширишгани ҳақида бош қотиради... Баракалла Дэйв, ажойиб гоя!

Рузвельт эса эртасига Донованнинг қисқача тушунтириш хатини олиб, немислар билан барча музокараларни ҳозирдан эътиборан ва бутунлай тўхтатиш ҳақида Даллесга шифровка жўнатишни ундан сўради; шу билан бирга, президент русларнинг Бош министрига ўз мактубининг бир нусхасини ОСС бошлиғига йўллаб, «ОСС ҳужжатлари асосида ёзилган хатни Сталинга жўнатар экан, у бутун масъулиятни ўз зими масига олишини, аммо президент маънавий ўнгайсизлик юкини, агар шунаقا бўлиб қолган тақдирда, Донован билан бирга баҳам кўришини» адъютанти орқали огоҳлантириб қўйди.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ (ОСС)

Иттифоқчиларнинг Европадаги таниқли физикларга бўлган ғалати муносабати Москвага аллақачон маълум бўлиб қолгани учун ҳам Марказ совет разведкасининг полковниги чекист Максим Максимович Исаевни Берндан Берлинга жўнатган эди.

АҚШ разведка органига ишга юборилган америкалик тадқиқотчиларнинг Париж озод этилганидан кейин ботартиб ўтказган терговлари атом ядросини парчалаш принципи асосига қурилган янги қуролни яратиш имкониятини ўрганиш билан шугулланаётган француз олимларини ҳайрон қолдирди.

Бошқа барча олимларга қараганды Жолио-Кюридан кўпроқ сўрашди: инглизларга ҳам, америкаликларга ҳам гитлерчиларга қарши коалициянинг жанговар иттифоқчиси сифатида муносабатда бўлган буюк олим барча масалаларни бажонидил муҳокама қилди-да, кейин, табиий равишда, ўзи ҳам суриштира бошлади. Аммо америкаликлар чурқ этиб, оғиз очишмади.

– Бу одобдан эмас, – таъкидлади ўшанда Жолио Кюри, – суҳбат тергов тусини оляпти. Лекин мен – французман, гитлерчиларга қарши коалиция дўстларининг аъзосиман, асир тушган душман эмасман. Француз сифатида, ўз мамлакатининг ватанпарвари сифатида менинг ватаним илмий тараққиётнинг думида судралиб қолишига йўл қўёлмайман. Агар биз олиб бораётган ишларга бўлган қизиқишингиз сабабини тушунтириб бермасангиз, сизлар ўз лойиҳала-рингизни тайёрлаётганингиз, лекин биз билан ҳамкорлик қилишни истамаётганингиз аён бўлиб қолади; бинобарин, сизлар Франциянинг жаҳонда ўзига муносиб ўрнини әгаллашига халақит бермоқчисизлар. Хўш, шундай бўлгач, Франциянинг ўз тадқиқотлари хусусида Россияни кўзлаб иш тутишдан ўзга чораси қолмайди. Генерал де Голль ҳамкасабаларим билан менинг фикримни маъқуллайди.

Америкаликлар «атом лойиҳаси»га оид масалаларни Москва билан ҳечам муҳокама қилишмаганди, бу ниҳоятда зўр ниқобланган сир эди; Америкада душман – немисларданми ёки иттифоқчи – советларданми, ҳайиқишлирини айтиш қийин эди.

Бу, албатта, Кремлни ҳүшёр торттираслиги мумкин эмасди. Аммо Америка разведкасининг Германиядаги сирли операциялари, генерал Гровснинг маҳсус гурӯҳлари армия ва авиация штабларига асосий зарба йўналишларини кўрсатиб бераётгани Москвани кўпроқ ташвишга солиб қўйганди; оқибати нима билан тугашини фаҳмлаб олиш учун физик бўлишнинг ҳожати йўқ эди; Германия чок-чокидан сўкиляпти; шундай экан, янги типдаги қурол кимга қарши тайёрланяпти?

...Янги қурол лойиҳаси устида иш олиб борилаётгани ҳақидаги маълумотни Москвага етиб боришига имкон бериб, русларни қўрқитиб қўйишдек дадил режани илгари сурган Давид Лэнс билан бирга овқат-

ланиб бўлиб уйига қайтган Вильям Донован, агар дўстининг таклифларини қабул қилган тақдирда қандай манфаат кўради-ю, қандай зиён кўришини узоқ ўйлаб қолди.

– Ҳа, чинданам рус маҳфий хизматига, – ўзича фикр юритди Донован, – улар огоҳ бўлганидан кўра кўпроқ нарсалар ҳақида билиб олишига ёрдам берилса, бу Рузвельт билан Сталин орасида жиддий совуқчилик муносабатини юзага келтириши мумкин. Кремль билан Оқ уйнинг ҳар қандай тўқнашуви келажакда Донован ва унинг маслақдошлари тасаввур этган фикрга хизмат қиласди. Бироқ Рузвельт фавқулодда фикр юритувчи одам, айтгандек, Сталин ҳам шунаقا. Сталин атом лойиҳаси ҳақида: «Нега? Нима мақсадда? Кимга қарши? Қачонгача?» деб дабдурустдан савол бериб қолиши мумкинлигини Донован биларди. Рузвельт ҳам жавоб бериши мумкин, деб ҳисобларди Донован. Табиийки, президент даврасидагилар муносиб жумлаларни топа олишади; албатта, атом лойиҳасининг раҳбари генерал Гровс бунга бош штаб бошлиги Маршаллдан тортиб то бош қўмондон Эйзенхауэргача бўлган ўзининг қудратли ҳомийларини жалб қиласди; атом ишларига сармоясининг каттагина қисмини қўшган миллиардер Дюпон гуруҳи Оқ уйга яқин бўлган одамларга маълум даражада таъсир ўтказиши ҳам мумкин, аммо бугунги кунгача мавжуд бўлмаган ҳодиса кўзга чалиниб қолган, яъни у энди сир эмас, балки ҳақиқатга айланган бўларди.

Генерал Гровс Америка армиясининг дастлабки қисмлари Сицилияга эндиғина бостириб кирган пайтдаёқ ўз разведкачи ва олимларини биринчи марта ўша ёқقا юборганини Донован биларди. Гровс италиялик кўпгина физикларни Штатларга олиб кетганини, уларни тўрт девор орасига жойлаб, қунт билан тергов қилганини у биларди. Генерал Гровснинг

одамлари деярли биринчи бўлиб Парижга кириб борганини ҳам биларди. Февраль ойининг охирларида генерал Гровснинг бўлинмаси немис физиклари-ни, уларнинг архив ва кутубхоналарини, уран рудаси омборхоналари ва оғир сув сақланаётган жойларни излаб, Германиянинг тит-питетини чиқариб юбо-ришганини у биларди.

Гровснинг разведка аппаратига жойлаштирилган Донованнинг агентуруаси атом лойиҳаси раҳбарларини кейинги ҳафталар мобайнида Германия ҳудудида жойлашган ва русларга ўтиб кетиши лозим бўлган нацистларнинг уран ва оғир сув ишлаб чиқариш билан боғлиқ заводларининг тақдиди кўпроқ ташвишлантираётганини ОСС директорига хабар қилишиди.

Донован русларга ўтиб қолиши эҳтимоли бўлган Ораниенбургдаги «Ауэрзезельшафт» заводига қарши ажойиб равишда операция ўтказган Гровснинг жасорати ва шижаатига қойил қолди. Айни ўша ерда атом физикаси соҳасида тадқиқот ишлари жадал олиб борилмоқда эди, айни ўша ердан уран ва торий қазиб олинмоқда эди, айни шу боисдан Гровс АҚШ стратегия авиациясининг бош қўмондонига мурожаат, қилиб, унинг разведкачилари билан биргаликда ажойиб бир ҳийла ишлаб чиқди: русларни фафлатда қолдириш мақсадида бир кун ва бир соатда бомбардимончи, самолётларнинг иккита галаси Германиянинг турли ҳудудларида жойлашган иккита объектга шиддатли зарба берди: Потсдам яқинидаги Цоссен вермахт штаби билан «Ауэрзезельшафт» заводи бомбардимон қилинди. Цоссенга берилган зарба чалғитувчи, рус иттифоқчиларининг «кўнглини хотиржам» қилувчи зарба эди; олти юзта «учувчи қалъя» заводининг барча корпусларини ер билан яксон қилди, Ораниенбургда русларга култепалар қолди – энг асосийси шу эди.

Авиациянинг бош қўмондони Спаатс яна генерал Маршаллдан: «Гровснинг илтимоси тезда бажари-

лиши лозим», деган буйруқ олингани учун ҳам бу ҳужумни алоҳида пухталик билан режалаштириди. У йўллаган хатда: «Бу тегишли шахсга дахлдор» муҳри қўйилганди.

...Қирқ бешинчи йилнинг марта Германияга десант қилиб туширилган Гровс гурӯҳи Гейдельбергни куршаб олиб Рихард Кун бошлиқ бир қанча етук немис физикларини қўлга туширди; кейин Otto Ган билан Вальтер Ботени тутиб олишди.

Тергов пайтида Боте ўзининг атом физикаси соҳасида жаҳонда энг нодир ҳисобланган илмий кутубхонаси Саксониянинг туз конида яшириб қўйилганини айтиб қолди.

Гровснинг одамлари харитани кўришга шошилишди: рус қисмлари ўша жойдан уч километр нарида эди. Вашингтонга йўлланган шифровкада Гровс разведкачилари тезда ўша ҳудудга туширилишини талаб қилишди.

Гровс илтимоснома билан кирди; генерал Жорж Маршалл унинг таклифини қувватлади; Давлат департamenti бунақангича очиқчасига нодўстона ҳаракатни Сталин асло кечирмаслигини далил қилиб, рад этди; жиддий сиёсий мушкулот юзага келиши хавфи туғилди.

Гровснинг ғазаби қайнаб кетди:

– Ахир, тушунинглар, агар атом лойиҳаси ҳақиқатга айланса барча сиёсий мушкулотларни минг марта осонлик билан ҳал этамиш! Ўша нарса қўлимизда бўлгач, биз билан баҳслашишга Кремлнинг юраги дов бермай қолади! Ахир, сиёсатнинг барқарорлигини куч белгилайди-ку!

– Ўша нарсага эга бўлганингиздан кейин, – жавоб беришди унга, – сиёсий эҳтимолликни янгича баҳолаш мумкин бўлади; ҳозир эса биз атом дипломатияси билан эмас, балки порох дипломатияси қонуни асосида яшашимиз керак.

(Вашингтонда даҳанаки жанг давом этгунча Боте билан Куннинг кутубхонаси сақланаётган ҳудудни руслар ишғол қилишди; Гровснинг жазаваси тутиб кетди.)

Донован Давлат департаменти билан тўқнашувдан кейин зарур хулоса чиқариб олган Гровснинг мардлигига қойил қолди. Гровс ҳарбий министр Стимсоннинг ҳузурида бўлганини у биларди.

– Атом тадқиқоти билан боғлиқ бўлган герман корхоналарининг асосий марказлари Штутгарт, Ульма ва Фрайбург ҳудудларида жойлашган, – деди у министрга. – Бу шаҳарларнинг барчаси Ялта декларациясига биноан французлар ихтиёрига ўтади. Мен французларга ишонмайман, улар аввалдан Россияни яқин тутишади. Агар биз бу туманларни биринчи бўлиб ишғол этмасак, Штатларнинг олий манфаатига зиён, ўрнини қоплаб бўлмайдиган зиён етказилади.

– Қандай таклифингиз бор? – қуруққина қилиб сўради министр.

– Биз бу шаҳарларни босиб олишимиз, немис олимларини, кутубхона, архивларни, руда, оғир сувни олиб чиқиб кетишимиз ва барча лаборатория ҳамда завод қурилмаларини йўқ қилишимиз лозим.

– Давлат департаменти де Голль билан муносабатларни бутунлай бузишга йўл қўяди, деб ўйлайсизми?

– Йўл қўймаслигига имоним комил. Руслар ҳудудига десант тушириш заруриятини мен муҳокама қилган ўша қоқвошлар дипломатия – бу, зигирча имкониятларни амалга ошириш фани эканини менга узоқ тушуниришди. Уларнинг гапларини сабр-тоқат билан эшитиб, бизда руҳияти шикаст одамлар дипломатлик қилишяпти, уларни разведка жалб этяпти-ю, лекин гирдобга тушиб қолиб чиқолмай сарсон бўлишяпти, деган хulosага келдим...

– Жудаям ўхшайди, – деди у кулимсираб. – Энди уларга мурожаат қилмай қўяқолинг, Французларга

үтиши лозим бўлган шаҳарларни босиб олиш хусусида Маршалл билан келишиб олаверинг.

- Жанжал чиқиши мумкин.
- Бунга кўнигиб қолгансиз.
- Ҳақ гап. Мен жанжаллашишга тайёрман, чунки французларнинг янгиликларни руслар билан баҳам кўриши шубҳасиз, худди ана шу нарса юз бермаслиги учун фақат жанжаллашиш эмас, балки жанг қилишга ҳам тайёрман.

Гровс бу операцияни «Панажой» номи билан махфийлаштириб, ўз ёрдамчиларини шошилинч равишда Европага, Эйзенхауэр штабининг бошлиги генерал Бедедл Смит ҳузурига жўнатди. Америка қўшинларини французлар йўлини кесиб чиқишига ташлаш, уларни нарига суриб қўйиш, тўхтатиб туриш ва улар Ялтада АҚШ президенти имзо чеккан ўша ҳужжатга биноан кириши лозим бўлган шаҳарларга яқинлаштирмаслик ҳақида аҳдлашиб олишиди.

...Донован ўша оқшом, Давид Лэнс билан хайрлашганидан кейин ҳам энди нима қилиши лозимлиги ҳақида бир қарорга келолмади.

Маълум даражада Аллен Даллесни хабардор қилиб қўйиши ҳақидаги фикр хаёлида жавлон уради; Аллен тезда Кремлга етиб борадиган миш-миш тарқатиш иложини топади.

«Рузвельт нима қиласкин? – ўзига такрор-такрор савол берарди Донован. – Агар у Сталин билан савомий муносабатга ўтиб олса-я? Унда нима бўлади? Наҳотки Дэйв ҳақ бўлиб, бизда фақат битта муҳим чора қолса? Наҳотки сиёsat орзу қилганингга эришишда шафқатсизликни асосий қурол сифатида тақозо этса? Наҳотки муроса қилиб бўлмаса?»

Донован ўзига аниқ ва муайян жавоб берди: Йўқ, Рузвельт билан чинданам муроса қилиб бўлмайди, у идеалист, у ёш бола каби ҳамма нарсани яхшилик

билан ҳал этилишига ишонади, наҳотки шу бола яна түрт йилгача – Қўшма Штатлар қонунига кўра – столни муштлаш ва ҳурпайиб олиш ўрнига инонтириш, яратшириш, идрокли бўлишга даъват этиш билан шуғулланаверса!

«Гувер, – деди ниҳоят ўзига Донован. – Менга Гувер керак. У билан суҳбатни қай тарзда олиб боришни билмайман, суҳбат оҳангини ҳис этмаяпман-у, лекин ундан: «Жон, президент, сизни Америка коммунистлар партияси аъзолигига ўринбосарликка тавсия этса, нима қилган бўлардингиз?» – деб сўрашим лозимлигини аниқ сезиб турибман».

Донован Гуверни танирди, бу «душман ака»нинг гапига қандай муносабатда бўлишини ўзича ҳис этарди; фақат бир қарорга келиб, ўзига муқаррар равишда: «Рузвельт бизларни фақат Гитлер устидан ғалабага эмас, балки Москва олдида таслим бўлишга олиб келади», дейишим керак, деган қарорга келди у.

ШУНГА ҚАРАМАЙ, НОТЎГРИ ХАБАРЛАР ТАРҚАТИШ ЙЎЛЛАРИНИ ҚАДРЛАШ КЕРАК

Штирлиц ҳузурига кириб келгач, Мюллер ташвишланиб бошини чайқаб қўйди, кейин ҳайрон бўлиб соvuққина жилмайиб деди:

– Хўш, бечора Гансга неча марталаб фириб бериб, оқибатда нимага эришдингиз? Уйингизда неча кундан бери тунамаяпсиз? Уч кунми? Беш кунми? Хўш? Миллион маркали хазина топдингизми? Чегара текширувисиз сизни жаҳондаги исталган мамлакатга киритувчи Иосиф Виссарионович Рузвельт номига берилган Венесуэла паспортига эга бўлдингизми?

Штирлиц ҳўрсиниб чўнтагидан сигарет олди:

- Менда бир таклиф бор, группенфюрер...
- Қулогим сизда...

Яна, учинчи марта ҳаво тревогасининг ингичка, даҳшатли чинқириги янгради.

- Ертўлага тушамизми? – сўради Мюллер.
- Нима десангиз шу-да. Мен бунга парво қилмайман.
- Фақат аҳмоқларгина қўрқувдан маҳрум бўлади, сиз эса аҳмоқ эмассиз.
- Тақдирга ишонаман...
- Демак, шу ерда қоламиз. Хўш, қанақа таклифингиз бор?
- Мени ўзим ўтирган ўша камерага ўтқизсангиз, шу камера менинг квартирам бўлади. Эрталаб ишга чиқиб кетаман, кечқурун яна шу ерга қайтиб келаман. Фақат кейинчалик, қизиллар ёки америкаликлар қамоқча олишгач, менга муддатни ҳисоблаб ёзишлари учун буни маҳкамангиз қарори билан тасдиқлатиб қўясим.
- Тирик қолишни мўлжалляяпсизми? – сўради Мюллер. – Хўш, хўш...

Агар у, Мюллер рус маҳфий хизмати соҳасидаги ишларида Штирлицга ёрдам берса, ўзини нималар кутиши мумкинлиги ҳақида савол беришдан ўзини зўрға тийиб қолди. Унга ўзини тўхтатиб қолиш осон эмасди, чунки вақт қўлдан бой берилганини ҳис этиш одамни ич-ичидан кемиради; бу вақт худди қумсоатдек тўкилиб кетаётганини сезади; агар Гёте буни ҳозир Мюллерчалик ҳис этганда, ўзининг «Тўхта, лаҳза!» иборасини ҳеч қачон ёзмаган бўларди! У чинданам даҳшатли, чунки у мумкин бўлган пучхаёлликни юзага келтиради, вақтни эса тўхтатиб бўлмайди, бу туюлаётган эҳтимолликдир, туюлаётган нарсадан кўра даҳшатлиси йўқ. Мюллер Штирлицнинг руслар билан алоқаси қаерда юз бергани, нима билан алоқа қилингани, уни қайси вазиятда ёллашганини тушуниб олиш мақсадида унинг шахсий делосини қунт билан ўрганиб чиқмоқчи бўлди-ю, лекин у ўз фаолиятини бошлаган шаҳарлар америкаликлар томонидан босиб олинганди; штандартенфюрернинг партия

ҳужжатлари НСДАПнинг чет эл ташкилотига масъул бўлган партайгеноссе Боле маҳкамасида сақланарди, чунки Штирлиц Америкадаги ҳаракатга қўшилганди; бу ерда, Принцальбрехтштрасседаги архивда қофозларни титкилаб чиқишинг фойдаси йўқ, бари бир «вазмин, олий ирқ, тақдирланган» сўзларидан бошқасини тополмайсан...

Мюллер Штирлицга унинг руслар билан алоқаси хусусида савол берса, Москва фойдасига ишлаш эвазига кафиллик талаб этса, Марказдан рад жавоби келишини аниқ биларди... Шубҳасиз рад этишади; балки ҳаётини сақлаб қолишар, аммо турма камера-сида умрининг охиригача яшашни ҳаёт деб бўладими? Йўқ, эркин ҳаёт кечириш фақат масалани сиёсий ҳал этишга боғлиқ; Гиммлер ва Шелленберг Фарб билан музокара олиб боришияпти; агар улар бир томонлама сулҳ тузишга муваффақ бўлсалар, унда Мюллер bemalol ҳаёт кечириш ёки бартараф мамлакатларга хотиржам ўтиб кетиш имкониятига эга бўлади; банклардаги СС жамгармасидан фойдаланиш учун унга битта эмас, тўққизта киши номига берилган ишонч қозози бор; шунингдек чўнтағига доимо еттита паспорт солиб юради. Гиммлернинг иши ўнгидан келмаса, «Ҳаёт» операциясидан Борман жой олади; у Берлин йўналишида жамланган юзта сара дивизиянинг кучини ишга солиб Сталинга мурожаат қиласди; агар бу дивизиялар Farbga йўналтирилса, руслар билан бирга, балки уларсиз инглиз-америка қўшинларига шунаёнгиз зарба бериладики, оқибатда икки ҳафта ўтмай, улар океангча учиб тушишади. Борманга қийин бўлади; у биринчидан, фюрернинг Альп истеҳкомлари томон кўчиб кетишига йўл қўймай, Берлинда қолдириши керак; иккинчидан, у шундай қилиши керакки, фюрер ҳокимиятни қирқ биринчи йилда партия қарори билан тасдиқланганидек Герингга эмас, балки унга, Борманга топширсин;

учинчидан, яқин кунлар мобайнида унга бош штаб бошлиғи Гудерианни ағдариб ташлаб, ўрнига русларга таниш бўлган генерал Кребсни ҳокимият тепасига олиб келиши лозим бўлади. Мюллер эса бу фикрнинг амалга ошиши учун ўзини яхши муҳофаза қиласидаган чор атрофини қўргонга айлантириб олиши керак. Шу боисдан уузоги билан индингача Гудериан билан Гелен ҳақида «тушкунликка берилган», «сўнгги ҳони қолгунча фюрерга садоқатли», «миллатнинг буюк руҳиятига ишонч ҳиссидан маҳрум» каби шармандасини чиқарувчи материалларни Борманга тайёрлаб бериши лозим; шунинг учун ҳам у агар ўзи Москвага хизмат қила бошлаган тақдирда унинг, Мюллернинг дахлсизлигига кафиллик берилиши ҳақидаги гап оғиздан чиқиб кетмаслиги керак, бу саволни Штирлицга беришга ҳақиқи йўқ эди; шу боисдан у Штирлиц номи билан аталмиш алоқа каналини ишга солиши, уни ўзи учун курашнинг ишончли омилига айлантириб, у орқали Москвани қўрқитиши, бу ўйин билан русларни бугун-эрта Фарб билан бир томонлама сулҳ тузилиши ҳақида ўйлашга мажбур қилиши керак; шунда яна етмишта дивизия Шарққа қайтиб Берлин остонасида жангга киришади, бу жангда ютиб чиқишади ва бу тўрт йиллик уруш билан тинкаси қуриган қизиллар учун шунақаям руҳий зарба бўладики, унинг оқибатини олдиндан айтиш жудаем қийин. Шелленберг ажойиб бир фикрни айтиб қолди: унинг агентураси қолдиқлари Кремль билан Фарб ўртасида жиддий ихтилоф пайдо бўлгани ҳақида Лондондан хабар беришибди; Лондондаги поляк ҳукумати даврасида унинг, Мюллернинг агенти бор, мунтазам алоқа ўрнатилган, бу алоқа Гаага ва Харьковдан ташиб кетилган Веласкеснинг бешта картинаси эвазига Мюллер одамлари томонидан сотиб олинган испан консулхонасининг ходими орқали амалга оширилмоқда; агентга мўлжалланган маълумот ўтган куни жўнатил-

ган, демак, бугун ёки эртага лондонлик полякларнинг Черчилл даврасидагиларни қистовга олишини кутиш мумкин; алоқа йўлларининг мустаҳкамлигига ишонч ҳосил қилмай туриб, ёппасига ҳужум қилиш қийин ва қалтис эди.

Ха, унинг, Мюллернинг штандартенфюерни чинданам сергак торттирадиган битта ҳам савол беришга ҳаққи йўқ – айниқса, Штирлицнинг барча телеграммаларини ўқиш мумкин бўлган ҳозирги пайтда бундай қилолмайди; унинг Марказидан олинаётган хабарлар ишқилиб ўзи ишлаётган код билан шифровка қилинадиган бўлсин, матнларни билиб олсак Москванинг кўрсатма ва сўровларини расшифровка қилиш ишлари анча енгил кўчади; бу ишни ким амалга ошираётганини – ЧКми ёки Қизил Армия разведкасими – мутлақо аҳамияти йўқ, иккаласининг вазифаси бир. У, Штирлиц, бу ўйинда бебаҳо шахс, унинг қадрига етиш керак; битта нотўғри қадам ташланса – унинг, Мюллернинг ҳаёти қаттиқ зарбага учрайди...

– Хўш, қани айтинг-чи, менинг соддадил ва муло-йим Гансимни алдаш сизга нима учун керак бўлиб қолди? Унинг серғаш сезгирилигини гафлатда қолдирб нимага эришдингиз?

– Менга тешик орқали тикилиб туришса дуруст яшолмайман, группенфюер... Ўйлаган гапимни айттолмай қоламан, бемаъни ишларни қилиб қўяман; мени доим кутиб туришса ожиз бўлиб қоламан; agar Дагмар Фрайтаг билан ишни бошлаб, сизнинг Гансингиз машинада ўтирганини билиб қолганимда, мен ҳеч нима қилолмаган бўлардим...

– Уни ҳам аёлникига таклиф этсангиз бўларди... Нима, уникуда бошқа хона йўқмиди?

Штирлиц кулиб қўйди:

– Унда мен ишлолмаган бўлардим...

– Ўзи қанаقا аёл экан?

– Уни ҳечам кўрмаганмидингиз?

– Суратига қараганда жудаям ёқимли, – ёлғон аралаш жавоб қилди Мюллер. Штириц бу жавобнинг ниҳоятда тўғри эканига дарров тан берди.

– Ҳаётда бундан ҳам яхшироқ, – деди Штириц унинг бу аёлни билиши ёки билмаслиги ҳақида Мюллердан бир хилдаги жавоб олиш лозим эмаслигини ҳис этиб; аёл унга Мюллерни таърифлаб берганди, Мюллер эса Штирицга у билан иш бошлаганини айтганди, демак аёлдан ким унга Швецияда ишлашга оқ йўл тилаганини bemalol суриштириб билиши мумкин; гоҳида ҳақиқатдан қочиш керак, чунки билимдонликни ортиқча исботлаш ишга фақат халақит беради.

– Уни Швецияга қачон жўнатасиз?

– Эртагаёқ жўнатиш мумкин.

– Операциянинг манфаати учун уни пул билан таъминланг... унинг делосини ўқиб, машина ҳайдашини билиб олганман... Швецияда машина сотиб олсин ва сиз билан учрашгани Копенгаген ёки Фленсбургга ўшанда борсин. Учрашувни Фленсбургда тайинласангиз яхши бўларди, ўша ерда менинг хонам билан тўғри алоқа бор, данияликларга ишонмайман, ҳозир у ерда британлар ишни авж олдириб юборишган, улар эса техникада пихини ёрганлардан, яна бирор жойда овоз ёзиш аппаратини ўрнатиб қўйишлари мумкин... Агар Черчиллга хабар қилишса майли эди, субординация¹, яъни капралдан лейтенантга етказиш қоидаси сақланган бўларди; лекин ҳар бир лейтенант капитан бўлишни орзу қиласди, у бу хабарни зарур одамга эмас, балки аллақандай майорга етказади – шу билан қилган тоат-ибодатимиз бир пул бўлади.

Мюллер Штирицнинг эътиroz билдиришини кутганди, эътиroz билдиришига асос ҳам бор эди: паромдан то Стокгольмгача бўлган мураккаб йўлдан

¹ Субординация – кичик унвонлиларнинг катта унвонлиларга бўйсуниш қоидаси.

олти юз километр юриш кишига оғирлик қиласы; Штирлиц эса моҳир ҳайдовчи, у машинани ўзиники қилиб олган, бир кеча-кундузда бориб қайтиши мүмкін. Бироқ Штирлиц эътиroz билдиrmади, аксінча:

– Сиз мени ҳафтада икки марта Швеция бўйлаб сандироқлаб юришга мажбур қиласиз, деб қўрқсандим, – деди. – Куч-кувватдан қоляпман.

– Сиз бўлсангиз, менинг қадримга етишмади дейсиз... Сизни ниҳоятда қадрлайман, майли, швед немиси ёки аниқроги немис шведи машинада юраверсин, бутун йўл бўйлаб ресторанлар очилган, мазали гўшт билан боқадиган ва рус қирувчи самолётлари хужумидан қўрқиб зовурларда яширинишининг ҳожати бўлмаган мамлакат бўйлаб сайр қилиш нақадар гаштли... Аммо ўзингизнинг яхудийингиз билан Швецияга икки марта боришингизга тўғри келади, у билан алоқа қилишни бошқа ҳеч кимга топширолмайман, на мен ва на Шелленберг, ўзингиз тушунсангиз керак... Эътиroz билдиrmанг, у ерга бориш анчагина яқин, Дагмарга Базелда учрашувни тайинланг... Хўш, филармониядан қайтишимизда қилган суҳбатимиз хусусида менга нималар дея оласиз?

– Менимча, сизнинг саволларингизга жавоб беришнинг иложи йўқ, – деди Штирлиц.

– Нега?

– Чунки Шелленберг сизга нисбатан мунофиқлик қиляпти. У бошқача иш юритяпти, бунинг нозик томонлари сизга маълум эмас. У Гиммлернинг арзандаси, у сизни четлаб ўтиши мүмкін. Аммо унинг топшириқларини бажариш билан бирга, биз Шелленбергнинг сиридан огоҳ бўлиш имкониятини қўлга киритамиз. У мендан ифвогар сифатида фойдаланмоқчига ўхшайди; ОСС мерганларига ҳам, НКВД овчиларига ҳам мени нишон қилиб беряпти... Агар Дагмар билан Рубенау менинг дўстларим қаторига кириб, моҳирона

иш олиб боришка, менимча, күп нарса ойдинлашарди... Сиз ҳақ гапни айтдингиз, бу шармандаликлар ҳақида Шелленбергга берадиган саволим унинг хонасида бемаъни ҳалокат маъносини билдиради. Агар ҳалок бўлиш пешонамда бор экан, ҳеч бўлмагандан нима мақсадда ўлаётганимни билишим керак....

– Яшаш мақсадида, – деб тўнғиллади Мюллер, – Шундай экан, иккала йўналишдаги одамни: бояги швед аёлинни ҳам, Швейцариядаги Рубенауни ҳам пишитаверинг. У ердаги пасторингизни ҳам жалб этинг. Нимагадир менга айни Швейцарияда бу ишнинг сирини очишга яқинлашиб қоладигандек туюляпти...

«У мени энди Швейцарияга юбормаслигига имоним комил эди, – ўзича ўйлади Штирлиц. – Балки ваҳима қилаётгандирман? Агар у мендан шубҳаланганда, Швейцария ҳақида ҳеч қандай гап бўлмаслиги лозим эди, нима фарқи бор: Швециями ёки Швейцариями? Айтгандек, Швециядан уйга яқин бўлади – Финляндия орқали ўтилса бас, у ёғи ўзимизникилар. Хўш, нима бўпти? Женевадан Парижгача эса беш соатли йўл... Уф, миям айниб қолаётганга ўхшайди! Ахир Стокгольм билан Бернда рус элчихоналари бор-ку!»

Мюллер соатига қараб ўрнидан турди-да, аквариум ёнига борди:

– Балиқлар одамларга қараганда анча пухтароқ бўлишади, Штирлиц. Мен аслида полициячи эмас, балки ихтиолог бўлишим керак эди... Университетда мени ўқитиш учун ота-онамда маблағ бўлганида олим бўлиб етишардим... Хўш, Рубенау сизга ёқдими?

– У билан олиб борган ишимни эшитгандирсиз?

Мюллер балиқларга озиқ ташлади-да, ажиб ола кўзини шўх ўйнатган ҳолда майин кулиб жавоб берди:

– Ҳали ултурганим йўқ. Кеча биз Зеел тепалигига бир батальон болаларимизни жўнатдик, шу сабабли барча тармоқларимиз ўн беш дақиқача секинроқ

ишлияпти. Ҳозир олиб келишса керак... Аммо ўзингиз гапириб бераверинг, сиз моҳирона ишлайсиз, рус радиист аёли билан қилган суҳбатингизни диққат билан ўрганиб чиқдим, қойил!

- Маҳбуслар билан ишлайдиган ҳамманинг суҳбатини ёзиб оласизми?

- Йўғ-е... Айримларини... Танлаб...

- Кимларнинг орасидан танлаб оласиз?

- Энг ақллилар орасидан, Штирлиц... Ўша яхудийнгиз Швейцарияга қочиб кетса-я?

- Биз унинг хотини билан болаларини тутиб турибмиз, ҳеч қаёққа қочолмайди. Одамларингиз Вильгельмштрасседан болаларнинг жўнаб кетишига берилган шаҳодатномани қайтариб олиб, хотинига янги паспорт тайёрлаб беришсин...

- Уларни қўйиб юбормоқчимисиз?

- Унинг менга ишонишини истайман. Унга оиласини ишимизнинг бажарилиш босқичига қараб алоҳида-алоҳида жўнатишга ваъда бердим.

- Агар у Бернда руслар ҳузурига бориб, бошидан кечирганларини гапириб бериб, уларга хизматини таклиф қилса ва оиласини қутқаришга ёрдам беришни сўраса-чи?

- Хўш, унга қандай ёрдам бера олишади? Сизга хат ёзишадими? Рейхсминистр Риббентропга баёнот йўллашадими?

Мюллэр кулиб қўйди:

- Сиз у билан ишлашни камерада давом эттирасизми? Ёки маҳфий квартирани афзал кўрасизми?

- Бунақангি квартирани, бунинг устига яхшигина боқадиганини ҳозир топиш амримаҳол бўлса керак.

- Гестапо-Мюллernerни камситаверманг, дўстим. Бу ерга истилочилар бостириб кирганидан кейин ҳам менда мутлақо ишончли бўлган камида ўнтача унгур сақланиб қолади... Нега энди менинг кўрсатмамни су-

риштирияпсиз? Билганингизни қилинг, сизнинг илонга хос муғамбирона ишингизда маслаҳат беролмайман, ўзингиз бўғма илон каби ҳалқачалардан иборатсиз...

– Чамамда, бир неча кундан кейин уни чегарадан, олиб ўтсам керак... Ўйлашимча, дарров Швейцарияга боришимнинг ҳожати йўқ, икки кунда у алоқаларни йўлга қўяди, иттифоқчилар билан яхудий руҳонийларига, Музига йўлиқади, сўраб-суриштиришни амалга оширади...

– Мен эсам сиз дастлабки кунлари у билан бирга бўлишингиз шарт, деб ҳисоблайман. Албатта, Шелленберг билан гаплашиб кўринг, лекин менинг фикримни билмоқчи бўлсангиз – марҳамат: уни ёлгиз юбориб бўлмайди, Эйхман Будапештга бирга олиб кетганда ундан ҳечам кўзини узмаган.

Шелленберг елка қисиб деди:

– Мен уни ёлгиз ташлаб қўймаган бўлардим... Дастлабки соатларда одам ўзини бошқара олмайдиган ҳолат юзага келиб қолади... у бизда узоқ ўтириб қолган, агар америкаликлар ёки – энг даҳшатлиси – руслар ҳузурига борсами, ҳаммаси Москвага аён бўлади, бизнинг сўнгги умидимиз пучга чиқади.

(Мюллер Шелленбергга бор ҳақиқатнинг юздан бир қисминигина айтганди; у Швейцарияда Штирлиц ноирқ миллатига мансуб одамлар билан ғалати алоқа қилганини айтди; бошқа ҳеч нима демади, ҳаддан ташқари ёш, ҳиссиётини бошқаролмайди, кўрқиб кетади, юраксиз, чунки хонасидаги столга учта фотоаппарат, овоз ёзиб олувчи аппарат ва ташриф буюрувчи олиб келиши мумкин бўлган динамитни¹ сезувчи маҳсус аппаратдан ташқари яна иккита пулемёт ўрнатилган. Мюллер ўз даврасидаги барча кишилар билан, шу жумладан, Шелленберг билан ҳам ўйин қи-

¹ Динамит – кучли портловчи модда.

ларди. У Шелленбергнинг Farb билан олиб бораётган музокараларидан Москва мунтазам хабардор бўлиб туришини таъминлаш ўзининг асосий вазифаси экани ҳақида бригаден-фюрерга, албатта, лом-мим демади; Борманни шерикчиликка олиб ўзи амалга ошираётган найрангнинг асоси худди мана шундан иборат эди. У аксинча, Борман уни, Мюллерни ўзи шерикчиликка олган ҳисоблаб, эндиликда улар бирга ишлашаётганидан гўё у, Мюллер ўзини баҳтиёр ҳис этажиганига Шелленберг ҳам ишонганини англарди. «Вой, тентаг-э, ахир мен сени лақиллатяпман-ку, сен ўйин столимда яширин белги қўйилган қарта қўлига тутқазилган ландовур ўйинчи бўлиб ўтирибсан-да. Кўнглингдагини айтавер, Шелленберг. Майли. Олавер. Мюнхенда жиной полициянинг баҳтиёр ва беташвиш инспектори бўлиб ишлаган пайтимда бандитлар орасидаги мижозларим айтганидек, жўжани кузда санашади. Борман ҳиммат кўрсатди – у менга банкларнинг еттита ҳисоб рақамини берди, менинг яна бошқа йўллар билан очилган ҳисоб рақамларим бор; ҳозирча қуён бўлиш мумкин; сотқинни, яъни мени излаб топиш мақсадида Гиммлер фронтдан бутун бошли дивизияни ажратиб олади, унинг фронт билан иши бўлмайди, мени қайтарса бас, чунки мен ҳамма гапдан хабардорман; шуниси ҳам борки, ўзимизниklар мен ҳақимда барча маълумотларни иттифоқчиларга ва бетарафларга йўллаб мени сотишади; «У қочиб кетди-ю, мен ҳалок бўлишим керакми?» қабилида иш тутишади. Бу оламни қоп-қора, кичкина, чақиб оловчи ҳасад бошқаради. Йўқ тартибот, мутаассиблик ва қўрқув асосига қурилган давлат тузуми бутунлай вайрон қиласиган артиллерия отишмаси пайтидагина изсиз йўқолиш мумкин»).

– Фрайтаг билан ким алоқада бўлади? Мюллернинг айтишича, мен у билан Копенгагенда алоқа қиласканман... Ёки Фленсбургда...

– У жўнаб кетишга тайёрми?

– Ҳа.

– Беш-олти кундан кейин уни Фленсбургда кутишингиз ҳақида келишиб олинг... Одатдаги маълумотлар элчихонамиздан узатилгани маъқул. Элчихонада давлат миқёсида университетлараро ахборот алмасиши ва ҳоказо каби сохта алоқа воситалари бор... Шуниси борки, у ерда ҳам ҳозир тартибсизлик ҳукмрон: ҳамма бизнинг ҳалокатимизни кутяпти, бутун дунё кутяпти, лекин кўпчилик бундан қўрқяпти, ишонаверинг. Шведлар унга халақит беришмайди... Бунинг устига Фрайтаг аллакимникига эмас, балки герман элчихонасига киради...

Штирлицни эшик олдига кузатиб бораркан, Шелленберг бир пайтлари бўлганидек, уни қўлтиқлаб олиб мулоимлик билан сўради:

– Агар Мюллер ўз одамини тўсатдан руслар ҳузурига юбориб, уларга менинг бошимни, рейхсфюрернинг, Кальтенбруннернинг ва ниҳоят сизнинг бўйнингизни ваъда қилса, сизнинг-ча, у билан алоқа қилишармикан?

– Ўйлашимча, йўқ, – дарров жавоб берди Штирлиц гёё ўзича фикр юритаётгандек ҳеч тутилмай. – Руслар ундан кўра сизни афзал кўрган бўлишарди.

– Буни биламан. Лекин у ёқقا ҳеч кимни юбормайман, мен – европаликман, Мюллер эса бавар қишлоғидан чиқсан, эшлишишмча, онаси пруссиялик, у буни яширяпти, чунки пруссакларнинг ҳаммаси нимаси биландир бир оз русларга ўхшаб кетади... Демак, Мюллер ҳозирча орқадан зарба бермайди, деб ўйлајпсиз, шундайми?

Штирлиц елкасини қисиб деди:

– Ким билади дейсиз... Менимча, бунақа қилмайди... Сиз ўтган сафар менга, агар Эйхман танлаган номзод Швейцарияда бизни сотиб қўйса, пешонамдан

ўқ узаман, дейишимни сўраган эдингиз. Шундан кейин сиз бўлажак ишнинг моҳиятини менга тушунтириб беришга ваъда берувдингиз... Мен Рубенау учун кафиллик бераман, дейишга тайёрман.

– Мен яхудийлар қартасини бир қатор қилиб теришига уриниб кўрмоқчиман, Штирлиц... Мен концлагерларимиздаги яхудийлар билан савдо қилиш, бунинг эвазига эса сиз билан менга кафолат беришларини ва Farbdagi немислар учун тинчликни талаб этмоқчиман. Бироқ мен Мюллер билан яраш аҳдини тузган бўлишимга қарамай, Кальтенброннер ёки Борман бизга қарши навбатдаги курашни бошлаб юбормаслиги учун улар олдига бажарилиши осон бўлган: фақат руҳонийлар эмас, балки барча яхудийлар сотиб олиниши лозимлиги ҳақидаги иккинчи шартни қўяман. Бунинг қиймати моторларнинг от кучи ва ёнилғи миқдори билан ўлчанади; қисқаси, мен армияга машиналар бераман, биз фронтга кўмаклашамиз, кўзланган мақсад сарф қилинган харажатни қоплади, ватанпарварлик ниқоби Берндагидан кўра анча ишончли бўлиши лозим... Ҳозир биргина қўрқадиганим – бу, Москва; фақат Кремлгина, агар у яна иттифоқчиларни сиқувга олса, ишимизни барбод қилиши мумкин...

– Сизнинг-ча, бари бир сиқувга олишганми?

– Яна қандай дeng, – жавоб берди Шелленберг. – Лондондан олинган маълумот қалбаки эмас, балки энг ишончлиси. Майли, энди сиз ҳаммасини билиб олдингиз. Рубенау билан иш олиб борганингиздан кейин сиз Швейцариядан собиқ президент Музи шураларда мен билан тезда учрашишга тайёрги ҳақида юборадиган хабарингизни кутаман. Бу – биринчиси. Фрайтаг амалга оширган ишдан кейин сиз Бернадот Стокгольмдан фалон пайтда рейхга жўнаб кетишига тайёр, деб хабар қиласиз. Бу – иккинчиси. Тамом. Муваффақият тилайман.

– Тилагингиз учун раҳмат, аммо бу тамом деган гап эмас, бригаден-фюрер. Рубенау собиқ президент Музи билан ким орқали гаплашади? Нима, унга қўнғироқ қилиб, хайрли кеч, жаноби собиқ президент, сиз билан Вальтер Рубенау гаплашяпти, менда қонхўр нацистлар чангалидан яҳудийларни озод қилиш фояси бор, бунинг эвазига менга бензин билан икки юзта яхши юк машинасидан берасиз, дейдими?

Шелленберг бир пайтлари бўлганидек хандон отиб кулди.

– Менга қаранг, Штирлиц, жудаям қизиқсиз-да, сиз шунақаям ҳазил қиласизки, қотиб-қотиб кулишдан ўзга чора қолмайди... Сиздан миннатдорман, азизим, мен гёё Карлсбадда углерод ваннасига тушиб чиққандек бўлдим... Албатта, йўқ. Рубенаунинг Музига қўнғироқ қилиши шарт эмас, уни улашмайди ҳам; «собиқ» қўшимчаси ҳеч нимани билдирмайди, муҳими «президент» сўзининг мазмунида; Музида ҳозиргача давлат статуси сақланиб қолган, швейцарлар ўз уюшмаларини бошқарганларни ҳурмат қилишади. Музига сиз билан менинг агентим Шлаг қўнғироқ қиласиди, СС яшиллари ва сиёсий разведканинг бемаъни кучлари билан алоқа ўрнатган яширин ҳаракат вакилини қабул қилишини сўрайди; баҳтиқароларни қутқариб қолишнинг иложи бор; бунгача Рубенау руҳоний Монтрё ҳузурида бўлиб, унга одамларни қутқариб қолиш учун қанча маблағ талаб этилишини айтади. Аввалига, у унчалик йирик бўлмаган суммани – беш миллион чамаси франкни сўрайди. Бироқ руҳоний буни рад этади. Ўйлашимча, тутқунларнинг маълум бир сара қисмини озод этишни шарт қилиб икки миллионга рози бўлади. Менимча, у яҳудий миллатига мансуб бўлган файласуф, иқтисодчи, тарихчиларни озод этишдан манфаат кўрмайди – руҳонийлар рақобатчиларни сиқтиришмайди, бунинг устига

яҳудийларнинг кўпчилиги фанда марксизмга мойил бўлишяпти... Ўйлашимча, руҳоният яҳудий донишмандларини бўғиб ташлашимиздан кўпроқ манфаатдорга ўхшайди, улар билан кўп овора бўлишга тўғри келади-да. Марксни ким ҳаммадан кўра яхши тушунганини биласизми? Билмайсиз. Бисмарк. Дагмар масаласига келганда...

Штирлиц сўзни бўлди: Шелленберг ич-ичидан енгилганини, унга ҳозир tengлик лозимлигини, бунда, ўзига келажакка бирорта умид уйгонишини нақадар истаётганини фаҳмлаб қолди.

– Дагмар сизнинг одамингизми? Ё Мюллерникими?

– У сизнинг одамингиз, Штирлиц. Ўзингизни ҳақиқатпараст қилиб кўрсатишингизга ҳожат йўқ. Ҳаммаси жазава тўлғогида. Ҳақиқатпарварлар кўпинча эзилган халқлар орасида пайдо бўлади. Озод кишилар ҳақиқатни излашмайди, лекин ҳар бири: шахс – борлиқнинг олий ҳақиқати, деб даъво қилди.

– Баракалла! Баланд руҳ билан айтилган фикрни руслардан мусодара қилиб олинган ёзув машинкасида кўчириб, фюрерга юборинг!

– Ақлдан оздингизми? – жиддий тус олиб сўради Шелленберг.

– Менда Шлагнинг рапорти бор, – Штирлиц чўнтағидан бир варақ қофоз олди, – нусха кўчириб олганим йўқ... Бу Вольф билан Даллес суҳбатининг стенограммаси... Ўзингиз ҳақингизда: «Шелленберг идрокли бўлатуриб, фюрердан нафратланади...» деган жумлани ўқиб кўринг... Хўш, Дагмар ҳақида менга нима демоқчи эдингиз?

МЕН НИМА ҚИЛАМАН? МЕН ФАРБДАГИЛАР БИЛАН АЛОҚАДА БҮЛИШИМ КЕРАК!

Кальтенбруннер Борманнинг ҳузуридан чиқиб, ҳатто империя хавфсизлиги бошқармасига ҳам кирмай, түгри Флоссбург концлагерига йўл олди: рейхслейтер унга топширган вазифа шуни тақозо этардн.

...Борман Кальтенбруннерни бункерда¹ қабул қилиб, ўзининг адъютантига буфетдан Бразилияning янчилмаган яшил мағзидан қайнатиб пиширилган хуштаъм қаҳва, Берхтесгадендан келтирилган ҳақиқий бовар араги ҳисобланувчи севимли «айнциан»дан бир шишиасини, лимон ва туз солиб қовурилган бодом олиб келишни буюрди; қадаҳларни олча ва олмадан тайёрланган хушбўй ичимлик билан тўлдирди-да, ўзининг ҳомийси билан уриштириб ичди. Сўнгра:

– Қандай ишни бажаришингиз лозимлигини биласизми, қария? – деб сўради.

– Нима иш қилишимни билмайман-у рейхслейтер, аммо агар қўлимдан келса, албатта бажараман.

Борман жилмайиб қўйди:

– Топшириқнинг жозибаси ҳам шундаки, уни бажаришга кучингиз етмайди... Концлагерга бориб адмирал Канарисга қўйидагиларни айтиш керак: «Ор-номус ва виждонини йўқотган СС хиёнатчиларидан айримлари сизнинг британиялик дўстларингиз билан келишиб, уларга яхудий миллатига мансуб бўлган бадавлат яхудийларни сотишга, бунинг эвазига улардан ўзлари дахлсиз қолишларига кафолат олишга уринмоқдалар. Хиёнатчилар шу мақсадда фюрерга бўйсунмасликка ва ССнинг содиқ кишиларига барча яхудийларни йўқ қилиш, излари қолмаслиги учун жасадларига бензин сепиб ёқиб юборишга

¹ Бункер – ер остидаги маҳсус хона.

имкон бермасликка ҳаракат қылмоқдалар. Афтидан, хиёнатчилар нимагадир эришмоқдалар ва яхудийларнинг маълум қисмини Швеция ва Швейцарияга олиб кетишлари мумкин, чунки бетараф мамлакатларда музокаралар бошлаб юборилди. Шундай қилиб сиз, адмирал, яқин келажакда ҳеч кимга зарур бўлмай қоласиз. Сизнинг гуноҳингиз исботланган, фақат менинг, Эрнст Кальтенброннернинг шарофати билан – ҳа, ҳа, худди шундай дейсиз, қария, сиз шу кунгача бўйингизни қирқиб юборувчи ингичка симга – роял торига осилмадингиз. Шу боисдан сизга ваъда бериб айтаманки, агар менга Испаниядаги, араб дунёсидағи, Англиядаги, Лотин Америкасидаги – айниқса Лотин Америкасидаги барча таянч пунктларингиз ҳақидаги маълумотларни ёзиб беришга рози бўлмасангиз, мана шу концлагерь қатл этилганингиздан кейин сиз билан бирга еттинчи камерада ўтириб, менга бўлаҗак Германияни тиклаш лойиҳасини ёзаётган йўлбошчингиз Гардлер билан бирга СС яшилларининг танклари остида вайрон этилади. Ўша мамлакатларда сизга тегишли тўққизта йирик банк ва нефть уюшмаси тузилгани бизга маълум. Биз сиздан фақат банк ҳисоб рақамлари ва маблағидан фойдаланиш учун паролнигина эмас, балки энг асосийси, келажакда сиз учун ҳам, мен учун ҳам ишни давом эттириши мумкин бўлган ходимларингизнинг исмларини ҳам билишни истаймиз. Обрў масаласи ишбилармонлар оламида энг асосий масала; ўзингиз биласиз, менда пул бор, кўп пул бор, аммо менга жамғармамизни тезда ишга соладиган, уни фақат банкларнинг темир сандиқларида сақлабгина қолмай, очиқ ҳисоб рақам бўлишини таъминлайдиган обрўли бизнесменлар керак. Ё сиз менга шундай одамларнинг номини ёзиб берасизу мен бу лагердан бошқа хавфсизроқ жойга кўчирилишингизни амалга ошираман, ё сизнинг ҳаётингизни сақлаб қолиш учун курашни тўхтатаман». Вазифа-

ни тушуняпсизми, қария? Унинг ҳар мақомга тушиб жонсарак бўлишини кўз олдингизга келтирияпсизми?

– Буни тушуниб турибман, рейхслейтер... Менинг зиммамга амалий жиҳатдан бажариб бўлмайдиган вазифа қўяётганингизни ҳам тушуниб турибман... Сиз бу бефойда сухбатни, бари бир, мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайсизми?

Борман яна бир қадаҳ ичди-да, жавоб берди:

– Қадимгилардан қай бири: «Бутун Париж ибодатхона бўлса арзийди», деб таъкидлаганди. Сиз ҳуқуқшуноссиз, ёдингизда бўлиши керак...

– Хўш, биринчидан, бу иборани Генрих IVга нисбат беришади, лекин француз бунақангига қўйма жумлани айтиши мумкин эмас, деб ўйлайман, бундай ҳикматни қадимги рим донишмандлари бисотидан излаш керак...

– Ана, излайверинг... Сухбатнинг якунидаги унинг жигини эзинг: «Шелленберг менга у-бу нарсаларни айтиб берди», – деб холосаланг, ҳамма гаплардан, ҳатто хушрўй йигит кекса адмирални турмага олиб кетаётган пайтдаги яккама-якка сухбатлашганидан ҳам хабардор эканингизга шама қилинг. Ўшанда адмирал унга бирорта номни айтган бўлиши мумкин, шундай эмасми?! – охиригача ҳаммасини айтиб беради, унинг нега шунача қилаётганини, бошқача иш тутмаётганини ўзингиз тушуниб турибсиз. «Ўз шогирдингизга алданиб рихлатга сафар этишингиз шартмикан?» дeng. Сизга айтишни лозим топғанларим мана шулар. Хайль Гитлер!

Кальтенбруннер Канарис кириб келганда ўрнидан турди-да, табассум билан қўл узатди; Канарис бир нимани излагандек ва шу билан бирга ҳадиксирагандек обергруппенфюрернинг кўзларига тикилганча у билан кўришди; империя хавфсизлиги бошқармасининг бошлиги адмиралнинг озиб кетганини, чаккаси ва қулоқларининг атрофидағи териси сарғимтил тус олганини сезди.

– Сайр қылгани ҳали ҳам рухсат беришмадими? – қизиқсинаш сүради Кальтенбруннер.

– Афсуски, шундай, – жавоб берди Канарис. – Болшымга тушган азоб-уқубатнинг энг мушкуллиги шу бўляпти; икки соатлик сайр қилишдан маҳрум бўлиб, тобора мазам қочяпти...

– Икки соатлик сайр қилишга сизнинг британиялик дўстларингиз имкон бермаяпти, – деди хўрсиниб Кальтенбруннер. – Черчилл бандитларининг ҳаво ҳужуми қирғин тусини оляпти, улар бу лагерга ва унда истиқомат қилаётганлар бошига бомба ёғдирилиб қолмасин, деб чўчияпмиз ва шу сабабли сизни бункерда сақлашяпти, лекин сизни ҳозир қирқ дақиқача ўрмон ҳавосидан нафас олиб келишга таклиф этишим мумкин. Ҳамроҳ бўласизми?

Лекин адмирални ўрмонга олиб кетишдан аввал Кальтенбруннер РСХАнинг ҳозирги шефи билан Германия армия разведкасининг собиқ раҳбари орасидаги дўстона муносабатдан тутқунлар огоҳ бўлиши учун унинг қўлтиғидан олиб майдондан ўтиб борди.

Ўрмонда чиринди ҳиди димоқча уриларди, қор энди қолмаган; барглар шунақаям нозик эдики, немислар кўп вақтини бомбапаналарда ўтказганлари учун ер остида қолиб кетгандек туюларди; куртаклар бу йил бошқачароқ кўринарди, бўртиб-бўртиб турарди; ўрмонда одам товуши эшитилмагани учун ҳам эманлар аллақандай хаёлий, ичи бўм-бўшдек, шовуллаётгандек туюларди. (Илгари бу ерда мактабдан хоторларига қайтаётган болалар маза қилиб ўйнашарди); битта ҳам мотор ишламайди; (илгари бу ерда саралаш ишлари олиб бориларди, қуриб қолган дараҳтлар кесиб ташланарди) фақат ўрмон тўргайи худди калака қилаётгандек чинқирап ва аллақайси бутазордан уккининг ваҳимали овози эшитиларди.

– Марҳумга ку-куляяпти, – деди Кальтенбруннер. – Укки – бахтсизлик келтирадиган қуш.

– Бир йиллик қамоқдан кейин бу товуш менга баҳтиёрлик тимсоли каби туюляпти, – жавоб қилди Канарис. – Хўш, айтинг-чи, фронтларда нима гап? Бизга на газета, на варақа беришади...

– Ўзингиз нима деб ўйлайсиз? Сизнинг-ча, инглизлар билан америкаликлар қаерда туришибди? Руслар-чи?

– Русларни биз Одерда тўхтатиб қолдик, – ўйчаник билан деди Канарис, – ғарбдаги армиялар эса, афтидан жанубдан Берлин томон келишяпти.

– Шимолдан ҳам келишяпти, – жавоб берди Кальтенбруннер, – русларни эса ҳозирча Одерда тўхтатиб туришибди. Менинча, бу кўпга чўзилмаса керак.

– Фаҳмлашимча, менинг олдимга таклиф билан келгансиз. Хўш, таклифингиз нимадан иборат?

– Аксинча, мен сизнинг мулоҳазаларингизни эшишмоқчийдим, жаноби Канарис...

Канарис тўхтаб қолди, қўлларини бошига қўйиб кулиб юборди:

– Дорга осилувчининг олдига уни қатл этиши лозим бўлган одам келгануammo валломатлик удумига амал қиляпти-я! Мен «эллик икки раҳамли» маҳбус эмас, балки «жаноб» эмишман-а! Қадрдоним Кальтенбруннер, сиз билан сайд қилиб юрган шу дақиқаларда мендан ниманидир сўрамоқчи эканингизни тушуниб турибман, очиқасига айтаверинг, бир амаллаб келишиб олармиз...

Кальтенбруннер сигарет чекиб, гугурт чўпини қаерга ташлашни билмай атрофга аланглаганди – хутторлар ёнида қад ростлаган ўрмонда турли чиқинди, қоғоз қолдиқлари, бўш консерва банкалари ташланадиган ахлатдан қўйиларди, уни тополмай, бу ёмон аломат эканини билса ҳам, чўпни гугурт қутисига солиб қўйди – немис гоясига содиқ австриялик қоидани бузолмасди; тартиб, фақат тартибга риоя қилиш керак, тартибдан бошқа юксак нарса йўқ; Борман унга

айтишни лозим күрган гапларни шошилмай, деярли сўзма-сўз такрорлади.

Канарис гап қўшмай эшитар, бошини силкиб розилик билдиради, гоҳида қадамини тезлаштиради, гоҳида қоқкан қозиқдек тўхтаб қоларди.

– Мана шунаقا, – деди хulosалаб Кальтенбруннер, – Бор гап шу. Сиз бир қарорга келишингиз керак.

– Мен банкларимиздаги темир сандиқларни сизга очиб беришлари учун бир қатор исмларни, ҳисоб рақами ва паролларни, албатта, айтиб бераман-у, бироқ бу гап тезда ва сўёзиз қатл этилишим лозим, деган маънени билдиради-да, обергруппенфюрер. Мен, афсуски, сиз тарғиб этаётган ўйиннинг шартлари таъмагирлик, худбинликни кўзловчи ахлоқсизлик эканини биламан... Сизга исмларни айтаман-у, лекин, менга ишонаверинг, агар чинданам уддабуронлик қилмоқчи бўлсангиз, яқин келажакда ўз оиласизни қўриқлашингиз лозим бўлганидек, мени ҳам қўриқлашингизга тўғри келади. Аммо сиз ўзлигингиздан кечолмайсиз, ҳозирги аҳволингизнинг даҳшати ҳам шунда, навқирон дўстим.

– Сиз икки жиҳатдан ноҳақсиз, жаноби адмирал. Биринчиси: сизни йўқ қилсан, банкка парол билан борадиган одамларимизга панд бериб қўйган бўламан; сизнинг банкларингизда барча усуллар олдиндан келишиб қўйилган бўлиши мумкин. Иккинчиси: сизни йўқ қилсан, сизнинг мавқеингиз ҳаммага маълум бўлган Испаниядан айрилиб қоламан, Испания эса – Лотин Америкасида биз вақтинча жойлашиб олишимизга қулай бўлган макон ҳисобланади. Канарис бошини чайқаб деди:

– Мен билан ўтказадиган суҳбатингизни пишитиб олмабсиз, Эрнст. Сизга шунақанги бетакаллуф мурожаат қилаётганимга аччиқланманг.

– Менга ҳатто манзур бўляпти, жаноби адмирал...

– Кўряпсизми, қанчалик яхши... Шундай қилиб, сиз кимнингдир кўрсатмасига бўйсуниб бу ерга кел-

гансиз, ўз ҳолингизча менинг олдимга келишга юрагингиз дов бермаган бўларди, сизни етарли даражада яхши биламан, кейинги йилларда анча диққат билан сизни кузаттгандим. Тўғрироғи, сизни рейхслейтер юборган... Сиз ҳеч кимга панд бермайсиз, чунки ҳозирча Риббентроп ҳам чет эллардаги бизнинг элчихоналар билан радиоалоқага эга, армия ҳам Швейцария, Испания, Аргентина, Португалия, Швеция, Парагвай, Бразилия, Колумбия ва Чилидаги бизнинг ҳарбий атташеларимиз билан ўз шифри орқали алоқа қилиши мумкин. Сизнинг одамларингиз менинг паролим билан ўзингиз қадрламайдиган агентларни юборади. Лекин ўз қадрини биладиган разведка катта операция муваффақияти йўлида афсусланмай ўзини қурбон қилишга ҳам тайёр, шунача тоифадаги фидойилар ҳам бўлади... Демак, индинга ўзингиз фойдаланадиган ҳисобни оласиз ва менинг банкларимдаги қудратли контрагентларим билан – уларга очиқчасига ишлатиш учун ўз олтинларингизни таклиф этиб – алоқани йўлга қўясиз. Бу биринчиси – биз Испанияда коммунистларни қирган пайтимизда, кейин эса Черчилл генераллissимус Франконинг бемаъни шуҳратидан фойдаланиб ўзининг Пиренеяга қўшин тушириш foясини амалга оширмаслиги учун унга қарши усул ишлатганимизда бу ердаги алоқаларим жудаям кучли эди... Черчилл ўшандаёқ Европанинг жанубида нацистларга қарши курашни баҳона қилиб, ҳам Гибралтар масаласини, ҳам қизиққон басклар билан каталонияларнинг республика барпо этиш ҳақидаги хомхаёлларини узил-кесил ҳал қилган бўларди... Ҳозир вақт қўлдан кетди. Модомики, Рузвельт шиддаткор Уингни тўхтатиб қолган экан, демак, менинг имкониятларим сусайди деяверинг: сиёсатда фақат куч ишлатиладиган вақтгина қадрли бўлади. Ўйлашимча, партия аппаратининг Франко фалангчилари ва уларга ҳамдард ҳарбийлар ораси-

да мендан кўра мустаҳкамроқ таянчлари бор. Лотин Америкаси ва Узоқ Шарқ йўналишида сизларга зарур бўлишим ҳақида мени ишонтирадиган кафолат олсам, фойдам тегиб қолиши мумкин: бу бошқа масала.

– Қанақа кафолат керак?

– Ҳамкорликнинг дастлабки босқичида бўлганидек, сизни қизиқтирувчи нарсаларни ёзиб бераман, шартномани қойил қилиб расмийлаштириб оламиз, орқага қайтиш йўқ. Лондон энди мени тушунмай қолса ажабмас; агар сиз инглизларни шунақа тоифадаги ҳужжат билан таништирсангиз, қироллик маҳфий хизматининг олдида менинг обрўйим бир пул бўлади; сиз менинг ахборотимни Швейцарияга жўнатасиз, мен эса сизга Лотин Америкаси йўналишидаги ишларга оид материалларни тайёрлашга киришаман... Эрнст Рем лейтенант Страснер билан Боливияда иш бошлаганди, лекин Страснерни мен генерал қилганман ва фюрер дастхат ёзиб ҳадя қилган фотосуратини унга ўзим топширганман...

– Швейцария бундан мустасно... Агар келишиб олсак – маҳфий ҳамкорлигимиз ҳақидаги шартномани сизнинг британиялик дўстларингизга таништириш туфайли ўзимизни муҳофаза қилишга асло ҳаққимиз йўқ, чунки бу, сизнинг алоқаларингизни, сизнинг ўюшмангизни ва менинг одамларимни кўнгилли равишда Лондонга бериб қўйиш деган маънони англатган бўларди. Тўғриси, суҳбатлашишга мен эмас, балки сиз тайёр эмаслигингиз аён бўлиб қолди. Ё сиз менга ишонасиз-у ва биз келажак манфаатлари ҳақида ўйлашни бошлаймиз ёки сиз менга ишонмайсиз-у ва мен ўзимга тайинланган ишни қилишга мажбур бўламан. Ўйлаб кўришга – икки кун муҳлат, сизнинг олдингизга шанба шуни соат ўн иккida қайтиб келаман.

– Бугунги ишни эртага қўйишнинг ҳожати йўқ... Шунисиям борки, ярим соатдан бери сайр қилиб юрибмиз, бу жудаям роҳат бўляпти-да, менга яна ўн

дақиқа ҳадя этинг... Мен ҳозироқ ёзишни бошлашга тайёрман... Масалаларни ифодалаш, маълумотларни аён қилиш учун менга чамаси бир ой вақт керак бўлади...

– Жаноби адмирал, – жаҳл билан унинг сўзини бўлди Кальтенбруннер, – сизнинг ҳозирги аҳволингизда энг хавфлиси найранг ишлатиш. Ҳожати йўқ... Бир ой менга тўғри келмаслигини ўзингиз ҳам тушуниб турибсиз, билимингиз эвазига айни ўттиз кунни нега талаб қилаётганингиз иккаламизга ҳам маълум... Шундан кейин, сиз айтадиган арзимас гап учун бериладиган ярим соат масалани ҳал қилмайди. Икки кун – бу, яхши муҳлат, икки кун мобайнида нималар юз бермайди, дейсиз, ҳозир ҳар бир фурсат кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

– Эрнст, ўртамиздаги гапларни фюрер билиб қолса, сизнинг ҳолингиз нима кечаркин?

Кальтенбруннер истеҳзоли кулиб қўйди:

– Мени қўрқитяпсизми? Ваҳимага тушиб қолдим-а! Ўз қилмишим ҳақида рапорт ёзишга тайёрман! Жаноби адмирал, Британия маҳфий хизмати вакиллари билан учрашиб, фоят қалтис суҳбат ўтказган пайтингизда сизнинг душман билан учрашув зарурияти, «суҳбатнинг кутилмаган томонлари» бўлиши мумкинлиги ҳақида Кейтелга ёзган рапортингиз нусхаси менинг темир сандигимда сақланётган эди. Сиз – пиҳини ёрган айёrsиз, бунаقا ишларга устасиз, жаноби адмирал; сизни фақат Гелен эмас, балки, албатта, маълум даражада мен ҳам ўз устозим деб атайман...

Канарис жилмайиб қўйди:

– Бу хушомад... Азизим Эрнст, очигини айтинг: сиз Адольф Гитлернинг истеъдоди бу сафар ҳам Германияни инқироздан сақлаб қолишига чинданам ишонасизми? Шошилманг, сабр қилинг... Агар сиз худди шундай бўлишига ҳамон ишонсангиз, унда бундан

кейинги суҳбатимиз бефойда, лекин, агар сиз аниқ бу саволга ўзингиз жавоб беришга ахри аҳд қилсангиз, унда келажагингизда йўл танлаш олдида турган бўласиз... Менинг ахборотим, сиз айтганингиздек, билимим билан қизиқаётганингизда нималар ҳақида ўйлашингизни тушуниб турибман. Агар сиз ўзингиз бир йил аввал бостирган фитнага, фюрерни четлашибига, Гарбга мурожаат қилишга, ўзингиз билан ҳам-касабаларингиз давлат машинасининг асосий лавозимларида қолган ҳолда уни большевиклар галасига қарши туришига кафолат бериб, партияни тарқатиб юборишига жазм қилсангиз, миллатнинг халоскори бўлишингиз мумкин эди.

– Жаноби адмирал, сизнинг олдингизга сотқин сифатида эмас, балки сиёsatчи сифатида келдим...

– «Сотқин» сўзини «сафарбар эмпирик»¹ алмаштирангиз сизни исталган клубга қабул қилишади, азизим Эрнст, фюрернинг шахсиятини эндиликда миллатнинг келажаги билан ифодалаб бўлмайди...

Кальтенброннер қаттиқ хижолатда қолганини яшириш мақсадида соатига қараб қўйди: бундан икки кун аввал Гиммлернинг штаб квартирасидан қайтаётганда ўзи биринчи марта ваҳима билан қўрқа-писа ўйлаган фикрини ҳозир Канарис айтганди; шарқда тонг шафағи ловулламоқда; Болтиқ денгизи томонидан эсаётган рутубатли шамолга жўр бўлиб рейхсфюрернинг: «Немис энди ўзи ҳақида ўйлаётганда Германиянинг келажаги ҳақида фикр юритиши лозим, Эрнст...» деган даҳшатли сўzlари қулоқлари тагида жарангларди.

¹ Эмпирик – ҳиссий идрокни, тажрибани билишининг бирдан-бир манбаи деб тан олувчи фалсафий таълимот тарафдори.

БЕЧОРА, МУШТИПАР АЁЛЛАР... - II

- Йўқ, – деди Штириц Дагмарнинг гапларини эшишиб, – ҳаммаси бунақа эмас... Яраш аҳди тузиш билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар юз бериши мумкинлиги ҳақида Бернадотнинг дўстлари айтган сўзларга муносабатингиз тузук эмас, ташкил қилинганга ўхшайди жудаям... Сиз – аёлсиз, яъни – ҳиссиётнинг ўзгинасисиз. Сизнинг отангиз немис, бинобарин қалбингизнинг бир парчаси Германияга баҳшида этилган... Сиз миллатни ялпи қирғиндан қутқариб қолиш истагида ҳужум қилишингиз керак, сиз Бернадотни сусткашлиқда айблашингиз лозим, сиз бўлсангиз бу ҳақиқатга тортинчоқлик билан, ҳадиксираб ишора қиляпсиз. Ҳақиқатга эса ишора қилиб бўлмайди: ё уни нима бўлганда ҳам айтишади ё алдашади. Ё униси, ё буниси, бошқача бўлиши мумкин эмас.

Дагмар алам билан Штирицга тикилиб қолди, лабларида аллақандай ғалати табассум дам-бадам жилва қилди.

– Азизим, мен ҳақимда бунақанги ёмон фикрда бўлаверманг, – деди у. – Аёл киши жудаям ювош шогирд бўлади... Шу боисдан у эркакнинг хатти-ҳаракатини такрорлайди... Эримдан оғиз очишни истамайман, у бебаҳт, кичик бир одам эди, разведка соҳасидаги биринчи устозим эса... Мен унга тақлид қиласдим, тушуняпсизми? Ҳозиргача тақлид қиласман... Ёшлигимда гимнастика билан шуғуллангандим: тренерим мен учун бир худо эди; агар у деразадан сакрашни буюрса – ўзимни ташлаган бўлардим... Гуруҳимиздаги болалар бошқача эди, уларда гўдаклигидан бошлаб манфаатдорлик ҳиссиёти юзага келтирилган... Дафъатан, мана сиз, тренеримга ўхшаш росмана эркак пайдо бўлиб қолдингиз, сиз росттўй одамсиз.

– Ҳамма вақт эмас, – чўрт кесиб деди Штириц.

– Демак, ёлгон гапларингиз фоят ишонарли бўларкан... Яна сиз ҳазил-мутойибага устасиз... Суҳбатдошингизни тинглашниям ўрнига қўясиз... Насиҳатбозлик қилмайсиз... Аёллик назокатини намойиш этишимга имкон беряпсиз... кўряпсизми, мен сизга бамисоли бир мушукдек ўрганиб қолдим...

– Яхшиси гимнастнинг тренерига мутедек бўлиб қўяқолинг...

– Сизнингча бўлақолсин.

Штириц ўрнидан туриб, телефон ёнига келди-да, қўнғироқ қилишга ижозат сўраб, ўз рақамини терди:

– Салом, Ганс... Афтидан бугун ҳам боролмасам кепрак, шундай бўлгач, бир ўзингизга овқат пишираверинг...

– Қаердасиз? – сўради Ганс.

– Менга шунаقا савол беришга шефингиз рухсат этганми?

– Йўқ. Ўзимча сўрадим. Хавотир оляпман.

– Ажойиб йигитсиз-да, Ганс. Хавотир бўлманг, ҳаммаси жойида, мени уч автоматчи қўриқлаб туриби... Сизга эртага қўнғироқ қиласман; балки соат ўнларда бориб қоларман; илтимос, кулранг костюмимни дазмоллаб, иккита: бири – кулранг, иккинчиси – оқ кўйлагимни тайёрлаб қўйинг, галстукни танлаш ўз ихтиёрингизда. Илтимос, бурни узун қора туфлигимни мойлаб қўйинг.

Ганс ҳайрон бўлиб сўради:

– Узун бурун одамларда бўлади-ку... Ётоқхонангиздаги туфлиними?

– Яхши ўзлаштириб олибсиз, тўғри, туфли ўша ерда. Орасига пишлоқ билан балиқдан солиб бир неча бутерброд тайёрлаб қўйинг, кишини толиқтирувчи саёҳатга чиқмоқчиман.

– Қанча бутерброд тайёрлаб қўйишимни англолмай қолдим, жаноби Бользен...

«Сирим ана шунаقا очилиб қолади-да, – таъкидлаб қўйди ўзича Штирлиц. – Дабдурустдан. Буниси жуда ёмон. Немисга: «Бир нечта бутерброд» дейиш мумкин эмас. Йўқ, албатта, мумкин, аммо немис ёки соф немис бунаقا демайди. Мен унга: «Еттига бутерброд тайёрлаб қўйинг», дейишим керак эди, бу гап табий чиқарди. Энди, нега мен соф русча «бир нечта» деганимни Мюллер тушуниб олиши учун ҳийла ишлатмасам бўлмайди...»

– Ҳали шефингиз бир аёл билан жўнаб кетаётганимни сизга айтмадими? Наҳотки ҳисоблаб чиқиши қийин бўлса: кундузи иккита бутерброддан уч марта еймиз, олтига бўлади; бир ўзим қайтаман, демак, тунда бир марта, агар машинада тунаш иложи бўлса, йўлда бомбардимон қилишмаса, эрталаб яна бир марта овқатланаман – шундай экан, олтига тўртни қўшиш керак. Ўнта бўлади. Термосга қанча қаҳва қуишини биласизми? Фаросатингиз сал чатоқроқ бўлса, айтишим мумкин – олтига стакан.

Ганс бир оз сукут сақлаб турди-да, кейин хўрсиниб сўради:

– Йўлда мен нима ейман? Шеф сиз билан ҳамроҳингизни машинада олиб юришни менга буюрган...

– Демак, агар шефингиз ўз буйругини бекор қилмаса, ўн олтига бутерброд тайёрлаб, яна битта термос оласиз.

Штирлиц гўшакни қўйиб, приёмникни буради. Диктор сўнгги ахборотни ўқимоқда эди: «Бизнинг шавкатли танқчиларимиз шарқий истеҳкомнинг барча чизиги бўйлаб душманни улоқтириб ташлашди; Одердаги мустаҳкам истеҳкомлар – қонхўр большевиклар галаси урилиб мажақланадиган бўсағадир. Гарбий фронтда, Голландияда маҳаллий аҳамиятга молик жанглар бормоқда, инглиз-америкаликлар катта талафот кўрмоқдалар; шавкатли учувчиларимиз душманнинг тўқсон иккита самолётини уриб туширишди, ўттиз иккита танк

ёндириб юборилди ва учта ўқ-дори омбори портлатилди. Буюк фюрернинг нурафшон гояларидан илҳомланган шавкатли жангчиларимиз национал-социализм ва рейхга чексиз садоқат намуналарини намойиш қилмоқдалар! Батамом ҳолдан тойган душманнинг ашаддий қаршилик кўрсатишига қарамай, ғалаба онлари муқаррар равища яқинлашмоқда!»

Кейин диктор оперетталардан концерт эшиттирилишини эълон қилди. Пропаганда рейхсминистрининг ўринбосари Науманн¹ ҳаммадан кўра Вена опереттасини ёқтиарди, шу боисдан дастур тузувчилар радиодан кунда, гоҳида суткасига икки марта шунақсанги концерт эшиттиришарди. Национал-социализм идеологиясига масъул бўлган Розенберг билан Геббелльснинг қарорига биноан рейхда америка жазлари, француз шансонъерлари ва рус романслари тақиқланганидан бери; Розенберг қадимги герман анъаналарини тиклаш ва сақлаш НСДАПнинг асосий вазифаси эканини эълон қилганидан бери; чет элларда тикилган костюм кийган одамга фюрер ишининг хиёнатчиси сифатида қаралаётганидан бери; «қон ва тупроқ» қоидаси фуқаронинг садоқатини текширадиган аллақандай тамал тошига айланганидан бери; газеталарда фақат биргина герман руҳининг улуғворлигини исботловчи ва Америка, Россия, Франция, Англия маданияти ноинсонларнинг иккинчи дараҷали оғзаки ёки мусиқавий машқидан бошқа нарса эмаслигини даъво қилувчи материалларгина берила бошлаганидан бери эфирни эшиттиришлар билан тўлдириш борган сайин оғирлашди. Глинка, Рахманинов, Римский-Корсаков ва Прокофьев ваҳшийлар мусиқасининг ифодаловчиларига чиқарилди; Равель билан Дебюсси – оҳангдорликнинг қабиҳ зўравонла-

¹ Науманн – ҳозир ГФРда очиқ неонацистлар ҳаракати пешволаридан бири.

рига айлантирилди (Геббелъс зўр қийинчилик билан Бизе операларидан арияларни эшиттиришга муваффақ бўлди; кунларнинг бирида композиторнинг гирт яхудий эмаслигини, ундаги ярамас қон отасидан ўтганини, «даҳонинг онаси француз бўлиб, композитор туғилганига қадар немис билан дон олишиб юргани ҳақида маълумот борлиги» ҳақида фюрер айтган сўзларни далил қилиб кўрсатганди); жазнинг «силтаниши» олий ирқилар учун эмас, балки «қора танлилар эрмаги» деб, Гленн Мюллер билан Гершвин эса умуман ифлос яхудийлар деб эълон қилинди. Моцартнинг операларини, Бетховен билан Вагнернинг симфонияларини сақлаб қолишиди. Бир кеча-кундуз тўрт соат партия, армия, «гитлерюгенд» ва немис қизларининг «Эътиқод ва гўзаллик» уюшмасининг қўшиқларига ажратилди. Албатта, Науманн севган оперетталар ҳам (бироқ бу ўринда ҳам мушкулот бор эди: Оффенбах – ноирқ. Кальман – бундан ҳам баттар, Легар эса – чалазот) эшиттириларди. Кейинги ойларда, деярли сурункали бомбардимонлар бошлангач, карточка билан бериладиган кундалик озиқ-овқат ўлчами ниҳоятда камайиб кетгач, Геббелъс идеология масалалари бўйича мутахассисларга мусиқа департаментида ўттизинчи йилларнинг бошлари даги немис жаз композиторларининг куйларини эшитиб кўришни буюрди. «Майли, одамларни ҳеч бўлмаса шўх куйлар қувонтиурсин, – деди рейхсминистр, – кўнгилочар дастурни муңтазам эшиттириб боринг, кўпроқ испан ашулаларидан эшиттиринг, буларнинг мулоҳазаси йўқ; Швеция ва Швецариянинг шўх қўшиқларини, ҳатто жаз куйларини ҳам эшиттириш мумкин; диктор олдиндан буни олижаноб қўшниларимизнинг куйлари, деб эълон қиласа бас...»

– Веналикларни яхши кўрасизми? – сўради Штирлицнинг ёнига сездирмай келиб олган Дагмар. Штирлиц чап қулогининг ёнгинасида унинг қитиқловчи ёқимли нафасини сезди.

- Сиз ёқтирмайсизми?
 - Мен кўнгилчан аёлман. Агар сизга ёқса, менга ҳам ёқаверади.
 - Сиз ҳеч ўзингизни бебаҳт ҳис этганмисиз, Дагмар?
 - Аёл гўё зарбага учрагандек қотиб қолди; Штирлиц ҳатто ўтирилмасданоқ унинг нафас олмай қолганини сезди.
 - Нега мендан буни сўраяпсиз?
 - Бирга ишлашимизга тўғри келгани учун ҳам сизни тушуниб олмоқчиман...
 - Ҳали ҳам тушунмадингизми?
 - Йўқ.
- Штирлиц ўтирилиб, қўлларини унинг елкасига қўйди, Дагмар унга интилди; у шивирлаб секин сўради:
- Овоз ёзиб олувчи аппарат қаерга ўрнатилган?
 - Дагмар ўтирилиб, стол устидаги каттагина чироққа ишора қилди...
 - Мунтазам ёзиб оляптими? Ёки фақат чироқ ёниб тургандами?
 - Мунтазам, – деб шивирлади аёл. – Лекин сиз эътибор бермас экансиз: мен штепселни умуман розет-кадан олиб қўяман... Уйқусираб айтган гапларингизни ёлғиз ўзим эшигтандим...
- (Эшигтан фақат угина эмас; ўз хонасида аппаратли иккита хилватгоҳ борлигини у билмасди.)

Кўчада, машинадан тушганларидан кейин Штирлиц сўради:

- Уйқусираб айтган гапларимнинг ҳаммасига тушундингизми?

У бошини чайқади:

- Рус энагам менга ўз тилини мукаммал ўргатишга улгурмаганди.

Ресторанда аккардиончн кўй чалмоқда; империя тарғибот министри билан минг йиллик рейх пойтахти

мудофаасининг қўмондони буйругига кўра барча ресторонлар ишлаб туриши лозим эди; арақ билан вино карточкасиз, бемалол, исталган миқдорда сотилади.

Штирлиц Рейн рислингидан бир шиша олиб келишни буюрди, у Синциг атрофида ва Висбаден ортида тайёрланадиган виноларни хуш кўйарди; урушгача у якшанба кунлари машинасида кўпинча Вюрцбургга борарди; виночилик билан шуғулланувчи деҳқонлар бу ҳунарга ёндаш юрадиган таваккалчилик ҳақида унга гапириб беришарди: тундаги дастлабки аёздан кейин узиладиган узумдан тайёрланадиган муздек вино энг яхиси бўлади; фақат кута билиш керак; аммо ёмғирдан кейин қаттиқ совуқ турса борми, бутун ҳосилинг бир пул бўлади: унда ерингни кимошди савдосига қўйиб пуллашинг ва агар «меҳнат фронти» масканингни алмаштиришга рухсат берса, конга темир қазувчи бўлиб ёлланинг мумкин...»

– Дагмар, менга чинакамига ёрдам беришингиз учун қадаҳ кўтаришни истайман. Омадимиз учун ичаман.

– Мен иримчиман, омад учун ичмайман.

– Майли, унда соддароқ қилиб айтаман: сиз бу ерга уруш тугаганидан кейингина қайтиб келишингиз учун ичаман.

– Бу Гербертга нисбатан қабиҳлик бўлади... Биз фақат расман эр-хотин бўлсак-да, бари бир қабиҳлик бўлади... Ахир мен сизларнинг фойдангизга ишлаётганим учун ҳам у тирик юриби-да...

– У вафот этган, Дагмар. Лорес сизни алдаган... Эрингиз лагерда ўлган. Сизга беришган унинг хатлари ўлимидан бир ҳафта илгари ёзилган, бир неча кун олдинги кунни ёзишга уни мажбур қилишган, тушуняпсизми?

Аёл бош иргади, ўша ондаёқ кўзлари жиққа ёшга тўлди, ияги титраб кетди...

Штирлиц ресторанга ёшгина бир қиз кириб келганини кўриб қолди; у тезгина залга назар ташлаб,

Штирицнинг ойнадаги аксига кўзи тушди, сўнг бир нафас Дагмардан нигоҳини узмай, ясама паришонхотирлик билан улар ёнидаги стол томон юрди.

Штириц кафтини Дагмарнинг қўлига қўйиб, секин шивирлади:

– Бизни кузатишаётпи, энди бўлса гапимизни эшиштишмоқчи... Илтимос, эс-ҳушингизни йиғиб олинг... Ҳозир сизни танцага таклиф қиласману, ўшанда гаплашиб оламиз.

Штириц айни шу ёшгина қиз келгани учун ўз ортидан ялпи кузатув қўйилганини фаҳмлади. Кузатув хизматидаги одамларнинг ярми Одердаги Зеел тепалигига жўнатилган ССнинг маҳсус батальонига олинганди. (Мюллер алдамаганди.) Гитлерчиларнинг «Эътиқод ва гўзаллик» ташкилотидан пухта текшириб олинган қизлар кузатув ишига жалб этилганини у РСХА йўлакларида эшишиб қолганди; иккала фактни жамлаш унга тўғри хулоса чиқариб олиш имкониятини берди; ўзининг босган ҳар бир қадами – эндиликда Мюллерга маълум. Шундай экан, демак, радиистнинг манзилини ҳам Мюллер билади.

«Менинг ана шу радиистим, – Дагмар билан оҳиста вальс тушаркан ўйлади Штириц, – унинг ходими бўлиши мумкин. Кейинги ойда нималар билан машғул бўлганимни билиб, фамилия ва география белгиларини таққослаб, Берндаги Блюменштрасседа Плейшнер уларга берган, икки ҳафтадан бери ўзларининг дешифровка бюросида сақлаётган радиограммани ҳисобга олган ҳолда менинг радиограммамни ўқиб чиқсан бўлишлари мумкин. Ё парвардигор, унга, Дагмарга ишониб бўлармикан? Бу аёл уларнинг найрангига қўшилган, буниси аниқ. Аммо қай даражада? У ақлли, бу менинг фойдам. У ақлли, демак, маҳаллий одамларни бирлаштириб турган гоянинг нотўғри эканини бошидан-оёқ ҳис этмаслиги мумкин эмас.

Буни яшириш мумкин, аммо сир сақлаб бўлмайди, бари бир қулоқча чалиниб қолади... У бебаҳт, буни фақат улардан кўрмайди... У ўзича, фарзандлари бўлмаган жудаям оқила ва бунинг устига гўзал аёллар каби баҳтсиз... Лекин агар шунача бўлса, агар Лоренс буни ҳаммадан аввал пайқаган бўлса, у уддабурро йигит, бу аёлни менга қарши нега ҳам тайёрламас экан? Аммо ҳеч кимга ва ҳеч нимага ишонмаслик мумкин эмас. Максим, бунақаси кетмайди! Йўқ, мумкин, – аёлнинг кўзлари қуруқ, фақат ёноқлари қизиллик юргурган бўлса ҳам кўз ёшини зўрга тийиб турганидан дам-бадам нозик бадани титраб кетаётганини кафти билан ҳис қилиб, ўзича эътиroz билдириди. – Фақат мумкингина эмас; балки ҳозир, шу вазиятда жудаям зарур, чунки бу ерда, афтидан, ватандошларим учун ниҳоятда хатарли бир нима тайёрлашацияптики, унинг нималигини ҳали тушуниб олганимча йўқ, бу ерда биргина ўзим унинг моҳиятига етишим мумкин, бундай қилмасликка мутлақо ҳаққим йўқ...»

– Дагмар, – деб шивирлади у аёлнинг қулогига, – машинада бугун ҳам, эртага ҳам сиз билан ҳеч нима тўғрисида гаплашмаймиз... Бироқ ҳозир айтадиган гапларимни эслаб қолишингиз керак.... Швецарияга боришингиз билан машина сотиб олганингиздан кейин – машиналар ёқилғи қувиш жойида туради, сизга ҳужжатларни дарров тайёрлаб беришади – уни синчилаб текшириб чиқинг, кейин катта йўл бўйлаб юриб, ортингиздан ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилганингиздан сўнг исталган бир шаҳарчада тўхтанг-да, сиз менга йўллашингиз лозим бўлган телеграммадан ташқари яна иккинчисини юборинг... Сўзларини ёдлаб олинг, Дагмар... «Шифокор Шнайдер, Ульфгатттан 7, Стокгольм, Швеция. Фурсатдан фойдаланиб тезда менга уйқу доримни юборинг, ҳозир оғир касалман. Кузен». Эслаб қолдингизми?

Аёл бош чайқади-ю, күз ёшлари дув этиб юзидан оқиб тушди.

– Кейинги танца пайтида яна такрорлайман... Сиз буни бажаришингиз лозим, Дагмар, чунки бу мендан күра сизга керак, ҳатто күпроқ сизга керак.

Дагмар ёдлаб олган телеграммани ҳеч ким расшифровка қилолмайды. Бу хавотирлик сигнали бўлиб, уни олгани ҳамоноқ Марказ Штирицнинг бундан кейин нима қилишини ҳал этиши лозим эди, чунки, у айтидан душман томонидан фош этилганини, аммо мазмунни ўзига ҳам маълум бўлмаган уларнинг топширигини бажараётганини хабар қилганди. У муқобил ўйин бошлишни сўради-ю, лекин ўзи ҳозир Марказга йўллаётган Гарбдаги музокаралар ҳақидаги маълумотларнинг ҳаммаси ҳақиқатга мос келса-да, Мюллер бундан бошқалар эмас, балки айнан Кремль биринчи бўлиб хабар топиши лозим қилиб уюштиргани тўғрисида огоҳлантириб қўйди.

Кўчада таъқиб этувчилар йўқ эди. Штириц яrim соатдан кейин қайтишга ваъда бериб Дагмарни уйига олиб бориб қўйди-да, радиист яшайдиган ҳудудга йўл олди. Ҳозир уни кузатишмаёттанидан шу нарса мутлақо аниқ далолат берардики, Штирицнинг бу яширин учрашув жойига аввал ҳам келгани Мюллерга маълум эди.

Радиист уни қувонч билан кутиб олиб яна қаҳва тутди. Лекин Штириц рад этганига ҳайрон бўлиб, Марказнинг шифровкасини узатди.

«Янада кенгроқ маълумот беринг: Вольф фош этилганидан кейин Гарб билан музокараларни ким бошқаряпти? Музокаралар қаерда ўтяпти? Музокараларда қатнашаётгандардан ҳеч бўлмаса биттасининг фамилияси. Ниҳоятда қийин вазиятда қолганингизни англаған ҳолда, имконияти борича тез-тез алоқа қулиб туришингизни илтимос қиласиз. Алекс».

Штирлиц ҳозиргина ўзи ёзган шифровкани радиостага узатди; бу шифровка Мюллерга қарши мураккаб ўйиннинг дебочаси эди; Дагмар унинг телеграммасини жўнатган тақдирда юборилиши ўз-ўзидан маълум бўлган алоқачининг етиб келишини ҳам кутмай, бу қалтис ва мураккаб ўйинни бошлашта аҳд қилиб қўйди. Телеграмманинг мазмуни бундай эди:

«Эртага 19.04 да мен Швецияга паромда жўнатиб юборадиган Дагмар Фрайтаг гоявий жиҳатдан Шелленбергга хизмат қиласди; сизлар учун у ўзи муносабатда бўлиши кўзда тутилган одамларни ёритиб турувчи маёқ ролини бажариши мумкин; мен Швейцарияга жўнатадиган Вальтер Рубенau концлагерлардаги тутқунларни қутқариш йўлларини излаш мақсадида собиқ президент Музи билан алоқани такороран йўлга қўшиши лозим. Мен у билан икки кун Базелда бўламан, сўнг рейхга қайтиб сиз билан алоқага чиқаман; музокараларнинг ўта маҳфийлигини ва бу ҳақда большевиклар оғоҳ бўлиб қолиши мумкинлигидан Гиммлернинг ҳайиқишини ҳисобга олиб, менинг биринчи сафарим пайтида Швейцарияга алоқачи юборилмаслигини сўрайман. Асунсьондаги менинг жорий ҳисобимга сиз ўтказишингиз лозим бўлган зарур миқдордаги маблагни ўзингиз номини Мадридда айтган банкка жўнатинг. Юстас».

Сўнгги жумла, шунингдек, Дагмарнинг «гоявийлиги» ва «рейхга қайтиш» ҳақидаги сўзлар ўйиннинг асосини ташкил қиласди; «Асунсьонга пул ўтказиш» ҳақида Марказ билан илгари келишиб олинмаганди, лекин раҳбарлик бу сўзларнинг маъносини тушунади; Швецияда Москвадан юбориладиган одам Дагмарнинг ёнига келади ва Фрайтаг ўзи етказиши лозим бўлган гапларни оғзаки айтади; у, Исаев, бу аёлга бутунлай ишонишга қарор қилди...

Бироқ Дагмар ўзи билан учрашгани швед портига чинданам юборилган одамга ҳеч нимани етказолма-

ди. Паромни полициянинг учта машинаси ва «тез ёрдам» машинаси кутиб олди; Дагмарни зам билда олиб тушишди; у жонсиз эди: полиция огу солинган стакандан «Интерпол» картотекасида мавжуд бўлмаган бармоқ изларини аниқлади. Дагмарни биринчи класс каютасига бошлаб кирганида Штирлиц шу стакандан конъяк ичганди – буни гестапо одамлари ҳисобга олиб қўйишганди. Штирлиц билан Дагмар хайрлашиш учун палубага чиқишлари билан у ерга, биринчи класс каютасига Мюллернинг махсус гурӯҳидан бўлган пакана киши лип этиб кириб ўша стаканни олиб чиқиб кетди; бу стаканга бир грамм огу солинади; шундай қилиб Штирлиц, агар у рейхдан қочишни мўлжалласа, ер юзининг исталган бурчагида садист¹ ва қотил сифатида «Интерпол» қўлига топширилади...

Бироқ эртасига, айни белгиланган вақтда «Дагмар»дан Бернадот даврасидагилар билан ишни бошлаб юборгани ҳақида Штирлиц номига Стокгольмдан телеграмма келди: «Графнинг ўзи билан алоқа қилишнинг иложи йўқ, чунки у ҳозиргина Farbий фронтда сулҳ тузиш шартларини муҳокама қилиш мақсадида юксак лавозимдагилар билан учрашгани яширин рашида рейхга жўнаб кетди».

Штирлиц Москвага йўллаган бу ахборот (у Дагмарнинг ўлими ҳақида ҳеч нимадан хабари йўқ эди. Марказ эса телеграммалар душман томонидан расшифровка қилиниши мумкинлигини англаш, буни Штирлицга маълум қилмай, ўзининг ўйинини бошлаган эди) бари бир ҳақиқатга тўғри келарди; разведка «Дагмар»дан шифровка келган кунда граф Бернадотнинг Любкедаги швед консулхонаси биносида Генрих Гиммлер билан учрашгани тўғрисида аниқ маълумот олганди.

¹ Садист – бирорга озор бериб лаззатланувчи.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ (ФБР директори Жон Эдгар Гувер)

«Ёввойи Билл» билан Даллес конторасининг адвокати Дэйв Лэнс ўртасидаги сұхбат ёзувины ФБР директори бир неча марта ўқиб чиқди; унинг одамлари иккала дўст овқатланадиган столга ўрнатилган аппарат билан сұхбатни ёзиб олишганди; Лэнс ресторон хўжайинига қойилмақом овқат тайёрлашни олдиндан буориб қўйғанлиги, Донован дўстларининг барча аппаратлари ФБР томонидан эшитиб турилганлиги (албатта, «АҚШнинг давлат манфаатлари ва ОСС директорининг шахсий хавфсизлигини муҳофаза қилиш мақсадида») сабабли Гувернинг энг махфий топшириқларини бажариш билан шуғулланувчи «махсус команда»сига бу ишни йўлга қўйиш унчалик қийинчилик туғдирмади.

Гувер ҳозир худди Донован каби ташвишли қунларни бошидан кечираётгани сабабли, у тирик қолиши учун курашда қудратли рақобатчисининг – балки бўлажак иттифоқчисининг – хўжалигида нималар соодир бўлаётганини билиб туриши лозим эди; шуниси ҳам борки, президент уни, Гуверни ишдан бўшатиш масаласини ўша ярамас Гопкинс билан ҳали очиқчасига муҳокама қилганича йўқ, лекин шунга қарамай, унга кейинги пайтда Оқ уй остонасига қадам қўйиш фақат у чақирилганда насиб этяпти; Рузвельтнинг хотираси зўр, у Гувернинг барча қилмишларидан хабардор.

...Ҳар бир мамлакат одатда икки қиёфага эга бўлади: география чегараси ягона бўлган жойда бир томондан – Гитлер ва генерал Людендорф, иккинчи томондан – Эрнст Тельман, Томас Манн ва Альберт Эйнштейн, бир қутбда – Муссолини, бошқасида – Антонио Грамши, Пальмиро Тольятти, Ренато Гуттузо ва

Альберто Моравиа каби бир-бирига зид гояли одамлар қандай қилиб ёнма-ён яшаганига ва умуман мамлакат қиёфасини белгилаганига; Бисмарк ва Маркс, Толстой ва «ғўр кардинал» Победоносцев, Плеханов билан Халтурин ва ифлос қорагуруҳчиларнинг пешволари битта тарихий чорраҳада қандай яшаганига; Франция республикасида гитлерчилар гумаштаси де ля Роккнинг фашист «кагуляр»лари штаб-квартираси билан Арагон ва Пикассо устахоналари бир кўччанинг ўзида қандай қилиб ёнма-ён турганига; ниҳоят бир томондан Хемингуэй, Драйзер, Скотт, Фитцкеральд, Гершвин, Армстронг ва иккинчи томондан – Гувер, Форрестол ҳамда ку-клукс-клан доҳийлари каби бир-бирига зид тушунчани қандай бирлаштириш мумкинлигига авлодлар ҳайрон бўлишади.

Дарҳақиқат, тарихий тараққиёт илми ҳамон кўп жиҳатдан ўзлигича қолган, унинг ички қонуниятини замондошлар англаб етолмаяпти ва шу пайтгача таҳлил этилмаган.

Шунга қарамай, биринчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг Америкада юзага келган ғалати вазият сиёсатдаги кейинги бурилишларда бир қадар ўз аксини топса, оқланса бўларди.

...Америкалик аскарлар ўшандан Европадан ғолиб бўлиб қайтишиди, бироқ ҳаммаси уйига қайтди, деб бўлмайди; демократия шиори остида тарбияланган йигитларнинг бир қисми большевиклар Россиясining босиб олинган ҳудудларида Оқ уй томонидан жойлаштирилган оккупацион қўшинлар сафида хизматни давом эттиришиди; улар, ўз ватанини биринчи дафъа тарк этган америкалик ёқимтой йигитлар қироллик Британиясининг, милитаристик Япониянинг, яничарлар Туркиясининг ва яна ўша оғир йилларда Россиянинг машаққат чеккан танасини бурдалаган бошқа кимсаларнинг кўрсатмасига биноан Совет рес-

публикасига бостириб кирган тажовузкорлар билан бир байроқ остида турдилар.

Бироқ буюк эркесварлар Жорж Вашингтон ва Аврам Линкольнларнинг инсон әрки ҳақидағи таълимоти ўша пайтда Штатларда қуруқ гап әмасди; ҳар бир кишининг, бинобарин ҳар бир давлатнинг инон-ихтиёр эркинлиги соҳасидаги ҳуқуқи қонун билан, яни сўзда әмас, амалда тасдиқланган бўлиши лозимлигига кўпчилик қаттиқ ишонарди.

Худди шу сабабли Америка ишчилари Жорж Вашингтон каби бир пайлари монархия зулмини ағдариб ташлашни ва ҳар бир американлик учун тушунарли бўлган: «Озодлик, тенглик ва қардошлиқ» шиори остида республика барпо этишни эълон қилган большевиклар Россиясини ошкора қўллаб-қувватлашди.

«Совет Россиясидан қўлингни торт!» – бутун Америкада янграган бу наъра шунчаки бир шиор бўлмай, балки ишчиларнинг иш ташлашлари, пикетлари ва ярим яширин касаба уюшмаларининг намойишлари билан уланиб кетган ҳаракат эди.

Ўшанда «большевизм – урушдан баттар», деб эълон қилган, шу боисдан меҳнаткашларнинг иш ҳақини камайтириш ҳисобига оккупацион армияни молиявий таъминлаб турган банк ва монополиялар Америка ишчилар синфининг Ленин ва Советларга нисбатан тутган мойиллигини муайян равишда очиқдан-очиқ билдираётганига энди тоқат қилолмасди.

Шу сабабли айни ўша пайтда, ўн тўққизинчи ва йигирманчи йилларда эркин фикр юритувчи ва виждан амри билан иш кўрувчи кишиларга қарши Қўшма Штатлар тарихида биринчи марта конституцияга қарши операция режалаштирилиб амалга оширилди.

Ҳукмрон синф манфаатлари, одатда, айrim шахсларнинг шуҳратпарастлик манфаатлари орқали юзага чиқади; Америкада ҳам худди шундай бўлди.

Вудро Вильсон хонасида адлия министри «Страудбург нэйшнл» банкининг директори Митчел Пальмер эди; у шунингдек «Ситизенс чэс», «Интернейшнл бойлер» ва «Скрантон траст» концернлари директорлари кенгашининг раиси вазифасини ҳам бажаарди.

Пальмер оғир қасаллик азобини тортаётган президент Вудро Вильсоннинг саломатлиги ҳақидағи маълумотни олар экан, сўлларни бир ёқли қилган Америка ўнг кучларининг ҳаҳрамони бўлишнигина орзу қиласди; Оқ уйдаги кресло кўз ўнгидан ҳеч нари кетмасди. Пальмер ўзи ўйлаб амалга оширадиган операция орқали у кейинчалик большевизмга қарши жаҳон истеҳкомига айлантиришни мўлжаллаган океан орти қалъасининг азamat устунлари бошчиси бўлишни орзу қиласди.

Юқоридан режалаштириувчи ҳар қандай операцияда бўлгани сингари махфийлик, маблағ ва ҳар қандай юмушга тайёр фидойи одамларни танлаш ишнинг муваффақиятини ҳал этади.

Адлия министрлигининг табиати тадбирларнинг махфийлигини тақозо этади; ўйланган операцияларнинг молиявий масалалари анча олдин, муросасоз Вильсоннинг «ландовур» сиёсатидан норози бўлган Пальмер ўн икки маслақдоши, йирик банк ва уюшмаларнинг директорлари билан махфий ўтказган учрашуви пайтидаёқ ҳал этилганди; ҳар қандай юмушларга тайёр одамларга келганда эса, бу командаға министрнинг қадрдан дўсти, министрликнинг тергов бюроси Директор Вильям Филин билан министрликнинг янгидан тузилган «умумий ахборотлар махфий бўлими» бошлиғи Жон Эдгар Гувер раҳбарлик қилишди.

Гувер ўшанда йигирма беш ёшда эди; уни урушга жўнатишмади, чунки адлия министрлигига кичик бир ходим сифатида жойлашиб олганди; негрларга ва сўл кучларга бўлган гайритабиий нафрати юқори лавозимга тезда йўл очди.

Радикалларга, яъни ҳаммадан кўра бошқача ўйлай-диган, гапирадиган, ёзадиганларга ҳисоб карточкаси ташкил этиш таклифи билан Пальмернинг ҳузурига кирган ҳам худди Гувернинг ўзи бўлди.

Пальмер баҳайбат столининг устидаги сиёҳдонни анчагача у ёқдан бу ёқса суриб, тек турмас бармоқла-ри билан турли хил папкаларни асабий расмиятчилик билан текислаб ўтирди-да, кейин ниҳоят:

– Жон, ахир бу конституцияга қарши тадбир-ку, шундай эмасми? – деб сўради.

– Агар биз нўноқ муҳбирларга интервью бера бошласақ, худди шунаقا бўлади, – жавоб берди Гувер. – Мен бошлаган тадбир конституция посбонлигига турувчи министрликнинг ички ишига айланган таҳдирда ҳеч ким, ҳеч қаерда ва ҳеч қачон бизни асосий қонунни бузганлиқда айблай олмайди.

Пальмер ўзининг аскарча «Лаки страйк» сигаретасини чекаркан, президентлик ҳақида қайгурувчи министр жавоб бериши лозим бўлгандек жавоб қилди:

– Бизнинг мамлакатимиз фуқарога ишонч қоидаларига амал қиласди. Агар бу тадбирингиз билан муқаддас қоидаларга зарап етказилмайди, деб ҳисобласангиз – ўз ишингизни бошлайверинг. Мен Штатлар конституциясига зиён етказувчи ҳар қандай ишларга тоқат қилол-маслигимни тушунарсиз, деб ўйлайман?

Бир пайтнинг ўзида адлия министрининг маҳсус ёрдамчиси ҳам бўлган Гувер тўрт ойдан кейин бошқача фикрлайдиганлар, Россия билан ярашиш учун Штатларда демократия ва ирқий беғаразлик учун курашаётган барча уюшмалар, клублар, иттифоқлар, жамиятлар ҳақидаги маълумотлар киритилган АҚШ тарихида биринчи картотекани тўплади; министрликдаги иккита хона Гувернинг фикрича, жамият негизининг душманлари ҳисобланувчилар қайд этилган икки юз мингта карточка билан тўлиб кетди.

Кейин у «Коммунистик манифест» ҳақидағи асарларни чоп әтадиган махфий босмахона барпо этиб, унинг ишини йўлга қўйди – булар таъқиқланган адабиётлар бўлиб, уни сақлаган ва тарқатган шахслар ўшанда ҳатто судга бериларди.

Бу нашрлар яширинча ташлаб кетиладиган манзиллар Гувернинг темир сандигида сақланарди; фақат кунини белгилаш қолганди; бундан кейинги қилинаётган ишлар машқ қилиб бўлинганди.

Шундан кейин Гувер ўзига мутаассибларча фидойи бўлган котибига ўша пайтда жиноий иши аддия министрлигида кўрилаётган иккита гангстерлар гурӯҳининг пешволари билан уч марта махфий учрашув ўтказиш вазифасини топширди; яширинча наркотик моддалар келтириш ва таъқиқланган спиртли ичимликлар сотишга қарши олиб борилган ишлар Пальмер ходимларига яширин синдикатда амалий ишларга масъул бўлган энг учар гангстерлардан беш кишини қамоқча олиш имкониятини берганди.

– Мен одамларингизни гаров тариқасида озод қилишга тайёрман, – деди хуфия гангстерларнинг бошлиқларига Гувернинг вакили – Йигитларингизни қамоқдан чиқариб олишнинг ўзига ҳар қанча харажат қилишдан тап тортмаслигингизни пайқаб турсам ҳам гаров унча катта бўлмайди. Лекин бу илтифотга яраша сизлар бундан кейин ва умрбод менинг самимий дўйстларим бўлиб қолишингиз лозим. Бу дўйстликнинг ҳақиқий ва узилмас бўлиб қолиши учун эса фаолият кўрсатиш керак. Бу фаолият эса шиддаткор бўлиши лозим. Шунга тайёрмисизлар?

Суҳбатдошлар бир-бирига қараб олишди; гапирамасликни афзал кўришди; бош иргаб розилик билдиришди.

Гувернинг вакили тушунтириб берди:

– Сизлар икки жойда бомба портлатишингиз керак – саросимадан гангиг қолган айрим одамларга пўпи-

са қилиб қўйиш лозим... Қизиллар ҳокимиятга интилишяпти... Бунинг моҳиятини тушунинглар...

Орадан икки ой ўтгач, номаълум шахслар Уоллстритда бомба портлатишиди.

Пальмер журналистлар билан учрашди:

– Қизиллар томонидан бу ерга яширинча юборилган эмиссарлар қонли террор бошлиш режасини тузишяпти. Бизга фуқаролар урушини зўрлаб тиқиширишяпти, майли, биз унга тайёрмиз...

Еттинчи ноябрда, Америка меҳнат аҳли Россиядаги большевиклар инқилобининг икки йиллигини байрам қилаётган кунда адлия министрлигининг агентлари Жон Эдгар Гувернинг картотекасига олинган клуб, жамият ва уюшмаларга бостириб киришди; одамларни резина таёқлар билан калтаклашди; юзлаб сўллар қамоқча ташланди.

Бу «кучларни синаб кўриш» бўлганди.

Ҳақиқий операция йигирманчи йил январь ойининг бошларида бўлиб ўтди; Гувер тун бўйи мижжа қоқмай телефонлар ёнида ўтириди; унинг хонасига ўн тўққизта аппарат ўрнатилган бўлиб, барча «хавотирли» штатлардан унга операциянинг бориши ҳақида ҳар икки соатда ахборот бериб туришарди.

Оммавий қамоқча олишлар – беш мингдан ортиқ киши қўлга туширилди – Калифорния, Нью-Жерси, Иллинойс, Небраска штатларида ўtkазилди.

Одамларни кишанлаб, битта занжир билан боғлаб қўйишди; бир пайлари қулларни ҳайдаб юргандек, уларни шаҳар кўчалари бўйлаб вокзалга олиб келишибди, бу ерда дарчасиз қамоқ вагонлари олдиндан тайёрлаб қўйилганди.

Мамлакатда қонунсизлик базми бошланиб кетди. Одамларни тутишнинг биринчи босқичи тугагач, Массачусетс штатининг етук амалдорларидан бири бўлмиш мистер Лангри журналистларга бундай деди:

– Йигитлар, мени биласизлар, ҳамма вақт ҳақиқат-ни гапираман, ҳозир ҳам сизларга нималар ҳақида ўйлаётганимни айтаман: менга эрк берилганда ҳар куни эрталаб қизиллардан бир гурухини қамоқхона ҳовлисига олиб чиқиб отиб ташлардим-да, бунинг қонуний бўлиши учун эртасига уларнинг ишини судда кўриб чиқсан бўйлардим...

Ирқчилик ва антибольшевизм заминида ақлдан озган ёзувчи Артур Эмпи (унга кечалари мудҳиш тушлар азоб бергани учун таъсири кучли уйқу дори ичарди, шу боисдан титроқ қўлини тийиб туролмасди.) Америка бўйлаб ўз сафарини бошлади:

– Славянлар билан яҳудийлар, шунингдек, негрлар билан мексикаликлар янги большевистик ғалаённинг ачитқиси ҳисобланишади! Қони бегона одамлар чин америкаликларга қонли қирғин тайёрлашяпти! Шунинг учун ёдингиизда бўлсин: большевиклардан халос этувчи дори касалхонада эмас, балки яқин ўртадаги қурол дўйонида сотилади! «Қизилларга қарши фақат битта усул бор – сургун қилиш ёки турган жойида отиб ташлаш!» – менинг шиорим шу!

Бунгача Гувер ўз картотекалари учун яна учта зал олди: уни тўппонча ва ханжар билан қуролланган денгизчилар қўриқлашарди; эндиликда шубҳага олинган америкаликлар сони беш юз қирқ етти мингга етди, шу йўсинда мамлакатдаги ҳар олтмишинчи оила мамлакатдан сургун қилиниши ёки отиб ташланиши лозим эди.

Қамоқхоналарда қийноқлар бошланди; маҳбусларни ваҳшийларча калтаклашар, юзлаштириш учун хотин ва болаларини чақиртириб келтиришар, «қонуний сайланган ҳукуматни ағдариб ташлаш»ни мақсад қилиб қўйган большевиклар фитнасида қатнашганига иқрор бўлишни талаб қилиб, уларнинг кўз ўнгидаги қийноқча солишарди.

Майиб бўлганлар қамоқ касалхоналаридан чиқарилмасди; бир хилларини калтак изларини яшириш

мақсадида деразадан ташлаб юборишарди; бошқала-ри ақлдан озарди, яна бир хиллари қийноқларга дош беролмай ҳётдан кўз юмишарди.

Меҳнат министрининг ёрдамчиси Луис Пост бунга чидолмади, журналистларни тўплаб, уларга бундай деди:

– Биз озодлик мамлакати бўлмай қоляпмиз! Биз «бебошлиқ»ка қарши кураш байроби остидаги бир гурӯҳ зўравонлар ҳукмронлик қиласиган давлатта айланяпмиз, лекин ҳозир келажак ҳақида, сиз қариялар одатланиб қолган тузумда эмас, балки бошқача оламда яшашига тўғри келадиган, фарзандларимиз тўғрисида ўйлашни истамаётган ёки ўйлашни билмайдиган молиячилар билан бефаҳм мутаассибларнинг назоратсиз давлатига қарши курашаётган ҳар бир киши «бебош» ҳисобланмоқда.

Луис Пост ўз ходимларини қўлга олинган «бебош»лар жафо чекаётган қамоқхоналарга юборди. Унинг одамлари даҳшатта тушиб қайтишди: улар бутунлай бегуноҳ, жигар-бағри хун бўлган, азоб-уқубатда қолган занжирбанд америкаликларни кўришган эди.

Пост очиқдан-очиқ ҳалққа мурожаат қилиб, «ақлдан озган ўнглар» қилмишига чек қўйишда аҳолини ҳамкор бўлишга даъват этди.

Шу заҳотиёқ уни давлатга хиёнат қилишда айблаб, судга беришни талаб этишди; Гувер етмиш ёшли Америка ватанпарвари Москва эмиссарлари билан алоқаси борлигини исботлаш учун ошигич равища далилларни тайёрлашга киришди; бу иш конгрессга оширилди. Шунга қарамай, Пост голиб чиқди; бироқ одамларни тутиш, хибсга олиш давом этди, қамоқхоналар ҳамон тўлиб-тошиб кетганди.

Ку-клукс-клан¹ «Москва таг-туби билан сотиб олган» негрларни калтаклаш кампаниясини ўтказди.

¹ Ку-клукс-клан – АҚШда террорчи фашист ташкилоти.

Етакчи газеталар қызилларга, мексикаликларга, русларга, украинларга нисбатан янада кескин чоралар күришни талаб этиб олқышлашарди.

...Кейинчалик Гувер министр Пальмернинг матбуот вакиллари билан учрашувда сўзлайдиган нутқини тайёрлаб берди:

– Мен министрлигимга қарашли одамларнинг хатти-ҳаракати учун кечирим сўраб ўтирумайман, – деди Пальмер тўплангандарга. – Мен уларни ҳимоя қилишни ҳам лозим топмайман, чунки уларнинг фаолияти билан фахрланаман. Агар агентларимдан кимдир маҳбусларга нисбатан қўпоплик қилган бўлса, улар бу мамлакатта келтирган демократия ва озодлик билан ювилиб кетади... Мен умуман исёнга даъват этувчиларга ўлим жазосини бериш таклифи билан конгрессга мурожаат қилмоқчиман... Бундай абраҳамлардан икки кишини биламиз – булар марксчи террорчилар Сакко билан Ванцеттидир, большевик комиссарлар уларнинг гуноҳсизлиги ҳақида қанчалик дод-вой қилсалар ҳам, иккаласини электр стули кутмоқда.

...Айни ўшанда, ашаддий ўнгларнинг телбаларча тўс-тўполони авжга чиқсан пайтда кўпчилик ҳали танимаган сенатор Гардинг дабдабали баёнотини эълон қилиб қолди:

– Биз шундай даврда яшамоқдамизки, эндиликда Америкага қаҳрамонлар эмас, балки шифокорлар, хасталикка қарши мўъжизали таъсир этувчи восита эмас, балки оддийгина конституция тарзидаги бошқарув лозим...

Орадан бир неча ой ўтиб, айни шу одамга АҚШ президенти бўлиш насиб этганди.

Гардингнинг қўй остида қандай ишлар олиб борганини Гувер ҳеч қачон унутмасди.

Буни унутишга умуман ҳаққи йўқ эди, чунки ФБР директори лавозимига тайёрланган айни ўзига Гар-

дингни ва унинг министрларини фақатгина қўриқлаш эмас, балки Америка пешвосининг сирли ҳалокатини текшириш билан шуғулланишга ҳам тўғри келди; айтгандек, Гувер бу ишга раҳбарлик қилишни ўзидан соқит этди, чунки бундан ўзини четга олишга унда асос бор эди...

Мана энди Гувер Рузвельтнинг американлик ҳақиқий ватанпарварларга тўғаноқ бўлиб қолгани хусусида Донован билан Лэнс ўртасидаги сұхбат ёзиб олинган, «Мутлақо махфий, бир нусха кўчирилган, йўқ қилиниши даркор» деган муҳр босилган кичкина-кичкина саҳифаларни қайта-қайта варагламоқда эди.

Ҳа, худди шундай бўлганди.

Ҳа, айни Рузвельтнинг ўзи Гуверга ҳам, Донованга ҳам, улар ортидан бораётганларга ҳам нафратли бўлган ишни амалга оширди: у русларни тан олди, у ўшалар мамлакатида элчихона очди, у Сталин билан ёнма-ён ўтирди, у урушдан кейинги дунёвий ишларда большевикларнинг тенг ҳуқуқли иштирокини тан олди, у катта бизнес одамларига Германияни Фарб учун сақлаб қолиш соҳасидаги зарур тадбирларига халақит беряпти, у халқ учун чинакамига жавобгар бўлганларни четлаб, Уолл-стрит ва Даллас, Бостон ва Огойони четлаб халқа мурожаат қилишни ўзига раво кўряпти; президент ҳаддидан ошиб кетди, у афсоналарга ишоняпти, сиёsatда эса бунга йўл қўйиб бўлмайди; эртакчи якуни яхшилик билан тугайдиган эртагини айтиш ва жўнаб кетиш ҳуқуқига эга; агар у сусткашлик қилса, уни ҳайдаб юборувчиларга халақит бермаслик керак.

...Гувер ўзининг ёрдамчисини чақирди.

– Миттивой, президентимиз ўзининг шахсий хавфсизлиги масаласига ҳамон бепарволиги мени ташвишга соляпти, – деди унга. – Ҳа, Гитлернинг куни битди, лекин у сўнгги барча чораларни ишга солиши мумкин.

Президентимиз ҳаётидан хавфсираяпман. Шу боисдан, Миттвой, сендан илтимос, шу бугуноқ Линкольн билан Гардингнинг ҳалокати текшириб чиқилган жиной ишни диққат билан кўриб чиқ, ўтмиш сабоқлари кела-жакда эҳтиёт бўлишга даъват этади...

«Берлин. Юстасга. Бизни Шелленбергнинг граф Бернадот билан муносабатлари қанчалик жиiddий экани ҳақидаги маълумот қизиқтиради. «Қизил Хоч» раҳбари ҳисобланган Бернадот ўшами? Шелленберг Бернадотнинг Farбда ким билан алоқада экани, аниқроғи – нацистлар кимга мурожаат этишини ундан илтимос қилишаётгани ҳақида сизни хабардор қилдими? Буларнинг ҳаммаси умуман сохта маълумот эмасмикан? Марказ».

«Берлин. Юстасга. Шелленберг Швейцариянинг со-биқ президенти шифокор Музининг номини тилга олиб, ёлғон хабар тарқаташётган бўлиши мумкинми? У ҳақда ёки унинг фарзандлари ҳақида гап-сўз бўляптими? Музигитлерчилардан ким билан учрашди? Ўз контрагентларининг ҳақиқий исми унга маълум эмасмикан? Марказ».

ТАСОДИФ ОМИЛИ

Юқори Австриянинг гаулайтери Айгрубер Линцдан йўллаган маҳфий ахборот Борманни ниҳоятда сергаклантирди.

...Рейхдагиларнинг ҳаммаси (албатта, ахборотдан фойдаланиш имконияти бўлганлар) генераллар фитнасини тор-мор этган ССни армияни ўзига бўйсундиролган ва шу йўсинда қирқ тўртингчи йилнинг ёзида империянинг қудратли кучига айланган, деб ҳисобларди.

Бундай фикр тўғри эди; худди шу сабабли Борман фюрер атрофида уюшган кучлар нисбатини тенглаштириш учун барча чораларни ишга солди. Бунинг учун у Геббелъсдан фойдаланиб, газеталарда, радиоэшилтиришларда, улкан митинг ва намойишларда:

«Миллатнинг ишончли таянчи бўлган СС жангчиларига шон-шарафлар бўлсин!» деган шиор остида құдратли умумимперия кампаниясини ўтказди; Геббельс у тузган режанинг энг нозик томонларидан беҳабар ҳолда, одатдагидек, соғоялар йўлида меҳнат қиласиди; дарҳақиқат, СС қўшинларининг қақшатқич зарбаси берилмагандা, – деб ҳисобларди у, – генераллар маълум вақтгача Берлинда ўз ҳокимликларини қўлда сақлаган бўлишлари мумкин эди. Шу боисдан у Борманнинг йўл-йўлакай: «Энди мамлакат ичкарисида қолган СС аъзоларидан кўпчилигини тезда фронтга жўнатиш, раҳбар лавозимларга кўтариб, армия сафларини тўлдириш лозим; бу ғалабага олиб келади; ССнинг маънавий матонати ва унинг национал-социалистларга хос онглилиги масаласи амалда исбот қилинган – Ремернинг бир батальони резерв армия штабини тор-мор этиб, жирканч долларга генералларни сотиб олган америкалик сотқин пулдорларнинг оғуси билан заҳарланган Берлин гарнизонини тиз чўқтириди», деб айтган сўзларга лақقا тушиб қолди.

Гитлер СС аъзоларини ҳаракатдаги армияга жўнатиш ҳақида декретга имзо чекди.

Шундай қилиб, қирқ тўртинчи йилнинг кузига келиб Гиммлер энди рейхда илгаригидек оммавий таянчга эга бўлмай қолди, чунки ўз ташкилоти офицерларининг кўпчилиги эндиликда Шарқ ва Фарбадаги окопларда чириб ётарди. Тўғри, рейхсфюрернинг ички таянчларини оммавий равишда кўчириш ишлари РСХА аппаратига дахли бўлмади, аммо қора ССнинг, асосий гестапочиларнинг икки юз минг кишилик отрядини олти миллионли «жигарранг кийимили»лар оммаси, яъни НСДАПнинг оддий аъзолари билан ҳечам таққослаб бўлмасди.

Эндиликда, «СС валломатлари»нинг кўпчилиги икки томонлама – Гиммлер билан армия қўмондон-

лигига қарам бўлиб қолишганидан кейин, улар блиндаж ёки казармаларга тиқиб қўйилганидан кейин Борманнинг аппарати рейхнинг ягона асосига, унинг скелетига, мамлакатнинг чинакам назоратсиз кучига айланади.

Ҳар ҳафтада Борман ўз гаулайтерларидан батафсил ёзилган ҳисоботларини олиб турарди. Германия ўттиз учта гаулайтунгга бўлинганди, яъни Бавария, Гессен ва эркин шаҳар Гамбург каби барча вилоятлар ўзининг улкан партия машинасига эга эди.

Борман ўзининг ишбошларидан бирортасини ҳам фронтга жўнатмади, НСДАП аппаратида эса тўқиз юз мингдан ортиқ киши ишларди; буларнинг ҳаммаси биргина унга, фақат унга хизмат қиласиди; улардан ой сайин ҳисобот олиб турарди; ўзи аппаратдагиларга директивалар йўллар, улар билан инструктажлар ўtkазарди; қирқ тўртинчи йилнинг нояброда Берлинда НСДАПнинг мингдан ортиқ маҳаллий раҳбари тўпланган йигинда шундай инструктаж ўтказиш пайтида Борман бундай деди:

– Эндиликда, рейхнинг жанг майдонларида ҳал этилаётган келажаги учун асосий масъулият ССчи қардошларимиз зиммасига юклangan бир пайтда сизнинг вазифангиз, партиядош ўртоқлар, мамлакат ичкарисидаги ишларнинг бир қисмини бажаришдан, ҳар куни ва ҳар соатда ССчиларга ёрдам беришдан, ҳамкорлик фаолиятини уйғулаштириб, энг шошилинч ишларини рейхсфюрер Гиммлер билан муҳокама қила олишим учун барча муҳим масалалардан менга мурожаат қилишдан иборат.

...Ишбошилар орасида ҳали Эрнст Рем билан Грегор Штрассерни эслайдиган, уларсиз фюрер ҳокимият тепасига чиқолмаган бўлишини биладиган, бу ҳаракат асосчиларининг тақдиди қанчалик фожиали тугаганидан даҳшатга тушадиган одамлар ҳам бўлиб,

партияning кўпгина ветеранларини отиб ташлаган ва «соқчи отряд» шоввозларининг қилмишига ошкора норозилик билдиришга юраги дов берган баъзи кекса курашчиларни қамоқча олган СС дан ўлгудек, пинҳона қўрқишаради.

Худди шу сабабли НСДАП аппаратидагилар Борманнинг «СС га ёрдам» тўғрисидаги фикрини ҳаракат бошлишга, ССни партияning маҳаллий ташкилотларига сўзсиз бўйсундиришга берилган сигнал, деб тушундилар.

Гиммлер иш бўлиб ўтгандан сўнг, фюрернинг гапидан кейингина буни билиб қолди.

– Бари бир Борманнинг хушфеълиги ва хушмуомалилигига қойил қолмай иложим йўқ, – деди фюрер унга.

– Сиз ёрдам беришини илтимос қилиб унга мурожаат этишингизни кутиб ўтирумай, биринчи бўлиб биродарлик қўлинни сизга чўзибди... Менимча, энг яхши қисмларингиз фронтга жўнатилиши оқибатида СС ташкилотлари кўрган талафотни энди ҳис этмайсиз.

Гиммлер учун Борманга ташаккур билдириш ва нафраторумуз жилмайиб унинг қўлинни қисишидан ўзга чора қолмади.

Шундан бери РСХА билан СС нинг маҳаллий ташкилотлари маҳсус қарор чиқарилмаган бўлса-да, ўзларининг ойлик ҳисоботларини НСДАПга тақдим этишлари лозим эди.

Ана шундай ҳисоботлардан бири Юқори Австрия гаулейтери Айгрубернинг қўлига тушиб қолди. У Альт Аусзее туманида, Кальтенброннернинг бояг ҳовлисига (фронтда вазият кескинлашмасдан олдин у бу ерга одатда шанба кунлари келиб турарди), яқин жойда Швейцария ёки Италиядаги америка разведка тармогига хабар етказувчи қисқа тўлқинли передатчикнинг иши бир неча марта қайд этилгани эсига тушди.

Айгрубер маҳаллий гестапо ва ССдан обергруппен-фюрер Кальтенброннернинг қароргоҳига бевоп-

сита яқин жойда ўрнашиб олган душман разведка гурхи тўғрисида батафсил ҳисобот талаб қилди-ю, бироқ маънили бирор жавоб ололмади: ҳайрон бўлиб такрор сўратди. «Оператив иш олиб борилмоқда», – ҳар қандай тафсилот тергов ишига зарар етказиши мумкинлигига ишора қилиб, қисқача жавоб беришидни унга.

Айгубер бу ғалати воқеа хусусида Борманни огоҳлантириб қўйишни ўзининг бурчи деб билди, чунки унинг қарамогидаги ҳудуд Алъи истеҳкомига, Гитлернинг қўшимча қароргоҳи жойлашган Берхтесгаден туманига туташиб кетганди – фюрер душманга қарши курашни давом эттириш учун Берлиндан айни шу жойга кўчиб ўтиши лозим эди; бундан ташқари, бу ерда. Линц билан Зальцбург орасида Альт Аусзее туз кони бўлиб, унда баҳоси тўқиз юз етмиш уч миллион долларли «Линцдаги фюрер музейи»нинг экспонатлари яшириб қўйилган эди.

...Борман худди шу ахборотнинг тагига етиш учун Мюллерни ҳузурига чақириб, унга бор ҳақиқатни пайсалга солмай, мукаммал аниқлаб чиқиш вазифасини топширди. «Бу жойни ҳеч ким билмаслиги керак, – деди Борман, – жаҳон санъатининг нодир асарлари ҳеч қачон душман қўлига тушмаслиги ҳақида Гитлерга ваъда берганман; бу асарлар ё бизники бўлиб қолади, ё конларда миллион-миллион тонна туз қатлами остида қолади-ю, ерости сувларига гарқ этилиб йўқ қилинади».

Мюллер ўз одамларидан суриштириб кўрди.

Жавоб ҳам Айгуберга келганидек мужмал эди.

Мюллер тергов жараёнида хужожатларда ёзиш ёки телефон орқали гапириш асло мумкин бўлмаган исм чиқиб қолгани сабабли шу нарса юз берганини дарров тушуниб олди. Наҳотки Кальтенброннер ҳам Бернадот билан учрашганидан кейин ўйин бошлаган бўлса?

Мюллер жуда истиқболли бу ишнинг моҳиятини ўша жойнинг ўзида аниқлаб кела оладиган энг содиқ

ва чақон кишини Зальцбургга жүннатиш лозимлиги-ни тушуниб қолди. Кимни юборсин? Холтофними? Садоқатли, аммо бефаҳм, ишнинг мисини чиқарип, қуруқ қайтиши мумкин, хавфли. Айсманними? У принципиаллиги туфайли оқибати нима бўлишини ўйламай, муштлашиб кетади. Албатта, Штирлицни юборса яхши бўларди. Бироқ, у ўйинга жалб қилинган. У шу ерда керак.

Мюллер бир қарорга келолмай, Борманга қўнғироқ қилиб, ўйлаб кўриш учун икки кун муҳлат сўради. У рози бўлди, лекин овозида группенфюрер билан сұхбат пайтларида яқиндан бери унга хос бўлиб қолган ҳақиқий дўстона хайриҳоҳликдан ҳозир асар ҳам йўқ эди.

Линц билан Зальцбург гестапоси Мюллер ич-ичидан ҳис этган айни ўша гумон сабабли ҳам саросимада қолганди; чиндан ҳам бевосита Кальтенброннерга бўйсунувчи Сднинг маҳсус алоҳа бўлими жойлашган маконга яқин ердан Фарбга ахборот йўлланмоқда эди. Демак, нацистларнинг тартиб-қонунига кўра, маҳаллий гестапо Юқори Австрия бўйича РСХА бўлимига таклиф билан бориши лозим эди; бўлим эса ўз навбатида бу масалани Айгрубер билан келишиб олиши ва Шелленберг билан Мюллерни четлаб ўтиб, бевосита Кальтенброннерга Альт Аусзееда, маҳфий полиция шефининг қасрига туташ ҳашаматли боғҳовлида СС пулемётчилари соқчилигига ўтирган унинг яқин ходимларини оператив равишда текшириб чиқишига ижозат беришини сўраб мурожаат қилиши керак эди.

Линц билан Зальцбург гестапоси бундай таклиф билан киришдан қўрқарди; Кальтенброннер газабга тўлганда унга бас келиб бўлмасди. Линц маҳфий хизматидагилар Альт Аусзееда шахсан ўзи танлаб олган одамлари Кальтенброннер учун ишлаётганини билишарди. Шу боисдан бу иш шунчалик чўзилиб кетганди, шу боисдан ҳеч қандай чора кўрилмаганди...

Худди шу вақтда чиндан ҳам Альт Аусзееда, Кальтенброннернинг шахсий штабида Америка махфий хизмати қирқ түртингчى йилнинг декабрида ёллаган СД офицери ишламоқда эди.

МУҲИМ БИР ҚАРОРГА КЕЛИШ ЗАРУРИЯТИ

Совет разведкасининг бошлиги бир пайтлари Берзин ва Пузицкий билан ГПУ¹да иш бошлаган ўртоги – ўзининг ёрдамчисигагина «Штирлиц» сифатида маълум бўлган полковник Исаевнинг шифровкаси ни икки марта ўқиб чиқди. У хабар солинган қизил папкани жаҳл билан нарига суреб қўйди-да, Кремлга уланган телефон гўшагини кўтариб сўради:

- «Тўққизинчи» нега ўёқда билимдонлик қиляпти?
- У билимдонлик қилишни ёқтирумайди, у шунчаки тўплаган маълумотларини хабар қиляпти.
- Ўртоқ Сталин аниқ маълумотни талаб қиляпти унга нимани хабар қиласай? Менимча, «тўққизинчи»-нинг ўйини нима билан тугашини учалик тушунмаётганга ўхшайсиз; ҳозир аниқ маълумотлар керак...

У бор маълумот билан Кремлга жўнаб кетди.

- Хўш, бу билан менга нимани исбот қилмоқчисизр - шошилмай сўради Сталин. – Сизнинг ўша одамингиз нима демоқчи бўлаётганини тушунолмаяпман. Ё у бизни Рузвельтга қарши янги, янада кескин тазийиқ қилишга ундаяпти, ё гитлерчи бандитлар билан алоқа ўрнатишими заруриятига шама қиляпти. Сизнинг одамингизга Москвага етиб келишни таклиф этиб бўлмасмикан?

– Ҳозир фронт чизигидан ўтишнинг иложи йўқ, – афсусланиб бўлса-да, лекин қатъий жавоб берди разведка бошлиги.

¹ Г П У – Давлат Сиёсий Бошқармаси.

Разведка бошлиғи идорасига қайтиб келиб, Исаев уйга қайтишга уриниб кўриши лозим, деган мазмунда телеграмма шифрини тузиб чиқмоқчи бўлди-ю, аммо унинг Берлиндан йўллаган сўнгги маълумоти билан танишиб чиқиб, аввалги фикрига бутунлай қарама-қарши бир қарорга келди.

– Афтидан, Исаевнинг саноқли кунлари қолганга ўхшайди, – деди разведка бошлиғи ўзининг ёрдамчи-сига. – Лекин у Берлинга қайтиб боришга розилик бериб, нима мақсадда кетаётганини тасавур қилганди. Бу қанчалик шафқатсизлик бўлса ҳам ўйинни давом эттирамиз. Модомики, кимдир иттифоқчилар билан бир томонлама музокаралар олиб бораётгани ҳақидаги маълумотларни Исаев орқали билиб олишимизга имкон бериб, бизни мунтазам қўрқитаётган экан – майли қўрқиб кета қолайлик. Биз ҳаддан ташқари қўрқиб кетамиз... Хизматчилар биз Берлинга йўллайдиган шифровка сўзларини пухта ўйлаб қўйсинглар. Агар Исаев биз йўл қилаётганимизни тушунса, у бир пайлари пул юбориш билан боғлиқ бўлган дадил фикрини биз англаб олгандек жавоб қайтаради... Бироқ, – у шошилмай чекди-да, оғир ютиниб қўйди, – яххиси, тушунмагани маъқул... Ҳа, худди шундай, генерал... Берн, Стокгольм ва Любекда авжига чиқаётган, бу ишнинг замирида миллионлаб кишиларнинг ҳаёти турибди, биз эса, афсуски, улкан мақсадлар йўлида кичик бир ишни, минглаб одамлар учун битта кишини қурбон қилишга ўрганиб қолганмиз... Нима ҳам қиласдинг, ҳаёт қонуни шунаقا.

– Ўртоқ Сталин учун маҳсус хабар тайёрлайми?

Разведка бошлиғи ўрнидан туриб, хона бўйлаб у ёқдан бу ёқча юрди, биргина ўзига тушунарли бўлган алланимани эслаб кулиб қўйди-да, ниҳоят жавоб берди.

– Етти кулфатга бир жавоб...

– Ҳозирча кутиб турамизми? – сўради ёрдамчи.

– Аксинча, буни иложи борича тезроқ тайёрланг.

– Хўш, бу бизга нима беради? – сўради Сталин разведка бошлиғи тайёрлаб келган бир варақ қоғоздагини ўқиб. – Бу бизга ҳеч нима бермайди, душманга эса, агар сиз уларни эмас, балки улар сизни лақиллатаётган бўлса, кўп нарса беради. Черчилл бизнинг носодиқлигимиз ҳақида, улар эмас, балки гўё биз Берлин билан музокара олиб боришга киришганимиз тўғрисида bemalol оғиз кўпиртириши мумкин... Йўқ, менимча, бу ортиқча иш... Полковнингизга хабар қилинг, ватанига қайтиб келсин, у билан шу ерда гаплашамиз.

– Агар Берлинда шунақа мазмундаги телеграммани олишса ва у қочишни мўлжалласа, полковник ҳалок бўлади.

– Сабаб? – Сталин елка қисди. – Жуков Берлиндан бир юз йигирма километр берида турибди, bemalol қочиб бориши мумкин.

– Афтидан, гестапо телеграммаларимизни ўқиётганга ўхшайди. Бизнинг одамимиз эса бўйруқни кутиб ўтирмай, юбораётган телеграммаларида ўз ўйинини бошлаган... У ниҳоятда мушқул аҳволда қолган... Гестапо ундан сохта ахборот канали сифатида фойдаланмоқчи бўляпти... Балки, энг ишончли ахборот...

– Мен бу каби икки хил маънодаги жавобларни тушунолмайман, – деди бўғиқ овозда Сталин ва оғир йўталиб қўйди. – Ё сохта ахборот, ўйин, ҳийла, ё шакшубҳасиз ишончли ахборот бўлсин. Ўша полковнингиз нацистлар ўйин қилаётган ёки ишончли ахборот бераётгани ҳақида аниқ жавоб бероладими? Ё унисини, ё бунисини!

Сталин худди ана шу серзарда саволи билан таклифни рад қилишга – бу мутлақо аниқ эди – тайёр эканини разведка бошлиғи дарров тушунди. Шу бoisдан ўша ондаёқ жавоб берди:

– Ундан ана шундай жавоб олинишига имоним комил.

– Бу жавобнинг мутлақо аниқ бўлишига Давлат мудо-фаа комитети олдида кафиллик қилишга тайёрмисиз?

Разведка бошлиги ўз зиммасига қандай масъулият олаётганини ўйлаб бир дақиқа иккиланиб қолди, аммо гестапо бошлаган ва совет разведкаси бошиданоқ нималигини фаҳмлаб олган бу ўйин келажакда унга қанчалик улкан имкониятлар беришини моҳир разведкачи сифатида англаб олганди. Шунинг учун ҳам Сталиннинг кўзига дадил боқиб:

– Мен бутун масъулиятни ўз зиммамга оламан, – деди.

– Сиз эмас, мен оламан, – хулоса қилди Сталин. – Мен сизнинг маълумотларингиз асосида сиёсий бир қарор қабул қилишим керак бўлади. Сизнинг ишларингизни тарих унутиб юборади, меникини эса унутмайди.

Разведка бошлиги чиқиб кетиши билан Сталин дарҳол улайдиган юқори частотали ВЧ телефони орқали Жуков билан Рокоссовскийга қўнғироқ қилди...

Дастлаб у Жуковни қабул қилди.

Сталин Фарbdаги иттифоқчиларнинг нацистлар билан музокара олиб бораётгани ҳақида гапириб бериб, ундан сўради:

– Сизнинг-ча, Жуков, англо-америқаликлар Берлинда немислар билан тил топишиб олиши мумкинми?

– Эйзенхауэр билан Монтгомерининг аскарлари нацистлар билан бирлашиб кетишолмайди, ўртоқ Сталин, бу – файритабиий ҳол; кимёвий реакциялар фақат ҳеч бўлмаганда бирорта мос келувчи элементга эга бўлган реактивлар орасидагина юз бериши мумкин...

– Ўн саккизинчи йилда мамлакатимизга қарши биринчи бўлиб салб юришини эълон қилган Черчилл, шундай қилиб, Советларга бўлган муносабатида Гитлер билан ҳамфикр эмасми?

– Мен аскарларни кўзда тутяпман...

– Аскарлар кимга бўйсунади? Кўнглингиз юмшагани яхши бўлибди, аммо ҳали уруш тугагани йўқ...

Хуллас, ҳозир, менимча, ҳамма гап армияда қолди. Берлинга иложи борича илгарироқ биринчи бўлиб кириш керак. Уддалаймизми?

– Уддалаймиз, ўртоқ Сталин...

– Яъни, армия ҳозир бош сиёсий масалани ҳал қилиши, мавжуд вазиятни барқарор этиши, Берлинни қўлга киритиши ва фашистларнинг қаршилигини енгиб, сўзсиз таслим бўлиш шартларини қабул қилдириши керак... Аммо бу пайтда Фарбдан ҳеч қандай қаршиликка учрамай, текис катта йўлдан – Гитлер уруш ҳақида олдиндан ўйлаган, автойўллар қурдирган – англо-америқаликлар келаётган бўлади...

– Ўртоқ Сталин, бир томонлама музокаралар олиб борилаётгани сизга маълум эканини Черчилл биладими?

Сталин ўзига бунақангি тўғридан-тўғри савол берилишини ёқтиргасди, шу боисдан қисқа жавоб қилди:

– У ўзига тегишли гапларнигина билади... Биринчи май байрамини рейхстаг ёнида кутиб олишни истайсизми? Агар истасангиз, менимча, мамлакат сизга ёрдам бериш учун ҳамма ишни қилади... Келажакда жаҳон аҳлига ҳам енгил бўларди: кучлилигингни исбот этганингдагина сиёsatчилар сени муносиб равишда ҳурмат қилишларини талаб этишинг мумкин бўлади...

Сталиннинг сўзларини тинглар экан, Мудофаа Халқ Комиссариатида моторлаштирилган кучли қўшилмалар билан танк ҳужумини уюштириш ҳақида ўз фикрини баён қилган маршал Тухачевскийнинг чеҳраси, оҳу кўзлари Жуковнинг кўз ўнгидаги яққол на-моён бўлди. «Фашистларга кучимизни исбот этганимиздагина, – деганди у ўша пайтда, – Қизил Армияни йигирманчи аср ўрталаридағи илгор техникага асосланган мукаммал илмий назария билан қуроллантирганимиздагина, биз урушнинг олдини олишимиз мумкин, чунки гитлерчилар фақат бир нарсадан – ўзларига қарши турувчи метиндек мустаҳкам кучдан

ҳайиқишиади; улар йиরтқич қушлар каби қон ҳидига учиб келишиади; нацистлар Франкони пайқаб қолишиди, улар руслар, анархистлар ва центристлар орасидаги нифоқни күришиди – шундан кейин Испанияга зарба беришиди; Гитлердан иззат-хурматни кутиб бўлмайди, у биздан ҳаддан ташқари нафратланади, лекин кучимиз қаршисидаги даҳшат уни агрессиядан тийиб турибди...»

...Сталин хона бўйлаб юрди, кейин дераза олдида тўхтаб, гёё Жуковнинг жавобини кутмагандек ўйчаник билан сўради:

– Гитлер ва унинг даврасидагиларнинг мантиқий хулосасини тушуниб олиш қизиқ бўларди-да... Нега улар фарбий иттифоқчиларнинг армияларига кўз тикишяпти? Рейнданги фронтни ҳеч бўлмаганда бир қадар мустаҳкамлаб олиш учун нега ҳеч бир иш қилишмаяпти? Ахир буни уддалаш мумкин, бемалол, уддаласа бўлади. Ўз қўшинларини фарбдан Одерга кўчириб нимадан умидвор бўлишяпти? Агар улар Берлинда ҳатто миллионта аскарни тўплаганда ҳам, наҳотки Гитлер бу билан бизни тўхтатиб қоламан, деб жиддий ўйлаётган бўлса? Агар Гитлер бўлмаса, унда ўзига яқин ходимлари орасидан қай бири шундай фикрда юрганийкин? Ёки бу англо-америкаликлар Берлинга биринчи бўлиб кириб олгунларига қадар бизни тўхтатиб туришга уринишмикин? Тил бириктириш эмас, балки иззат-обрў масаласимикан?

У Жуков томон ўгирилди-да, ниҳоятда тартибли, саранжом-сариштали катта столни секин, гёё сездирмай айланиб ўтиб – ораларига турли рангдаги хатчўп солинган «Новий мир», «Знамя» ва «Звезда» журналлари дасталаб қўйилган, китоблар ҳам ботартиб тахланган – суюнчиғи баланд стули ёнида тўхтади; унга ўтирмай, бўғиқ овоз билан сўради:

– Қўшинларимиз қачон ҳужумни бошлиши мумкин? Берлинни штурм қилишни қачон бошлаймиз?

Жуков ўзининг штабида Берлинни штурм қилиш режаси ишлаб чиқилганини, Биринчи Белоруссия фронти икки ҳафтадан кечикитирмай ҳужумни бошлиши мумкинлигини, маршал Конев шу муддатгача тай-ёр бўлишини айтди.

– Бироқ, – хулоса қилди Жуков, – Рокоссовский-нинг қўшинлари Данциг ва Гдин туманларидаги душманни бутунлай тор-мор этиш билан апрелнинг ўрталаригача ушланиб қолиши ва биз билан бир вақтнинг ўзида зарба беролмаслиги мумкин...

Сталин яна хона бўйлаб юрди, кейин стол ёнига қайтиб, трубкасини тутатди-да, суҳбатни якунлади:

– Хўш, Рокоссовский фронтининг ҳаракатини кутмай операцияни бошлашга тўғри келади... Қатъий қарорга келиш зарур...

ФИГНА ҲАЛҚАЛАРИ

Мюллер машинкада зич ёзилган беш варақли ахборотни Борманнинг столига қўйиб деди:

– Буни керагидан ортиқ деб ўйлайман, рейхслайтер.

Борман тезгина ўқиб чиқди: одатдагидек, аввалига кўз югуртириб четларига биргина ўзига маълум бўлган белгилар қўйди: кейин қўлига қалам олиб, ишда фойдаланиш мумкин бўлган жумлалардаги ҳар бир сўзни ўйлаб, бошқаларига эътибор бермаган ҳолда иккинчи марта ўқиб чиқди.

Бу беш варақда Борманнинг илтимосига биноан Мюллернинг махфий хизмати кейинги кунларда яширинча ёзиб олган Гудериан билан Гелен суҳбатларидаги муҳим маълумотлар тўпланиб умумлаштирилган эди.

«Фюрер бутунлай тушкунликка тушган», «уруш қонунияти нуқтаи назаридан Гитлернинг жинояти шундан иборатки, у қароргоҳни Альп истеҳкомига

кўчиришни шу пайтгача пайсалга соляпти», «Гитлер ҳақиқатни тан олгиси келмаяпти», «ҳалокат май ойининг охирларида юз берса керак, биз ютиб чиқкан кампанияни қўлдан бой беришимизга Гитлер айбдор», «армиялар гурӯхини Курляндиядан кўчиришга Гитлернинг ижозат бермаётганини, шу пайтгача гарбдан барча қўшинларни шарққа ташлашга рухсат бермаётгани унинг ҳаётдан мутлақо ажralиб қолганидан далолат бериб турибди: у миллатнинг кайфиятини билмаган ҳолда бункерда тарки дунё қилиб яшапти, рейхда нон ва маргарин йўқлигидан бехабар, аҳоли иситилмаётган уйларда совқотиб қолаётгани билан унинг иши бўлмаяпти; «гитлерюгенд» болаларини жангга ташлаш ҳақидаги буйруғи оқибатда шунга олиб келадики, йигирма йилдан кейин мамлакатда Германиянинг қайта тикланган армиясига қўмондонлик қилиши лозим бўлган ўша ёшдаги эркаклар етишмай қолади», «герман миллий рӯхини сақлаб қолишнинг ягона воситаси бизнинг барча армиямизни Берлин остонасида тўплаб, большевикларга қарши бутун Фарбни ларзага соладиган жанг олиб боришдан иборат, чунки бу жанг интернационализм тоясига, рус коммунизмiga қарши жанг бўлади...» каби бир қатор жумлаларни рейхслейтер ўша ондаёқ ўчириб ташлади.

Борман бошини кўтариб Мюллерга қаради:

– Бу каби мулоҳазаларни фюрерга кўрсатишга менинг асло ҳаққим йўқлигини ўзингиз тушунсангиз керак, бу унинг яраланган қалбига озор беради.

– Рейхслейтер, бу материалнинг сизга нимага кераклигини олдиндан сезгандим, шу боисдан энг жўяли мулоҳазаларни танлаб олгандим. Бундан баттарлари ҳам бор эди.

– Биласизми, кишининг жаҳли чиққанида – ақли кетади... Гудериан ҳам, Гелен ҳам ҳалол одамлар, бироқ, ҳаддан ташқари ростгўй, армия табақасидан...

Худди шу сабабли сиз ёзиб келган бу материал шу ҳолища ярамайды... Марҳамат қилиб, ярим қоғозча маълумот тайёрланг: унда Гелен дам олиши зарурлиги, у доимий бомбардимонларга ортиқча чидаш беролмаётгани, одамнинг тинкасини қуритадиган гумбур-гумбурларнинг балки бункерда эшитилмаслиги, лекин у яшаётган Майбах-Іда бардоши жудаям қақшаб бораётгани ҳақида фикр билдирсин... Менимча мантиқа мос, сизнингча қалай бўларкин?

– Жудаям тўғри.

– Хўш, Гудериан масаласига келсак, у Типпельскирхга ёки Хайнрицга даволаниб чиққанидан кейин окопга қайтишни орзу қилаётганини айтсан; у ўзини моҳир устаси ҳисоблайдиган танклар уруши бўлажак жангларда ғалабамизни таъминлайди, десин, у Кейтель билан, айниқса, Йодл билан бўлаётган доимий тўқнашувлар танклар жангига майдонларида ном чиқарган ҳарбий бошлиқлигимни тўла намоён этиш имкониятини бермаётир, деган маънода узрли тарзда гапирсинг...

– Гудериан билан рейхсфюрер орасида худди ана шундай сухбат бўлиб ўтганди, – деди Мюллер.

Борман бош иргаб қўйди:

– Гиммлер билан худди шу тарзда гаплашишни мен маслаҳат бергандим. Ўйлашимча, фюрер яқинда Гудерианни ҳақириб, Пренцлауга, «Висла» армия гуруҳининг штабига бориб, Гиммлерга қўмондонлик зиммасидан соқит қилингани ҳақидағи буйруқни топшириш вазифасини юкласа керак.

Мюллер кафти билан оғзини беркитган ҳолда йўталиб олди-да, секин сўради:

– Гиммлерни армиядан ажратиб қўйиш уни янада яккалантиради, деб ўйлайсизми? Мавжуд кучлардан маҳрум қиласдими?

– Мюллер, сизга яхши бир маслаҳат бермоқчиман: Ўзингизга шеф бўладиган одамга унинг фикрларини

олдиндан уқиб олишингизни ҳеч қачон сездирманг... Сиз, аксинча, ўз раҳбарингизга келажакни кўриш қобилияти бошқа ҳеч кимга эмас, балки унинг ўзига хос эканини уқтиришингиз керак... Менга ҳозир нима дейишингиз лозим эди? Биласизми?

– Билишим керак эди, назаримда, – деди Мюллер хушфеъллик билан хохолаб, – ҳамма ҳақли суратда ҳурмат қилувчи СС рейхсфюрерининг эндиликда «Висла» армия гуруҳига бошчилик қилолмаслигига; рейх вермахтнинг гоясиз кучларига СС одамларининг яхши таъсир ўтказиш имкониятидан маҳрум бўлаётганига яна бир марта ишонч ҳосил қилишига ажабланишим лозим эди...

Борман бошини чайқади:

– Унда сиз тентак ёки фаросатсиз шахсга хизмат қилаётганингизни дарров билдириб қўйган бўлардингиз... Мен эса руҳий жиҳатдан мутлақо соғ-саломатман, афсуски, бу мени улуғ одам бўлиб ном чиқаришдан маҳрум этади... Хўш, мен унчалик тентак ҳам эмасман..! Йўқ, азизим Мюллер, сиз бундай қарорга келишим сизни бутунлай ҳайратда қолдирганини айтишингиз, сўнг ручка билан ён дафтaringизни олиб, ўз ҳолингизча ҳеч нима қилолмаслигингизни ёзиб қўйишингиз, лекин фақат шефингиз буюрганини ниҳоятда пухталик билан бажаришингизни намойиш этишингиз лозим эди.

Мюллер унга: «Сиз ўз хулқ-атворингизни менга мажбуран тиқиширмоқчисиз, такрорнинг ҳожати бормикан? Ахир айни изланиш фазилатнинг янги қирраларини юзага чиқаради-ку!» деб юборишига сал қолди.

– Ҳа, ҳа, худди шундай, – деди Борман гўё унинг фикрини уқиб олгандек, – ҳозир ўзим ўтирган амал курсисига мени бошлаб келган хулқ-атвор тарзини сизга тиқиширмоқчиман, мен кейинги ҳафталар мобайнида орамиздаги муносабат муҳим аҳамият

касб этаётгани учун ҳам шундай қиляпман, Мюллер... Энди менга муҳимини айтинг: сиз юзаки қараганда бир-бири билан алоқадор бўлмаган иккита воқеадан Кремлнинг эртагаёқ огоҳ бўлишини уюштира оласизми? Биринчиси: Гудериан ўрнига штаб бошлиги лавозимига генерал Кребс тайинланди; у эндиликда қатл этилган граф Шуленбург Москвада элчилик пайтида ҳарбий атташе хизматчиси бўлган, рус тилини яхши билгани ва Россия устидан узил-кесил ғалаба қозониб бўлмаслигига имони комил эканини доим таъкидлаб юргани учун панада қолиб кетган; иккинчиси: айни шу Кребсни хунрезликни тўхтатиш зарурияти ҳақида Совет Олий қўймондонлиги билан лозим топилган вақтда келишиб олади деб ўйловчи фюрернинг амалий котиби, Борман деган бир кимса штаб бошлиги лавозимига етаклаб келган.

– Бемалол уddyалайман, – деди Мюллер Борманнинг тасодифан фош бўлиб қолишини, албатта, ҳисобга олиб қўйганига, аммо асосий эътибори аста-секин омади келишига қаратилганига, қутулиб қолиш режаси муфассал ишлаб чиқилган гапига қатъий ишонч ҳосил қилиб.

– Сизга ишонаман, – деди Борман. – Шундай бўлгандан кейин, энди савол беришга ҳақлисиз.

– Шартмикан, рейхслайтер? Мен сизга чексиз содиқман, камоли сизнинг зукколигингиз туфайли ҳамма нарсани олдиндан биласиз, бирорлар шохida юрса, сиз баргида юрасиз, англашилмовчилик оқибатида берган саволим билан бутун режаларингиз жо бўлган тугуннинг ечилиб кетиши хавфини туғдиришим мумкин.

Борман кулиб қўйди:

– Нимагадир Шелленбергга ўхшаб гапирадиган бўлиб қолибсизми? Жудаям дабдабали, шу сабабдан шубҳали...

– Ҳар бир киши, агар у асосий масалада ўч олиб бўлмаслигига ақли етса, ҳамма вақт бошқа бирор нарсадан бунинг ҳиссасини чиқаришга интилади... Мана шу сабабли булбул каби сайраб қолдим, жаҳлингиз чиқмасин...

– Асосли жавоб... Ва ниҳоят яна иккита масала қолди, Мюллер... Шундай қилинг-ки, сизнинг идорангиз Фленсбургдан, гросс-адмирал Данцигнинг денгиз базасидан маҳсус топшириқни бажарадиган сув ости кемасидаги флот офицерлари орасида ножоиз гап-сўзлар бўлаётгани ҳақида ташвишли сигнал олсин... Ўша ерда ишни бошланг... Сув ости флотида хизмат қилувчи одамларингиз билан гаплашиб, энг ишончли ҳамкасабаларингиздан беш кишини экипаж сафига киритишларига розилик олинг... Улар тезда ўша ёқса жўнасин... Улар бу сув ости кемаси сиз буйруқ бермагунингизча портдан бир сантиметр ҳам жилишга ҳаққи йўқлигини билиб олишсин... Энг сўнгги масала: Рудольф Гесс иши юзасидан бир қатор масалалар акс эттирадиган мана бу папкани мен сизга эмас, балки набираларингиз хотирасига топшираман. Бу ишни ўқиб чиқиб рейхнинг асосий сирини сақлаш ёки аксинча, уни йўқотиш мумкин, лекин кейингиси умуман ачинарли бўлади.

Борман гўё Мюллernинг яна бирор нимани суриштириб қолишидан чўчигандек, шошилиб ўрнидан турди-да, группенфюерерга папкани узатиб:

– Хайр, сиз бўшсиз! – деди.

...Кейин у Кальтенброннерни қабул қилиб, концлагерда Канарис ёзган уч варақ хатни ўқиб чиқди-да, бу маълумотларнинг қанчалик эътиборга моликлиги билан қизиқди, бунаقا ахборот армия разведкаси бўлимларидағина эмас, ҳатто РСХА картотекаларида ҳам қайд этилмаслиги мазмунидаги жавобни эшитиб, хатни темир сандиқча яшириб қўйди.

– Бунақа маълумотлар менга келиб турарди, Кальтенброннер, – деб таъкидлаб қўйди у, – лекин булар ҳеч нимага арзимайди! Қаёқдаги гапларни Канарис айтиб сизни лақиллатяпти, уни яна сал қистовга олиб кўринг, аммо менимча, ундан бирон маънили гап чиқмайди... Агар яна муғамбирлик қисла, йўқ қилинг, истиқболсиз одамга лагернинг шолғом шўрваси билан қаҳваси ҳам ҳайф кетади...

Кейин у Кальтенброннердан, мени Парагвай вакили билан учраштириб қўйинг, дея илтимос қилиб, бу учрашув ҳақида иккаламиздан бошқа ҳеч ким билмасин, деб тайинлади-да, фронтлардаги вазият ҳақида фюрерга кундалик маълумот бергани Майбахдан ҳозир етиб келиши лозим бўлган Кейтельни кутиб олишга жўнаб кетди...

Ярим кечада, қароргоҳдаги тунги кенгашга бир соат қолганда Штирлиц Борманга қўнғироқ қилиб қолди.

– Рейхсфюрер Гиммлер икки кундан кейин, – деди Штирлиц Борман билан учрашгач, – Швециянинг Любекдаги бош консулхонасида граф Фольк Бернадот билан яна учрашади. Бу аниқ маълумот, шу боисдан буни сизга хабар қилишни ўз бурчим деб билдим...

– Раҳмат, – деди Борман ўйчанлик билан. – Агар сизга ишонмаганимда ва бу хилдаги далилни текшириб кўриш имкониятига эга бўлмаганимда, буни бемаъни бир гап ҳисоблардим... Чегара ташқарисида эмас, балки шу ерда, рейхда-я! Ақл бовар қилмайди! Бу ҳақда Мюллерга хабар қилдингизми?

– Йўқ.

– Энди унга барча гапни етказаверинг, Штирлиц. Сизга вақт ажратишм борган сайин қийин бўляпти, вазият қанчалик жиддийлашганини ўзингиз тушуниб турибсиз, Мюллерга ишонаверинг, бу масалада у менинг тавсиямни олган...

Борман бункерга қайтиб келди-да, ўзининг ёрдамчиси штандартенфюрер Цандер амакиваччаси соқ-

чилар гвардиясининг бошлиги Альбрехт билан доим бирга яшайдиган чоғроққина хонага кириб, эшикни зичлаб ёпди.

– Цандер, рейхсмаршалнинг яқин одамларидан кимлар сизнинг маслаҳатингизга кўнади? – деб сўради у ёрдамчисидан.

– Майор Йоханмайер, – жавоб берди Цандер.

– Э, йўқ, – нимадандир афсусланиб эътиroz қилди Борман. – У шу ерда яшайди, у энди рейхсмаршалга тобе эмас, балки фюрернинг адъютанти. Мен Геринг билан доимо бирга бўладиганлар ҳақида сўраяпман...

– Полковник Хубер. У менинг ҳар қандай илтимосимни бажаришга тайёр.

– Пешанасида тириғи борми?

– Ҳа.

– Менимча, хотинининг қариндошларидан кимдир фитначилар билан алоқада бўлган шекилли? Амакиси эмасмиди?

– Худди шу боисдан мен унга ишонаман.

– Яхши номзод... Унга бутунлай ишонасизми?.

– Бунга асосим бор...

– Маъқул... Сиз у билан бирга Герингнинг душманга қарши курашни давом эттириши учун Альп ис-теҳкомига кўчиб ўтиши ҳақида ўйлаб кўриши масаласида иш бошлишингиз керак... Каринхалледа туриб авиацияга раҳбарлик қилиб бўлмайди... Сиз Хуберга, у эса, ўз навбатида рейхсмаршалга бу ерда, идорада, ҳар қандай воқеа содир бўлиши мумкинлигини, шу сабабли айнан уни, Герингни Гитлернинг вориси қилиб тайинлаш ҳақидаги фюрернинг буйруғи, айниқса, агар хиёнатчилар душман билан махфий алоқа ишларида муваффақиятга эришгудек бўлса, миллат тақдиди учун улкан аҳамият касб этиш мумкинлигини эҳтиёти билан эслатиб қўйишингиз лозим... Ўша Хуберингиз фақат аскарлар ўзаро сулҳ тузишини, Гимм-

лер эса ҳеч қачон аскар бўлмаганини, шу сабабли фюрер уни «Висла» армия гуруҳи қўймондонлиги лавозимидан бўшатганини Герингга доим эслатиб турсин... Ҳа, ҳа, худди шундай важни таъкидлайвериш керак... Геринг эса – аскар, буни ҳеч ким рад этолмайди... Бундан ташқари, бункерда юз берган барча воқеалардан Хуберни доимо воқиф этиб туришни ваъда қилинг. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам – ўзингизни мен ҳалокатга маҳкум этган одам сифатида тутиб, у билан тил биритириб олинг... Геринг қачон Альпга жўнаб кетиб, ўзини фюрернинг вориси, деб эълон қилишини кодлаштирилган ёзув орқали хабар қилишингизни унга айтинг.

«Марказ. Генерал Гудериан герман армияси штаби бошлиғи лавозимидан олиб ташланди. Унинг ўрнига бир пайлари, Мюллернинг сўзига қарагандা «русларга нисбатан ҳаддан ташқари ҳурматда» бўлгани учун қаҳр-газабга учраган Ганс Кребс тайинланади. Юстас».

«Юстасга. Биз номини сизга билдирадиган шахс билан алоқа қилишга Кребснинг қанчалик тайёр эканни ҳақида ахборот олишингиз мумкинми? Марказ».

Разведка бошлиғи Берлинда ўз ўйинини давом эттираётганилар орасида бу масала қанчалик катта қизиқиш ўйфотишини тасаввур қилган ҳолда телеграммага тезда жавобни кута-кута вақтини беҳуда ўтказганди.

Москвада унинг жавоби орзиқиб кутилаётганини Штирлиц биларди, унинг фикрини уқиб олишмагани эндиликда ўзига аён бўлди-ю, лекин у Мюллер ҳозир хонасида ўтириб Москвага жавобнинг ўзига манфаатли хилини ўйлаётганини билгани учун ҳам жавоб юбормади. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, у бу масалани Борман биларди мұхокама қилишга жазм этиши ва шундан кейингина Штирлицни муқаррар қизиқтирувчи Кребс ҳақида у-бу гапларни айтиш учун қулай вазият топиши мумкин.

Бўзарib кетган юзи шишинқираган Мюллер уни-
кига олдиндан огоҳлантирмай, эрталабга яқин ҳорғин
ҳолда кириб келди.

Приёмникнинг мурватини бураб, Лондон тўлқи-
нидан мусиқали эшииттиришни топди, шундан кейин-
гина креслога оғир чўқди.

– Сизга ҳозир шунақсанги бир нарсани кўрсата-
ман-ки – деди Мюллер йўталиб, – у национал-социа-
листик партиянинг ҳар қандай соғлом фикрли аъзо-
сига бемаъни ваҳима бўлиб туюлади-ю, бироқ, вази-
ятнинг аҳмоқона эканлигини қарангки, бу ҳужжатда-
ги, – Борман берган папкага жимжилогини текказиб
қўйди. – Ҳар бир жумла ҳақиқат. Шуни кўриб чиқинг,
Штирлиц. Яхшилаб кўриб чиқинг-да, бунинг нима-
лигини менга тушунтириб беринг...

МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ (ГЕСС)

«Бизнинг «чет эл ташкилотлари» хизмат бўлими-
миз олган янги маълумотлар партияга аъзолик гу-
воҳномасини ва 17-рақамли олтин нишонни фюрер
 билан бир ойда олган Рудольф Гесс ишига қайтиш-
га НСДАП ни мажбур қиляпти. Гесс фюрер билан
Ландсберг қамоқхонасидағи битта камерада жазо
муддатини ўтаган, ўша ерда Адольф Гитлер «Менинг
курашим» китобини айтиб туриб ёзdirган эди.

Ҳозир Гесс ёки Британия хуфялари бир одамни
шу Гесс бўлади, деб айтиётган киши қаерда, деган
саволга Гиммлернинг шахсий референтураси жавоб
беришдан бош тортияпти, дея Лондондан тарқатилган
ахборот туфайли юзага келган мушкулотлар ана шу
масалага қайтишни тақозо этган эди.

Гесснинг қаерларга учгани ҳақидаги маълумотга
эга бўлиш вазифаси зиммасига юклатилган рейхсмар-
шал Геринг даврасидаги одамлар ҳам бирор маънили

жавоб беришолмади. Айни шу одамлар жанговар машиналар ишлаб чиқаришга ҳам, 1939 йилнинг 1 сентябридан бошлаб рейх осмонида пайдо бўлган барча самолётларни кузатиб туришга ҳам масъул эдилар.

Шу ишни бандма-банд кўриб чиқайлик:

«1. 1941 йилнинг 10 май куни соат 17 дан 45 дақиқа ўтганда «Церштёгер» деб номланувчи, қанотлари остида бензин учун қўшимча иккита бак қўйилмаган «миссершмитт-IIО» маркали самолёт Мюнхенъ яқинидаги Аугсбургдан кўкка парвоз қилди. (Делода Гесс учган самолётнинг фотосурати бўлиб, Гесснинг адъютанти Пинг ёнидан уни қамоққа олиш пайтида топилган.)

2. 1941 йилнинг 10 май куни соат 22 да Британия авиациясининг радар асбоблари Нортумберландда Холен Айленд томон бир кишилик самолёт учёттанини пайқаб қолди (маълумот НСДАП нинг «чет эл ташкилоти» томонидан Буюк-Британия Ҳарбий-ҳаво кучлари сафига киритиб қўйилган «С-I2» агентидан олинган).

3. 1941 йилнинг 10 май куни соат 22 дан 50 дақиқа ўтганда номаълум учувчи парашютда Шотландияга тушди, «миссершмитт» маркали самолёт эса аварияга учради. Кейинчалик учувчи аввалига айтганидек «канпитан Хорн» эмас, балки фюрернинг ўринбосари Гесс эканини маълум қилди. У бу ерга тинчлик миссияси билан ўз ошнаси Альбрехт Хаусхоферннинг дўсти шаҳзода Гамильтон билан суҳбатлашиш учун келганди; эртаси куни картошказордан топилган «миссершмитт»нинг ёқилғи соладиган қўшимча иккита баки бор эди.

4. «Миссершмитт» ўюшмасининг тарих департamenti директори шифокор Эбертдан сўралганда, у Миссершмитт заводлари ишлаб чиқарган ҳар бир аэроплан учун сақланаётган барча делолар текширилганда корхона архивида фақат Гесс учган самолётнинг тасвири ва тафсилоти топилмагани сабабли фюрернинг ўринбосари учган самолёт хусусида бирорта жиддий маълумот беролмади.

5. Ҳарбий давр қонуниятига кўра, бирорта самолёт тегишли «учиш харитаси»сиз осмонга кўтарилиш ҳуқуқига эга бўлмагани, Гесснинг «миссершмитти» Мюнхенъ, Кёльн, Амстердам радар зоналари устидан учиб ўтгани ва ердаги кузатув хизматига паролни бериши лозим экани сабабли (акс ҳолда уни мажбуран ерга қўндиришарди ё рад этган тақдирда зенит тўпларидан ўт очиб йўқ қилишарди) люфтваффенинг барча бўлинмаларидан сўраб чиқилди, бироқ, 1941 йилнинг 10 май куни рейх территорияси устидан бир кишилик самолёт учганини ҳеч қаерда ва ҳеч ким қайд этмаган. (Шуниси ҳам борки, Геринг люфтваффеси аллақандай муҳим бир сабабга кўра, бу масала билан боғлиқ бўлган архив ҳужожатларини НСДАП га бермаган ҳам бўлиши мумкин.)

6. Гесс самолётини ёнилги билан тўлдириб олиш мақсадида Кёльн туманидаги ёки Голландиянинг бошиб олинган ҳудудидаги ҳарбий аэродромларидан бирига қўнгани тахмин қилиниб, буни ҳам люфтваффедан суриштириб чиқилди. Биз бундай гумонни кескин рад этадиган жавобни олдик.

7. Шунга қарамай, Глазгодан олинган маълумотга кўра, Шотландияда шикастланган «миссершмитт»-га осиб қўйилган баклардан бирида ёнилги борлиги аниқланган, қайта ёнилги қўймасдан ва қўшимча баксиз самолёт Англия соҳилларига етиб боролмаган бўларди.

8. 1941 йил март ойининг охирларида рейхсмаршал Герингнинг таниқли арзандаси, люфтваффе генерали Удет «кемаларни қўриқлаб бориш» учун «миссершмитлар» эскадрильяси билан Норвегиянинг жанубига кўчирилди. Унинг барча самолётлари «Церштёрер» типида бўлиб, фюрернинг ўринбосари Аугсбургдан худди шунақасида учган эди. Удетнинг штаби эскадрилья аъзоларининг 1941 йил 10 майда учганлиги ҳақида НСДАП га маълумот беролмади,

чунки унинг сўзига қараганда, ўша даврга оид ҳужжатлар бомбардимонларнинг бирида ёниб кетганди.

9. Шимолий денгиз қирғоқларида жойлашган «миссершмиттлар» эскадрильясига қўмондонлик қилган люфтваффе генерали Адольф Галланднинг гувоҳлик беришига қараганда, Гесс учиб ўтиши лозим бўлган вақтда унга рейхсмаршал Геринг қўнғироқ қилиб, фюрернинг «ақлдан озган» ўринбосари Англияга учаётган самолётни уриб тушириш учун эскадрильяга буйруқ беришни талаб қилган. Бу воқеа 10 май куни кечқурун, яъни «миссершмитт» Аугсбургдан осмонга кўтарилганидан кейин орадан бир ёки икки соат ўтгач, у соҳилга етиб бормасидан олдин юз берган. Бироқ, эртаси куни фюрернинг штаб-квартирасига Гесс иши юзасидан Геринг билан НСДАП нинг бошқа пешволари чақирилган шошилинч кенгашда Гесснинг бу учишлари ҳақида рейхсмаршал ҳеч нима билмаслигини айтган.

10. Лондондан олинган ахборотга кўра, Гесс медицина кўригидан ўтказилганда асирининг баданида ҳеч қандай жароҳат борлиги аниқланмаган. Лекин 1937 йилнинг 23 ноябрида ҳарбий госпиталимизда ёзилган врач картасида фюрернинг ўринбосари жанг майдонларида олган қуийидаги жароҳат излари қайд этилган: 1916 йилнинг 12 июнида Думант остонасида снаряд парчаси чап қўли ва оёғини яралаган; 1917 йилнинг 25 июляда у яна чап қўлидан яраланган; 1917 йилнинг 8 августида Унгерсан яқинида чап биқинига ўқ тегиб яраланган.

11. Глазгодан олинган ахборотга кўра, Буюк-Британия мудофаа министрлигида мамлакат ҳудудида юз берган барча авиаация ҳалокатлари ҳақида маълумотлар сақланмоқда; шунга қарамай, Гесс учиб келган «миссершмитт» ҳужжатлари гўё мудофаа министрлигида йўқ эмиш.

12. Дублиндан олинган маълумотга кўра, Черчиллнинг ҳарбий хонаси Гессни суратга туширишни тақиқлаб қўйган. 1941 йилнинг май ойида фюрер британияликлар карахт қилувчи доридан фойдаланиб, Гессни радиомикрофон ёнига олиб келишидан ва у рейхга эшиттириш бошлишидан ниҳоятда ҳайиқсан эди; бу иш содир бўлмади, чунки унинг овози Германияда ҳаммага таниш эди. Эндиликда асир сақланаётган ўша лагерда Черчилль хонасига йўлланган маҳфий баёнотномаларнинг бирида ўзаро муносабатлари зўрма-зўраки экани ҳаммага маълум бўлса-да, Гесснинг рейхсмаршал Геринг билан ошначилик қилгани ҳақидаги сўzlари ва дўстлик алоқалари бўлишига қарамай СС рейхсфюрерини койигани ёзилганди. Шунингдек, асирнинг гўшт ва балиқ ейиши, очофатлик билан чапиллатиб овқатланиши маълум бўлди, ваҳоланки, фюрернинг ўринбосари вегетариан¹ бўлиб, ўзининг нозик табиати билан ажralиб турарди.

13. Ҳозир, Фарб билан хоинона музокаралар асосидаги бу алоқалар кечагина эмас ва уни фақат Канарис билан Шелленберг бошламаган, деган хуросчи чиқариш мумкин. Геосиёсатнинг таниқли асосчиси Ганс Хаусхофернинг ўғли Альбрехт Хаусхофер ҳали 1940 йилнинг 27 апрелидаёқ Гесс томонидан Женевавага Швеция «Қизил Крести»нинг президенти шифокор Буркхард билан рейх ва Буюк-Британия ўртасида сулҳ тузиш зарурияти тўғрисидаги масала муҳокама қилинган учрашувга жўнатилганди. Ўша Альбрехт Хаусхофер бевосита Гесснинг топшириғига биноан Лондон билан сулҳ шартномаси тузиш учун замин тайёрлаш мақсадида Лиссабонда «Робертс хоним» билан алоқа қилиб турган эди. Бинобарин, фюрернинг ўринбосари «Барбарос» операциясининг бош-

¹ Вегетариан – гўшт емай, мева ва савзвотлардан тайёрланган овқатларни танаввул қилувчи.

ланиш арафасида Фарбда Берлин билан Лондон ўртасида сулҳ тузиш тоясига ҳамкорлик қилиш учун бутун имкониятни ишга солишга тайёр турганлар билан мустаҳкам алоқа тармоқларига эга бўлган.

Юқорида баён этилганларга асосланиб, Гесс Шотландияга эмас, (ўз миссияси фош этилиши эҳтиётини қилиб у ерга қиёфадош жўнатилган) балки хусусий аэрородроми бўлган бетараф мамлакатлардан бирига учганини; ўша ердан Гесс бошқа машинага ўтириб, ўзининг сулҳ ҳақидаги таклифи билан Лондонга бориб қолган бўлишини тахмин қилиш мумкин; бу пайтда эса «капитан Хорн» ўта маҳфийлаштирилган «сулҳ комбинацияси»да ўхшаш шахс сифатида юқори мартабали маҳбусларга мўлжалланган маҳфий лагерда эди. Шундай қилиб, «Гесс-Черчилль» муносабатлари аллақачон мавжуд бўлганини фараз қилиш мумкин.

14. Модомики, мен Гесснинг ўринбосари сифатида унинг «сулҳ ҳақидаги ниятлари»дан хабардор бўлсан-да, лекин буни фюрер билан келишиб олган, деб ҳисоблаган эканман, модомики, ўзим билан бирга ишлаётганларга нисбатан дўстона муносабатда бўлиш ҳамма вақт менинг шиорим эди ва шундай бўлиб қолар экан; модомики, шубҳаланиш национал-социалистларнинг идеологияси ва амалий ишларига хос эмас экан, қуйидаги саволлар юзага келади:

а) рейх олий раҳбарлигидан ким Гессга унинг резасини амалий жиҳатдан бажаришига ёрдам берган?

б) жанговар машиналарнинг учишини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган Геринг одамларидан қай бири Гиммлер билан ҳамкорлик қилишга қўнган бўлиши ва фюрер ўринбосарининг Черчилль билан сулҳ музокарасини пухта маҳфийлаштириш мақсадида Гесс қиёфадошининг Шотландияга чалғитувчи учишини тайёрлаган бўлиши мумкин?

в) Геринг Гесс билан иттифоқ тузиши мумкинми?

г) Канарис ёки армиянинг бош штабидаги унга яқин одамлар рейхда исталган илтимоси Адольф Гитлернинг кўрсатмаси сифатида баҳоланувчи фюерернинг ўринбосарига шу хилдаги ёрдам бериши мумкинмиди?

д) агар Гесс уруш тутагандан сўнг национал-социалистлар ҳаракатига пешволикни даъво қилиган тақдирда, уни фош этиш учун ҳужжатлар етарлими, агар етарли бўлмаса, яқин кунлар ичизда уларни қандай олиш мумкин?

Бу баённатномадаги ҳатто битта сўзни ҳам ошкор этган одам гуноҳкор ва унинг оиласи қаерда яшashi ҳамда НСДАП олдидаги хизматлари қанчалик улкан бўлишидан қатъи назар қатл этилиш билан жазоланади».

Ҳужжатнинг сўнггида Борманнинг имзоси йўқ эди, фақат ғалати панжара-гулчин белги қўйилганди, бироқ рейхслейтер 1945 йилнинг февралида етмиш минг доллар Буэнос-Айресдаги «Торнкист» банкида «Шифокор Фрейд» номига ўтказилгани ҳақидаги ҳужжатни худди шундай белги билан тасдиқлаганди.

...Гесс фюерернинг ўринбосари бўлган чоғда бу каби тоифадаги молиявий ҳужжатларнинг бирорта-сига ҳам имзо чекмаганди, шунинг учун у бу маънода Борманга хавфли эмасди; у олий мансаб нуқтаи-на-заридан хавфли эди; ялпи конформизм муҳлисларининг ҳаммаси пулни эмас – билимни, қалбни эмас – лавозимни, ор-номус ва ахлоқни эмас – орденлар савлатини қадрловчи одамлар эди, ҳозир ҳам шундай ва худди шундай бўлиб қолади.

Штириц ўқиб бўлгач, Мюллер сабрсизлик билан сўради:

- Ҳўш?
- Ҳозирча тушунмаяпман.
- Гиммлерми? Гессга туртки берган ўшами?

Штириц бош чайқаб қўйди:

– Бу ҳақда ҳеч кимдан ҳеч нима эшитмаганмидингиз? Ахборот сизга етиб келмаганмиди? Ҳеч бўлмаса, акс-садоси?

– Штирлиц, фюгернинг «биродарлари», партиямизнинг доҳийлари, унинг ташкилотчилари бўлмиш Грегор Штрассер билан Эрнест Ремни қандай ўлдиришганини фақат ўтган йили билиб қолдим. Иккаласи ҳам отилиш олдидан: «Хайль Гитлер!» деб ҳайқиришганини менга айтиб беришди. Улар жаллодларга фюгернинг алданганини уқтириб зор-зор йиглашибди, улар фақат битта нарсани – фюрер билан учраштиришни илтижо этишибди. Иккаласи қамоқча олиниш арафасида Гитлер уларга ёзган хатни менга яқингинада кўрсатишди. У национал-социалистик революция ҳаҳрамонларига ўзининг дўстлик ва миннатдорчилик туйгулари ҳақида ёзганди, у ўзининг «партиядош биродарлари Грегор ва Эрнстга» ўзининг чексиз ҳурматини изҳор қилган, у булар билан «санлаб» гаплашган ва ҳар доим ўзи билан бирга бўлишларини илтимос қилганди.

– Борман сизга нисбатан айёрлик қилмаётганига, ишончингиз комилми? Гессни алмаштириб қўйишнинг нима ҳожати бор эди?

– Менда иккита тахмин бор. Биринчиси: қиёфадошни Борманнинг ўзи – Гиммлер орқали – Шотландияга жўнатган; ҳақиқий Гессни эса русларга қарши зарба бериш арафасида, уруш бошланишига атиги қирқ кун қолганда НСДАПнинг Испаниядаги махфий таянч базасига ўtkазиб юборишган. Агар сохта Гесс инглизлар билан сулҳ тузиш ҳақида келишиб олса, бу ишда ютиб чиқлади, уруш битта фронтда бошланади-ю, британияликлар бизга фюгернинг сохта ўринбосарини қайтариб беришади, ҳақиқийси ҳам қайтиб келади, операциянинг сири сақлаб қолинади. Иккинчи тахмин: Борман ҳокимият учун ўзи олиб бораётган курашда Гессни алмаштириб – Геринг ёки Гиммлер орқали, бунинг аҳамияти йўқ – қўйганда, уриб туширилган Гесс ўrniga Норвегиядан, ўз базамиздан жўнатилган унинг қиёфадоши Шотландия-

га дарҳақиқат учиб борган. Демак, Борман русларни қўрқитган ҳолда ҳозирнинг ўзида: «Ҳақиқий Гессни Черчилль яшириб қўйган, унинг телба қиёфадошини қайтариб беришади, фюрернинг ўринбосарини эса Гитлернинг ҳалокатидан кейин Германияда раҳбарликка тайёрлашяпти!» мазмунидаги кампанияни бошлаб юбориши мумкин.

– Бу материалларни сизга қачон қайтариб беришм керак? – сўради Штирлиц.

– Ақлдан озибсиз, – деди Мюллер ўрнидан қўзгалиркан. – Менга қолдириб кетади, деб ўйлаяпсизми?

«Ҳеч нимага тушунолмай қолдим, – ўзича ўйлади Штирлиц уйининг зинапояси ёнидаги машинага Мюллерни кузатиб чиқаркан. – Кребс ҳақида гаплашиб олиш учун келганига ишончим комил эди. Наҳотки шунчалик гангиб қолган бўлсан?»

Мюллер зинапоядан ҳоргинлик билан тушаётганидагина Штирлиц орзиқиб кутган гапни айтиб қолди:

– Мен Борманга тушунолмаяпман. У штаб бошлиги лавозимига Кребсни тиқиштирди-я. Гудериан ўлса ҳам чекинмаган бўларди, Кребс эса қизилларни биз учун мақбул шартлар асосида бу ерга киритиш учун улар билан музокаралар столи атрофидан жой олиши мумкин. У шундай қилиши мумкинки, натижада руслар Берлин жангига курашсиз ютиб чиқишиади.

(Мюллер рейхслайтер берган материал ўзидан бошқа ҳеч кимга ва ҳеч қачон ишонмайдиган Борман олиб бораётган маккорона ўйиннинг таркибий бир қисми эканини хаёлига ҳам келтиромасди. Борман айни Гесснинг ўзи инглизлар қўлида экани, Хорн эса агар шунақаси мавжуд бўлса, британияликлар томонидан кераксиз гувоҳ сифатида аллақачон йўқ қилингани ҳақиқати аниқ маълумотта эга эди. Унинг тахминича, агар бу сохта ахборот Мюллер орқали Москва-га жўнатилса, у русларнинг сабр косасини тошириб юборадиган томчи бўлади.

...Бироқ, Штирлиц рейхслейтернинг фикрини сезиб қолди ва ўз навбатида Борман-Мюллер зиддиятидан иборат бу ўйин фақат эҳтимолдан холи бўлибгина қолмай, балки маълум бир вазиятда халос қила-диган восита, деб ҳисоблади.)

«Марказ. Мюллernerning фикрича, Кребс алоқа қилишга тайёр; бироқ, бу алоқалар бункерда сиёсий вазият ўзгарганини белгилайдиган пайт етиб келиши билан амалга оширилиши мумкин. Аввалги ахборот учун тўланадиган пул менинг ҳисобимга қачон ўтказилади? Юстас».

Разведка бошлиғи Исаевнинг бу радиограммаси Сталинга қандай таъсир қилишини тушунгани учун унга ҳозирча бу ҳақда ахборот бермасликни ўйлаб қўйди. У Исаевнинг ўйинини қабул қилиб, яна иккита шифровкани Берлинга жўнатди. Уларда Штирлицга янги «васийси» бўлмиш Рубенау билан Швейцарияга жўнаб кетиш имкониятини яратишга ёрдам берган ҳолда «Юстас»дан камида бир ҳафтадан кейин алоқага чиқиш сўралган ва ўн кундан кейин унинг Берлинда «алоқачини топиши» зарурлиги билдирилган эди.

Рус разведкаси ўйиннинг шу қисмини бошлаб, Исаев учун кўлга киритиладиган ҳатто бир соат ҳам унинг тақдира, Берлинга зарба бериш мақсадида олдинги маррада турган юз минглаб совет жангчилари тақдира учун ҳал этувчи фурсат бўлиши мумкин, деб фараз қилганда ҳақли эди.

МАНА, ГЕСТАПОНИНГ ИШЛАШИНИ ҚЎРИБ ҚЎЙИНГ-II

Штирлиц Марказга жўнатган охирги шифровкани Мюллер узоқ текширди, аллақандай тушуниб бўлмайдиган геометрик шакллар чизиб чиқди ва Москванинг камида бир ҳафтадан кейин алоқага чиқиш ҳақидаги кўрсатмасига келганда ҳар сафар қоқилиб қолаверди.

«Ҳозир ҳар бир соат ғанимат, – қайта-қайта таъкидларди ўзига. – Шундай экан, қандай қилиб ўз одамига мунтазам равишда ахборот юбормасликка ижозат бериш мумкин? Ҳар дақиқада бир тасодифни кутиш мумкин, қўл беморнинг томирини сезиб туриши керак, шундай экан, нега алоқа етти қунга узиб қўйилди? Балки, улар асосан алоқачидан умид қилишяпти-микан? Агар Штирлицни оқибати фош этилиш билан тугайдиган фаол ҳаракат қилишга ундалса, унга зарар етказиб қўйишдан чўчишяптими? Айтайлик, бугун Штирлицни қўлга оламан, унга барча шифровкани кўрсатаман, булар – рад этиб бўлмайдиган далиллар, ундан мен учун ишлашни талаб қиласман, у рад этади; мен шунақсанги қийноқларни қўллашим мумкинки, оқибатда ё рози бўлади, ё ақлдан озади. Аниқроғи иккинчиси юз беради. Хўп яхши, айтайлик, у ахийри енгилади, ва мен учун ишлай бошлайди, дейлик. Лекин у ҳозир ҳам мен учун ишляяпти-ю, фақат шубҳали-да! Нега бўлмаса мен шунчалик асабийлашиб қолдим?»

Мюллер ўзининг миясидан келган фикрлар оқимини уқиб олишга уста эди, овоз оҳангি, талафуз, услугбини аниқ фарқлай оларди-ю, фақат одатда тиниш белгиларига келганда янглишиб кетарди: қаерда қўшнуқта, қаерда тире борлигини уқиб ололмасди.

У «асабийлашиб» деган сўзда қўққисдан тўхтаб қолди, ё тавба, бу эски сўз, уни охирги марта бувисидан эшитган, бувиси ўзининг асаб торлари бўشاшиб кетганини тез-тез эслатиб турарди, уйдагилар эса: саводсиз кампирда бунақанги олимона ибора қаердан пайдо бўлиб қолди, деб кулишарди.

Мюллер аввал ўзининг қиқирилаган кулгисини, кеин эса ўзига ўзи берган жавобни эшитди: «Сен Штирлицнинг Швейцарияга жўнаб кетиши лозим бўлган кун яқинлашаётгани учун ҳам асабийлашяпсан, сен унинг ўша ерга жўнамаслигини қандай асослашни

бilmаяпсан. Уни бетарафлар томонига қўйиб юбо-риш мумкин эмаслиги сенга бошидан маълум эди, лекин сен бир ҳафта олдин ўйлаб қўйилган тадбирни қолдириб, олифтагарчилик қилдинг – мана шунинг учун ҳам шунчалик асабийлашяпсан. Штирицнинг чеҳраси доим кўз ўнгингда турибди, шу ҳафта мобайнида юзи қанчалик қаримсиқ бўлиб қолганини, у кек-сайганини, чаккаси оқарганини, кўзлари атрофини ажин қоплаганини кўряпсан, иккита ўн қаватли бино орасидаги ингичка дор-сим бўйлаб бораётганини у ҳам тушунада пастда турган оломон эса сукут сақлаб, унинг мувозанатини йўқотиб қўядиган, қаддини ростлаб олиш учун қўлларини ҳадеб силкитадиган дақиқани иштиёқ билан кутади, кейин у йиқилаётиб бармоқлари билан симни чанглаб олишга ҳаракат қиласди-ю, бунинг уддасидан чиқолмай қичқириқ, илтижо, хириллаш ила пастга, илиқ асфальт томон қулайди, унга ҳозир, ҳали ерга йиқилмай ўлим ато этсин, бу унчалик қўрқинчли бўлмайди – унда ҳеч бўлмаса аллақандай умид бўлади; ерга гурсиллаб тушганингдан кейин умид қилишга умрбод ҳожат қолмайди... Дарвоҷе, «асабийлашяпти» сўзи ўрнига ҳозир «ҳаяжонга тушяпти»ни ишлатишяпти, тўғриси, омухта тушунчалар, маънони алмаштириб қўйишлар қанчалик хунук... Шуниси ҳам борки, – хоргинлик билан ўйларди Мюллер, – нега энди Штириц бу сафар Кребс масаласида Борманнинг фамилиясини тилга олмай, фақат меникини айтди? Мен унга буни муайян белгилаб бергандим, мени тушунмаслиги мумкин эмасди, шундай экан, нега энди ўзининг Марказига бунчалик эҳтиёткорлик билан ахборот юбордийкин? Агар у ахборотни чўзаётган бўлса-чи? – ўзига эътироуз билдириди Мюллер. – Ахир у ўз ҳисобига қачон ва қаерга пул ўтказилганини хабар қилишни мунтазам равишда талаб этяпти-ку!.. Дагмар масаласида ҳамма

иш пухта бажарилди, «ундан» бизнинг манфаатимизни кўзловчи шифровкалар келиб туради; Дагмарнинг ишини давом эттираётган анави Марта ҳатто нимаси биландир унга ўхшаб кетади... Нимадан асабийлашаётганимни тушунгандга ўхшайман, – деди ниҳоят Мюллер. – Мен қўшинларимиз кириб бормасидан бир кун олдинги Парижни доим эслаб юраман... Ваҳимага тушган аҳолини бир оз тинчтиш, эвакуацияга уюш-қоқлик тусини бериш учун ҳукумат томонидан қилинган барча уринишлар пучга чиқди. Танкларимиз Парижга яқинлашганда вазиятни жиловлаб бўлмай қолди... Жуков штурмни бошлаб, Одер орқали ўтиб пойтахтимизга яқинлашганда, бу ерда, Берлинда ҳам вазият жиловсиз қолади-да, Штирлиц гойиб бўлиши мумкин, агар Борман сўнгги дақиқагача қизиллар билан келишолмаса, Фленсбургга, сув ости кемаси матрослари ҳузурига йўл олишдан аввал Штицлицнинг Маркази билан алоқа қилиш учун у айни ўшандада керак бўлади... Яна шуниси борки, Штирлиц гойиб бўлса, режаларим гултожи – русларга асосий зарба беришни амалга оширолмай қоламан. Унинг гойиб бўлишга асло ҳаққи йўқ, чунки унда менинг Farbga бўлган иккинчи умидим чиппакка чиқади, қўлингни бурнингга тиқиб борсанг у ерда қабул қилишмайди... – Майли, бас энди, – ўзини тўхтатди Мюллер. – Ўзингга жа эрк бериб юбординг, бунаقا килиш ярамайди. Ёдингда бўлсин: агар одам бутунлай тўс-тўполон дақиқаларида тартибот ҳақида ўйлай олса ва фактларни ҳалқачаларга майдалаб, болаларнинг турли хил рангдаги қайроқчалардан ишланган шакллари сақланадиган қутичага солиб қўёлса, ўша одам енгиб чиқади. Агар у ҳиссиётга, хомтамаликка, хомхаёлликка берилса, уни эзиб, янчидан ташлашади... Қайроқчалардан шакллар ясайвер, вақт оз қолди... Шундай қилиб, биринчиси: бугун менинг бригадам Штирлицнинг Потсдамда-

ги радисти яшайдиган уйга мина қўйиб кулини кўк-ка совуради... Майли, алоқасиз қолаверсин, майли, алоқачини излайверсин, бу ишга ёрдам беради, майли, асабийлашаверсин. Иккинчиси: чегарадан ўтиш жойини ҳозироқ беркитиш керак. Учинчиси: унинг Швейцария рухсатномаси бўлган фуқаролик паспортини тезда бекор қилиш лозим. Тўртингчиси: Ганс... «Интерпол»¹ учун мен Дагмарни тайёрлаб қўйдим; агар Штирлиц бари бир бетарафлар томон ўтиб ке-тишга муваффақ бўлса, уни тутиб олишади; бу ерда эса Ганс масаласини ҳал этганимдан сўнг у жиноий полиция қўлига тушади. Тамом-вассалом... Мана шу-наقا... Ана шундан кейингина воқеалар ривожига қа-раб иш тутамиз... Сен ўзингга яна кўнглингдаги бор гапни айтмаяпсан, Мюллер... Сен ишни Штирлицни қамоққа олиш ва унга: «Оғайнни, сиз Марказга йўл-лайдиган шифровка мана бундай мазмунда бўлиши лозим: «Мюллер бир пайтлари мени фош этилишдан сақлаб қолган ва шу йўсинда Вольфнинг Даллес билан музокараларини барбод қилишда ёрдам берган; энди у ҳамкорлик қилишни таклиф этяпти, бироқ, бунинг учун келажакда шахсий хавфсизлигини таъ-минлашга кафолат талаб этяпти», дейишга сени ҳаёт мажбур қилаётгандек бўляпти. Сен Штирлицнинг бу шифровкани қандай тузишини кўрмоқчи бўляпсан, сен унинг хўрланишидан лаззатланишни истаяпсан, ҳаммасидан ҳам кўра, сен унинг Марказидан олина-диган нафратли рад жавобини кутяпсан, чунки бу нафратли рад жавоби туфайли юзага келган вазиятни енгиб чиқиб, тирик қолиш ва ҳаммасини бошидан бошлиш учун қувватингни тўплаб иродангни жамла-санг кучингга куч қўшилади...»

Штирлиц радиист Лорх яшаган Потсдамдаги чогроққина уйнинг харобасидан Бабельсбергга қай-

¹ Интерпол – халқаро полиция.

тиб дарвоза ёнида турган полиция машинасига кўзи тушди-ю, бутун аъзои бадани бўшашиб кетганини ҳис этиб, ўйиннинг сўнгги босқичи бошланганини фаҳмлади. У бу ердан қочиб кетишнинг иложи йўқлигини тушунди, афтидан, барча йўллар тўсиб қўйилган, шундай бўйлгач, машинадан тушиб эшигини ёпишдан ва таваккал қилиб уй томон юришдан ўзга чора йўқ эди.

У шундай қилди.

...Жиноий полициянинг икки инспектори билан сураткаш Ганснинг мурдасини кўздан кечиришмоқда эди. Йигит чаккасидан отиб ўлдирилган бўлиб, бош суюгининг ярми ўпирилиб кетганди.

Катта полициячи Штирлицнинг шу ерда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатини текшириб бўлиб сўради:

– Сиздан бошқа бу ерга ким келиши мумкин?

– Ҳеч ким... Изи борми?

– Бу билан ишингиз бўлмасин, жаноби шифокор Больzen... – жавоб берди кичик полициячи. – Ўзингизни Роберт Лей номли халқ корхонангиз билан шуғулланаверинг, бизга эса ақл ўргатманг...

– Бу уй шифокор Больzen номига сотиб олинган, мен эса штандартенфюрер Штирлиц бўламан.

Полициячилар бир-бирларига қараб олишди.

– PCXA га қўнгироқ қилиб суриштиришингиз мумкин, – таклиф қилди Штирлиц.

– Телефон симларингиз узиб қўйилган, аппаратурингиз эса синдириб ташланган, – жавоб берди катта полициячи, – шунинг учун PCXA га бизнинг жиноий полиция бўлимидан қўнгироқ қиласиз. Қани, кетдик.

Жиноий полиция туман бўлими биносидан сўндирилган оҳак, хлор ва зах ҳиди анқирди; деворларга пропаганда рейхсминистрлиги чиқарган «Берлин немисларники бўлиб қолади!», «Т-с-с-с! Душман қулоқ соляпти!», «Немис рицари рус ваҳшийсини букиб қўяди!» каби ёзувли плакатлар тартиб билан ёпишти-

риб қўйилганди. Плакатлардаги аскарларнинг гавда-си ва юзлари файритабиий равишда семиз, мускулла-ри ва жаги ўткир қилиб тасвиrlанганди.

«Бунаقا бўлишини хаёлимга ҳам келтирмагандим, – деб ўйлади Штириц уни ҳурмат билан олдинга ўт-казиб, лампочка хира ёритиб турган кичик бир хо-нага бошлаб киришгач. – Яна кутиш керак; воқеалар мени ортда қолдиряпти, ўз йўналишимни белгилаб олишда ожизлик қиляпман, нима қилиш лозимлиги-ни ўйлаб олишимга вақт беришмаяпти».

Узун рақам ва ҳарфлар ўйиб ёзилган кўплаб мепталл жетонли, атайин мунгли кулранг мебеллар билан жиҳозланган мана шу сичқонхона каби иркит стол ортида темир гардишли ямалган эски кўзойнак тақсан ушоқина бир одам ўтирганди, у кишининг ғашини келтирган ҳолда паркетни шап-шап тегиб қў-йиб, катта қоғозга нималарнидир тез-тез ёзарди.

У Штирицга қаради-да, юпқа кўкимтири лаблари билан жилмайгандек бўлиб оҳиста деди:

– Бу ишлар ноқулай бўляпти-да, жаноби шифокор Больzen...

– Биринчидан, хайль Гитлер! – секин ва бамайли-хотир жавоб берди Штириц. – Иккинчидан, ходим-ларингизга ҳужжатларимни кўрсатганман... Фамилия хусусида англашилмовчилик бўлди, мен уйда бошқа фамилияда яшайман – оператив ишлар манфаати учун шундай қилинган, учинчидан, марҳамат, брига-ден-фюрер Шелленбергга қўнгироқ қилинг.

– Бунаقا тоифадаги раҳбарга мен ҳеч қачон қўнги-роқ қилолмайман, жаноби шифокор Больzen... Агар сиз чиндан ҳам ўзингиз айтиётган одам бўлсангиз, биз белгиланган тартибга биноан РСХА дан суриштирамиз, буни сизга ваъда бераман... Ҳозирча эса, марҳамат қи-либ, бир қатор саволларимга жавоб беришингизни ва ўйингизда юз берган воқеа хусусида тушунтириш хати-ни батафсил ёзиб беришингизни сўрайман.

– ...Саволларингизга жавоб бериб ўтирмайман, ёзишни эса хаёлимга ҳам келтирмайман... Сизни огоҳлантириб қўймоқчиман, бугун кечқурун мен хизмат юзасидан хизмат сафарига жўнаб кетишим керак... Агар бу ерда ушланиб қолсам жавоб беришингизга тўғри келади...

– Менга пўписа қилманг! – ушоққина кўзойннак кафти билан столни урди. – Мана! – у стол устида ётган рўпарасидаги қоғозга бармогини нуқди. – Бу уйингизда юз берган воқеа ҳақидаги хабар! Сиз у ердан чиқиб кетмасингиздан аввал! Сиз уйда бўлган пайтингизда ўқ отилган! Кейин сиз жўнаб кетгансиз! Шундай бўлганидан кейин ҳам мени қаршингизда гоз туришим керак, демоқчимисиз?! Генерал бўлганингизда ҳам турмайман! Бизда қонун олдида ҳамма teng жавоб беради! Вассалом! Уйингизда аскар ҳалок бўлди! Бу қандай содир бўлганини менга тушунтириб беришингиз керак! Истамасангиз – дастлабки тергов қамоқ камеррасига жўнайверинг! Агар чиндан ҳам ўзингиз айтган одам бўлсангиз, сизни излаб топишади! Аллақандай баҳтиқаро ўрмончи ёки қоровул суд бўлишини кутиб ўтираверади, сизни эса тезда топиб олишади!

Штириц қўйқисдан кулиб юборди. У жиноий полиция катта инспекторининг торгина хонасида туриб, ўзи дучор бўлган таърифсиз вазиятнинг нақадар аянчли эканини энди фаҳмлаб қолиб кулмоқда эди.

«Йўқ ўзим дучор бўлмадим, – ўзича изоҳ берди ҳамон кулиб. – Мени шунаقا аянчли ҳолатга тушиб қолишга мажбур қилишди, энди бу вазиятни ўз фойдамга буриб юборишим керак».

– Сиз ўтакетган палидсиз! – ўзини кулгидан тийиб деди Штириц. – Ўрни полицияда эмас, балки кимёвий ифлос моддалар омборида ивирсиб юрадиган миттивойсиз, сассиқ палидсиз!

У шу инспекторни ўзининг душманига айлантираётганини тушуниб турса ҳам ҳақоратлаб сўкаверди; бу паканани, афтидан, ўйинга киритишмаган, Гансни эса олдиндан режаланган ўйинга қўшишган; энди аён бўлди: пакана таваккалига иш кўрятти ва у ҳозир қаҳр-ғазабини сочади, мансабдор шахсни ҳақорат қилганлиқда, ҳокимият ва қонунни менсимай обўрисизлантиришда айблаб иш қўзгайди, рейхнинг бу сассиқ хонасида бир ёзилган қоғоз йўқолиб кетиши мумкин эмас, бу қоғоз, агар шахсан Мюллернинг ўзи аралашмаса, ўз ортидан бошқаларини ҳам эргаштиради, Мюллернинг эса аралашгиси йўқ: ортиқча гап-сўз бўлади. Ҳалокат арафасидаги ҳозирги кунларда ҳамма бир-биридан шубҳаланиш, чақимчилик қилиш, ваҳима... жазавасига мубтало бўлган... Ҳечқиси йўқ, майли, бунақа муносабат – уларнинг алоқасини билдирувчи яна бир далил, агар у Штирлицнинг хатти-ҳаракатини тушунган бўлса, ортиқчалик қилмайди, масъулиятни зиммасига олсин, ўзи йўлини топиб қутулаверсин...

Ушоқина полиция инспектори ўрнидан турди, шунда Штирлиц унинг камзули (иккинчи марта ағдариб тикилганга ўхшарди) ниҳоятда эски эканини, кўйлаги серямоқлигини, бўйинбоги ипакдек ярқирашиб дазмолланганини пайқаб қолди.

– Граус! – ушоқ ингичка, титроқ овоз билан қичқирди.

Кекса полициячи билан ҳалиги иккита инспектор ҳовлиқиб киришди: эшик ёнида тек қотиб туришди.

– Мана бу абраҳни камерага тиқинглар! У империя ҳокимиятини ҳақорат қилди!

Штирлиц деворларидан сув сизиб чиқаётган совуқ камерада пальтосини ҳам ечмай кат устига чўзилди-да, бугун жун кўйлагини киймаганига афсусланиб қўйди; худди болалик пайтида қилганидек тиззалари ни ийғиб букчайиб олди-да, ўша ондаёқ ухлаб қолди.

Швейцариядан қайтиб келгандан бери ўтган ҳафта мобайнида у биринчи марта хотиржам ухлади.

Мюллер юз берган воқеа бутунлай бошқача бўлишини кутганди.

У полиция бўлинмасида Штирлиц тезда Шелленберг билан гаплашишни талаб этади ва бундай имконият унга берилади, Шелленберг ўша ондаёқ у билан, Мюллер билан боғланади, деб фараз қилганди. «Мен Бабельсберг туман полицияси инспекторига қўнғироқ қилиб, – деб ўйлаганди у, – ахборотини тинглайман, воқеа содир бўлган жойга кетаётганимни айтаман; бригадани ола кетаман; инспекторлар Штирлицни полиция маҳкамасига олиб кетишганидан кейин менинг одамларим ташкил қилган далилларни топаман; штандартенфюрернинг олдида ушоқ инспекторга (фамилияси Шрипс, фалати фамилия, исми жарангдор – Вагнер, хотини Доротея, уч фарзанди бор; 1944 йилнинг июлидан бери НСДАП аъзоси, фюрерга суиқасд қилингандан кейинги ялпи васваса пайтида аъзо бўлган, ўша пайтгача четда турган, яширинча черковга қатнаб туради, ҳақиқаттгўй одамнинг ўзгинаси; Шарқий фронтда ҳалок бўлган укаси Гербертнинг оиласини қарамогига олган; фақирона кун кўради) дашном бераман; полициячининг фаросатсиз қўполлиги учун Штирлицдан кечирим сўрайман; уйдан бирор нима топилган-топилмагани ҳақида ўз одамларимдан бепарво суриштирган бўламан, улар ошхона деворида, қон ва мия қатиги ёпишган жойда шубҳали бармоқ излари борлигини, бу излар ўқ отилганидан кейин қолдирилган, деб бўлмаслигини, лекин шунга қарамай қунт билан текширувдан ўtkазиш лозимлигини айтишади; мен бармоқ изларини стол устига қўяман, заррабинни¹ олиб инспектор ишонч

¹ Заррабин – майда нарсаларни катта қилиб кўрсатадиган шиша.

ҳосил қилиши учун шифокор Бользендан шубҳа қилинаётган бармоқ излари унинг, Мюллернинг одамлари топган бармоқ изларига мутлақо ўхшамаслигини кўрсатаман, бироқ, инспектор Штирицнинг бармоқ изларини столга қўйиб иккаласини таққослайди, нимадир демоқчи бўлади, лекин уни гапдан тўхтатиб штандар-тенфюрердан жиноий полицияда олинган бармоқ изларини чўнтакка уриб, ўрнимдан қўзгаламан ва Штирицни ўзиш билан олиб чиқиб кетаман, машинага ўтирганимиздан кейин эса, Гансни ўлдириш нега зарур бўлиб қолганини суриштираман. Агар у халақит берган бўлса, буни уйда қилмаслик лозим эди. Энди, бунақангি мажародан кейин чегарадан ўтиш хавфли, Швейцария сафари барбод бўлиши мумкин, бу жиноий полициячилар ашаддий расмиятчи бўлишади, Мюллернинг бепарволиги оқибатида «шифокор Бользен амалга оширган жиноят» ҳақида Кальтенброннерга ҳисобот ёзишади, ўшанда чет эл паспорти умуман – ҳар ҳолда тергов пайтида – бекор қилинади.

Мюллер бундай ҳийла Штирицни чўчитолмаслигини тасаввур қилганди. У Берндан қайтиб келганидан кейинги биринчи сухбатдаёқ унинг ҳаёти хавф остида эканини асослаб берганди; унга ўзининг ҳайдовчисини инъом қилганди: Штириц буйруқ бўлишига қарамай, болакайни лақиллатиб кетганида ҳам, Дагмар Фрайтаг билан ишлаб уйга қайтмаган пайтида ҳам унчалик койимаганди.

...Штирицни полицияга олиб кетишгандан кейин орадан уч соат ўтган бўлишига қарамай, у ердан ҳамон қўнгироқ қилишмасди. Шелленберг котибиятида эндиликда гестаполик аёл иш бошлаган бўлиб, Мюллер тахмин қилганидек, агар олифта йигит билимдонлик қилиб, у билан дарров боғланса, ўша аёл тезда хабар берган бўларди.

Орадан тўрт соат ўтгач, Мюллер ўзининг шахсий кузатув хизматидан Штирицни олиб кетган машина-

нинг рақами (уни қизил полициячилар алмаштириб кўйишиган бўлишса-я, деб ўйлади-ю, ўша ондаёқ ўзига танбеҳ берди – ваҳимага тушиш ярамайди, ҳозирча бу ер ўзимизники-ю); олиб кетганинг ташқи қиёфаси, жиноий полиция одамларининг уйда қанча вақт бўлгани ҳақида аниқ маълумот талаб қилди.

Машинанинг рақами сохта эмасди. Ҳайдовчининг, сураткашнинг, инспектор Ульс билан Ниренбахнинг тасвири аслига мутлақо ўхшарди.

Орадан беш соат ўтгач, Мюллер хайриҳоҳ қўшнилардан бирининг: «Барно йигит шифокор Больzenни нотаниш одамлар олиб кетишди», мазмунида хабар қилишини ўюштиришни ўз ходимларидан талаб қилди.

Орадан олти соат ўтгач, бояги хабар РСХАда қайд этилиб, СС офицерлари ва уларнинг оиласарининг ҳавфсизлиги билан шуғулланувчи гестапо секторига берилгач, Мюллер олдиндан қўнгироқ қилиб ўтирамай, Бабельсберг жиноий полицияси томон йўлга чиқди.

Вернер Шрипс белгиланган тартибга мувофиқ қаттиқ овоз билан «Хайль Гитлер!» деб Мюллерни кутиб олди-да, ранги сезиларли ўзгариб ўз ўрнини унга бўшатиб берди.

- Бизнинг одам қаерда? – сўради Мюллер.
- Александрплацда... Мен ҳозиргина уни Александрплацга жўнатган эдим, группенфюрер...
- Жиноий полиция қамоқхонасигами?
- Ҳа.
- Уни нимада айблаяпсиз?
- Ҳокимият вакилини ҳақорат қилишда айблана-ди, группенфюрер! У империя хизматини адо этаётган мансабдорни номуносиб, ярамас сўзлар билан ҳақорат қилди.
- Империя хизматини фюрер бажаради, сиз эмас!
- Кечирасиз, группенфюрер...

– Сиз хизмат бурчини адо этаётган одамни қамоқقا олганингиздан хабардормисиз?

– Мен қотилликда шубча қилинувчи одамни қўлга туширганимни биламан, холос, бунинг устига у мансабдор шахсни ҳақорат қилиб...

– У – сиздан РСХАга қўнгироқ қилиб қўйишингизни илтимос қилдими?

– Ҳа

– Нега илтимосини рад этдингиз?

– У мендан бригаден-фюрер Шелленбергга қўнгироқ қилишимни талаб этди! Хизмат пиллапоясидан ҳатлаб ўтишга менинг ҳаққим йўқ!

– Илтимосини рад этганингиз учун сизни ҳақорат қилмадими кан?

– Йўқ, фақат бунинг учун эмас, – думалоқ кўзойнакли-пакана ўзини ниҳоятда аяб ахборот берди: – Мен шифокор Больzenдан унинг уйида юз берган воқеа хусусида ҳисобот ёзиб беришини талаб қилдим... У буни рад этиб, ҳеч нимани тушунтириб бермаслигиги айтди... Шу боисдан мен...

– У бари бир сизга ҳеч нима ёзиб бермадими?

– Йўқ, группенфюрер!

– Тушунтириб ҳам бермадими?

– Йўқ, группенфюрер!

– Менга айбноманинг нусхасини кўрсатинг. Бу мажаро ҳақида ҳеч кимга ва ҳеч қачон оғиз оча кўрманг. Бользеннинг уйидаги қотиллик ҳақидаги ҳужжатини мен олиб кетаман.

«Штирлиц ўз хатти-ҳаракати билан менга ёрдам берибди, – ўйлади ўзича Мюллер. – У менинг вазифамни енгиллаштириби. Мен уни трибуналдан қутқариб қоламан-да (тўс-тўполонда трибуналга тушиб қолиш ҳеч гап эмасди), Швейцария масаласи ўз-ўзидан қолиб кетади. У бетоқат бўлади, менга худди шуниси керак, тоқатсизликдан кейин ҳузуримга

келиб уни қутқарып қолганим эвазига мен буюрган ишларни бажаради.

Мюллер митти Вернер Шрипс билан гувоҳлик берган икки полициячи имзолаган айбномани кўздан кечириб чиқди-да, инспекторларни хонага таклиф этишни илтимос қилди.

– Мана бу ёзилганларнинг ҳаммаси бўлмаган гап, – деди уларга. – Тушунарлимис?

– Ҳа, – секин жавоб беришди Штирлицни олиб келган инспекторлар.

Мюллер пакана Шрипс томон ўгирилди.

– Бўлган гап, – деди у. – Мен ўз сўзимдан ҳеч қачон тонмайман, группенфюер.

Мюллер ўрнидан туриб хонадан чиқаркан;

– Эртага эрталаб соат еттида РСХА қабулхонасида бўлинг, – деди қисқа қилиб.

Штирлицни икки соатдан кейин Мюллернинг хонасига олиб киришди.

– Нега шундай бўлганини тушунтириб беринг-чи.

– Мириқиб ухламоқчи эдим, – жавоб берди Штирлиц.

Мюллер семиз бармоқлари билан юзини артиб, бошини чайқаб қўйди.

– Бу нима? Шуям тушунтиришми?

– Чарчадим, группенфюер, ўзим жалб этилган, қанча уринсам ҳам тушунмаётган ва афтидан охири-гача тушунолмайдиган ўйиндан чарчадим.

– Яхшиямки, полицияда сиз бармоқ изини қолдирмабсиз. Ошхонада, баҳтиқаро Ганснинг ёнида, бу фожеага алоқангиз йўқлигини фараз қилсан-да, сизни оқламайдиган яна битта бармоқ изи бўлган... Шелленберг нега ўйин шартини бузди? Нега у менга қарашли йигитни йўқ қилди?

– У бузгани йўқ. Бунинг унга нафи йўқ.

– Кимга фойдали?

– Мени Швейцарияга қўйиб юборишни истамаёт-ганларга, группенфюрер.

Штириц унинг фикрини уқиб олаётганидан Мюллэр яна даҳшатга тушди. Шу боисдан ҳужум билан жавоб берди:

– Нима жин уриб бояги паканани ҳақорат қилақолдингиз?! Нега?! Мен уни эртага соат еттига чақиртирганман! Мана, айбнома билан унинг ҳисботи, ўқиб чиқинг! Ҳарбий давр қонунлари тўғрисида ҳам ўйлаб кўринг... Ўқинг, ўқийверинг! У ерда бармоқ излари ҳам ёзилган! Агар иложини қилсам – сизни қутқариб қоламан! Иложини қилолмасам – ўзингиздан кўринг!

«Энг асосийси – уни ёнимдан жилитмаслик, – ўйлашда давом этди Мюллер, – унинг барча хатти-ҳаракатларини, якуний ишга тайёрланишини кузатиб боришим керак, ўқи ўзган бўлса ҳам мендан қочиб қутулолмайди; у менинг қартам – ягона имконияти бўлганда ўйнайман...»

Тўсатдан телефон ваҳимали жиринглаб қолди; энди Мюллер хонасига қароргоҳ билан тўппа-тўғри алоқа қилинадиган аппарат ўрнатилганди.

– Мюллер эшитади!

– Борман гапиряпти, – рейхслейтернинг овози одатдагидек ҳиссиз, бир текисда эди, – Менга... анави офицер... исмини унутиб қўйибман... шошилинч равища керак...

– Кимни назарда тутяпсиз? – нимадандир ҳайриқиб сўради Мюллер.

– Фарбга бориб келган офицерни.

– Шти...

– Ҳа, – чўрт кесди Борман. – Мен кутяпман.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ (ФБР директори Жон Эдгар Гувер) – II

Гувер йигирманчы йилда сўлларга қарши «узун пи-чоқлар» тунини қойилмақом қилиб уюштирганидан кейин, орадан кўп ўтмай, димиққан ва қизиб кетган Чикагода (уч ҳафтадан бери ёмғир ёғмай, қуёш беаёв қиздиради, астрологлар эса – бунақалар урушдан кейин беҳад кўпайиб кетганди – сайёralар тўқнашуви ва бу дунёning тугашини башорат қилишарди) президентлик лавозимига ўз номзодини қўйиши лозим бўлган республикачилар съездга тўпланишди.

Асосан Вильям Томпсонга – армия билан, пўлат қуиши саноати ва Морганинг банклари билан мустаҳкам алоқа қилувчи мультимиллионерга – умид боғлашди-ю, бироқ, демократларнинг қатъий норозилик кампаниясини бошлаб юборишидан ҳайиқиб туришди, чунки эҳтимолда тутилган номзод «Қизил Хоч»нинг Россиядаги миссиясига раҳбарлик қилган ва ўз жамғармасидан кўп маблагни дори-дармон, озиқ-овқатга эмас, балки оқлар ҳаракати учун қурол-ярог сотиб олишга сарфлаганини ошкора билдирганди.

Партия қароргоҳидаги мунозара ниҳоятда қизғин ўтди, вақт ўтиб борса ҳам бир қарорга келишолмасдия, партия раиси Хэйс турли оқимларни яраштиришга уриниб бунинг үддасидан чиқолмади; Томпсонни қулатишди (Рокфеллер гуруҳининг кўз илғамас таъсири эди бу).

Тунда, съезднинг якуний мажлиси арафасида қароргоҳнинг ақл ва сиёsat марказининг йигилиши чақирилди; Морган гуруҳидан вакил бўлиб сенатор Генри, Кэббот Лож билан Жеймс Водсворт иштирок этишди; «Чикаго трибьюн» газетасининг хўжайини Маккомик «Интернешил харвестр компани» манфатини ҳимоя қилди; ку-клукс-клан эса ўзининг сал-

моқли таъсирини Индианадан келган сенатор Уотсон орқали амалга ошириди. Айни шу тунда тор доирадаги кенгашга улуг бир одамни ландавурга айлантириш, гирт жиннини буюк мутафаккир қилиб кўрсатиш қобилияти билан шуҳрат қозонган «Харвис Викли»нинг директори ва ношири Жорж Харвани ҳам таклиф этиди.

– Яратувчилик тасаввурлар эркинлигидан бошланади, – дерди у ўз мухбирларига. – Аввал бирор мақолани ёзинг-да, сўнг унинг ичига одам, факт, мамлакат, тарих, шайтонни, борингки, ойни киритиб қўйинг.

– Бу сизнинг ишингиз, ёзганингиз менинг ишимга хизмат қилса бас. Бир пайтлари мен Вудро Вильсонни ўйлаб чиқаргандим – у президент бўлди. Мен Бразилияда тўнтариш ўюштириш заруриятини биринчи бўлиб пайқадим, уни ўйлаб чиқдим ва шундай тўнтариш юз берди. Мана шунаقا, йигитлар: жасурлик, эркинлик, ғалабага ишонч керак; қолган ҳаммасини мен тўлайман, олга, асосийси – орқага қайтмаслик!

Харви Чикагога Вашингтондан келди; у Вашингтонда Жон Эдгар Гувер билан учрашиб икки соат сухбатлашди; тахмин қилинган номзодларни мұхокама қилишди; Харви саволларни ёғдириб ташларди, Гувер эҳтиёткорлик билан жавоб берарди: ҳамма гапни очиқасига айтишни лозим кўрмади – эндиликада у фақат сўллар ҳақидағина эмас, балки сенатор ва конгрессменлар ҳақида ҳам яширинча маълумотлар тўплашни бошлаб юборгани унинг шахсий сири эди, буни ҳатто министр ҳам билмасди.

– Менга қаранг, Жон, – деди ниҳоят Харви, – мен билан мушук-сичқон ўйнашманг. Кўп нарсалардан хабардор эканингизни сезиб турибман; агар сиз президентлик лавозимига бўлажак даъвогарлардан қай бири ўз шаънига доф туширганини айтиб бермасангиз, ҳолингизга ниҳоятда ачиниб кетаман; агар рес-

публикачилар партияси овоз берганидан кейин бизнинг одамимизни шарманда қилишса сизга яшаш қийин бўлади, бу гапни бутун масъулиятни зиммамга олиб айтяпман.

Гувер ўшанда бундай жавоб берди:

– Мен қўрқоқлардан эмасман, Жорж. Мен меҳр гадосиман. Қўполлик мени гунг қилиб қўяди.

– Агар биз Оқ уйга ўтсак, янги президент сизни қўллаб-қувватлайди ва Америка баҳт-саодати йўлидан ишларингизда тўла эркинлик беради, деб ваъда қиласман.

– Буниси иликроқ гап бўлди, – деди кулиб Гувер. – Менга қолса, Элберт Хэрини бўлажак номзодликка қўйиши маслаҳат бермаган бўлардим. Гарчи у «ЮС стил корпорэйшн» ўюшмаси кузатув кенгашининг президенти бўлса ҳам, гарчи бадавлат бўлса уни ёқтиришмайди: ёшлигига коллеж қизларини ранжитгани учун уни роса дўппослашган, шармандасини чиқариб тепишган. Губернатор Лоудендан ҳам умид қиласанг – уни шармандаю шармисор қилишади, чунки унинг йигитлари спиртли ичимликлар билан яширин савдо қилувчилар орасида қўпол иш қилиб қўйишган, матбуот уни нишонга олиб қўйган. Ўзига доф туширмаганидан топинг, акс ҳолда демократлар калтаги остида қоласиз.

– Бизнинг ғалабамиз сизга, шахсан сизга фойдалими?

– Ҳа, – дарров жавоб берди Гувер. – Сизлар доно одамларсиз, сизлар билан айёрик қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ёшим йигирма олтида, бойлик орттиришни истайман, бунга эса тепангда кўримсиз одамлар тургандагина эришиш мумкин; машҳур президент менинг ўзлигимни кечирмайди, чунки ўз қадр-қийматимни жуда яхши биламан.

...Тунги соат бирда, партиянинг раиси истиқомат қилаётган «Блэкстон» меҳмонхонасининг каттагина рақамидаги шиддатли олишувлардан кейин котибларга Америкага қаҳрамонлар эмас, балки малҳам-

чилар зарурлигини талаб қылган ўша Огайо сенаторини тезда излаб топиш буюрилди. Бу баланд бўйли, хушрўй, америкалик аёлларга ёқадиган тарзда содда кийинган Уоррен Гардинг эди.

Гардингни хонага бошлаб киришганда, Харви креслодан қўзгалмай ҳоргин юзини дағал кафти билан силаб қўйди (юзида бармоқ излари қолди – жин урсин бу асабларни, кишини толиқтирувчи бундай «президентларни бунёд этиш» ишларини энди ташлаш керак; яхши ҳақ тўлашса ҳам, бутун кучингни сўриб олишди), сўнг сигара чекиб ундан сўради:

– Мистер Гардинг, менимча, маст бўлсангиз керак. Ростини айтинг: саволларимизга маънили жавоб беришга қодирмисиз ёки бир соатча дам оласизми?

– Мистер Харви, мен жанубда туғилганман, шундай экан, ичишни ҳам биламан. Кайфим борида саволингизга жавоб беришим осон бўлади. Ўшанда дадилроқ гапираман ва сизнинг илонга хос наштар суқиб гапиришингиздан ҳайиқмайдиган бўламан. Бу ишнинг қанчалик биларжони эканингиздан хабардорман. Мана шунаقا.

– Илон наштар суқмайди, у чақади, – таъкидлаб қўйди Харви. – Агар яхшигина ичиб олганингиздан кейин ўзингизни дадил тутсангиз, бизга айтинг-чи: агар биз ҳозир перзидентлик лавозимига номзодингизни қўйсак, сиз билан бирга партияни барбод қилиш учун ким сизга зарба бериши, бирон нимадан илинтириши ва обрўсизлантириши мумкин?

– Мен ҳалол одамман, – сўниқ оҳангда жавоб берди Гардинг, бу воқеа ниҳоятда кутилмаган бир пайтда юз берганди. – Мени ҳеч ким на уролади, ва на бадном қилолади, мен ҳалол одамман.

...Йигирма биринчи йилнинг марта мартида Гардинг президент бўлди.

Вице-президент лавозимига демократлар томонидан номзоди қўйилган АҚШ ҳарбий-денгиз флоти

министрининг сабиқ ўринбосари Франклин Делано Рузвельт рақибини биринчилар қатори табриклиди.

Республикачилар партиясининг раиси Хэйс почта министри лавозимини эгаллади: пўлат қуюв, алъумин, кўмир ва нефть уюшмаларининг вакили миллиардер Меллон молия министри бўлди; «Ара»нинг сабиқ директори Герберт Гувер савдо министрлигига бошчилик қилди; президентнинг энг яқин дўсти Гарри Догерти адлия министри лавозимига тайинланди.

Гардинг Оқ уйга ўтиб олиб, ўзининг ташқи сиёсат борасидаги: «Аввало Америка!» деган гоясини эълон қилди. Янги президент ички сиёсат стратегияси масалаларига жавоб бермасликни афзал кўриб: «Биз динни чинакамига қайта тиклашимиз лозим. Энг севган китобим – таврот!» деди.

Меллон устама фойдадан олинадиган солиқни бекор қилиш ҳақидаги қонунни жорий этар экан, унга аниқликлар киритди:

– Ташаббускор киши, агар уни қонунлар ва солиқлар мажруҳ қилиб қўймаса, ҳамма нарсага эришиб мумкин.

Молиячилар солиқ тўловчилардан пул ундиришни бошлаб юборишиди; Гардинг майшатга берилди; ҳар куни кечаси адлиянинг янги нозири Догерти бошлиқ унинг дўстлари Оқ уйда, иккинчи қаватда тўпланишарди; ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб кетарди; тонг пайтида президент «тоза ҳаво олиш» мақсадида ўз қароргоҳидан жўнаб кетарди – унга меҳмонхонадан битта хонани ижарага олишган бўлиб, бу ерда маъшуқаси, қонунсиз қизининг онаси кутиб турган бўларди.

Агентура президентнинг тунги бедорликлари ҳақида Жон Эдгар Гуверга хабар бериб турди: ахборот, бўлимининг бошлиги бу маълумотларни ўз уйидаги шахсий темир сандигида сақларди; Догерти унинг ишлари билан қизиқмасди; янги министр

Жесси Смитни ўзининг «максус ёрдамчиси» қилиб тайинлаганидан бери мамлакат ҳуқуқ маҳкамаларининг барча «сиёсий қисми», сайлов арафасида Харви ваъда қилганидек танҳо Гувернинг қўлига ўтганди.

Аммо ҳар қандай мамлакатда сиёсатни иқтисод билан мувофиқлаштиrmай бўлмасди.

Жон Эдгар Гувер янги президент «уруш ветеранларига ёрдам бошқармаси»нинг бошлиғи лавозимига таклиф қилган полковник Чарльз Фобснинг барча қилмишларидан огоҳ эди. У бизнесчилардан госпиталлар учун ниҳоятда қиммат нархда – пул ўзиники эмас; давлатникида – гишт, ойна, тахта сотиб олиб, бу камёб материалларни қурувчиларга арzon-гаров ўтказарди; нарҳдаги фарқни сотиб олувчи билан бўлишиб оларди. «Жекобс энд Барвик» қурилиш фирмасининг директори Жеймс Барвик Фобсга пол учун мастика¹ сотди; ҳукумат бунинг учун етмиш минг доллар тўлади; бу мастика «уруш ветеранларига ёрдам бошқармаси»нинг қурилиш эҳтиёжлари учун юз йилга етарли. «Томпсон энд Кэлли» фирмасидаги дўстлари Фобсдан ярим миллион долларли дори-дармон ва бинт сотиб олишди, бироқ, Жон Эдвар Гувер экспертиларининг ҳисоблаб чиқишига қараганда, бу молларнинг ҳақиқий баҳоси олти миллион доллардан кўп эди; фарқини бўлиб олишди; вино дарё бўлиб оқди; музик-холл қизлари стол устига чиқиб олиб рақсга тушишарди; базм авжига чиқарди.

Ички ишлар министри Фолл АҚШ ҳарбий-денгиз флотининг нефть топилмалари захирасини ёнилғи бўйича йирик капиталист Догенига сотди; министр олган пора тўрт юз минг долларни ташкил этганди.

Адлия министри Догерти бошқаларга қараганда ақллироқ иш юритарди: наша, кўкнори ва спирт-

¹ Мастика – полни ишқалаш учун ишлатиладиган мум ва бўёқ аралаштирилган модда.

ли ичимликлар билан яширинча савдо қилувчи-лар дунёси билан алоқани унинг «махсус ёрдамчи-си» Жесс Смит амалга оширади; очилган жиной ишларни тўхтатиш ва пулга афв этиш операцияларини Смитнинг адъютанти, адлия министрлигининг агенти Гастон Милс бажаарарди: у ўзидан юқорида турганларга етти миллион доллар етказиб берди; эллик минг доллардан кам пора қабул қилинмасди.

Уч ой мобайнида Жесс Смит ўттиз миллион долларни қўлидан ўтказди.

Худди шу пайтда кутилмаган воқеа юз берди: ички ишлар министри Фолл фош этилишдан қўрқиб истеъфога чиқди; полковник Фобс судга берилди; Рузвельт ва унинг дўстлари билан боғлиқ матбуот можаро бошлаб юборди.

Жесс Смит Догертининг ҳузурига йўл олди:

– Гарри, алоқани узиш керак, – деди у. – Менимча, бизни кузатиб юришибди.

– Ким? – сўради Догерти, – Бу мамлакатда адлия министрининг ортидан ким кузатиб юриши мумкин? Кузатувни ташкил этиш буйруғига ким имзо чекади? Гувоҳларни сўроқ қилишга ким рухсат беради? Тергов ишини бошлашни ким маъқуллайди? Менми? – у кулиб юборди. – Буниси даргумон. Эрталаблари «Блади Мэри»дан ичиб турсам ҳам, ҳали менда безгак ҳуружи бошланганича йўқ...

– Гарри, мен ўзимдан ўзим қўрқадиган бўлиб қолдим, – деди Смит.

– Болакай, – деди ўпкалаб министр Догерти, – сени таниёлмаяпман.

– Яхиси, кетганим маъқул, Гарри... Топганларим ҳатто чевараларимнинг баҳтиёр ҳаёт кечиришини ҳам таъминлашга етади, бошқа ишлолмайман, тушунсанг-чи...

– Биз бу ерга бирга келдикми, бирга кетамиз, болакай... Бошқа чоранг йўқ, буни яхшилаб уқиб ол. Мен

дўстларимнинг ҳар қандай қилмишини, ҳатто менинг энг севган маъшуқам билан бирга ётишини ҳам кечираман-у, аммо қочоқлик қилишини кечирмайман, бу – ортингдан ўқ отиш демак. Гапларимни тушундингми?

– Тушуниб турибман, лекин сен ҳам менинг аҳволимни тушунгинг-да, Гарри. Бизнинг айгоқчилар кетига тушганлардан сен эмас, мен пул оляпман. Бу пулларни банкка қўймасдан олдин сен эмас, мен шаҳар бўйлаб юргургилайман. Кассир пулларни санаб олаётганда сен эмас, мен терга ботиб кетаман, чунки ҳар доим бу пулларга белги қўйилган, ҳозир чинқириб қўнғироқ чалинади-ю, полициячилар югуриб келиб мени тутиб олишади, деб ўйлайман... Гарри, ўзимнинг дўконим бўлган пайтлар қанчалик яхши эди-я! Менга ижозат бер, Гарри...

– Бор, яхшилаб ухлаб ол, болакай, – деди Догерти ёрдамчисининг гарданига шапиллатиб уриб эркалар экан, – Ранг-рўйинг яхши эмас, дамингни ол, болакай...

Жесси Смитни меҳмонхонада боши саккиз калибрли ўқ билан ўпирилган ҳолда топиши: тўппонча иситиш радиатори ёнида ётарди.

Дўстини ўлдиришаёттан тунни Догерти Оқ уйда ўтказди; ўз ҳамтовоқлари билан роса ичишди; жиноятдан холи эканлигини билдирувчи далил энди бор эди.

Эртасига у матбуот учун баёнот берди.

– Жесси қанд касалига мубтало бўлганди, – деди Догерти ўкириб юборишдан ўзини зўрга тийиб. – Бу ниҳоятда маккор касал... у одамнинг ақл-ҳушига таъсир қиласди... Бу касаллик кўпгина ажойиб ва софдил одамларни ўзини ўзи ўлдиришига олиб келган. Мен мулоим, меҳрибон, юмшоқ кўнгил дўстим Жесси Смитни умрбод эслаб юраман, у ҳаётимда учратган одамлар орасида энг олижаноби эди...

Даҳшатли ўлат касали пайтидаги зўравонларнинг зиёфати тасвирланган суратдагидан ҳам қўрқинчли ҳамда беҳаё ҳаракат бошланиб кетди.

Мамлакат роса қизитилган плита устидаги қоп-көги ёпиқ қозон каби биқирлаб қайнарди.

Одатда ўзини алоҳида панада тутиб юрадиган АҚШ вице-президенти Калвин Кулиж адлия министрилиги «алоҳида ахборотлар» бюросининг бошлиги Жон Эдгар Гувер таклиф қилинган Оқ уйдаги қабулларниң бирида ёш ҳуқуқшуносдан сўраб қолди:

– Сизнингча, энг кучли ҳуқуқшунослардан қай бири айрим газеталар маъмуриятимиз ҳақида тарқаттаётган бу ифлос можароли миш-мишларга қарши ошкора норозилик билдириши мумкин?

Гувер Кулижнинг кўзларига тик боқиб, оғир йўталиб қўйди шундан қейингина саволга савол билан жавоб берди:

– Сиз ростанам ошкора тафтишсиз қутулиб қолиш мумкин, деб ўйлаяпсизми?

Орадан бир неча ҳафта ўтиб, Фарбий соҳил бўйлаб саёҳатдан қайтаётган президент Сан-Францискодаги «Палас» меҳмонхонасининг ўзига ажратилган хонасида тўсатдан вафот этди.

Аввалига Гардингнинг ҳалокати ҳақидаги медицина хуносасида мияга қон қўйилиши оқибатида вафот этганлиги қайд қилинган эди; кейин пароходда президент танаввул этган қисқичбақадан заҳарланган, деган янги бир таъбир юзага келди. Бироқ, пароходда умуман қисқичбақа бўлмаган ва бунинг устига Гардингни кузатиб боргандардан ҳеч бири заҳарланиш аломатларини сезмаган.

Ҳукуматнинг дастлабки ахборотида бечора президентнинг ёнида у тўсатдан вафот этган пайтда биргина хотини бўлгани билдирилганди. Орадан кўп ўтмай, унинг ёнида даволовчи врачи, бригада генерали Чарльз Сойер бўлганди, деб тан олинди.

Президентнинг қорни ёриб кўрилгандагина ўлимнинг ҳақиқий сабабини аниқлаш мумкин эди, бироқ, бу иш қилинмади.

(Кейинчалик эса, президент вафотининг чин сабини текширишни талаб этувчилар кўпайиб боргани сайн сирли воқеалар юз бера бошлади; президентнинг шахсий шифокори генерал Сойёрнинг ўлиги Вайт Окс Дармдаги ўз чорбогининг хонасидан топилди; адлия министри Догерти ҳалок бўлган Жесси Смитнинг ўрнига таклиф қилган адвокат Томас Фельдер уни суд жавобгарлигига тортишгандан кейин сирли вазиятда вафот этди; полковник Фобс билан адлия министри Догертининг шериклари – бизнесчи Томпсон ва республикачилар партияси раҳбарлигининг аъзоси Жон Кинг ҳам сирли вазиятда ҳалок бўлишди; ички ишлар министри Фоллга пора берган ёнилғи магнати Эдвард Догани котиби кольт¹дан отиб ўлдирилди, котиб ҳам ўз навбатида қўшни хонадан ўлик ҳолда топилди; ўз-ўзини ўлдириш – ўша даврга хос удум бўлиб қолган эди.

Гардинг ўлемидан кейин орадан беш соат ўтиб, ранги бўзариб кетган вице-президент Кулиж қасамёд қилишга олиб келинди ва у АҚШнинг ўттизинчи президенти бўлди.

У ҳукуматда адлия министри Догертидан бошқа ҳеч кимни ўзгартирмади.

У йигирма етти ёшида Федерал тергов бюросининг директорлигига ўзи тайинлаган Жон Эдгар Гувердан бошқа ҳеч кимни алмаштирмадиам, лавозимини оширмадиам.

Президентликка тайинлаш тасдиқланганидан кейин Кулиж Америка контрразведкасининг ўш шефи ни Оқ уйга таклиф қилди.

– Жон, биласизми, – деди унга, – бўлажак сайловда Американи беқарор ҳолда кўришни истовчилар партиямизнинг обрўсини тўкишади. Мамлакатимизда осоиишталиктининг сақланиб қолиши кўп жиҳатдан

¹ Кольт – тўппонча турларидан бири.

сизга боғлиқ. Гардинг, Догерти ва Фолл билан юз берган воқеалар Коминтерн фитнасининг оқибатидир, шундай эмасми? Бу фожиада Шарқий Европадаги душманларнинг қўли бор. Наҳотки, фожианинг ҳақиқий сабабларини америкаликларга тушунириб бериш сизга шунчалик қийин бўлса?

Бир йилдан кейин Кулиж АҚШ президентлиги лавозимига қайта сайланди.

Мамлакат жарлик томон кетаётган улкан поезд каби елиб бормоқда эди.

Тарихга «қора жума» сифатида кирган ўша маъшум кунга ҳали беш йил бор эди, аммо кўриш ва ҳис этиш қобилиятига эга бўлганлар яқинлашиб келаётган ҳалокатни олдиндан кўриб, ҳис этишса-да, лекин ҳеч бир чорасини топишолмасди; ҳокимиятни қўлда тутиб турганлар тагликнинг ҳақиқий сабаблари ҳақида гапиришга имкон бермай, одатдагидек ҳамма ишда қизиллар билан негрларни, Коминтерн билан ГПМ ни айблашарди.

Халқнинг қаҳр-ғазаби ошкора бўлаётгани, Оқ уй фалаж ҳолатига тушиб ҳеч қандай чора кўрмаётгани сабабли Гувер яширин равишда Кулижнинг яқин одамлари ҳақида маълумот тўплашга киришди; у тез орада тартиб ўрнатадиган одам келиши лозимлигини тушунарди.

У президентнинг алмашинишига яширинча, эҳтиёткорлик билан тайёрланарди.

Жон Гувер Уолл-стритдагилар президент қилиб қўйишилари мумкин бўлганларни номма-ном кўздан кечириб ўтиради.

Бироқ бу мартабага дაъвогарлар орасида ҳали Рузвельтнинг номи йўқ эди.

Рузвельт ҳокимият тепасига келиб (у битта президентлик муддатини ўтаган Герберт Гувер ўрнига ўтиради), ФБР дан хаёлий қизиллар хавфига қарши эмас балки уюшган жиноятчиликка қарши кураш олиб

боришин талаб қылганда, Гувер иродаси мустаҳкам бўлганлар енгиб чиқадиган мусобақа бошланганини фаҳмлади. Рузвельтнинг обрў-эътибори шунчалик баланд эдики, унга қарши очиқчасига кураш олиб боририш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Эндиликда, қирқ бешинчи йилнинг баҳорида, агар у бундан кейин ҳам Оқ уйда қоладиган бўлса, Гувер ва унинг даврасидаги одамлар чўқинадиган ахлоқ нормаларининг қиймати тушиб кетиши аниқ бўлиб қолди.

Жиддий қарорга келиш соати етиб келди.

КЎП НАРСАДАН ХАБАРДОР ОДАМНИНГ ХАТОСИ КАМ БЎЛАДИ

Штирлицни тезда топиб келишни Мюллердан талаб қилишга Борманнинг асоси бор эди.

НСДАПнинг маҳфий бўлими Юқори Австрия учун маҳсус ишлаб чиқилган алоҳида код билан шифрланган радиограммаларни фақат Борманнинг ёрдамчилари ўқиши мумкин эди: Линцда «фюрер музейи»-нинг баҳоси чиқарилганидан кейин – нима деганда ҳам миллион доллар-а – бу жумбоқ билан боғлиқ барча ахборотни Зальцбургда шахсан гаулайтер Айгрубернинг ўзи тузиб чиқар ва уларни Берлинда рейхслайтернинг энг ишончли одами ҳисобланган штандартенфюрер Цандер қабул қилиб оларди.

«Тасдиқланмаган маълумотга кўра, – бир соат аввал хабар қилди Айгрубер, – Кальтенброннерга яқин одамлар ҳозир анчагина миқдордаги олтин ём биларни Алт Аусзее тогидаги курортга ташиш ва яшириб қўйиш билан шуғулланишяпти. НСДАП нинг садоқатли аъзолари Фарбга мўлжалланган душман радиости мунтазам ишлаб турганини ана шу билан боғлиқ, деб ҳисоблашмоқда. РСХАнинг маҳаллий бўлинмаси гўё партайгеноссе Кальтенброннер бу иш юзасидан

алоҳида фикрда эканини пеш қилиб, ҳамон терговни чўзяпти. Шуниси ҳам борки, «фюрер музейи» яшириб қўйилган форга бехабар кишиларнинг қизиқиб қолгани аниқланди».

Бу ахборот НСДАП маҳаллий бўлимига тегишли концлагеръ, лагерь бўлганда ҳам унча-мунча эмас, балки айни Канарис сақланаётган концлагеръ бошлигининг ўринбосаридан ҳозиргина етиб келган ахборотнинг устига қўйилди.

У Кальтенбруннернинг бу ерда уч марта бўлганини, хоинни ўзи билан ўрмонга олиб борганини, унга; ҳақиқий қаҳва тайёрлаб беришни илтимос қилганини, ўзини у билан намойишкорона илтифотли тутганини хабар қилганди. Шу сабабли бошлиқ ўринбосари таваккалига иш кўриб, «қаҳвахўрлик» қилинган хонага аппарат ўрнатиб қўйди: ёзувни расшифровка қилмай, сурғучли мұхр босилган пакетда чопар билан рейхсканцеларияга жўнатди.

Кальтенбруннернинг Канарис билан суҳбати ёзиб олинган тасмани Борман қизиқиб эшитди. Айёр тулки билан университет маълумотига эга бўлган соддадил золим ўртасидаги суҳбатда бирор хавотирли гап йўқ эди-ю, лекин бир нарса Борманни ўйлантириб қўйди.

Канарис Кальтенбруннердан бўлажак ишни қандай тасаввур қилишини сўраганида, у ғалати жилмайиш билан: «Сиз бу иш умуман бўлади, деб ўйлайсизми? Мен фақат биргина яшаш ҳуқуқига эга бўлишни истайман», деб жавоб берди.

Албатта, бу маҳфий иш кўрувчининг жавоби, деб ҳисоблаш мумкин, Канарисга ҳеч қачон ишониб бўлмайди, унга жаҳонда национал-социализм гояларини тиклаш ва қайта ташкил этиш юзасидан ишлар режаси ҳақида гапириб бериш келажакка хиёнат қилиш маъносини билдиради, чунки мунофиқ Янус савдолашибишга уста, у шайтон билан ҳам воситачилик опера-

циясини ўтказиши мумкин. Бироқ, Кальтенбруннер адмиралга гап орасида Канарис унга берган биринчи ахборот ростакамига қизиқиш уйғотишга арзимас-лигини айтганда, у: «Ахир, иккаламиз шартлашиб олган эдик-ку: биз гойиб бўлганимиздан кейингина ўзим шахсан сизнинг иштирокингизда мен туфайли бойлик орттирган Лотин Америкаси давлатмандла-ри билан суҳбат ўтказишим мумкин бўлади; менсиз ҳеч нима қилолмайсиз, сиз – разведкачисиз, ўзинг йўқдан бор қилиб, кейин уни қудратли этган одамла-ринг билан ниҳоятда нозик иш олиб борилиши сизга маълум; улар сизга агент бўлиб ишлашолмайди, энди улар сизга эмас, сиз уларга тобе бўласиз, чунки сиз молия министрлигидан пул сўрайсиз, улар эса ўзла-рининг назоратсиз ҳисобларидан исталган маблагни ёзиб бераверишади», деб эътиroz билдириди.

Тўғри фикр, аммо айни шу тўғри фикрни Кальтен-броннер унга, Борманга ёзиб берган ўзининг бирин-чи ва ягона ҳисоботида нимагадир қайд этмаганди кейинчалик маълум бўлишича у Канарис билан уч марта учрашган экан.

...Мюллер машинада Штирлицдан сўради:

– Унга қўнгироқ қилганимидингиз?

– Йўқ, – Борман охирги учрашув пайтида унга бун-дан буён Мюллер орқали алоқа қилиб туришни та-йинлаганини Штирлиц гапириб ўтиrmади; ўз мавқе-ини жангиз топширгиси келмади.

– Сизнинг-ча, нима сабабдан қўнгироқ қилганий-кин? – самимий ҳайрон бўлиб сўради Мюллер.

– Билмадиму, – қуруққина жавоб берди Штирлиц.

– Ҳар ҳолда у билан ишлашда мен ўзингиз билан ке-лишиб олган қоидага амал қилдим.

Москвага юборилаётган радиограммалар рас-шифровка қилинаётганини фақат Мюллер биларди; Штирлиц ортидан кузатув унинг хавфсизлигини таъ-

минлаш никәби остида амалга ошириларди: «Бернда ўтказилган ажойиб операциядан кейин штандартенфюрернинг құдратли душманлари ҳаддан ташқари күпайиб кетди». Мюллер буни ҳам рейхслейтер билан суҳбатда ўз вақтида асослаб берди; Дагмарни бартараф этиш операцияси Мюллернинг эски агентлари, ўзининг шахсий гурұжи томонидан амалга оширилди, РСХА да буни ҳеч ким билмайды; Мюллернинг таваккалиға Штирлицден фойдаланиб Москва билан қандай ўйин бошлагани эса ҳеч кимнинг хаёлиға келмасди.

Бироқ ҳозирча жаһонда Тасодифнинг яширин күчлари ҳукмронлик қиласы экан, ҳозирча Тафовут йўналиши мавжуд экан, ҳозирча Кальтенбруннер билан Шелленберг у билан бир бинода бирга ишлар экан, истаган томондан зарбани қутиш мумкин ва унинг қандай бўлишини олдиндан сезишнинг иложи йўқ.

– Қамоққа тушганингизни билиб қолган бўлиши мумкинми? – суринширишда давом этди Мюллер мутлақо Штирлицнинг жавобига муҳтоҗлик сезмагандек. Шунчаки унга шу йўсинда фикр юритиш қулай эди, вақт оз, бу кутилмаган чақириқнинг эҳтимолга яқин томонларинн ўйлаб олиш керак.

Агар Борман ўша ифлос Рубенауни тезда Швейцарияга олиб кетишни буюрса, Штирлицни йўлда тутиб олиб, яширин квартирага қамаб қўйишга, уни бўйсундириб Москва Маркази билан очиқчасига ўйин олиб боришга мажбур қилишга тўғри келади.

– Менимча, хабари йўқ, – жавоб берди Штирлиц.

– Агар унга крипонинг¹ бош бошқармасидан хабар қилишган бўлишса-чи? – сўради Мюллер ва бундай савол берганига кулиб қўйди: жиноят билан шугулланувчилардан қай бирининг мансабдорликка бўйисини зинасидан сакраб рейхслейтерга мурожаат

¹ Крипо – жиноий полиция.

қилишга юраги дов беради? Бемаъни гап, бунақаси бошқа мамлакатда юз бериши мумкин, фақат Германияда әмас. – Сиз сұхбат пайтида менга әътибор қилиб туринг, Штирлиц. Хаёлингизни йигиштириб олиб, менинг гапларимни маъқуллашга ҳаракат қилинг, сизнинг манфаатингизни күзлаб айтяпман.

– Бунга тайёрман, лекин сиз билганингиздан мен ҳам огох бўлганимда эди, группенфюрер... Мени бошқа томонга чалғитиб юборишлари мумкин... Ҳамма нарсадан хабардор киши билимдан маҳрум одамлар йўл қўядиган хатоларни ҳеч қачон такрорламайди...

– Сиз ишляяпсиз, Штирлиц. Мен хоинлик қилишни билмайман. Мулойим ва лақма гестапо-Мюллер ҳар доим ўзининг хушфеъллиги учун азоб чеккан... Ҳар ҳолда сизга нисбатан ҳеч қандай әътиrozим йўқ... Менинг шубҳаларим ўлгунимча ўзимда қолиб кетади, чунки аҳмоқ билан бир нарсани топгандан кўра, ақлли билан ошно бўлиб бир нимани йўқотган афзал.

Борман уларни Вильгельмштрасседа, рейхсканцелариянинг шундоққина рўпарасида НСДАП нинг штаб-квартираси жойлашган улкан бинонинг иккинчи қаватидаги ўзининг торгина хонасида қабул қилди. Келганлар билан партиявий саломлашишдан кейин Борман иккаласини қаршисидаги креслога таклиф қилиб деди:

– Мюллер, ўзингизга содиқ одамлардан бир қанчасини Штирлицга беришингизни ва уларни тезда Линцга жўнатишингизни илтимос қиласман.

– Хўп бўлади, рейхслейтер, – жавоб қилди Мюллер енгил тортиб.

– Вазифа бундай: Альт Аусзее туманида душман иш кўряпти. Ўша ерда, – Борман Штирлицга қараб қўйди, – туз конида партия ва миллатга тегишли хазина яшириб қўйилган. Хазина устига қилич кўтарилган. Қилич кўтарган ана шу қўлни кесиб ташлаш керак. Вазифа тушунарлимни?

– Йўқ, – жавоб берди Мюллер, – Биз махфий хизматдаги тўпори одамлармиз, рейхслейтер. Душман қўлини бошқа одам ҳам кесиб ташлаши мумкин, Штирлиц менга шу ерда керак... Агар бу масалада аллақандай алоҳида бир фикр бўлса, унда Штирлиц буни билиши лозим, акс ҳолда зиммасидаги вазифани бажариши қийин бўлади.

– Агар мен бу ишнинг алоҳида томонлари ҳақида гапиришни лозим кўрганимда, шундай қилган бўлардим, Мюллер, – деди совуқ оҳангда Борман. – Штирлицга Юқори Австрия гаулайтери Айгрубер керакли ёрдамни беради.

– Йўқ, – гижиниб эътиroz билдириди Мюллер. – Айгрубер мутлақо бошқача тахлитдаги одам, у, мени кечирасиз-у, фирт мутаассиб, у ҳеч нимани кўрмайдиям, эшитмайдиям, у фақат шифокор Геббелъс йўллайдиган шиорларни такрорлайди, холос. Биз бунақа ишломмаймиз.

Штирлиц ўзини қандай тутишнинг тўғри йўлини топиб олажагини айтмоқчи бўлди; у бир амаллаб Берлиндан чиқиб олиши керак; Мюллер уни Юқори Австрияга жўнатмасликка уринишига қараганда, уни пухта иш юритиш имкониятидан маҳрум этиш мақсадида Гансни ўлдиришган; Мюллер олиб бораётган ўйин унга энди аён бўлди; энди жўнаб қолиш мумкин, Мюллер эса буни истамайди, лекин ҳозир унга қарши гапириш– ниятларини барбод қилиш демакдир, чунки ҳатто Борман буюрганда ҳам Мюллер бу ерда, шу хонада бўйсенишга мажбур бўлади-ю, чиқиб кетгандаридан кейин бари бир ўз ҳукмини ўтказаверади. Йўқ, индамаслик керак, ҳамма гапни эшитиб ўтириб кутиш лозим, кишини безор қилиб юборувчи бунақанги доимий кутишларга лаънатлар бўлсин...

Ўз навбатида Борман бу қийин вазиятдан чиқиб олиш йўлини топиш зарурлигини дарров тушунди; бавариялик таслим бўлмоқчи эмас: умуман олганда,

иккаласи ҳам мушкул вазиятга тушиб қолгани аниқ эди; илгариги юриш-туриш қоидаси эндиликда болаларнинг чала гапириш ўйинига ўхшаб қолгандек эди. Бироқ, чекинишнинг шунақсанги усулини топиш керакки, у рейхслейтер шаънига дод туширадиган бўлмасин. Бунга Борман устаси фаранг эди.

– Хўш, агар сиз шунчалик кеккайиб кетган бўлсангиз, бу ерда, Марказда ўтириб вилоятдаги одамларга, ҳатто гаулайтерга шубҳа билан қарасангиз, унда менга гумонларингизни йўққа чиқаришдан ўзга чора қолмайди... Маълум бўлишича, душман Кальтенброннернинг штаб-квартирасидаги базадан фойдаланиб иш кўряпти... Ҳа, ҳа, худди шундай. Олтинчи бошқарманинг маҳсус гурӯҳи жойлашган унинг «Керри» чорбогида душман ҳаракат қиляпти... Вазифанинг нозиклигини тушуняпсизми? Кальтенброннер Шарқ ва Фарбдан келаётган барча хабарларни тутиб олишга мўлжалланган радиооператорлар ишини шахсан кузатиб турибди. Агар сизга, Мюллер, душман сизнинг одамларингиз билан тил бириттирияпти, дейишса; бунга қандай муносабатда бўлардингиз? Албатта, ҳалол одам сифатида уни бўхтон қилаётганликда айблаб, гапдан тўхтатиб қўйган бўлардингиз. Мен ахир душманни ўз ёнингизда қасдан тутиб туришингиз мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмаяпман...

Штириц жилмайиб қўйди:

– Жа унчалик эмас... Касбимиз нуқтаи назаридан қараганда, ренхслейтер, гоҳида бу ҳатто фойдали бўлади; ўйин бошлашнинг мукаммал имкониятига эга бўлинади.

Борман ўрнидан турди-да, хона бўйлаб юрди.

– Мана сиз Кальтенброннернинг маълум бир мақсадни кўзлаб ва ҳийлагарлик билан душманни ўз ўйида сақламаётганини, балки таваккалига ўйин олиб бораётганини менга исботлаб берасиз! Мана сиз ўз

ҳайдовчингизнинг мутлақо ишончли экани ҳақи-
даги далилни олиб келиб столим устига қўясиз! Ле-
кин унинг ҳалоллигига кўнглингизда зигирча шубҳа
туғилса, бу ҳақда тезда менга хабар қиласиз. Шахсан.
Бу ерга ёки рейхсканцеларияга.

Шунда Штириц олдинга ўтиб олиш, Мюллердан
ўзиб кетиш, якуний бир қарорга келиш ҳуқуқини унда
қолдириб, Мюллерни ранжитмаган ҳолда васийлиги-
дан қутулиб олиш имкониятини берган савол билан
мурожаат қилди:

– Шундай хилдаги алоҳида мавқе билан етиб бора-
диган одамга гаулейтер Айгрубер қандай муносабат-
да бўларкин? Рашк, воселик қилиш, менга кўрсатма-
лар бериш истаги каби тўғаноқлар бўлмайдими?

– Менинг кўрсатмамга биноан сиз ўз ҳолингизча
иш кўришингиз ҳақида унга радиограмма жўнатаман.
Афсуски, гаулейтер рашк қилиши ҳам мумкин. Агар
текширув натижалари яхшилик билан тугаса, у орқа-
ли мен билан боғланинг, унга ҳаммасини тушунти-
риб беринг, хотиржам қилинг. Агар бирор фожеани
аниқлаб қолсангиз, агар Кальтенброннернинг хоин-
лиги сизга аён бўлиб қолса, Айгруберга ҳеч нима де-
манг, ҳожати йўқ, тўғри менга қўнғироқ қилинг...

– Раҳмат, рейхслейтер, бу иш ҳақида фикр юритиши
энди бизга осон бўлади, – деди Мюллер.

У ўзини Штириц доғда қолдирганини тушунди, у
бу кишининг ақлига ва фаросатига яна қойил қолди, шу
боисдан, ўзининг фикрича, Штирицни Берлинда қо-
лишга ёки ҳеч бўлмаганда иложи борича тезроқ Линц-
дан қайтиб келишга мажбур қилиш мумкин бўлган ку-
зир қартасини ҳозироқ столга ташлашга аҳд қилди.

– Охирги гап, рейхслейтер, – деди Мюллер. – Мен
Гелендан сўраган Россия, Югославия, Польша ва қис-
ман Франция бўйича ўша материалларнинг ҳаммаси-
ни олдим. Багоят нодир материаллар, бунга сўз йўқ.

Агар Линцдаги «фюрер музейи»нинг қиймати юз миллионлаб марка билан ўлчанса, Гелен материалларининг баҳоси йўқ. Мен Париж, Москва, Белград ва Варшавадаги келажакда биз қалбига йўл топишимиз мумкин бўлган юқори лавозимли одамлар ҳақидаги бу маълумотларни саралаш ва ҳисобга олиш ишлари ни Штирицга топширмоқчи эдим. Гелен тўплаган маълумотларни элликта саҳифага келтириш керак; Штириц бу ишни бошқалардан кўра яхшироқ бажа-ришига имоним комил.

– Дастребаки чамалашни амалга оширадиган, ишни муфассал бошлай оладиган, уни тартибга соладиган одамлардан биронтасини бунга жалб қилинг.

– Мен Штирицни ўзининг олдида мақтамоқчи эмасман-у, аммо ундан бошқа ҳеч ким бу ишни қамраб ололмайди. Агар кимдир чамалайдиган ва тартибга соладиган бўлса, кейинчалик уни армия, саноат, идеология йўналишларига ажратиш қийин бўлади.

Мюллер гўё Штирицнинг унга ёрдам беришини, «мен дастребаки ишларни дарров бошлаб юборишга тайёрман, чамалаб бўлганимдан кейиноқ Линцга жўнаб кетаман», дейишини кутгандек эринчиоқлик билан унга қараб қўйди, бироқ, Штириц якуний хулоса чиқариш ҳуқуқидан маҳрум эканини гўё кўрсатмоқчи бўлганидек Борманга тикилиб индамай ўтираверди.

– Йўқ, – деди Борман, – бари бир у ерга Штирицнинг ўзи бориши керак, чунки Айгрубер экспертларининг фикрига кўра, Даллесни, унинг марказини мўлжаллаб радиограммалар берилаётганмиш... Ҳарбийлар бизни руслар ҳужум қилиб қолиши билан қўрқитаётган бўлишларига қарамай, фронтда ҳозирча сокинлик ҳукмрон... Штириц ўзига хос одоби билан Линцдаги ишни уч-беш кунда бажариб бўлиб, Гелен материалларини тайёрлаш учун қайтиб келади...

Штириц яна Мюллерни доғда қолдирди, чунки у суҳбат тугади, Борманнинг буйргуини тушундим ва

уни ижро учун қабул қылдым, дегандек биринчи бўлиб ўрнидан турганди.

– Кечирасиз, дўстим, мени қабулхонада кутиб туролмайсизми? Рейхслейтерга махфий бир саволим бор эди, илтимос, мени тўғри тушунинг, – Мюллерга шундай дейишдан ўзга чора қолмаганди.

Штириц хонадан чиқди.

– Рейхслейтер, – яна йўталиб олиб деди Мюллер. – Шифокор Менгеле русларнинг орқа томонида жойлашиб олиши учун тайёрлаган Витлоффни одамларингиз ўёққа ташлашдими?

– Ҳозирча йўқ. Нега бунга қизиқиб қолдингиз? Бу ҳақдаги ахборотни кимдан олдингиз?

– Ўзингизнинг одамларингиздан... «AE-2» соқчилари орасида Мюнхень давридан бери бир танишим бор, уни койиманг, мен унинг учун сиздан кўчириб олинган кичик бир нусхаман... Русларга қарши олиб борилаётган ўйин – буни сизга яқинда айтгандим – ҳал қилувчи босқичга киргани ва бирортага эмас, балки айнан сизга, партияга содиқ одамлар менга зарурли) ги учун Витлофф мени қизиқтириб қолганди... Менинг режам текшириб чиқилган, аниқликлар киритилган, гояни амалга ошириш вақти етиб келди...

...Штириц қабулхонада Мюллерни кутиб, бу ерда ҳукмрон бўлган осоиышталикка – ҳужум товушлари эшитилмасди, телефонлар фақат Гитлер, Гиммлер ва Кейтель билан боғланган, рейхслейтер хонасини бошқа ҳеч ким билан улашмасди – қулоқ солиб, ўзича ўйлаб қолди: «Жўнаб қолиш керак, Линцга бориш – охирги имконият. Тушуниб олиш лозим бўлганинг ҳаммасини тушуниб олдим, буёғи энди ортиқча Мюллернинг ёнида ишлаётган хоин тўгрисидаги Борманнинг гапи, албатта, тасодифан айтилган гап бўлди, лекин бу тасодиф юрагимни санчитиб, пешонамдан тер чиқариб юборди. Конда улар сақлаётган хазина ҳақида Марказга хабар юборишга ҳаққим йўқ,

шундоғам нима ёлғон-у, нима рост эканини билолмай бошим қотяпти. Алоқачи ҳам йўқ, афтидан бўлмаса керак. Мен икки томонлама ўйин объекти бўлиб қолдим, лекин ўзимизниклар фикрини бир амаллаб англаб олаётубман-у, мана бу одамларни тушуниш умуман мумкин бўлмаяпти. Ё булар юз бераётган воқеаларга баҳо бериш қобилиятидан маҳрум bemорлармикан? Берлиндан чиқиб кетолмайман, бу ердан Шарқ томонга ўтиб олишни ўйлашнинг ўзи телбалик, қиёфамни қанча ўзгартирмайин, бари бир эртасига ушлаб олишади... Линц эса тоғли туман, бирор жойда яшириниб олиши мумкин, сўқмоқ бўйлаб шарқ томон йўлга тушиш мумкин; Мюллер ортимдан кузатув қўёлмайди, у менинг ҳавфсизлигимни таъмин этиш маъносида уларга йўл-йўриқ кўрсатиши мумкин, бу эса менга эркинлик беради: «Тезкор иш билан жўнаяпман, мендан юз метр нарида бўлинглар», дейман-у, кейин мени излайверишсин... Гелен ҳужжатлари ҳақидаги Мюллернинг сўзларига ишонмайман. У мени илинтиришга мўлжалланган қармоқ, у бу қармоқса илинишимни истаяпти, у чиндан ҳам ҳар қандай разведка учун бебаҳо ҳисобланган Геленнинг бу материалларига қизиқсиниб суриштиришимни машинага ўтирганимизда ҳам кутади. Мен бўлсан қизиқмайман, суриштиромайман, вассалом!»

Шунга қарамай, Мюллер гестапога қайтиб келишгач, темир сандиқдан япасқи чамадонни олиб Штирицнинг рўпарасига қўйди:

– Бу Гелен материалларининг бир қисми холос... Власовчилар агентураси томонидан тайёрланган... Бу ерда қариндош-уруғлари босиб олинган ҳудудларда бизнинг фойдамизга яширинча хоинлик қилган франциялик фан намоёндалари ҳақида маълумотлар бор. Диққат билан кўриб чиқинг; булардан келажак-да бизнинг манфаатимиз йўлида фойдаланишни мўлжаллаб, мазмунли ва қисқароқ ёзишни ўйлаб кўринг.

Бошқа материаллар, жумладан, Россия ва Чехияга оид материаллар бошқача усулда тайёрлангани эъти-борингизда бўлсин. Австрияга етиб боргунча бу қалин папкадаги хилма-хил материалларни япониялик ҳамкасабалар менга берган шолипоядан тайёрланган юпқа қоғозга босилгандек ихчамлаштиришни ўйлаб олинг... Қайтиб келганингиздан сўнг сизни яширин квартираларимдан бирига жойлаштираман, бир жуфт дўндиққина стенографист қизлардан бераман. Франция билан Югославияни ўз зиммангизга оласиз... Бу материал қиммат туради, Тинтиретто ва Рафаэль каби буюк рассомларнинг асарлари баҳосидан ҳам қиммат, менга ишонаверинг...

Мюллерни Кальтенбрүннер билан боғловчи телефон тўсатдан жиринглаб қолди.

– Ҳа, – жавоб берди Мюллер, – эшитяпман, группенфюрер... Ҳа... Хўп бўлади... Яхши.. Кетяпман...

Мюллер бошини чайқаб ўрнидан турди.

– Шошилинч бирор иш бўлса керак... Мени қабулхонада кутиб ўтиринг. Шольц чой қуийб беради, мен йигирма дақиқада қайтиб келаман...

Штирлиц дераза ёнида чой ичиб ўтириб, Шольцнинг қўнгироқ қилувчиларга қандай жавоб бераётганига паришон ҳолда қулоқ солар экан, Линцда ҳозир фарбликлар қанақанги сигареталар чекишлигини биладиган баланд бўйли йигит унинг ёнига келиб, паролнинг бешта шартли сўзини айтишини, жавобни эшитгач: «Ўртоқ Исаев, мен сизни Ватанингизга жўнатишни таъминлаш мақсадида бу ерга келдим», дейишини ич-ичидан орзу қиласарди.

– Балки сизга халақит бераётгандирман, – Шольцдан сўради Штирлиц. – Мен хонамда кутишим мумкин.

– Группенфюрер сизни айни шу ерда зарур эканингизни айтди, – совуққина жавоб берди у.

МАНА, ГЕСТАПОНИНГ ИШЛАШИНИ КҮРИБ ҚҮЙИНГ - III

– Рубенауни нима қиласиз? – Мюллер қайтиб келганидан сўнг сўради Штирлиц, – Ўтираверсинми? Унинг Монтрёга қиласиган сафарини бекор қилишга тўғри келади шекилли?

– Нега энди? – ҳайрон бўлди Мюллер. – Агар у ишга тайёр бўлса жўнатаверинг. Базелда консулхонамиздаги йигитларим уни қутиб олишади. Мен шифротелеграмма юбориб огоҳлантириб қўйганман; алоқа; қилиш усуllibарини келишиб олинг; Рубенау Музи билан ёки ўзининг руҳонийлари билан учрашганидан кейин зиммасига қандай вазифалар юкланишини Шелленбергдан суриштириб билинг... Унинг сафарини бекор қилишнинг нима ҳожати бор? Бу диққатга сазовор иш, у сизнинг шефингиз ва менинг дўстим аслида нималарни ўйлаганини англаб олиш имкониятини беради... Мен бирорта ҳам сўзига ишонмайман, у балоғатга етаётган қизлар каби ичидан пишган; Рубенауни хўракка айлантириш керак, бетараф ўрдаклар, унга ташланаверсин, биз эса уларнинг таклифига Шелленберг қандай муносабатда бўлишини кўрамиз... Рубенау – бу бир ниқоб, буниси аниқ, лекин Шелленберг у орқали нимани ҳимоя қиляпти? Ана шуниси мени бағоят қизиқтиради.

– Алоқа усуllibарини келишиб олишга, Шелленбергни хабардор қилиб қўйишга, Рубенауни жўнатишга қачон улгурман?

– Линцдан қайтиб келганингиздан кейин, Штирлиц, Берлинга қайтганингиздан кейин.

– Сизнинг-ча, қайтишга улгурманми? – нохуш жилмайиб сўради Штирлиц.

– Улгурасиз.

– Гумоним бор.

– Агар шундай бўлса, сизнинг баҳтингиз... Линцда айни сўлим баҳор пайти, у томонлар бу ерга қарагандага анча сокин, кўча жанглари ҳам кутилмаяпти.

– Сизни қандай ёлғиз қолдириб кетаман? – хўрсаниб қўйди Штирлиц. – Ўзим ҳам, ёрдам бермасангиз бу қирғинбаротдан чиқиб кетолмайман; Линцда ҳам сиз билан менинг касбимдаги одамларни излашади.

– Қирғинбарот, – такрорлади Мюллер. – Келажакда содир бўладиган воқеаларни яхши таърифладингиз-да.

– Қачон жўнайман? Унгача қанча вақтим бор? – сўради Штирлиц. У ўзича, ҳозир Бабельсбергга бориб, йўлга кийиниб оламан, паркет тагидаги фин инженери Парвалайнен номига ёзилган паспортни чўнтақка солиб, машинани канал бўйига ҳайдайман, гўё аварияга учрагандек, уни сувга итариб юбораман-да (жасадимни сув остидан излайверишсин, кўл бўйидаги Паулнинг тегирмони томон йўлга тушаман, деб ўйлаганди; қария икки ҳафта илгари вафот этган, тегирмонда ҳозир ҳеч ким йўқ, уйнинг ортида эса ертўла бор, уни ҳеч ким билмайди, чунки Пауль ортиқча унни яшириб қўйиш мақсадида ертўлани кечалари қазиганди; ичи қуп-куруқ: у ерда икки-уч ҳафта яшаш мумкин, кейин бизникилар етиб келишади; ўзим билан консерва ва қоқнонларни ола кетаман, буларни бекорга жамгарганим йўқ, менга етиб ортади; агар кишининг умидлари тугаса, батамом чорасиз қолса кун совуқ бўлса у очлиқдан ўлади, ҳозир эса илиқ кунлар бошланди, булбуллар сайраяпти, улар бомбардимондан ҳайиқишимайди, чунки момақалдироқ бўляпти, деб ўйлашади... Ҳа, мен ўйиндан чиқаман, тинка-мадорим қуриди, ишни барбод қилиб қўйишим мумкин, Линцда мени тузоқ кутаётганини, шинамгина «Цур пост» ресторанида менинг ёнимга ҳеч ким келмаслигини сезяпман; ўзингни алдамай қўя қол...

– Об-җаво яна ўзгаряпти... – деди Мюллер бошини қашиб. – Вақтингиз қолмади. Сиз, умуман мени тарк этишингизга җожат йўқ, Штирлиц...

– Йўлга ҳозирлик кўриш нима бўлади?

– Менинг одамларим билан Линцга кетаётганингизда йўл-йўлакай уйга кириб ўтасиз. Сабр қилинг, сизга ҳамроҳлик қиласиган йигитлар билан танишитириб қўяман. Ҳаётингизни таҳликага солишни истамайман, дўстим, жаҳлингиз чиқмасин... Рубенай эса ертўлада ўтириби, икки соат вақтингиз бор, унга нималар қилиши лозимлигини тушунтириб беринг; пировардида уни ўзим жўнатаби юбораман, қизлардан иккитасини қўшиб жўнатаман, офицерлар йўқ, ҳаммаси иш билан банд...

«Тамом, ҳаммаси барбод бўлди, – фаҳмлаб қолди Штирлиц. – Мен қуршовга тушиб қолдим, энди мени холи қолдиришмайди, мени қисиб қўйишиади. Шунаقا бўлишини сезгандим-у, аммо буни тан олишга кўрқандим; йўқ, фақат кўрқибгина қолмай, балки ахийри тан олишга тўғри келадиган ўша дақиқа муддатини бир амаллаб чўзмоқчи бўлувдим... Ҳиссиётга ишонмай бекор қилган эканман, у ҳозир идрокдан кўра муҳимроқ: таҳлил этиш Одернинг шарқий томонида турганларга зарур бўлади, бизникилар ҳозир таҳлил этишлари мумкин, чунки ғалаба бизникилар томонда бу ерда эса ҳалокат юз беряпти, барчани идрок эмас балки тирик қолищдек ҳаққоний ҳиссиёт чулғаб олган, улар эс-хушларини йўқотиб, ўзларини ўёқдан-буёқча ташлашяпти, лоақал шуларга ҳам қўшилмадинг уларга қўшилмай тўғри иш қилгансан, «куллар орасида ўзингни эркин тутолмайсан», бироқ, ўзимга кулоқ солмай бекор қилганман – мана, алқасосул минал ҳақ, паймонам тўлди. Э, тўхта. Сабр қил, – эътиroz билдирид ўзига ўзи, – «мавжуд аҳвол» деб аталмиш вазиятга таслим бўлиш ҳужжатига имзо

чекишга шошилма. Олдиндан ўйлаб қўйган қутулиш йўлларинг бор, иложи бўлганларининг ҳаммасини ишга солиб кўриш керак, ҳиссиёт, мўлжал ва ҳаяжондан фойдаланиб қолиш керак, ҳозир иш бериб қолиши мумкин: мантиқ – иккинчи даражали, мен аввалига ҳиссиётта мурожаат қилишим зарур... Яна анави Рубенаунинг фарзандларини қутқариб қолиш учун қўлимдан келганини қилмай жўнаб кетишим ярамайди, у иродаси букилган одам, аммо ҳокимият тепасига Гитлер келганига унинг болалари айборми? Киши қанчалик қўп яхшилик қилса, иззати шунчалик бажо келтирилади; дунё яхшиликни унутмайди; бу қонуний, одамлар уни қанчалик тез тушунса, ер курраси аҳлининг яшаши шунчалик яхши бўлади...»

– Майли, – деди Штирлиц, – шундай бўла қолсин, бечора Ганснинг ҳалокатидан кейин ҳар дақиқада ҳаётимдан хавотирланишга ҳаққингиз бор... Рубенау масаласини тезда ҳал қиласман-у, аммо...

– Нима «аммо?»– сўради Мюллер. У чала гапни ёқтирасди, буни билгани учун Штирлиц ундан фойдаланмоқчи бўлди.

– Ҳа йўқ, шунчаки...

– Штирлиц!

– Кўпдан бери хаёлимда ғалати бир фикр юрибди-ю, фақат...

– Қани, фикрингизни айтинг, фақат тезроқ! Ишим бошимдан ортиб ётиби... Кутилмагандан Мюнхендан Ева Браун йўлга чиқиби, хонимни бу ерда ҳеч ким кутмаётганди, ҳозиргина Кальтенброннер келаётган поездни кутиб олишни менга топширди... Хўш?

– Менинг фикрим мана бундай, – шошилмай деди Штирлиц, – нега энди сиз, шахсан ўзингиз, группен-фюрер, Музи билан шахсан алоқа ўрнатишга уриниб кўрмайсиз? Ёки монтрёлик яхудий руҳонийлари билан? Нега энди сиз ташаббусни доимо бошқаларга бериб қўясиз?

Мюллер ҳар қандай гапни кутган эди-ю, аммо унинг бунаقا дейишини хаёлига ҳам келтирмаганини Штирилиц шундоққина кўриб турарди.

– Тўхтанг, тўхтанг, – деди у (афтидан бошқа бирон нимани кутиб унга жавобини ўйлаб қўйганди, ҳозирги саволга тайёр эмасди), – мен унчалик тушунолмаяпман: Музи билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш нимаси? Мен билан Музи-я? Йўғ-е, Штирилиц; хомхаёл бўлманг, ким гаплашарди гестапо-Мюллер билан?

– Ўша гестапо-Мюллер обергруппенфюрер Вольфни Даллеснинг ҳузурига юборган рейхсфюрер Гиммлерга бўйсунади... Иккаласи ҳам бир стол атрофида ўзларини яхши ҳис этишади. Вольф эса рейхдаги мартабалар пиллапоясида сиздан уч погона юқори туради. Нега сиз Музи билан руҳонийларни Гиммлер, Вольф ва Шелленбергга бериб қўйяпсиз? Тағин шерикчиликка бўлса ҳам майли эди. Келинг, бир уриниб қўрайлик, ётиб қолгандан кўра отиб қолиш керак-да...

(Рубенаунинг тақдирини Штирилиц у билан иш бошлаган куниёқ Мюллер ҳал қилиб қўйганди. Уни ҳам Дагмарнинг қисмати – ўлим кутаётганди; бу иш амалга оширилганидан кейин Мюллер «Рубенау» номидан шунақанги ахборотлар уюштиради-ки, (бу иш билан Берн резидентурасидаги унинг одамлари шугулланишади, улар фақат сигнал берилишини кутишяпти), Штирилиц тезда бу билан Москвани мурдор қиласди. Москвадагилар худди «швед варианти»да бўлганидек, гестапо уюштирган «янгилик»ка нисбатан хотиржам муносабатда бўлмасалар керак; Кремлни Гиммлер билан Даллес ўртасида яқин орада юз берадиган битим билан доимо қўрқитиб туриш, шу йўсингдаги маълумотни четдан эмас, балки энг ишончли одам орқали, яъни Штирилиц орқали етказиш – энг асосий иш ҳисобланади. Рубенауни бир ёқли қилиш Штирилицни чет элга қочиб қолиш имкониятидан маҳрум қиласди. У рейхдан чиқиб Стокгольм билан Берндан бошқа қаёқча ҳам борарди? Ҳеч қаёқча!

Бироқ ҳозир Штирлиц таклиф этаётган иш томдан тараша тушгандек бўлдики, натижада Мюллер бунинг истиқболи борлигини фаҳмлаб анча довдираб қолди).

– Уриниб кўрса бўлади, – ўйчанлик билан деди Мюллер ва унинг ажинлари йўқолган юзи бир зум ёришиб кетди. – Дадил фикр... Лекин Рубенаунинг лақиллатиб кетмаслигига кафиллик борми? – Юзини яна ажин қоплади. – Руҳонийлар мен билан юзма-юз гаплашишга тайёрлигини айтади-ю, бироқ ўзи ҳатто менинг номими ни уларга айтишга ҳам қўрқади шекилли?

Штирлиц бошини сарак-сарак қилиб деди:

– Кафиллик бор... У ўз фарзандларини қанчалик севишини яхши биласиз... Келинг, мана бундай қиласиз уни бу ерга чақирирасиз, сизнинг кимлигингизни унга очиқласига айтаман, кейин Монтрёда у шундай суҳбат ўтказиши мумкинми ёки ўтказолмаслигини дабдурустдан суриштириб кўраман.

– Албатта, бу ишга тайёрман, деб жавоб беради-да! Мени беҳад ҳурмат қилишини ва СС га ёзилишини орзу қилишини айтади, яна нима дейиши мумкин?!

Мюллер ўйчан ҳолда телефон трубкасини олиб, қалам каби букилмас бармоғи билан СС нинг транспорт бўлими рақамини терди.

– Алло, вокзални ўраб олиш ишлари қандай боряпти? Яхши, мунтазам хабар қилиб туринг, мен бир оздан кейин бораман... Йўлда бомбардимон бўлмадими? Нима? Қаерда? Йўлни тузатишдими? Тушуарли... Одамларимиз тревога билан оёққа турғазилдими? Майли, кутинглар... – У трубкани жойига қўйди.
– Инглизлар темир йўлнинг абжагини чиқаришибди. Хонимчанинг поезди қирқ километрча нарида экан, рус асиrlарини ҳайдаб келиб йўлни тузатишпти... Бахтимга бу иш менинг маҳкамам зиммасида эмас, Кальтенброннер транспортчилар билан борди-келди қилгунча анча вақтимиз бор, давом этаверинг...

– Бошқа гапим йўқ, сиз ахир Рубенауга ишонмай-сиз-ку...

– Мен биронта ҳам яхудийга ишонмайман, Штирлиц. Мен фақат мурдасига ишонаман. Дарвоҳе, рус, поляк ва югославларга ҳам худди шундай муносабатдаман.

– Бунинг ҳаммаси шифокор Геббелсьга хос гаплар, – деди афтини бужмайтириб Штирлиц.

– Мен ишбилармон одамман, шу имкониятни синаб кўришни таклиф қиласман... Унинг қизрасини Швейцария элчихонасига жўнатишни буюринг, буни қандай қилишни ўзингиз биласиз, у ерга хотини олиб бора қолсин... Кейин эса шу ерда ўзи, хотини ва ўғлини учраштиинг... Хотини шунда сиз, шахсан сизнинг ўзингиз груптенфюрер Мюллер, унинг қизини кутқариб қолганингизни айтсин. Сиз эса унга, агар Рубенау Музи ёки руҳонийлардан, бари бир гўр, шахсан учрашиш таклиф қилинган мактубни ўзингизга олиб келиб берганидан сўнг болани ҳам элчихонага жўнатиш тўғрисида ваъда берасиз... Бундай кузирни нега Шелленберг олиши керак экан? Ёки Гиммлер? Нега сиз эмас? Аслида мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда, сиз, сизнинг ўзингиз фақат руҳонийлар танлаганини эмас лагерлардаги барча тутқинларни қўйиб юборишга тайёр эканингизни Рубенауга айтган бўлардим – майли, бу гапни у Музига етказаверсин. Шунда сиз ақлли, иродали одамларга эга бўлардингиз, чунки сиз, бошқа ҳеч ким эмас, уларнинг халоскори бўлиб қолардингиз...

– Болакай, бу ерда, гетто¹ода оч-наҳор яшаб, сайр қилмай вояга етганидан кейин яхудий гўдаклар яратишга қодир бўлмай қолади, – деди ўйчанлик билан Мюллер, – қизи эса бундан мустасно, чунки аёллар саботли бўлишади...

¹ Гетто – яхудийлар учун ажратилган алоҳида маҳалла.

Мюллер худди шундай дейишини Штириц биларди; бунақалар доим тескарисини қилишади; ҳеч кимга ишонишмайды; элчихонага қизчани олиб бориши лозимлигини айтганда у худди шуни мүлжал қылган, «Рубенау ўғлини қутқариб қолишини илтимос қылганди – ҳаҳ, исми нима эди-я? Ҳа, Пауль, беш ёшида симфония яратган, бечора бола; Мюллернинг дарҳақиқат вақти йўқ, акс ҳолда камерада Рубенау билан қылган суҳбатим тасмасини қўйиб эшитган қизча масаласида ён босмаган бўларди: қизиқ, унинг одамларидан қай бири камерадаги суҳбатни ўрганиб чиққанийкин? Эҳ, аёлни олиб келишни ҳозир менга буюргандами, лекин у ҳеч қачон бунаقا қилмайди, – деди ўзича Исаев, – тақдир билан бекинмачоқ ўйнаш ярамайди, ҳақиқатнинг кўзига тик боқмоқ зарур...»

– Ҳақиқатда, нега энди уриниб кўрмаслик керак экан? – ўйчан сўради Мюллер. – Хўш, нега?

Орадан икки соат ўтгач, Рубенау Мюллернинг хонасида ўкириб йиғлаб ўтирас ва кўз ёшлари дув тўкилишига қарамай, жилмайиб ҳам қўярди; хотини ҳам қизини бағрига босиб йиғлар ва дам-бадам ҳиқиллаб такрорларди:

– Бу жаноби Мюллернинг шарофати! Унинг дуои жонини килишимиз керак, Вальтер! Бу саҳий қалб эгасининг шарофати! Сен ҳам худди шунаقا яхшилик билан қарзингни узишинг лозим, Вальтер! Бу жаноби Мюллернинг шарофати, у дедики... у менга дедики...

– Тинчланинг, – деди ясама жилмайиш билан Мюллер; худди ниқоб тортилган юзида мажбурий табассум, лабида эса ҳазар қилиш аломати ўйнади, – тинчланинг, азизам... Мен қизчангизни ҳам у ерда швейцарларда қолдирган бўлардим, лекин ўғлингизни қутқариш билан ўзимни қандай хавф-хатарга кўяётганимни тушунасиз, деб ўйлайман. Эрингиз Швейцарияга етиб боргач, Лозаннанинг телефон ки-

тобидан жаноби Розенцвейгнинг манзилини топсин, у мюнхенлик адвокат, қувғинлик бошланган ўттиз саккизинчи йилда бечорани қамоқça олмасликлари учун уни шахсан ўзим чегарадан ўтказиб юборганман... Қанча яҳудийни қутқариб қолганимни ўшандан сўранг, ҳа, бир сўраб кўринг... Рубенау, менинг одамим сиз билан суҳбатлашганда ҳеч алдамаганига ишондингизми?

– Ҳа, жаноби Мюллер! Ишондим! Мен итингиз бўлиб хизмат қилишга тайёрман! Мен дўстларимга, агар худо берса, набираларимга олло-таоллодан сизга узоқ умр, болаларингизга баҳт тиланглар, деб буюражагимни айтдим...

Мюллер аёл томон ўгирилди:

– Рубенау хоним, сизни яхши бир квартирага олиб бориб қўйишади... Сиз у ерда хавф-хатарсиз яшайсиз. Агар эрингиз хоинликка жазм этмаса...

Аёл қизини бағрига босиб ҳайқириб юборди:

– Хоинлик қилмайди! У ҳамма ишни қилолади, меҳрибоним, жаноби Мюллер!

– Ҳамма иш фақат олло-таолонинг қўлидан келади, – деди Мюллер. – Инсон вазиятнинг бир қули холос.

– Инсон – худо эмас, – бош иргаб маъқуллади рубенау – Лекин мен иложи бўлган барча ишни қилоламан.

– Буниси яхши, – деди Мюллер, – лекин ҳўп деб ҳўплаб кетиш ҳам мумкин... Сабр қилинг, буёгини эшигинг... Агар сизни бирор бундогроқ одам эмас, балки мен – гестапонинг шефи юборганини айтсангиз ҳамма сиздан ўзини олиб қочади...

Рубенау бош чайқади:

– Уёқдагиларнинг ақли жойида, жаноби Мюллер, агар корхона эгаси билангина иш юритганда бирон нимага эришиш мумкинлигини улар билишади. Корхона эгаси сиз бўлмай ким бўларди?

– Корхона эгаси – рейхсфюрер Гиммлер, мен эса ҳаддан ташқари кўп гапирадиган кичкинагина бир

тиргакман... Мен буюрганларини адо этаман, холос, шу боисдан қирқ беш ёшимда сочим оқариб кетди... Вафотимдан кейин танамни ёриб күришса одамларга ачинаверганимдан ҳосил бўлган хаста юрак билан яшаганимга ишонишади...

Кутилмагандан Рубенау (буни кўриб Штирлиц ҳангманг бўлиб қолди) хотиржамлик билан деди:

– Бу жоме минбаридан айтиладиган нутқ-ку, жаноби Мюллер. Агар сиз швейцариялик жаноб билан шу йўсинда гаплашсангиз, уларни мен бадном қилдим, деб ўйлашади... Сиз ўз ишингизни оширдингиз, ўзингизни оқламай қўяқолинг ҳар ким ютуқни кўзлаб дов қўяди-да...

Аёлни олиб чиқиб кетишганидан сўнг, Мюллер бир шиша арақ олди-да, қадаҳга қуийиб Рубенауга узатди:

– Ичинг.

– Маст бўлиб қоламан, – деди у. – Ичишни ҳам унтиб қўйдим.

– Қайтадан ўрганиш керак, – Мюллер жилмайиб қўйди.

Рубенау ичиб бўлиб, кафтини лабига босди-ю, зўриқиб йўтала бошлади, кўзларидан ёш чиқиб кетди.

– Қаранг-а, қанақанги тиришиб кетяпти, – деди у, – худди пантомиманинг ўзгинаси... Арақ ичасизми, Штирлиц?

– Ичаман.

Мюллер ўзининг қадаҳига ҳам қуийиб, бир хўплашда ичди-да, ўрнидан туриб Рубенау ўтирган креслонинг суянчиқ бандига чўққайиб олди.

– Гапларимни диққат билан эшитинг, – деди у. – Менга, ким айтишидан қатъи назар, қуруқ сўзнинг ҳожати йўқ. Тушуняпсизми? Менга фақат ҳужжат керак. Сиз руҳонийларингиз ёки Музининг ўзи шартнома таклиф этадиган ҳужжатни олиб келишингиз лозим. Расмий

шартнома бўлиши шарт. Мен сизларнинг яхудийларингизни озод қиласман, сизлар эса мени ҳар қандай масъулиятдан, қаерда бўлишидан қатъи назар, халос этасизлар. Худди шундай ҳужжатни олиб келоласизми?

– Қайдам...

Штириц Мюллер уни уриб юборишини, полга ағдариб оёқлари билан топташини кутганди, бироқ, группенфюрер, аксинча, Рубенаунинг елкасига қўлини қўйиб деди:

– Баракалла! Агар сен ҳеч иккиланмай ўша ондаёқ ҳужжатни олиб келишга ваъда берганингда сени нонкўр одам ҳисоблаган бўлардим... Яхши жавоб бердинг, софдиллигинг учун раҳмат... Энди менга айт-чи: сен, шахсан ўзинг, Рубенау, бу ишнинг муваффақият қозонишига асосинг борми? Руҳонийлар менинг номимга шунақа хат ёзишади, деган фикр хаёлингга келяптими?

– Юзтадан бештасига ишонаман, – жавоб берди Рубенау.

– Бу анча нарса, – деди Мюллер. – Бу жиддий гап. Уни кўпайтириш учун бирон нима қилиш мумкинми?

– Мумкин, – деди Штириц.

Мюллер билан Рубенау бараварига унга қарашди.

– Мумкин, – такрорлади Штириц. – Бунинг учун швейцарияликларга бор ҳақиқатни айтиш керак. Ҳақиқат эса ҳаммага аён: Гиммлер гаровдагиларни қўйиб юбормоқчи эмас, у вақтдан ютиш мақсадида савдолашяпти. Агар Монтрёдаги жаноблар группенфюрер Мюллер билан бўлажак учрашув масаласида ўй суриб ўтирсалар, ҳисоб-китобини қилсалар, унда барча маҳбуслар нобуд бўлишади.

– Улар менга ишонмасликлари мумкин, – деди Рубенау. – Бу ерда хотиним билан қизим гаровда қолганини улар билишади-ку...

– Зарур бўлиб қолган тақдирда ўғлингизни элчи-хонадан қайтариб олишимиз осон, бу бизга чўт эмас,

– эслатиб қўйди Мюллер. – Сенинг гирромлигингни билиб қолсак – қўлимиз ҳар қаерга етади, билиб оламиз – ўғлинг дарров геттодаги онаси билан синглисингёнига қайтади. Сени қўрқитмоқчи эмасман, йўқ, сен ўз оиласанг манфаатини, мен ўзимникини ўйлайман... Уларнинг сенга ишониш ёки ишонмасликла-ри масаласига келсак, биз бу масалада ҳам сенга-ку лайликлар яратишимиш мумкин, биз ишни шундай ташкил қиласмиш, оқибатда улар сенга ишонадиган, бўлишади, биз сенга Швейцарияда ёрдам қиласмиш, Хуллас, асос тайёрлаб қўяшимиз... Мен буни бир соатдан кейин амалга ошираман, мен у ерга хабар йўллайман...

– Унда кўпроқ умид қилса бўлади, – деди Рубенау. – Унда менинг вазифам анча енгиллашади...

Рубенауни вокзалга олиб кетиб поездга ўтқазишганидан сўнг, Штириц эса гестапонинг Базель билан Бернда-ги резидентурасига юбориладиган телеграмма матнини тайёрлаш учун радиостлар ҳузурига жўнаганидан кейин, орадан уч соат ўтгач, Мюллер ваҳимага тушиб, ўйлаб қолди: юз берган воқеаларнинг ҳаммаси унинг Борман билан иттифоқини бузишга аҳд қилган Штирицнинг маккорона ўйини эмасмикан? У ҳозир радиостлар олдида рейхслейтерга қўнгироқ қилиб, Рубенауни қайси поездда жўнатишганини айтади, кейинги бекатдаёқ яхдийни вагондан тушириб Кальтенброннернинг ҳузурига олиб бо-ришади, у ҳамма гапни айтиб беради ва шунда тамом дея-веринг, Борман уни, Мюллерни чақиртиради, ҳеч қандай изоҳнинг ҳожати қолмайди...

Мюллер оператив радиоалоқа бўлимига қўнгироқ қилиб, штурмбанфюрер Гешкега (у бир пайлари гру-пенфюрернинг рейхдаги рус разведка тармоқлари билан боғлиқ ишлари референтурасига бошчилик қилганди; кейин гестапо шефининг шахсий вакили сифатида энг асосий жой – алоқачилар ҳузурига юбо-

рилганди; унга bemalol ишонса бўлади) Штириц-нинг шаҳарга қўнғироқ қилишига ҳеч қандай йўл қўй-масликни тайинлади-да, сўнг транспортдаги гестапо бўлимини чақиртириб, еттинчи вагоннинг биринчи класс купесидаги йўловчини кузатиб бораётган икки аёлга шошилинч равишда шифровка қилинган бўй-руқни гопширди: улар ўз кузатувидаги Рубенауни заҳарлаб ўлдиришлари лозим (ампулани Штутгарт станциясининг перронида беришади); бу ишни Базелдаги герман соқчилари чегарада текширувни тутгатганидан сўнг амалга ошириш керак; аёллар вагонни тарқ этишдан аввал устига: «Шифокор Больценга топширилсин, Роберт Лей номли халқ корхонаси, Бабельсберг, Ягдштрассе, 7, касса 24, кассир Лумке», деб ёзилган темир йўл билетини столда қолдиришлари лозим; (мюнхенлик яна битта каллакесарни яхшиям эслаб қолди кўпдан бери ундан фойдаланмаган эди; илгари транспортдан ўғирлик ишлари бўйича шуғулланган; бебаҳо агент; пачоқларининг ўзи йўқ; ҳаммасини олдиндан мўлжаллаб қўйиш керак); кузатувчиси швейцар полипиясига Берлинда вагонга чиқдан қирқ беш ёшлардаги хушфеъл бир киши ўлдирилган одам билан бир купеда бўлгани ҳақида гувоҳлик бериши лозимлигини унга олдиндан тушунтириб қўйиш керак.

Рубенаунинг хотинини бир соатдан кейин Мюллер хузурига олиб киришди.

– Илтимос, ўзингизни қўлга олинг, мен дод-войни ёқтирамайман, – деди Мюллер. – Сизга фожиали бир хабарни айтиб қўйишим керак; эрингиз ҳозиргина ҳалок бўлди. Уни сизнинг рўпарангизда, ҳув анави креслода боя ўтирган одам ўлдириди. Фамилияси – Штириц, у гойиб бўлди, биз уни қидиряпмиз.

Аёл ҳушидан кетди, Мюллер унга нашатир ҳидлатиб ҳушига келтиргач, ўша ондаёқ дод-вой бошланиб кетди;

у аёлларнинг бундай оҳ-воҳига чек қўйишни яхши биларди: столга мушти билан бир уриб бақирди:

– Фарзандингизни тирик қолишини истайсизми? Ё истамайсизми? Хўш, жавоб беринг.

– Ҳа, ҳа, ҳа, – энтикиб йиглар экан жавоб берди аёл, – албатта, истайман...

– Бўлмаса, йигини бас қилиб, гапларимга қулоқ солинг... Мана бу сиз билан Еванинг паспорти, – у ҳужжатларни ва беш юз франк солинган конвертни аёлга узатди, – Ҳозир сизларни поездга ўтқазишиади, Швейцарияга жўнаб кетаверинг. Мана бу эрингизни ўлдирган одамнинг сурати. Унинг иккита фамилияси бор: биттаси – Бользен, иккинчиси – Штирлиц. Мана бу, – у аёлга иккинчи конвертни узатди, – суратга қўшимчаси: унинг бармоқ излари. Сизнинг кичкинтой Паулингиз бу ерда, элчихонада бўлганида жим юринг. Лекин у сизнинг бағрингизга, Швейцарияга бориши билан полицияга учрашиб, ҳаммасини гапириб беринг. Бор гапни айтинг. Эрингизнинг қотилини изланг: у эндиликда Швейцарияда пайдо бўлиб қолиши мумкин. Ўзингиз учун ва мен учун ундан ўч олинг. Тушунарлимис? Ҳозирдан бошлаб менинг номимни унутинг. Агар эслаб қолсангиз – ўзингиздан кўринг.

СЎНГИ ИЛИНЖ

Йўл Зальцбургдан бошлаб тоғ томон ўрлайди; ҳали бу ерларни қор босиб ётибди; бу ерларда, айниқса, шимолий қияликларда чангни учиш мавсуми май ойининг дастлабки кунларигача давом этади.

Штирлиц Берлиндан йўлга чиққанларидан бери орқа ўриндиқда СС штурмбанфюрери Ойген Шриттассер билан Курт Безенинг ўртасида қисилиб ўтиради, машинани эса Мюллер референтурасидан бўлган штурмбанфюрер Вилли Драхт бошқаради.

Альт Аусзееда ишлаётган барча офицерларнинг шахсий ҳужжатлари билан Штириц танишиб чиққанидан кейин гуруҳ жўнаб кетиши арафасида гестапо шефининг хонасида Мюллер йўл-йўриқ берар экан, яна такрорлади:

– Йигитлар, сизларга Штирицни топширяпман, гапларим ёдингизда бўлсин, буни Штириц ҳам ёдида тутсин. Швейцарияда топшириқни қойилмақом қилиб бажариб, рейхга қайтиб келганидан кейин унинг ҳаёти хавф остида қолди. Икки марта у зўрга қутулиб қолди. Агар учинчиси содир бўлса – у яхшиликча тугамайди. Шу боисдан, йигитлар, Штирицни бир дақиқа ҳам ёлғиз қолдиришни сизларга қатъян ман этаман. Биргалиқда ишлайсиз; биргалиқда овқатланасиз; бир хонада тунаисиз. Ёдингизда бўлсин, йигитлар, Штириц – телбаларча ботир киши. У душманга қарши дангал куршади. Рейхсфюрерга шу хислати ёқади, албатта, менга ҳам. Лекин рейхнинг олий раҳбарлиги олдида унинг ҳаётига мен жавоб бераман, айни шунинг учун у билан бирга сизларни ҳам юборяпман.

– Раҳмат, группенфюрер, – деди Штириц. – Менинг ҳаётим хусусида кўрсатаётган фамхўрлигингиз учун чин қалбимдан ташаккуримни изҳор этаман, лекин Линцда текшириув давомида ўзимда қизиқиш уйғоттан одам билан гаплашиш зарурияти туғилиб қолган тақдирда нима қилишим керак? Юзма-юз гаплашиш – бошقا гап, агар биз давра столи атрофида суҳбат ўтказадиган бўлсак ҳеч қандай натижага чиқаролмайман...

– Душманга хабар етказилаётган чорбог ўн беш гектарлик ажойиб боғнинг ичида, – жавоб берди Мюллер. – Девор сизни душман нигоҳидан панараб турди; чорбоқча яқинлашиш жойлари минорадан яқзол кўзга ташланади; йўлкада сайр қилиб юриб, юзма-юз гаплашаверинг... У ерадигилар сиз билан очиқчасига гаплашмаслигини, бўладиган суҳбатлар қаерда, қай

йўсинда ва қанча масофада эшитиб турилиши уларга маълум эканини мен яхши биламан. Аммо боғда ўтказиладиган сұхбатларни ёзіб олишингизга түғри келади, Штирлиц. Тасмаларни Ойгенга берасиз: сиз эса, – у Шритвассерга қаради, – уларни тезда Берлинга етказиш чорасини амалга оширасиз, бу сизнинг зиммангизда, Ойген. Штирлиц арзимаган ишлар билан бошини қотириб ўтирумайды.

– Бу арзимайдиган иш эмас, – эътиroz билдириди Штирлиц. – Мен бошқа ходимлар билан учрашиш олдидан ўз сұхбатларимни қайта эшитиб олиш имкониятидан маҳрум бўлиб, далилларни чалкаштириб юбораман... Бунақада қийналиб қоламан, группенфюрер...

– Қийинчиликлар бартараф этиш мушкул бўлгани учун ҳам қийинчилик-да, – унинг сўзини чўрт бўлди Мюллер. – Ҳамма гап шу, дўстларим. Ўзим бағоят ҳурмат қиласидиган Штирлицни сизларга топширипман. Мен у билан фаҳрланаман. Бир ҳафтадан кейин уни бу ерга қайтариб олиб келишингиз ва хизматингизга яраша мукофотингизни олишингиз лозим. Хайль Гитлер!

– Группенфюрер! Қўлимда кишан билан ишласам бўлмасмикан? – деди Штирлиц.

Мюллер кулиб юборди:

– Агар ҳозир вазият жиддий бўлмагандан, мен сизга ёпишиб олган, кўзга кўринмайдиган одам сурадиган малҳамидан фойдаланиб сиз мукаммал эгаллаб олган маккорлик маҳоратингизни ўзлаштирган бўлардим.... Сиз менга тирик ҳолда кераксиз, Штирлиц. Таваккал қилиб ишлашга уста эканингиздан хабарим бор. Жаҳлингиз чиқмасин, дўстим, кўришгунча хайр!

Альт Аусзеега қоронги тушганда етиб боришиди; Вилли руль чамбарагига бошини қўйиб бир оз хуррак отди-да, кейин хўрсишиб деди:

– Барча рекордларни ортда қолдирдим! Ўн икки соатда саккиз юз километр йўл босибман! Мен ухляяп-

ман, уйғотманглар, бу ер қанчалик сокин экан-а, ҳа-
восини айтмайсизми – тип-тиниң! Хайрли тун.

– Ўзимнинг «Хоръх»имда юрмасам бошим оғрий-
ди, – деди Штирилиц.

Ойген машинадан тушар экан, түнғиллаб қўйди:

– Ўзи шунаقا бўлади-да. Масалан, мен болагигимда
бировнинг велосипедини минсам нуқул йиқилиб ту-
шардим. Одатда шунаقا бўлади. Чўчқа инглиз буни
нима дерди-я? «Одат – иккинчи мижоз» дейишарми-
ди-ей?

– Худди шундай, – деди Вилли.

– Талаффузингиз яхши экан, – деди Штирилиц Анг-
лияда кўп ишлаганимидингиз?

– Ямайкада уч йил яшагандим, консулхонамида
хизмат қилгандим, жаннати ҳаёт эди-да!

...«Керри» чорбогининг дарвозаси секин очилди
автоматик равишда ишлар экан; Вилли машинани
қоронги боғ ичига олиб киргач, кўтарма гов ёнидаги
чоғроққина уйдан иккн соқчи чиқиб ҳужжат кўрса-
тишни талаб қилишди, СС ҳужжатларидағи суратни
келганларнинг афтига солишириб бўлиб, машина-
дан тушишни илтимос қилишди, орқа ўриндиқни
кўтариб, чамадонларни текшириб чиқишиди ва одоб
билан кечирим сўраб, портфелнинг ичидагиларни
кўрсатиш ҳамда шахсий қуролни тилхат эвазига топ-
шириш лозимлигини айтишди.

Кейин учинчи соқчи чиқиб Виллининг ёнига ўтира-
ди-да (теварак-атроф тим қоронги бўлиб, машинанинг
тўсиқли чироқлари қарагайзор оралаб кетган асфальт
йўлни унчалик яхши ёритмасди), учинчи коттеж йўлини
кўрсатиб борди; шу ерда икки хона тайёрлаб қўйилганди.

– Хайрли тун, – деди соқчи нацистларга хос қўли-
ни чўзиб. – Нонушта шу ерда, ойнаванд айвонда соат
етти яримда бўлади. Марҳамат, менга мураббо билан
маргарин карточкаларингизни топширинг.

– Сабр қилинг, – тұхтатди уни Штирлиц. – Бир оз сабр қилинг. Ҳозир ким навбатчилик қиляпти?

– Мен жавоб беришга вакил қилинмаганман, штандартенфюрер! Кечирасиз, бу ерга келгәнлар билан смена бошлигининг рухсатисиз гаплашишга ҳаққым йўқ.

– Унинг телефон рақами қандай?

– Радиооператоргага фамилияңизни айтсангиз, дарров сизни у билан улади.

– Миннатдорман, – деди Штирлиц. – Ошхонанинг қаердалигини, электр асблоларини қандай ишлатишни ҳамкасабаларимга кўрсатиб қўйинг, биз қаҳва ичмоқчимиз.

– Хўп бўлади, штандартенфюрер, албатта кўрсатаман.

Вилли соқчи билан чиқиб кетгач, Штирлиц ўзи билан колган икки офицер томон ўгирилиб сўради:

– Йигитлар орамизда ортиқча, гиди-биди бўлмаслиги учун очигини айтинглар, қай бирингиз хуррак отасиз?

– Мен, – тан олди Курт. – Айниқса, энди кўзим илингандা. Лекин менга бақиришингиз мумкин, дарров уйғониб кетаман...

– Мен хуррак отмайман, – деди Ойген, – мен тинч ухлашнинг машқини олганман.

– Қанақасига? – ҳайрон бўлди Штирлиц,

– Скорцени мени шарқдаги операцияларнинг бирига тайёрлаётганда, қоронги тушишидан аввал ўзимни хотиржам қилишга, чап биқиним билан ётишга ва бир текисда нафас олишга мажбур қилганди.

– Наҳотки шунаقا қилиш мумкин бўлса?

– Мумкин. Мен бунга ишонч ҳосил қилдим. Агар киши ҳаётидаги энг мўътабар бирон нимани хаёлидан нари кетказмаса ҳатто гиёвандликни ҳам енгиши мумкин... Буниси аниқ, кулманг, ўзим синааб кўрганман. Скорцени бизга ҳамма нарсани синааб кўришни буюрганди, ахир у ўз гуруҳи учун одамларни ниҳоят-

да пухталик билан танлаб оларди... Сиз Скорценига Төхөрнөдө күмаклашган бўлсангиз керак-а? – аниқлаб олмоқчи бўлди Штирлиц. – «Қатта Учлик»ка қарши операцияга тайёргарлик пайтидами?

Ойген ҳам худди Мюллернинг ҳайдовчиси Ганс каби гўё Штирлицнинг саволини эшитмагандек, гапини келган жойидан давом эттираверди:

– Ёдимда, орамизда ҳаддан ташқари қаттиқ куладиган бир йигит бор эди... Скорцени у билан камида бир ҳафта шуғулланди... Улар нима қилишганини билмайман-у, аммо кейинчалик бу йигит одобли қизлар каби сас чиқармай куладиган бўлиб қолди...

– Одобли қизлар қаттиқ кулмасликлари керак эканими? – ҳайрон бўлиб сўради Штирлиц чамадонидан пижамани олар экан. – Менимча, ўз табиатига содик қолиш чин одобилик бўлади... Қаттиқ кулги, агар гайритабиий бўлмаса, инсоннинг ажойиб ҳислати.

Вилли қайтиб келиб сув қайнаётганини айтди-да, бир қултум бренди ичишга Штирлицнинг иштаҳаси қандай эканини суриштирди; ойнаванд айвонга ўтишди; зиёфатни бошлаб юбориши.

– Ойген, агар малол келмаса, смена офицерига қўнғироқ қилиб, уни қаҳваҳўрликка таклиф этсангиз-чи.

– Хўп бўлади, штандартенфюрер, – жавоб берди у ўрнидан туаркан. – Ҳозир бажарамиз.

Штурмбанфюрер Хётль ҳали ёш бўлса ҳам сочлари оқарив кетганди; у марказлик ҳамкасабаларининг эсон-омон етиб келгани шарафига қадаҳ кўтарди, қандай етиб келишгани, йўлда бомбардимон бўлган – бўлмагани билан қизиқди, бунаقا ғамгин баҳор охиргиси бўлишига умид билдириди, бир жуфт яҳудийча латифани айтиб берди; Виллининг хохолаб кулишини кузатиб ўтириб самимий жилмайиб қўйди...

– Барча хасталикларни даволашнииг моҳир устаси бўлган буюк яҳудий врачи ҳақида ниҳоятда кул-

гили латифа ҳам бор, – гаплари ўтирганларга манзур бўлаётганини сезиб давом этди у. – Унинг ҳузурига қўлтиқтаёкли чўлоқни олиб келишибди-да: «Рубенштейн, сиз Венадаги энг буюк даволовчи сеҳргарсиз, Абрамимизнинг дардига даво топинг, у қўлтиқтаёқсиз тикка туролмайди, ўша ондаёқ йиқилиб тушади!» дейишибди. Рубенштейн ифлос тирноқли семиз бармоқлари билан қиррабурнини ушлаб ўйлаб қолибди-да, сўнг: «Бемор, сен саломатсан! Қўлтиқтаёғингни ташла!» дебди унга. Абрам бошқа ярамас яҳудийлар каби қўрқоқ бўлиб, албатта, қўлтиқтаёқни ташламабди. Рубенштейн яна унинг атрофида гирдикапалак бўлиб бақирибди: «Абрамжон, сенга нима деяпман?! Сен саломатсан! Шундай экан, қўлтиқтаёғингни ташла!» Шунда Абрам қиррабурун Рубенштейннинг гапига кўниб қўлтиқтаёқни ташлабди...

Хётль чўнтағидан сигарет олиб жимиб қолди.

– Хўш, Абрам нима бўлди? – бетоқат сўради Вилли.

Хётль оғир хўрсиниб деди:

– Ерга йиқилиб дабдаласи чиқибди!

Вилли қотиб-қотиб кулганидан стулдан йиқилиб тушишига сал қолди; Ойген мазах билан тиржайиб деди:

– Русларни Берлиндан улоқтириб ташлаганимиздан сўнг уларни ҳам бир ёқли қиласиз, абраҳ яҳудийларнинг ҳаммасини йўқ қилиш керак. Улар билан йўл қўйиб бўлмайдиган даражада муроса қилиб келдик. Бу чўчқаларга лагерлар қуриб бердик. Печкага, ҳаммасини печкага тиқиши керак, айримларини, энг дўнгбурунларини кичик калибрли милтиқ билан отиш керак «Гитлер-югенд»га аъзо бўлган болаларимиз бу машгулотда пишисин!

Штириц ўрнидан туриб, Хётлга мурожаат қилди:

– Оғайни, менга шерик бўлолмайсизми? Ухлаш олдидан сайр қилиш одатим бор...

– Мамнуният билан таклифингизни қабул қиламан, штандартенфюрер...

– Штандартенфюернинг дарвозадан чиқиши мумкин эмас, – деди Ойген Хётлга мурожаат қилса ҳам Штирлиц га ҳамон ўқрайиб қараб турар экан. – Унинг ҳаёти доимо ҳавф остида, группенфюер Мюллер уни қўриқлаш мақсадида бизни бу ерга хизмат сафарига юборган.

Хётль ўрнидан қўзгаларкан сўради:

– Партайгеноссе Кальтенбруннер бу хизмат сафарингиздан хабардорми?

«Қойил, – ўзича ўйлади Штирлиц, – яхши савол!»

– У хабардор, – жавоб берди Ойген. – Берлиндаги лар билишади. Биз партия архиви учун маҳсус жой ташкил этиш ишини кузатгани келдик, бу рейхслайтер Борманнинг шахсий топшириғи. Бунинг учун эса бизга Сэм амаки¹ билан бир озгина ўйнашишга тўғри келади, у бу ерга ўзининг буқри тумшуғини тиқсантиқмаганини текшириш керак...

– Ҳа, шунақами, – деди Хётль. – Майли, ҳаммамиз хизматингизга тайёрмиз.

Боғда сайр қиларкан, Штирлиц анча вақтгача бир оғиз ҳам гапирмади; кўқдаги юлдузлар жуда яқинда тургандек, бир нимадан ҳайиқиб кўз қисаётгандек туюларди; севишганлар энтикиб хайллашадиган саҳар пайтига ўхшаб кетарди; мана, ҳозир тонг ёришади-ю, умидсизлик ва паришонлик бошланиб, ҳамма нарсада хавотирлик белгилари ҳис қилинади, эшик ёпилгандан кейин эса, сен ёлғиз қоласан, хотиралар қуюлиб келаверади ва шунда ёшинг қирқ бешда эканини, умрингнинг кўпини яшаб қўйганингни фаҳмлаб қолиб даҳшатга тушасан, фаҳм-фаросат инсоннинг асосий хислати бўлса ҳам унга мафтун бўлиб қолавериш ярамайди, яна мўъжизага ишонч хислати ҳам бор, аммо бундай мўъжизалар эндиликда бўлмайди...

¹ Бу ўринда Америка пешволари маъносида.

– Хётль, зиммага юкланган ишни муваффақият ба-
жаришим учун сизнинг ёрдамингизга умид қилмоқ-
чиман, – деди Штирлиц.

– Миннатдорман, штандартенфюрер. Хизматин-
гизга тайёрман.

– Ҳамкасабаларингиз ҳақида гапириб берсангиз,
Марказнинг топширигини бажариш учун менга қай
бирини тавсия этган бўлардингиз?

– Мени кечирасиз-у, агар қандай топшириқ бўли-
шини билганимда, уларга баҳо бериш менга енгил
бўларди...

– Мураккаб топшириқ, – жавоб берди Штирлиц.

– Доксдан бошлайман, – деди Хётль. – У қирқ ик-
кинчи йилдан бери, радиомарказ ташкил этилган би-
ринчи кундан бошлаб шу ерда яшайди. Ўз ишининг
устаси, фюрерга чексиз содик, оиласпарвар, тог чангичи-
чиси, мерган, хулқ-атвори бенуқсон.

Штирлиц фижиниб қўйди:

– Хётль, унинг анкетасини ўқиб чиққанман, так-
рорлашнинг ҳожати йўқ. Мени, масалан, у қирқ учин-
чи йилда қайси гуноҳи учун Кальтенброннердан тан-
беҳ олгани қизиқтиради.

– Билмадим, штандартенфюрер. Мен унда фронтда
эдим.

– Қайсинисида?

– Минск остоналарида.

– СС қўшинлари сафидами?

Штирлицнинг тезкор саволлари Хётлга ёқмади.

– Бу ерда, обергруппенфюрернинг қўл остида
ишлаётган барча кишиларнинг шахсий ҳужжатлари
билин танишиб чиққансиз-ку... – жавоб берди у норо-
зи оҳангда. – Демак, вермахт қўшинида оддий аскар
бўлиб хизмат қилганим сизга маълум...

– Шахсий ҳужжатларингизда нима учун Гейдрих
сизни офицерлик мартабасидан маҳрум қилгани ёзиб

қўйилган. Унинг фожиали ҳалокатидан кейин эса сизга унвонингизни қайтариб беришди-да, мукофотлаб, Эйхманнинг яхудийлар бўлимига ишга ўтказишиди. Марҳум Гейдрих нима учун сизни жазолаганди?

– Сўзлашга ҳаққим бўлмаган гапни айтгандим.

– Айнан нимани?

– Маст эдим.. Марҳум Гейдрихнинг дўсти ҳам қатнашган улфатчиликда – албатта, буни мен билмадим – славянларни йўқ қилиб юбориш ҳақидаги фикрга эътироz билдириб қўйибман. Мен ҳазиллашгандим, – Худди бир нимадан қўрққандек шошиб қўшимча қилди Хётль. – Мен, афтидан, кейинчалик, Россия Урал ортига чекинганидан кейин ифлос рус яхудийси Эренбургни алмаштириб олиш учун славянларнинг бир қисмини геттода сақлаш лозиммикан, деб ноўрин ҳазиллашибман... Гейдрих эса славян билан яхудий масаласида жудаям инжиқ эди.

– Шунинг учун унвонингиздан маҳрум қилишдими?

– Асосийси шу.

– «Асосийси»дан бошқаси-чи?

– Мен яна, агар Farb билан ўз вақтида сулҳ тузолсак, русларни бемалол енгишимизни айтгандим.

– Бизнинг ҳаракатимизга қачон қўшилган эдингиз?

– Ўттиз тўққизинчи йилда.

– СС гачи?

– Гап шундаки, мен Линцда, обергруппенфюер Кальтенбруннер яшаган уйда туғилганман... У менинг оиласми биларди, отам оғир пайтларда унга ёрдам берганди... Шу боисдан Кальтенбруннер мени қирқинчи йилда шахсан ўзи СС га тавсия этган...

– Докс ҳақида яна нималарни биласиз?

– Билганларимни айтиб бўлдим, штандартенфюер.

– Яхши, бошқа савол бераман: сиз топшириқни бажаришга у билан бирга борган бўлармидингиз? Душманнинг орқа томонига-я?

- Борган бўлардим.
 - Раҳмат, Хётль. Кейингиси.
 - Штурмбанфюрер Швансбах... У ҳақда гапириш қийин... Жасур офицер ва шубҳасиз ҳалол киши, аммо бизнинг муносабатларимиз анчагина...
 - У билан топшириқни бажаргани борармидингиз?
 - Фақат буйруқ билан.
 - Кейингиси.
 - Оберштурмбанфюрер Раsterфельд... У билан ҳар қандай ишга тайёрман.
 - Уни қачондан бери танийсиз?
 - Қирқ биринчи йилдан бери.
 - Сизни унвондан маҳрум этиш материалини Гей-дрихга айни Раsterфельднинг ўзи тайёrlаб бергани сизга маълумми?
- Хётль тўхтаб қолди:
- Бу мумкин эмас..
 - Сизга ҳужжатларии кўрсатаман, юринг, юравенинг. Сўнгги савол: унинг хотини билан ётишингизни Раsterфельд биладими?

Хётль яна тўхтаб қолди; Штирлиц чўнтағидан сигарет олиб чекди, гутурт чўпини эринчоқлик билан қор устига ташлаб хўрсиниб қўйди:

- Мана шунаقا, Хётль. Албатта, обергруппенфюрер Калтенбруннер сизни Шарқдан қайтариб келтиргани сабабли дахлсиз ҳисобланасиз, бироқ РСХАнинг текширув системаси юқоридан ким сенга васийлик қилишини эътиборга олмай ишлайди... Ҳаддингизга сиққанича айшу ишрат қиласеринг-у, аммо қўлга тушманг! Сиз эса қўлга тушиб қолдингиз! Эҳ, жин урсин! – Штирлиц шундай деди-ю, фалати равища чап биқини билан ииқилиб тушди. Кейин ўрнидан туриб, ички чўнтағидан япасқи диктофонни секин олиб кассетасини чиқарди-да, тасмани узиб ташлади, сўнг кассетани ўрнига жойлаб, диктофонни чўнтағига солиб қўйди.

– Тойиб кетиб йиқилганимни кўрдингиз-а? – деди шивирлаб у, – Шунинг учун қайтганимиздан кейин ҳамкасабаларим олдида мендан, қаттиқ лат емадингизми, деб сўрайсиз; ҳамкасабаларим ухлашмаяпти, балки улардан бирортаси ҳатто изма-из юриб, узоқдан кузатиб турган бўлиши ҳам мумкин. Ҳозир сиз гаулайтер Айгрубер ва НСДАПга ишлаш мажбуриягини менга ёзib берасиз, тушунарлими?

Штириц ён дафтарини олиб Хётлга узатди:

– Тезроқ, Хётль, тезроқ бўла қолинг, бу сизнинг фойдангизга қилингапти.

– Нимани ёзай? – сўради у; Хётлнинг димоги битиб қолгандек туюлди Штирицга; унинг ранги бўзариб кетгани ҳатто қоронғида ҳам билиниб турарди.

– Каллангизга келганини ёзаверинг, – жавоб қилди Штириц. – Юқори Австрия гаулайтери қўлида ишлаш мажбуриягини оламан... Агар хоинлик қилсан... Ва ҳоказо...

– Юраётганда ёзолмайман...

– Ҳожати ҳам йўқ. Кутиб турман.

Хётль ёзib бўлиб ён дафтарни Штирицга узатди; у ўқиб ҳам кўрмай, кейинги варақни очиб сўради:

– Яхши кўра оласизми?

– Ҳа.

– Мана бунга қаранг...

Хётль эгилиб қаради-ю, ўша ондаёқ ўзини орқага ташлади: Штирицнинг ён дафтарида ҳали аниқланмаган операторнинг Альт Аусзеедан Гарбга йўллаган охириги радиограммаси ёзилган эди.

– Хётль, ўз шифрингиз билан жўнатасиз, – деди Штириц. – Жим бўлинг, секин, довдираманг... Сизни ҳалок этмайман, мен ҳам сиздан Кальтенброннер каби манфаатдорман... Ўз шифрингиз билан менинг рақамларимни эфирга жўнатасиз... Агар рад қилиши хаёлингизга келтирсангиз, ҳаётингизни бир тиинга ҳам олмайман...

«Бу менинг сүнгги илинжим, – ўйлади ўзича Штирлиц. – Ўнтадан бир фоиз бўлса ҳам, бари бир илинжда, ётиб қолгандан кўра, отиб қолиш керак».

Шифровкада у Марказга қаерда эканини, учта гестапочи сиқувида қолганини хабар қилганди. У ҳолдан тойганини биринчи марта очиқчасига тан олди. Агар Марказ уни Ватанга қочувини уюштиришни лозим топса, Альт Аусзеедаги Кальтенброннер боғ-ҳовлиси-га бемалол ҳужум қилишим мумкин. Боғ-ҳовлини ўн икки киши қўриқлаб турибди, лекин Хётль унга етка-задиган жавобни олса, соқчилардан еттитасини бир ёқли қилишни Штирлиц ўз зиммасига олади.

Даллес бир соатдан кейин Альт Аусзеедаги агенти Жозефдан ғалати бир радиограмма олди; қирқ тўртингчи йилнинг кузида Эйхман билан бирга Будапештда яхудийларни сотиш ишида қатнашаётган пайтда ОССга ўз хизматини таклиф этган Хётль ана шу исм билан юритиларди; Эйхман билан иккаласи бир неча миллион франклик – қоғоз пул эмас, балки бензин ва ҳарбий юқ машиналари билан тўлана-диган – операцияни амалга оширишди; бунинг эва-зига озод қилинган молиячилардан бири Америка әлчихонасига қўнғироқ қилиб, Хётль унга айтган гапларни етказди. Ўшандан бери унинг жосуслик фаолияти бошланганди.

...Хётль Бернга йўллаган Штирлицнинг рақамла-рини ОСС мутахассислари расшифровка қилишол-масди. Бироқ, Штирлиц ўз шифровкаси етказиб бери-ладиган манзилни айтишга мажбур бўлгани сабабли, Даллеснинг одамлари суриштириб кўриб, у ерда бир пайтлари совет разведкачиси Шандор Радо билан алоқа қилиб турган одам яшаганини аниқлашди.

Даллес ўзининг яқин ёрдамчилари Гюсман ҳамда Гезерницни ҳузурига таклиф қилиб, янгилик билан таништирди-да, жилмайиб сўради:

– Хўш, нима қиласиз? Ўйлаб кўринглар, йигитлар, бу иш бағоят қизиқ... Рус разведкаси билан алоҳа ўрнаташимиз? Ё сабр қиласизми?

Даллес ҳозир Вашингтонда юз берадётган воқеа ҳақида етарли маълумотга эга эди; ҳаддан ташқари мураккаб вазият юзага келганини у тушунарди. Даллесларнинг «Салливэн ва Кромвелл» адвокатлик фирмаси даврасида таъсир қўрсатиш учун кўпдан бери қунт билан курашаётган Бостон молия гуруҳини ҳимоя этувчи кучлар Рузвельтни сиқувга олаётган, унинг ишончи комил эди.

Германияда ва умуман Европада ўз таъсир кучини қўрсатиш учун кураш энг сўнгги, ҳал қилувчи босқичга кирганини у тушунарди: агар у ўз лавозимиidan айрилиб қолса, шериклари уни ҳечам кечиришмасди ўзи ўтган йиллар мобайнида авайлаб йўлга қўйган ва эҳтиётлаб келган герман саноати билан уни боғлаб турувчи ипларнинг бошқа одам қўлига ўтказиб юборишига ҳечам ҳаққи йўқ эди; бу унинг ҳаёти, обрўэътибори, келажаги барбод бўлишини билдиради.

Рузвельт қийин ишга қўл урганини у тушунарди; президент ишлаб чиқаришга эркин эгалик қилиш асосланган Farb билан давлат режалаштириши асосига қурилган большевиклар давлати каби турлича икки тузумнинг тинч-тотув яшashi мумкинлигини американкларга исбот қилишни ўз зиммасига олди; Стalinning «Катта Учлик» учрашувида иштирок этиш учун Касабланкага ёки ҳеч бўлмаса Техронга учеб боришига Рузвельт нима учун бунчалик ўта қатъият билан эришганини Донован энди тушунди: бу билан Рузвельт банк ва уюшмаларда унинг сиёсатини қўллаб-қувватлаётганларнинг ҳаммасига Stalin билан бемалол музокара олиб бориш мумкинлигини исботлаб берди. У, албатта, ўз мамлакатининг озгина бўлса

ҳам зарар кўришига йўл қўймайди-ю, бироқ, империя нафсониятини ҳимоя қилиб ўтирмайди, у шартнома мажбуриятларига риоя этишни билади.

Даллесга ва унинг Рузвельт гояларига қарама-қарши бўлган тарафдорларига қирқ бешинчи йили баҳорида қитмирликларини амалга ошириш оғир бўлди; руслардан очиқасига юз ўғириш ва рейх билан бир томонлама шартнома тузиш амалга оширилганда бутун дунё ундан юз ўғиради; ҳали жароҳатлар янги эди, бошдан кечирилган воқеалар ҳали фожиавий эди; ҳали улар хотирага айланмаганди; хотирага эса тузатиш киритса бўлади: ниманидир унтиш, ниманидир қайта ёзиб чиқиш, ниманидир танқид қилиш мумкин; бироқ ҳозирги асосий вазифа эгалланган мавқени қўлда тутиб қолишдан иборатdir.

Даллес худди шу сабабли ҳам Геверниц билан Гюсманни маслаҳатга чақирди; афтидан қийин аҳволга тушиб қолган ва руслар томонидан сиқувга олинган «Жозеф»нинг илтимосини рад этиб бўлмайди, лекин рейхнинг, айниқса Даллес учун алоҳида аҳамиятли бу туманида (ахир бу ерда гап умумий баҳоси деярли бир миллиард долларга баҳоланадиган сурат ва ҳайкалтарошлиқ асарлари ҳақида бормоқда эди-да) у Советларга ҳам ёрдам беролмасди, бунга ҳаққи йўқ эди.

«Жозеф»га унинг илтимоси бажарилишини хабар қилиб, бундай шифрограммани узатишга мажбур қилган вазият тафсилотини суриштиришни таклиф этган Гюсманнинг фикрини Даллес рад этди; албатта бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нима хабар қилинмайди, тўс-тўполон пайтида радиограммалар аралаш-қуралаш бўлиб кетади, ҳозир эфир бунақаларга тўлиб кетган. Шунингдек, у Геверницнинг хабар йўллаган одамни кузатув остига олиш ва ишни шундай ташкил қилиш керакки, ҳукумат бундан хабар топиб, уни мамлакатдан чиқариб юборишига эришиш ҳақидаги таклифига ҳам рози бўлмади.

- Йўқ, – деди Даллес инглизча текис трубкага тиқилган голланд тамакисини чекар экан, – йўқ, бунақаси кетмайди. Юқори Австрияда, афтидан, аллақандай фавқулодда қизиқ вазият юзага келаётган бир пайтда таваккал қилишга ҳаққимиз борми? Линцда агентимизни сиқувга олган рус резидентига ёрдам берамизми? Албатта, йўқ! У билан ўйин бошласакмикан? Яхши бўларди. Бироқ, биз тутган йўлни деб Оқ уйда роса эшитадиганимни эшитяпман, Вольф масаласидаги топшириқ барбод бўлганидан кейин бошланган тўс-тўполон нима билан тугашини ҳам билмайман... Менда бир фикр бор: юз берган воқеа ҳақида Донованга телеграмма юборишни, бир нусхасини Давлат секретарига телеграмма жўнатишни ўйлаб қўйдим. Ўз одатимга тескари ўлароқ, бундай ҳолда нима қилиш лозимлиги ҳақида кўрсатма берилишини талаб қиласман. Бу сўровномамиз Вашингтонда шунаقا-ям шов-шувга сабаб бўладики, у бир кун эмас, икки кун эмас, балки бир ҳафта давом этишига имоним комил. Вашингтон «Жозеф»нинг илтимосини бажариш ҳақида бизга кўрсатма беришига унчалик ишонмайман...

– «Жозеф»нинг эмас, балки унинг қўлини қайириб елкасига миниб олган рус резидентининг илтимосини, – унинг сўзини тўғрилади Геверниц...

– Ҳамма гап, азизим, телеграммамизнинг қай мазмунда бўлишига боғлиқ. Агар «Жозеф»ни бир чекка-га чиқариб қўйсак, агар Кальтенброннерга яқин СД офицери бизга илтимос билан мурожаат қилганига асосий эътиборни қаратсак, мавқе жиҳатдан ўзимизга teng одамлар бемалол бизнинг агентимиз ҳақида, нега у руслар билан алоқа қилгани, бу нацистлар найранги эмаслиги тўғрисида батафсил ахборот талаб қилиб қолиши мумкин... Бизга жавоб телеграммасини тайёрлашга тўғри келади, бу эса осон иш эмас, вақт керак, масала жиддий, қарабисизки, орадан яна

бир ҳафта ўтиб кетади... Менинг ҳисоб-китобимга қараганда, икки-уч ҳафтадан кейин ҳаммаси тугайди, шампанни очишга оз қолди... Албатта, расмиятчилик – даҳшатли нарса, аммо ҳозирги вазиятда – яшасин, расмиятчилик! Сабр қиласылар, ҳозир сабр қилсак гүрадан ҳолва битадиган пайт...

МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ (Ўз ватанингда пайғамбар борми?)

Рузвельт улуғвор океанорти мамлакати фожиавий тушкунликни бошидан кечираётган бир пайтда ҳокимият тепасига келди: ўн тўрт миллион ишсиз, яъни агар ҳар бир мазлумнинг хотини билан фарзанди борлиги ҳисобланса, қирқ миллиондан ортиқ қашшоқ ва оч кишилар ўшанда Американи босиб кетганди; касаба союзлар ярим яширин ҳолда эди, корхона бошлиги тўла ҳуқуқли хўжайнини ҳисобланиб, унинг айтгани-айтган, дегани-деган эди; иш ҳақини биргина ўзи белгиларди, уни оширишни талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди.

Вудро Вильсон вафотидан кейин Гардинг, Кулиж ва Герберт Гувернинг маъмуриятлари фақат шахсий бойлик тўплаш билан банд бўлишди; «биздан кейин дунёни сув босаверсин», қабилида иш юритиши; халқ эҳтиёжига панжа орасидан қаралди; конгресс аъзолари ва сенаторлар миллий фаровонлик, демократия ва ижтимоий уйғунлик ҳақида дабдабали нутқ сўзласа бу пайтда эса полиция иш ташлаш қатнашчиларини калтаклаб, намойишчиларни қамоқча оларди. Жон Эдгар Гувернинг айғоқчилари эса пишиқ-пухталик билан бошқача фикрловчилар қаторини тўлдириб борарди; бундай тоифадагилар фақат коммунистлар, касабасоюз намоёндалари ва радикаллар эмасди – сўл эътиқод эгаларининг ҳаммаси шубҳа остига олинганди; ўз шта-

бларида Гитлернинг портретини сақловчи ўта ўнглар махфий полициянинг ишончли таянчи, чин даракчиси ва меҳрибон дўстига айланди. «Қаттиққўл ҳокимиятни талаб этувчилар хавфли эмас, – ФБРнинг ёш ходимларига насиҳат қиласарди Гувер. – Аксинча, улар – бизнинг захирамиз немис фюрери оқибатда фақат мамлакатдан бегона кимсаларни ҳайдаб юборишни, иқтисодий тартиб ўрнатишни ва сўл сафсатавозларни йўқ қилишни истаяпти холос».

...Бироқ, Рузвельт Оқ уйга «бешафқат, қаттиққўл ҳокимият» отида кириб келмади-ю, аммо «янги йўналиш»ни эълон қилди.

Ўзининг иқтисодий дастурини баён этмасдан аввал у халққа мурожаат этди:

– Ҳозир биз чинакамига чўчишимиз лозим бўлган ягона бир нарса – бу, ҳайиқиш, яъни қўрқувдир! Биз бутун куч-ғайратимизни сўндириб, журъатсиз қилиб қўйган, чекинишдан ҳужумга ўтишга халақит бераётган, ҳеч қандай сабабсиз, бемаъни қўрқувдан ҳайиқишнимиз керак! Фаровонлик шундоққина оstonада турибди-ю, аммо у амалга ошмайди, чунки мамлакатнинг хўжалик товар айланмасини бошқарган одамлар ўзларининг тўпори қайсарлиги ва янги даврни тушунмасликлари оқибатида мағлубиятга учраб, хотиржамлик билан қўлларини ювиб, қўлтиқларига уришиди. Бу ноинсоф саррофлар жамоатчилик фикри билан қораланди, одамлар бутун қалблари билан улардан воз кечишиди. Бироқ, америкаликлар мағлубиятга учрагани йўқ! Улар демократиямизнинг асосий қоидаларига бўлган ишончни йўқотганлари йўқ! Америка халқи оғир дақиқаларда тўғридан-тўғри кескин ҳаракат қилишни талаб этди. У интизомни, тартиботни, раҳбарликни талаб қиляпти. У мени ўз иродасининг қуролига айлантирди. Мен бу мастьулиятни ўз зиммамга оламан.

Гитлер Германия канцлери бўлганидан кейин орадан бир ой ўтгач, Геринг рейхстагга ўт қўйишига беш кун қолганда, Рузвельт ўзининг биринчи нутқини сўзлаганди; соф виждонли ўн минглаб кишилар қамоқхона ва концентрацион лагерларга ташланди; донишманд ва шоирлар мамлакати узра даҳшат туни ўз кўланкасини ёйди.

Рузвельт президентлик лавозимини эгаллаган кунида эса Америкадаги банк эгалари Уолл-стрит эшикларини ёпиб қўйишиди; ҳалокат, инқиз, чорасизлик бошлианди...

Бироқ, Рузвельт ўз номзодини қўяётганда нималарга жазм этганини билганди. Унинг истеъдодли одамлардан ташкил топган «фикрловчи трести» пухта ўйланган дастурга эга бўлгани ҳолда у билан бирга раҳбарлик тепасига келганди. Бу дастур устида эътиқодлари, ҳис-ҳаяжонлари, сиёсий йўналишлари турлича бўлган одамлар бош қотиришганди; битта асосий нарса: ақидапарастлар олдида қўрқмаслик ва эндиликда қашшоқ ишчилар, оч ишсизлар рўй-рост очиқ гапираётган Американи инқилоб қилмаган ҳолда инқизордан қутқариб қолиш мумкинлигига бўлган ишонч уларни бирлаштириб турарди.

Камбағал ишчи оиласида туғилган этикдўзнинг ўғли Гарри Гопкинс¹ ҳам Рузвельт билан бирга Оқ уйга келди. Ўзи ўтмишда социалист бўлган Гопкинс ижтимоий таъминот бошқармасига раҳбарлик қилди. Журналистлар ундан хусусий корхона эгалари билан қандай баҳс ўтказишни мўлжаллаётгани ҳақида сўрашганда:

– Очарчилик – мунозара мавзуи эмас, – деб жавоб берди.

Драматург Роберт Шервуд ва мамлакатнинг табиий бойликларига масъул ички ишлар министри Га-

¹ Трумэн қокимият тепасига келганидан сўнг у Герольд Икес ва Уилки билан истеъфога чиқишига мажбур бўлган.

рольд Икес, меҳнат ва иш ҳақи масалаларини ўргана-ётган профессор Тагвелл, шоир Арчибалд Маклин, илгари порахўрликка қарши кураш ишларини кўришга ихтисослашган судья Розенман ва ишчилар билан учрашиб туриш учун ҳар ойда камида икки марта (заводларга ташриф буюришни ўзининг бурчи ҳисобловчи мамлакат тарихида биринчি министр аёл: Франсис Перкинс Рузвельтга ёрдам беришди; хона аъзоси Уилки ҳам «фикрловчи трест»га қўшилганди.

Катта бизнес президентнинг нутқи, сўлларнинг мунозараси, диндорларнинг ваъзхонлиги, девоналарнинг валдираши, фашистларнинг асабий чинқириги кабиларга мутлақо хотиржам муносабатда бўлади, чунки бу хатти-ҳаракатни сўз эмас, балки катта ишлар белгилайди. Бу ишларни эса энг кўп фойда кўриш ка-филлигини беришга даъват этилган сармоя сарфлаш, банк операциялари, қурилиш лойиҳалари ва ташқи сиёsat иттифоқисиз амалга ошириш мумкин эмас.

Шу боисдан Уолл-стрит Рузвельтнинг сайловолди нутқини ҳам, унинг ҳалққа дастлабки мурожаатини ҳам тантаналарнинг онгли, зарур қисми сифатида қабул қилди; ҳалққа байрамона руҳ, тантанавор нутқлар, ваъдалар керак, майли бўлаверсин; байрам тугайди, керакли одамларга министрлик лавозимлари тарқатиб бўлинади; армия билан полиция норозиларнинг пихини қайириб қўяди; қамоқхона – ўйлаб олиш учун яхшигина жой; авом ҳалқни қўлда тутиб туришни билиш керак, қолганлари кўнишиб кетади.

Бироқ Рузвельт ўз оиласи Оқ уйга кўчиб ўтганидан сўнг орадан ўн кун ўтгач, конгресснинг маҳсус сессиясини чақиртириди-да, ўзи учун фавқулодда ваколат берилишини талаб қилди.

Кўшма Штатларнинг бирон президенти Рузвельтга берилгандек улкан ҳокимиятга эга бўлмаганди; конгресс унга рад жавобини беролмади, чунки ҳалқ

Линкольндан кейин биринчи марта ўзи сайлаган президентни күкрап керіб ҳимоя қилди.

Фавқулодда ваколат олинган куннинг эртасигаेң Рузвельт мамлакатдаги барча банклар фаолиятини вақтінча тақиқлаб қўйди; бесўнақай давлат аппаратига кетадиган ҳаражатларни қисқартирди; миллий экономика тўғрисида қонун лойиҳасини чиқарди; мамлакат ташқарисига олтин чиқаришни ман этди; аҳолига ёрдам тариқасида беш юз миллион доллар ажратиб берди; мамлакатнинг табиий бойликларини қўриқлаш мақсадида фуқаролар гурӯҳини тузди; қишлоқ хўжалиги ва саноатни қайта ташкил этиш ҳақидаги қонунни таъсис этди; ҳалокат ёқасига келиб қолган уй-жой масаласини озгина бўлса-да, ҳал этиш мақсадида уй эгаларига қарз бериб туришга ҳукуматни мажбур этди; гангстерлар¹ билан ҳукуматнинг сотқин амалдорларинигина бойитатётган спиртли ичимликларни тақиқлаш ҳақидаги қонунни бекор қилди, янгидан касаба уюшмаларини ташкил этишга йўл қўйиб берди.

Йирик сармоядорлар уюшмаларининг ички сиёсий масалалари билан шуғулланувчи маслаҳатчилари тахмин қилинганидек иш бўлмаётганини ҳис этди.

Монополиячиларнинг бир одами эса ФБРда ўтириб олиб, жиноятчилар оламининг хатти-ҳаракатларини бошқариб турарди. Уни лавозимидан олиб ташлаш қийин эди, рузвельтчилар штабидаги одамлар орасида эса унинг ўрнини босадигани йўқ эди; «қора юмушдан ҳазар қилувчи сиёсатнинг хатоси президентнинг бошига бало бўлди; мамлакат сиёсий ва жиноий контрразведкасининг тепасига янги сиёсатнинг ашаддий душмани, «қаттиқўл» одамни орзу қилувчи ўтакетган мутаассиб турарди; «мумкин эмас» сўзи муҳокама қилинмайдиган, раҳбарнинг кўрсатмаси шак-шубҳасиз бажариладиган пайтда янги фикр

¹ АҚШда амалдорлар ҳимоясидаги бандитлар шайкаси.

хүшёр цензурага муҳтож бўлади, бегоналар гояси эса жиноий жавобгарликка маҳкум ҳисобланади.

ФБР директори Фордга ўхшаб янгича рақсларни тан олмасди, «қора таппи»ларнинг қўйи эшилтирилаётганда Дюпонга ўхшаб приёмникни ўчириб қўярди. Моргенга ўхшаб фақат анъянавий либос, пойабзал киярди ва Париж ёки Лондонда сотиб олинган камзул кийиб ҳузурига келадиганларнинг ҳар бирига шубҳа билан қарапди.

...Урушнинг дастлабки йиллари корхона ва банк эгалари, айниқса уларнинг Даллес, Форрестол ва Фордан фарқли ўлароқ Гиммлерни маблаг билан таъминлаб турган молиячи национал-социалист Шредер билан иш юзасидан узвий алоқада бўлмаган қисми Рузвельт томонида эди, чунки у шунчаки демократик партияга эмас, балки бутун Америка ҳалқига бошчилик қиласиди; бироқ, Германиянинг мағлубияти яқинлашгани сайин, Бирлашган Миллатлар тараққиёти манфаати йўлида қўлни-қўлга бериб ишлаши лозим, бўлган дунё қиёфаси ойдинлашган сайин, Рузвельт урушдан кейин Россия билан ҳамкорлик қилиш зарурияти ҳақидаги ўзининг сўзларини қатъият билан таъкидлагани сайин унинг гоялари ва ишларига қарши бўлган оппозиция зўр уюшқоқлик билан юзага кела бошлади.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ (Максим Максимович Исаев)

Ойген билан Вилли радиоахборот ҳужжатларини диққат билан кўриб чиқишига киришиб кетганидан сўнг, Курт эса ишни бошлаб юборишгани ҳақида гаулейтер Айгрубер котибиятини огоҳлантириб қўйгани Линцга жўнаб кетганидан кейин Штирлиц штурмбанфюрерга мурожаат қилди:

– Хётль, менга ҳамроҳ бўлолмайсизми? Тўғрисини айтсан, ёлғиз ўзим ҳеч сайд қилолмайман-да...

– Мамнуният билан ҳамроҳлик қиласан, – жавоб берди Хётль; бир кечадаёқ унинг юзи салса бўлиб, қартайиб қолганди.

– Бир дақиқа сабр қилинглар, – уларни тўхтатди Ойген. – Аппаратингизни тузатиб қўйгандим, штандартенфюер, керак эмасми?

Штириц Мюллернинг маслаҳатини эслаб, Ойген-нинг сўзлари илтимос эмас, балки буйруқ эканини тушунди; баҳслашиб ўтириш аҳмоқлик бўлади – шу боисдан у:

– Жуда ҳам сезгирсиз-да, қария, мен диктофонга чинданам парабеллум¹ сингари ўрганиб қолдим, – деб жавоб берди.

Ойген икки дақиқада қайтиб келди-да, ўзини жилмайишга мажбур қилиб диктофонни Штирицга узатди; бироқ, бу жилмайиш зўраки чиқди, у кўзларини олиб қочса-да, лаблари ўйнаб турарди.

– Техника соҳасидаги қобилиятингизни штурмбанфюер Хётль синаб кўрса бўлади, – деди Штириц, – бунинг учун гапларини бир оз ёзиб олишга тўғри келади-а? Эътирозингиз йўқми, Хётль?

– Нега эътиroz билдирап эканман? – жавоб берди у. – Фақат душмангина гапини эшишиб қолишларидан қўрқади, соғ виждонли киши текширувлардан чўчимайди.

– Кўряпсизми, Ойген, – давом этди Штириц, – Хётлинг гапларини тинглашса, бу ҳатто унга алоҳида қувонч багишлармиш, демак, у кўчада ётган ахлат эмас, балки арзигулик матаҳ ҳам экан, унинг фикрлари билан қизиқишаркан; бундан у қадру қиммати билан ифтихор қиласди.

Ойген ғазабли, лекин чорасиз кўзларини Штирицга қаратди:

¹ Парабеллум – тўппонча турларидан бири.

– Худди шундай, штандартенфюер.

– Мана буниси қойил, ҳамфир биродарлар билан ишлашдан ҳам кўра ёқимлироқ бирон нима бўлмаса керак. Юринг, Хётль, кишини толиқтирувчи навбат-чиликдан кейин мен учун вақт ажратганингиз учун раҳмат...

Боғда Штирлиц бошини орқага ташлаганча бегубор мовий осмонга тикилиб тўхтади-да, тоғдаги жўшиб оқаётган шаффоф сойларнинг бўйи уфуриб турган ҳаводан кўкрагини тўлдириб нафас олди ва кейин жилмайиб секин деди:

– Энг қизиги шундаки, ҳозир сув шовуллаб тушаётган бўлишига қарамай, ўзини юқорига отаётган хонбалиқ кўзимга кўрингандек бўлди... Хонбалиқ тутишга ишқибозмисиз?

– Ҳеч тутмаганман.

– Чакки қилибсиз, овдан ҳам мароқли бўлади, жойини билиб қармоқ ташласанг бас, дарров илинади; ҳеч қандай пўкақнинг ҳам ҳожати йўқ, кутиб ҳам ўтирумайсан; доим омад билан баҳлашаётгандек бўласиз...

– Бу ерда ҳам хонбалиқ тутадиганлар бор, – Штирлицнинг нимага шама қилаётганига тушунмай, эҳтиёткорона деди Хётль.

– Биламан. Сизларнинг хонбалифингиз жудаям яхши, унчалик катта ҳам эмас, шу боисдан чиройли; майда-майда кўк-қизил холлари ялтираб туради, худди садафга ўҳшайди... Испанияда мен рассомчилик билан шуғулланишга уриниб кўргандим, Иратда, басклар мамлакатида балиқ тутадиган ажойиб жойлар бор... Балиқни тасвиirlашга ожизман, бунинг учун голланд бўлиб туғилиш керак... Тасвирий санъатни ёқтирасизми?

Хётль асабий равишда чўнтағидан сигарет олиб чекмоқчи бўлди, лекин шамол ёндиригич алангасини нуқул ўчириб қўяверди.

– Сайрга чиққанда чекмасангиз-чи! – жаҳл билан деди Штириц. – Ўпкангизни асранг! Тамакининг заҳари билан бу ернинг ҳавоси омухта бўлиб, ўпкангиздаги нафас йўлларининг энг ичкариларига кириб олиб, кислородга қўшилиб ўша ерда қолади... Агар чекмасдан туролмасангиз, уйингизда ўзингизни заҳарлайверинг...

– Штандартенфюрер, мен бунаقا қилолмайман! – йўтуалиб деди Хётль. – Аппаратни бураб қўйдингизми?

– Ўзингиз кўрдингиз-ку... Албатта бураганим йўқ...

– Кўрсатинг-чи...

Штириц чўнтағидан диктафонини олиб Хётлга узатди:

– Агар шу билан кўнглингиз тинчиса, диктофонни ушлаб туришингиз мумкин.

– Раҳмат, – диктофонни чарм камзулининг чўнтағига тиқиб жавоб берди Хётль, – Голланд расмлари ҳақида нега суриштиряпсиз? Гитлернинг суратлари сақлананаётган Аусзее шахтаси тўғрисида хабардор бўлганингиз учун сўрайапсизми?

Штириц яна бошини орқага ташлаб, Пастернакнинг титилиб кетган китобидаги:

Ўт-ўланлар мисоли кўрпа,
Хинагулу мойчечак – болиш.
Роҳатижон – ўрмонда ётиш,
Кўкдан ёқсан нурларни эмиш...

мисраларини эсларкан, шоир тилининг теранлигини туди, қалби ёқимли ифтихор ҳисларига тўлди, қувончини ичига сифдира олмай, чуқур сўлиш олди-да, деди:

– Одамларга ҳайронман, бирорта ҳам сўзни ўзича қабул қилмай, ундан аллақандай бошқача яширин маънони қидиришгани-қидиришган, бу қанчалик даҳшат-а, Хётль... Нега сиз мени фюрерга тегишли суратлар билан қизиқяпти, деб ўйлаяпсиз?

– Чунки сиз мендан тасвирий санъатга бўлган муносабатимни сўрадингиз-да. Шу боисдан суратлар сақланайтган жой билан сиз ҳам қизиқаётгандек туядингиз менга.

– «Сиз ҳам» дедингизми? Яна ким қизиқувди?

Хётль елка қисиб деди:

– Бунақалар оз дейсизми...

– Хётль, мени шерик қилиб олаверинг, зарап кўрмайсиз, – деди хўрсиниб Штирлиц. – Мен мутаассиб эмасман, урушни бой берганимизни тушуниб турибман; яқин ойлар, балки ҳафталаар мобайнида ҳалокат юз беради... Мени мана бу қалъя ҳудудидан чиқармаётган шапкўрларнинг менга бўлган муносабатини кўриб турибсиз-ку... Худди сиздан гумонсираётгандек, мендан ҳам шубҳа қилишияпти, лекин кундузла-ри Линцга жўнаб кетиш имкониятингиз бор, мен эса бундан маҳрумман...

– Шундай экан, сизни, шубҳа остидаги одамни маҳсус топшириқ билан Кальтенбруннернинг штаб квартирасига жўнатилишини қандай баҳолаш мумкин? – сўради Хётль сув кўпириб оҳаётган чуқур ариқ узра ташланган торгина кўприкка етгач, Штирлицга йўл бераркан, – Нимагадир ёпишмаяпти... Бунинг устига, Эйхман ўз ҳийла-найранги билан мени обдон таништириб қўйган; у ўзини ҳибсга олинган кишининг «дўсти» қилиб кўрсатади, мен бўлсан сўроқ пайтида уни ана шу иши учун нуқул койирдим – нима бўлганда ҳам РСХАда биринчи йил ишлаётганим йўқ, бизнинг усулларимиз минг турли...

– Гапингиз тўғри, рост айтяпман... Аммо менга ишонишдан ўзга чорангиз йўқ, Хётль... Ахир сизга ҳам ишонишим керак-да... Кальтенбруннернинг ижозати билан сиз Фарбнинг фойдасига ишляяпсиз, у сизнинг фаолиятингиздан хабардор, бу масалани аллақачон ҳал қилиб қўйган ва шу боисдан сиз кечаёқ менинг

шифровкамни унга жўнатгансиз ҳамда бу ерга тўсатдан ташриф буюрганимизни хабар қилгансиз, деб ўйлашга ҳаққим бор.

– Агар шундай деб ўйласангиз, қандай қилиб мен билан ишлашингиз мумкин?

Штирлиц елкасини қисиб қўйди:

– Нима ҳам қила олардим?

– Чиндан ҳам чораси йўқ... – маъқуллаб бош иргади Хётль. – Лекин агар ҳатто менинг шахсий манфаатим кўзда тутилган тақдирда ҳам, буни очиқ айтяпман, гуруҳингиз келганини Кальтенброннерга хабар қилишга тўғри келади, сиз ҳақингизда эса обрўйингизга путур етказиши мумкин бўлган биронта ҳам сўз айтмайман.

– Ўзаро ишончга даъват қиляпсизми?

– Ҳа.

– Лекин сиз Кальтенброннерга бизнинг келганимизни хабар қилишга улгурган бўлсангиз керак?

– Ўзаро ишонч ҳақида келишиб олдик-а?

– Сабр қилишингизни маслаҳат берган бўлардим, Хётль. Буни сизнинг манфаатингизни кўзлаб айтяпман.

– Ҳаракат қилиб кўраман, – жавоб берди Хётль ва шунда Штирлиц унинг агар хабар қилишга ҳали улгурмаган бўлса, энди қандайдир чапдастлик билан Кальтенброннерга, албатта, хабар беришини дарров фаҳмлади...

– Суратлар сақланаётган кон билан кимлар қизиқяпти?

– Америкаликлар.

– Уларнинг одамлари бу ерга ташланганига қўп бўлдими?

– Улар қаерда жойлашган?

– Зальцбург яқинида.

– Сиз улар билан алоқа қилиб турасизми?

– Улар мен билан алоқа қилишади, – аччиқланиб аниқлик киритди Хётль.

– Хафа бўлманг, дўстим, – деди Штирлиц ва шу ондаёқ бу жумлани Мюллерга тақлид қилиб айтгани тўсатдан хаёлига келиб қолди. – Ҳозир улар сиздан эмас, балки сиз улардан манфаат кўрадиган замонда яшаяпмиз.

Хётль бошини сарак-сарак қилиб деди:

– Улар кўпроқ манфаатдор. Агар кескин бир чорасини кўрмасам, суратлар ва ҳайкалтарошлиқ асарлари сақланаётган штолъялар¹ – миллиард доллар туради-я – портлатиб юборилади.

– Ақлдан озибсиз!

– Фюрернинг буйруғи шундай. Штолъяга бешта авиация бомбаси кўмилиб сим ўtkазилган, детанаторлар ўрнатилган.

– Портлатиш ҳақида ким буйруқ беради?

– Берлин... фюрер... ёки Кальтенбруннер.

– Борман эмасми?

– Балки у ҳам бериши мумкин, лекин мен фақат Кальтенбруннерни биламан.

– Унга сўзингиз ўтадими?

– Бу одамнинг феъл-автори ўзингизга маълум-ку...

– Одаммиш, – такрорлади Штирлиц масхараомуз.

– Ҳайвоннинг ўзгинаси... Сизнинг алоқаларингиздан хабардорми?

– Йўқ.

– Уни бор гапдан огоҳ қилмоқчимисиз?

– Ҳозирча бир қарорга келганимча йўқ...

– Агар алдамаётган бўлсангиз, яна икки ҳафтагина сабр қилинг. У ҳалокат юз берганини тунда тан оладиган, эрталаб эса арақ ичиб олиб қўрқувдан фюрерномига тавба-тазарру ёзиб раҳм-шафқат сўрайдиган мутассиблар тоифасидаги одамлардан. Бу ерда отишмалар овози эшитилганидан кейингина унга ҳаммасини очиқ айтиб берарсиз... У бу ерга келмоқчими?

¹ Штолъя – конда қиялама кавланган йўлак.

– Билмадим.

– Ўзи югуриб, келади бу ерга. Унга фақат халачўп керак. Акс ҳолда ўзи нима қилишни билмайди... На у, на Гиммлер, ва на Геринг... Уларнинг ҳаммаси ўз даҳолари бўлмиш фюрер томонидан эзиб қўйилган... Бу уларнинг фожиаси, сиз учун эса халос бўлиш воситаси... Сиз унга обергруптенфюрер Карл Вольф Уфици галереяси суратларини қутқариб қолиш кафиллигини олганидан кейин Аллен Даллеснинг тенг ҳукуқли шериги бўлиб қолганини айтинг... Унинг олийҳимматлиги ҳақида Даллесга хабар бера олишингиз мумкинлигига иқрор бўлинг – сувда чўкаётган одам ҳар қандай хас-чўпга ёпишади... Агар унга таъсирингизни ўтказолсангиз, бу чинданам кўпгина фалокатлардан сизни қутқариб қолади...

– Менинг ҳолим нима кечаркин? – сўради Хётль ўйчанлик билан. – Агар сиз ҳаммани, шу жумладан, мени ҳам анча олдиндан мўлжалга олиб қўйган бўлсангиз, демак, бошқалар ҳам мўлжаллаши мумкин экан-да? Мен қўлимдан келган ишни бажаришга тайёрман-у, аммо кафиллик берилишини истайман... Мен тирик қолишим керак... Мен ҳаммасига тайёрман, штандартен-фюрер, менинг ажойиб оиласи бор, шу оиласи деб СС сафига кирдим, минг лаънат ўша кирган кунимга...

– Сиз ҳам менга тирик ҳолда кераксиз, Хётль, бизнинг манфаатларимиз бир-бирига мос тушган... Менда бир фикр бор... Аниқ қилиб айтганда, бу фикрим шу ерда, Зальцбург остонасида америка разведкаси билан алоқангиз борлигини айтганингиздан кейин пайдо бўлди... Афтидан, Швейцария билан улар алоқа боғлашлари учун ўша ўзингизнинг америкаликларингиз билан келишиб олишга тўғри келади... Сиз... Швейцариядаги Марказ фойдасига ишляяпсизми?

– Ҳа.

– Даллесгами?

- Ким у?
- Уларнинг шефи.
- Мен баланд бўйли қоп-қора киши билан учрашгандим...
 - Ўттиз беш ёшлардаги димоғдор, коммунистларни национал-социалистлардан қолишимайди, деб бўралаб сўгадиган кишими?
 - Ҳа.
 - У Гервиц, – ишонч билан деди Штирлиц. – Даллеснинг ўринбосари, худди немиснинг ўзи. Бақувват йигит, ишнинг қўзини билади, жаги нақ итникига ўхшайди... Хўш, бу ерда иш олиб бораётганлар узундан-узун радиограмма билан эфирга чиқаверишсин, уни тезда қабул қилиб олишади, сиз бўлсангиз, бу пайтда Ойген ва Вилли билан бирга стол атрофида ўтирган бўласиз; мен ҳужжатлар устида ишлайман, агар юз берган воқеа ҳақидаги ҳисоботни Ойген ёзса сизга яхши бўлади... Айтгандек, жудаям даҳшатли одам, у билан яхши муомалада бўлишга ҳаракат қилинг... Шунақангি радиосеансни уюштира оласизми?
 - Ҳа.
 - Нега мен жавоб ололмаётганимни Швейцариядан суриштириб кўроласизми?
 - Бундан осони йўқ, – деди жилмайиб Хётль.
 - Лекин, агар менга мақбул бўладиган жавобни ололмасак, у ҳолда бу ишнинг охиривой бўлиши мумкин.
 - Қанақасига? – яна ҳушёр тортиб сўради Хётль.
 - Сиз мени америкаликлар билан учраштирасиз.
 - Бу ерда америкаликлар ишлаётганий йўқ, аммо австрияликлар... Бари бир сизга учрашувни ҳам ташкил қилиб бермайман.
 - Шунчалик узил-кесилми?
 - Ҳа.
 - Ҳаммани бараварига қўлга туширишади, деб қўрқяпсизми?

– Ҳа.

– Агар шундай қилишни истаганимда Ойген ва унинг гурухидан сиз билан шуғулланишни илтимос қилган бўлардим-да, ўшанда бунақанги учрашувни бир соатга қолдирмай уюштирган бўлардингиз.

– Бундан сиз нима манфаат кўрасиз? – сўради тўхтаб Хётль.

– Сизга қандай тушунтиrsам экан-а? – Штирлиц жилмайиб қўйди. – Менга болут баргли хоч, буйруқ асосида ташаккурнома берилади.

«Ҳозир у америкаликлар билан ҳамкорлик қилиш фойдалироқ эканини менга тушунтиrмоқчи бўлади, – деб қўйди ўзича Штирлиц. – У ҳазилни тушунмас экан».

– Агар сизга рицарлик хочини қирқ учинчи йилда топширишганда бошқа масала эди, – деди Хётль, – Ҳозир ундан нима фойда? У сизга, аксинча, халақит бериши мумкин, буни биласиз; Сталин СС офицерларини жазолаш ҳақидаги золимона қонунни америкаликларга зўрлаб тиқиширган...

– Шунача денг?! Жин урсин, гапингиз тўғри! – Штирлиц яна бошини кўтариб кўкка тикилди; осмон янада қоронгилашган, оғир тус олганди. – Сайрга чиққанимизга қанча бўлди?

– Яхшиям сўрадингиз, – жавоб берди Хётль.– Сизнинг Куртингиз ортимиздан келяпти.

– Демак, ярим соат... Текширув... Энди бундай қиламиз... Ўйлаб кўринг-а, гестапонинг шу ерлик даракчиларидан қай бири яширинча ишлаш учун қолдирилганийкин? Маҳаллий «Вервольф»ни ким бошқаряпти?

– Бу ўта маҳфий сир; «Вервольф» билан НСДАП, гаулейтер Айгрубер шуғулланяпти...

– У хаста эмасми?

– Хирсдан ҳам бақувват.

– Мен унинг руҳий кайфиятини назарда тутяпман... Нутқ сўзлаётганда кўзига ёш оладими? Ҳайқи-

риб фюрерга саломатлик тилаётганда овози қалтираб кетмайдими? Фалабага чинданам имони комилми?

– Ундей бўлса хаста деяверинг... Фақат мутаассибликни хасталик деб бўлармикан?

– Ё хасталик ёки бир чеккаси сотқинлик билан тулашиб кетадиган совуққон ва ҳисоб-китобли амалпастлиқ.

– Ундей бўлса, биринчисига яқинроқ. Айгрубер хаста одам...

– Хаста бўлса хастадир-да... Мен сиздан, Хётль, «Вервольф» сафида ишлаш учун қолдирилган даракчи тўғрисида бекорга суриштирганим йўқ. Биз бир ҳийла ишлатамиз: сиз радиосеансни ташкил қилиб берганингиздан кейин мен Ойген ҳузурида сиз билан суҳбатлашавераман. Ҳамма нарса ҳақида, шу жумладан, маҳаллий аҳоли орасида кимлардан сотқинликда шубҳаланиш мумкинлиги тўғрисида гаплашавераман... Бу ерларни кимлар беш қўлдек билишини сўрайман... Кимлар қаерга яширинча кириб олиши ва сизларни шубҳа остида қолдириш мақсадида Швейцария билан шу ердан боғланганлигини суриштираман. Тушуняпсиз?

– Фаҳмляяпман... Уриниб қўраман...

– Агар ўзингиз аллақачондан бери нафратланиб юрган гестапонинг қўли билан «вервольф»лик бир жуфт абллаҳни қамоққа ташласангиз сизнинг фойдангизга ёзиб қўйилади.

Курт Штирлицни чақирди:

– Штандартенфюрер, шефдан шошилинч телеграмма олинди.

– Нима гап экан? – сўради Штирлиц тўхтаб.

– «Шахсан ўзига» деган муҳр босилган, – жавоб берди Курт. – Биз уни ўқиганимиз йўқ.

Штирлиц Хётлга қараб кулиб қўйди.

– Ўқишмаганмиш! Улар Лондондаги зодагонлар клубининг аъзолари-да! Кетдик, суҳбатни кейинроқ

давом эттирамиз. Сизни икки соатдан кейин кутаман... Айтгандек, оилангиз қаерда?

– Линцида, – деб жавоб қилди Хётль ҳадиксираган күзларини Куртдан узмай.

– Ростини айтяпсизми? – Штирлиц хұмрайиб қўйди.

– Бошқа қаерда ҳам яшарди?

– Курт, бу ердаги Марказда ишловчи барча ходимларнинг оиласлари қаерда? – сўради Штирлиц.

– Ҳаммаси уйида яшайди, – деб жавоб берди Курт ва шу йўсинда Мюллернинг Кальтенброннер ходимларига бўлган қизиқишини ошкор қилиб қўйди.

– Уйда бўлса уйдадир-да! – Штирлиц хўрсишиб қўйди. – Қаҳва ичгим келяпти... Қайноқ қаҳва... Ойген бари бир хуррак отяпти, Скорцени уни босиқ ухлашга ўргатолмабди, мақтанмай қўяқолсин...

– Ҳа, – унинг гапини маъқуллади Курт. – Мен ётоқхонадан чиқиб кетганингизни ва эрталабгача ошхонада ўтирганингизни кўргандим...

Штирлиц Хётль томон ўғирилиб, диққат билан унинг кўзига тикилди, у афтидан, ҳаммасига тушуниб – чиндан ҳам кузатишяпти! – дегандек салгина жилмайиб қўйди.

– Сизни кутаман, Хётль – деди Штирлиц. – Ҳали ишларимиз жудаям кўп.

– Мен тезда қайтаман. Хайль Гитлер!

У ўттиз қадамча юрганда Штирлиц чақириб қолди.

– Оғайни, диктофонни қайтариб беринг, сизга берганимни бутунлай унутиб қўйибман.

Курт кўзини қисиб, бошини чайқаб қўйди-ю, ҳеч нима демади.

«Ҳозир бошланади, – деб ўйлади Штирлиц, – ҳозир мени сиқувга олишади. Қани, оқибатини кўрайлик-чи!»

Бироқ уни сиқувга олишмади, чунки Мюллернинг шифровкасида (уни елимланган конвертда беришди) «Сизни бу ерга ким жўнатгани билан қизиқаётган»

шахс барча ишларингиздан хабардор», деб ёзилганди.

– Хўш, энди нима қиласиз? – сўради Штирлиц ҳамроҳларига қараб; улар шифровкани ўқишганига имони комил эди; буни оддий усулда синаб кўрмоқчи бўлди; Хётль билан суҳбат пайтида ўзини ошкор қилиб қўйган Курт тилидан илиниб қолиши мумкин.

– Кўрсатма беришларини сўранг, – Курт эмас, Вилли жавоб берди.

«Нима бало, ўйин қилишяптими? – деб ўйлади ўзича Штирлиц. – Богда, Хётль ҳузурида Курт вай-саб қўйганди, бу ерда Вилли... Бунинг маъноси нима? Куршовда қолганимни тушуниб турибман; Мюллер ҳийласининг сабабчиси эканим аниқ. Лекин у мендан нимани ундиради? У нимани ундириши мумкин? Вақт қўлдан бой берилган, ўйлаб ўтиришга вақти йўқ. Шундай экан, нима қилмоқчи?»

– Лекин сиз менга группенфюрер Мюллернинг тег-леграммасини ҳеч ким ўқигани йўқ, деган эдингиз-ку, – Курт томон ўгирилиб сўради Штирлиц. – Нега Вилли ўзбошимчалик қиласипти? Нега шахсан менга келган хатларни очиб ўқияпти?

– Сизнинг саволингиздан телеграмманинг мазмунини тушуниб қолдим, – деди Вилли. – Телеграммани ҳеч ким ўқигани йўқ.

– Мен ўқидим, – деди Ойген. – Икки марта ўқиб чиқдим.

– Худди шу сабабли ҳам энди нима қилишимиз масаласи мени қизиқтиряпти, – деди Штирлиц елка қисиб.

– Вилли ҳақ, – деди Ойген. – Кўрсатма беришлари ни сўранг.

– Хётль билан ишни тугатганимдан кейин сўрайман.

– Марҳамат қилиб, менга тасмани узатинг, – илтифот билан деди Ойген.

Штирлиц афсусланган ҳолда ижирганиб деди:

– Менга қаранг, ҳаммани аҳмоқ деб ўйлаш ярамайди... Унинг олдида менга диктофонни берганингиздан кейин қандай қилиб Хётль билан иш юзасидан гаплашишимиз мумкин эди?

– Гаплаша олардингиз, – деди Ойген. – Ўзининг гаплари ёзиб олинаётганини билиб турган пайтдаги сўз оҳангини юзма-юз гаплашаётганига ишонч ҳосил қилинган пайтдаги сўз оҳангига таққослаш учун яна гаплашган бўлишингиз керак.

– Ҳар хил найранглар ишлатиб ўтиришга вақтимиз йўқ, – деди Штирлиц. – Тушундингизми? Тушунмадингиз. Аммо биз нимани тушуниш буюрилган бўлса, ўшани тушунишга мажбурмиз.

– Биз эмас – сиз, – аниқлик киритди Ойген. – Бизнинг вазифамиз – сизни қўриқлаш.

– Жуда соз, – деди Штирлиц. – Шундай экан, бошқаларнинг ишига тумшуғингизни суқмай, мени қўриқлаш билан шуғулланаверинг.

Ўрнидан туриб у Вилли томон ўгирилди:

– Мени радиостлар ҳузурига олиб боринг.

Штирлицнинг телеграммасини Мюллер кечқурун ўқиди; кун бўйи шаҳарда бўлди; ОДЕССнинг маҳфий учрашув жойларини қайта-қайта айланиб чиқди; у шундан кейингина Кальтенброннернинг ҳузурига келди; РСХАнинг шефи эрталаб гестапо ходимларидан бир гуруҳи нима сабабдан Альт Аусзеега жўнаб кетгани билан тўсатдан қизиқиб қолди. У билан сухбатда Линцга жўнатилган бригада маҳаллий РСХА га ёрдам бериши лозимлигини қистириб ўтди; тоғнинг аллақаерида, боғ ҳовлиниң шундоққина биқинида партизанлар фаол ҳаракат қилишяпти; бундан фюрер огоҳ бўлиб қолибди; текшириб кўрмаслик мумкин эмас; кўрилган тадбир ҳақидаги батафсил ҳисобот унга, обергруппенфюрерга берилса ҳам, ижро тўғрисида шахсан фюрер хабардор қилиниши лозим.

- У ерда ким иш олиб боряпти?
- Штандартенфюрер Штирлиц...
- Ким?
- Олтинчи бўлимдан Штирлиц.
- Сизнинг топшириғингизни нега разведка бажаряпти?
- Чунки у ҳаммадан кўра уддабурро...

Мюллер учун ниҳоятда кўнгилсиз бу суҳбат Герингнинг қўнғироги билан узилиб қолди. Геринг швед фуқаро авиациясидан рейх манфаати йўлида қанчалик фойдаланиш мумкинлиги билан қизиқди. Кальтенброннер люфтваффе билан шугулланувчи гуруҳ ходимларини дарров чақирирди: шундан фойдаланиб Мюллер кетишга ижозат сўради; обергруппенфюрер паришонхотирлик билан рухсат берди – Герингнинг ҳар бир саволи замира бирор ишқал бор, деб ўйларди, унинг фюрерга шикоят қилишини истамасди; Гитлер рейхсмаршалга нисбатан аввалгилик муносабатда бўлмаса-да, улар бари бир тез-тез холи суҳбатлашиб туришарди; Гитлер одатда бирорнинг таъсирига берилиб кетарди; Геринг унга нималарни вайсаб қўйишини ким билади, шундай бўлгач, унинг шипшишиларига фюрер қандай муносабатда бўлишини олдиндан айтиш қийин.

Штирлицнинг телеграммасини Мюллер яна ўқиб чиқди: «Штурмбанфюрер Хётль эътиборга молик бир қатор ҳужжатларни яқин уч кун мобайнида тайёрлаб беришга ваъда қилди. Ишни давом эттириш имконияти бор, деб ҳисоблайман. Қандай йўл-йўриқ кўрсатилади?».

У телефон трубкасини олиб радиомарказни чақириди-да, телеграмма сўзларини айтиб ёздириди:

«Алт Аусзее, Штирлицга. Бажарилган ишлар тўғрисида тезда хабар қилинг. Уч кун кутиш мумкин эмас. Мюллер».

Хётль беш соатдан кейин етиб келди; Штирлицга сайр қилишни таклиф этди. Ташқарига чиқишигач, Штирлиц пальтосининг чўнтағига ишора қилиб қўйди; у дарров тушунди: сухбат ёзиб олиняпти; Хётль Роберт Грюнберг билан Константин Гюрат кейинги ойларда қаср атрофида тез-тез пайдо бўлиб тургани, бироқ, гаулейтер Айгрубер улар ҳақида Берлинга хабар беришни тақиқлаб қўйгани; уларнинг икки марта келиши шубҳали туюлгани, чунки кечқурун, қоронги тушган бўлишига қарамай фонус ёқмай пайдо бўлишгани; айни ўша кунларнинг бирида аниқланмаган узатувчи эфирга чиққанини шивирлаб айтиб берди.

Штирлиц тасма тамом бўлгунча яна кўпроқ гапиравер, дегандек ишора қилди; Хётль тушундим, дегандек бош иргаб сўзида давом этди. Штирлиц ҳам шивирлаб сўради:

– Обергрупенфюрер Кальтенброннер бу хабарга қандай муносабатда бўлди?

Хётль эрталаб Штирлиц маслаҳат қилганидек жавоб берди:

– Гаулейтер Айгрубер бекордан-бекорга Кальтенброннерни асабийлаштирмаслик мақсадида номаъзгул хабарни юборишни тақиқлаб қўйган...

Штирлиц соатига қараб қўйди: тасма ҳозир тугайди: мана ниҳоят тугади, диктофонда нимадир оҳиста ширқ этди.

– Тамом бўлди, – деди Штирлиц енгил нафас олиб – Энди гап бундай, азизим Хётль. Швейцариядан хабар келмади, радиостлардан суриштириб билдим. Даллес финг демаяпти. Шу боисдан ўзингиз алоқа қилиб турганлар билан мени учраштиришга тайёрланинг.

– Бу мумкин эмас. Ҳомийларингиз сизни ҳеч қаёқча чиқаришмайди.

– Тўғри. Шунинг учун ҳам учрашувни шу ерда, боғда, дарвоза ёнида ташкил қилинг. Сиз неча кишини бошлаб кела оласиз?

– Гапларингизга тушунмаяпман, штандартенфюер...

– Жұда осон иш, Хётль. Сиз ўз одамларингизни бошлаб келасиз-да, соқчиларни бартараф этасиз, мен ўз қўриқчиларимни йўқ қиласман, сўнг биргаликда тоққа чиқиб кетамиз... Оилангизни бугуннинг ўзида бирон узоқроқ жойга олиб бориб қўйишни маслаҳат берардим, уйда қолишининг ҳожати йўқ...

– Ҳаддан ташқари қалтис иш-да.

– Албатта, қалтис, – унинг фикрига қўшилди Штириц. – Лекин хотинингиз билан фарзандларингизни гаров тариқасида ушлаб туриш янада хавфли бўлади... Бизнинг команда бу ерга серсо¹ ўйнаш учун келмагани ўзингизга маълум... Мен бўлмасам, бошқаси сизни тутиб олади... Аммо ўша бошқаси ишни хотинингиз билан фарзандларингизни ертўлага ташлаб, учинчи даражали азоблаб қўрқитиши усулини қўллашдан бошлайди... Сизнинг кўз ўнгингизда қийнашади...

– Мен билан алоқа қилиб турган Австриядаги яширин гуруҳ Даллесдан суриштириб қўриши мумкин. Мюллерга уларнинг коди маълум эмасми?

Шунда Штириц:

– Агар у бу телеграммаларни ўқигандা, сиз аллақачон крематорий² тутунига айланган бўлардингиз... – деб хатога йўл қўйди.

Хётль рейхга қарши чиқувчилар билан бирга қаерга ҳужум қилиш операцияси режасини шу бугун тунда тайёрлашни Штирицга ваъда қилиб, Ойген, Курт ва Вилли ишлаётган коттежга кирди-да, бир жуфт яхудийлар латифасидан айтиб берди, сўнг эртанги ишларни режалаштириб, Линцга жўнаб кетди. Ўша ердан Кальтенброннернинг шахсий телефонига қўнгироқ қиласми.

¹ Серсо – осмонга иргитилган ҳалқани чиллак билан илиш ўйини.

² Крематорий – ўликлар куйдириладиган махсус печь.

– Махсус гуруҳ изимизга тушди, уларни бу ердан олиб кетишин. – Шундай деди-ю, гўшакни жойига қўйди.

Шу усулда у Даллеснинг қўрсатмасини бажарди. Хётль алоқанинг қўшимча йўналишидан: «Сизни русларга мўлжалланган шифровкани менга жўнатишга ундан одамни Альт Аусзеедан йўқотинг», деган фармойиш олганди.

Унинг Farb билан алоқасидан хабари бўлган Кальтенброннер маълум бир муддат учун Хётлга ҳар эҳтимолга қарши ниқоб вазифасини бажаарарди.

Хётль Линцдаги уйида бир шиша конъяк ичса ҳам маст бўлмади: у ўзининг руҳий ҳолатига бўйсунниб Кальтенброннерга қўнгироқ қилди. Бироқ енгил тортмади; қўрқув уни тарк этмади; Штирлицнинг оила гаровга тушиб қолиши ҳақидаги сўзлари дам-бадам ёдга тушарди. Аммо у ўз ҳолича яшолмасди, унга бошлигининг буйруғи, маслаҳати, тавсияси керак эди, акс ҳолда шунчаки уддасидан чиқолмасди, уйқусизлик азоб берарди, аъзои бадани увишарди.

Хётль хотинини қарта ўйнашга ундади; ютқаза бошлагач, жаҳли чиқди; иккита уйқу дорисидан ичиб ўринга ётди, тунни беҳаловат ўтказди.

Кальтенброннер тунги соат иккida Мюллерга қўнгироқ қилди:

– Альт Аусзеедаги вазият менга ёқмаяпти, – деди у, – Ҳозироқ улар йўлга чиқиб қайтиб келишсин-да, кундузи менинг ҳузуримга кириб ахборот беришсин, душман радиостларини излаб топишни пухтароқ ташкил этишни биргаликда ўйлаб кўрамиз.

– Хўп бўлади, обергруппенфюер, – деб жавоб берди Мюллер, – Штирлицга телеграмма тайёрлайман.

Телеграмма юбориб ўтирмай, тўғри Борманнинг ҳузурига йўл олди.

– Демак, Кальтенбруннер ҳам ўз ҳолиша иш юрита-
ётган экан-да, – деди у Мюллернинг гапларини эши-
тиб бўлиб – Ҳалол одам текширувлардан қўрқмайди...

Мюллер шу суҳбатдан кейин орадан етти дақиқа ўт-
гач, Ойгенга: «Штирицни бирор соат ҳам кечиктир-
май етказиб келинг», мазмунида телеграмма жўнатди.

ХАҚИҚАТНИ ТУШУНИШДАГИ ФОЖИАВИЙ ВА АЖОЙИБ ҚОБИЛИЯТ (1945 йил 12 апрель)

ОССнинг сўнгги ишлари ҳақида Гопкинс ёзган
батафсил баёнотномани олиб, генерал Донован ўз
ахборотида қайси масалалар ҳақида фикр юритгани-
ни, нималарнидир, гёё ҳеч нарса бўлмагандек ёзма-
ганини, нималарнидир умуман эсга олмаганини дар-
ров тушунган Рузвельт Ҳарбий денгиз флоти бўйича
адъютантига Сталин билан ёзишмалари сақланаётган
папкани келтириб беришни илтимос қилди ва «Сан-
райз» операцияси билан боғлиқ телеграммаларни
ажратиб қўйди.

Президент ўз мактубларини ва рус маршалининг
жавобларини икки марта ўқиб чиқди, Аллен Даллес-
нинг СС обергруппенфюрер Карл Вольф билан му-
зокараларига багишлиланган Донованинг хатини яна
кўздан кечирди, дўсти ва маслаҳатчиси Гарри Гоп-
кинснинг шу масала юзасидан тайёрлаган баёнотно-
масини варақлаб бўлиб, тўсатдан ёноқлари ловиллаб
кетганини сезиб қолди.

«Худди бувимдан бесўроқ апельсин мураббоси-
ни олгандек бўлдим-а, – деб ўйлади Рузвельт. – Уни
янги йил арафасидаги Рождество ҳайити дастурхони-
га сақлаб қўйишганиди, мен бўлсан ноябрдаёқ еб қў-
йибман, буни сезиб қолишганда биринчи марта уят-
дан қип-қизариб кетгандим...»

– Кўзларим ниҳоятда толиқибди... Агар сизга оғирлик қилмаса, илтимос, Джо Амакининг барча ёзишмаларини менга ўқиб беринг, – деди Рузвельт адъютантига. – Икки томонлама ёзишмаларнинг умумий услубини тушуниб олмоқчиман. Акс ҳолда, русларнинг пешвосига мунозараларга бўлган фақат менинг ҳозирги муносабатимгина эмас, балки англашилмовчилик оқибатида Бернданаги ва шу ердаги, Донован штабидаги одамларимиз йўл қўйган номуносиб хатти-ҳаракат учун кечирим сўраш ҳам ўз ифодасини топадиган телеграммани тайёрлашда қўйналиб қоламан.

Адъютант кўзойнагини тақиб, бир оҳангда баланд овоз билан ўқий бошлади (Рузвельт ҳар доим худди шу йўсинда ўқишини илтимос қиласарди, чунки сўзларга мутлақо бошқача маъно берувчи ҳиссиёт таъсиридан чўчирди; агар республикачилар партиясидаги рақиби Дъюнинг сайловолди нутқини тинглассанг, ҳақиқатнинг ўзи унинг тили билан гапираётгандек туюлади, аммо нутқини ўқиб чиқсанг, ҳайратдан ёقا ушлайсан, қуп-қуруқ сафсатавозлик, ҳеч қандай фикр йўқ, унчалик ҳалол бўлмаган ўша одам тайёрлаган бухгалтерия ҳисоботининг ўзгинаси):

– «Бош министр Сталиндан президент Рузвельтга шахсан ва маҳфий, – деб ўқиди адъютант ва йўталиб қўйди. – Сиз хатингизда менга берган саволингиз бинан танишиб чиқдим ва герман қўшинларининг таслим бўлиш ҳамда инглиз-америка қўшинларига Шимолий Италиядаги фронтни очиб бериш имконияти ҳақидаги немислар билан Бернда ўтказилган музокараларда совет вакилларининг қатнашиши рад этилгандан кейин Совет ҳукумати бошқача жавоб бериши ҳам мумкин эмасди, деб ҳисоблайман.

Мен немис армияларидағи тушкунлик ҳолатидан фойдаланишга, фронтнинг у ёки бу ерида уларнинг таслим бўлишини тезлатишга, иттифоқчи қўшин-

ларга фронтни очиб бериш ишида уларни рағбат-лантиришга қарши әмасман, аксинча бутуңлай құлаб-қувватлайман.

Сизге айтишим керакки, агар Шарқий фронтда, Одернинг аллақаерида немисларнинг таслим бўлиш ва совет қўшинларига фронтни очиб беришнинг шунга ўхшаш имконияти юзага келиб қолган тақдирда мен бу ҳақда инглиз-америка ҳарбий қўмондонлигини тезда хабардор этиб, музокараларда иштирок этиш учун ўз вакилларини юборишни илтимос қилган бўлардим, негаки бундай вазиятда иттифоқчилар бир-бирларидан сир тутмасликлари лозим».

– Ўқийверинг, – деди Рузвельт.

«Президент Рузвельтдан Маршал Сталин учун шахсан ва ўта маҳфий...

Бернданаги учрашувдан кўзда тутилган ягона мақсад аллақандай музокаралар олиб бориш әмас, балки омилкор герман офицерлари билан алоқа ўрнатши эканлигини мен тақроран айтишим керак.

Бу иш гёё Гиммлерга яқин одамлардан ҳисобланган шу билан бирга, эҳтимол у кўзлаган ягона мақсад иттифоқчилар ўртасида шубҳа ва ишончсизлик уругини сочишдан иборат бўлган герман офицерининг ташаббуси билан юзага келди. Бизда унинг бу мақсадга етишда муваффақият қозонишига ҳеч қандай асос йўқ. Юқорида келтирилган ҳозирги вазиятнинг аниқ баёни ва менинг ниятларим. Сиз ўз мактубингизда билдирган хавфисиращ түйгусини тарқатиб юборишига ишонаман».

– Донован СС олий генералини менга «герман офицери» деб атаганди, – таъкидлаб қўйди Рузвельт. – Мен бўлсам унга ишониб ўтирибман. Джо Амакининг кўз ўнгида мен ёлғончи бўлиб қолдим... Шармандалик... Марҳамат, давом этинг...

– «Маршал Сталиндан президент Рузвельтга... Сизнинг Бернданаги музокаралар ҳақидаги масала хусусида ёзган мактубингизни олдим.

Сиз мутлақо ҳақсиз, инглиз-америка қўмондонлигининг немис қўмондонлиги билан Бернда ёки бошқа жойдаги музокаралари ҳақидаги воқеа муносабати билан «эндиликда афсусланишга арзийдиган хавфсираш ва ишончсизлик муҳити юзага келди».

Сиз ҳали ҳеч қандай музокара бўлмаганини таъкидляйпиз. Чамаси, сизни тўла хабардор қилишмабди. Менинг ҳарбий ҳамкарабаларимга келганда эса, улар ўзларидаги мавжуд маълумотларга асосланиб, музокаралар бўлиб ўтганига шубҳа қилмаяптилар. Бу музокаралар Гарбий фронтдаги немис қўмондони маршал Кессельринг фронтни очиб беришга, инглиз-америка қўшинларини Шарқ томон ўtkазиб юборишга рози бўлган, инглиз-америкаликлар эса бунинг эвазига немислар учун яраш аҳди шартларини енгиллаштириш битими билан якунланган.

Мен Бернда ёки аллақайси бошқа жойда ўтказила-диган бир томонлама музокаралар натижасида инглиз америка қўшинлари маълум даражада манфаатдор бўлишиларини тушуниб турибман, модомики инглиз-америка қўшинлари немислар томонидан деярли ҳеч қандай қаршиликка учрамай Германиянинг ичкарисига силжиш имкониятига эга бўларканлар, нега энди буни руслардан яшириш лозим экан, нега энди бу ҳақда ўз иттифоқчиси – русларни огоҳлантириб қўйишмади?

Оқибатда мана нималар бўляпти, ҳозирги дақиқаларда Гарбий фронтдаги немислар амалда Англия билан Америкага қарши урушни тўхтатдилар. Шу билан бирга немислар Англия билан АҚШ иттифоқчиси, – Россияга қарши урушни давом эттирмоқдалар.

Ўз-ўзидан маълумки, бундай вазият мамлакатларимиз ўртасида ишончни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишига хизмат қилолмайди.

Мен аввалги мактубимда сизга ёзгандим ва ҳозир ҳам яна тақрорлаб айтаманки, шахсан ўзим ва менинг

ҳамкасабаларим бир нафаслик манфаат, у қандай бўлишидан қатъи назар, иттифоқчилар ўртасидаги ишончни сақлаш ва мустаҳкамлаш юзасидан асосий манфаат қаршисида ҳеч гап эмаслигини тушунган ҳолда бундай хатарли ишга қўл урмаган бўлардик».

– Афсуски, у ҳақ, – таъқидлади Рузвельт. – Ака-ука Даллес ва Донован адвокатлик фирмасининг бир нафаслик манфаати кейинги йиллар давомида ўзим эришган нарсани – Джо Амакининг бизга бўлган ишончини бомбардимон қилди... Давом этинг, марҳамат...

– Чарчаб қолмадингизми? – сўради адъютант.

– Йўғ-е, йўқ, нималар деяпсиз, кутяпман...

– «Президент Рузвельтдан Маршал Сталин учун шахсан ва ўта маҳфий... Фельдмаршал Александр билан Кессельринг ўртасида имзоланган битим «инглиз-америка қўшинларини Шарқ томон ўtkазиб юборишга, инглиз-америқаликлар эса бунинг эвазига немислар учун яраш аҳди шартларини енгиллаштиришга ватъда қилишга» имкон бергани даъво қилинган Сизнинг мактубингизни олиб, ҳайрон бўлдим.

Герман қўшинларининг Италияда таслим бўлишини муҳокама қилиш учун кенгаши ўюштириш мақсадида Берндана уриниши масаласи юзасидан Сизга йўлланган аввалги мактубларимда мен сизга қўйидагиларни хабар қилгандим: 1) Бернда ҳеч қандай музокаралар бўлгани йўқ; 2) бу учрашув умуман сиёсий тус олмаган; 3) Италияда душман армияси қайси йўл билан таслим бўлган тақдирда ҳам биз ўзаро келишиб олган сўзсиз таслим бўлиш қоидасининг бузилиш ҳолларига йўл қўйилмайди; 4) таслим бўлиш шартларининг муҳокамаси учун ташкил этилиши мумкин бўлган ҳар қандай учрашувда совет офицерларининг иштироқи маъқулланади.

Бернда ҳеч қачон ҳеч қандай музокаралар олиб борилмаганига имоним комил ва сизда бу ҳақда мавжуд

бўлган маълумотлар ўзлари амалга оширган ҳарбий жиноятлари учун масъулиятдан бир оз холи бўлиши мақсадида орамизга нифоқ солишга астойдил уринаётган герман манбаларидан чиқаётган бўлиши керак. Агар Вольф ана шу мақсадни кўзлаган бўлса, унда Сизнинг мактубингиз у маълум дараражада мувафақиятга эришганини исботлаб турибди.

Сиз билан биргаликда нацистларнинг сўзсиз таслим бўлишига эришиш йўлидаги шахсан ўзимнинг ишонч ва қатъиятим Сизга маълум эканига амин бўлган ҳолда, аввал сизнинг тўла розилигингиизни олмай туриб душман билан битимга киришганим ҳақидаги фикрга, афтидан, Совет ҳукумати қулоқ солганига ҳайрон қолдим.

Ниҳоят, мен шуни айтмоқчи эдимки, агар эндиликда яқинлашиб қолган айни галаба дамларида бундай шубҳалар, бундай ўзаро ишончсизлик улкан қурбонлардан кейин бутун ишимизга зарар етказган, тарихда энг иирик фожиалардан бирига айланган бўларди.

Очигини айтганда, менинг хатти-ҳаракатларими ни ёки менинг ишончли одамларимнинг хатти-ҳаракатларини бунчалик қабиҳона, нотўғри талқин қилганликлари муносабати билан Сизнинг маълумот берувчиларингизга нисбатан, улар ким бўлишларидан қатъи назар, қаҳр-газабимни яширолмайман».

– Сиз ўнгайсизликни ҳис этяпсизми? – сўради Рузвельт. – Мени қанчалик ноқулай вазиятда қолдиришганини сезяпсизми? Давом этинг...

– «Бош министр Сталиндан президент Рузвельтга шахсан ва маҳфий...

Менинг мактубимда гап ҳалоллик ва ишонч ҳақида бораётгани йўқ. Мен Сизнинг ҳалол ва ишончли эканингиизга, жаноби Черчиллнинг ҳам ҳалоллиги ва ишончлилигига ҳеч қачон шубҳа қилмаганман. Мактубимда гап ўзаро ёзишмаларимиз жараёнида ит-

тифиоқчи бошқа иттифиоқчига нисбатан нималарга имкон бериши ва нималарда у ўзига эрк бермаслиги борасидаги қарашларда тафовут юзага келиб қолгани ҳақида борган эди. Биз, руслар, фронтлардаги ҳозирги шароитда, душман мұқаррар таслим бўлиши арафасида иттифиоқчилардан бирининг вакиллари немислар билан таслим бўлиш масаласи юзасидан ўтказадиган ҳар қандай учрашувда бошқа иттифиоқчи вакилларининг иштироки таъминланishi лозим, деб ўйлаймиз. Агар ўша иттифиоқчи бундай учрашувда иштирок этишга эришса, ҳар қандай ҳолатда ҳам бу шак-шубҳасиз зарур ҳисобланади. Америкаликлар билан инглизлар эса бошқача ўйлаб, русларнинг нуқтаи-назарини нотўғри талқин қилмоқдалар. Шунга асосланиб улар русларни Швейцарияда немислар билан учрашувда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилдилар. Сизга илгари ҳам ёзгандим ва яна тақрорлайманки, руслар шунга ўхшаш вазиятда америкаликлар билан инглизларни бундай учрашувда қатнашиш ҳуқуқидан ҳеч қачон маҳрум қилмаган бўлишарди. Мен ҳамон русларнинг нуқтаи-назарини ягона тўғри деб ҳисоблайман, чунки ҳар қандай ўзаро шубҳаларга ўрин қолдирмайди ва душманга ўз орамизда ишончсизлик ургуни сочиш имкониятини бермайди.

Менинг маълумот берувчиларимга келганда эса, Сизни ишонтириб айтаманки, улар ўз бурчларини пухта бажараётган ва бирон кимсани ҳақоратлаш нияти бўлмаган жуда ҳалол ва камтарин одамлардир. Бу одамларни биз ишда кўп марталаб синааб кўрганмиз...»

– Калтафаҳмларча фаразгўйлик ва русларни анъ-анавий ёқтирмаслик маълум бир босқичда портлаш моддасига айланиши мумкин... Узим ишонган одамларнинг қилмишларидан уяламан, – деди шивирлаб Рузвельт. – Гопкинс мени алдашаётганини айтганда, унинг, гапини тўхтатиб қўйганимга уяламан... Илти-мос, ёзинг. Қўштироқ...

– «Президент Рузвельтдан Маршал Сталин учун шахсан ва ўта маҳфий...

Ҳозир аҳамиятсиз бўлиб қолган ва ҳеч қандай наф бермай тарихга чекинган Берн можароси хусусидаги руслар нуқтаи-назарини самимий тушунтириб берганингиз учун сизга миннатдорчилик билдираман.

Ҳар ҳолда ўзаро ишончсизлик бўлмаслиги лозим ва келажакда бундай хилдаги арзимаган англашilmovchilik юзага келмаслиги керак. Бизнинг армияларимиз Германияда алоқа ўрнатиб, бутунлай мувоғиқлаштирилган ҳужумга бирлашгандан кейин нацистлар армияси инқирозга юз тутишига ишонаман.

12 апрель 1945 йил».

– Нуқта, – деб якунлади Рузвельт. – Қўштироқни ёпинг. Ҳозирча қўлимдан келгани шу. Аммо бу фақат бошланиши. Ўйлашимча, руслар мени тушунишади...

Бу Франклин Делано Рузвельт имзо чеккан охирги ҳужжат эди.

«Президент Трумэнга, Вашингтон.

Президент Рузвельтнинг бевақт вафоти муносабати билан Совет ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Америка Қўшма Штатлари ҳукуматига чуқур таъзия билдираман. Америка халқи ва Бирлашган Миллатлар Франклин Рузвельт тимсолида жаҳон миқёсидаги буюк сиёсатчи ва урушдан кейинги тинчлик ва хавфсизлик жарчисини йўқотди.

Оғир жудоликка учраган америка халқига Совет Иттифоқи ўзининг самимий ҳамдардлигини ва умумий душманга қарши урушда асосий оғирликни зими масига олган буюк давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик сиёсати бундан кейин ҳам мустаҳкамланишига ўз ишончини изҳор этади.

И. Сталин. 13 апрель 1945 йил».

ҚИЗИЛ АРМИЯНИНГ ЗАРБАСИ. ОҚИБАТ

Одатда жисмоний ишлар таърифида қўлланиладиган «Қирс этди» тушунчаси Жуковнинг қўшинлари Одер истеҳкомида мустаҳкам ўрнашиб олган немис қўшинлари позициясига снаряд, мина ва бомбалар ёғдирган қирқ бешинчи йилнинг ўн олтинчи апрелида ҳам ўз ифодасини топди.

Биргина мудофаанинг ўзи эмас, балки бутун рейх қирсиллаб кетди; ҳали зарба берилишидан бир дақиқа аввал қарши томоннинг тузуми ва афкор омасининг иродаси эндиликда чок-чокидан сўкилиб, чанг ва қурум тўзонини кўтарган ҳолда даҳшат билан қуламоқда эди.

...Цоссенда, Гудериан ўрнини эгаллаган Кребснинг штаб-қароргоҳида телефон бетўхтов жиринглаб турарди (алоқа немисчасига пухта ишларди); Одердан ҳар ўн беш дақиқада хабар келиб турарди.

Хонадаги ҳарита ёнида тўпланганларга орқа ўгириб турган Кребс офицерлардан кимнингдир эндиликда ҳайиқиб эмас, шивирлаб эмас, балки очиқдан-очиқ баланд овоз билан адъютант Герхард Болдтга айтаётган гапини эшитмаслиги мумкин эмасди.

– Наҳотки, америкаликлар улгуришмаган бўлса?! Ахир, улар Эльбага яқинлашиб қолганди-ку, фронт бўлса очиб қўйилган, танклари Цербетга кирган бўлса-ю, наҳотки Берлинга биринчи бўлиб кириб боришни исташмаса?!

Кребс ўтирилиб штаб ходимларининг бошлари узра аллақаёқса тикилиб, адъютантига мурожаат қилди:

– Марҳамат қилиб мени рейхсканцелария билан уланг. Мен тушуниб олишим керак: бош штабни қаёқса кўчиришаркин? Менинг таклифим ўз кучида қолади. Берхтесгаденга кўчириш лозим... Иш бўлмаса, менга бир стакан вермут¹ келтиринг...

¹ Вермут – вино турларидан бири.

Адъютант бункер билан боғланди; генерал Бургдорф кўчириш ҳақидаги саволга фақат такаббурона кулиб қўйди-да: сўнг;

– Берхтесгаденга кўчириш амалда ниҳоясига етди, гап фақат ўзларининг қачон йўлга чиқишиларида қолган Кребсга айтиб қўйинг, у йигирманчи апрелда фюрернинг туғилган кунини нишонлаш учун рейхсканцеларияга таклиф қилинган, – деди.

...19 апрель куни кечқурун «ҳарбий конференция»га таклиф қилингандарнинг ҳаммаси чиқиб кетгач, фюрернинг хонасида ёлғиз Борман қолди. Ер остида рейхсканцелария учун оз эмас, кўп эмас – олтмишта хона қурилган бўлишига қарамай, эндиликда фюрер билан юзма-юз қолиш осон эмасди. Илгарироқ, январь ойида бу ерлар бўм-бўш эди, фақат соқчилар постда туришарди; Гитлер доимо Шарқий Пруссияда, «бўри уяси»да бўларди; эндиликда, уни бу ерга кўчиртириб келишганидан кейин ер ости хоналарига бошловчи йўлак ва зинапояларда СС гвардиячилари кўпайиб қолди; кўпгина хоналарда «Гитлернинг шахсий соқчилари» гуруҳидан бўлган худди танлаб олинганидек ҳаммаси баланд бўйли, оқсанриқдан келган, кўккўз йигитлар жойлашганди; хоналарнинг бир қисмига вино, сосиска, ананас, денгиз қисқичбақаси, ейишли замбуруг, сулаймонбалиқ икраси, дудланган чўчқа яхнаси жойланган яшиклар тахлаб ташланганди. Ёшгина соқчилар ёnlаридан ўтаётган генералларга энди эътибор бермай қўйишганди – улар ухлаш, овқатланиш, ичиш, маза-матрасиз латифалар айтиб хохолашдан бошقا ҳеч нима қилишмасди; фақат Гитлернинг шахсий хоналари ёнидагина сукунат ҳукмрон эди.

Фюрернинг сўнгги бошпанаси хона, ётоқхона, иккита меҳмонхона ва ваннахонадан иборат эди; хонага конференция зали туташиб кетган; сал нарироқда фюрернинг ити Блонди билан унинг тўртта итвачаси учун алоҳида хона ажратиб берилган;

Гитлер учун энг севимли шу хонадан сал юқоригоқда әшиклари бир-бирига рўпара ўн саккизта хонада техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида қурилган телефон станцияси ишлаб турибди; кейинги иккита хона Гитлернинг шахсий шифокори, профессор, штандартенфюрер Брандтга берилган; олтига хона Берлин муҳофазаси комиссари Геббелснинг штабига мўлжалланган; нарироқда ошхона ва Гитлернинг шахсий ошпази, гўштсиз, сабзавотлардан тайёрланадиган овқатлар пазандаси фрау Манциалининг хонаси бор; кейин каттагина ошхона ва официант ҳамда хизматчиларга мўлжалланган хоналар жойлашган. Бу ердан ички зинапоя рейхсанцелария боғига олиб чиқади; шу зинапоядан бир неча қадам юрилса, Хайнц Лоренц бошчилигидаги матбуот хизмати хонасига ўтилади; унга штандартенфюрер Цандер ишларини юритаётган Борманнинг штаб-квартираси туташиб кетган; у билан ёнма-ён Гитлер қароргоҳи ҳузуридаги рейхсфюрер вакили, Ева Брауннинг синглисига уйланган обергруппенфюрер Фегеляйн, полковник Клаус фон Белов, адмирал Фосс, қароргоҳ ҳузуридаги ташқи ишлар министрлигининг вакили шифокор Хавель, Гитлернинг армия ишлари бўйича адъютанти майор Йохэннмайер, фю rerнинг учувчиси Бауер, иккинчи учувчиси Битц, қароргоҳ ҳузуридаги тарғибот министрлигининг вакили шифокор Науманнинг хонаси, генерал Бургдорф бошлиқ армия разведкаси гуруҳи, унинг адъютанти Вайснинг хоналари, Кребснинг хонаси жойлашган. Бу мудҳиш ер ости зинданда ҳаммаси бўлиб етти юздан ортиқ киши бўлгани сабабли биргина Гитлернинг хонасида холи қолиш мумкин эди; бу ерда вентиляторлар бир маромда гувулларди; ниҳоятда саранжом-саришта: ҳамма нарса қисирлаб, чанг-тўзон кўтариб ерга қулаётган ташқи олам билан ҳеч қандай алоҳа қилинмайди.

Борман айни шу ерда ўзининг март ойидаёқ ўйлаб қўйган режасини – ўзи «даҳо», «миллатнинг буюк фарзанди», «минг йиллик рейхнинг яратувчиси» деб номлаган одамни, қўллари қалтироқ, ҳаракатлари суст, лабининг бурчида қотиб қолган ғалати, гуноҳкорона нимтабассум билан рўпарасида ўтирган эллик беш ёшли кишининг ўлими эвазига юзага келадиган қутулиб қолиш режасини амалга оширмоқчи бўлди.

– Фюрер, мен ҳаммавақт сизга оғир бўлса ҳам бор ҳақиқатни айтиб келганман... – деди Борман.

У ҳеч қачон ҳақиқатни гапирмаслиги, аммо фюрернинг нимани эшитмоқчи бўлганини фақат фаҳмлаб олиши ва шуларни, теварак-атрофдагиларнинг сўзларида газета мақолаларида ва радиоэшиттиришларида уюштирилганлиги учун ҳам Гитлер осонлик билан унинг фикрига қўшиларди.

– Шу боисдан, – давом этди Борман, – ҳозир, миллатимиз келажаги учун ҳал қилувчи жанг бораётган айни кунларда фақат ҳақиқат буюрган бир қатор мулоҳа заларимни сизга айтишга ижозат беринг...

– Ҳа, Борман, худди шундай бўлсин.

– Сиз каби мен ҳам қанча қимматга тушишига қарамай, ғалаба қозонишимизга аминман. Шаҳарда душманга сотилган ваҳимачи ва қочқинларни ўша жойнинг ўзида отиб ташлаётган гестапонинг маҳсус судлари ишлаб турибди; армия билан партиянинг судлари ҳам биз билан ёнма-ён ишляяпти. Шу сабабли тартиб-интизом жойида. Бироқ шимол ва жанубда рейхнинг улкан ҳудуди вақтинча биздан ажратиб қўйилган, ўша жойлардан олинаётган маълумотлар анчайин хавотирли. Шу боисдан сиз, айни ўзингиз, рейхсфюрер Гиммлерга илтимос билан мурожаат қилиб, тезда шимолга жўнаб кетишини ва у ерда жангга бош бўлишини буюришингизни ягона чора деб била-ман. Алъп истеҳкомимизда туриб жангга раҳбарлик-

ни ўз қўлига олиши учун Герингни жанубга жўнатишингизни оқилона иш деб биламан... Лекин бу ҳаммаси эмас, фюрер... Миллатимиз сизни худодан юқори қўйишини ўзингиз биласиз; миллатни худодан маҳрум этиб бўлмайди, бироқ шу билан уни қўрқитиб қўйиш халақит бермаган бўларди...

– Гапингизга тушунолмадим, – деди Гитлер олдинга сал энганиш. Ҳозир гап нима ҳақда боришини фюрер тасаввур қилаётганини Борман дарров сезди.

– Сизнинг Берлинда қолиб узил-кесил ғалаба қозонгунча курашга шахсан раҳбарлик қилиш ёки пойтахт аҳолиси билан бирга ҳалок бўлиш ҳақидаги баёнотингиз миллатни руҳлантириб юборади, унинг кучига-куч қўшади... Геббелъс, агар барча немисларнинг, беистисно ҳамманинг куч-ғайрати курашга баҳшида этилмаса, фюрер ҳаёт билан видолашишини авомга билдириб, иккиланаётган ҳамда руҳий тушкунликка берилганларни янада қўрқитиб қўйишининг хосияти бўлмасмикан, деган мулоҳазани билдириди...

Борман буни синаш учун айтганди: Геббелъс ҳеч қачон бундай фикрни айтишга юраги дов бермаган бўларди, бироқ буни фюрернинг миясига қўйиб қўйиш, «чўчитиш» ва «сиқувга олиш» ҳақидаги гаплар билан андавалаб хотиржам қилиб, ўз фикрини мустаҳкамлаши лозим эди.

– Геббелъсга нима деб жавоб қилишни билмай қолдим, – давом этди рейхслейтер, – у эса ўз министрлигининг манфаати, тарғибот ишимизнинг талабидан келиб чиқиб, бундай таклиф билан сизга мурожаат килишга ҳеч қачон журъат этмаган бўларди... Мен таваккал қилиб унинг мулоҳазаларини сизга айтяпман.

– Сизнинг-ча, бу гапларнинг асоси борми?

– Модомики, яқинлашиб бўлмайдиган Альп истеҳкомларида сизни кутишаётган экан, модомики, сиз исталган пайтда Берлинни тарқ этишингиз мум-

кин экан, – шошилмай ёлгон гапирди Борман, – менимча бундай сўнгги чора, бундай сиёсий макр бутунлай бефойда эмас...

– Майли, – деб жавоб берди Гитлер, – шу мазмунда оммага гапириш имкониятини топарман... Аммо, – тўсатдан унинг кўзларида аввалгидек маъноли, қатъий, шиддаткор ўт чақнаб кетди, – чинданам мен ҳаммасидан кўра душман чангалига тушиб қолишдан қўрқаман... Шунаقا бўлиб қолса, улар мени қафасга солиб бутун дунёни айлантиришади... Ҳа, ҳа, худди шундай бўлади, Борман, бу ёвузларни яхши биламан... Шундай экан, – ўз навбатида Гитлер ҳам ҳийла ишлатади, – балки, ҳақиқатда ҳам ҳаётни тарк этишимдан бирон маъни чиқармикан?

– Фюрер, буни хаёлингизга ҳам келтирманг... Мен шаҳарга чиқиб турибман, одамларнинг кайфиятини сезяпман, ғалаба қозонишга, душманни улоқтириб ташлашга ва уни ҳайдаб юборишга бўлган қатъият ифодаси, барқ уриб турган чеҳраларни кўряпман, шодон, хотиржам, эътиборли берлинликларнинг суҳбатларини эшитяпман; улар симёғочларга осилган хоинларнинг жасадига тупурмоқдалар... Миллатимизнинг ҳозирги жисслиги шундай бўлгач, ғалаба муқаррар, ўз халқингизни яхши биласиз-ку!

Гитлер майин жилмайиб, хотиржамлик билан бош иргади:

– Майли, Борман, журъатсизлик қилаётганларни қўрқитиб қўйиш учун бирор пайтини топарман...

Борман эшик томон юрар экан, тўсатдан Гитлер сенин кулиб қўйди.

– Бироқ сизнинг ғалабага ишончингиз барбод бўлган тақдирда мен ваъдамни бажаришга мажбур бўлмайманми?

Борман ўгирилиб қаради: Гитлер ўнг қўли билан қалтираётган чап қўлини ишқалаб худди қўрқинчли эртакни эшитишни истамаётган, аниқроғи хотимаси

яхшилик билан тугашини олдиндан билмоқчи бўла-
ётган бола каби унга тикилиб турарди.

– Агар ҳалокат юз берса, кўз олдингизда ўзимни
отиб ташлайман, менинг фюрерим, – деди Борман.

– Менинг ҳаётим ва тақдирим сизники билан шунча-
лик боғланганки, шунчалик узилмаски, ўзимни сиз-
сиз тасаввур қилолмайман...

– Одамлар кўчада қанақа кийимда юришибди? –
сўради Гитлер.

Борман йўллардаги минглаб мурдаларни, оч қол-
ган болаларни, нон дўконлари ёнида навбатда туриб
музлаб қолган қадди букик, эти бориб устихони-
га ёпишган кампирларни, вайрон бўлган уйларни,
ўнқир-чўнқир бўлиб кетган йўлларни, ёнгинни, кўк-
рагидаги тахтачада: «Мен ғалабага ишонмадим» деб
ёзилган симёғочларга осиб қўйилган аскарларни
эслаб, бу саволдан қўрқиб кетди ва ўз-ўзидан даҳшат-
га тушиб жавоб берди:

– Баҳор ҳаммавақт берлинликларга чирой багиш-
лайди, менинг фюрерим, қизлар пальтоларини ечиш-
ди, болакайлар битта кўйлакда-юргилаб юришиб-
ди...

– Қаҳвахона столлари хиёбонларга олиб чиқилган
бўлса керак?

Борман яна қўрқиб кетди: Геббелъс унга ҳақиқат-
нинг бир қиррасини айтиб қўйган бўлса-я? Ёки ит-
тифоқчилар авиациясининг ваҳшийлиги олинган су-
ратларни кўрсатган бўлса-я?

– Йўқ, – деб жавоб берди у Гитлердан кўз узмай, –
ҳали олиб чиқишгани йўқ, менинг фюрерим... Балиқ-
чиларнинг кичик қовоқхоналари ва заводлар ёнидаги
пивохоналар ишчи аҳли билан гавжум, одамлар ғала-
бани кутишяпти.

– Биринчи уруш вақтидан бери пивони оғзимга
олганим йўқ, – деди Гитлер, – Менда унга нисбатан
нафрат пайдо бўлган. Биласизми нега? Болалигимда

күп ичиб қўйғанман, жудаям азоб чекканман. Ўшандада бери спиртли ичимликлардан ҳам қўрқаман, ҳам нафратланаман. Ўзимни четдан соchlари чигаллашиб, мукка тушиб ётган ҳолда кўриш ниҳоятда даҳшат; қорин бўшлиғида ақл бовар қилмайдиган санчиқ турди, чаккаларни совуқ тер босади... Худди ўшандада мен оёққа туриб олганимиздан кейин барча ичкиликбозларни, уларнинг фарзандлари ва набираларини маҳсус лагерларга ташлашга аҳд қилиб қўйғандим; олий ирқлилар орасида уларга ўрин ийӯқ; биз гоялар огушида парвоз киламиз, улар кишини заифлаштирадиган, уни очкўз яхудий ва шафқатсиз большевикларнинг ўлжасига айлантирадиган иситма аралаш хомхаёл осмонида учишади. Лекин ғалабадан кейин сиз билан Унтер ден Линден кўchasига чиқиб, Фридрихштрассе бўйлаб сайр қиламан, оддий бир кичкина пивохонага кириб ўзимизнинг серкўпик «киндел»дан бир крушкасини тўлдириб симираман...

Борманнинг ёрдамчиси штандартенфюрер Цандер ярим соатдан кейин Геринг даврасидаги ўзининг одами – полковник Хубер амалга оширган иш ҳақида гапириб берди:

– Рейхсмаршал йигирманчида, тантанали кечада вазиятнинг ойдинлашиши ҳақида фикр юритибди. «Агар фюрер, – дебди у, – Берхстагенга жўнаб кетишга розилик билдирса, кураш янги босқичга киради ва немисларнинг тақдири жанг майдонида ҳал бўлади; агар у Берлинда қолса, унда миллатни ялпи қирғиндан қандай қутқариб қолиш ҳақида ўйлашга тўғри келади». Хубер бир-бирига душман армияларининг икки муносиб аскари тинчлик столи атрофида суҳбатлашиш анъанаси ҳақида эслатганда, рейхсмаршалга жон кириб, тезда тарихдан мана шунаقا яхши мисоллар келтиришни илтимос қилибди: айниқса қадимги Рим билан, Ватерлоодаги вазият билан, генерал Суво-

ровнинг Италияга сафари билан боғлиқ қарама-қарши манфаатларнинг тўқнашуви ҳақида қизиқибди.

...Борман шундан кейин Мюллерни чақиртириди:

– Иш бошлаб юборилди, – деди у ўзининг ер остидаги чоғроққина хонасида у ёқдан бу ёқча юраркан, – сиз шундай қилишингиз керакки, Шелленберг таслим бўлиш ҳақида инглиз-америкаликларга очиқдан очиқ мурожаат қилишни Гиммлерга таклиф этсин...

– Сўзсиз таслим ҳақидами? – аниқлаб олмоқчи бўлди Мюллер.

Бу хилда савол беришга унинг ҳаққи борлигини тушуб турса-да, бундай аниқлик киритиш Борманга ёқмади, бироқ у саволга савол билан жавоб берди:

– Ўзингиз қандай деб ўйлайсиз?

– Худди сиз ўйлагандек, – деди Мюллер. – Менимча, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ вақти келди, рейхслайтер.

Борман бошини чайқаб, нимагадир қулиб қўйди-да, ундан сўради:

– Ичасизми?

– Ичардим-у аммо қўрқаман-да. Ҳозир мутлақо ҳушёр юрадиган пайт, акс ҳолда ваҳимачи бўлиб қолиш мумкин.

– Ихтиёrimизда бир ҳафта вақт бор, Мюллер... Бу эса жуда ҳам кўп, етти кун, бир юз олтмиш саккиз соат, деярли ўн минг дақиқа демакдир. Шундай экан, мен ичавераман. Сиз бўлсангиз ҳавас қилиб ўтираверинг.

Борман ўзига «айнциан»дан қуийиб жўрттага секин, лаззатланиб ичди.

– Берхстагендаги бавар «айнциан»идан кўра яхшироқ нарса йўқ. Ҳаётда энг лаззатлиси – бу, дилхуш ва бегам мастилик роҳати, шундай эмасми?

– Шундай, – ҳорғингина деди Мюллер унинг фикрига қўшилиб.

Борман мастиликнинг лаззати ҳақида гапирап экан, Гитлердан ўч олаётганини, унинг золимона сиполигидан, мақтанчоқлигидан, ҳаёт ва унинг барча кўринишлари завқига қониб, қувонишни билмаслигидан ўч олаётганини, у ўз тақдирини фюрер билан боғлаб ҳамма нарсадан маҳрум бўлгани учун ўзининг шу сўзлари билан ундан ўч олаётганини Мюллер билмасди; чина-кам ҳокимият тепасида турганингдагина у – яхши, агар ҳамма нарса қирсиллаб, хотимаси аллақандай британ ёки бельгиялик бош министрникига бутунлай ўхшамаса – бу бош министр истеъфога чиқиб, фермада яшashi, сигир соғиб юриши ва матбуотда ўз издошига хуруж қилиши мумкин – жаҳонга ҳоким бўлиш деб аталмиш сароб учун бутун дилинг билан интилган ёшлигининг эсга олишнинг нима ҳожати бор...

– Нега маъюсланиб қолдингиз? – сўради Борман яна битта қадаҳни бўшатар экан.

Шунда Мюллер ҳозир айнан Штирлицнинг гапини айтиш лозимлигини дарров фаҳмлаб, унинг сўзлари билан жавоб берди:

– Мен ўйинда аҳмоқ бўлиб қолишини ёқтирмайман, рейхслейтер... Агар мен ўйлаб қўйилган фикрнинг оқибатини билмасам, ҳеч бир иш қилолмайман... Шунда ўзимнинг ортиқча эканимни ва – янада даҳшатлиси – арзимаслигимни ҳис этаман...

– Сизга ҳаммасини тушунтириб бераман, Мюллер. Кеча мумкин эмасди. Ҳатто бир соат олдин ҳам эрта эди. Ҳозир мумкин ва лозим... Мен мумкин бўлган қарама-қарши икки ҳолатдан бирини танлаб оладиган одамман, буни биласиз... Мен фақат битта эшиги бўлган хонада ухломайман, босинқирашдан азоб чекаман... Агар Гиммлер Бернадот билан тил бириктирган тақдирда ҳам бари бир рейхни менсиз тутиб туролмайди; партия унинг СС идан устун бўлиб олди ва бу жудаям яхши иш бўлди. Шундай экан, биз уни жиловлаб оламиз, аппарат менинг қўлимда, геста-

по – сизда. Герингми? Эҳтимолдан узоқ, опереттанинг ўзи. Гарчи бу эҳтимолни истисно этмасам ҳам. Унинг офицерлари ҳам тутиб қолишолмайди, буни ўзи ҳам тушунади, ҳокимиятни биз тутиб туроламиз. Лекин бу мулоҳазанинг биттаси. Иккинчиси: улар тил биритира олишмади дейлик. Унда мен Сталинга сулҳ таклифи билан мурожаат қиласман, ботартиб Германияни, кучлари жамланган Германияни унинг кўлига топшираман... Мен унга: «Бизни қабул этинг, акс ҳолда бизни сизнинг иттифоқчиларингиз забт этишади», дейман... Москва билан олиб бораётган ўйинингиз яхши кетяпти, шундай эмасми? Farb билан музокаралар ҳақидаги маълумотни олиб Кремль асабийлашяпти: акс ҳолда хужумни кейинроқ, дарёлар тошқини тўхтаб, ўз самолётларининг базасига айлантиришга мажбур бўладиган майдонлардаги лойгарчилик тугаганидан кейин бошлаган бўлишарди...

– Бу – иккита эшик, – деди Мюллер. – Иккаласи ҳам ёпиқ бўлиши мумкин. Унда нима бўлади? Деразадан сакраш керакми?

Борман оғзини очмай кулди, шунда кўзлари оғир қовоқлари остига яширинди.

– Сакрашга тўғри келади. Лекин биз биринчи қаватдан сакраймиз, Мюллер... Машқини олганмиз, биринчи марта эмас... «Дераза» – бу сув ости кемаси. Аргентинадаги таянч базаси уни қабул қилишга тайёр. Ҳаракатимизнинг яширин штаби Паранеда, буюк дарёлар оралигига ишни бошлаб юборган; генерал Страснер бизга Гессен майдонига тенг ҳудудини ажратиб берган, ҳозирча етади, шифокор Мангеле ўша ерда... Яна нима?

– Қани ўша дераза? – кулди Мюллер, – мен ҳозироқ сакрашга тайёрман. Арақдан қуйинг, энди, ҳаммаси, ойдинлашганидан кейин ҳеч бўлмаса, бир соатгина асабларга эрк бериш мумкин...

– Шелленберг Фарбга очиқ мурожаат қилишга Гиммлерни күндиrolармикан?

– Аниқроқ қилиб: «Гиммлерга қарши зарур операцияни Шелленбергнинг ўтказиши Мюллернинг қўлидан келармикан?» деб сўрасангиз бўларди. Шунда мен: «Ҳа, қўлимдан келади, шунинг учун ҳам Мюллерман» деб жавоб берган бўлардим... Қандай қилиб жўнаймиз? Қачон?

– Сабр қилинг, сабр, ҳаммаси ўз вақтида...

Мюллер бошини чайқаб деди:

– Мен сизнинг эшикларингизга ишонмайман, рейхслейтер... Мен ҳалитдан ўзимга тобутимни қўйишиадиган лаҳм қаздириб, қабристонда мармар ёдгорлик тайёрлатиб қўйдим. Деразадан қачон сакраймиз?

– Русларга мурожаат қилганимиздан кейин. Улар ҳам бизга жавоб беришади. Бу эса яқин кунларда содирип бўлади...

Шунда Мюллер ундан секин сўради:

– Уни бир ёқлик қилишни уddyалай оласизми?

У Гитлер ҳақида гапираётганини Борман тушунди, шу боисдан очиқчасига ва соддадиллик билан жавоб берди:

– Мен Геббельсни ҳаммавақт юмшоқ одам ҳисоблаб келганман, унга кучим етади.

Мюллер яна бошини сарак-сарак қилиб деди:

– Алдашнинг ҳожати йўқ... Соат ярим тунга занг урмоқда... Ҳожати йўқ... Менга тўғрисини айтинг: Гитлерни йўқотишида сизга менинг нафим тегиши мумкинми? Менинг, шахсан менинг, Мюллернинг? Сизнинг бўлажак учта қиёфадошларингиз ҳақида ўйлаб кўришда ҳозирнинг ўзидаёқ менинг фойдам тегиб қолиши мумкин – менинг одамларим ҳам уларни қўриқлаб туришибди, фақат Цандернинг йигитлари қўриқлаяпти, деб ўйламанг... Қонга беланган Герма-

ния бўйлаб шимолга, сув ости кемаси турган жойга бориш йўналишини пухта ўйлаб қўйдингизми? Ҳаммани чалғитиб, нотўғри йўлга солиб юборадиган, ўзимиздан кейингилар ўйлаб-ўйлаб тополмайдиган ўнлаб йўлни излашадиган чигал операциянинг тугал режасини туздингизми? Рейхслайтер, соат яrim тун зангини урмоқда, роҳатбахш, сокин ва иссиқина бу маконда хотиржамликка берилманг...

Мюллер худди мих қоқаётгандек чўрт-чўрт гапи-
пар; оғриқ туриб, Борманнинг чаккалари қотиб қол-
ди. Креслога ўтириб, қадди янада кичрайган Борман
ҳамма нарса узил-кесил адо бўлганини фаҳмлади; шу
билан ваҳимага ҳам тушиб қолди: нима, Мюллер ҳам
кетадими?! Бу унга шунчалик даҳшатли туюлгани са-
бабли, иложи борича ўзи зарур ҳисоблаган мантиқа
кўра унга деди:

– Кўпам койинаверманг... Менга ҳаммавақт шу-
нақанги ўйин билан шуғулланишга тўғри келади,
худо ҳаққи, мени тўғри тушунинг. Ҳаёт ўзи шунақа,
одам муаллақбозга ўхшаб, мувозанатни сақлаш ва
рақибини илинтиришга интилади...

– Агар тушунмаганимда эди...

– Келинг, батафсил келишиб олайлик, Мюллер...
Сиз мени кутиб ўтирадиган маҳфий квартирангиз
манзилини айтинг; жўнаб кетишни режалаштираве-
ринг, қиёфадошларим билан шуғулланинг, ҳақ гапни
айтдингиз, энди вақтимиз тугаяпти... Гитлер масала-
сига келганда эса, бу ишда сизнинг ёрдамингиз менга
керак эмас, мен уни ҳаддан ташқари яхши биламан...

МАНА, ГЕСТАПОНИНГ ИШЛАШИНИ КҮРИБ ҚҮЙИНГ! – IV

Штириц аzonда Берлинга қайтиб келди. Шаҳар дам қора, дам қизил тусга кираётган ёнгин тутунига бурканган эди.

У орқа ўриндиқда Курт билан Ойгеннинг ўртасида ўтиради; машинани Вилли бошқаради; рус штурмчилари йўл узра учиб ўтишганда улар уч марта зовурга тушиб кетишиди; пастлаб учаётган самолётлар Берлин томон кетаётган пиёдалар оқимини пулемётдан ўқса тутарди.

Штириц ҳар сафар ўзимизниkilар, қизил юлдузлилар йирик калибрли пулемётдан ўқ узиб машинани иккiga бўлиб юборишлари мумкинлигини ўйлаб даҳшатга тушарди; жуда алам қиласидан иш бўларди-да; бизникилар Берлинга кирадиган дақиқагача яшасам эди. Мюллернинг ўқидан ҳалок бўлса ҳам майли эди, уники бу ҳеч бўлмагандан ўзи амалга оширган ишлар шароитига мос келарди; аммо ҳалок бўлиш мумкин мас, ҳеч мумкин эмас, ахир сенга тирик қолиш буюрилган, Исаев, сен тирик қолишга мажбурсан, сен...

У РСХА биносига икки томонидан Курт билан Ойген қисувида, ҳаммаси тамом бўлганини ҳамон тан олгиси келмаган ҳолда кириб борди; ўйин тугади, эндиликда унинг кераги бўлмай қолди; артиллерия отишмалари қулоқни қоматга келтираётган ва қизил юлдузлар штурмчи самолётлар автомобиль йўллари узра учиб юрган пайтда ўйиннинг ҳожати йўқ: фожианинг хотимаси тўғри бўлиши, ҳеч қандай шарт қўймаслиги лозим; сўнгги сўз айтилиши керак!

РСХА йўлаклари тўс-тўполон эди; ёш ССчилар шоша-пиша яшикларни олиб чиқишаپти; ҳовлида ҳамон қофозларни ёқишаپти; аччиқ, қуюқ тутун кўзларни ачиштиради; бироқ Мюллернинг хонаси жойлаш-

ган учинчи қаватда ҳамма нарса худди илгариgidек ўзгармаган; отишмалар гумбури тарғибот рейхсминистрилигидан бу ерга кўрсатиш учун олиб келинган фильмлардаги товушларга ўхшаб кетади; фильmlар намойиш қилиш, тасма вермахтнинг жанг майдонларидаги ғалабасига бағишиланган бўлса, бу ерда одат бўлиб қолганди. Худди илгари бўлганидек, йўлакнинг ҳар бир муюлишида ёнларидан ўтаётган барчанинг ҳужжатларини синчковлик билан текширувчи СС нинг кичик офицерлари турарди, фақат энди кичкина стол устига бош кийим билан газдан сақловчи мослама қўйилган, соқчиларнинг кўкракларида эса калта стволли шмайсер¹ осиглиқ.

Гестапо шефининг адъютанти Шольц нафрат билан Штирлицга қараб қўйди-да, уни олиб келган ССчиларга буюрди:

– Унинг қуролларини олинг.

Штирлиц хотиржамлик билан ўзини қуролсизлантиришларига имкон бериб, одоб билан, чекиши мумкини, деб сўради, рад жавобини олгач, елкасини қисиб қўйди-да, афтидан ҳали вақтим бор, акс ҳолда отиб ташлашган бўлишарди, деб ўлади.

«Ҳар ҳолда энди улар мендан нимани исташаркин? – ўлади ў. – Мюллерни энди нималар қизиқтириши мумкин? Ёки қасбига хос қизиқишиликан? Агар ҳамма саволларига жавоб олишни истаб қолса, мени қай кўйга солишини тасаввур қилоламан. Ёки бетараф мамлакатларда мен алоқа қилаётганларнинг манзили зарур бўлиб қолдимикан? Умуман, керак бўлиб қолади, чунки у жўнаб кетмоқчи, кейинчалик савдолашиб мумкин бўлган нарсаларни ҳар эҳтимолга қарши сақлаб туриши лозим».

Шольц Мюллернинг хонасига бош суқиб, тезда чиқди-да, Штирлицга қиё ҳам боқмай деди:

¹ Шмайсер – автоматнинг бир тури.

– Сизни кутишяпти.

Штирлиц ўзига таниш хонага кириб останада тұхтади ва жилмайиб мушт тугилган чап қўлини кўтарди.

– Рот фронт, группенфюрер...

– Салом, ўртоқ Штирлиц, – жавоб қилди у одатдагидек кулмай. – Ўтилинг, ҳозир ишимни тугатаман-да, кейин сиз билан ажойиб бир жойга борамиз.

– Стол устига одамни қийнаш учун ишлатилувчи чиройли асбоблар тахлаб қўйилган жойгами?

Мюллер хўрсишиб деди:

– Нега жин уриб Швейцариядан қайтиб келдингиз-а, Штирлиц? Нега? Наҳотки, Марказингиз сизни ҳало-катга жўнатаёттанини тушуммаган бўлсангиз? Мана, – у Штирлицга папкани суриб қўйди, – телеграммаларингизни ўқиб чиқинг, унгача бир-икки жойга телефон қиласман. Ўзингизни деразадан ташлашни хаёлингизга келтира кўрманг, ойна орасига сим ўтказилган, тилиниб кетасиз-у, аммо сакролмайсиз.

У рақамларни терди-да, елкаси билан гўшакни қулогига қисиб чекди. Кейин ким биландир гаплашди:

– Нима, маслаҳатчи Переира ҳали шаҳардами? Ундей бўлса, илтимос, мени у билан боғланг, профессор Розен гапиряпти... Ҳа, ҳа, савдо палатасидан...

Штирлиц телеграммаларни варақлади...

«У ҳийла ишлатяпти, – фаҳмлаб қолди Штирлиц, – мен Плейшнердан бериб юборган ва Эрвин билан Кэт орқали жўнатган ёзишмаларимни ўқимаган. Акс ҳолда мени Бернга қўйиб юбормаган бўларди. Афтидан, қайтиб келиб Лорх билан алоқада бўлганимда улар мени сезиб қолишган. Шундан кейингина илгари жўнатганларимнинг ҳаммасини ўқиб чиқишиган. Нега бўлмаса, ҳийла ишлатяпти? У ҳеч қачон бекордан-бекорга ҳийла ишлатмайди. Мюллер жаги пўлатдан ишланган одам, қиласиган барча ишларини

икир-чикиригача пухта ўйланган режа асосида амал-га оширади».

Мюллер гўшакни кафти билан тўсиб сўради:

– Хўш, қалай? Шифровканииг мағзини чақувчиларимиз яхши ишларканми?

– Улардан кўра сиз устаси фарангсиз, – жавоб берди Штирлиц. – Ёзишмаларимни кўпдан бери ўқирмидингиз?

– Февралдан бери.

– Эрвин ишлаётган пайтдан берими?

– Эҳ, Штирлиц, Штирлиц, ҳаммасини билмоқчи бўласиз-а? Алло! Ҳа, жаноби маслаҳатчи Перейра, бу мен. Самолёт кечқурун тайёр бўлади, биз сизни Темпельхофдан жўнатиб юборамиз, жудаям ишончли. Ҳа, яна битта илтимос: Испаниянинг ҳарбий ат-ташеси полковник де Молиненинг ҳузурига бориб, уни огоҳлантириб қўйинг, уларнинг телефона нига бир нима бўлганга ўхшайди. Сизга иккита чамадон олиб бориб беришади, ёдингизга тушгандир-а? Йўқ йўқ Асунсьонда сизни ҳамкасабаларим кутиб олишади. Юкни ўшалар қабул қилиб олишади. Оқ йўл, дўстим, бугун тунда сиз Цюрихда айш-ишрат қиласиз, шунга ҳавасим келяпти. Банхофштрасседа, «Свисс Бэнка»нинг рўпарасидаги чоғроққина немис ресторанига киришни маслаҳат бераман, у ерда айсбайнни қойилмақом тайёрлашади... Раҳмат, дўстим... Ишимчи одам бўлишимга қарамай – бу ахлоқимизга зид бўлса ҳам – сизга кўришгунча хайр, дейман.

Мюллер гўшакни жойига қўйиб, отишмаларга қулоқ солди-да, бўйинбогини тўғрилади, қопдек ҳалпиллаган фуқароча камзулининг этагидан тортиб деди:

– Кетдик, оғайни, вақтимиз зиқ, ишимиз эса бошдан ошиб ётибди...

Штирлиц яна Ойген билан Куртнинг ўртасида қишиб қўйилди; одатда машинанинг орқа ўриндиғида

кетадиган Мюллер олдинги ўриндиқда Вилли билан ёнма-ён жойлашди; бу машинанинг олди ва орқасида фуқароча кийимдаги соқчилар тўла двигателнинг тезлиги оширилган иккита «мерседес» елиб борарди; кўпинча гишт ўюмларини четлаб ўтишга тўғри келарди; аскарлар кўчани тозалашга ҳаракати қилишарди; қимирилаган жон борки ҳаммани полициячилар ишга ҳайдаб келишган; ҳатто оғир пайтларда ҳам тартиб, фақат тартиб бўлиши керак!

Мюллер ўгирилмай сўради:

– Ҳаётда мени ҳаммасидан кўра нима ҳайратда қолдирганини биласизми, Штирлиц?

– Қаёқдан билай, группенфю rer, албатта билмайман.

– Ҳозир айтиб бераман... Дагмар Фрайтаг сизга афсона, рус қиссалари ва ҳоказолар ҳақида сўзлаб бергани ёдингиздами?

– Ёдимда.

– Мен ўшанда овозингиз оҳангидан таажоқублангандим... Дагмардан суриштирган пайтингизда... Овозингиз жудаям фалати чиқди... Унда шунақаям қўмсаш оҳангি бор эди-ки... Ўшанда севги ҳислари шунчалик ўткир киши наҳотки разведкага бориши мумкин, деб ўйлагандим... Бу, ахир, гайритабиий... Сиз билан бизнинг қасбимиз ҳаёсиз, миллатдан ташқари қасб, шундай эмасми?

– Йўқ.

– Да лил керакми?

– Мен сизни фикрингиздан қайтариб ўтирмайман, бекорга валақлашнинг фойдаси йўқ.

– Сиз менга маданиятсизларча жавоб бердингиз.

Штирлиц киноя билан жилмайиб такрорлади:

– «Маданиятсизларча»...

– Биласизми, менимча, маданият тирик мавжудотлар оммаси орасидан аллақандай буюк зот ажralиб чиқсан дақиқада юзага келган, – деди ўйчанлик билан Мюллер. – Афтидан ҳақиқий маданият унчалик катта бўлмаган туманда, тўғрироғи, тоғларнинг ал-

лақаерида, ҳосилдор дараларда ачоли ўртасидаги иттифоқ мустаҳкамланган шароитда юзага келиши мүмкин... Маданият номаълум буюк зот ўзлигини батамом намоён этиб бўлиб, номи афсона, қисса, қўшиқларда қолгач, ибодатхона ва черков томларининг учида, қонунларнинг моддаларида қотиб қолганидан кейин ҳалок бўлади... У ўшанда антик олам каби қотиб қолади... Шундай экан, қотиб қолган нарсаларга қалбдан ачинишнинг ҳожати бормикан, Штирилиц?

– Мен шунга ўхшаш мулоҳазани қаердадир учратгандим...

Мюллер ўгирилиб, бурнининг учини қашиб қўйди.

– Дарвоҷе, мен жizzаки одамман. Бу фикрни Шанор Радо ва «Қизил капелла»га қарши иш олиб бораётганимда ўзим айтгандим; унда зиёлилар бўлиб, бутун куч-ғайратни ишлатиб қаршилик кўрсатиш лозим эди... Бизда кўпинча нодонларга осон, улардан ҳайиқишимайди, уларни маълум бир даражагача юқорига кўтаришади, лекин сиз билан биз ҳаётимизни бемаънигарчиликка ўрин қолдирмаган ишга бахшида этганмиз, бемаънигарчилик жиноят, мен уни давлатга қарши чиқиш, деган бўлардим... Калтафаҳм дипломат ҳамманинг кўз ўнгига турди, унинг хатосини тузатиш, ишдан бўшатиш, қамоққа олиш мүмкин, агар разведкачи калтафаҳм бўлса, унда тузум каттагина фалокатга дуч келади... Нега кўчаларга сукланиб боқяпсиз? Хайрлашяпсизми? Ёки сиз олиб кетилаётган йўналишини эслаб қолмоқчимисиз? Бундан кўра ўзимдан сўраб қўя қолсангиз бўлмайдими? Мен сизни ўзимнинг маҳфий уйимга олиб кетяпман: у ер жудаям қулай, деразадан ажойиб манзара кўзга ташланади, ойналари капрон тўр билан ишланган, мутлақо овоз ўтказмайди, тўп отишмалари эшитилмайди, ҳозирча русларни у ерга ўтказишмайди, Венк билан Штейнер армияси яқинлашиб қолди, қонли олишув бўлади, хаёлингизга келмаган воқеалар кутяпти сизни...

Сокин, тор күчада қад ростлаган уйнинг учинчи қаватидаги каттагина хонада одам кўп, ҳамма фуқаро-ча кийиниб олган; ёзув машинкаларининг чиқ-чиқи, айтиб ёздираётганларнинг бўғиқ овози эшитилиб турарди; дам-бадам телефонлар жиринглаб қолади, кам деганда учта балки ундан ҳам кўп телефон аппарати бор эди; йўлакдан ўтиб борар экан, Штирлиц ўзлари келган бу кўчага ёнма-ён тушган кўчада «гитлер-югенд» формасидаги ёшгина болалар баррикада барпо этишаётганини деразадан кўриб қолди; юз метрча наридаги уйнинг тепасида ёш национал-социалистлар байроғи ҳилпираб турибди.

Мюллер Штирлицни олдинга ўтқазиб, чогроқсина хонага бошлаб кирди; хонада иккита стул; стол устида бир даста қоғоз ва уни ўткир қилиб йўнилган ўнтача юмшоқ қалам, кулдон, икки пачка сигарет, зажигалка бор.

– Ўтилинг, Штирлиц. Столга яқинроқ ўтилинг, сизга айтадиган гапларимга қулоқ солинг...

У яна бўйинбогини бўшатиб, суюнчиқقا ўзини ташлади-да, бир зум кўзларини юмди...

Штирлиц қўшни хонадан салгина эшитилиб турган овозга қулоқ солди. Кимdir машинисткага айтиб ёздирмоқда; машинка худди автомат каби чиқиллаяпти. Ёздираётган киши рус исмларини тилга олиб, шаҳарлар номини санаб ўтарди; айниқса: «Шундан кейин академик Феофановнинг жияни Игорь бургомистр Лапиннинг ҳузурига чақирилди ва у жияндан шу ернинг ўзида, хонада Совет ҳокимияти пайтида халқ маорифи ишлари файрирус тарзда ниҳоятда ёмон йўлга қўйилгани ҳақида янги газетага мақола ёзib беришни талаб қилди. Игорь Феофанов аввалига рад этди, кейин...» деган сўзи яққол эшитилди.

Мюллер тезгина ўрнидан туриб эшик ёнига бордида уни очиб қичқирди:

– Бошқа хонага ўтинглар! Умуман бунақангি бақиришнинг ҳожати йўқ, менимча, стенографист қиз кар эмас!

Мюллер ўз жойига қайтиб, Штирлицга синовчан назар ташлади-да, бармоқларини қисирлатиб деди:

– Гап бундай, мен сизга ўзимни кўпдан бери қийнаб келаётган гапларни айтиб бермоқчиман. Мен университет курсини битирмаган бўлсам ҳам, ёшлигимда кўп китоб ўқиганман... Ҳа, ҳа, нега мен акс ҳолда бунчалик доно, бўлиб қолдим? Фақат китоб орқали шунга эришдим, оғайнини... Хўш, қандай холосага келдим? Мана, менинг холосам, Штирлиц... Бу дунё кўпгина маданиятни билади, аммо буларнинг ҳар бири бошқасидан кўчирилган нусха холос... Поликлей билан Вагнер қиёсий замонда бир вақтда яшаганлар, Софокль билан Ницше ҳам... Македонский билан Наполеон бир вақтнинг ўзида юзага чиқишган, камбағаллар барча бойларни қириб ташлаган пайтдаги Анталкид сулҳидан кейин Эллин шаҳарларидаги қўзғалон Бомарше билан Руссо ҳар қандай жамият учун зарур бўлган Бастилияга қарши исён тайёрлаган пайтдаги Париж сулҳи берган маданият билан бир вақтнинг ўзида бўлган... Эллинларда – Аристофан билан Изократ, француздарда эса – Вальтер билан Мирабо бор эди; бир вақтнинг мос тушиши ва тарихнинг турли қатламлари бемалол таққосланади... Аскарлар императори Наполеон ёки мужиклар подшоси Пугачёв фақат Дионис Сиракуз билан Филипп Македонскийни такрорлашган холос... Мутлақо вақтим зиқ бўлишига қарамай, нега бу ҳақда сизга гапириб бераётганимни тушуняпсизми?

– Тушунаман.

– Нимага экан?

– Доноларнинг сурбетларча: «Бу ҳам бўлганди», деган сўзини оқлаш учун. Шундай эмасми?

– Тўғри! Ўнлик нишонига урдингиз! Баракалла! Сиздан нима талаб қилинаётганини энди тушунгандирсиз?

- Охиригача тушунмадим.
- Менга сиздан қуидагилар зарур: биринчидан, сизнинг Лорхингиз шу бинода, ертёлада ўтирибди, биз уни кўндиридик, ишни бошлашга тайёр. Сиз ҳозир Марказга телеграмма ёзасиз, мен уни шифрлайман, бунинг энди қийинчилиги йўқ, сиз бўлсангиз, Лорх эфирга хатарли белгини чиқармаслигини кузатиб турасиз... Телеграммада сиз Мюллер руслар билан ҳамкорлик қилишга тайёр; бунинг эвазига дахлсизлигимни сақлашга кафолат берилишини талаб этаётганимни ёзасиз... Мен кўп нарсада ёрдам беришим мумкин... Гарчи ҳатто кўп нарсада бўлмаса ҳам...
 - Масалан, нимада?
 - Масалан, уларга Гиммлерни бериш...
 - Борманичи?
 - Келинг, аввал Марказингиз жавобини кутайлик... Сизнингча қандай, улар кўнишармикан?
 - Менимча, кўнишмайди.
 - Сабаб?
 - Улар Аристофан билан Мирабони замондош ҳисоблашмайди...
 - Яхши жавоб. Ростгўйлигингиз учун ташаккур. Лекин сиз ҳар эҳтимолга қарши шундай телеграмма ёзиб берасиз-а? Тўгрими?
 - Агар қаттиқ талаб қилсангиз...
 - Жуда соз. Раҳмат. Энди иккинчиси: сиз олиб борган ишларингиз ҳақида ҳаммасини, бошидан охиригача менга гапириб берасиз.
 - Менинг шахсий ҳужжатларимни кўриб чиқишинингиз мумкин, унда ҳаммаси ёзилган, группенфюер...
- Мюллер қотиб-қотиб кулди. У кўзларини артиб, бошини чайқаб самимий куларди; кейин унинг юзи тундлашди:
 - Штирлиц, агар айтганимни қилмасангиз баданингизга трибадинуол дорисидан укол қилишади,

шифокорим ниҳоятда уста, шунда сиз берадиган гувоҳликни аппаратда ёзиб оламиз... Бунинг устига сиз Дагмарнида уйқу аралаш вайсаган тилда гапира бошлайсиз... Овозингизни казаклар атамани Красновга эшитиб кўриш учун бергандим, у бизда фақат маслаҳатчигина эмас, балки сермаҳсул адабиётчи ҳисобланади, большевиклар ва яхудийлар ҳақида юзтача романни шатирлатиб ёзиб ташлаган. Мана шу атаманинг айтишича, сиз Петербургда туғилгансиз...

– Икror бўлишимнинг сизга нима фойдаси бор, группенфюрер?

– Мен келажак ҳақида ўйляяпман, Штирлиц.

– Бунинг устига, бизнинг касбдаги одамлар якка соз бўлиб яшашни билмайди, биз дирижёrsиз ҳеч нима қилолмаймиз, ҳаётимиз мазмуни – оркестр билан ишлаш...

– Мен сизнинг таклифингизга жавоб келганидан сўнг ёзиб беришим керакми? Ё унгачами?

– Ҳозирнинг ўзида.

Штирлиц бош чайқаб деди:

– Менга ўлиш жудаям алам қилади... Лекин ўзими мажбур қилолмайман, жаҳлингиз чиқмасин...

– Телеграммани ёзинг.

Штирлиц қалам олиб, телеграмманинг сўзларини ёзди: «Марказ. Мени Мюллер қамоқча олди. У ҳамкорлик ҳақида таклиф қиляпти. Гиммлерни қамоқча олишда ёрдам беришга тайёр. Эвазига шахсий дахлизилик кафолатини талаб қиляпти. Юстас».

– Мюллер телеграммани диққат билан ўқиб чиқиб сўради:

– Найранг ишлатмадингизми?

– Қанақанги найранг бўлиши мумкин? – Штирлиц хўрсиниб қўйди. – Ҳаммаси сигирнинг маърашидек гап...

ҚИЗИЛ АРМИЯНИНГ ЗАРБАСИ. ОҚИБАТ - II

Қирсиллаб кетди.

Жуковнинг қўшинлари Зеел тепалигидаги мудофа-
ани ёриб ўтиб, Берлин томон илгарилади; Коневнинг
армияси жанубдан келмоқда эди; Рокоссовский ши-
молдан зарба беришга тайёрланмоқда эди...

Гитлернинг ер ости хонасида 21 апрель кунги кен-
гаш, одатдагидек, шошилмай, муфассал ўтказилмоқда
эди; Кейтель билан Кребс юзага келган вазият ҳақида
маълумот беришди; уларнинг ахбороти мукаммал, аниқ
бўлиб, штаб офицерлари харитага туширган қора ва қи-
зил пона шакллари билан ойдинлаштирилди.

Гитлер боқишилари маъносиз ҳолда креслода ўти-
риб онда-сонда бош иргар ва қалтираётган чап қў-
лини ўнг қўли билан дам-бадам босиб қўярди; бироқ
Кребс Берлиннинг жануброғи ва шимолроғида олиб
борилаётган жанглар ҳақида оғиз очгач, Гитлер худ-
ди аллақандай кўринмас бир нимадан ўзини ҳимоя
қилгандек, қўлларини кўтариб қичқириди:

– Генерал Штайнер қаерда? Қани унинг танклари?
Қани унинг дивизияси? Нега шу пайтгача у руслар га-
ласини улоқтириб ташламади?

– Бунга унинг кучи етмайди, – ҳоргинлик билан
жавоб берди Кребс. – Руслар барча йўналишлар бўйи-
ча биздан камида тўрт-беш марта устунлик қиляпти.

– Қани Венкнинг армияси?

– Унинг қўшинлари бирон нима қилишга ожиз ме-
нинг фюрерим!

– Ҳаммангиз чиқиб кетинг, – деди Гитлер штаб,
офицерларига мурожаат қилиб. – Борман, Кейтель,
Йодль, Кребс, Бургдорф, сизлар қолинглар...

У генерал ва офицерларнинг чиқиб кетишини кутиб
турди-да, қотиб қолган совуқ назар билан Борманга қа-

ради, сүңг ўнг қўли билан столни муштлаб, бўғиқ аммо илгаригидек кучли, қатъий овоз билан қичқирди:

– Хоинлар қуршовида қолиб кетдим! Генераллик погонларини тақсан ярамас қўрқоқлар менинг хизматларимга хиёнат қилишди. Қийинчилекларни мардонавор енгмаган миллатдан кўра жирканроқ миллат йўқ! Сизларни ғалабадан ғалабага бошлаб борган пайтимда мени олқишлидингиз! Менга қудратимиз ҳар қачонгидан кўра кучли эканидан далолат берувчи маълумотлар юбориб турдингиз. Энди эса биз руслардан беш карра кучсиз эканмиз! Ҳаммангиз ярамас қўрқоқсизлар! Нега менга ҳақиқатни гапирмайсиз? Менинг фикримга қарши чиқувчиларга нисбатан тўғри муносабатда бўлишимга шубҳаланиш ҳуқуқини сизларга қачон бергандим?! Мен доимо мунозаранн кутардим, турли фикрлар тўқнашувини зориқиб қўмсадим! Аммо сизлар оғиз очмадингиз! Ёки столим тагида бомба портлатдингиз! Агар руслар қуршовида қолишдан қўрқсанглар, Берлинни тезда ташлаб кетишингиз мумкин! Мен шу ерда қоламан! Агар урушни бой берсак, унда ўзимни ҳалок этаман! Ҳаммаларингга ижозат!

Ўртага оғир сукунат чўқди.

...Кирсиллаб кетди.

Йодль бир қадам олдинга чиқиб йўталиб олди-да, силлиққина қилиб гап бошлади:

– Фюрер, миллат олдидағи масъулиятингиз сизнинг бу ерда қолишингизга йўл қўймайди! Сиз ҳозироқ, бир дақиқа ҳам кечиктирмай, Алъп истеҳкомига боришингиз ва яқинига йўлаб бўлмайдиган Берхтесгаденда туриб бутун рейх учун курашга бошчилик қилишингиз керак. Рейхнинг жанубида ва шимолда ҳам жангни давом эттиришга тайёр бўлган қўшинларимиз етарли даражада кўп. Армия билан ҳалқ аввалгидек сизга содиқ. Биз сизни ғалаба йўлида яшашга даъват этамиз!

Гитлер ниҳоятда таъсирланиб Кейтель билан Йодлга боқди-да жилмайиб олдинга юрган эди, Борман уни тұхтатиб қолди:

– Жаноблар, фюрернинг қарори қатъий ва у тузатиши киритилишига муҳтож әмас. Биз, ҳамма вақт у билан бирга бўлганлар, фюрер билан бирга қоламиз; биз – агар Альп истеҳкомларига боришга аҳд қиласангиз – сиздан урушда бурилиш ҳосил қилишингизни кутамиз.

Гитлер аъзои-бадани қалтираётган бўлишига қарамай, шартта Борман томон ўгирилди:

– Геббелъснинг хотини болалари билан тезда бу ерга кўчиб ўтсин... Менинг учувчиларим яшаётган ва ошхонамга ёнма-ён хоналарни уларга тайёрлаб қўйишини буюринг, болаларни яхшилаб овқатлантириш лозим, мурғак вужуд вояга етадиган пайт...

– Хўп бўлади, менинг фюрерим, – Борман бошини эгди, – мен ҳозироқ рейхсминистр билан боғланаман.

У: «Бизни ёлғиз қолдиринглар», дегандек генералларга назар ташлади, нима қилишни билмай тургандарга сўз билан ёрдам берди:

– Сизларга ташаккур, жаноблар, сизларга рухсат, танаффус...

Улар ёлғиз қолишгач, Гитлер ғалати жилмайиб сўради:

– Сизнинг оилангиз қаерда, Борман? Ёқимтой хотинингиз болалари билан сизнинг ҳузурингизга кўчиб келишини истайман... Агар жой етарли бўлмаса, меҳмонхоналаримдан бирини беришим мумкин... Уларни тезроқ бу ерга таклиф қилинг, дўстим.

– Аллақачон чақиртирганман, – дангалига алдали Борман. – Улар йўлга чиқишиган. Олло-таоллодан улар Берлинга кириб олишга улгуришларини илтижо қиляпман, менинг фюрерим...

(Бундан бир ҳафта илгари у болалари билан Мюхендаги уйни тарк этиб, тоғларда яшириниб олиш

ҳақида хотинини огоҳлантириб қўйганди; у хотинини севмасди, алоҳида яшаётганидан баҳтиёр эди, лекин фарзандларига меҳрибонлик қиласди; хотини болаларини яхши парваришларди, шу боисдан Борман тоқат қилиб юрарди, автомобиль ҳалокатини ўюштирумасди).

Борман бир соатдан кейин фельдмаршал Кейтель, тезда Венк армиясига жўнаб кетиши лозимлиги ҳақидаги фюрернинг фармонини эълон қилди. У Потсдамнинг жануби-гарб йўналиши бўйлаб Берлинга ҳужум қилиш тўғрисидаги Гитлернинг шахсий буйргуни генералга етказиши лозим.

Генерал Йодль Ораниенбургнинг шимолроқ туманидан Берлин қамалига ҳужумни ташкил этиш учун Штейнер армиясига жўнаб кетади.

Гросс-адмирал Дениц курашаётган Берлинга кўмаклашиш учун рейхнинг соҳил бўйидаги барча кучларини тўплайди.

Геббелльс пойтахт мудофаасининг комиссари сифатида большевиклар галасига қаршилик қўрсатиш мақсадида шаҳарнинг ички ресурсларини сафарбар этиш учун бор имкониятни ишга солади.

Рейхсмаршал Геринг рейхнинг жанубдаги барча кучларига бошчилик қилади.

СС рейхсфюреи Гиммлер шундай вазифани шимолда бажаради.

Фюрернинг шу буйруги тезда Геринг штабига, полковник Хуберга (рейхслейтернинг ёрдамчиси Цандер кейинги кунларда иш олиб борган айни ўша кишига) жўнатилди.

Цандер Хуберга ҳеч қандай маънони билдирамайдиган шахсий мактуб каби аллақандай бир қанча сўзни қўшиб қўйди; бу сўзлар Герингнинг адъютанти сифатида ишга киришишга, рейхсмаршалга, тазъийиқ қилишга, уни Гиммлер билан қўрқитишга, ҳақиқий аскарларга хос ўзининг фикрларини ўтказишини

қатъий талаб этишга буйруқ маъносини билдиради, ахир Геринг, биринчи жаҳон уруши қаҳрамони-ку, фюрер анави «разил Борман ва мутаассиб Геббельс» қўлида сохта, ожиз қўғирчоқча айланган ҳозирги пайтда, шу соатда бошқалар эмас, у қаҳрамонлик кўрсатиши лозим...

Цандернинг бу шифровкаси Оберзальцбергга жўнатилганидан сўнг орадан роппа-роса йигирма тўрт соат вақт ўтгач, рейхсканцеларияда Герингдан радиограмма олинди. Радиограммада рейхсмаршал хатарли вазият юзага келган тақдирда у Гитлернинг вориси, деб эълон қилинадиган 1941 йил 29 июндағи декрет деб кучга киришини фюрер тасдиқлашини кутаётгани айтилганди. «Модомики, фюрер давлат бошлиғи сифатида Берлинда эркин ҳаракат қилишдан маҳрум экан, мен ҳокимиётнинг бутун оғирлигини ўз зиммамга олишга тайёрман».

Ахборот расшифровка қилиниб, машинкада фюрер, Борман, Геббельс, Кейтель ва идораларнинг қароргоҳ ҳузуридаги вакиллари орасида мувофиқлаштирувчи ҳисобланган полковник фон Белов учун беш нусха бо силгандан сўнг орадан йигирма секунд ўтгач, бункернинг радиомарказидан штандартенфюрер Цандерга қўнгироқ қилишиди.

Уч дақиқадан кейин телеграмма ҳақида Борманга ахборот беришди.

У ўтган куни кечқурун ўзи айтиб туриб Цандерга машинкада кўчирирган бир варақ қофозни пўлат сандиқдан олиб, Гитлернинг ҳузурига йўл олди.

– Фюрер, – деди Борман ўзини ваҳимага тушгандек кўрсатиб, – даҳшатли воқеа юз берди: Геринг сизга хиёнат қилди.

Борман айтган гапнинг мазмунига Гитлер дарров тушунолмади; у ранг-баранг қаламлар билан белги қўйиб Вагнернинг мактубини ўқимоқда эди; айни

шу пайтда у композитор Германияда инқилоб бостирилганидан кейин Швейцарияга қочиб кетгани, дастлабки кунларда умидсизликка берилгани, ҳамма нарсанинг ўзгариб кетишига ишонгани, чунки миллатни бирлаштириб турадиган янгиликни яратиш замон руҳига мос келиши ҳақида ёзган жумлаларнинг остига чизиб ўтиради.

У ҳайрон бўлиб Борманга қараб қўйди, кейин гапнинг мазмунига етиб, креслодан сал қаддини ростлади-да, суюнчиқа таяниб қичқириди:

– Бас қилинг! Овозингизни ўчиринг, Борман! Бас қилишни буораман!

– Менинг фюрерим, – чўзиброқ такрорлади Борман ва унинг овозида одатдаги юпатадиган оҳанг йўқ эди, – Геринг сизга хиёнат қилди, мана унинг қатъий талаби, марҳамат қилиб танишиб чиқинг-да, хоинни отиб ташлаш буйруғи билан ҳарбий-дала судига суд қилиш ҳуқуқи берилган буйруқча имзо чекинг!

– Бундай дейишга ҳаққингиз йўқ, – деди Гитлер зорланиб. – Бу душманларнинг иғвоси... Геринг биринчи кундан бошлабоқ мен билан бирга бўлган; сиз бераҳмсиз, Борман, у доим менга сизнинг қанчалик шафқатсиз эканингизни айтарди...

– Агар шундай бўлса, кетишимга ижозат берасизми? – сўради Борман стол устига, Вагнер китобларининг ёнига Герингнинг телеграммаси билан уни амалидан тушириш ҳақидаги буйруқ лойиҳасини қўяр экан.

– Ўтилинг, – деди Гитлер, – Уялмайсизми? Сизда ўзи юрак борми? Ё унинг ўрнига тошни олиб юрибизими?

– Сизга бўлган муҳаббатим туфайли қалбим тилка-пора бўлган, фюрер, кўп йиллардан бери ана шу юрак билан яшаяпман...

Гитлер телеграммани икки марта ўқиб чиқди, кейин уни бир четга суриб қўйди-да, ҳайрон бўлиб

деди: Лекин мен унинг сўзларида хиёнатни кўрмаяпман, Борман... У ўзини ворис деб эълон қилишдан аввал бунга рухсат берилишини талаб этяпти...

Борман ўрнидан туриб, Гитлерга таъзим қилди-да, эшик томон йўналди.

– Сабр қилинг! – чақирди уни Гитлер, унинг овоздида умидсизлик оҳангига сезилиб турарди. – Менинг фикримга қўшилмайсизми?

– Фюрер, ҳар қандай бола ўз ота-онаси ниҳоятда худбин бўлган тўнгичига, у нима қилса ҳам кечириб, ҳаддан ташқари кўнгилчанлик қилса ва кенжасини туртиб турса буни фожия сифатида қабул қиласди.

– Бу билан нима демоқчисиз, Борман? Тушунтириб беринг, ақлим етмай қолди...

– Агар мен сизга: «Фюрер, сиз энди партия ишига раҳбарлик қилолмайсиз, менга доҳийлик вазифасини ўз ихтиёргиз билан топширишингиз учун бир сутка муҳлат бераман», десам, бунга қандай муносабатда бўлардингиз?

– Эҳ, Геринг! – деб қўйди шивирлаб Гитлер телеграммани яна ўқиб чиқаркан. – Шахсий ҳаётингдаги дабдабозлик ва адабсизлик учун партия судига берилганда, сени икки марта қутқариб қолгандим-а, Герман... Доимо ёнимда бўлган, меҳрибон, ҳамма нарсага ишонаверадиган, қалби болаларники каби сахий, қиёфаси итоаткор одам эдинг-а... Эҳ, Геринг! – асаби қўзғаб бақириб юборди Гитлер. – Ярамас тўнгиз! Хиёнатчи! Қабиҳ шаҳватпараст! Дабдаба ва бойлик билан бузилган, текин даромадга муккасидан кетган таъмагир! Уни учратган кунимни лаънатлайман! Мен... мен ...

– Мана бунда ҳаммаси ёзилган, – олдиндан Цандер машинкада кўчирган бир варақ қоғозга ишора қилди Борман. – Сизнинг имзоингиз керак...

– Йўқ, – деди Гитлер буйруқ лойиҳасини ўқиб. – Мен бунга имзо чекмайман. Геринг менга мурожаат

килиб, юрак хасталиги маълум бўлиб қолгани сабабли ўзини рейхсмаршал унвони, рейхстаг президенти, Пруссия бош министри, миллий хўжаликни ривожлантиришнинг тўрт йиллик режаси фюрери ва менинг ворисим лавозимларидан озод этиш ҳақида илтимос қилган, деган мазмунда ҳужжат тайёрланг... Миллатимиз бизнинг аввалгидек иттифоқ эканимизга ишониши лозим...

Бироқ Гитлернинг ўша буйруги эълон қилинганидан кейин орадан етти дақиқа ўтгач, Берхтесгаденга гаулейтер Фишль билан бригаден-фюрер Бруслга Борманнинг телеграммаси жўнатилди. Телеграмманинг мазмуни бундай эди:

«Фюрер Герингни рейхсмаршал унвонидан ва люфтваффе қўмондонлиги лавозимидан маҳрум этгани сабабли у қаерда бўлишидан қатъи назар ҳибсга олиниши ва бундан кейинги тақдирни ҳақида маҳсус фармойиш берилишига қадар қамоқда тутилиши лозим».

Бу пайтда Геринг америка дивизияси штаби томон йўлда эди; бу дивизия командири рейхда иккинчи одам, ворис, рейхсмаршал ва аскарни кутиб олиш учун фахрий қоровулни сафга турғазганди.

НСДАП архивини қўриқлаётган СС гвардиячилари Геринг машинасини қўршаб олишга улгуришди; Борман имзо чеккан буйруқ гвардиячиларга бир дақиқа аввал етиб келди, буйруқ ёзилган бу қофоз илгари амри-фармонига қувонч билан бўйсинашлари лозим бўлган, ҳозир эса собиқ бўлиб қолган рейхсмаршал шахсиятидан устунлик қилди; модомики, «ҳамма нарсадан тартиб устун» экан, атиги бир погона юқори турган шахснинг сўзи соғлом фикрдан кучлилик қиласди; гвардиячилар ертўладан чиқсан биргина сўз билан Герингни тилка-пора қилишга тайёр эдилар.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ (Шелленберг)

Ҳар ким ўзи учун ишларди; ҳар ким фақат ўзини ўйларди; бир нафаслик манфаатни кўзлаб, уни ҳисобига ёзib қўйиш учунгина иттифоқлар тузиларди-ю, янги иттифоқ тузиш имконияти юзага келиши била-ноқ аввалгиси бекор қилинарди – ҳар ким жосараклик билан қутулиб қолиш йўлини изларди.

Шелленберг машинада ухларди; кейинги ҳафта мобайнида у РСХА га бормай қўйди; Мюллер билан юзага келган янги муносабатлар унга шунача имкониятни берганди; Мюллер гарчи Шелленберг дам-бадам турли битимларга қўшилиб, ўзи Гиммлердан, Кальтенброннер эса Бормандан катта манфаат кўришини сезиб қолиши билан дарров битимларни бекор қилса-да, уни Кальтенброннердан эҳтиёт қиласарди; бироқ шунағанги вазият юзага келгандики, улар ўзаро нафрат билан ич этини ейишса ҳам, бир-бирисиз иш қилишолмасди.

Граф Бернадот билан навбатдаги суҳбатни ўтказган Шелленберг бу сафар Хохенлихенга, Гиммлернинг хузурига шимолдан етиб келди.

– Рейхсфюрер, энди бу ишларнинг фойдаси йўқ. Сиз тушунишингиз керак, урушни бой бердик! – деди Шелленберг камин¹ ёнида ўтириб олиб, Плутарх асарини ўқиётган ўзининг шефига; бир текис тайёрланган ўтин вишиллаб ёнарди; хона шинам ва осойишта; қаҳва ҳақиқий бразилияча эди; оқшом шафаги осмонни қирмизи тусда бўяган, сокин ва гўзал тун бошланётганди; бу ерда, СС полки қўриқлаётган эман ўрмонида ҳеч нима руслар Берлинга интилаётганини, америкаликлар Тюрингия билан Саксонияга қуюндек бостириб келаётганини, инглизлар шаҳар ва

¹ Камин – олди очиқ ўчоқсимон печка.

автомобиль йўлларини тўхтовсиз бомбардимон қи-лаётганини, иситилмаган уйларда оч-наҳор болалар ўлаётганини, кўчаларда эса кўкрагида: «Мен урушда ютқазилди, дейишга ботинган қочқоқ ва ваҳимачи-ман!» ёзувли тахтаси бўлган аскарлар ҳамон осиб қўйилганини эслатмасди.

– Эҳ, Вальтер-еј, жудаям ошириб юбордингизда, – деди Гиммлер. – Сиз доим ваҳима қиласверасиз... Ҳарбийларнинг мени ишонтириб айтишича, Сталин Берлинда тор-мор келтирилади.

– Ҳарбийлар сизни алдашга мажбур, рейхсфюрер, акс ҳолда сиз уларни отиб ташлашни буорасиз. Улар тирик қолишини исташади, шунинг учун алдашади. Мен бўлсанм яшашни истайман ва шу боисдан сизга эшитиш кўнгилсиз бўлган бор ҳақиқатни айтяпман. Рейхсфюрер, граф Бернадот сизнинг сулҳ ҳақидаги таклифингизни америка штабига олиб боришга ва уни Эйзенхауэрга топширишга рози бўляпти. Менга ижозат берсангиз бас – эртагаёқ музокаралар бошли-нади. Бу сафар шунаقا ташаббус билан сизнинг Карл Вольфингиз эмас, балки барча европаликлар каби русларнинг Гарбга бостириб киришидан ҳақли сурат-да ҳайиқадиган, шуҳрати оламга кетган граф Берна-дот чиқади. Мен амалга оширадиган ишларга рози-лик беришингиздан бошқа ҳеч нимани сўрамайман.

– Сизнинг хатти-ҳаракатларингиз учун бари бир фюрер олдида мен жавоб беришимга тўғри келади, Вальтер.

– Тарих сусткашлигингизни кечирмайди, – алам билан деди Шелленберг. – Миллатимиз русларнинг оёғи остида қолса, унинг олдида сиз жавоб берасиз...

Гиммлер афсусланган ҳолда Плутарх китобини бир четга қўйди.

– Сиз СС ташкилоти фюрернинг гвардияси сифа-тида тузилганидан хабардорсиз, Вальтер. Мен, унинг яратувчиси сифатида, хоинлик қилолмайман!

– Хоинлик? Кимга хоинлик қиласиз? Бизни ўзи билан гўрга тортаётган телба, ҳеч нимани фикрлай олмайдиган васвастгами?

– Нима, фюерерни ишдан четлатишни менга таклиф қиляпсизми? – заҳархандалик билан сўради Гиммлер.

– Худди шуни сизга таклиф қиляпман, – жавоб берди Шелленберг. – Ҳали ўзингизга содиқ одамларингиз етарли. Гитлерни қамоқقا олиш бир нафасли иш. Эркингиз ўз қўлингизда. Farбда батамом таслим бўлиш, барча қўшинларимизни ташлашимиз лозим бўлган Шарқда курашнн бошлаш – ана шулар бурчимиз эканини наҳотки сезмаётган бўлсангиз?

Гиммлер ҳатто қўлларини силкиб юборди:

– Фюерерга сажда қилувчи миллатга бу ҳақда нима дейман?

– Миллат ундан нафратланади! – дағаллик билан Шелленберг. – Миллат ўзини ҳалокат ёқасига олиб келган пешводан ҳаммавақт нафратланади, лекин у голибга сажда қилади, бу анавинда яхши ёзилган, – у Плутархнинг китобига ишора қилди.

– Йўқ, йўқ, йўқ, – такрорлади Гиммлер ва ўрнидан туриб хона бўйлаб тез-тез юра бошлади. – Men ўтмишга хиёнат қилолмайман! Сиз ҳокимият учун курашган кунларимизни эслолмайсиз, сиз ҳаммамиз биродарлашиб кетган зафар йилларини эслолмайсиз, биз ўшанда...

Шелленберг ниҳоят даражада толиққанини сезиб жаҳл билан унинг сўзини бўлди:

– Рейхсфюер, қанақангি биродарлик? Нималар деяпсиз? Наҳотки Рем фюерернинг биродари бўлмаган бўлса? Ёки Штрассе? Лекин уларни қутурган ит каби отиб ташлашди. Ўтмиш ҳақида гапирмай қўяқолинг, рейхсфюер! Келажакни ўйланг... Сиз қизилларга қарши курашга бирлашиш даъвати билан миллатга мурожаат этасиз. Farбда таслим бўлингандилиги

ва Гитлернинг ҳокимиятни сизга беришга мажбур этган оғир хасталиги түғрисида хабардор қиласиз!

– Лекин у саломат-ку!

– Аслида у йўқ, – ниҳоятда толиқшанидан мартабадорлар одобини ҳам унтиб деди Шелленберг.

– Қобиқ, уйдирма, кўланка бор... Шунга қарамай, у юрак хасталиги муносабати билан шахсий илтимосига биноан Герингни лавозимдан четлатиш ҳақида мингиллаганида бу кўланкага ишонишди... Сизга ҳам ишонишади, ҳозир ҳамма нарсага ишонишади...

Шелленберг эртасига аzonда империя соғлиқни сақлаш раҳбари профессор Де Кринини Гиммлернинг ҳузурига олиб келди. У аввалига тортиниб турди, Гитлернинг хиёнатчи бўлиб чиқсан шахсий врачи штандартенфюрер Брандтни эслади, кейин, Гиммлер унга пора бериб, сокин Оберзальцбергга кечиктирмай жўнаб кетишни буюргач, овозини пасайтириб деди:

– Фюернинг касали оғир. Унинг руҳий ҳолати тушкунлик ёқасида турибди. Эндиликда, ёнида Брандт бўлмаган бир пайтда у ҳар онда ақлдан озинши мумкин.

Гиммлер Де Кринига ижозат бериб, Шелленбергдан сўради:

– Бу суҳбатим ҳақида у Борманга хабар қилмайди, деб ўйлайсизми?

– У Оберзальцбергга жўнаб кетади, рейхсфюрер, – деди жилмайиб Шелленберг, – У бункерга қўнғироқ қилмайди, у қутулиб қолганига хурсанд бўлади, у ақлли одам...

– Хўп яхши, шундай деб фараз қилайлик... Мен хаёлий эҳтимол ҳақида гапиряпман, Шелленберг, бошқа нарса эмас... Айтайлик, мен ўз одамларим билан рейхсканцеларияга бораман... Айтайлик,

фюрернинг хонасига кириб уни ишдан четлатишими-
ни айтаман... Бу қаттиқроқ хаста киши нима ҳақда
гапираётганимни дарров тушунолмайди, чунки у
жудаям ишонувчан, у худди бола каби одамларга чип-
па-чин ишонади, ҳаммамиз унинг ёнида бўлганмиз...
Унинг кўзларига қандай боқаман? Қандай?!

«Мана шунаقا одам СС га бошчилик қиляпти-я, –
деди ўзича Шелленберг юраги сиқилиб. – Мен бўл-
магур одамларга хизмат қиляпман, буларнинг ҳамма-
си парвоздан маҳрум одамлар, улар ўзлари улуғлаган
ваҳима остида, эзилиб қолишган, улар экканларини
ўришяпти...»

– Рейхсфюрер, сиз Де Крини билан гаплашаётга-
нингизда мен Любекка қўнгироқ қилгандим. Жаҳон
яҳудийлар конгрессининг вакили Шторх Стокгольм-
га келибди, у қабул қилишингизни сўраяпти. Уолл-
стритлик жиддий одамлар уни қўллашади. Ўйлаб
кўринг, Шторх билан учрашиб, сиз унга антисеми-
тизм¹ Гитлернинг фикри билан пайдо бўлганини,
бунга алоқангиз йўқлигини, концлагерларда қолган
яҳудийларни қутқариш учун қўлингиздан келади-
ган барча ишни қилганингиз ва қилаётганингизни
тушунтириб берасиз. Тушунсангиз-чи, ёвуз антисе-
митизм сиёсатини ўтказганимиз учун жаҳон биздан
нафратланяпти! Агар сиз Гитлер билан алоқани уз-
масангиз, ўрта асрга хос бу ваҳшиёна ишларимизни
нафақат Рузвельт ва Черчилль, балки тарих ҳам ке-
чирмайди. Немислар ҳам кечиришмайди! Улар: «Хўп
майли, биз яҳудийларни печларда ёқдик, ҳайдаб
юбордик, энди улар Германияда йўқ, аммо нега биз
очдан ўляпмиз, нега бизни бомбардимон қилишяпти,
нега биз – яҳудийлар бўлмаса ҳам – урушни бой бер-
дик?» деб сўрашади. Уларга нима деб жавоб берасиз?

¹ Антисемитизм – яҳудийларга нисбатан сунъий равища
юзага келтириладиган миллий душманчилик.

Шторх эса – савдолашиш демак. У Гарбда сизни ўша яхудийларнинг халоскори сифатида таништиради, уларнинг истагини бажарсангиз бас...

– Лекин бунга Гитлер чидаш беролмайди! Яхудийлар масаласига гайритабиий муносабатда бўлишини ўзингиз биласиз-ку, Вальтер!

– Жин урсин, ўша яхудийлар масаласини! Ҳозир олдимизда бутун моҳияти билан немис масаласи кўндаланг бўлиб турибди, бу – энг асосий масала! Биз эса ўзининг лаънати яхудийларидан бошқа ҳеч нимани билишни истамаётган васваснинг хомхаёл гапларига ҳамон ёпишиб оляпмиз! Яхудийлар жаҳаннамга қия бўлавермайдими! Немислар ҳақида ўйланг, рейхефурер, яхудийлар хусусида бош қотирганингиз етар!

– Йўқ, – жавоб берди Гиммлер. – Фюрер бунга чидаш беролмайди... Сабр қилинг, Вальтер, мени қиссовга олаверманг, сиз билдирган мулоҳазаларга кўнишиб олишим керак.

– Қачонгача кўникоқчисиз? – истеҳзо билан сўради Шелленберг; унинг башараси титради, кўзлари худди қум сепилгандек ўшланиб кетган, тўхтовсиз чекишдан қорайиб кетган тили шишиб катталашиб қолганди. – Энди сизга вақт ажратилмаган. Сизга айтган гапларимга ишонаверинг. Ўзимни ўйлаётганимда, сиз ҳақингизда ҳам ўйлайман, негаки қутулиб қолишимизни ҳозирча фақат сиз амалга ошиrolасиз, чунки сиз рейхда ҳокимиятнинг асоси ҳисобланасиз. Сизга бир неча соат вақт ажратилган холос, рейхсфурер. Ҳозирча кучингиз бор, аммо руслар Берлинни тамомила қуршаб олишгач, Гарбда сиз билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолади...

– Бундай дейишга қандай журъат қиляпсиз? – маъюсона сўради Гиммлер. – Ахир мен ҳозирча ички ишлар министри ва СС қўшинлари фюрериман-ку!

– Ҳозирча, – жавоб қилди Шелленберг, – Шунчалик кескин гапираётганим учун мени кечирасиз-у,

лекин энди сизни алдашга ҳаққим йўқ, шу боисдан яна такрорлаб айтаман: ҳозирча!

Тасаввурнинг ўзгариши, ўтмишдаги буюклик хотироти, вақт ва маконни ҳис этолмаслик, ҳиссий манбаларнинг қашшоқланиши Гиммлер билан ҳам, Шелленберг билан ҳам ўзининг даҳшатли ва шу билан бирга қонуний ўйинини бошлади.

Улар турли хил режалар тузиб қочқинлар колоннаси билан тиқилиб кетган рейх йўллари бўйлаб изгишарди; соқчилар йўлни бўшатиш мақсадида одамларни дам-бадам зовурларга итариб туширас, шартта уларга караб ўқ узишарди; Стокгольм, Любек, Берн билан телефон орқали бўлаётган гап-сўзларнинг чеки кўринмасди. Берлиннинг марказига ҳужум қилиш учун олдинги мэррага чиқаётган рус танклари билан артиллериясининг гумбур-гумбур қилиб дақиқа сайин олдинга интилиши ҳозир ҳамма нарсани ҳал этишини ҳеч ким тасаввур қилишни истамасди, аниқроғи қилолмасди...

Бироқ демократия, адолат, миллий тенглик ҳақида жозибали, чиройли гапирувчи Фарбдаги бир қатор сиёсатдонларнинг инсоният тарихи ҳали кўрмаган даҳшатли истибод самараси бўлган нацистлар билан алоқа ўрнатгани дунёning келажакдаги тақдирни учун номуносиб ва даҳшатли иш бўлди. Гитлерчилар билан бўлган уларнинг муносабати махфий бўлиши мумкин эмасди, бироқ, бу алоқаларни Кремль сезиб қолди, шу боисдан ҳам у ерда кейинчалик Москвани бир неча марта айبلاغан Фарбга нисбатан ишончсизлик кайфияти тобора намоён бўла борди. Агар бу нақа шубҳаланишга асос бўлмаганида бошқа гап эди, лекин асос бор эди, бор бўлганда ҳам қандай денг; жаҳонни нацизм даҳшатидан холос этган давлатдан яшириб бу қабиҳ тузумнинг ёвуз вакиллари билан, унинг жазолаш сиёсати муаллифлари билан гитле-

ризмга қарши курашда бошқаларга нисбатан ўз бурчини ҳалол адо этган давлатта қарши узлуксиз алоқа қилиб туришган.

Мюллер ҳамон Берлинда қорасини кўрсатмаётган Шелленбергнинг фаол ҳаракатини кузатар экан, Стокгольмдаги элчихонада иш олиб бораётган ўзининг вакилига шифрланган телеграмма йўллаб, унга илгари бошлаган, мазмунан америкаликлар гестапо гурӯҳининг шифрловчисини «сотиб олишлари» мумкин бўлган операцияни якунлаш вазифасини топширди; кўзга тушадиган бир қанча кодлар орасида Штириц Москвага жўнатган телеграммалар мазмани билиб олинадиган восита ҳам бўлиши лозим эди.

Бу, Мюллернинг фикрича, Донованни янада фаол ҳаракат қилишга ундамаслиги мумкин эмасди; Шелленберг Бернадот, Музи ва Шторх билан йўлга қўйган барча алоқалари «Юстас» орқали Москвага маълум бўлгандан кейин юзага келиши мумкин бўлган оқибатларга Вашингтондагилар ўз муносабатларини билдириласликлари мумкин эмасди. Бу, у ёки бу йўналишда дарҳол чора излашни тақозо этарди: ё Вашингтон ёпирилиб келаётган большевикларга қаршилик кўрсатиш учун Гиммлерга қўл чўзиб, шошилинч равишда бир томонлама сулҳ тузиши лозим ёки очиқдан очиқ Гиммлерга қўшилмаслиги керак. Аммо бу ҳолда рейхда битта куч – у ҳам бўлса, Борман қолади, ўзининг гоялари, яшириб қўйган қимматбаҳо нарсалари, НСДАПнинг барча чет эл тармоқлари билан фақат Бормангина фюрернинг тўлақонли вориси бўлолади.

Гиммлер бари бир америкалик сионистлар вакили Шторх билан музокара олиб боришга журъат этиб, ҳали газ камераларида йўқ қилинмаган яхудий молиячилари хусусида шартномага имзо чекканидан кейин Шелленбергнинг фаолияти ниҳоят даражада тезлашганини Мюллер биларди; Шелленберг кунига

минглаб километр йўл босар, ўзининг автомобилида овқатланиб, шу ерда ухларди, кучли дори-дармон таъсирида тетик кўринса-да, ниҳоятда озиб кетганди, худди кексаларникидек кўз осллари салқиганди.

Мюллерга маълум бўлишича, Гиммлер ҳал қилувчи музокаралар арафасида молия министрининг ўринбосари фон Крозинг ва меҳнат министри Зельдте билан учрашибди.

Крозинг тезда Эйзенхауэр билан ошкора музокара бошлишни талаб қилибди, Зельдте қаршилик кўрсатувчи иккинчи партия тузилгани ва ҳаммаёқни босиб кетган рейхни қамоқхонага айлантириб юборган ҳарбий-дала судини тарқатиб юборгани ҳақида авомга эълон қилинган варақа чиқариш хусусида Гитлерни мажбур этиш таклифини киритибди.

...Эртаси куни граф Бернадот билан Жаҳон яхудийлар конгрессининг вакили Мазур қамалдаги Берлинга учиб келишди; ССчилар мундириини кийиб олган Шелленберг Мазурни Гитлернинг қароргоҳидан атиги бир неча километр беридаги Тампельхоф ҳарбий аэродромида кутиб олди.

Гиммлер билан Мазур ўртасидаги биринчи конференция Шелленберг иштирокида Хартювалъдда бўлиб ўтди; Гиммлернинг котиби – у билан ўн беш йил бирга ишлашган штандартенфюрер Брандт сухбатни ёзib олмоқчи бўлганди, аммо Шелленберг Гиммлернинг саросимага тушиб қолганини, ўзини файритабии тутаётганини сионистлар ташкилотининг эмиссарига¹ яхудийлар масаласидаги барча «англашилмовчиликларга» НСДАПнинг бир қанча кекса намоёндаларини йўлдан урган масъулиятсиз мунахжимлар айбордor эканини тушунтиromoқчи бўлиб, хушомадгўйлик билан жилмаяётганини сезиб ёзмасликни илтимос қилди.

¹ Эмиссар – маҳсус ташкилот билан чет элга юбориладиган вакил.

– Бизни ҳозирги вақтда ташвишга солаётган асосий масала, – рейхсфюернинг сўзини бўлиб деди Мазур, – бу, сизнинг... Германия концентрация лагерларида жафо чекаётган америка, инглиз ва немис яхудийларининг тақдиридир. Агар сиз уларнинг йўқ қилинмаслиги ҳақида бизга кафолат берсангиз, биздан нимани сўрасангиз ҳам бажаришга тайёрмиз.

– Рус ва поляк яхудийлари нима бўлади? – қизиқсиниб сўради Шелленберг.

Мазур елкасини қисиб деди:

– Бу масалани ҳал этишга менда ваколат йўқ. Улар билан Сталин ва Берут шугулланаверсин, мен ўз талабимни етарли даражада аниқ ифодалаб бердим шекилли?

– Ҳа, лекин мен яхудий миллатига мансуб шахслар тутиб турилган ҳамма жойлар рўйхатини американликларга беришни буюриб қўйғанман, – деди Гиммлер. – Мен чиндан ҳам бир пайтлари яхудийларни уларнинг инсоний қадр-қийматига ҳеч тажовуз қилинмаган ҳолда шароити қулай кемаларда ёки биринчи класс поездларда рейхдан кўчириб юбориш тарафдори бўлғанман ва бу масалада менинг айбим...

Энди унинг сўзини Шелленберг бўлди:

– Жаноби Мазур, сизнинг назоратингиздаги матбуот рейхсфюер жаноби ички ишлар министри Гиммлер ва унинг яқин сафдошлари тутган олиҳиммат йўл ҳақида мақтовли гапларни айтишига кафиллик бероласизми?

– Шак-шубҳасиз, – деб жавоб берди Мазур. – Агар сиз бебахтларнинг ҳаётини сақлаб қолсангиз кафиллик бераман. Биринчи навбатда бизни исм-шарифларини ўзим ёзиб келган одамлар қизиқтиради, булар ҳурматли бизнесчиларнинг оила аъзолари билан қариндошларидир. Биз таъсир ўтказишимиз мумкин бўлган матбуот рейхсфюер жаноби ички ишлар

министри Гиммлер билан сиз тутган олиҳиммат йўл ҳақида ҳақиқатни айтади...

– Мен ёлгиз эмасман, жаноби Мазур. Агар биз сағимизда минглаб одам – ҳамма вақт ва ҳар бир ишда жаноби Гиммлер билан ёнма-ён турганларнинг барчаси бўлмагандан мен сиз учун ҳеч нима қилолмаган бўлардим...

– Сизни тушуниб турибман, – деди жилмайиб Мазур.

– Мен Равенсбрюк аёллар концлагеридағи барча яхудийларни инглиз ёки поляк аёллари деб аташга ҳозироқ буйруқ беришга тайёрман, – деди Гиммлер, – бу, уларни оиласлари бомбардимон пайтида ҳалок бўлган соқчилар томонидан адабсизлик қилиш эҳтимолидан халос этади; даҳшатли пайт, одамлар шунақаям аламзадаки, ҳамма нарса юз бериши мумкин...

Мазур билан бир битимга келингандан сўнг, уни Стокгольмга жўнатиш учун ҳарбий аэродромга олиб кетишиди. Гиммлер билан Шелленберг эса Хохенлихенга, штаб-квартирага йўл олишиди, бу ерда уларни граф Бернадот кутмоқда эди.

– Сиз менга Эйзенхауэр билан учрашишимга ёрдам беришингиз керак, – деди ваҳимага тушиб Гиммлер. – Иккаламиз ҳам аскармиз, сулҳ ҳақида келишиб оламиз. Мен Фарбда таслим бўлишга тайёрман, фақат большевикларни Шарқда тўхтатиб қолсак бас...

Бернадот йўталиб олиб, секин жавоб берди:

– Қўлимдан келган ҳамма ишни қилишга уриниб кўраман, рейхсфюрер...

Учрашувдан кейин (Гиммлернинг котиби Брандт ҳамма гапни ўз қулоги билан эшишиб, бу ҳақда Мюллерга хабар қилди, Мюллер бир пайлари унинг поляк билан илакишиб қолган синглисини қамоқдан қутқариб қолган ва шу билан Гиммлернинг котибини қўлга олганди; ўшандан бери ўз шефининг хатти-ҳаракатлари

тўғрисида унга бўйсинувчи, лекин – рейхнинг ваҳшиё-на қоидасига кўра – барча одамлар ҳақида ҳамма нарса-ни билиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга маълумот бериб турарди) Гиммлер хонада қолгач, Бернадот машинага ўтирас экан, Шелленбергга деди:

– Рейхсфюрер ўзининг таклифи билан икки ҳафта-га кечикди, У Гарбда таслим бўлиш истагида экани-ни менга ҳали руслар Берлинни қуршаб олишга ки-ришмасларидан аввал айтиши лозим эди. Гиммлер-нинг куни битди. Ўзингиз ҳақингизда жиддий ўйлаб кўринг...

– Қайси йўналишда? – аянчли ҳолда сўради брига-ден-фюрер.

– Кўшинларингизнинг Норвегия билан Данияда таслим бўлишига уриниб кўринг, – деди Бернадот машина эшигини ёпаркан, – келажакда бунинг сизга фойдаси тегиб қолади...

Мюллэр барча воқеалар тўғрисидаги телеграмма-ни Штирлицнинг эндиликда америкаликларга ҳам маълум бўлган коди билан шифрлаб Москвага, Мар-казга юборди.

Шубҳаларни кўпайтириш учун, Германия бўйлаб бир-бирининг истиқболига ошиқаётган Шарқ билан Гарбнинг бир-биридан хавфсираб, тўнини тескари кийиб олиши учун Мюллэр ҳар бир дақиқа, соатдан фойдаланиб қолиш ниятида эди. Гиммлер иккилан-ган эди, мана, ютқазди; Мюллер иккиланишни бил-майди. У фаолият кўрсатишни афзал кўради, шу бо-исдан унда ютиб чиқиш имкони бор.

Икки соатдан кейин «Юстас»нинг телеграммаси-ни тутиб қолган флот разведкаси президент Трумэнга унинг мазмуни ҳақида ахборот берди.

Трумэн ўзининг энг ишончли маслаҳатчиларини тор доирадаги йиғинга тўплади.

– Бернадот ҳақ: Гиммлер кечикди, – деди прези-дент. – Аммо руслар энди ҳамма гапдан хабардор.

Катта можаро чиқиши мумкин. Биз можародан қўрқ-маймиз, лекин бу ҳолда Қўшма Штатларнинг об-рў-эътиборига путур етади. Қандай таклифлар бор, дўйстларим?

Узоқ маслаҳатдан кейин президент Стокгольмда нацистлар америка вакилига билдирган таклиф билан боғлиқ бўлган ўта муҳим хабарни Сталинга юборишга тайёрланаётганини дипломатия йўли билан Кремлга маълум қилиш лозим, деган хуносага келишди.

Нацистларнинг бир томонлама сулҳ ҳақидаги таклифи рад этилиши, бироқ бу Гиммлернинг найрангими йўқми эканини таҳлил қилиш учун вақт зарур экани; шундан кейингина Трумэн ўзининг шахсий мактубида Маршалга барча тафсилотини хабар қилиши Москвага оғзаки маълум қилиш вазифаси топширилди...

МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ (Максим Максимович Исаев)– II

Штирлиц инсоният қўли билан яратилган ажойиб ижодиёт намуналари мажмуаси эмас, балки бадавлат хонадон эгасининг шуҳратпарастлигидан далолат берувчи биллур идишлар уюми бўлмагандан дид билан безатилган хонада ётарди; тоғ гулларига хос гаройиб қадаҳлар семиз, кўп сифимли графинлар ёнидан жой олган; конъяк ичиладиган нафис қадаҳлар ёнига эса оғир стаканлар қўйилган; ҳатто уларда акс этаётган қуёш нури ложувард, енгил, шиддаткор бўлиб ялтирамайди, балки аллақандай сўник, тургун, ичкарисидан қўкимтири тусда эди.

Штирлицнинг қўлларига ингичка пўлат кишан урилган, чап оёғи худди шунаقا пўлат ҳалқа билан оғир диваннынг тўсимига маҳкам банд этиб қўйилган.

«Агар буларни сургаб қочадиган бўлсам, росаям кулгили бўларди-да, – деб ўйлади Штирлиц. – Худо ҳаққи, Чаплинга ажойиб мавзу...»

У узоқдан келаётган отишма садосини эшитиб ётарди. «Етиб келишга улгуришсин-да, бу ерда мен ўлиб кетишим мумкин, қуним битишига саноқли соатлар қолди, йигитлар, азизларим, тезроқ етиб келишга ҳаракат қилинг, сизларнинг келишингизни узоқ йиллар орзиқиб кутдим... Мен шу дақиқаларни яқинлаштириш учун қўлимдан келган ҳамма ишни бажаришга жудаям ҳаракат қилдим; балки кўпроқ иш қилишим мумкин эди, лекин мени койишга ҳаққингиз йўқ, чунки ер юзидаги ҳар бир инсон ўзлигининг ўндан, йўқ, юздан, мингдан бирини намоён этади; ҳаёт жуда шиддаткор, у бизга ўзлигимизни кўрсатмоқда, биз ёзма кўрсатма бўлмаса ҳам, унинг совуқонлик билан ва менсимай буюрганларини бажарамиз холос; суръат, кишини доимий толиқтирувчи суръат лозим эди, мен эса асосий юмушни бажариш имкониятига эга бўлишим учун бу ерда мажбуран амалга оширишм лозим бўлган ва ўзим чинданам истаган ишларга бўлинишимга тўғри келди...»

Ойген кириб келди-да, ёнига ўтириб қизиқсинди:

– Ўнг томонингизга ёнбошлаб олишни истайсизми?

– Шу ҳолатда ётибман-ку, – жавоб берди Штирлиц.

– Ҳа-я, – кулимсираб қўйди Ойген, – Бирорга тикилсан нуқул адашиб кетаман... Чап ёнингизга ўгириб қўяйми? Толиқмадингизми?

– Ўгира қолинг. Яхшиси ўтирганим маъқул эди.

– Ўтириш мумкин эмас. Агар Москвадан жавоб келмаса сиз билан иш олиб борувчи врач ётишингизни доим кузатиб туришимни мендан илтимос қилган...

– Ҳа, майли, – деди Штирлиц, – Ундай бўлса ётавераман...

– Чекишни хоҳлайсизми?

- Жудаям.
 - Раҳимим келади-ю, лекин чекиш ҳам сизга ман этилган.
 - Бўлмаса, нега сўраяпсиз?
 - Қизиқ-да. Мени ҳозир нималарни ҳис этаётганингиз қизиқтирияпти.
 - Фашизм нималигини биласизми, Ойген?
- У елка қисиб деди:
- Италия халқи илфор кучларининг миллий ҳаракати-да...
 - Бу дунёда одамлар фашизм, национал-социализм кагулярларни адаштириб юришади...
 - Маърифат етишмагани учун адаштириб қўйишибади. Ахир ифлос француз кагулярлари билан олий ирқли национал-социалистларни тенглаштириб бўладими?
 - Бўлади, Ойген, бўлади... Мен сизга шу ерда, Германияда биринчи марта «фашист» сўзининг маъносини қандай тушуниб олганимни айтиб бераман. Хоҳлайсизми?
- Ойген чекиб олиб жавоб берди:
- Нега эшиитмас эканман, албатта, айтиб беринг...
 - Бу воқеа ўттиз иккинчи йилда, ҳали Гитлер канцлер бўлмасидан илгари юз берганди... Мен машинада Шарлоттенбергга етиб келдим, кўча тор, бурилишим керак эди: пивохона ёнида иккита машина турганди; атрофида жигарранг кийимли одамлар тўплangan, улар Геббелльснинг нутқини муҳокама қилишар, хо-холаб баҳслашишарди; четдан қараганда худди СА нинг аъзолари. Машинани сал олдинга олиб, менга озгина жой бўшатиб берадиган ҳайдовчи, ораларингда йўқми, деб сўрадим. Йўқ, деб жавоб беришди менга, бу ерда ҳайдовчи йўқ... Мен ўз «Оппель»имни бураман, деб беш дақиқача роса қийналдим-да, ниҳоят бир амаллаб бунинг уддасидан чиқдим, боягилар эса мени индамай кузатиб туришди, сўнг машинада

бунаңанги мушкул жойдан чиқиб олиш санъатини қаерда ўрганиб олганимни суриштиришди... Машинамни белгиланган жойда тұхтатиб, ундан тушганимда, мени мазах қилиб кулғанлардан иккитаси бир-бирини «Хайль Гитлер» деб қутлашды ва ўша машъум автомобилларига ўтириб икки томонга жұнаб кетиши... Бошқа бир одамнинг үзубатини ёки ҳатто шунчаки бир ўнғайсиз ҳолатини томоша қилишни ёқтириш – ана шунинг ўзи фашизм... Аммо сермаърифат-ли бўлган сиз учун очигини айтаман: ана шунинг ўзи ҳақиқий национал-социализм...

Ойген рангиз майин тук босган семиз сүяқдор бармоқларини қисирлатиб муштумини қисди-да, оғир хўрсиниб қўйди:

– Группенфюер сизга муносиб муомала қилишимни тақиқлаб қўйган, Штирлиц... Акс ҳолда герман национал-социализми рус инкорчи большевизми билан учрашганда унинг нималигини сизга кўрсатиб қўйган бўйлардим...

Шундай деди-ю, Штирлицнинг устига энгашиб кўзига тикилди, сўнг юзига тупурди:

– Мана шунаقا... Буни менга группенфюер тақиқламаган, мен буйруққа итоатсизлик қилганим йўқ...

У эшик олдида тўхтаб, Штирлиц томон ўгирилди-да, сўзини якунлади:

– Кейинчалик эса мен сизга инкорчи большевизмнинг нималигини амалда тушунтириб қўяман, эҳ, росаям тушунтираман-да, Штирлиц...

У эшикни зич ёпиб чиқиб кетганидан кейин Штирлиц бу найнов ҳайвоннинг тупуги нақадар қўланса эканини ҳис этиб юзини ёстиқча суртиб артди-да, тўсатдан, мутлақо кутилмаганды Вацлав Вацлавович Воровский сиймосини яқындан аниқ кўргандек бўлди; Воровский унинг дадаси ўз маслақдошлари – Мартов бошчилигидаги меньшевиклар фракцияси аъзолари билан ленинчилар орасида жилла қурса маданият

соҳасида аввалгидек муросани йўлга қўйишга ҳаракат қилиб, рус адабиёти ҳақида мунозара уюштирганда Исаевларнинг Цюрихдаги уйига келганди.

Ильич билан Мартов ўртасида ажralиш содир бўлгани учун отасининг жигар-багри эзилганини Максим доим эслаб юрарди; бироқ отаси Лениннинг ҳақ эканини тушунса ҳам бари бир менышевиклар билан қолаверади. «Ўзим биргаликда иш бошлаган одамларпи ташлаб кетолмайман, бунинг устига улар анча кучсиз, – деб ўғлига тушунтиради у, – табиатим шунаقا, ожизларни ҳимоя қиласман, ўн беш ёшда эканингни, бу ёшдагилар ҳужумкор, айниқса ҳақиқатгўй бўлишини тушунсанда, менга ҳужум қиласман, идрок ва раҳмдиллик кейинроқ пайдо бўлади; мен кутиб тураман шуни кўрсан бўлгани; барча оталар биргина шуни орзу қилишади.

Воровский ўшанда рус адабиётида инкорчиликнинг моҳияти ҳақида қисқача айтиб берганди.

Йигитча биринчи марта катталар орасида ўтирганди, шу боисдан ўша оқшом таассуроти бир умрга унинг хотирасида қолганди: у ўшанда юз берган воқеаларнинг миридан-сиригача эслайди; Воровский эгнидаги жигарранг камзулнинг чап енгидан учинчи тугма узилиб тушгани, кулранг кўйлаги оқ ип билан тўрлаб ямалгани ҳамон кўз ўнгида яққол турибди...

Россияда «ять» ҳарфи хусусида неча ўн йиллардан бери қизгин баҳс олиб бориляпти, деганди ўшанда Воровский, бу ҳарфнинг зарурияти йўқлигини ҳамма билади, у ортиқча, ҳеч қандай аҳамияти йўқ – шунга қарамай, у ҳамон ишлатиляпти, уни тушунмайдиган болалар грамматикадан икки балл олиб йиглашяпти, қийналишяпти, ахир буларнинг ҳаммаси болаларнинг кўз ёшига арзимайди, Достоевский инсоний ахлоқ масаласини узил-кесил ифодалаб берган... Инкорчиликни ҳам... Нуқул баҳслашаверамиз-у шу

пайтгача маълум бир қарорга келолмаяпмиз, лекин бу жудаям зарур... Инкорчилик Тургенев романидаги Базаровдан бошланганини айтишганда, мен бунга қарши чиқмасдан туролмайман... Бундай фикр ўзига хос ватанпарварликнинг тескарисидир: одамлар гёё илгари бунақаси Россияда бўлмаганини кўрсатмоқчи бўлишади. Бу эса, нотўри.

Ўшанда Воровский кичкина парчани ўқиб бериб: «Бу кимнинг сўзлари экани ҳақидаги мулоҳазаларни эшитиш қизиқ бўларди, бу мунозарамизни янада ошкор, демократияга хос, ҳаммага дахлдор қилган бўларди», деди.

У ўшанда: «Барча халқларда жўшқин фаолият даври, йигитлик хотираси, шеърият ва серунум гоялар қарор топадиган йигитликнинг вояга етадиган даври бўлади; уларда бундан кейинги тарихнинг манбай ва асоси мавжуд... Биз эса бу кабиларнинг ҳеч қайсиносига эга эмасмиз...» деган сўзларни қироат билан ёддан ўқиди.

Кейин у бепарво, такаббурона жилмайиб қўйди-да, («Аслини олганда у такаббур эмас, – деганди кейинчалик дадам, – шунчаки у шу билан ўзининг мулоҳимлигини яширади, у жудаям кўнгилчан, худди бола каби нозиктаъб») бошини сал юқорига кўтариб, иккинчи парчани ўқиди:

«Биз, руслар, азалдан мўмин ва ақлимиз расо одамлармиз. Черковимиз бизни шундай тарбиялаган. Агар унинг оқилона таълимотига хиёнат қилсак, шўримиз қурийди; ўзимизнинг энг яхши хусусиятларимиз халқ хусусиятлари билан, жаҳонда ўз буюклигимиз, ўз моҳиятимиз билан ундан миннатдормиз. Бизнинг ўўлинимиз бошқа халқлар бораётган йўл эмас...»

Ўшанда йигирма чоғли одам ўтирган катта хона; фала-ғовур бўлиб кетди, ҳамма ўзаро гапга тушиб кетди, «Белинский», «Аксаков», «Хомяков» деган сўзлар эштилди.

Воровский бошини чайқаб яна жилмайди:

– Йўқ, ўртоқлар, Белинский ҳам эмас, Аксаков ҳам эмас. Иккала жумлани Чаадаевдан олдим – бири ёшлигида, иккинчиси ўлими олдидан ёзилган. Биринчи кўчирма ўттизинчи йилларнинг бошига хос, бу унинг машхур мактубидан олинган парча, бунинг учун уни телба, деб эълон қилишган, иккинчиси – унинг ҳокимиятга тавба-тазарру қилиб ёзган мурожаатидан олинган... Биринчиси Пушкин учун, теварак-атрофдаги ҳамма нарса инсонга мажбуран қабул қилдирилган пайтлардаги Россия руҳи учун қайгули алам оқибатида юзага келганди, у танлаб оладиган йўл йўқ эди, унинг ҳар бир қадами ўлчовли эди, тақиқлаш зимиштони ҳукмрон эди, фикрлаш, бирор ҳатти-ҳаракат қилишга ижозат беришдан дарак ҳам йўқ эди... Ҳатти-ҳаракат, фаолият, фикрлашни айни шундай чегаралаб қўйилиши Чаадаевда онгни ривожлантиришга, номаълум нарсаларга эътиборни қаратишга имкон бермайдиган мажбурий тушунчалардан мутлақо холи бўлган инкорчиликни юзага келтирди... Инкорчилик; ёмон одамнинг туғма хислати эмас, у полициячиликни, расмиятчиликни, калтафаҳмларча таъкидларни туғдирадиган назариянинг ўзгинасидир... Бироқ, бунда Чаадаевнинг инкорчилиги ўша даврдаги рус адабиёти эркалигининг бир кўриниши эди холос... Инкорчилар, парастларнинг ўринли тъбирича, нимани истамасликни билишарди-ю, аммо нимани исташни билишмасди . Чаадаевни эркаликда айблаш Россияда Николай Таёқча ўттиз йил тоқат қилинган даврни айблашга ўхшаб кетади. Ҳатто ўша пайтлардаги инкорчилар нимани истамасликларини очиқласига таърифлагани тараққиёт йўлидаги бир одим эди. Базаров рус ижтимоий онгининг ривожи бўлди, аммо мен унинг саноғини Чаадаевдан эмас, балки виждан ва ор-номуснинг ҳақиқий тушунчаси ҳақидаги, жамият тарихида шахснинг моҳияти тўғри-

сидаги масалани биринчи бўлиб ўртага ташлаган Ра-дишчевдан бошлайман.

...Исаев отасининг уйидаги ўша оқшомни кўпин-ча эслаб юарди; Воровский, унинг пишиб етилган масала юзасидан ниҳоятда хотиржам гапириш услу-би, ўшанда бунчалик жиддий мунозарарага нима сабаб бўлгани нега хотирасида ўрнашиб қолганини у анча пайтгача тушунмади (тунда ошхонадаги идиш-то-воқларни ювиф, кейин катта хонани супуриб бўл-ганларидан кейин отаси ғамгин жилмайиб деди: «Менимча, ўзим истаган нарсанинг тескариси бўлиб чиқди – тўпланганлар бир оз бўлса ҳам ярашиш ўрни-га янада кўпроқ жанжаллашиб қолиши... Россияда яқин кунлар мобайнида катта воқеалар юз бериши-га ишонаман, ҳокимият барҳам топади, биз уйимиз-га қайтамиз, лекин, афсуски, унда яккаланиб қолган бўламиз-да, эй худойим-е...»). Исаев ўша оқшомни нега бунчалик эслаб қолганини кейинчалик, гитлер-чилар Германиясида иш бошлаганидан сўнг тушуниб олди... Ижтимоий ҳаётнинг йўқлиги, тургун ботқоқ ҳидининг ҳис этиб турилиши рейхда ҳукмронлик қиласди; ё фюрернинг чинқириши ва оломоннинг фарёдини эшитасан ёки кўчалардаги азонги сокин-лик ва одамларнинг уйдан чиқмаётганининг гувоҳи бўласан: бу одамларнинг на шахсияти, на иззат-ҳур-мати, ва на қадр-қиймати бор... Ўша олис куз фаслида Цюрихда ўзи шоҳид бўлган қизғин баҳснинг ажойиб руҳи рейхда дастлаб иш бошлаган йилларда аллақандай бир халоскорлик доираси бўлди; баҳсчиларнинг чеҳралари, уларнинг сўзлари ҳамон ёдида; рус соци-ал-демократларининг халқча манзур хатти-ҳаракат ва фикрлаш ҳуқуқига бўлган эътиқоди вақт ўтган са-йин уни кўпроқ ҳайратга соларди, улар жамиятни бир хилда бараварлаштирилган жамоадан ўз қадр-қийма-тини, яъни ор-номусини юксак даражада ҳис этувчи шахсларнинг; хатти-ҳаракат ва фикрлаш ҳуқуқига эга

бўлган одамларнинг онгли иттифоқига олиб чиқишидек масъулиятни зиммаларига олишга тайёр эдилар...

«Ниҳоятда баҳтли одамман-да, – деб қўйди ўзи у, – қанчалик ажойиб кишилар ўз эътиборлари билан менга илтифот кўрсатишган: Дзержинский, Кедров Артузов, Трифонов, Антонов-Овсеенко, Блюхер, Крестинский, Постишев, Дибеко, Оржоникидзе, Свердлов Қораҳон, Литвинов, Менжинский, э, худо, ҳаётда бунақа баҳт яна кимга насиб қилганийкин?! Уларни ҳозир эслаганим ва улар ёнгинамда пайдо бўлишгани, бу, худди халос бўлиш, худди йўлда ҳордиқ чиқариш худди хасталик пайтидаги уйкудир. Нега энди халос бўлиш менга ниҳоятда зарур бўлган айни шу пайтда уларнинг ҳаммасини кўз ўнгимда яққол кўряпман? Ҳа, Ойген инкорчилик ҳақида гапиргани учун, ёдига тушди Штирлицнинг. – Қизиқ, ёвузлик элчилари сенда эзгуликни пайдо қиляпти, наҳотки, бу ҳам қонуний бўлса?»

У яна вақтни ҳис этди, демак кутяпти. У энди кутишга тоқат қилолмасди, бу даҳшатли ҳиссиёт унинг миясини парчалар, аъзои-баданини қақшатар, юрагини сиқарди...

«Бизниkilар улгуришади, – деди ўзига-ўзи, – албатта, улгуришади, фақат нуқул бу ҳақда ўйлайверма, бошқа бирон нимани хаёлингга келтири... Нима ҳожати бор? Аҳволим чорасиз: агар бизниkilар бу ерга бостириб келишмаса – мени ўлдиришади. Тамом-вассалом. Аттанг, – деб қўйди ўзича, – ахир мен ўтган йиллар мобайнида Германияда яшаб, аммо шу Германия ташқарисида яшагандек бўлган камсонли одамлар қаторидаман-ку... Шу боисдан мен уни бошқа кўпчилиқдан кўра яхшироқ тушунаман. Германия қандай бўлгани тўғрисида ҳақиқатни гапириб бериш учун эса буни тушуниш зарур, бу немисларнинг келгуси авлоди учун керак бўлади... Кимдир тўғри айт-

ганди: Леонардо да Винчи ўз асарида келгуси асрға ҳам ёндошган, чунки уни ҳеч нима Микеланжелонинг шакллар идеали билан боғламаган, у нафосатнинг мазмунини ҳайкалларнинг ташидан эмас, балки организмнинг тузилишидан излаган... У маконнинг мөҳиятини тушуниб етиш учун жисм шаклининг қираларидан воз кечган биринчи импрессионист¹ эди... Леонардо жисмни эмас, балки ҳаётни изларди... Тўғри қиласан, Максим, – у ўзини мақтаб қўйди, – айёрлик қилавер, ўзинга қизиқ туюлган нарсалар ҳақида ўйлайвер, ахир ўтган йиллар мобайнида сен сўзлаш ҳуқуқидан маҳрум эдинг, сен шунчаки сукут сақлабгина қолмай, – буниси ҳам майли-я, – балки бу ерда гапиришингга ҳам тўғри келган ва сен ўзинг ишонмаган нарсаларни гапиришга ўзинг нафратланган сўзларни тақрорлашга мажбур бўлгансан, баъзида, жаҳлинг чиқиб бақирмоқни истаб қолгансан-у, аммо ўзингни тутиб олгансан, чунки ҳар қандай кирдикор мақсадга қаратилган бўлиши лозим, акс ҳолда бу инжиқлик бўлади, ишга ҳеч қандай нафи тегмайди, енгилтаклик, кутишни билмаслик... Ҳаҳ, яна айланиб ўша лаънати кутиш сўзига келиб қолдинг-а... Бу сўз ҳозир ичимдан қайнаб чиқаётган бўлса, мен нима ҳам қилолардим? Мен ахир инсонман, «ҳад» тушунчаси барча одамлар сингари менга ҳам хос, нима, менинг шоҳим борми?»

– Вилли! – деб қичқирди у. – Мени ҳожатхонага олиб боринг.

Вилли кириб кишанни ечди-да, уни хонадан олиб чиқди: улар Берлиндаги барча қадимги квартиralарда бўлгани каби узун, чалкаш йўлакдан қизил чарм қопланган эшиклар ёқалаб боришаркан, Штирлиц бир-бирларининг сўзини бўлиб матн терувчиларга

¹ Импрессионист – XIX аср ўрталарида санъат ва адабиётда шаклланган идеалистик оқим вакили

шоша-пиша ёздираётган одамларнинг овозини эши-тиб қолди, ана шу шовқин орасидан у Мюллер рефе-рентурасидан бўлган штурмбанфюрер Гешкенинг та-ниш овозини яққол фарқлай олди:

– Модомики собиқ француз министри Рейно эн-дилиқда Францияда нацизмнинг қурбони сифатида иззат-хурмат билан қуршаб олинган экан, – матнга ўз муносабатини билдирган ҳолда кескин айтиб турарди Гешке, – унга анчайин яқин бўлган котиби Мадлен Кузо абвернинг иккинчи бўлими томонидан ёлланганини ва қамоқча олинган министр оиласи аъзоларидан бир қан-часининг француз партизанлари билан алоқаси ҳақида дурустгина қимматли маълумотлар берибгина қолмай, балки тезкор топшириқларни бажарганини ҳисобга олиш лозим; шундай экан, биз келажакда унга мурожа-ат қилиш имкониятига эгамиз...

– Жим бўлинглар! – деб қичқирди Вилли қадами-ни секинлатган Штирлицни итариб. – Маҳбусни олиб кетяпман! Ишни тўхтатинг!

– Нима, сизнингча, қочиб кетоламанми? – қизиқ-синди Штирлиц. – Французларга сирингизни очиб қўйишишмади қўрқяпсизми?

– Қочиб кетолмайсан... Агар груптенфюрер сени қўйиб юборса...

– Сенинг-ча, бу мумкинми?

– Сени Марказингдан жавоб келиши билан қўйиб юборишади.

– Нега бўлмаса қўлимни кишанлаб қўйгансизлар?

– Ҳали жавоб келгани йўқ-ку... Келса ҳам қочишдан наф кўрмайсан, руслар бизга ҳамтовоқ бўлганларни отиб ташлашади... Худди саёқ ит бўлиб қоласан, янги хўжайиннинг оёғи остидан суркалиб юрасан...

Штирлиц ҳожатхонага кириб эшикка суюниб ол-ди-да, тезда камзули астаридаги Золинген устараси-нинг бир бўлаги яшириб қўйилган жойни йиртди, уни

бош ва кўрсаткич бармоғи билан тутган ҳолда ўзидан ўзи сўради: «Хўш, Максим, вақт бўлдими? Айтишларича, қон беш дақиқадан кейин оқиб тамом бўлади, бошинг фувуллаб, секин роҳатбахш мадорсизлик бошланади, кейин эса на Мюллер, на Ойген, на Вилли ва на адои тамом бўлганига қарамай, сокин хоналарда қабиҳ ишларни бошлаётган, хоин мутахассисларни тайёрлаётган мана бу абллаҳлар бўлади... Нега юрагинг дов бермаяпти? Қонингни чиқариб юбориб ўлиш, албатта қўрқинчли, лекин охиригача чидаш беришдан кўра осон... Сенга тирик қолиш буюрилган, сен бўлсанг ўзингни ўлдирмоқчисан... Ўзингта нисбатан сенинг ҳаққинг борми? Менинг ҳаққим йўқ, бу ишни бажариш менга ниҳоятда даҳшатли, чунки мен умуман яшамадим, мен фақат иш бажардим, вақт ва макон оралиғида юрдим, ўзимга эгалик қилмадим, лекин ўша йиллари одамлар каби яшашни нақадар орзу қилгандим... Сашенька ва Санъка билан бирга бўлишни орзу қилгандим... Лекин Мюллер қиласидан ишга чидаш бериш мумкин эмаслигини биламан, улар мени букиб қўйишади ёки мен ақлдан озиб қоламан; Пушкин шеърида айтилганидек:

*Ақл-хушдан бўлгунча жудо,
Менга афзал тўрваю асо...*

...Шунда нима бўлади? Кўзлари маъносиз жавдирорчи телба бўлиб яшасинми? Врачлар мия сирлари ни текширадиган лабораториядаги дуч келган жойда табиий ҳожатини бажарувчи ҳайвон каби хотира ва орзусиз яшасинми? Хоинлик қилиш янада даҳшатли... Кўпинча у ватанига хиёнат қилибди, дейишади... Нотўғри ўзинг билан ватанин ажратиб бўлмайди, ватанга, хиёнат қилиш – бу, биринчи навбатда ўзингга ўзинг хиёнат демакдир...»

– Ҳей Штирлиц! – чақирди Вилли, – Нега ҳеч нима қилмаяпсан?

– Ўйлаяпман, – деб жавоб берди Штирлиц ва тезда устарани чўнтағига яширди, – Нима, мўралаяпсанми?

– Қулоқ солиб турибман.

– Дарров бажаролмайман-да, – кулимсираб деди Штирлиц – Сизлар менга ўтириш ёки юришга рухсат бермаяпсизлар, одам нуқул ётаверса, буйраги яхши ишламайди.

Вилли эшикни ланг очди.

– Ҳа, майли, туравер, мен сени кузатиб тураман.

– Котиба қизлар чиқиб қолиши мумкин.

– Нима қилишибди? Улар – ўзимизники, ўрганиб қолишган...

– Менга каттасини қилишга тўғри келиб қолса-чи?

Вилли тўсатдан кўзларини қисиб унга тикилди:

– Нега рангинг бўзариб кетди? Оғзингни оч!

– Менда заҳар йўқ, – жавоб берди Штирлиц, – Кеийин калий цианисти одамни ўша заҳотиёқ ўлдиради...

– Оғзингии оч! – такрорлади Вилли ва эпчиллик билан, Штирлиц учун кутилмаганда унинг жафига чунонам туширдики, оғзи беихтиёр очилиб кетди.

– Тилингни чиқар!

Штирлиц итоат билан тилини чиқариб сўради:

– Сап-сарифми? Атрофига тарқабдими?

– Гўдакники каби қизғиши... Нега ҳожатхонага келдинг? Ахир, қистамаяпти-ку... Қани кетдик.

– Майли. Бари бир яна бир соатдан кейин тағин илтимос қиласман.

– Олиб чиқмайман. Сен суткасига уч марта чиқишинг мумкин. Чида.

Вилли уни қайтариб хонага бошлаб келаётганида, Штирлиц бир неча сўзни илғаб олишга улгурди; маршал Говоровнинг фамилияси миясига мих қоққандек кирди, у ҳарбий бошлиқнинг отаси ҳақида нималар

дэйилганини илгаб олишга улгуролмади, чунки Вилли яна бақириб қолди:

– Жим бўлинглар! Ёлгиз эмасман!

Хонада у Штирлицнинг қўлига кишан уриб, оёғини каравотга боғлаб қўйди-да, ўюлиб ётган шишалар орасидан француз конъягини олди.

«Семиз стаканни олса керак, – деб ўйлади Штирлиц. – Қонъяк ичиладиган кичкина, чиройли, нафис қадаҳ унинг мижозига тўғри келмайди: қани, Вилли стаканни ол, маза қилиб ичавер, ҳайвон...»

Бироқ Вилли айнан конъяк қадаҳини олди, одатдагидек озгина қуийиб, билур қадаҳни кафтининг орасида илитди-да, ҳидлаб қўриб, хаёл билан жилмайиб қўйди:

– Ямайканинг ҳиди келяпти.

«Э-ҳа, у ахир консулхонада ишлаганди, – эслаб қолди Штирлиц. – Бари бир тушуниб бўлмаяпти: бу ерда у қабулда эмас, балки ўз ҳолича қолганида билур стаканда конъяк ичиши лозим эди...»

...Яқин жойда бир неча снаряд портлади; Шарқ томондан мунтазам эшитилиб тургани учун одатий бўлиб туюлган отишмалар яқинлашиб қолди; ҳатто Штирлиц пулемётнинг тариллашини эшитгандек бўлиб туюлди: йўқ, эътиroz билдириди ўзига ўзи: сен орзунгнинг ҳақиқат бўлишини истайсан, сен отишмани эшитган бўлишинг мумкин эмас, агар эшитган бўлсанг демак, бизникилар яқинлашиб қолибди, лекин яқин бўлса ҳам, бари бир орада ўн, балки, йигирма километр масофа бор.

– Менга қара, Штирлиц, – деди Вилли, – ҳолинг нима кечишини биласанми?

– Биламан.

– Бу ердан чиқиб кетишингга ёрдам берсам, қанча ҳақ тўлайсан?

– Ёрдам беролмайсан.

– Берсам-чи? Нега ёрдам қилолмас эканман? Қанча берасан?

– Ўзинг айта қол.

– Юз минг доллар.

– Ручкани бер.

– Нега?

– Чек ёзиб бераман.

– Йўқ, – деди Вилли бош чайқаб, – Мен нақдини оламан.

– Нақдини ўзим билан олиб юрмайман-ку.

– Пулларинг қаерда?

– Банкда.

– Қайси банкда?

– Турли банкларда. Швейцарияда ҳам бор. Парагвайдада ҳам...

– Москвада-чи? Ёки қизилларда банклар бўлмайди?

– Нега энди... Албатта бор... Гапларингни Ойген эшишиб қолишидан қўрқмайсанми?

– Ухлаб ётиби.

– Мюллер қачон келади?

Вилли елка қисиб, нафис қадаҳни жойига қўйди-да, семиз стаканни олиб тўлдириб конъяк қўйди ва секин симириб ичди: ингичка кекирдакли томоги очофтлик билан ҳаракатга келди...

– Ўйлаб кўр, Штирлиц, – деди Вилли эшикни очиб,

– Юз мингни нақд берсанг – кетишингга ёрдам қилиман. Фақат «майли» деб рози бўлишингга жудаям вақтинг оз қолди.

У ташқарига чиқиб эшикни қулфлади.

«Ахир, у ростини айтяпти, – деб ўйлади Штирлиц Виллининг стакандан конъяк ичиши лозимлигини тополмаганини эслаб, – У юз мингга эга бўлиш ва жуфтакни ростлаш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилишга чинданам тайёр. Қаламушлар чўкаётган кемадан қочишади. Унга шу пулларни ваъда

қылсаммикан? Пулларим Бабельсбергда, ертўладаги хилватгоҳда десинми? Нега айтмас экан? Ё Мюллер сенга ўзининг бирор таклифини айтади, деб умид қиляпсанми? Сен балки иқрор бўлишдан чўчисанг ҳам, бунга ич-ичингдан умид қилаётган бўлсанг керак; ҳа, афтидан, иқрор бўлишдан чўчияпман, чунки бу одамни охиригача тушунолмаяпман, у Бадендаги пилдироқ ўйиннинг катта давраси бўйлаб ёнламасига гизиллаб юрадиган соқقا каби тасодифга тўла, бу соққанинг қайси раҳамда тўхташини ҳеч ким ҳисоблай олмайди...»

– Ҳой, Вилли! – чақирди Штирлиц. – Вилли!

– У худди эшик ёнида кутиб тургандек тезда хонага кирди.

– Хўп, майли, – деди Штирлиц, – Фараз қилайлик, мен рози...

– Фараз қилиб ўтиришга вақт йўқ, Штирлиц. Агар рози бўлсанг – демак, розисан, манзилини айт, борамиз.

– Бабельсберг. Менинг уйим.

– Пуллар қаерда?

– Гараж ёнидаги ертўлада, хилватгоҳда.

– Чизиб бер.

– Вилли, сен ахир ақлли одамсан... Мен чизиб кўрсатаман-у, сен пулларни олиб кетасан, мен эсам бу ерда қолиб кетавераман, шундайми?

– Тўгри. Сен шу ерда қоласан... Биз эса жўнаб кетамиз. Аввал қўлингдаги кишанни ечамиз-да, кейин тўрт томонинг қибла.

– Бошқа хоналарда ишлаётган одамлар-чи?

– Бу менинг ишим эмас. Бу – сенинг ишинг.

– Майли. Қофоз билан қалам келтир.

Вилли чўнтағидан «Монблан» ручкаси билан кичкина ён дафтарчани олди. Кейин Штирлицнинг қўлиндаги кишанни ечиб деди:

– Агар айтилган жойда ҳеч нима топилмаса, кейинчалик бизни гүё ёмон излаганимизда айбламас-лигинг учун жануб билан шимол томонни белгилаб қўй.

Штириц ертўланинг режасини чизиб, хилватгоҳ қилиниши лозим бўлган жойни белгилаб қўйди-да, деворни тиқ-тиқ уриб кўриш ва бўшлиқ сезилган жойни болғача билан секин уриш (айни шу ердан иситиш қувурлари ўтар эди, уларни нимагадир терилган гишталар тагидан олиб ўтишганди) лозимлигини тушунириб берди: сувоги осонлик билан кўчиб тушади, темир қутида пул бор, икки юз ўн уч минг.

Вилли режани диққат билан кўриб чиқиб сўради:

– Чироқ қаердан ёқилади?

– Чапда, эшик ёнида.

– Тушунарли,— хўрсиниб қўйди Вилли. – Раҳмат, Штириц... Лекин фожия шундан иборатки, Бабельсбергга руслар ёриб киришди...

– Қачон?

– Кеча.

– Нега бўлмаса бошимни қотиряпсан?

Вилли маза қилиб кулимсираб қўйди:

– Одамнинг тиришиб азобланишини кўриш роҳатда... бунинг устига, биз сенинг битлиқи ертўланг деворини тиқ-тиқ уриб, мина изловчи аппарат билан кезиб чиқдик, темир қути бўлганда, аппарат гувулларди...

Штириц ўттиз иккинчи йил май ойидаги кунни, кичкина, тор Шарлоттенберг кўчасини, САнинг жигарранг формасидаги эркаклар оломонини ва ўз «Оппели»ни иккита машина орасида тўхтатганини, бурилиб кетишга бўлган уринишни, ўша иккита автомобилни пачоқ қилиб қўйишдан чўчиб, торгина жойда у қанчалик азобланишини диққат билан қузатиб турган фашистларнинг мамнун башараларини, ҳайдов-

чилар эса ёнгинасида туриб унга ёрдамлашиш учун ҳатто қимир этмаганини яна эслади... «Одамнинг тиришиб азобланишини кўриш роҳат-да».

«Бу унга қўндоқда теккан бўлса-чи? – деб ўйлади Штирилиц. – Агар аblaҳ бўлиб туғилган бўлса-чи? Ахир одамларнинг ҳаммасиям хушфөъл ёки олижаноб бўлиб туғилавермайди-ку... Эҳтимол, маънили давлатлар одамлардаги бемаъни иллатларни оқи-лона бартараф этиш, гўзаллик, раҳм-шафқат, жасорат, сахийликнинг намоён бўлишига ёрдам бериши лозимдир... Гитлер немисларга улар энг буюк тарихи – энг ажойиб, мусиқаси – энг нафосатли, гояси – жаҳонда энг зарур гоя эканини миясига, қўйиб турганидан кейин бунга эришиб бўлармиди? У одамларни дунёдаги ҳамма нарсани менсимаслик руҳида тарбиялади, аммо агар фақат ўз халқингни, яъни ўзингни севсанг, бошқа барча одамлар, ҳатто қондошларинг сенга бегона... Ўзини дунёнинг устуни деб билган давлат ҳар доим империяни муқаррар ҳалокатга олиб келади, чунки у одамларни ўзига тегишли бўлмаган барча эзгуликка нисбатан ҳайвоний ҳирс руҳида тарбиялади, ҳирсдан кўра даҳшатлироқ нарса йўқ, бу маънавий қашшоқланишдир, у инсон ва давлатни ичидан кемиради, у куя эмас, куя дори билан ундан қутулолмайсан... Бечора, бечорагина Дагмар, – аёлни эслаб қолди у. – Достонлар ҳақида шунақаям яхши гапирганди... Ишқилиб, бирор кори ҳолга учрамасин-да... Шундагина у тушуниши лозим бўлган асосий нарсанинг фаҳмига етади: достонлар ҳақида ҳозирча «эшитганини» гапиряпти, қобилиятли болалар шунаقا қилишади, улар катталарга тақлидчан бўлишади. Дагмар агар у буйруқ берса ўзини деразадан ташлашга тайёр бўлган ўзининг мураббийси ҳақида завқ билан гапириб берганди... Достонлар – бу, фан, тарихнинг бир соҳасидир, тарихда эса тахмин, хабар-

дорликнинг етишмаслиги, атайн сохталаштириш жиноят. Бу шунга олиб келадики, розенберглар билан геббелъслар донолар устидан зўравонларча ҳокимлик қилишади ва халқни васваснинг иродасига итоатгўй, сўқир оломонга айлантиришади... Дагмар Муромец ҳақида, герман швед халқ ижодиётининг бизники билан умумийлиги тўғрисида гапириб, достон сюжетлари қадимги Русда айни варяглардан бошлаганини уқтирганди: эҳтимол, бу юнонлардан бошланган бўлиши керак, фақат Владимир Мономах, унинг «Насиҳат»и ёдга олинса бас... Эҳ, бу қанчалик олижаноб адабиёт, уни тўла билмаслигимиз қанчалик ёмон...»

У бутун ҳолича сақланмаган, ҳатто бори ҳам кишини ҳайратга соловчи шу китобдан ўзига парча ўқиб берган дадасининг овозини яна эшилди: «Менга қулоқ солинг, ҳаммасини қабул қилмасангиз, унда ярмисини...» Дадаси ўшанда: «Ҳаммаси бўлиб атиги саккизта сўздаги унга хос характернинг олижаноблигини сезяпсанми? Қудратли князь буйруқ бермаяпти; ҳар қандай истеъодли одам каби у ҳазил-кулгига иштиёқманд эди, ҳар нарсага шубҳа билан қарамасди, шу боисдан – хуштабиат одам эди, у бир бутунликка даъво қилмайди, «фақат ўз фикрларимнинг бир қисмини олишса бас...» деганди... Дадам ўшанда унга Византияда бутпарастлар галабасидан кейин, дунёвий ҳаётда сермашаққат роҳибликка риоя этишни талаб қилувчилар устунликка эришгач, Эгей денгизининг иссиқ ҳарорати, ернинг ҳосилдорлиги, қуёшнинг саҳийлиги одамларга бекорчиликда кун кечириш имкониятини берди, шу боисдан руҳонийлар римликларнинг ҳужуми яна такрорланмаслиги учун одамларни маҳкам қўлда тутиб туриш, қаттиқ тартиб-интизомга бўйсундириши лозим эди, – Мономах она томондан юон бўлса ҳам Константинополга қарши чиқолганини тушунириб берди... Ибодатга Мономах Византия ақидапарастларидан фарқли ўлароқ мулоҳазасиз, қо-

тиб қолган, исботсиз қоида деб қарамади, унинг айтишича, бу ақидалар иродани мунтазам интизомга ўргатиш воситасидир холос. У фуқароларнинг черковга банди сифатида эмас, балки оқилона интизом билан боришини истарди. Мономах асрлар оша буни қўролди ва шу сабабли: «Кимда-ким: «Худони севаман-у, ўз акамни эса севмайман», деса – бу ёлғон... Айниқса, қалбингизда ва онгингизда мағрурланиш бўлмасин... Урушга борганда ялқовлик қилманг... на ичиш, на емишга берилманг... ва қуролни қўлингиздан қўйманг... Ёлғон билан мастиликдан сақланинг, бундан қалбингиз ҳам, танангиз ҳам ҳалокатга учрайди...» деб насиҳат қилган... Муромец шу ердан, жанубий денгиз ва юонон ворислигидан, эзгулик ва куч-қувватни ҳис этишдан этишиб чиққан, олижаноб киши эса ўз кучига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади, заифроқ одамларни ранжитиб қўйишдан ҳайиқади, шу боисдан аввалига ўзининг гуноҳкор ўғлини кечирди, сўзига ишонмай бўладими? Бу ҳақда Дагмарга қандай айтган бўлардим? Бу ерда ишлаган йилларим мобайнинда ўзимни бошқалар билан суҳбатлашаётганда менга маълум ва қизиги йўқ гапларни берилиб тинглашга ҳамда чинданам муҳим гапларни ўзимни гўё эшитмагандек қилиб кўрсатишга ўрганганман; мен ишлашим учун артист бўлишим, луқма айтишим лозим бўлган пайтни кутиб яашшим лозим, бироқ, артист олдиндан ўз ролини билади, сўзларни ёдлаб, режиссер унга яратиб берган саҳнадаги ўрнини эслаб қолишга улгуради, менга эса гўё томошабинлар танаффус қилишни кечирмайдиган, ҳуштак чалиб, бақириб-чақириб саҳнадан қувиб чиқарадиган ўйноқи варъетеда тайёргарлик кўрмай ўйнагандек яашашга тўғри келди... Мени дуч келган ҳозирги ҳолатимда – ертўлада отиб ташлашади... Кейинроқ, ҳамма воқеалар тугагач, Дагмарга Мономах ҳақида гапириб бераман, тарихни эшитгандек олиб бўлмайди, унинг

орасига худди гўдакни чўқинтириш пайтида жомдаги сувга ботириб олгандек шўнгифб кетиши керак, уни худди саҳрода сув ичгандек симириб юбориш, уни худди математик формуулани ҳис этгандек сезиш лозим, ҳеч қандай кеккайишга ўрин йўқ, қайғу ва ҳақиқат баббаробар, буюклик ва шармандалик ёнма-ён қўйилиши лозим, фақат далиллар аниқланиши, кейин эса талқин этилиши керак... Мен Дагмарга айтаманки... Тўхта, унга нимани айтасан? Сен унга ҳеч нимани айттолмайсан, чунки чўнтагингда ўткир металлнинг бир парчаси бор, девор ортида эса бошқаларнинг тиришиб азобланишини томоша қилишдан лаззат топадиган одамлар ўтиришибди, ахир сен бошқанинг азобини кузатаётганингда шунақанги кучли одамга айланасан, сен ҳамма азоблар жоиз бўлган даҳшат ичра чулғаб олингансан, сен...»

– Хайль Гитлер, группенфю rer! – Штирлиц Ойгеннинг йўғон овозини эшишиб Мюллор келганини билди.

ШИША ИДИШДАГИ ЎРГИМЧАКЛАР

Қароргоҳ ҳузуридаги армия разведкасининг тубманфаатларини кўзлаб иш юритувчи генерал Бургдорф Борманнинг фюrer ҳузуридан чиқсан пайтини пойлади-да, адъютант Йоханнмайерга мурожаат қилиб, шошилинч ва ўта муҳим суҳбат учун ўзига бешдақиқа вақт ажратишини Гитлердан илтимос қилишини сўради.

Герингдан келган телеграмма дастлаб Гитлернинг қўлига тегмаганини Бургдорф биларди; телеграфчи-лар унинг келишини гўё билгандек, рейхслейтернинг ёрдамчиси Цандер олдиндан огоҳлантириб қўйгандек телеграммани айни унинг ўзига олиб келиб топширишди; у ўша ондаёқ Борманнинг ҳузурида бўлди; армия разведкаси генерал Геленнинг «Одердаги жанг голибона тугагандан кейинги» ишларга «ўз мутаха-

сисларини тайёрлаш» учун жанубга, тоқقا «жўнаб кетиш»дан аввал берган тегишли кўрсатмасига биноан, бу ерда, бункерда ҳам ўзининг режали ва пухта ишини давом эттирмоқда эди.

Бургдорф бу ва ўзининг хонасига келиб турган бошқа маълумотларни таққослаб, Гитлернинг Алъп искеҳкомларига жўнаб кетишига айни Борман тўсқинлик қиляпти, деган хulosага келди; айни Борман урушнинг оқибатини фақат Берлинда ҳал қилиш мумкин деган маънода Геббелъсга, бу сўқир мутаассиб, хаста ва шикастага ўз таъсирини ўтказмоқда, Геббелъс эса пешволар орасида фаросатсиз, миллий социализм гоясига чинданам ишонган ва ишонувчи ягона одам эди, Борман шундан фойдаланади, ўз манфаати йўлида моҳирлик билан унинг қитиқ патига тегиб туради. Ўзи панада, ҳаммавақт панада қолади, Геббелъс эса лофт уради, бўлажак ғалаба манзарасини чизиб беради, мўъжизани башорат қиласи: фюрер сеҳрлангандек эшишиб ўтиради, чеҳрасида мамнунлик ифодаси пайдо бўлади, у кўзларини юмиб олади ва юзи аввалгидек ифодали тус олади.

Бургдорф Борманнинг фикрини уқиб олишга ҳарчанд уринса ҳам, ҳеч уддасидан чиқолмасди. Унинг сирли ҳаётсеварлигини, жисмоний бақувватлигини, дехқонча абжирлигини, барча ҳарисликлар пухта ниқобланган ахлоқ нормаларидан батамом эркинлигини Бургдорф биларди. Бу хислатларнинг ҳаммаси жамланиб, тажрибали разведкачи, асл оқсуяк, пиҳини ёрган Бургдорфга Борман ҳам худди Гитлер каби ўзини ўзи ўлдириши мумкин, деган хulosага келишга имкон бермасди. Бу ўринда у ўзидан, жанговар генералдан кўра Борманда изсиз йўқолишнинг катта имконияти борлигини ҳам тушунарди. У Борманнинг Берлинда кам деганда уч юзта, бутун Германия бўйлаб етти юз қирқдан ортиқ ҳуфя квартираси борлигини биларди, қароргоҳдаги радиостлардан бири орқали унга маълум

бўлишича, Австрия, Италия, Испания орқали ўтиб, Жанубий Америкада тугайдиган аллақандай телефон тармоғи бор; НСДАП маҳфий бўлимининг одамлари ва ССнинг Мюллер билан боғланган юқори лавозимли ишбошилари бу тармоқда етакчи ҳисобланишарди; бу тармоқ, агар Борманнинг ўзи учун бўлмаса, унда ким учун барпо этилган? Оддий мантиқ кейинги саволни ҳам юзага келтиради: бу тармоқни қачон ишга тушириш мумкин? Фақат Гитлер фойиб бўлганидан кейин. Тўғрироги, бу ҳаерда юз бериши мумкин? Шу ерда, Берлинда, чунки агар Гитлерни бу ердан Жанубий Германия билан Юқори Австрияни қуршаб олган барча туманлар устида қад ростлаган, штурм билан мутлақо қўлга киритиб бўлмайдиган, бутун дунё билан радиоалоқа ўрнатилган Альп истеҳкомига олиб кетилса, унда уруш яна бир ой, икки ой чўзишлиси мумкин, иттифоқчилар орасидаги ўз моҳияти билан турлича бўлган муносабатлар эса шу даражага етганки, ҳар қандай воқеа юз бериб қолиши мумкин. Ҳа, унда таслим бўлинади, деб ўйлади Бургдорф, лекин сўзсиз таслим эмас, балки армияга ҳокимлик қилиш вазифасини ҳозирнинг ўзида инглиз-америкаликларни тезда Берлинга киритишга тайёр турган кучларга топшириш билан таслим бўлинади. Бу ерда, Альп истеҳкомларида вермахтнинг сараланган қисмлари тўпланган, соқчилар батальонини ҳисобга олмаганда, СС қўшинларидан ном-нишон ҳам йўқ; армия-Гитлердан унга садоқатли «Адольф Гитлер» ва «Ўлик бошлар» дивизияларини фронтнинг олдинги маррасига ташлашни бекорга илтимос қилмаганди; бу иш Борманнинг ҳаракати орқали изчилик ва сабр-тоқат билан бекорга амалга оширилмаганди; Гитлер Альп истеҳкомларида армиянинг иродасини бажаради ёки армия ўз билганини қиласди; қирқ тўрттинчи йилнинг йигирманчи июлида полковник Штауфенбергнинг

бомбаси қилолмаган ишни бошқалар амалга оширишади, улар сон-саноқсиз; фақат Гитлерни ҳийла билан бу ердан олиб чиқиб кетилса бўлгани, фақат Борманнинг бўғиқ ҳомийлигидан чиқиб олинса бўлгани...

Гитлер ўша ондаёқ Бургдорфни қабул қилиб, унинг саломатлигини суриштириди: «Юзингиз шишинқирабди, балки врачларимдан соғлиғингизни текшириб кўришни илтимос қиласаммикан?» – деб сўради, фронт янгиликлари билан қизиқди, уруш янги куч билан давом этётгани, айрим одамлар ўйлагандек, кўп нарса йўқотилмагани ҳақидағи жавобни мамнуният билан тинглади, кейин эса, агар ҳозир Борманни чалгитиб, Гитлерни ҳақ гапга кўндиrolса – Гитлер биринчи жаҳон урушида капрал сифатида бутун вужуди билан бўйсунгани мантиқ ва армия қонунига амал қилгани ҳолда буни амалга ошириш мумкин эди – унга, Бургдорфга яшаш учун кафолат берадиган асосий масалага кўчди:

– Менинг фюрерим, – деди ўзи ахборот берадётган масалада манфаатдорлигини яшириб, – рейхсфюрерни лавозимидан четлатишга сизни нима мажбур қилганининг ҳақиқий сабаби ҳозиргина менга маълум бўлиб қолди. Масаланинг сиёсий моҳиятини гапириб ўтиrmайман, аммо люфтваффенинг бош қўмондонсиз қолиши мени ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Ҳал қилувчи жанг олиб борилаётган шу кунларда бу умумий ишимизга талафот етказади, негаки, бошқарувчи ягона қўл етишмагач, ҳавода ўз фюрерлари бўлмагач, учувчилар яхши жанг қилишолмайди. – Агар бир дақиқа бўлса ҳам гапдан тўхтаса, ахборот бериш услубини ўзгартирса, фюрерни шоширса ёки аксинча сусткашлик қилса, Гитлер дарров унинг сўзини бўлиб, ярим соат оғиз кўпиртиришини, эндиликда фюрерни ярим соат ҳам ёлғиз қолдирмаётган Борман келиб қолишини, шунда ўйлаган режаси амалга ошмаслигини Бургдорф биларди. – Шу сабабли сиздан Мюн-

хенда олтинчи ҳаво флотининг ҳозирги қўмондони генерал-полковник Риттер фон Греймни люфтваффе бош қўмондони қилиб тасдиқлаш ҳақидаги фармонга имзо чекишингизни илтимос қиласман.

– Борман қаерда? – сўради Гитлер ночорлик билан.
– Борманнинг келишини кутақолайлик...

– Рейхслейтер дам олгани ётувди, фюрер, – дангалига ёлғон гапирди Бургдорф. – Илтимос, рейхслейтер билан маслаҳатлашиб, буйруқса имзо чеккунингизга қадар фон Греймни тезда Берлинга учеб келиши учун Мюнхенга радиограмма жўнатишга рухсат беринг... У шунақсанги моҳир учувчики, самолётини кўчада ҳам қўйндиrolади, аэродромлардаги бир қанча учиш майдонларини ҳам қўлда тутиб турибмиз... Мен ундан Ганна Райчни ҳам ўзи билан бирга олиб келишини илтимос қиласман, – самолётни олий дараҷада учирининг ҳақиқий устаси бўлган бу машҳур учувчи аёлнинг Гитлерга ёқишини билиб яна сиқувга олди Бургдорф; у: «Бундай аёлни вояга етказган миллат енгилмайди», сўзини такрорлаб, Ганнага бўлган ўзининг илтифотини таъкидлади.

– Ҳа, майли, – рози бўлди Гитлер ҳоргинлик билан.
– Ахборот бериш учун ҳузуримга келақолсин... Фон Греймни бош қўмондонликка тайинлангани ҳақидаги масалани Борман ва Гиммлер билан ҳал қилганимдан кейин унга шу ерда ўзим айтаман...

Бургдорф радиооператорлар хонасига чиқиб, Грейм билан Ганна Рейчга тезда Берлинга учеб келиш ҳақида буйруқ берди.

Йигирма дақиқадан кейин бу ҳақда Борман хабардор бўлди.

Қирқ етти дақиқадан кейин Мюнхенга унинг радиограммаси жўнатилди; радиограммага мувофиқ фон Грейм учеб келишдан аввал фақат люфтваффедаги ишларнинг аҳволи ҳақидагина эмас, балки рейх ҳаво

флотидаги ишларни қайта ташкил этиш юзасидан ўз мuloҳазаларини тайёрлаб келиши лозим эди; ах-боротни тайёрлашга камида икки-уч кун сарф бўлишини билган Борман аниқ нишонга урганди; шунда Грейм самолётини Берлинга асло қўндиrolмайди; кўча жанглари халақит беради.

Шундан кейин у Бургдорф ҳузурига кириб деди:

– Генерал, фюрерга айтган ажойиб таклифингиз учун сизга ташаккур билдираман; фон Греймдан кўра яхшироқ номзодни мен айтолмаган бўлардим, Мен фон Греймдан батафсил ҳисобот тайёрлашни илтимос қилдим – янги бош қўмондон ҳамма нарсадан хабардор бўлиши керак. Менимча, биз моҳир учувчини яқин кунлар мобайнида фюрернинг хонасида табриклаймиз...

– Лекин унда самолётини ерга қўндиrolмайди-ку, – тоқатсизлик билан деди Бургдорф. – Бу томошанинг нима ҳожати бор эди?

Борман вазминлик билан жилмайиб қўйди:

– Жудаям толиқибсиз генерал. Айнциандан бир қадаҳини ичингда – агар истасангиз ўзимникидан қуийиб бераман, менга Брехтесгадендан бир яшигини юборишибди, – яхшилаб ухлаб олинг, фюрернинг ҳузурида йигин бошлангунга қадар ҳали дам олишиниз мумкин...

Бургдорф Мюнхендан фон Греймнинг ҳисоботи қачон ёзиб бўлинишини сўратди; худди олдиндан тайёрлаб қўйгандек, дарров жавоб олинди:

– Хизматдагиларнинг ҳаммаси ишляяпти; чамаси икки сутка мобайнида барча маълумотлар фюрер учун тайёрланадиган маҳсус машинкада кўчириб бўлинади; яна шуниси ҳам борки, яқинда Грейм яраланиб ўзини беҳол сезяпти; врачлар генерал-полковникни оёққа турғазиш ёки ҳеч бўлмаса, самолётда олиб бориш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилишяпти.

Бургдорф соатига қараб қўйди: Гитлернинг ҳузурида конференция бошланишига беш дақиқа вақт қолибди; у аъзои баданида ақл бовар қилмайдиган чарchoқни сезиб қатор хоналар ёнидан ўтиб борди; ҳамма жойда фюрернинг шахсий соқчилари – СС, офицерлари учун қўйилган столлар атрофида ўтиришарди; ҳар бирининг олдида бренди ва шампан шишалари турарди.

Бургдорф қадимги италян рассомларининг асарлари билан безатилган қабулхонага тушди; бир куни Борман, булар «ХХ аср мўъжизаси»– Линцда Адольф Гитлер музеини безатиш учун жаҳондаги суратлар галереясидан келтирилган экспонатларнинг юз мингдан атиги бир қисми, деганди.

Адъютант Гюнше Бургдорфни кутиб оларкан, фюрер кечикаётгани учун узр сўраганини, у нонушта қилаётганини айтиб, беш дақиқа кутишни илтимос қилди.

Кребс кириб келди-да, Бургдорф билан индамай қўл бериб кўришди.

– Тепамизда ҳали рус танклари йўқми? – ҳазиллашиб сўради Бургдорф.

– Ҳозирча бунақангидан маълумот олингани йўқ, – жавоб берди ҳазилкашлик ҳиссидан маҳрум бўлган Кребс.

...Борман билан Геббелльс ҳамроҳлигига Гитлер кириб келди; у зўрга қадам босар, бутун чап томони титрарди; у тўпланганларни конференция залига таклиф этди. Бургдорф Геббелльсга эътибор қилди – оқсоқнинг кўзларида ваҳима ифодаси ўйнарди; ажин босган башараси гўё ниқобга ўхшаш тери билан қоплангандек.

Гитлернинг, тўпланганлар кўнглини қандай яхши хабарлар билан хушнуд қиласиз, деган саволига штаб бошлигининг адъютанти Болдт жавоб бериб:

– Рокоссовскийнинг танклари Штеттиннинг шарқ билан эллик километр илгари сурилиб, аста-секин

Берлин йўналишига ўтган ҳолда бутун шимолий фронт бўйлаб ҳужумни авж олдирмоқда... – деди.

Гитлер Кребс томон ўгирилиб, секин, чертиб-чертуб гапирди:

– Модомики Одер ўтиш ниҳоятда мураккаб, ажо-йиб табиий тўсиқ экан, рус армиясининг учинчи танк қўшинлари гуруҳига қарши жангдаги муваффақияти немис ҳарбий бошлиқларининг батамом тажрибасиз-лигидан далолат беради!

– Менинг фюрерим, Рокоссовскийнинг танкларига милтиқ билан қуролланган кекса фольксштурмчилар қаршилик кўрсатмоқда... – деб жавоб берди Кребс.

– Бекор гап! – сўзини бўлди Гитлер. – Буларнинг ҳаммаси сафсата ва беҳуда гаплар! Эртага кечқурунгача Берлин билан Шимол ўртасидаги алоқа қайта тикланиши, рус ҳалқаси ёриб ўтилиши, фронт барқарор қилиниши лозим!

Бир неча дақиқага радиорубкага чиқсан Бургдорф генерал Штайнернинг барча ҳужуми барбод бўлгани ҳақидаги хабар билан қайтди.

– ССнинг бу эси паст ва бефаросат бошлиқлари энди мени қаноатлантиrmайди! – Гитлернинг бутун аъзои баданини қалтироқ босди, у зўрга оёқча турарди. – Мен уни вазифасидан четлаштираман!

Гитлер ортига ўгирилиб, конференция залидан оҳиста юриб, эшик томон йўналди.

– Рус артиллерияси эса, рейхслейтер, сиз ўйлагандек, Тампельхоф аэроромини бомбардимон қилишни бошлаб юборди, – деди Гитлернинг ортидан қараб қолган Бургдорф шивирлаб. – Энди у ерга ҳатто жажжи самолёт ҳам қўнолмайди.

Буни эшишиб Гитлер эшик ёнида тўхтаб қолди, сўнг оҳиста ўгирилиб, чертиб-чертуб деди:

– Ганна Рейч самолётини ҳатто тор кўчада ҳам қўндиrolади!

МАНА, ГЕСТАПОНИНГ ИШЛАШИНИ ҚҮРИБ ҚҮЙИНГ – V

– Нега улар гинг дейишмаяпти? – сўради Мюллер ўйчанлик билан. – Нега энди Марказингиз Мюллера дахлсиз қолишини ваъда қилаверингда, кейин бошига қоп кийгазиб, Лубянка ертўласига олиб кела-веринг, деган мазмунда жавоб берақолмади-я? Ёки: «Гестапо билан ҳеч қандай иш юритманг», деб рад этиши ҳам мумкин эди... Аммо улар лом-мим дейишмаяпти... Сизнинг-ча, нега бундай қилишяпти, Штирлиц?

– Мен кутяпман. Кутаётганингда ўйлаш қийин бўлади.

– Айтгандек, ҳақиқий фамилиянгиз нима?

– Штирлиц.

– Сиз Россияда туғилиб вояга етган немислар тоифасиданмисиз?

– Аксинча... Мен Германияда вояга етган русларданман...

– Нега бўлмаса Штирлиц?

– Сизга Фонвизин фамилияси танишми?

Мюллер хўмрайиб қўйди, пешонасини ажинлар қоплади; у Штирлицнинг ҳар бир сўзига шубҳа қиласар, дарров унинг бошқача, ички маъносини изларди.

– Вильгельм Фонвизин Нейштадтда обер-бурго министр бўлганди, агар хотирамдан кўтарилимаган бўлса...

Штирлиц хўрсиниб майин жилмайди:

– Фонвизин буюк рус ёзувчиси бўлганди... Наҳотки фамилия инсоннинг моҳиятини белгиласа? Рус Саврасов ва яҳудий Левитан Россияда табиат манзараларини тасвирловчи энг моҳир рассом бўлишган... Энциклопедиянинг аллақаерида: «Буюк рус рассоми Левитан камбағал яҳудий оиласида туғилган», деб аниқ ёзиб қўйилган...

– Радиодан Сталиннинг армияга буйругини ўқийдиган анави диктор унинг қариндошими?

- Билмадим...
- Агар бизнинг девонамиз энциклопедияга: «Буюк немис олими Эйнштейн камбағал яхудий оиласида туғилган», деб ёзишга буйруқ берганида, ҳозир биз «қасос олиш» қуролига эга бўлардик...
- Битта девонани кўндириган бўлардингиз... Лекин бу ерда бундайлар ниҳоятда кўп. Яна бунинг устига, улар ўзларига душман яратмасдан яшолмасдилар... Рус ёки яхудий бўлмаса, зулус¹ ёки таиландлик душман бўлган бўларди... Зулуслар туфайли мой етишмайди, оммавий ишсизликка эса таиландликлар деб халқнинг миясига қўйган бўлишарди... Шифокор Гебельс бунақанги кашфиётларга уста...
- Бунаقا тарғибот билан мени ишонтирмоқчими-сиз Штириц?
- Йўқ, сизни қайта ёлламоқчиман.
- Келишмаган гап. Мантиқнинг бир бўгини тушиб қолдирилган. Ахир, сиз шифровкани Марказингизга йўллаб, мени қайта ёллаган эдингиз-ку! Бироқ улар, афтидан, мен каби агентга эҳтиёж сезишмаганга ўхшайди. Альфред Розенберг Россиянинг асосий қалтис жойи шундаки, унда америкача прагматизм етишмайди, деб бежиз айтмаган. Марксистлар... Сизлар маънавий ифодалар билан яшайсиз... Сизлар Ватикан билан дўст тутишиларинг керак, чунки улар ҳам серсоқол устозингиз таъкидлаганидек эмас, балки аксинча рух турмушни белгилайди, деб ҳисоблашади... «Буюк немис социологи, иқтисодчиси ва инқилобий фалсафа бунёдкори Маркс бадавлат яхудий оиласида туғилди...» Руслар сизнинг ҳисобингизга ўтказган пулларни нима қиласиз? Васиятнома ёзиб қолдиришни истайсизми? Чин сўзим, белгиланган жойга юборраман... Айтгандек, ўша Цаченкангиз қаерда?

¹ Зулус – Африканинг шарқий-жанубида яшайдиган кафрлар қабиласига мансуб ерли халқ.

– Сашенька, – унинг хатосини тўғрилаб деди Штирлиц. – Бу менинг синглим...

– Нега алдаяпсиз? Ё ўзингиз айтган гапларни унунтдингизми? Сиз Дагмарга уни ўзингиз умр бўйи меҳр қўйган аёл эканини айтган эдингиз...

– Дарвоҷе, Дагмарнинг аҳволи қалай?

– Яхши. У қўл остимда ҳалол ишлайяпти. Ниҳоятда истеъдодли агент...

– Швециядаги маҳфий учрашув жойимни сизга ўша айтганмиди?

– Албатта-да.

Мюллер уқувсизларча чекиб соатига қараб қўйди:

– Штирлиц, мен сизга ўйлаб олиш имкониятини бердим. Орадан йигирма тўққиз соат вақт ўтди. Бункерда бўлган пайтимда бу ерга уч марта қўнгироқ қилдим. Энди бас. Тоқатим тоқ бўлди...

– Бисмарк, руслар отни шошилмай аравага қўшишади-ю, лекин шамолдай елиб кетишади, деганди, Яна бир оз кутайлик.

– Ундей бўлса – ёзинг. Имконият борича кутишга тайёрман! Лекин сиз ёзиб беринг! Энг бошидан бошлиб ҳаммасини ёзинг! Барча маҳфий учрашув жойларини, яширин, шартли ибораларни, банклардаги ҳисоб рақамини, алоҳа схемасини, раҳбарларингиз номларини ёзиб беринг... Сизнинг мисолингизда ўзимга бўлажак ходим мутахасисларни тайёрлаш керак! Мени тўғри тушунинг! Сиз – камдан-кам учрайдиган одамсиз, сиз ҳамма учун намуна сифатида...

– Ёзмайман. Бу ишни қилолмайман, жаноб Мюллер.

– Нима ҳам дердим... Сиз учун қўлимдан келган барча ишни қилдим... Сизга ёрдам беришга тўғри келади...

У ўрнидан туриб эшик ёнига келди-да, уни ланг очиб юборди; хонага Ойген, Вилли ва Курт кириб келишиди.

– Йигитлар, уни маҳкам боғланглар-да, дод-фарёди эшитилмаслиги учун оғзига латта тиқиб қўйинлар...

Штирлиц ёшларини Мюллер кўриб қолмаслиги учун кўзларини юмиб олди.

Бироқ, у шўртнанг кўз ёшлари ёноқларидан дув оқиб тушаётганини сезди; денгиз суви таъмини ҳис этди: кўз ўнгидаги Сашенъканинг Владивосток портида турган пайтидаги гўзал қиёфаси намоён бўлди; ўшанда уни ҳар томондан туртқилашар, қиз эса қўлида мўйнадан тикилган кичкинагина енгни ушлаб турганди: у шунақаям ожиза эдики, буни кўриб Максимнинг юрак багри эзилиб кетганди; орадан ўтган йигирма уч йил мобайнида тақдир қанчадан-қанча аёлларга йўлиқтирган бўлса-да, эрталаблари уйғониб, худди унга берилган жазо каби фақат унинг, Сашенъканинг сиймосини кўрарди; ҳар бир эркакда шунақа бўлса кепрак; унинг қалбидаги фақат биринчи муҳаббат хотираси сақланади, шу хотира билан яшайди ва портда турган қиз билан видолашган кунни лаънатлаб, шу хотира билан кўз юмади; ўшанда қизнинг кўз ёшлари шаррос оқиб тушаётган бўлса-да, у жилмайиб турарди, чунки йифлоқи аёлларни ёқтирмаслигингни биларди, сен буни фақат бир марта, бехосдан айтиб қўйгандинг, лекин севишганлар, агар чинданам севишган бўлишса, майда-чуйда нарсаларни ҳам эслаб қолишади...

...Кейин эса шифокор кириб келди, жиддий тусда саквояжини очиб шприцни олди, темир қутичадан (унга қора бўёқ билан нацистлар белгиси ва СС рамзи туширилганди) оғзи пайвандланган найчани чиқарди-да, уни синдириб ичидаги суюқлик билан шприцни тўлдирди ва ҳатто терини спирт билан артмасданоқ қўпоплик билан Штирлицнинг кўктомирига ботирди.

– Заҳарланиб қолмайдими? – қизиқсинди Мюллер қорамтирип суюқлик баданга сингиб бораётганини ишитиёқ билан кузатаркан.

– Йўқ, шприц тозаланган, у эса, – Штирлиц томон имо қилди, – ҳар куни душда чўмилган, терисидан апельсин совунининг ҳиди келяпти...

Шприцни сугуриб олиб, у игна санчилган жойга дори суриб ҳам қўймади, жиддий тусда ўз асбобларини йигиштириб саквояжини ёпди-да, савол назари билан Мюллерга қараб қўйди.

– Сиз яна зарур бўлиб қолишингиз мумкин, – деди у. – Биз бошқача нусха билан иш олиб боряпмиз. Битта укол камлик қилиб қолиши мумкин...

– Унга етади, – деди врач, шунда Штирлиц табибнинг чехраси қанчалик хотиржам экани, боши ялтироқ, баҳайбат қўли илиққина бу кишининг қанчалик нуронийлигини, кўзлари қанчалик соддалиги, соқол-мўйлаби қанчалик қунт билан қиртишланганини ўйлаб ҳайратда қолди, балки унинг фарзандлари, ҳатто набиралари бордир, шундай бўлгач, одам, инсон, бунақа нарсани ичига қандай сифдиаркин?! Қандай қилиб кундузи қабиҳ ва ғайритабиий ёвузликни амалга ошириб, кечқурун болаларига каттапарни эъзозлаш, онани эҳтиёт қилиш, дарс тайёрлаш ҳақида гапириши мумкин?!

«Улар сени сўроққа тутишади, Максим, – деди ўзига ўзи Штирлиц гўё қонига радикулит хасталигини даволайдиган япон малҳами қўйилгандек, аллақандай зирқиратувчи бир нима аста-секин баданига тарқалаётганини ҳис қилиб; аввал исигандек бўласан. Кейин эса, бедармон осойишталик юз беради, оғриқ тўхтайди ва сен ҳузур-ҳаловатни ҳис этасан, ўзинг ётган каратовтинг ёнида қадрдан дўстинг ўтирган бўлишини ҳамда беҳуда нарсалар ҳақида гапиришини ёки яхшиси, сенга азиз бўлган одамларни эслашини, хонада эса қовурилган қаҳва уруғи ва Шанхайдаги Лю-сан қоийилмақом қилиб тайёрлайдиган ванилли хамирнинг ҳиди уфуриб туришини истайсан. Улар савол бери-

шади, сен жавоб қайтарасан... Айтгандек, Скорцени ўз одамларига қўллаган кўкнори ҳақида Ойген сенга нима деганди? Сен уларга шошилмай жавоб бер, Москва ҳақида ўйла, сен ўз шаҳрингни яхши эслайсан, жудаям яхши эслайсан, у сенинг қалбингда худди Сашенька билан ўғлинг каби яшайди, Владивостокда, «Версаль» ресторанида Сашеньканни биринчи марта учратганингни, контрразведка бошлиги Гиацинтов отаси ўтирган стол ёнига келганини, Николай Иванович Ванюшин билан қандай танишганингни эсга ол, ўзингга эслаш ёқимли бўлган гаплар билан жавоб бер, эшитяпсанми, Максим? Илтимос, шошилмасликка ҳаракат қил, сен умуман олганда, жудаям шошқалоқсан, ўзингни тута билишга ўргатиш сенга анча қийин бўлган... Эҳ, бошим шунақаям гувиллаб кетяптики, чаккамга бирор худди болға билан ураётгандек қаттиқ оғрияпти...»

...Мюллэр Штирлицнинг устига энгашди-да, кўзиға тикилиб қорачиғи кенгайиб кетганини, пешонасини, лабининг устини, чаккасини тер қоплаганини кўриб, секин деди:

– Мен ҳозир ҳам сенинг уқубатингни енгиллаштириш учун қўлимдан келган барча ишни қилдим, оғайни. Сен менинг ҳам оғам, ҳам душманимсан, тушуняпсанми? Сенга қойил қоламан, лекин ҳеч нима қилолмайман, мен ҳам сен каби разведкачиман, шунинг учун гуноҳимдан ўтиб, саволларимга жавоб беравер. Гапимни эшитяпсанми? Хўш, жавоб бер! Эшитяпсанми?

– Ҳа, – деди Штирлиц ўша онда, очиқчасига, самимий жавоб бериш истагини қийинчилик билан енгидиб. – Эшитяпман...

– Мана бу ишинг яхши... Энди менга айт-чи, шефингни исми шарифи қандай? Москвада ким билан алоқа қиласди? Қачондан бери уларга ишляйпсан? Қаерда туғилгансан? Ота-онанг ким бўлишган? Улар

қаерда? Щаченька ким? Буларнинг ҳаммасини менга айтиб бермоқчисан, шундай эмасми?

– Ҳа, – жавоб берди Штирлиц. – Айтмоқчиман... Дадам баланд бўйли одам эди... Озгин ва хушрўй, – бир оғиз ҳам гапиришга ҳақи йўқлигини ич-ичидан ҳис этган ҳолда ўзини зўрга тийиб деди Штирлиц.

«Ҳечам шошилма, – деди ўзига ялиниб ва тўсатдан энг даҳшатлиси ортда қолганини, унинг қалбида гапириш, доимо гапириб туриш, ўз қувончларини атрофдагилар билан баҳам кўриш истаги мавж ураётган бўлишига қарамай, фикрлай олиши мумкинлигини англабқолди; сен ахир ҳаммасини тушуниб турибсан, Максим ҳаммасини унга айтиб беришингни Мюллер орзиқиб кутяпти, сен ҳам истаяпсан-у, аммо бунақа қилиш мумкин эмаслигини ҳозирча тушуняпсан... Буларнинг ҳаммаси унчалик қўрқинчли эмас, – деб ўйлади у, – инсон тиббиётдан кучли, агар тиббиёт биздан кучли бўлганида, ҳеч ким ҳеч қачон ўлмасди».

– Хўш, – шоширди уни Мюллер. – Кутяпман...

– Дадам мени яхши кўрарди... чунки мен унинг ёлғиз ўғли эдим... Юзида холи бор эди... Чап юзида... Оппоқ соchlари чиройли эди... Биз тез-тез сайрга чиқиб турадик... Узкий деган жойга... Бу Москва остонасидаги кичкина қишлоқ... У ерда Паоло Трубецкий қурдирган дарвозалар бор... Унга қуёш нури тушиб туради... Ҳаммасига... Бутунлигича... Фақат тушиб бўлгунча кута билиш керак... Яқъол кўрина-диган нуқта бор унда, Трубецкийнинг ўзи ўша жойни дадамга кўрсатган...

– Дадангнинг фамилияси нима? – тоқатсизлик билан сўради Мюллер врачга саволомуз қараб.

Врач Штирлицнинг томирини ушлаб кўриб, елкасини қисиб қўйди, кейин саквояжини яна очиб, шприцни олди, қорамтири суюқлик билан уни тўлдириб кўктомирга санчди.

– Ҳозир у тезроқ гапира бошлайди, – деди у Мюллера. – Лекин ҳаддан ташқари майинлик билан савол беряпсиз, кескин, талабчанлик билан сұранг.

– Отанғнинг фамилияси нима? – сүради Мюллер Штирлицнинг нақ ёнига яқынлашиб. – Жавоб бер, кутяпман.

– Оғрияпти, – деди Штирлиц. – Уйқум келяпти.

У қўзларини юмиб олиб ўзича деди: «Қани, Максим, илтимос, ўзингни тут, агар шошқалоқлик қилсанг, сенга уят бўлади, тепангда ким турганини ўзинг яхши биласан, бошинг оғриқдан ёрилгудек бўляпти, меъёридан ортиқ укол қилишганга ўхшайди, шундан фойдаланиб қол; бундан қандай фойдаланар эканман, – ўзига-ўзи эътиroz билдирид у, – бунақа қилиб бўлмайди, чунки мен барча саволларга жавоб бериш имкони керак, ахир мендан сўрашяпти, кап-катта одам қизиқяпти, у дадам ҳақида гапириб беришимни истаяпти, бунинг нимаси ёмон?!»

Мюллер Штирлицнинг иягидан ушлаган ҳолда бошини орқага тираб қичқирди:

– Қанча кутиш мумкин, Штирлиц?

«Мана кўряпсанми, бу одамнинг шошилаётганини, – деди ўзига Штирлиц, – сен бўлсанг, уни кутишга мажбур қиляпсан. Ахир бу Мюллер-а! Хўш, Нима бўпти? – ажабланди у. – Мюллер сенинг даданг билан қизиқяпти, унинг ҳам дадаси бўлган ва ўзини ҳам «отахон – Мюллер» деб атади. Тўхта-чи, – онгининг энг тубидан товуш эшилди у, – ахир ўзини «гестапо Мюллер» ҳам деганди-ку, гестапонинг нималигини биласанми, Максим? Албатта, биламан, бу рейхнинг Мюллер бошчилик қилаётган давлат махфий полицияси демакдир. Мана, у тепамда турибди, юзи тиришиб кетяпти, бечора отахон – Мюллер, ўзингни ёмон тутяпсан, Максим, ахир у кутяпти...»

– Дадам мени яхши кўтарди, у ҳеч қачон менга қичқирмаган, – жавоб берди Штирлиц уйқусираб. – Сиз бўлсангиз бақирияпсиз, бу яхши эмас...

Мюллер шифокорга ўгирилди:

– Бу дори унга таъсир қилмаяпти! Бошқа бирор нима билан яна укол қилинг!

– Унда охиратга қиё бўлиши мумкин, группенфюрер...

– Нега бўлмаса, уни тилга киради, деб ваъда бердингиз?

– Унга савол беришни менга қўйиб беринг.

– Бераверинг. Лекин тезроқ, вақтим зиқ!

Шифокор Штирлицнинг устига энганиб, ота ва бобонинг семиз, меҳрибон қўлидек туялган совуқ бармоқлари билан қулогидан тутди-да, солинчогини бураб, саволни ёғдириб ташлади:

– Испинг нима? Испинг?! Испингни айт?!

– Ўзимникинimi? – Солинчогини оғритиб камси-тилаётганидан Штирлицнинг хўрлиги келди, ҳеч ким ва ҳеч қачон унинг қулогидан бурамаганди, фақат Фриц Макленбахни – улар тўққиз юз олтинчи йилда, дадаси Лениннинг ортидан Россияга жўнаб кетмасидан олдин Цюрихдаги уйнинг битта қаватида яшашган – акаси қулогидан чўзиб юради, унинг исми Вильгельм эди шекилли, қани эслаб кўр, акасининг исми нима эди, унинг яна велосипеди ҳам бўлиб, болаларнинг ҳаваси келарди, у бўлса ҳеч кимга бермасди, митти Платтен ҳатто йиглаб юборганди, у катта филдиракли, ялтироқ, рулига қўнгироқ ўрнатилган бу мўъжизада сайр қилишни ниҳоятда орзу қилганди...

– Оғрияпти, – такрорлади Штирлиц шифокор солинчогини янада қаттиқ бураганида. – Бу одобдан эмас, болалик давридан ўтиб кетганман, нега қулогимни чўзасиз?

– Испинг нима? – қичқирди шифокор.

– Анави билади, – Штирлиц Мюллерга ишора қилди. – У мен ҳақимда ҳаммасини билади, у шунағанги доно, мен унга ҳатто ачиняпман, юраги дард-аламга тўла...

Мюллер яна чекди; бармоқлари билинар-билин-
мас титрарди.

– Мен билан бирга юринг, – деди у Ойген томон
ўгирилиб...

Кўшни хона бўш эди; диван, китоб жавонлари, бир
уюм биллур қадаҳлар; вино шишалари қалашиб ётиб-
ди, ҳатто «Верди виноси» деб аталмиш битта порту-
гал виноси ҳам бор, бунақасини узоқ сақлаб бўлмай-
ди, ачиб қолади; Лиссабон дипломатлари совға қи-
лишган бўлса керак; лекин унчалик эмасдир, ҳаммаси
аллақачон жўнаб кетган, шундай экан, бу ерга қандай
келиб қолдийкин?

– Ойген, ҳамма иш соз ўтяпти, – деди Мюллер. –
Унинг дадаси билан онасининг ва севган аёлининг
исми нима эканлигига ҳемиричалик қизиқмаётга-
нимни ўзингиз тушуниб турибсиз...

– Шундай экан, бу ишларнинг нима ҳожати бор? –
ҳайрон бўлди Ойген.

– Шунинг учунки, у менга бутунлай бошقا масала-
да керак. Шифокор, игна санчиш, сўроқ қилиш – бу
ўйиннинг давоми холос. Агар сиз бу ўйинни ниҳоя-
сига етказсангиз, хизматингизга лойиқ шунақанги
мукофот бераманки, бу набираларингизга ҳам етиб
ортади... Сизга қайсиини афзал: рицарлик нишони-
ми ёки йигирма беш минг долларми? Хўш, кўзимга
қараб, тўғрисини айтаверинг!

– Группенфюер, нима дейишни ҳам билмай қол-
дим...

– Худога шукур, дарров нишон деб бақирмадин-
гиз... Демак, ақлингиз жойида. Мана, – у чўнтағидан
бир бойлам долларни олди. – Бу ўн минг доллар. Қол-
ган ўн беш минггини Бисмаркштрассе кўчаси, еттин-
чи уй, иккинчи апартаментдаги хуфя квартирамга
келиб, операция якунланди, деганингиздан кейин
оласиз. Операциянинг моҳияти эса қўйидагича, Ой-

ген... Бу ҳақда икки киши: сиз билан мен биламан... Йўқ, учинчи киши, рейхслейтер Борман ҳам бундан хабардорга ўхшайди... Демак, мен сизни рейхнинг энг ўта маҳфий сири билан таништиряпман, уни ошкор этсангиз барча қариндошларингиз ўлим жазосини олади, сиз эса ўз қизларингиз Анна, Лиза ва Евани қанчалик ардоқлашингиз менга маълум, шу боисдан ҳам ўзимнинг бу шоҳ операциямни якунлаш учун айнан сизни танладим. Майли, шифокор уни яна ярим соатча сўроқлайверсин, унга халақит берманг, истаганча уриниб кўрсинг-у, аммо энди бошقا игна санчмасин. Кейин, Штирлиц ҳушидан кетгач, уни шу хонага олиб кириб, диванга ётқизинг-да, қўлинни кишанлаб, оёқларини сим билан боғлаб қўйинг; майли ухлайверсин. Хонимча Зивертни Грубер билан бирга қўшни хонага ўтқазиб қўйинг; у ўзига берилган материални Зивертга айтиб туриб ёздириши кепрак; бу, янги ҳукumatга яқин бўлган французларни обрўсизлантирувчи ҳужжатларга мазмун бағишловчи ўта маҳфий маълумотлардан иборат. Штирлицни ҳожатхонага бошлаб бораётган пайтингизда – кунига тўрт марта бўладиган вақтини ўзингиз белгилаб қўйинг – штурмбанфюрер Гешке рус ҳарбий бошлиқлари бўйича худди шунаقا материални Лотер хонимга шошилинч равишда ва баланд овоз билан айтиб ёздирысин... Штирлицга айни қайси хонада Гешке ишлаётганини билиб олишига имкон беринг, тушунарлими? Шифокор бу ерга яна келади: эртага келиши мумкин, лекин ҳамма гап қизилларни қанчалик тўхтатиб қолишимизда... У Штирлицдан исми, хуфя учрашув жойи ва ҳоказоларни суриштираверсин, саволлар рўйхатини сизга айтаман қиласман; ўзингизни жаҳл отига мингандек қилиб кўрсатинг, уни шоширинг, уни уришингиз мумкин, аммо қимирламай қоладиган даражада эмас, оёгини, қўлини, жигарини ва ўпкаси-

ни эҳтиёт қилинг. Юзини бутунлай ихтиёриңгизга топшираман, қанчалик таниб бўлмайдиган даражага етказсангиз, шунчалик яхши, фақат кўзини эҳтиётланг, кўр бўлиб қолиши ва кўзи оқиб тушишидан худонинг ўзи сақласин; русларнинг илгари силжиши қандай бораётгани ҳақида сизни радиоалоқа орқали мунтазам хабардор қилиб тураман... Улар яқинлашиб қолишли, дейишим билан сиз ваҳимага тушгандек бўлинг, телефон гўшагини қулоқча тутиб, Штирлицни нима қилиш лозимлигини суриншириング, бу саволга жавоб беришни талаб этинг. Ўзи йўқ суҳбатдошингизга рус танклари бир километр нарида эканини айтинг, Штирлицни отиб ташлашга ижозат сўранг ёки уни бехатар жойга олиб кетишлари учун штурмчилар юборишини талаб қилинг... Кейин олдингизга менинг одамим бориб: «Мен шифокор Рудольфдан жўнатма олиб келдим, имзо чекинг», деган паролни айтади. У сизга саквояжни беради, унинг ичидаги радиомеханизмли мина бўлади... Сиз саквояжни Гешке билан Лотер хоним ишлаётган хонага олиб кирасиз-да, стол ёнига ўтириб, қофозга: “Беш дақиқадан кейин секингина хонани тарқ этиб, пастга тушинглар», деб ёзасиз. Сиз хона эшигини тарақлатиб ёпмайсиз, оёқ учидаги чиқиб кетасиз. Менинг одамим радиоминага буйруқ беради. Хона портлаб кетади. Лекин портлашдан олдин сиз Штирлицнинг қўлидаги кишанини ечиб ташлаб, ўзини ҳожатхонага ҳамаб қўясиз. Майли, тақиллатаверсин, – ҳаммаси турмада бўлаётгандек, – шунда эшикни очмайсиз... Тушунарлими? У ҳожатхонада ўтирган бўлиши керак, портлаш тўлқини унга зиён етказмайди, фақат караҳт қилиб қўяди... Эртага тонгда, Штирлицни ҳожатхонага олиб борищдан олдин Гешке ишлаётган хонанинг эшиги ёпиқ бўлмаслигини таъминланг, майли, у очиқ темир сандиқни, ҳужжат тўла жомадонни, ёзув машинкасини қўравер-

син, нима ёзилаётганини эшитаверсин... Гешкега айтиб қўйинг, Штирицини олиб ўтаётган пайтингизда совет генералларининг концентрацион лагерида бўлиши ҳақидаги материални айтиб ёздирсин...

– Кимларнинг? – тушунмади Ойген ва шунда Мюллер уни тўғри танлаганига яна бир марта ишонч ҳосил қилди.

– Совет генералларининг, – такрорлади у. – Сизга ҳаммаси аён бўлдими?

– Ҳа, группенфюрер.

– Топшириқнинг яқуний хулосаси тушунарлимис?

– Йўқ, группенфюрер.

– Пайти келиб тушуниб оласиз. Бисмаркштрасседаги уйимга борганингизда унинг сирли моҳиятини тушунтириб бераман. Оиласизни Берлиндан олиб чиқиб кетишга улгурдингизми?

– Йўқ, группенфюрер.

– Улар билан телефон орқали хайрлашинг, оиласизни тезда Мюнхенга жўнатиш ҳақида буйруқ бераман.

– Раҳмат, группенфюрер!

– Арзимайди, оғайни, бу шунчаки бир дўстона ғамхўрлик, бунга ташаккур айтиш шарт эмас...

ШИША ИДИШДАГИ ЎРГИМЧАКЛАР-II

Қароргоҳнинг матбуот хизмати шефи Лоренц конференция залига кириб келганда, Кребс ҳисоботини энди тугаётган эди; Лоренц пропаганда министрлигининг радиостанцияси Швециядан берилган ахборотни тутиб олгани, америкаликлар Эльба дарёсининг Торгау деган жойига етиб олишгани, шу йўсинда Ялта декларациясига мувофиқ руслар назоратига олиниши лозим бўлган каттагина ҳудудни эгаллаганини айтди.

Гитлер икки армия аскарларининг учрашуви со-
дир бўлгани ҳақидаги ахборотни ҳатто охиригача
эшитмади ҳам; у фақат ўзлигича, ўз тасаввури, ўзи-
нинг ягона ўйлаб топган схемаси бўйича яшарди:

– Мана сизга илоҳий тақдирнинг биз томонимизда
эканидан далолат берувчи яна бир мисол! Бу руслар
 билан инглиз-америкаликлар ўртасидаги муштла-
шишнинг бошланиши! Жаноблар, душманларимиз
иттифоқи эртага барбод бўлиши кутилаётган бир
пайтда, мен бугун агар сулҳга розилик билдирсам,
немис ҳалқи мени жиноятчи, деб атайди ва бу билан
тўғри иш қилган бўлади! Наҳотки, сизлар бу ерда,
Германия тупроғида большевиклар билан англосак-
слар ўртасида эртага, бугун, бир соатдан кейин шид-
датли олишув бошланиб кетишининг аниқ имкони-
ятларини кўрмаётган бўлсангиз?!

Конференцияга таклиф этилган «гитлер-югенд»-
нинг янги фюрери Артур Аксман – у эндилиқда
Адольф Гитлерплацдаги штаб-квартирасини тарк
этиб, рейхсканцеларияга ёндош жойларни қизиллар-
дан ҳимоя қилиш мақсадида дала штаби билан Виль-
гельмштрассе кўчасига жойлашганди – бир қадам ол-
динга чиқди-да, меҳр тўла думалоқ кўзларини чақна-
тиб, Гитлерга талпинди:

– Менинг фюрерим, пойтахтимизнинг мардонавор
ёшлари сизга ҳар қачонгидан ҳам кўра содиқдир! Рус-
лардан биронтаси ҳам рейхсканцеларияга ёриб ки-
ролмайди! Большеviklar англосакслар билан мушт-
лашиб бўлгунга қадар ўлсак ўламиз, аммо ҳеч ким-
ни ўтказмаймиз! Агар сиз ўз қароргоҳингизни Альп
истеҳкомларига кўчирмоқчи бўлсангиз, йигитларим
қамални ёриб ўтишига кафиллик бераман; улар ҳалок
бўлишади-ю, лекин сизни қутқариб қолишади!

Гитлер Аксманга боқиб майин жилмайиб қўйди,
кейин бир оз безовта ҳолда Борманга қаради.

– Фюрер «гитлер-югенд»нинг садоқатига шубҳа қилмайди, Аксман, – бетакаллуф деди Борман, – бироқ, болалар яшайверсин, ҳалок бўлишмасин, тирик қолиб, голиб чиқиш уларнинг миллат олдидағи бурчидир!

Гитлер ҳўрсиниб бош иргади...

Ниҳоятда толиққан Кребс навбатдаги конференцияда пойтахт мудофаасининг барча секторларидағи вазият ҳақида беҳол ахборот берди; жанг олиб борилган кўчалар номини ва айниқса қаттиқ мудофаа қилинган уйларнинг рақамини бир хил оҳангда санаб чиқди.

– Менинг фюрерим, Берлин комендантин генерал Вейдлнинг гапларига қулоқ солишингизни истардим, – деди сўзини якунлаб Кребс. – Энди ортиқ рад этишга ҳақим йўқ.

Асабий равишда йўталиб олган Вейдлнинг нигоҳи билан Гитлернинг юзига қадалиб олиб, Борман билан Геббельсга қарамай деди:

– Фюрер, Берлин учун олиб борилган жанг тугади; пойтахтнинг тақдири ҳал бўлди; Альп истеҳкомларида душманга қарши курашда миллатга раҳбарлик қилишни давом эттиришингиз учун қамалдан сизни соғ-саломат олиб чиқиб кетиш масъулиятини шахсан ўз зиммамга оламан! Венк армиясининг ёриб ўтишига умид қилмаса ҳам бўлади, фюрер!

Гитлернинг ифодасиз кўзларида лоқайдликдан ўзга нарса йўқ эди.

– Берлин учун жанг инсоният тарихидан курашда кескин бурилиш сифатида, мўъжиза сифатида, тангрининг марҳамати сифатида жой олади, – деди у шивирлаб, – Гап тамом, генерал, сизга ташаккур.

Борман тунда Гитлернинг янги врачини ўз ҳузурига таклиф қилиб, унга айнциандан қўйиб берди, сўнг унинг тиззасига қўлини қўйиб сўради:

– Менга айтинг-чи, қария, Берлин учун бўлган жангда ютиб чиқишимизга ишонасизми? Қўрқмай ростини айтаверинг, жавобини кутяпман.

– Рейхслейтер, кўп йиллар мобайнида одамни ҳатто фирт ёлғон бўлса ҳам, буни ҳақиқат, деб ҳисоблашга ўргатишгандан кейин, эндиликда бир кунда ўзгариб қолмас экансан... – жавоб берди шифокор.

– Менимча, сиз ҳаммавақт бир-бирига ҳақиқатни айтувчи улфатлар орасидаги сараланган оғайнилар тоифасига мансубсиз...

Врач бошини чайқаб деди:

– Фақат фюрерга ёқадиган ҳақиқатнигина бир-бirimizga гапиришимиз лозимлигини ўзингиз жуда яхши биласиз. Биз ҳаммавақт ёлғон гапирамиз, рейхслейтер... Йўқ, Берлиннинг дош беришига ишонмайман...

– Мен ҳам ишонмайман, – унинг фикрини маъқуллади Борман ҳорғинлик билан. – Ҳозир ҳаммасидан кўра баҳтиқаро берлинликлар тақдирни мени ташвишга соляпти... Аммо уларга фақат биргина одам чинданам ёрдам бериши мумкин ва бу одамни сизнинг номингиз билан юритишади.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Мен қўйидагиларни назарда тутяпман, – кўзларини кафти билан ёпиб беҳол давом этди Борман, – Фюрернинг иродаси, фаросати – хуллас, унинг буюк руҳияти бошқа ироданинг, чунончи, менинг иродам таъсирига мойил бўлиши учун аллақандай укол қилиш фақат сизгагина маълум...

– Ахир, мен Гиппократ қасамини ичганман-а, рейхслейтер...

Борман кулимсираб қўйди:

– Э, қўйсангиз-чи... Ҳозир сизни ҳеч ким ёлғон гапиришга мажбур қилаётгани йўқ-ку... Сиз бўлсангиз бари бир алдаяпсиз... Кейинчалик кимга тўнкайсиз?

Гитлерга бўлмаса керак... Менга ҳам...На у, на мен ўша пайтда сизни ёлғон гапиришга мажбур қилмаганмиз. Шифокор, шундай қилиш керакки, фюрер лақма бўлиб қолсин... Шуни қилсангиз сиз бебаҳт немислар олдидаги ўз бурчингизни бажарган бўласиз...

Суҳбат ниҳоятда оғир, ноҳуш ўтди-ю, лекин шифокор ахийри укол пайтида кишини лоқайд қиласидиган дори миқдорини кўпайтиришга ваъда берди; Борманга бошқаси керак эмасди, шунинг ўзи етарли эди.

Энди у бункерда ўзини қўйгани жой тополмай қолди, худди деворлари сиқиб келаётгандек туюлаверди, сукунат ниҳоятда мудҳиш эди.

У ёрдамчиси Цандернинг хонасига кириб, жанубга, Альпга жўнаб кетиши учун икки кундан кейин афтидан қамални ёриб ўтишга бригадани тайёрлаш зарур бўлиб қолишини айтди-да, Бургдорф билан Кребс узун стол теграсида ўтирган залга чиқди: уларнинг олдига қошиқ билан вилка қўйилган, икки шиша вермутнинг оғзи очиқ; Кребс кам ичарди, сабаби – ошқозони касал эди, лекин Бургдорф қадаҳни бетўхтов бўшатиб турса-да, афтидан ҳечам маст бўлолмасди.

Борман уларнинг ёнидан жой олди; ўша ондаёқ хизматкор қошиқ билан вилка, бир шиша айнциан келтириб қўйди – бу ерда рейхслейтернинг таъби ҳаммага маълум эди: у бир сўз демай ичиб, генералларга ёқимли иштаҳа тилади.

– Илтифотингиз учун ташаккур, – деди Бургдорф тўнгиллаб.

– Нимадандир хафа кўринасизми? – такаллуф билан сўради Борман.

– Кўп нарсадан хафаман, жаноби Борман! Ҳаммадан хафаман, шундай десам тўғрироқ бўлади! Мен, айниқса, бундан бир йил аввал мана бу курсига ўтириб армия билан партияни иноқлаштириш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилганимдан бери хафаман!

Дўстларим мени офицерлар табақасининг сотқини, деб атай бошлади, лекин мен бутун куч-гайратим немисларнинг юксак манфаатларига мос келишига ишонардим, чин кўнгилдан ишонардим! Энди бўлса, бутун хатти-ҳаракатларим беҳудагина эмас, балки аҳмоқона эканини ҳам кўриб турибман!

Кребс кафтини Бургдорфнинг қўлига қўйганди, у жаҳл билан силтаб ташлади.

– Мени ўз ҳолимга қўйинг, Ганс! – деди пишқириб у. – Одам ҳаётида ҳеч бўлмаса бир марта ичидағини айтиб қолиши керак! Бир суткадан кейин кеч бўлади! Айтотмаган гапларим эса жудаям кўп! Ёш офицерларимиз бошлаган ишимиз тантанасига батамом ишонган ҳолда урушга жўнашган. Хўш, нима бўлди? Юз мингларчаси ҳалок бўлди. Нима учун? Ватан учунми? Келажак учунми? Германиянинг салоҳияти учунми? Йўқ, бўлмаган гап! Улар сизнинг, жаноби Борман, дабдаба билан боёнларча ҳаёт кечиришингиз учун ҳалок бўлишди! Бундай дабдабали ҳаёт ҳатто кейзерларнинг ҳам тушига кирмаганди! Феодаллар ҳасад қилиши мумкин бўлган, назорат остига олинмайдиган, миллий манфаатларни менсимайдиган, фақат ўз бойлигини ўйладиган боёнларча ҳаёт кечиргансиз! Партиянинг фюрерлари бўлган сизлар миллатнинг маънавий соғломлиги ҳақидаги гап-сўзлар билан савдолашиб, ҳамёнларингизни олтинга тўлдиришингиз учун миллионлаб одам жанг майдонларида ер тишлади! Сизлар ўзларингизга қасрлар қуриб, уларни ўғирлаб келтирилган сурат ва ҳайкалтарошлиқ асарлари билан тўлдириб ташладинглар! Сизлар Германия маданиятини вайрон этдинглар, сизлар немис халқини ҳароб қилдинглар, сизлар сабабли халқ ич-ичидан бузилди! Сизлар учун фақат биргина ахлоқ мавжуд, у ҳам бўлса – ҳаммадан кўра яхши яшаш, бошқалар устидан ҳокимлик қилиш, барчани эзиш ва ваҳимага солишдир!

Миллат олдидағи сизнинг бу гуноҳларингизни ҳеч вақт кечириб бўлмайди! Ҳечам ва ҳеч қачон!

Борман ғалати жилмайиб, қадаҳ қўтарди:

– Нутқингиз жудаям умумий тус олиб кетди... Агар айрим дўстларим тезроқ бойиб кетишни орзу қилишган бўлса, бу билан мени айлашингиз мумкин эмас!

– Макленбургдаги сизнинг ер-мулкларингиз-чи?! – ўзини тиёлмай деди Бургдорф. – Юқори Баварияда ўзингиз сотиб олган ўрмон ва яйловлар-чи? Чимзее кўли бўйидаги қасрингиз-чи?! Буларнинг ҳаммасини қаердан олгансиз??

– Армия ҳам бизни кузатиб юришини билмаган эканман, – деди яна жилмайиб Борман ва айнцианни ичиб бўлиб ўрнидан турди: – Кўнгилли дам олинглар, дўстларим, бугун анча серташвиш кун бўлади, омадингизни берсин...

...Фон Грейм билан Ганна Рейчнинг самолёти қамалдаги Берлинга учиб келиб, учувчи аёл уни «гитлер-югенд» отрядлари ва ССчилар зўр қийинчилик билан қўлда тутиб турган учиш майдонининг бир чеккасига қўндирганда ҳам Борман ваҳимага тушмади. Шифокорнинг уколи ўз ишини қилиб бўлганди: Гитлер мужмал ва лоқайд бўлиб қолганди, ҳатто ўзи яхши кўрадиган Ганна Рейч билан суҳбат пайтида ҳам чеҳрасида гўё моҳир гриммчи ясаб қўйган табассум бўлса-да, кўзлари уйқули эди.

Борман сиёсий васиятнома ҳақида уч марта оғиз очиб кўрди, аммо Гитлер ё рейхслейтернинг гапини тушунмади ёки шунчаки унга қулоқ солмади.

Борманнинг гапи асосида Геббелъс амалга оширган Гитлер билан Ева Брауннинг никоҳ тантанаси арафасида фюрер бир варақ қоғозни рейхслейтерга узатиб деди:

– Агар бирор мулоҳазангиз бўлса тузатиш киритиш ҳақидаги таклифингизни айтарсиз.

Борман кечирим сўраб, ўтиришга ижозат олди-да, «немис миллати доҳийсининг сиёсий васиятномаси»ни ўрганишга киришди.

– Фюрер, – деди у ёш қалқиб чиққан кўзини (бундай қилиш унга оппа-осон эди) яширмай, – бу ҳужжат асрларни ортда қолдиради... Аммо бунда янги хонанинг рўйхати кўринмаяпти... Бу ўринда ўзингиз шак-шубҳасиз ишонадиган одамлар номини айтишингизни зарур, деб ҳисоблайман... Фақат шундагина сиёсий васиятнома буюк курашимизни давом эттиришда таъсирчан қуролга айланади...

– Мен рейхнинг янги хонасини васиятномага кўшмасликни маъқул деб ҳисоблайман, – жавоб қилди Гитлер. – Бу, менимча, гояни обрўсизлантириб қўяди.

– Йўқ, менинг фюрерим! Аксинча бўлади! – ҳаяжон билан эътиroz билдириди Борман. – Бу сизнинг жангга раҳбарлик қилаётганингизни кўрсатади!

– Майли, – беҳол рози бўлди Гитлер, – кимни лозим топсангиз, ёзиб қўйинг, ҳаммасини оққа кўчиришини хонимча Гертруд Юнгга айтиб қўяман... Аммо Грейм ва Ганна Рейч билан биргалиқда Альп истеҳкомларига учиб кетишим ҳам мумкин, Борман... Шу фикр нуқул хаёлимдан нари кетмаяпти: тирик ҳолда кўпроқ нафим тегиб қолса ажаб эмас, шундай эмасми?

Борман бошини кўтаролмади, кўзлари сирини фош қилиб қўйиши мумкин эди; ҳаётга ҳарислик ва очкўзлик билан интилаётган бу қалтироқ чаламурдага нисбатан нафрат бор эди унинг кўзларида...

– Мюллер, сиз шундай қилишингиз керакки, – деди группенфюрерни ҳузурига таклиф қилган рейхслайтер, – бугуннинг ўзидаёқ швед ёки швейцар радиоси Гиммлернинг Бернадот билан музокара олиб боргани ва рейхсфюрернинг инглиз-америкаликлар учун гарбий фронтни очиб қўйиш таклифи ҳақида ахборот берсин. Шу ишни уддалай оласизми?

– Йўқ, – жавоб берди Мюллер. – Буни бир ҳафта олдин, улар Любекда Бернадот билан сафсата сотишаётганда амалга ошириш лозим эди, эндиликда тўс-тўйполон бошланиб кетди, рейхслайтер...

– Анави, ҳаҳ, нимайди, Штирлиц қаерда?

Мюллер Борманга тикилиб қаради – унинг тунд башарасидан ҳеч нимани англолмади.

– Менинг топшириғимни бажаряпти, – деди бир оз сукут сақлаб.

– Қанақа топшириқ?

– Унинг ёрдами билан Кремлнинг тагига каттакон бомба қўймоқчиман.

Борман ҳайрон бўлиб сўради:

– Ўни русларнинг орқа томонига ташламоқчими-сиз?

– Ҳа, – жавоб берди Мюллер. – Лекин менинг бомбам ҳар қандай динамитдан даҳшатли қоғоз бўлади.

– Шведлар масаласи унга топширилса бўларди...

– У ҳам ҳеч нима қилолмаган бўларди... Унга шайдо бўлаверманг...

– Бунаقا жавоб мени қониқтирумайди. Сизни қониқтириши мумкин эмас. Биз кечикяпмиз.

– Кечикиб бўлдик, рейхслайтер, – жавоб бер Мюллер. – Тезда жўнаб қолиш керак... Сиз бу ерда у билан ҳеч нимага эришолмайсиз...

Шунда Борман ҳеч нимани яширмай, доим қалби яралаб келган ҳадиксиз – ҳаётида биринчи марта бўлса ажаб эмас – тўғридан-тўғри жавоб берди:

– Эришоламан, чунки мен уни яхши биламан, Мюллер. Агар мен илтимос қилган ишни амалга оширсанг эришоламан.

– Қизиллар сиз билан музокара олиб боришмайди, рейхслайтер...

– Янглияпсиз. Ёрдамчим Цандер руслар матбуотини таҳлил қилиб чиқди: улар рейхнинг мендан

бошқа барча раҳбарларини бадарға қилишмоқчи. Тушуняпсизми? Мен ҳаммавақт панада бўлганман, мен бошқалар ортидан юрганман, мен Гиммлер билан Герингга хос бўлган оний пешволик туйғусидан маҳрумман, мен панада юриб чўққига қўтарилдим. Герингнинг хоинлиги энди Москвага маълум. Гиммлернинг иттифоқчиларга қилган таклифи ҳақидаги янгилик Сталинга маълум бўлди. Эндиликда бундан Гитлер ҳам хабардор. Инглиз америкаликлар шарқ томон бостириб келмоқда, Стalin Берлинда ўралашиб қолди. Босиб олинган ҳудудлар ҳақидаги битим бузилди. Шундай экан, нега энди Сталин менга немисларни гарбга буриб юборишга имкон бермас экан? Бу жозибали иш-ку, а, Мюллер, ниҳоятда жозибали!

Мюллер бошини чайқаб уҳ тортгандек деди:

– Мен радиостанцияларимдан бири Гиммлернинг таклифи ҳақидаги ахборотни швед тилида очиқдан-очиқ эшилтиришини уюштиришим мумкин. Тарғибот министрлигидаги радиооператорларимиз бу ахборотни кечиктирмай қабул қилишса бас, менинг узаткичларим сизницидек унчалик кучли эмас.

– Геббельс радиостанциясининг нима ҳожати бор? Бу ерда бизнинг кучли радиомарказимиз бор...

– Ахборотнинг четдан келгани маъқул, шунда кўпроқ ишонилади, наҳотки тушунарсиз бўлса? – хўрсиниб қўйди Мюллер. – Фийбат бегоналар ҳақида борганида ниҳоятда лаззатли бўлади-да...

Гитлер Геббельс келтириб берган Гиммлернинг таклифи ҳақидаги «швед радиосидан» тутиб олинган ахботни ўқиб ранги оқариб кетди, лаблари осилиб чинқириб юборди:

– Бу ахир гирт шармандалик-ку! У ифлос хоин, экан! Мен генераллардан хоинликни кутишим мумкин эди-ю, аммо буни Гиммлердан кутмагандим! Қани Фегеляйн? Бу ерга олиб келинглар! Кўзимга

тикилиб туриб Гиммлернинг хоинлиги ҳақида гапириб берсин! У Гиммлернинг қароргоҳдаги вакили-ку! Менга ҳамтовоқ бўлиш мақсадида Браун хонимнинг бебаҳт синглисига уйланган бу разил шаҳватпарааст мендан ҳақиқатни яширибди-я! Уни тезда бу ерга олиб келинглар!

Фегеляйнни хуфя квартиralарнинг биридан тошиди. У шимол томон қочишга тайёргарлик кўраётган экан. Уни бункерга келтириб ўтиришмади, Борманнинг тавсияси билан обергруппенфюрер рейхсканцелария боғида отиб ташланди.

Гитлер қариндоши қатл этилгач, ярим соатдан кейин фон Грейм билан Ганна Рейчга тезда Берлиндан Шлезвиг-Гольштейнга учиб боришни, у ерда Гиммлерни топиб қўлга олишни, суд ва терговсиз отиб ташлашни буюрди.

Шундан сўнг Борман радиомарказга етиб борди ва гросс-адмирал Деницга шифровка йўллади: Германиядаги ягона амалий куч – армия штаби эндиликда яккаланиб, дўй-пўписа билан узил-кесил эзib қўйилиши лозим; ҳеч қандай музокара олиб борилмасин; сулҳ ҳақида ундан, Бормандан бошқа ҳеч кимнинг гапиришга ҳаққи йўқ; Геринг қамоқча олингани ҳақидағи хабар генераллар қулогига етиб борган; эндиликда фюрернинг хоин Гиммлерни йўқ қилиш ҳақидаги буйруғи уларга маълум бўлади. Ваҳима киши фаолиятини сусайтириб қўяди. Тунда фюрер Борман икки марта оқقا қўчирган ўз васиятномасини ланж ҳолда айтиб туриб ёздириди. У янги министрлар рўйхатининг охирига рейхслайтер сўнгги дақиқада айтган бир неча сатрни қўшиб қўйди.

«Мен 1914 йилда рейхни ҳуружлардан ҳимоя қилиш учун кўнгиллилар сафига ўтганимдан бери орадан ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтди. Ана шу ўттиз йил мобайнида менинг қалбим миллатимга нисбатан

мөхр-муҳаббат түйгүлари билан түлиб-тошди. Фақат ана шу муҳаббатгина бутун хатти-ҳаракатларимни, орзу-умидларимни, ниҳоят бутун ҳаётимни бошқа-риб турди... Миллатга нисбатан ана шу ўттиз йиллик муҳаббат ва миллат фаровонлиги йўлида қилган меҳнатларим эвазига бутун куч-қувватимдан, саломатлигимдан айрилдим...

...1939 йилда Германияда аллакимлар уруш истагида эди, деган гап фирт ёлғон.

Яхудий миллатига мансуб интернационалчилар ёки улар хизматида бўлганларнинг ғаламислиги оқибатида уруш бошланиб кетганди.

Мен қуролланишни чеклаш ва унинг устидан назорат ўрнатишни жорий этиш учун ниҳоятда кўп ишларни амалга оширедим. Худди шу боисдан уруш учун бўлган жавобгарликни менинг зиммамга ағда-ришга уриниб кўрилди. Жаҳон уруши майдонларида кўнгилли равишда жанг қилган пайтимдан бери мен ҳеч қачон на Англияга ва на Америкага қарши янги уруш очишни хоҳламадим. Йиллар ўтади, лекин шаҳарлар ва ёдгорликлар вайроналари орасидан бу ёвузылларни амалга оширганлар ҳақидаги ҳақиқат униб чиқади: у халқаро яхудийчилик ва унинг малайлари ҳақидаги ҳақиқат бўлади.

Герман-поляк уруши бошланишидан атиги уч кун аввал мен масалани тинч йўл билан ҳал этиш таклифини киритдим. Саар вилоятида таъсис этилгани каби халқаро назорат тузиш ҳақидаги менинг режам Англиянинг Берлиндаги элчисига баён қилинди. Менинг режам муҳокама қилинмаёқ рад этилди, чунки Англиянинг ҳукмрон доираси қисман савдо-сотиқ мулоҳазаси билан, қисман халқаро яхудийчилик қўлида бўлган тарғибот таъсирида уруш бўлишини истаганди.

Молиявий капитал манфаати йўлида олиб борила-ётган ҳозирги уруш даҳшатларини Европа халqlари

бошидан кечирган фожиа учун жавобгарлик буткул ва батамом яхудийлар зиммасига тушади. Мен Европадаги миллионлаб олий ирқ болалари оч қолмаслиги, миллионлаб эркаклар жанг майдонларида ҳалок бўлмаслиги; юз минглаб аёл ва гўдаклар зўравонлик ҳамда бомбардимон азобларига дучор қилинмаслиги учун қўлимдан келган барча ишни қилдим.

Барча чекинишларга қарамай, ажойиб кунларнинг бирида миллат ўз ҳаёти учун олиб борган қаҳрамонона кураши сифатида тан олинадиган олти йиллик урушдан кейин мен рейхнинг пойтахти ҳисобланмиш шаҳарни тарқ этиб кетолмайман. Модомики, бизнинг қўшинларимиз душман ҳужумини даф этишга ожизлик қиласр экан, модомики, қаршилик қўрсатишни уюстириш етарли даражада иродага эга бўлмаган шахслар зиммасига юкландган экан, мен ўз тақдиримни шаҳарни ҳимоя этишга аҳд қилган миллионлаб одамлар тақдиридан четлаб қўймайман.

Мен асабий ҳолатга тушган оммани хурсанд қилиш мақсадида яхудийларнинг йўл-йўриғи билан янги томоша тайёрлаётган душман қўлига ўзимни ҳечам топшириб қўймайман.

Мен рейхсканцеларияда фюрер чорасиз аҳволга тушганини фаҳмлаб қолганимдан кейингина кўнгилли равища ҳаётни тарқ этаман. (Борман бу ўринда хатога йўл қўйилганини тушуниб қолди – Гитлернинг ўзи учинчи шахс сифатида ўзи ҳақида ўйлаши мумкин эмасди – лекин одамларнинг кўз ўнгидага тузватишга юраги дов бермади). Мен хотиржамлик билан ҳаётдан кўз юмаман, чунки бизнинг деҳқон ва ишчиларимиз кўп ютуқларга эришганини биламан. Мен хотиржамлик билан ҳаётдан кўз юмаман, чунки ёшларимизнинг менинг ишимга ниҳоятда содиқ эканини кўриб турибман. Мен ҳаммаларидан чексиз миннатдорман ва буюк Клаузевицнинг ғоялари

асосида курашни давом эттиришни уларга васият қилиб қолдираман. Жанг майдонларидағи ҳалокат келажақда национал-социализм гояларининг миллатларимиз бирдамлиги замирида қайта тикланишига олиб келади.

Кўплаб эркак ва аёллар ўз ҳаётларини менинг ҳаётим билан туташтиromoқчи бўлишибди. Бунинг учун улардан миннатдорман, бироқ, менинг тақдиримга шерик бўлмасликни, фронтларда жангни давом эттиришни буюраман. Мен армия, флот ва авиация қўймондонларига қўшинларда национал-социализм руҳини мустаҳкамлашни, ҳаракатимизнинг фюрери ва ташкилотчиси бўлган мен таслим бўлишдан кўра ўлимни афзал кўрганимни аскарларга тушунтириши буюрдим...

Мен ўлимим олдидан собиқ рейхсмаршал Герман Герингни партиядан ўчираман, мен 1941 йил 29 июн даги декрет ва рейхстагнинг 1939 йил 1 сентябрь қарори билан унга берилган барча ҳуқуқлардан Герингни маҳрум қиласман. Мен унинг ўрнига адмирал Деничи президенти ва қуролли кучлар бош қўймондо ни қилиб тайинлайман.

Мен ўлимим олдидан собиқ СС рейхсфюрери ва ички ишлар министри Генрих Гиммлерни партиядан ўчириб, барча лавозимлардан маҳрум этаман. Мен унинг ўрнига гаулайтер Карл Ханкени СС рейхсфюрери, гаулайтер Паул Гислерни ички ишлар министри қилиб тайинлайман.

Герман Геринг билан Гиммлер менга носодиқликларини ифодаловчи ишларидан ташқари, мени хабардор қилиб қўймай, менинг иродамга қарши ўлароқ душман билан хуфёна музокаралар олиб бориб, тил таърифлашга ожиз бўлган доғ туширдилар ва ниҳоят уларнинг хатти-ҳаракатларида ҳокимиятни бутунлай эгаллаб олиш истаги яққол намоён бўлиб қолди.

Германияга энг олижаноб шахслардан иборат ҳукумат бериш мақсадида мен миллат фюрери сифатида янги ҳукумат аъзоларини танлаб чиқдим:

*Рейх президенти – адмирал Дениц.
Канцлер – шифокор Геббельс.
Партия министри – Борман.
Ташқи ишлар министри – Зейес-Инкварт.
Ички ишлар министри – гаулейтер Гислер.
Мудофаа министри – Дениц.
Армия бош қўмондони – Шернер.
Флот бош қўмондони – Дениц.
Ҳаво флоти бош қўмондони – Грейм.
СС рейсхфюрери – гаулейтер Ханке.
Саевдо министри – Функ.
Қишлоқ хўжалиги министри – Баке.
Адлия министри – Тирақ.
Маданият министри – шифокор Шеель.
Таргигбот министри – шифокор Науман.
Молия министри – Шверин-Крозиг.
Меҳнат министри – шифокор Хаупфауер.
Таъминот министри – Саур.*

Меҳнат фронти доҳийси ва лавозимсиз министри – шифокор Лей.

... Бир қанча киши – улар орасида Мартин Борман, шифокор Геббельс ва бошқалар бор – ҳар қандай шароитда ҳам пойтахтни тарқ этишни истамай, ўз хоҳишларига биноан хотинлари билан бирга менга қўшилишди. Улар мен билан бирга ҳаёт билан видолашмоқ ниятида. Бироқ, менимча, миллатнинг курашиби масаласи уларнинг истагидан кўра юксакроқ турди. Ўлимимдан кейин менинг руҳим уларни ёлғиз қолдирмаслигига, лекин барча ишларида уларга ёрдам беришига имоним комил... Бизнинг вазифамиз,

яъни национал-социалистик давлатни мустақкамлаш вазифаси бундан кейинги асрлар вазифаси ҳисобланниши ва шунинг учун ҳам ҳар бир шахснинг келажаги умум бахс-саодати манфаатлари билан пухта мувофиқлаштирилган бўлиши лозимлиги ҳамма вақт уларнинг ёдида бўлсин. Мен барча немислардан, барча национал-социалистлардан, эркак ва аёллардан, вермахтнинг барча аскарларидан янги ҳукумат ва унинг президентига сўнгги томчи қони қолгунча содиқ бўлишни илтимос қиласман.

Энг асосийси – мен ҳукумат ва халқимдан ирқий қонунларимизни муқаддас сақлашни ҳамда бутун куч-қуввати билан интернационал яхудийчиликка қарши туришни талаб этаман.

Берлин, 29 апрель 1945 йил, эрталабки соат 4.

Гувоҳлар: шифокор Йозеф Геббельс,

Мартин Борман,

Вильгельм Бургдорф,

Ганс Кребс».

...Гитлер қадамини зўрга босиб, Борман конференция залига таклиф қилганларнинг ёнига бориб, ғамгин жилмайиб, уларнинг кўзларига мўлтирап, ҳар бирининг қўлини қисиб бир сўзни тақорларди:

– Садоқатингиздан миннатдорман, раҳмат, алвидо...

Кейин у столнинг ёнига борди – устида оғу солинган шиша найчалар бор эди. Гитлер ҳамон ғамгин жилмайиб уларни котиба қизларга тарқатди.

Шундан сўнг мункайиб шахсий дам олиш хонаси томон секин одимлади. Остонада тўхтаб ҳаммага бир-бир назар ташлаб чиқди-да, мунгли равишда елка қисиб мункиб-мункиб конференция залини тарқ этди.

Конференция залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ўша ондаёқ ошхонага шошилди; бу ерда дастурхон

тузатиб қўйишганди. Патефоннинг қулогини бурашди, Вагнернинг мусиқаси ёзилган пластиинкани қўйишидди. Ичиб олишгандан кейин кимдир бошقا пластиинкаларни олиб келди. Патефоннинг игнаси бир оз қитирлаб турди-ю, кейин «Нинон» тангосининг маъин куйи тарапди.

Бургдорф ўрнидан туриб котиба қиз Ингмарнинг олдида борди, уни рақсга таклиф қилди. Ундан кейин бошқалар ҳам ўринларидан қўзғалишди. Кимдир қўшиқ бошлаб юборди: шампан тиқинлари пақиллади. Гитлернинг шахсий соқчилари бошлигининг ўринбосари кителининг шампан тўкилиб доғ бўлган жойига туз сепаётган штандартенфюер Вайgelга қараб хаҳолаб юборди. Унинг кулгиси ниҳоятда асабий эди, ўринбосар алланима деган эди, сўзларини англааб бўлмади.

Тўсатдан эшик ланг очилди-ю, остоноада Гитлер пайдо бўлди.

– Ухлашимга халақит беряпсизлар! – деди у қичқириб. – Бу қабиҳликни бас қилинг! Ҳозир ҳаммага осоийшталиқ, озгина бўлса ҳам тинчлик керак!

...Бундан хабардор бўлган Борман ўша ондаёқ Гебельснинг хонасига шошилди. У ўзининг мўъжазгина хонасида васиятномасини ёзиши лозим бўлса ҳам, фикрини жамлолмай, қофозга аллақандай доираларни чизиб ўтиради – у чиндан ҳам Гитлерга ишонадиган ягона одам эди. Шуниси ҳам борки, Борманга айрим пайтларда Гебельс ҳам ҳамма нарсани ўзи сингари тушунадигандек, бироқ, қалбининг тубида яширинган нарсаларни очиқчасига тан ололмаётгандек туюларди.

«Ўзингга даҳо яратма», деган доно нақл ўша даҳо мағлубиятга учраган пайтдагина ёдга олинади, бунда Адольф Гитлер шахсиятини фюеррга, миллат даҳо-

сига айлантириш учун ўз жонини тиккан айни ўша одамлар ҳаммадан кўра кўпроқ азият чекишиади. Бироқ ўз қўллари билан барпо этилганларни вайрон қилиш таърифлаб бўлмайдиган даражада мушкул, чунки фикрлаш, мулоҳаза юритиш ва бирор нима қилиш ҳуқуқи кўнгилли равишда топшириб қўйилган даҳо томонидан тобе қилинган ва янчидан ташланган ўзлигини ҳамда ўз маънавий мустақиллигини барбод этишга тўғри келган бўларди; унинг ижозатисиз ва уни четлаб билдирилган фикр ва қилинган хатти-ҳаракат – агар гап мудофаани ташкил этишни, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни, НСДАП тарғиботчилари мулоҳазаларини тузатишни яхшилаш ҳақида бўлганда ҳам – давлатга хиёнат сифатида талқин этиларди. Фақат у, даҳогина ҳақиқат ва сўнгги юқори босқич ҳисобланади. Фақат унинг фикри мутлақ ҳақиқат тимсоли бўлади, фақат унинг сўзи барқарор ҳисобланади, ҳаммаси бир нарсада туашади, ҳамма нарса битта шахс томонидан муайян бўлади. Фикрлашдан бутунлай холи бўлиш, қабул қилинган қарорлардан четда туриш, бегоналар куч-қудратига сингиб кетиш – фақат шундай, бошқача бўлиши мумкин эмас!

Борман стулга омонатгина ўтириб, соатига қараб қўйди-да:

– Йозеф, биз доим бор ҳақиқатни очиқласига айтмай, янгилишиб юрганмиз, – деди. – Энди биз бу имтиёздан халос бўлдик. Агар биз эртага янги ҳукуматномидан большевикларга мурожаат қилишни уддасидан чиқолмасак ҳаммаси барбод бўлишини биласизми?

– Бизни кулфатда қолдиришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ...

Борман хўрсиниб қўйди:

– Эҳ, азизим, Йозеф... Одамлар биздан аллақачон юз ўғирган... Биз худди кучук каби ифлос кўлмақда

шалоплаб ётибмиз. – У бор ҳақиқатнинг ҳаммасини тўкиб солмоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тўхтатиб олди; бу тажанг одам ҳозир ҳамма нарсага тайёр, ваҳима уни бутунлай эзиб қўйган, шу боисдан ўз мутаассиб-лигини жиловлаб туролмайди. – Агар биз фюерерга ёрдам бермасак, немислар бу шармандаликни ҳеч қачон кечиришмайди... Агар бу ерга большевиклар бостириб кириб, уни тириклайн қўлга туширсалар, оқибати нима бўлишини бир ўйлаб кўринг-а...

– Нимани таклиф қилмоқчисиз? – титраб турган узун бармоқлари билан чаккасини ишқалаб сўради Геббелъс. – Нимани, Мартин?

– Ўзингиз ўйлаётган: у дунёга риҳлат қилишида фюерерга ёрдамлашиш масаласини-да!

– Мен буни айтганим йўқ!

– Сиз шу ҳақда ўйлаяпсиз, Йозеф, шуни ўйлаяпсиз. Худди мен каби. Ўзингизни алдамай қўя қолинг!

– Ахир бунинг иложи йўқ! – Геббелъс йиглаб юборди. Мен бунинг учун ўзимни ҳеч қачон кечиролмайман!

– Бўлмаса, бундай қиласиз, – деди Борман. – Яна бир неча соат сабр қиласиз-да, сўнг бир қарорга келамиз.

Геббелъс ҳиқиллаб йиглаганидан афти бужмайиб кетди, бўзариб қолган юзидаги кўз ёшлари чақнаб турувчи думалоқ кўзли бу одамча бедаво дардга чалинганидан далолат берарди.

«Рак касалига чалинган бўлса керак, – деб ўйлади Борман ўрнидан қўзғаларкан. – Унинг бир оёги ерда, бир оёги гўрда, унда мавжудиятлик лаззатидан баҳра олишни давом эттириш иштиёқи йўқ, уни ёлғиз қолдириб бўлмайди. Агар мен отсам, у орқамдан ўқ узмаслиги учун ёнимда туриши керак. Фюерер буқчайиб ерга йиқилаётганида бу миттивой ўқдонидағи барча ўқни менга қараб бўшатиши мумкин... Мен маслак учун одам ўлдирапдим, бундай ишни яхши би-

ламан, бундай ишни ҳайиқмай бажаардим, у бўлса фақат нутқ сўзларди... Менинг ёнимда турсин. Менга боғлаб қўйилсин... Агар қизиллар билан сулҳ тузилса хоинликда айбланадиган Ремнинг ўрнида бўлишни истамайман...»

– Хайр, Йозеф, мен ишлашим керак. Агар фюрер тонггача ўзи бизни тарк этмаса, эрталаб конференция залида учрашамиз. Яна такрорлайман, муддати ўтди. – Кейин қўшиб қўйди: – Буни миллат асло кечирмайди...

Ярим соатдан кейин Борман ўз ёрдамчиси Цандери чакирди.

– Мана бу Деницга – рейх президентлигига ёзма ваколат, – деди унга матнни берар экан. – Агар сиз, Лоренц ва майор Йоханнмайер маёқлардан фойдаланган ҳолда жанг майдонидан ўтиб олишларингиз ҳақида Мюллер мени ишонтириб айтишига қарамай, руслар эгаллаб турган жойни ёриб ўтишнинг иложи бўлмаслигига кўзингиз етиб қолса, Гитлер имзолаган бу матнни йўқ қиласиз. Ўтиб олсангиз, васиятномани Деницга берасиз ва Лоренц билан Йоханнмайер адмиралга сургалмаслиги учун қўлингиздан келган ҳамма ишни қиласиз – Лоренц Геббельсга хизмат қилишини, Йоханнмайерни эса бош штабга мойиллиги борлигини сизга айтмаса ҳам бўлади. Вассалом. Омад ёр бўлсин, дўстим!

...Борман ёрдамчиси билан қилган суҳбатини ҳаётida биринчи маротаба одатдаги «Яшасин Гитлер!» деган ҳайқириқ билан якунламади. Томоша тугади. Грим қилинган чеҳралар саҳнада намоён этилган воқеалар гирдобига тортилиб гоҳ кулган, гоҳ йиглаган томошабинлардан иборат навбат кутувчиларнинг серзарда сафи кенгайиб кетмасидан автобусга чиқиб олиш учун ҳамма пальтосини олгани гардеробга шошилмоқда...

ҚИЗИЛ АРМИЯНИНГ ЗАРБАСИ. ОҚИБАТ - III

Қизил Армиянинг танк ва тўплари эндилиқда нақ Берлин марказини мўлжаллаб отишарди. Берлин жангининг оқибати ҳаммага аён бўлиб қолди...

Ҳамма ёқ қирсиллаб кетди...

«МАРШАЛ СТАЛИНГА ШАХСАН ВА ЎТА МАХФИЙ

1. Кўшма Штатларнинг Швециядаги вакили менга хабар қилишича, Гиммлер касал деб даъво қилинаётган Гитлер йўқлигига герман ҳукумати номидан сўзлаб, барча герман қуролли кучларининг Норвегия, Данния ва Голландияни ҳам қўшган ҳолда гарбий фронтда таслим бўлиши ҳақидаги таклиф билан швед ҳукуматига мурожсаат қилган.

2. Кўшма Штатлар Ҳукумати Британия ва Совет Ҳукуматлари билан шартномамизга амал қилиб, Совет Иттифоқи, Буюк-Британия ва Кўшма Штатларга барча фронтларда сўзсиз таслим бўлишни таслим бўлишнинг ягона мақбул шарти деб ҳисоблайди.

3. Агар немислар юқоридағи 2-бандда баён этилган шартни қабул қиласалар, улар барча фронтлардаги жанг майдонларида маҳаллий командирларга тезда таслим бўлишлари лозим.

4. Агар Сиз 2- ва 3-бандларда баён этилганларга рози бўлсангиз, мен Швециядаги вакилимга Гиммлернинг агентига тегишли жавоб қилиш ҳақида кўрсатма бераман.

Шу мазмундаги мактуб Буш министр Черчиллга юборилади.

Трумэн»

Беш соатдан кейин Москвадан шифрланган телеграмма Вашингтонга жўнатилди:

«БОШ МИНИСТР И. В. СТАЛИНДАН ПРЕЗИДЕНТ ЖАНОБЛАРИ Г. ТРУМЭНГА ШАХСАН ВА МАХФИЙ МАКТУБ

Сизнинг мактубингизни олдим... Гиммлернинг гарбий фронтда таслим бўлмоқчи экани ҳақидаги ахборотингиз учун Сиздан миннатдорман. Сизнинг барча фронтларда, шу жумладан, Совет фронтида ҳам сўзсиз таслим бўлиш рухидаги Гиммлерга айтаяжак жавобингизни мутлақо тўгри, деб ҳисоблайман. Сиздан ўзингиз билдирган таклиф асосида иш юритишингизни сўрайман, биз, руслар эса немисларга қарши ҳужумни давом эттиришни зинмамизга оламиз.

Эътиборингизга шуни айтиб қўймоқчиманки, худди шу масалада менга мурожсаат қилган Бош министр Черчиллга ҳам юқоридаги мазмунда жавоб юбордим».

«ПРЕЗИДЕНТДАН МАРШАЛ СТАЛИНГА ШАХСАН ВА ЎТА МАХФИЙ

Бугун мен Стокгольмга, жаноби Жонсонга қўйидағи мазмунда телеграмма йўлладим:

“Сиз 25 апрель эрталаб соат 3 да юборган ахборотингиз юзасидан Гитлернинг агентига шуни маълум қилингки, Совет Хукумати, Буюк-Британия ва Кўшима Штатларга барча фронтларда сўзсиз таслим бўлиш Германиянинг таслим бўлишининг ягона мақбул шарти ҳисобланади.

Агар юқорида баён этилган таслим бўлиш шартлари қабул қилинса, герман қуролли кучлари барча фронтлардаги жанг майдонларида маҳаллий командирларга тезда таслим бўлишлари лозим.

Қаршилик кўрсатиш давом эттаётган барча ҳудудларда иттифоқчиларнинг ҳужуми узил-кесил галабага эришилмагунча амалга оширилаверади.

Трумэн».

«БОШ МИНИСТР И. В. СТАЛИНДАН ПРЕЗИДЕНТ ТРУМЭНГА ШАХСАН ВА ЎТА МАХФИЙ МАКТУБ

Сиз жаноби Жонсонга берган кўрсатмангизнинг мазмуни хабар қилингган мактубингизни 27 апрелда олдим. Бу ахборот учун Сиздан миннатдорман.

Сиз ва жаноби Черчиллнинг немис қуроли кучларини сўзсиз таслим бўлишига эришиш ҳақидаги қарорингиз, менимча, немисларнинг таклифига ягона тўгри жавобдир.»

МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ (ФБР директори Жон Эдгар Гувер) – III

Рузвельт Оқ уйга кўчиб ўтган дастлабки кундан бошлаб фақат Гитлер нацистларининг, Муссолини фашистларининг, Де ла Рокк кагулярларининг нафратига дучор бўлибгина қолмади – Американинг ўзида демократик президент эълон қилган янги йўлланишни нима бўлса ҳам ўзгартириш учун ҳар қандай ишга шай одамлардан иборат қудратли тўда унга қарши турарди.

Бу йўналишнинг мазмуни бир томондан – жаҳонда юзага келган сиёсий воқеликни тан олишдан, иккинчи томондан – мамлакат экономикасининг ночор аҳволини ва юз хотир қилмай, муҳокама этишдан иборат эди.

Албатта, Франклин Делано Рузвельтни сўлларча фикр юритадиган сиёсатчи ҳисоблаш лақмалик бўларди; у ўз синфининг манфаатларини ҳимоя қиласарди; бироқ у ҳакиқатгўй эди, у эркин соҳибкорлик оламини унинг калтабин, ақидапараст ва таъмагир вакилларидан ҳимоя қиласарди; шуниси ҳам борки, у Геббелльс ёзганидек, сўлдан эмас, балки марказдан ҳимоя қиласарди. Аммо консерваторлар шунчалик калта-

фаҳмки, ўн йиллар мобайнида мавжуд бўлиб келган одатий бир қолипдаги иборадан ўзгача ҳар қандай янги сўз уларга қиёматқойим бўлаётгандек, юксак орзуларга хиёнат этилаётгандек, анъаналар ҳалокатга учраётгандек, ватанга сотқинлик қилинаётгандек туюларди. Маънодан кўра шакл консерваторлар учун ҳамма вақт ва ҳамма жойда муҳимроқ ҳисобланади. Ишдан кўра сўз ишончлироқ, келажакдан кўра ўтмиш қимматлироқ.

Рузвельт бутун мамлакатга «ишли мөхнати ҳам мулкчиликка бўлганидек ҳурмат қилинишга сазовор», деб ошкора айтганида, ўнглар ниҳоят даражада довдираб қолишиди. Лекин президент бу билан чекланиб қолмай, сўзида давом этди:

– Аммо бизнинг ишчилар фақат мөхнатнинг ҳурмат қилинишигагина муҳтоҷ эмаслар. Турмуш дараҷаси мунтазам кўтарилаётган бир шароитда уларга ўзларига муносиб равишда яшаш учун ўз мөхнатлари эвазига берилиши зарур бўлган нарсалардан фойдаланиш ҳуқуқларини таъсирчан ҳимоя қилиш зарур бўляпти... Аллакимлар на замонавий турмушни, на тарих сабоқларини тушуниб олишни исташмаяпти... Бундай тоифадаги одамлар ишчиларнинг жамоавий шартнома тузиш, моддий манфаатдорлик, оддийгина инсоний турмуш тарзига эга бўлиш ҳуқуқларини рад этишга уринмоқдалар. Шундай бўлгач, ишчилар эмас, балки айни ана шу шапкўр консерваторлар бошқа мамлакатларда портлашга олиб келган низо хавфини юзага келтирмоқдалар.

Унинг сўзлари сабр косасини тўлдириб юборди: ўта ўнг ҳисобланган молиячилар билан бизнесчилар ҳарбий фитна, фашистларча тўнтариш йўлига ўтиб олишди...

...Бу сафар ҳам ноширлар уюшмаси билан боғлиқ бўлган одамлар матбуотнинг зарур йўналишда ишла-

ши учун мухбирларга ўз таъсирларини ўтказолдилар: газеталар таниқли артист Хэмфри Боггартнинг муҳаббат бобидаги яна бир хушторлиги ҳақида кўзга яқъол ташланувчи хабарлар билан тўлиб кетди; учта пойгода хўжайинига икки миллион доллар ютуқ келтирган америка отчопарларининг арзандаси уч ёшли Стоу ҳақидаги мақтovлар билан тўлиб тошган мақолалар чоп этилди. Чарли Чаплин янги фильмини суратга олаётгани тўғрисида кўп ёзишарди. Фашистлар тўнтариши ҳақидаги иш унутилди.

*Бироқ фитначилар қолганди.
Улар пайт пойлаб туришарди.
Улар ўз орзуларига эришишиди.*

Рузвельт шаҳар ташқарисидаги ўзининг қароргоҳида вафот этганидан сўнг орадан ўн соат ўтгач генерал Донован Даллесга ахборот бериб, Вольф билан алоқани – агар бу Италияни коммунизмдан халос этишда ёрдам берса – шошилинч равишда қайта тиклаш лозимлигини айтди.

Карл Вольф икки кундан кейин Даллеснинг вакили билан хуфёна учрашди. Учрашувдан сўнг у Швейцариядаги музокараларнинг якунловчи босқичига тайёргарликни бошлаб юборди; Шелленбергни бу ҳақда огоҳлантириб ўтиrmади.

Шунга қарамай, Борман буни билиб қолди. У дарпов бир қарорга келмади-ю, аммо калласида галати, дадил режа пишиб етилган эди. Айрим икир-чикирларини ниҳоясига етказиш қолди холос – бу билан Мюллер шугулланади.

Вольф бункердан тайёргарлик кўрмай, ҳеч қандай таклифсиз Даллеснинг ҳузурига бориш ва рейхнинг Шимолий Италиядаги барча қўшинларининг гар-

бий иттифоқчиларга таслим бўлиши ҳақидаги матнини олиб келиш ҳақида буйруқ олди; буйруқ очиқ матн билан юборилди, руслар бундан тезда хабардор бўлишлари лозим эди.

Руслар бундан тезда огоҳ бўлишди...

Беш кундан кейин Трумэн ўзининг «сояки хонаси»-ни тўплаб, Рузвельт билан бирга Вашингтонга келган етакчи министрларни яқин вақт ичидаги лавозимларидан бўшатиш истагида эканини билдириди.

У яна ўзига яқинлашмоқчи бўлганларнинг номларини ҳам айтди.

– Иккита асосий номзод, албатта, сўллар орасида фулгула пайдо қиласди, – деди Трумэн. – Мен Даллес билан Форрестолни назарда тутяпман, лекин Европа ва Осиёда тўплар садоси тинганидан кейин қаттиқ сиёsat ўtkазиш учун айни шу одамлар керак бўлади.

У нима деяёттанини биларди: Даллес ҳам, Форрестол ҳам Гитлер ҳокимият тепасига келиши арафасида немис саноатини маблағ билан таъминлашга изчил ҳамкорлик қилган америка сиёsatчилари эди; Форрестол немисларнинг “Ферайнингте штальверке” пўлат трестига Уолл-стрит капиталининг сарфланишида кўмаклашди; айни шу уюшма Гиммлерга ССни барпо этиш учун маблағ ажратиб берди. Даллес нацистлар банкири Шредернинг фақатгина шериги эмасди, у Германияга бир неча юз миллион долларлик маблағни қарзга берди ва гитлерчиларнинг концлагерларида тажриба ўтказаётган «Фарбениндустри» уюшмасига Америка ўз филиалларини очишда кўмаклашди. Гитлер кетади, аммо уни яратганлар қолишади. Янги одамлар излашнинг ҳожати йўқ – икки янги дўстдан битта эски дўст яхши.

Трумэн ўзи Миссури штатида сенатор бўлган пайтада қўл остида ишлаганларнинг ҳаммасини Оқ уйга

бошлаб келди. Полковник Воганни у ўзининг адъютанти қилиб олиб, унга генераллик унвонини берди. Янги президентнинг шахсий врачи Канзас-ситидан чақиритириб келинган куниёқ унга генераллик инъом этилди; президентнинг энг яқин дўсти нефть қироли Эдвин Поули Фарбий соҳил бизнесчилари олами билан алоқани амалга оширишга киришди.

«Миссури бандаси»га – унинг бу «сояки хонаси»ни халқ орасида шундай аташарди – аъзолардан бири ҳукуматдаги бу тоифадаги оғмачилик Рузвелт тутган йўлдан чекиниш сифатида талқин этилиши муқаррар эканини айтганда, янги президент афсуслангандек афтини бужмайтириб деди:

– Ҳар бир президент ўз ҳолиша иш юритиш ҳуқуқига эга. Агар сўл томондан хуруж қилишса, сиёсий майдонимизнинг ўнг чеккасига суюниб оламиз. Рузвелтнинг Москва билан тилёғламалик қилгани меъдага текканди. Сталинга ўз ўрнини кўрсатиб қўйиш вақти келди, ўз коммунистларимизнинг танобини тортиб қўйиш керак. Улар фронтда ўз ишларини бажариб бўлишган – етар, энди четга чиқишин.

Жон Эдгар Гувер антифашист ташкилотлари, айниқса, русларнинг гитлерчиларга қарши курашдаги мардлик ва жасоратидан ошкора завқланаётган ташкилотлар билан самимий муносабатда бўлган ва бўлаётганларнинг ҳаммасига қарши иш бошлашга етти кундан кейин рухсат олди.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ (Максим Максимович Исаев) – III

Штирлиц қонга беланиб беҳузур, ярим ҳушсиз ётарди. Аъзои бадани худди бегонаникideк беҳол, ҳатто бармогини қимиrlатгудек бўлса ҳам бошида қаттиқ оғриқ туриб, юзи қора терга ботиб кетарди, тили шишиб, қуруқшаб қолган, нафас олишга халақит беради. Лекин энг даҳшатлиси шундан иборат эдики, у диққат-эътиборини жамломай қолганди, бирон нимани фикрлай олмасди, фикрлари қоғоз ип каби чирт узилиб кетарди ва бир дақиқа илгари хаёлига келганини ҳам эслолмасди.

«Мажбур қил, – деди у ўзига босиқлик билан, – мажбур қил, – такрорлади. – Мажбур қил... Бу нима дегани? Нега? Нега бу сўзни эслаб қолдим? Шундоғам нуқул ўзимни мажбур қилиб келяпман, мен бундан безор бўлиб кетдим... Йўқ, – эътиroz қилди у, – сен ўзингни мажбур қилишинг керак ва шундай қилоласан... Қани, мажбур қил.... Нима деяпман ўзи? – ўйлади энди ваҳимага тушиб, негаки у ўзини нимага мажбур қилиши лозимлиги ҳақида фикр пайдо қилганди. – Қани, эслаб кўр. Эсла. Ўзингни эслашга мажбур қил... Э ҳа, ўзимга қимматли бўлган нарсани эслашга ўзими мажбур қилмоқчи эдим... Шунда тизмалар бошлиниади, у эса тоғда пишиқ арқон каби... Қанақа тоғ? – ўзи ҳам тушунмади. – Тоғнинг нима алоқаси бор? Ҳа, дадам мени Сен-Готардга олиб келгани ёдимга тушган бўлса керак; ўшанда куз эди, одамлар йўқ, фақат тоғ тизмасида тиниқ садолар ҳукмрон, пода боқилмоқда, сигирларнинг бўйинларида қўнгироқчалар. Уларнинг жаранг-журунги ниҳоятда ажойиб, бунақаси янги йил арафасида бўлади, ҳали ўзинг кичкинсан-у, эрталаб уйгониб анчагача кўзингни очмайсан, негаки даданг сенга нимани совғага беришини орзу

қиласан... Лекин мен дадамнинг исмини Мюллерга айтмадим шекилли? – ўзидан сўради қўрқиб кетиб. – Мен ҳеч қанақанги Исаев эмас, балки Сева Владимиров эканимни, дадам Сибирда дафн этилгани, уни Мюллер каби одамлар, аммо руслар ўлдирганини унга айтганим йўқ. Хўш, унга буни айтган бўлсам, нима бўлади? Ёмон бўлади. Дадамнинг хотирасига ҳатто ер билан ҳам тегиб ўтишга унинг ҳақи йўқ... У ҳали яна буларни билиб олиб, уни менга қарши ишлатади, Марказга телеграмма йўллаб Сева Владимиров ҳам масига рози эканини хабар қилади. Мен Владимиров эканимни у ердагилар билишармиди? У ерда Исаевни атиги уч киши билади. Кўряпсанми, сен ўзингни мажбур қилдинг, ўзингни ўйлашга мажбур қилдинг, фақат мудраб қолма, кейин қийин бўлади, каллангда ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетади, буниси даҳшатли бўлади. «Ақл-хушдан бўлгунча жудо, менга афзал тўрваю асо...» Буни ким ёзган? Мажбур қил, – зўр қийинчилик билан ўзига буюрди у, – эслаб кўр, ёдинга бўлиши керак... Пушкин ёзган! Буни унутиб бўларканми? Пушкиннинг ташрифномаси қанчалик гўзал эди, бу ерда эса унга барча лавозимлари, унвони, мукофотлар миқдори, жаноб профессор, шифокор, рицарлик хочи кавалери, штурмбанфюрер Менгеле, дипломли врач-терапевт экани ёзилади. Лекин фақат биргина «жаллод» сўзи ёзилиши керак эди... Пушкиннинг ташрифномасида эса шунчаки «Пушкин» деб ёзиб қўйилган. Бу ташрифнома қанчалик гўзал – унда қабиҳликнинг инкор этилиши, ўз қадр-қиймати қандай экани, шахсиятини қанчалик ҳис этиши яққол намоён бўлиб турибди... Пушкин... Сабр қил, Максим... Сабр қил... Нега тоғларни эслаб қолувдинг? Ҳа, эсимга тушди – Сен-Готард, Шайтон кўприк, Суворов, афсонавий паҳлавон... Гумбур-гумбур отишмалар негадир эшитилмай қолди-я... – тўй-

сатдан уни ваҳима босди. – Венкнинг танклари ёриб ўтган бўлса-я? Ёки Шернернинг ССчилари? Ё Даллес Гиммлер билан тил биритирдимикан?»

Штириц каравотдан ағдарилаётib бошига даҳшат тушганидан бери биринчи марта елқасининг мус-куллар юкини ҳис этди. Оёқлари пўлат ҳалқа билан боғлангани, қўллари эса орқасига қайириб қўйилгани учун ўша ондаёқ гумбурлаб ерга тушди...

«Мен тирикман, – дея такрорлади ўзига у. – Сен тириксан, чунки оғриқни ҳис қиляпсан. Тизма тоғлар ҳақида эса шунинг учун ҳам ўзингни эслашга мажбур қилдингки, унда тоғдаги арқонда юргандек эркинлик баҳтга етиб олиш, худди Оберзальцбергдаги каби узоқдаги манзара кўзга яққол ташланадиган чўққига кўтарилиш мумкин. Ялангликдаги уйлар гугурт қутисидан ҳам кичик туюлади, шу боисдан олам улкан ва осойишта кўришда бўлади, сен эса қопчиқдан нон, колбаса, пишлоқ, қаҳвали термосни олиб зиёфатни бошлаб юборасан... Тўхта-чи, юксак баҳт тепадан туриб оламни кузатишдан иборат эмас, бунда аллақандай такабурлик ифодаси бор. Йўқ, ялангликда, одамлар орасида яшаб, ўзингга олий даражада лаззат багишлайдиган юксакликка ҳаёлан кўтарилсанг – шуни ўзи баҳт... У сенга тирик қолища куч ато эта-ди... Тўхта, тўхта, улар мени калтаклаётганда бирги-на исм ёдимга тушганди... Мен бу исмни афсун каби такрорлайвердим. Қанақа исм эди? Ўзингни мажбур қил, сен ўзингни мажбур қилоласан, ўзингга эрк бер-ма, оғриқ – ҳаёт, оғриққа тўнкашнинг ҳожати йўқ, сен ўша исмни эслашинг керак...»

Ёнгинада бомба портлади; бир нималар қирсиллаб кетди; ойналарнинг чил-чил сингани эшитилди.

«Сирин! – ёдига тушганидан қувониб кетди Штириц. – Улар сени калтаклаётганда, қўлларинг кишанда бўлган пайтда, ҳеч чорасини тополмаётганингда

мана шу исмга тиш-тирногинг билан ёпишиб олдинг, бу чора Сирин эди, сен унга маҳкам ёпишиб олдинг, улар юзингга мушт туширгани учун эмас, балки оғзингни бир дақиқа бўлса ҳам очмаслик мақсадида тишингни тишингга қўйиб турдинг, акс ҳолда ўша ондаёқ расво бўлардинг... Сирин ким бўлдийкин? Бу исм қаёқдан пайдо бўлди? Тўхта-чи, ахир бу сурялик маърифатчи Ефрем-ку... Рус элига Суриядан келгани учун фамилияси Сирин бўлиб қолганди... У нима деган эди-я? Кунларни қувиб кунлар ўтади, хаёлинга келмаган бир пайтда тепангда ўлим кутиб турган бўлади... Қани ўша, ўзининг ёзувлари билан оламни тўлдириб юборган донишмандлар? Қани ўша, ўз ижодиёти билан оламни ҳайратга солган, билимдонлиги билан мафтун этган донишмандлар? Қани ўша, қимматбаҳо уст-бошлари билан фаҳрланган ва қирмизи ложалардан бери келмайдиганлар? Қани ўша, ўзининг гўзал қиёфаси билан кишини ҳайратга солувчилар? Қани ўша, дур-гавҳарлар безаган қўллар? Қани ўша, ўз амри билан борлиқни ларзага солган ва салоҳиятининг ваҳимаси билан ер юзини таслим этган жаҳонгир? Заминдан сўраб боқ, у сенга ўшаларнинг қаерда дафн этилганини айтиб беради... Ана, уларнинг ҳаммаси ер қаърида ётиби, ҳаммаси хок бўлиб қолган... Улар мени азоблашаётганда, мана, кимларни ёдга олиб турдим, қийноққа чидаш бердим, раҳмат сенга сурялик Ефрем, раҳмат сенга, инсон руҳи... Раҳмат... Сен-Готардни ҳам мен бекорга эслаганим йўқ, бунинг боиси шундаки, даданг Сирин билан Никон Черногорец ёзишмалари китобини, ҳа айни ўша китобни олакелганди... Биз тунаб қолган пансионатда жаҳлдор бека борлиги ёдингдами? Гирт алвастининг ўзгинаси, соchlари олатароқ, салом берсанг – алик олмайди, бунақаси Швейцарияда камёб; одатда бу ердагилар кўнгилчан бўлишади, чунки тоғда яшашади, тоғда

эса ёвузликка ўрин йўқ; ўшанда дадам Сирин асарини ўқиб берганди, яна қотиб кулганди... Бу қанақаси? Энг ўткир иблисона қурол ҳисобланган айёр хотин тақлидига хос йиртқич йўқ дунёда... Баттол одамлар ҳам, агар уларни эркаласангиз, беозор бўлиб қолади, шер ва йўлбарслар ҳам одамга ўрганса, ювошлишиб қолишади; аммо айёр ва сурбет хотин, агар уни ҳақорат қилишса, жаҳл отига миниб олади, эркаласангиз – боши осмонга етади... Дадам ўшандаёқ Ефрем Сириннинг фикрини синааб кўришни таклиф қилди ва биз биринчи қаватга тушиб, қаҳва келтиришни буюрдик-да, алвастига унинг пансионати қанчалик яхши, деразаси очиб қўйилган хонада пар ёстиқча бош қўйиб ухлаш қанчалик роҳат эканини айтдик, у бўлса, ҳамма хоналарни иситолмаслигини, кундузи маҳаллий ҳаводан тўйиб нафас олмагандек, кечаси деразани очиб ухлашдек лаънати немисча одат борлиги ҳақида тўнғиллаб қўйди... Шунда дадам менга кўзини қисиб: «Агар эркаласангиз – боши осмонга етади», деб тақрорлади... Мен Сиринни охирги марта рейхстагга ўт қўйилганда эслагандим: ўшанда Гейдрих РСХА олтинчи бўлимини тўплаб, – унинг гапларини тинглаш учун келганларнинг деярли ҳаммаси бир кун аввал маҳсус топшириқни бажаришга сафарбар қилинган ва фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳақидағи қонун олдиндан босилиб, социал-демократларни ҳибсга олишни бошлаб юборувчиларга тарқатилган бўлса ҳам – ростакам кўз ёшларини тўкиб, герман халқига муқаддас ҳисобланган рейхга қўл кўтарган большевиклар жинояти ҳақида гапирганди. Штирлиц ўшанда ўт қўйишни айни ўзи режалаштирган, эндиликда эса германларнинг муқаддас биносини ёндиришгани учун ўкириб йиглаётган бу одам ёлғон билан ҳақиқатни ичига қандай сифдиришини тушунолмаганди.

Штирлиц уйига қайтиб келиб – ўшанда Шарлоттенбургда, күпприк ортида, «бурга бозор»нинг рўпасида истиқомат қиласади – ўзига яшашга, рус тилига куч багишловчи нажоткорлик хотираасига яна берилгач, айнан Сириннинг ўзини эслади ва дамашқлилек шўх православ руҳонийисининг ижодидан қойилмақом қилиб парча ўқиб берган дадасининг овозини эшигандек бўлди... Бутун олам саросимага тушиб, одамлар яшириниб олиш учун тоққа югураётганини, бир хиллари очлиқдан ўлаётганини, бошқалари ташналиқдан мум каби эриб кетаётганини кўрган қайси бир киши ёвузликнинг васвасасига қарши туролади? Одамлар кўзга ёш олиб: «Ер юзининг қаерида ҳақиқат сўзлари бор?» дея бир-бирларидан суриштиришади. Ва: «Ҳеч қаерда!» деган жавобни эшитишади. Шунда кўпчилик: «Сен бизнинг халоскоримизсан!» дея золимга таъзим қиласади. Бу сурбет эса шунда ҳокимликни қабул қилиб олиб, «Сизларнинг баҳтингизга буюк ҳукмрон намоён бўлди!» дея жар солиш учун ўз иблисларини чор атрофга йўллади. Унга тобелар йиртқич қиёфасида юришади, фақат шундагина овқат ва бошқа зарурий эҳтиёжларини олишлари мумкин... Ўзларига жалб этмоқ учун: «Сизлардан совға-салом олмайман ёвузликни мутлақо ёқтирумайман», деб ҳийла ишлатишади. Шунда кўпгина табақалар унинг саховатини кўриб ҳукмрон деб эълон қилишади... Шунда ёвуз томошабинларнинг кўз ўнгидага тоғларнинг ўрнини алмаштиради, денгиз тубидан оролларни чақиради, аммо булар алданиш бўлади, негаки, одамлар ўзларига емиш топишолмайди, золим назоратчилар ҳамма жойда ҳозир-нозир туришади; гўдаклар оналар қўлида жон беришади, йўлларда ётган мурдалардан бадбўй ҳид тарқалади...»

«Машинадан отилиб чиққанимизда бадбўй ҳид димоқча урилганди, – Линц – Берлин йўлини эслади

Штириц, – чунки йўл чеккаларида ўликлар ётарди, уларни дафн этиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди, ҳамма ўзи билан ўзи овора эди, бироқ алқасоси миналҳақ – интиқом соати рейхстагга ўт қўйишгандамас, менинг ўртоқларимни қамоқча ташлашган пайтда эмас, балки даҳшат билан ўтган ўн икки йилдан сўнг юз берди; биз ўзимизни ўзимиз намоён этадиган ўша сирли субстанция бўлмиш вақтнинг бепарволигини қаранг. Ҳақиқат ахийри юзага чиқади ёки умуман намоён бўлмай ётаверади.

– Ҳей, – деб қичқирди Штириц ва ўзини танимай қолди; овози хириллаб чиқди. Овозига бир нима бўлганга ўхшайди. «Товуш чиқарувчи томирларни жароҳатлаб бўлмайди-ку, – ўйлади ўзича у, – шунчаки мен оғриқдан бақириб юбормаслик учун ўзимни тутиб турдим – акс ҳолда азоб чекаётганимни томоша қилиш баҳтига мусассар бўлишарди, шундай бўлишини жудаям исташарди, аммо бундай баҳтдан уларни маҳрум этдим, овозимни чиқармай додладим ва шу боисдан томогимга алланима ёпишиб қолди. Ўтиб кетади». – Ҳей! – Яна хириллади-ю, овозини ҳеч ким эшиитмаслигини фаҳмлади; лекин ўрнидан туриши ва ўзининг мавжудлигини ҳис этиши лозим эди. Балки оёғини майиб қилишгани сабабли ўрнидан қўзгалолмаётгандир, юролмаётгандир, тезроқ бу ерга келишақолсин, уни ҳожатхонага олиб боришин; Мюллер мени ҳеч қаёқча чиқармасликни буюрган ёки «меҳрибон» шифокор кейинчалик менинг устимда ишлиши осон кўчиши учун қимир этмай ётишим лозимлигини уқдирган бўлиши мумкин. Улар ҳеч нарсани яширмай, «у ишляяпти!» дейишади. «Иш» деган ажойиб сўзни булғатишаپти-я, аплаҳлар! Биргина мана шу сўзни булғатган бўлишса майли эди-я! Улар қанча-қанча ажойиб ўртоқлар тилга олиб ҳалок бўлган сўзларни булғатишиди.

– Хўш нима дейсан? – сўради Вилли эшикни қия очиб. Штирицга у эшиқдан нари кетмагандек туюлди яна.

– Ҳожатхонага олиб бор.

– Ётган жойингда бажаравер, – худди аккиллаётгандек деди ғалати қулиб Вилли. – Бирпасда қуриб қолади, энди аёз бўлмайди, олди баҳор...

«У ҳеч ниманинг фаҳмига бормаяпти. Гирт маст, – сезиб қолди Штириц. – Улар нуқул ичишяпти. Кўрқоқлар доим шунаقا қилишади. Улар тўдаланиб қолганда ва бирор хўжайинлик қилганда сурбет бўлишади, ёлгиз қолишдими, уларни ваҳима босади ва шу боисдан бетўхтов конъяк ичишади».

– Ҳали қараб тур, Вилли, – дея хириллади Штириц. – Агар Мюллэр буюрса, сен, ит, мени отиб ташлашинг мумкин-у, буниси қоидага тўғри келарди, лекин у мени заруратга олиб бормасликни буюриши мумкин эмас...

Вилли унинг ёнига келди-да, («Мўлжалим тўғри чиқди, – деб ўйлади Штириц, – унинг нозик жойини топибман, шефнинг қаршисида у даҳшатга тушади»), қўлидаги кишанни ва оёғидаги пўлат ҳалқани ечиб, стулга ўтирди.

– Қани, бора қол, – деди у.

Штириц ўрнидан турмоқчи бўлувди, ўша ондаёқ ииқилиб тушди, лекин аъзои бадани мавжудлигини ҳис этмади: оғриқ яна йўқолганди. Боши айланиб кўнгли айниди.

Вилли қулиб қўйди. Яна снаряд портлади – энди яқинроқда портлади. Уй силкиниб кетди; Вилли гандираклаб ўрнидан турди-да, Штирицга яқинлашиб этиги билан унинг қонли башарасига тепди.

– Тур ўрнингдан!

– Раҳмат, – деб жавоб қилди Штириц, чунки у яна оғриқни ҳис этганди. «Раҳмат сенга, Вилли, ёвузлик

эзгуликни ҳосил қиласи, буниси аниқ, ўзимдан қиёс қилиб айтяпман, ишонмаслик мумкин эмас. Ҳар ҳолда тажриба бор. Ох, бутун аъзои баданим қақшаб оғрияпти! Худди афти башарам йўқдек, худди иссиқ компресс қўйилгандек бўляпти; акс ҳолда нега кўзимни очиш қийин бўляпти? Балки шифокор уларнинг юзини бошقا кўрмаслигим учун қовогимга укол қилдимикин? Уларни бари бир бир умрга эслаб қоламан... Умр ҳақида сабр қил... Ҳожати йўқ... У қовогимга укол қилиб ўтиргаган бўларди, улар шунчаки кўзларимни сигарет билан куйдирган бўлишарди – бундан осони йўқ. Демак, ҳозирча менинг кўзларим уларга керак...»

...У оҳиста ўрнидан турди, қўллари қалтираб кетди, аммо «Мажбур қил!» деган халоскор сўзни нуқул ўзича такрорларди. Штирлиц қон туририб йўталди-да, ўзининг аввалги овози билан деди:

– Кетдик...

– Сабр қил, – жавоб берди Вилли ва йўлакни кўздан кечириб қичқирди: – Кимда-ким ишини тугатмаган бўлса дамини чиқармасин! Мен ёлғиз эмасман!

Штирлиц йиқилиб тушмаслик учун шишиб кетган бармоқлари билан деворни ушлаган ҳолда гандиралаб бораради. Қизил чарм қопланган эшик ёнида тўхтаб яна қон турири, қоннинг кўкиш гул тасвири оппоқ қоғозга ёйилишини кўриб мамнун бўлди. Бундай исқиртлик немисларнинг қалбини жароҳатлади. Ҳозир урса керак. Дарҳақиқат, Вилли унинг бошига туширди. Штирлиц ҳушидан кетиб йиқилди...

...Мюллер ўзига Шелленберг тортиқ қилган доридан яна иккитасини истеъмол қилиб, шошилганча кийина бошлади. Тамом. Ҳаммаси тугади. Мана, оқибати. Эсизгина Ойген. Виллига ҳам ачинаман, ҳаммасидан кўра Гешкега ачинаман, ақлли йигит, лекин уларга кетишга ижозат берилса – унда бутун тоат-ибодат бир пул бўлади. Штирлиц – бошқача одам, у

хўракка учмайди, бунинг устига Москвада ҳам бақувват одамлар ўтиришибди, пихини ёрган одамлар. Уларга шунчайин бир одамни тиқишириб бўлмайди... Русларнинг отишма садолари остида ОДЕСС сўқмоги бўйлаб қуён бўлмасидан илгари ўзининг асосий ўйинини яқунлаш учун ўзига содиқ бўлган ана шу идрокли йигитларни қурбон қилиши мумкин, Мюллер уларни қурбонликка топшириши керак, вассалом, – унинг ҳийла-найранги ана шунга мўлжалланган... Агар бомба тушиб ўйни ҳатто Штирлиц билан бирга қўшиб портлатганда ҳам, у ерда тўпланган ҳужжатларнинг ўзи инобатга ўтади. Улар Штирлицни излашади ва уни қийноқча солинган, қонга беланганд ҳолда топишади. Худди ана шу ўзларига содиқ одамнинг ўлим олдидаги мактуби бўлади, улар Мюллernинг сохта ахборотига лақча тушишади, унга ишонишади ва шунда у, Мюллер, айни унинг ўзи шундай қиласиди, оқибатда Москвада қон тўклилади, ниҳоятда кўп қон тўклилади, қон тўклилаётганда унинг иши юришиб кетади; қон тугаса – куч-қувват йўқолади, куч-қувват йўқолдими – ҳаммаси адои тамом бўлади...

Мюллер телефон гўшагини қулогига тутиб, рақамларни терди-да, таниш овозни эшилди; ОДЕССнинг бу таянч нуқтаси жойида; фақат бешинчи абонент жавоб бермади: снаряд тушган бўлса керак. Олтинчи билан еттинчидаги кутишяпти. Ҳаммаси жойида, лекин Борман қаерда қолдийкин?

Европанинг барча мамлакатларидан ташиб келтирилган сурат, икона ва ҳайкалтарошлиқ асарлари сақланаётган Альт Аусзеедаги штолъяни портлатиш ҳақидаги буйруқни Геббелъс жўнатганди. Кейинги соатларда юз берган тўс-тўполон оқибатида Борман бундан бехабар қолганди.

...Тунги ичкиликбозлик базмидан кейин Кальтенбрүннер зўрга ўзига келди. Кўзини очиши биланоқ кимдир ҳозир қўлидан тутиб қолишини кутгандек атрофга қўрқа-писа қараб қўйиб, бир қадаҳ конъякни бўшатди. Энг арzon, аччиққина «Каро» сигаретини (илгари ҳамма вақт бу билан ўзини кўз-кўз қиласади) олиб чекди. Ана шундан кейингина кийиниб, котиблар ишлаётган хонага чиқди. Берлиндан олинган сўнгги янгиликлар билан қизиқди, у ҳамон – қалбининг энг тубида – мўъжиза рўй беришини кутарди.

Худди шу ерда, эрта тонгда унга Геббельснинг номасини беришди.

– Аусзеени портлатувчилар командаси қаерда? – сўради Кальтенбрүннер ва яна ўзига бир қадаҳ конъяк қўйди. – Мени улар билан уланг.

Кальтенбрүннер билан бирга Берлиндан яқингинада келган ва бу ердаги вазиятни ҳали ўрганиб олишга улгурмаган котиб рақамни суриштириб келишини айтди: у алоҳида маҳсус рақам; портлатувчилар эса ниҳоятда сир тутилади, хуфя квартирада словакларникига ўхшаш паспорт билан яшашади...

– Мен улаб бераман, обергруппенфюрер, ҳамма ишдан хабардорман, – деди Хётль, у эндиликда Кальтенбрүннердан бир қадам ҳам нари силжимасди. – Ўзингизнинг аппаратингизга улаб бераман. Юринг. – Шундай деб обергруппенфюрер хонасининг эшигини очди.

Бу ерда, улар ёлғиз қолишгач, Хётль кейинги кунларда неча марталаб бўлганидек Штирлицни, унинг хотиржам чеҳрасини, бодомқовоқ қисиқ кўзларини, билинار-билинмас муруватли табассумини, Кальтенбрүннер тузатиб бўлмайдиган ишни қилиб қўймаслиги учун уни қандай қисувга олиш лозимлиги ҳақидаги сўзларини эслаб деди:

– Обергруппенфюрер, сиз портлатувчиларга құнғироқ қилмайсиз.

Кальтенбруннер узун отюзини унга бурди. Қошлари күтарилиб, кичкина пешонасини ажин қоплади:

– Нима?!

– Сиз бу ишни қилмайсиз, – тақрорлади Хётль, – ҳеч бўлмаганда шунинг учунки, Американинг Берндаги вакили Аллен Даллес обергруппенфюрер Карл Вольф билан ҳозиргина музокаралар столидан жой олишди, чунки обергруппенфюрер Уфици галереяси суратларини сақлаб қолишга кафолат берди. Даллес сизнинг мардонавор ишингиз ҳақида огоҳ бўлиши учун ҳамма ишни қилишга тайёрман. Сиз Геббелснинг гапига кирмайсиз, сиз омонат бўлмаган маданий бойликларни жаҳон учун сақлаб қоласиз – бу гарбий иттифоқчилар билан бўлажак музокаралар пайтида сизнинг мавқеингизни мустаҳкамлайди, айниқса, Гиммлернинг хиёнатидан кейин... Агар сўзимга кирмасангиз, унда...

– Унда нима бўлади?! Нима?! Мен ҳозир бошқача иш тутаман. Ҳозир сизни отиб ташлашни буюраман...

– Майли, буюраверинг, – жавоб берди Хётль кўз олдидан кетмаётган Штирлицнинг чеҳрасини, милли салқиган, уқубатли кўзларини ўзидан четлатишига уриниб. – Фақат бу билан ўзингизнинг сўнгги имкониятингизни маҳв этган бўласиз... Мендан бошқа ҳеч ким америкаликларга сизнинг олижаноб ишингизни айттолмайди...

– Даллесга бу ҳақда қандай қилиб етказасиз? Нега энди умуман сизнинг гапингизга қулоқ солади, деб ўйлајapsиз?

– Қулоқ солади, – жавоб берди Хётль. – У менга қулоқ соляпти. Сизнинг ижозатингизни олиб, у билан алоқа қилаётганимни Даллесга очиқ айтганман... Бу – сизнинг фойдангиз... Альт Аусзеени қутқариб қолиш

эса сизнинг мавқеингизни янада мустаҳкамлайди... Карл Вольф ҳаммадан олдин бунинг фаҳмига етиб, ҳозир Шимолий Италиядаги чорбоғида америка аскарлари ҳимоясида ҳордиқ чиқаряпти...

– Геббелъснинг телеграммаси нима бўлади? – сўра-ди гарангсиб Кальтенбруннер. – Унга нима деб жавоб бераман?

– Нима, у сизнинг жавобингизни кутяпти, деб ўй-ляяпсизми?

Хётль гўшакни олиб рақамни теришдан аввал яна Штирлицни, унинг: «Кальтенбруннерга нима қилиши лозимлигини ўқтиринг, бунақалар ўз ҳолича бирон нима қилолмайди. Улар ўз пешволари Гитлер томонидан эзib қўйилган, бу уларнинг фожиаси, сизнинг эса қутулиб қолишингиз ана шундан келиб чиқади...» деган сўзини эслади.

– Алло, «Қирғий», – СС портлатувчисининг овозини эшитиб деди: – «Олий»нинг топшириғига биноан «Шунқор» гапиряпти: у кўрсатма бермагунча «Ўпирилиш» операцияси ўтказилмаслиги керак...

«Қирғий» кулиб юборди – у маст эди. Шеригига нимадир деди-да, кейин гўшакни кўтариб бўкирди:

– Қулоқ солинг, «Шунқор», бизда «Ўпирилиш» операциясини ўтказиш ҳақида «Олий»нинг буйргуи бор, агар шахсан ўзи буйруқни бекор қилмаса бу операцияни ўтказаверамиз! Бунинг устига америкаликлар ёнгинамизга келиб қолди... Биз йўлга шайланиб, нарсаларимизни тайёрлаб қўйдик... Ишдан кейин, уни тутгатганимиздан сўнг сизни Альп яйловларига таклиф этамиз, у ерда қўёш нуридан ва соғилмаган сигирлар эҳсонларидан баҳраманд бўламиз...

Гестапочининг ҳозир гўшакни жойига қўйишини сезган Хётль беихтиёр Штирлицга тақлид этиб, унга ҳуруж қилди:

– Менга қулоқ солинг, афтидан, сиз гапимга ту-шунмаганга ўхшайсиз... Ҳозир «Олий»нинг ўзи сизга шахсан буйруқ беради, у телефон ёнида...

Хётль трубкани Кальтенбрүннерга узатди. У бами-соли олмахон усталик билан ёнғоқ чақаётгандек тир-ногини кемираради. Қизариб кетган кўзларини Хётла қадади. Штурмбанфюрер мембрани кафти билан бо-сиб шивирлади:

– Берлиндан маҳсус буйруқ бўлмагунча портлатил-маслиги ҳақида рейхсминистр Гебельсдан шахсий кўрсатма келганини айтинг. Қани, гапиринг!

– Агар у менга итоат қилмаса-чи? – сўради Каль-тенбрүннер ва шунда Хётль ўтган йиллар мобайнида қандай телба ҳокимлик қилганини, қандай одамнинг буйруқларини бажариб келганини, кимга таъзим қилганини, ким уни инсонликка қодир бўлмаган бў-шанг, бирор аҳамияти йўқ, разил, номард кишига, фақат ўзгалар иродасининг ижрочисига айлантирга-нини фаҳмлаб даҳшатга тушди...

– Отиб ташлайман, деб пўписа қилинг, – деди у. – Шунда итоат қиласди.

Кальтенбрүннер гўшакни олиб йўталиб қўйди; РС-ХАда барчага таниш бўлган аккиловчи овозда, венача талаффуз билан кесиб деди:

– Мен «Олий»ман! «Шунқор» сизга айтган кўрсатма сўзсиз бажарилсин! Рейхнинг олий манфаати шуни та-лаб этади! Итоат этилмаса отиб ташланади. Ўзим шахсан буюрмагунимча штолъя портлатилмасин!

...Дарҳақиқат, тасодиф билан қонуниятнинг боғ-лиқлиги янги инсон турмуши диалектик қонунияти-нинг бир кўриниши ҳисобланади.

Штирлицнинг Альт Аусзеега тасодифан сафари, Хётлни таҳлил қилишидаги қонунийлик, нацистлар рейхининг ахлоқи, механикаси соҳасидаги билимига

асосланиб вазият танглигидаги Кальтенбруннернинг хулқ-атворини олдиндан аниқ айтиб бериши, гитлеризмнинг маслаксизлиги ва ибтидоий ахлоқсизлигини чуқур англаши – қонунийлик ва тасодифнинг бу таркибий қисмлари шу нарсага олиб келдики, айни у, совет разведкасининг полковниги, рус зиёлиси Максим Исаев нацистлар ўғирлаб кетган жаҳон маданиятининг хазинаси Альт Аусзее конининг етти юз метр чуқурлиқдаги штолъяларида кўмилиб кетмаслигига ўзининг ҳиссасини қўшди.

ШИША ИДИШДАГИ ЎРГИМЧАКЛАР – III

...30 апрелга ўтар кечаси ҳам Гитлер ўзини ўлди-ролмади. Эрталаб у одатдагидек соат тўққизда конференция залига кириб келди. Соқоли силлиқ олинганди. Шуниси ажабланарлики, қўллари аввалгидан секинроқ қалтиради.

Биринчи бўлиб Берлин мудофаасининг қўмондони генерал Вейдлинг ахборот берди:

– Жанглар Кантштрассе билан Бисмаркштрассе оралиғида давом этмоқда. Курфюрстенда ҳамон вазият кескин... Рус танклари рейхсанцеларияга етти юз метрча яқин келиб қолди... Венк армиясининг шаҳар марказига ёриб ўтишига умидимиз қолмади, фюрер... Мен сизга қайта-қайта мурожаат қилиб содиқ қисмлар сизнинг бункердан чиқишингизни таъминлашига розилик беришингизни ўтиниб сўрайман. Менинг ихтиёrimda Потсдамга ёриб ўтишни ташкил қила оладиган одамлар бор – у ерга етиб олсак бас, Венк билан қўшилиб олишга уриниб кўрамиз...

Гитлернинг жавобини кутмай, Борман савол берди:

– Фюрернинг душман қўлига тушиб қолмаслигига кафиллик бероласизми? Энг даҳшатли фожиа юз бермаслигининг масъулиятини ўз зиммангизга оласизми?

– Бунга тўла кафиллик беролмайман, – лабини қимтаб жавоб берди Ведлинг, – аммо одамларимиз фюрерни қутқариб қолиш йўлида битта қолгунча ҳам жанг қилишади.

Гитлердан садо чиқмади, ифодасиз думалоқ кўзларини дам Борманга, дам Ведлингга қадади.

Ниҳоят Геббелъс ёрдамга келди.

– Генерал, – деди у, – биз қатъий бир жавобни кутяпмиз: сиз, Ведлинг, қамални ёриб ўтиш пайтида фюрернинг ҳаёти хавф остида қолмаслигига шахсан ўзингиз кафиллик бероласизми? У асирга тушиб қолмайдими? Агар шундай воқеа юз бериб қолса, тарих суди олдида сиз жавоб беришингизга тўғри келади, фақат ўзингиз эмас, балки...

– Жаноби Геббелъс, уруш урушлигини қиласди, – деб жавоб қилди Ведлинг, – жанг қонуниятидан ташқари ўқинчли тасодиф омиллари ҳам катта роль ўйнайди...

Борман Гитлернинг аҳволини тушунган ҳолда ачиниш билан унга қараб қўйди. Гитлер аллақандай ғалати жилмайиб оҳиста деди:

– Сиздан миннатдорман, генерал Ведлинг. Менга бўлган садоқат ва ғамхўрлигингиздан мамнунман... Мен шу ерда қоламан...

Фюрер соат иккода ўзининг ошпази Марциали хонимни, шахсий котибаси Гетруд Юнге хонимни, стенографчи Лиза билан Ингеборгни тушликка таклиф қилди; Гитлер эндилиқда Браун эмас, балки эрининг фамилиясига ўтган Ева Гитлернинг оғир биллур қадаҳларга вино қўйишини диққат билан кузатиб ўтирди. Вино кўпириб меҳмонхона саҳар чоги илк аёз совуғини еган узумнинг хушбўй ҳидига тўлди. Бунақангги енгил аёз Венада октябрнинг охирги кунлари туради.

Фюрер шўрвадан тотиб кўриб деди:

– Марциали хоним пазандалик санъатида устаси фаранг бўлиб кетган-да, мана бу қиргичдан ўтказилган сарсабил ниҳоятда гаройиб бўлибди... Ёшлигимда Линцдаги бозорда тоғдек ўолган сабзавотларни томоша қилиб узоқ туриб қоларканман, замин бизга инъом этган табиатнинг бу беадад саховатини мўйқаламим тасвирлашдан ожизлигини ҳис этгандим...

У зиёфат пайтида ўзи гап бошлаганда ҳамманинг қимир этмай эшитишига одатланиб қолганди. Шунача пайтда Борман унинг ҳар бир сўзини берилиб тингларди, гоҳида гугурт қутисидек ён дафтарига худди шундай кичкина қалам билан тез-тез ёзиб қўяди, бироқ ҳозир даврада Борман йўқ эди, Геббелъс, Геринг, Гиммлер, Кейтель, Шпеер ҳам – ўзи кўнишиб қолганларнинг ҳаммаси кўринмасди, қароргоҳда ишлаган йиллари мобайнида биринчи марта тушликка таклиф қилинган котиба қизлар эса сарсабил шўрвасидан танаввул қилишарди, кумуш қошиқларнинг ликопчаларга тиқ-тиқ урилиши унга ниҳоятда ҳурматсизлик, эриш туюлганидан башарасини бужмайтириб, оқ олтин соатидаги гавҳарлар яшнатиб юборган тўқ кулранг костюмли башанг Евага қараб ҳўрсиниб қўйди-да, қовогини уюб жимиб қолди.

Дастурхонга қуён гўшти қиймасидан тайёрланган қовурдоқ тортилиб, Гитлернинг олдига гулкарар билан тухум дўлмаси қўйғанларидан сўнг, у ошхона бурчагида турган каттакон узун соатнинг зангини эшитиб, чўчиб тушди.

Ўша ондаёқ гапга тушиб кетди: сўзлашиш унга ҳозир, шу ерда, мана бу ҳали тирик юрган гўзал, дилрабо аёллар орасида бўлиш имкониятини берувчи најжот ва умид бахш этаётгандек туюларди. Ё тангirim, эркакларга қараганда булар қанчалик мулойим, қанчалик дилкаш, қанчалик содиқ!

– Кеча онам тушимга кирибди, – худди овозини текшираётгандек сал йўталиб гап бошлади Гитлер.

Кейинги кунларда, уколдан кейин унинг овози пасайиб қолганди. Янги врачидан буnung боисини суриштирганди, у тоза ҳавонинг етишмаслиги оқибатида организмда юз берадиган одатий лоҳаслик эканини, хавотирланишга асос йўқлигини айтди. – Онамни Браунау шаҳрида яшаган пайтимиздагидек жудаям ёш кўрдим. Ҳар куни ўзимни кўзга кўринмас соқчилар билан кўрқитган ҳолда эски шаҳар дарвозасидан ўтиб – эҳ бечора қишлоқи болакай-эй – ресторан ва қаҳважоналар ишлаб турган, мусиқа садолари янграётган, қўғирчоқлар каби жиҳдий, тантис, болаларнинг кулгиси эшитилаётган марказий майдонга келиб қолардим... Мен уларга қараб туриб ўзимнинг кийилавериб тўзиб кетган бошмоғимдан ва эски, калта камзулда гариф бўлиб туюлганимдан уялиб кетардим. Мен ҳаётидан беҳад қувониб гул-гул яшнаётганларга нисбатан беҳад нафратланаётганимни сезардим, чунки...

Гитлер яна хўмрайиб олди, чунки бу узун жумлани нимадан бошлагани ва нимага бағишилганини унугиб қўйганди. У зўр қийинчилик билан биринчи жумлани эслади-ю, аммо аёлларнинг бемалол овқатланаётганини кўриб, шунчалик алам қилдики, йиглаб юборишига сал қолди.

Ева унга эмас, балки конференция залига туташ эшикка қараганини кўргач, Гитлер чўчиб тушиб, бошини елкалари орасига олди – Борман назарида эшик олдида тургандек, ўз важоҳати билан вақт бўлганини, ортиқ кутиш мумкин эмаслигини, миллатга унинг нариги дунёга жўнаши маъқул келишини, бу унинг иши учун курашни давом эттирувчилар қалбига куч-қувват бағишилашини кўрсатиб, фюрернинг гарданига тикилиб тургандек туюлди. Бу ҳаёт қанчалар қўрқинчли, унинг ҳамтовоқлари қанчалик золим, улар буни удалай олишади, ахир, қаттиқ оғриқ бошни ёриб, буюк foялар билан, олий ирқ орзу-умидларининг омухтаси

билан тўла мияси қонли тертга айланадиган йўқлик-ка ўтиш қанчалар даҳшат...

«Йўқ, истамайман, мен бунаقا қилолмайман, аёллар орасида ўтирсам ўзимни хотиржам сезаман, ҳечқиси йўқ, уларнинг бегамлигини кечираман.Faқат гапириб турсам, тирик юрсам бўлгани, чаккага ўқ узилганидан кейинги даҳшатли сокинлик юз бермаса бўлгани. Мен тўппонча тепкисини босолмайман, менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ, ён-атрофимда юрганлар айбдор, улар менга айтиб туришлари мумкин эди, аммо бу сичқонваччалар фақат ўзини, ўз манфаатини ўйлаб, номардларча ғинг дейишмади, эй, тангirim, кимларни ўзимга ошно қилдим-а?!

Ева тўсатдан ўрнидан турганди, Гитлер олазарак бўлиб янада қаттиқ букчайиб олди.

– Азизим, – деди унга мурожаат қилиб Ева ва Гитлер унинг бу муомаласидан хижолат чекиб, секин котибаларга қараб қўйди, аммо ҳеч ким бунга эътибор қилмади – улар вино ичиб, маза қилиб овқат ейишарди, Ева қонуний хотини, унинг шундай дейишга ҳақи бор, нима қипти?! – Мен ҳозир қайтаман, мени кечиринг, синглимга телеграмма юборишни унутиб қўйибман...

– Агар хоин Фегеляйн хусусида бўлса, бир оғиз ҳам ҳамдардлик билдиришга ҳақинг йўқ, – деди Гитлер.

– Азизим, бу фақат иккаламизга тааллуқли, – жавоб берди эшикка етиб қолган Ева.

Гитлер ҳозир Ева шундай иш қиладики, унинг оқибати нажот келтиради, деб ўйлади, у кўринган одамдан мўъжиза кутарди, фақат умид учқуни бўлса бас, фақат орадан дақиқалар, соатлар, кунлар ўтса бас, кейин эса нажот келтирадиган нимадир юз беради, албатта нимадир юз беради...

Ева эса радиорубкага бориб, Оберзальцбергдаги синглисига: «Илтимос, тезда менинг кундалигимни

йўқ қил!» деган мазмунда телеграмма жўнатишни илтимос қилди.

У нима қилаётганини биларди. У ўттиз бешинчи йилда, Гитлер билан ошиқ-маъшуқлиги эндиғина бошланган пайтдан бери кундалик тутганди. Гитлер Еваникига келиб унга уй совға қилмоқчи эканини айтган февраль кунларидан бири кундаликда баён қилинганди. Қандай баҳтиёрлик айёми эди ўша кун! У Геббелльсникига, ўша ярамас қўшмачиникига жўнаб кетиб, ўша ерда кўп вақтини хўппасемиз Макс Шмеллингнинг хотини, ашулачи Ондра билан ўтказганда Ева рашқдан жинни бўлаёзганини таърифлаганди... Ева уни ўшанда қаттиқ севиб қолганди, чунки Гитлер у учратган биринчи эркак эди... Гитлерга мактуб йўллаб, агар у жавоб ёзмаса кўп миқдорда уйқу дори ичмоқчи бўлган ўша пайлар қанчалик даҳшат! Мактубни кутиб тунларни бедор ўтказди, ўша кунлари не-не хаёлларга борди! Ўзи ёзган хат Гитлер фифон бўлиб турган пайтда етиб борса-чи, аслида унга хат ёзмагани маъқул эдими... «Эй, худойим, у билан гаплашишимга ёрдам қил, акс ҳолда эртага кеч бўлади...» – дерди ўшанда шивирлаб ва бирин-кетин ўттиз бешта уйқу дорисини ичганди...

Ева Гитлер синглисига ёзган телеграммани эфирга йўллаётган радиостнинг ёнида ўтириб, шифокор ошқозонини ювиб бўлганидан кейин бошидан кечирган мусибат ва аламларни эслади: ўшанда кўзи илингнанда жудаям роҳат қилганди, аввалига майин куй эшитилиб, сўнг хотиржам осойишталик бошланганди...

...Гитлер яна рўпарасида турган одамлар сафини айланиб чиқди, яна сипогина миннатдорчилик билдириди, ҳар бирининг қўлини қисиб, яна бир нимани излагандек одамлар кўзига тикилди ва яна бошقا

хоналардан эшитилаётган шовқинга қулоқ тутди; хоналарда кулги, күй садолари, шампан тиқинининг пақиллаб отилгани эшитиларди...

У хона эшигини ёпар экан, йўлакда нимадир та-рақлаб кетди.

– Ким?! – чўчиб сўради Гитлер. – Ким у?

– Мен, – жавоб берди Борман. – Ёнингизда туриб-ман, менинг фюрерим...

У Геббелс билан бирга дахлизда турарди. Ўзи билан олиб келган бензинли канистр тарақлаб кетганди. Геббелсни титроқ босди. Юзи сарғайиб, чакка-лари оқариб кетди.

Ева креслода ўтириб, хотиржамлик билан заҳарни олди. Заҳар жойланган найчани тиши билан синдириб ўзини сал орқага ташлади, қўллари эса шалвираб осилиб қолди.

Гитлер ўзича нималарнидир мингиллаб анча пайтгача мурда атрофида юрди, кейин Еванинг юзига шапиллатиб уриб қўйди-да, тўппончасининг оғзини ўзининг томоғига тўғрилади.

Уни қўрқув босди.

«Йўқ, – деди у шивирлаб, – йўқ, йўқ, истамайман! Бу ёлгон! Истамайман! Мени уйгонишга мажбур қи-лишлари керак, мана, уйгоняпман, онажон!..»

Кейин эса калласидаги бутун хаёллар чигаллашиб кетди-ю, у нималарнидир мингиллаб Ева ётган кресло атрофида гир-гир айланади...

Борман соатига қараб қўйди. Йигирма дақиқа ўтибди.

У Геббелснинг елкасини силаб қўйди-да, хона-нинг эшигини очди.

Гитлер унга эътибор бермай, Ева ётган кресло атрофидан жиҳдий равиша гир-гир айланарди. Ўнг қўлида тўппонча дастасини маҳкам тутган.

Борман фюрернинг муздек бармоқларини ёзиб, тўппончани олди-да, Гитлернинг гарданига тираф ўқ узди...

...Бир неча дақиқадан кейин хона одамлар билан гавжум бўлиб кетди. Геббелъс ўкириб йиглар, Борман эса уни юпатарди.

Кейин Борман конференция залига Вейдлингни таклиф қилди.

- Ҳар қандай вазиятда ҳам фюрернинг вафоти ҳақида гапиришга ҳақингиз йўқ, – деди унга. – Ҳатто Дениц ҳам буни билмаслиги керак. Тушунарлимис?

Кейин у генерал Кребсни ўз хонасига таклиф қилиб, унга муҳрланган конвертни топширди.

Бу мактубни сиз шахсан маршал Жуковга топширасиз. Сиз қизилларнинг сулҳ ҳақидаги таклифи билан бу ерга қайтиб келасиз, Фюрернинг вафоти Farbda ҳеч кимга маълум эмас. У ерда янги хона таркиби ҳақида ҳеч ким билмайди. Биз Гитлернинг васияти ҳақида фақат русларга хабар қиляпмиз. Бунинг қадрига етмаслик мумкин эмас. Биз ҳали қирқ биринчи йилдаёқ сиз билдирган фикр билан уларнинг истиқболига пешвоз чиқяпмиз. Ўшанда сизга қулоқ солишмаганди. Энди ҳаммаси қўлингизда. Худо ёр бўлсин, генерал, биз қизилларнинг оқилона жавобини кутамиз.

ОҚИБАТ

Мюллер ойна рўпарасида ўйчан ўтириб, ўзининг чехрасига разм солди. Тўп садолари тинмай қолди – шу яқин ўртада жанг бормоқда эди. Жўнаб қолиш керак.

Унинг башараси ҳозир бошқача тус олганди: қулоги ёнида янги тириқ пайдо бўлган, чап юзи гёё контузия оқибатидек сал қийшайиб қолган, иягини оқиш соқол ҳоплаган, калта қирқилган сочи олатароқ. Бўйига номуносиб эски камзулининг чўнтағида Германия коммунистик партиясининг аъзоси, Қизил Армия «OPTС» концентрацион лагеридан озод қилган Вёрнер Дрибс номига берилган ҳужжатлар, иттифоқчи ҳокимлардан унга ёрдам беришлари сўралган илтимоснома бор эди. Маҳбуснинг рақами бўлмиш рақамлар қўлига игна саншиб туширилган.

У тўп отишмаларига қулоқ солиб, ойнадаги ўз акси ни кўздан кечирар экан, Гиммлер унга бригаден-фурерлик белгисини топширган кун ёдига тушди. У Мюнхен гестапосининг эман залида янграган олқишлиарни эшитгандек, дўст ва душманларининг – улар ўрниларидан туриб уни табриклашганди – гулгун чехраларини кўргандек бўлди. Кейинчалик, расмий тантана тугагач, Гиммлер ССнииг янги генералларини зиёфат залига таклиф қилиб, уларнинг саломатлиги учун шампан тўла қадаҳ кўтарганини, Мюллер эса бу масхарабозлик тезроқ тугашини ва Лоттанинг висолига етишиш учун жўнаб кетишни орзу қилганини эслади. Лотта уни севарди – чин қалбдан севишини Мюллер биларди ва шу боисдан унга бутун меҳрини берганди; ўшанда залда табрик нутқлари бошланиб кетди, ҳар ким рейхсфюрернинг олдида ўзини кўрсатишни истарди; Гиммлер эса ўзига тобе одамлар-

нинг гапини эшитишни яхши кўрарди, шу сабабли Мюллэр ўз машинасини маъшуқасининг мўъжазгина уйи олдида тўхтатганда соат ўн бўлганди. Уйда чироқ кўринмасди. «Дилбарим ухлаб қолибди», деб ўйлади у ўзининг калити билан эшикни очаркан; аммо хона бўм-бўш эди...

Лотта Гейдрихнинг айгоқчиси эканини, у ишқ-муҳаббат баҳонасида катта лавозимга тайёр-ланайтган одамнинг ички дунёсини билиб олиши пайида эканини фақат уч йилдан кейингина сезиб қолди. Ё, тангри, роса лақиллатибди-да, аслида ўша севги ўйинини давом эттираверса бўларди, айбини кечирарди, лекин рейхсфюрер унга ҳеч қачон ажралишга ижозат бермаслигини, бу унинг мартабасига путур етказишини тушунтириб қўйишиди, Мюллер эса рейхсфюрернинг ўйнашидан бола кўрганини ва маъшуқасини Мюнхен яқинидаги қасрга қўчириб қўйганини, унга Берлин ва Ванзееда уй-жой қилиб берганини, энг қимматбаҳо автомобиллар сотиб олиб бергаётганини, бригаден-фюрерни эса ҳаётидаги ягона қувончидан маҳрум этганини ўшандаёқ билганди. Буни унутиб бўлармиди?!

Борман қўнғироқ қилиб сўради:

- Алоқа йўлимизни назорат қилиб турибсизми?
- Ҳозирча шундай. Сиз тезроқ қайтасизми?
- Ҳа. Одамларингиз «қирқ еттинчи»ни кузатишияптими?

- Хотиржам бўлинг.

- Мунтазам алоқа қилиб турамиз.

- Шундай бўлиши керак.

Кейин Штирлиц сақланаётган хуфя квартира атрофидаги туманга масъул гестапо бўлинмасидан қўнғироқ қилишди:

- Рус танклари бизга икки километрча яқинлашиб қолишли. «Гитлер-югенд» болакайлари фаустпатронларни ишга солишли, қизиллар тўхтатилди...

- Ташаккур. Барча ҳужжатлар йўқ қилиндими?
- Ҳа, мутлақо.
- Яхши, буйруқни кутинглар.

Мюллер гўшакни жойига оҳиста қўйди ва соатига қаради-ю, ўхшашликдан ҳайрон қолди. «Нега ҳайрон бўляпман, – деб ўйлади у, – иккаламиизда ҳам шунаقا соат бор-ку. Мен ўзимнинг ички соатим чиқиллашини доим эшитиб тураман, жин урсин, нега ҳам Борман билан илакишиб қолдим-а, ахир у худди хўжайинимиз – ўзингни четга олмай қўя қол, сен ҳам ахир ҳиссадор эдинг-да, энди бирордан ўпкалашнинг ҳожати йўқ! Аммо Борман ростанам сўқир, чунки руслар ҳеч маҳал у билан мулоқотда бўлишмайди, буниси аниқ! Бўлишса-чи? Ахир Сталин ўттиз тўққизинчи йилнинг августида, инглизлар сусткашлик қилиб, урушнинг ҳиди келиб қолган пайтда Риббентроп билан музокара стодидан жой олмаганими?! Ҳозир ҳам Геринг ва Гиммлер инглиз-сакслар билан музокара олиб бораёттгани Москвага маълум, Штирлицнинг радиограммалари ҳақида Сталинга ахборот бермаган бўлишлари мумкин эмас. Борман рост айтади, Вольфнинг Берндаги ишларидан Москва хабардор эди – Штирлиц у ерда энг катталар билан алоқа қиласди...

«Йўқ, – ишонч билан такрорлади ўзича Мюллер, – Сталин Борман билан музокара олиб бормайди».

У неча марталаб ўйлаганидек, хато қилганини тушишиб қолди. ОДЕССнинг яширин сўқмоқлари бўйлаб ёлғиз ўзи жўнаб кетиши учун ҳали вақт бор. Бу сўқмоқ Борманга қараганда менга кўпроқ тегишли, албатта партия менга номаълум тармоқларни қўлда тутиб турган бўлса ҳам, бари бир ҳали кеч эмас, ҳали Гарбга ўтиб олинадиган ишончли «дарчалар» бор... Борман бари бир жўнаб қолса-чи? Ёки руслар билан

келишиб олса, унда нима бўлади? Унда куним битади, Борман ҳеч қачон мени кечирмайди, мени бир ёқли қилишади, бу икки карра икки – тўрт, дегандек аниқ гап... Аммо Штириц бажариши шарт бўлган иш менинг энг йирик ютуғим бўлади. Штириц ўзи билан олиб кетадиган ҳужжатларга Сталиннинг ишон-маслиги мумкин эмас, ўзим тўқиган ёлғон-яшиқлар аралашган Гелен ҳақиқати ҳақидаги материаллари ҳар қандай бомбадан кўра даҳшатли. Борманга ваъда қилганларим рост – у Россияда портлаш ҳосил қиласди, шунақанги тўс-тўполон чиқарадики, оқибатда ука-акага душман бўлиб қолади, қон тўқилади, каллалар кетади... Кимсасизлик, ваҳима ҳукмронлик қилса, унда қўшнилар bemalol яшайди, қани ўша кунларга етиб олсайдим, эҳ, яшагим келяпти!»

...Қўнгироқ қилингандан кейин Йозеф Рау ўн дақиқада етиб келди. У Мюллернинг хуфя квартирасидан икки уй нарида чақиравни кутиб турганди.

– Оғайнини, мана бу саквояжни ол, – деди унга Мюллюр, – ичида мина бор... Шунақасини сен Мадридда ишлатувдинг...

– Бураб қўйиладиган кичкинагина нарсаси ҳам бор саквояжми?

Мюллер жилмайиб деди:

– Худди ўшанақа!

У стол тортмасидан япасқи кармонни олиб Рауга узатди.

– Чўнтагингга солиб қўй. Кармонни қаторасига беш марта очиб ёпиш керак, олтинчисида ҳамма нарса кўкка учади... Манзилни эслаб қол...

Рау ён дафтарини чўнтагидан олмоқчи бўлувди, Мюллер бармогини чаккасига нуқиб деди:

– Нима бало, ақлдан оздингми? Йўқ, ҳатто сенинг даражангда бўлган жиноятчилар ҳам бари бир бола-

лигича қоларкан! Мен ҳар эҳтимолга қарши манзилни айтаман, ёдлаб ол, ёзиб олиш мумкин эмас. Ҳовлилардан ўтиб борасан, сенинг бир соат, узоги билан икки соат вақтинг бор...

У манзилни айтди, кейин Рауга икки марта такрорлашни буюрди-да, тахланадиган чүнтак харитасини олиб, унга ўша уй ва күчани кўрсатди, сўнг паролни айтиб, бир неча марта такрорлатди. Паролни «имзо чекинг» сўзи билан якунлашни унутма. Сен учрашадиган йигит – унинг исми Ойген – худди машинанинг ўзи. Сал хато гапириб қўйсанг, у сени тўппончадан ўқ узиб илма-тешик қилиб юборади. Унга саквояжни бериб, Штирлицни ҳожатхонага олиб ўтишини кутиб тур. Штирлиц ёдингдами? Сен унинг уйида ҳайдовчисим Гансни бир ёқлик қилгандинг. Сенга унинг расмини юз марталаб кўрсатгандим. Шундан кейин тезгина чиқиб кетасан-да, ҳеч кимни кутмай, кармонни очиб ёпаверасан. Портлаш юз бериши билан қочиб қол – у ерга руслар яқинлашиб қолган, ҳозирча тўхтатиб туришибди, лекин бу узоққа чўзилмаса керак, ҳаммаси тугади, оғайнис... Кейин ҳеч нарсага аралашмай яшайвер; сенинг хуфя учрашув жойларинг калламда турибди, алоқани кут... Сен мутлақо соф одамсан, худога шукурки, партияда бўлмагансан, иккаламиз юритган ишларнинг қофозларини ёқиб юборганман – шундай бўлгач, ўзингни жафокаш қилиб кўрсатавер, бунақаларни ҳурмат қилишади. Ҳамма нарсага тумшуғингни тиқаверма, хавфли, лекин қўлингдан келганича русларга ёрдам бер. Келажакда асқотади. Худо ёр бўлсин...

Содир бўладиган воқеаларнинг ҳаммасини қўшни йининг деразасидан кузатиб ўтирган Роберт (бу ҳам Мюнхен жиноятчиларидан, айни шу киши Мюллер-

нинг ўғли Фрицни ўлдирганди) хуфя квартиранинг деразасидан қип-қизил аланга гувиллаб чиқиши билан Мюллерга қёнгироқ қилди. Сиқиқ бир куч Ойген гавдасининг юқори қисмини кўчага итқитди. Чап қўли узилиб кетган, фақат калласи ва табрик учун чўзилган ўнг қўл қолган...

...Штирлиц эса гўё олдиндан Мюллер машқ қилдирган ҳаракатларни бажаргандек бўлди.

Портлаш тўлқини ҳожатхона эшигини қўпориб ташлади, уни қўли билан тўсиб қолишга улгурмаганида Штирлиц ҳалок бўлиши турган гап эди – панжалари жонсиз шалпайиб қолди. Қулоғи шангиллаб кетди. У йўлакка чиқди. Куонди ҳиди димоққа урилди. Ҳамма ёқни оҳак чанги қоплаганди. Нафас олиш оғирлашди.

Штирлиц бир нимага қоқилиб кетди, эгилиб қаради: боши мажақланган Вилли оёқ остида ётарди. Штирлиц беихтиёр унинг белидаги парабеллумини олиб чўнтағига солди-да, яқингинада овозлар эшитилган хона томон юрди. Геленning архиви айни шу ерда бўлиши керак. Хонанинг девори қулаб, чанг ҳали тарқаб улгурмаганди. Шунга қарамай, у соғ қолган бир ўнг қўлини олдинга чўзиб тимирскайлайверди. Ниҳоят қўли темирга тегди. «Ҳа, тўғри изляпсан, – деди ўзича, – бу ерда темир сандиқ бўлганди, у очиқ эди, ичида бир пайтлари Мюллер менга кўрсатган саквояжга ўхшаш портфель бўлиши лозим. Ўзимизникиларни шу ерда кутсинмикан? Улар ахир шундоққина ёнида. Шу яқин ўртада жанг бормоқда. Мюллер ўз одамларини юбориб қолса-чи? У ҳамма ишга тайёр, бу материалларни қутқариб қолса бас. Сен кўтартганингча ҳаммасини олишинг керак... Иккита портфель, вассалом. Чап қўлинг ишламаётган бўлса,

бу портфелларни қандай олиб кетасан? Ҳечқиси йўқ, хоҳласанг, тишлаб олиб кетасан. Бир қўлингда кўтариб кетишга уриниб кўр. Ҳа, майли! Албатта, оғирлик қилади, лекин сен уни олакетасан, бу ахир арзимаган юк... Сенинг қулогингдан чўзишгани, дадангнинг исм-шарифи нималигини суриширишгани, кейин эса юзингга тепишгани билан таққослаганда, бу ҳеч гап эмас – ҳозир башарангдаги бу жароҳатлар мастиликдаги муштлашишдан нишона, мана бу чанг-тўзонда эса сен масхарабозга ўхшаб қоласан – немислар масхарабозларнинг юзига оппоқ бўёқ чапланганини ёқтиришади. Шунда бошидаги қизил қалпоқ ниҳоятда кулгили кўринади. Йўқ, темир сандиқда бир нима борга ўхшайди. Югур, тезроқ югур, Максим, сен сандиқ ёнига югуриб боришга ва турган жойингга қайтишга улгуришинг керак, чанг тарқалади, сен қайтиб ҳам келасан, фақат эҳтиёт бўл, шошил, ўзингни тутиб турма, кутиб бўлмайди, Максим, кутиши ни бас қил, югур!»

У маст одам каби гандираклаб зинадан тушди-да, кимсасиз кўчага чиқиб, уйлар ёқалаб отишмалар бўлаётган жойга секин одимлади. Қўли оғир юқдан увушиб қолди, аммо у теварак-атрофда ҳеч нимани ҳис этмай, олдинга эгилган ҳолда борарди, ҳамон боши фувулларди, чаккаси жароҳатлар азобидан дам тиришиб кетар, дам оғриқ қўйворарди, шунда кўз ўнги қоронгилашиб кетарди. У боши айланаётганини сезди-ю, йиқилмасам бўлди, деган хаёл оғушида қолди.

Тор кўчадаги уйнинг рўпарасидан разведка ротасининг сержантини ўн саккиз ёшли Глеб Прошляков доворларни паналаб биқиниб келмоқда эди. У нариги кўчада фаустпатронли ўспиринлар яшириниб ўтирганини биларди. Командир болаларга ачиниб улар-

ни айланиб ўтиш йўлларини қараб келишни Глебга буюрганди... «Майли, яшайверсин мишиқилар. Эндиғина ўн беш ёшга кирган бу болалар нимани ҳам тушунишарди? Уларни йўлдан уришган. Галабадан кейин қайта тарбиялаб оламиз». Сержант оҳиста қадам ташлаб бораркан, мана шу шайтонваччаларни деб ўқса дучор бўлиш ҳеч гап эмас, бу ер ниҳоятда кимсасиз экан, деб ўйларди. «Бир томонда гумбур-гумбур, иккинчи томонда сокинлик бўлишини, ҳеч ёқтирмайман-да, – бу бежиз эмас, ростанам бежиз эмас экан...» Муюлишдан қараб қора формали немис офицерини кўриб қолди. «Қани, кел, кела қол фриц, келавер. Мастга ўхшайди аплаҳ, қўрқувни енгиш учун ичиб олган, портфелида ниманидир олиб келяпти – тилла соат, узуклар бўлса керак. Қани, келавер, яқинроқ, янада берироқ, ҳозир бошингга тушираман...

...Худди шу пайтда Штирлиц ҳам уни сезиб қолди – эгнида гимнастёркаси устидан кийилган чарм камзул, қизил юлдузли пилоткаси чап қошигача суриб қўйилган, этигининг қўнжи сергижим – Иероним Уборевич армиясида қойилмақом рақсга тушувчилар этигини шунаقا қилиб оларди. Йигирма биринчи йилда бўлганди. Фирт олифтагарчиликнинг ўзи. Ўша даврни ҳозирги ёшлар ҳам эслашади, эслаб қолганинг учун раҳмат сенга, аскар. Хотирасиз яшаш мумкин эмас...

Штирлиц қувончдан чеҳраси ёришиб кетганини сезди. Зўрга жилмайди – пешона ва иягидаги жароҳат қонталашиб қолганди: шунга қарамай, у бари бир ўзини кулгидан тиёлмади...

«Тиржайишини қаранг,вой аплаҳ-е, – деб қўйди Прошляков, – башараси қонаб кетибди, газандага ўқ теккан бўлса керак. Турқини кўринг, қаҳр-ғазаб ёғилиб турибди-я, йиртқич фашист...»

Штириц қизил юлдузли пилотка кийган боланинг истиқболига қўлини кўтариб борди. У иккала қўлини кўтармоқчи эди, аммо чап қўли ишламасди – худди новда каби осилиб қолганди. Бир-икки дақиқадан кейин сени бағримга оламан, ўғлим, қадрдоним...

«Портфелида мина бўлса-я, – деган фикрдан даҳшатга тушди Прошляков. – Мутаассиб, балки аллақандай жинни бўлса ажабмас, портфелни оёғим остига итқитса борми, адои тамом деяверинг...»

«Дзин!» – ўқ Прошляковнинг боши узра учеб уйнинг деворига қадалди. «Дзин!»

Прошляков чўккалаб олиб қора кийимли немиснинг, қорнига автоматдан ўқ узди. У нимадир деб қичқирди, Прошляковга у русча гапиргандек туюлди. Яна ўқ узди, қора кийимли эсэсчи эса энтикиб қичқирган ҳолда унинг истиқболига югуради... Ростанам русча бўкирятти,вой аблაҳ-е!

...Прошляков отилган учинчи ўқ овозини эшитмади – у нақ юрагига санчилганди.

...Танкка қарши гуруҳнинг жанговар позициясида соқчилик қилаётган «гитлер-югенд» аъзоси Клавус Борхард рус аскарига ўқ узиди йиқитганидан сўнг ерда қимир этмай ётган штандартенфюер томон шошилди. Уни қўлидан тутиб елкасига олди-да, ҳовлига судраб кириб, ертўлага туширди. Бу ерда, телефон ёнида – еrostи алоқаси узлуксиз ишларди – партия блокфюери партайгеноссе Зиберштейн қимир этмай ўтиради. Ярадорнинг нишон белгисини кўриб, у болаларга қичқирди:

– Штандартенфюерерни ерости йўлларидан команда пунктига олиб боринглар! Тезроқ!

...Команда пунктидаги репродукторда Геббельс-нинг овози янграмоқда эди: «Генерал Венкининг армияси большевиклар истеҳкомини ёриб ўтиб, йўлида учраган ҳамма нарсани яксон қилган ҳолда Берлин томон келмоқда! Галаба онлари яқин!»

Штирлицни ечинтириб ярасини боғлашида, зам билга солиб, еости йўллари бўйлаб марказга жўнатиши: бу ерда сўнгги «дарча» орқали навбатдаги ёриб ўтиш операциясига тайёргарлик кўрилмоқда эди.

Ёриб ўтишга раҳбарлик қилаётган оберштурмбан-фюрер ҳам Штирлицнинг нишон белгисини кўриб қолди. У фуқароча кийиниб олган штандартенфюрер Гаус томон энганиш:

– Бизники экан, – деди.
– Крузе билан боғланинг, – деди Гаус, – ОДЕСС алоқаларига у жавоб беради, ҳозирча мана бу бечорани кийинтириб қўйишишсин...

– У тирик қолмаса керак...
– Ўлганидан кейин шундай дейишининг мумкин, – кескин жавоб қилди Гаус. – Ҳозирча СС одамининг жони бор экан – демак, у тирик!

...Икки соатдан кейин кичик лейтенант Нигматуллин командирлик қилаётган «24 – 9» рақамли «Т – 34» танки Вензеда ўрнашиб олган «гитлер-югенд» болаларининг мудофаасини ёриб ўтиб, русларнинг қўлига тушиши лозим бўлган Гелен-Мюллер «хужжатлари» солинган портфелни занжирли чап филдираги билан эзғилаб ташлади...

Тасодиф қонуниятнинг бир кўринишидир: Қизил Армия Геленнинг қофозларини жигарранг, шаклсиз увоқларга айлантириб, Мюллер режалаштирган фитна тақдирини осонгина ҳал қилди-қўйди.

Саккизинчи гвардиячи қўшин қўмондони Василий Иванович Чуйков одатича гўё ҳар бир сўзни ўлчаёт-гандек секин, шошилмай гапиради. Шу боисдан 1 май куни азонда телефонда унинг жарангдор, равон овозини эшитиб Жуков ҳайрон бўлди – Чуйковнинг овози шунчалик бегона туолганди.

– Ўртоқ маршал, ҳузуримга генерал Кребс келди, – ахборот берди Чуйков. – Элчи сифатида! Ҳозир менга у келтирган мактубни таржима қилиб беришди, ўқийман! “Бизни тарк этган фюнернинг васиятномасига биноан, биз генерал Кребсни қўйидагиларни баён этиш учун вакил қилиб жўнатдик: биз шуни маълум қиласизки, бугун, соат ўн бешдан ўттиз дақиқа ўтганда фюрер ўз хоҳиши билан ҳаётдан кўз юмди. Фюрер қонуний ҳуқуқига кўра, ўзи ёзиг қолдирган васиятномасида бутун ҳокимиётни Дениц, мен ва Борманга топширди. Мен Борманин Сталин билан алоқа ўрнатишга вакил қилдим. Бу алоқа кўп талафот кўрган давлатлар ўртасида тинч музокара олиб бориш учун зарур бўлади. Геббелъс». Ўртоқ маршал, васиятномани ҳам бизга топширди, унда янги ҳукумат аъзоларининг рўйхати бор...

Жуков енгилгина титраб кетганини сезди. У Чуйковга дарров жавоб қилолмади, нафас олишга халақит бераётган томогидаги алланимани ютиб, йўталган ҳолда деди:

– Ҳозир олдингизга Соколовский етиб боради, уни кутиб олинг.

...Армия генерали Василий Данилович Соколовскийни Чуйковнинг ҳузурига жўнатиб бўлиб, Жуков соатига қараб қўйди-да, ВЧ гўшагини қулогига тутиб, телефонни Сталиннинг хонасиға улашларини илтимос қилди.

– Ўртоқ Сталин ҳозиргина ухлади, – деб жавоб берди генерал Власик.

– Илтимос қиласман, уйғотинг, – такрорлади Жуков ҳамон йұталиб. – Зарур ишим бор, эрталабгача кутиш мүмкін эмас...

...Сталин әшик әхтиёткорлик билан секин чертилганини әшитиб чүчиб уйғонди. Каттагина пастак дивандан оқиста бош күтарди – у каравотда ётишни ёқтирмасди, күп йиллардан бери, ҳали яширин ишлаган пайтидан бери пастак жойларда ухлашга одатланып қолғанди. Кескин ҳаракат билан ўрнидан турғанди, юраги ўйнаб кетди. Деразага назар ташлади – зангори осмон әндигина гира-шира ёришиб келмоқда әди; кече разведка бошлиғи айтган воқеа юз берганга ўхшайды, деб ўйлади-да, тезгина кийинди.

...Телефон гүшагини қулогига тутиб бўғиқ оҳангда қисқагина қилиб:

– Stalin әшитади, – деди.

Жуков ҳаяжондан томоғи қичишиб, ахборот берди:

– Ўртоқ Stalin, ҳозиргина рейхсканцелариядан Чуйковнинг ҳузурига элчи келди...

– Генерал Кребсми? – қизиқсинди Олий Бош Қўмондон ва гўё тушунтирмоқчи бўлгандек қўшиб қўйди: – Немис бош штабининг янги бошлиғи...

Сталин штабнинг янги бошлиғи фамилиясини аллақачон билиб олганига дастлаб Жуков эътибор қилмаганди – энди Гитлернинг йўқлиги ҳақидаги янгилик таассуротига берилган әди – шу боисдан Олий Бош Қўмондоннинг саволига жавоб бермай, ўша ондаёқ фюрернинг васиятномаси ва рейхнинг янги канцлери, шифокор Йозеф Геббельснинг унга, Сталинга мурожаатномасини ўқиб берди.

Олий Бош Қўмондон билан алоқа ўрнатиш айни Борманга юқлатилгани Геббельснинг мактубида аниқ кўрсатиб ўтилганига Stalin дарров эътибор берди. Чунки разведка бошлиғи кечаги сұхбатда Берлинда-

ги ўз одамидан олинган маълумотга кўра, шошилинч равишда сулҳ таклиф этадиган одам айни Борман бўлишини айтгани унинг ёдига тушганди.

У «тўқизинчи» деб аталмиш кимсадан олинган маълумотларга шубҳа билан қараб, ортиқ даражада қаттиқ гапириб қўйгани ҳақида ўйлади, кейин киноқўмита раиси Большаков чорбогга келтириб турган кинохроника тасмаларида кўрган Гитлернинг ба-шарасини тасаввур қилиб деди:

– Ахир бошини ебди, муттаҳам! Афсус, уни тирик-лайнин қўлга туширишнинг иложи бўлмади... Мурда-си қаерда?

– Генерал Кребснинг маълум қилишича, – жавоб берди Жуков, – мурда рейхсканцелария ҳовлисида ёқилган гулханда куйдириб ташланган.

Жуковларга Геббелъснинг мурожаатномаси билан фюрернинг васиятномасини ўқиб бераётган пайтда, Сталин телефон аппаратлари қўйилган столча ёнида турарди. У бир оз сукут сақлаб, кейин миясида олдин-дан аниқ ифодаланиб пишиб етилган сўзларни айтди:

– Соколовскийга етказинг, на Кребс билан, на бош-қа гитлерчилар билан сўзсиз таслим бўлишдан ўзга ҳеч қандай музокара олиб бормасин. Агар фавқулодда бирор нима бўлмаса, эрталабгача қўнгироқ қилманг, бир оз дам олмоқчиман... Чарчаганман...

...Кребс рейхсканцеларияга қайтиб келди. Борман билан Геббелъс уни конференция залида кутишарди, Бургдорф ҳам шу ерда эди – ранги бўзариб кетган, кўзлари қизарган, чеҳрасида тарки дунё ифодаси, ла-бида умидли нимтабассум... Ичкиликнинг ҳиди ҳатто атир ҳидини ҳам босиб кетганди.

– Сўзсиз таслим бўлиш, – деди Кребс. – Улар сўзсиз таслим бўлишни талаб қилишяпти. Ҳеч қандай музо-

кара керакмас... Эрталаб соат ўнгача жавоб берилиши лозим.

– Мана кўрдингизми, – деди Геббелъс Борман томон ўгирилиб. – Тамом-вассалом. Ҳаммаси тугади! Ахир сизга айтгандим-ку, Борман!

У ортига ўгирилди-да, оқсоқланиб ўз хонаси томон юрди.

Бир ярим соатдан кейин унинг хотини Магда ўзининг бешта боласи билан ўйин ўтказди: «Стакандаги аччиқ дорини ким кўзини юмиб тез ичолади? Қани, бир, икки, уч!» Болалар гупуллаб ерга қулагач, у ўзини отиб ўлдиради. Бир оздан сўнг Геббелъс тўппончанинг оғзига кўкрагини тираб чинқирган ҳолда тепкини босади.

Бургдорф аввал соқол-мўйлабини тарашлаб, тозаички қўйлак кийиб хонасига киради-да, ўзини ўзи отиб ўлдиради. У ўткир золинген устараси бақбақасини тозалаётганда аллақандай ғалати лаззат олаётгандек, қисқагина таътили пайтида сайрга борадиган Швейцария чегараси яқинидаги Альп яйловларида юриб қўнгироқ жарангини эшитгандек бўларди.

Кребс бир шиша вермутни ичиб, орасига русларнинг қизил икраси суртилган бутербродни еб олганидан кейин ўзини ҳалок этди. Бу икра банкасини у уч ойдан бери сақламоқда эди – тансиқ бу емишни рейхнинг Швециядаги ҳарбий атташе офицерлари сотиб олиб, туғилган кунига совға қилиб юборишганди.

...Борман шундан кейингина «гитлер-югенд» фюнери Аксманни чақиритириб унга деди:

– Қамални ёриб ўтишга тайёрланинг. Ярим соатдан кейин сизга қўшиламан, кутинглар. – У радиостлар хонасидан аллақаёқча қўнгироқ қилиб, ўтган куни кечаси Мюллер юборган ССнинг икки офицери ҳамроҳлигига рейхсканцелария боғига чиқди.

...Қирқ дақиқадан кейин Борман қайтиб келди. Рейхслейтернинг бир оғиз ҳам гапирмаётганини, қисишиб-қымтениб юришини, бўй-басти ҳатто сал паса-йиб қолганини кўриб Аксман ҳайрон бўлди.

– Овозим бўғилиб қолди, – деб тушунтириди Борман. – Ҳамма буйруқларни ўзингиз бераверинг.

Борманнинг бу қиёфадоши Вернер Краузе эди. Қирқ еттинчи. Шифокор Менгеле унга пластик операция қилганди. Пешонасидаги тириқ масаласида росаям қийналди-ю, аммо шунга қарамай, қойил қилиб бажарди... Фақат овози фарқ қиласарди.

Қамални ёриб ўтиш йигирмата танк ҳимоясида амалга оширилди. Улар 52-ўқчи дивизиянинг жанго-вар сафлари орасидан ўтиб, шимоли-гарбга Гамбург йўналиши бўйлаб юришди. Фақат 2 май куни аzonда уларни қувиб етишди. Яқин масофадан туриб тўплардан ўқ ёғдиришди. Куйган, мажаги чиқиб кетган мурдалар орасидан Борманнинг қиёфадоши топилмади ўшанда.

...5 май куни аzonда маҳсус вазифани бажараётган сувости кемаси портдан узоқлашиб, денгиз остига чўқди-да, Аргентина томон йўлга тушди. Кемада Борман билан Мюллер бор эди.

13 май куни Штирлиц ҳушига келди.

Хис қилар даражада сокинлик ҳукмрон эди. Унинг ҳатто ҳиди бор эди – тўлқинлар урилиб миллионлаб муздек шаффофт томчиларга айланиб, секин-аста ўзлигини ҳосил қиласидиган, балиқчи қушлар қичқирадиган, пальма дараҳтларининг учи ўткир барглари опера театридаги ёмон ўрнатилган декорация каби шамолда шитирлайдиган пайтдаги алоҳида, денгизникига ўхшаб, йодсимон ҳид эди бу. Узоқдаги соҳилнинг аллақаерида чироқлар милтиллайди, бу чироқлар кишида шунчалик

хотиржамлик ва умидворлик пайдо қылганидан юраги орзиқиб кетади, ўтган йиллар хайрли тугайдиган эртак каби хаёлий бўлиб туюлади. Штириц каравотдан турди. Хонанинг деворлари оппоқ эди. Испанияга ўхшайди. Бизда, Украинада бўлганидек бу ерда ҳам деворлар оппоқ бўлади. Фақат испанлар бўялмаган, сал алифмой суртилган мебелни ёқтиришади, украинлар эса ўз стул ва жавонларини бўяб чиқишади. Дераза шамолда тарақлаб очилиб-ёпилаётган эшик билан тўсилган. Чинданам дengiz ҳиди келиб турарди. У ўтиrolмади – кўкраги санчиб оғрирди.

У ўталиб қон ютинди-да, инграб бошини ёстиқса қўйди.

Оппоқ сочли қария хонага кириб, унинг юзини артди, қулайроқ ётқизиб устига катта қалин жун рўмолни ёпиб қўйди.

– Секинроқ... Ўз одамларимиз орасидамиз... – деди у шивирлаб. – Сиз ОДЕССнинг хуфя учрашув жойидасиз... ҳаммаси жойида, сизни Италияга етказиб келишди, эртага Испанияга жўнатишади... Хавф-хатар ортда қолди, ухланг, ором олишингиз керак, штандартенфюрер. Эндиликда сизнинг исму шарифингиз Рудольф Дрок... Эслаб қолинг, шифокор Рудольф Дрок...

...Янгидан атак-чечак қилиб юришни ўрганган Штириц 1945 йилнинг 27 октябрида Стокгольмдаги ўзига маълум манзилга Мадриддан мактуб йўллади.

У ердан жавоб бўлмади. Уруш якунланиб, совет разведкасининг таянч базаси тугатилганди.

...1946 йилнинг 13 октябрь куни Мадриднинг Хенералиссимо хиёбонида америка бичимидағи оғир ботинка кийган паст бўйли киши унга яқинлашиб деди:

– Мен Аллен Даллес бошқараётган ташкилот вакилиман, албатта, бу исм сизга маълум. Мен билан бирга тушлик қилишга розилик беролмайсизми? Суҳбатлашадиган гапларимиз кўп – фақат ўтмишни эслабгина қолмай, келажақдаги ҳамкорликда амалга оширадиган ишларимизни ҳам ўйлаб кўрамиз.

1982

«Ялта» меҳмонхонаси – Берлин.

МУНДАРИЖА

Сўнгги ўйиннинг бошланиши.....	3
Лекин қайтишининг маъноси нимада? Нега?.....	15
Ҳа, худди шундай: ҳақиқатан ҳам сиздан шубҳаланаман	28
Мулоҳаза учун маълумот (Одесса)	41
Бўйинга тортилган сиртмоқ.....	52
Мана, гестапонинг ишлашини кўриб қўйинг	78
Бўлажак интиқом асослари	91
Бечора, муштипар аёллар.....	102
Зарурият одатда шафқатсиз бўлади	111
Сўнгги ўйин	127
Пешво ва унинг ҳамтовоқлари	137
Мулоҳаза учун маълумот (ОСС).....	144
Шунга қарамай, нотўғри хабарлар тарқатиш йўлларини қадрлаш керак.....	151
Мен нима қиласман? Мен гарбдагилар билан алоқада бўлишим керак!.....	166
Бечора, муштипар аёллар... – II	176
Мулоҳаза учун маълумот (ФБР директори Жон Эдгар Гувер).....	188
Тасодиф омили.....	199
Муҳим бир қарорга келиш зарурияти	205
Фитна ҳалқалари	211
Мулоҳаза учун маълумот (Гесс)	220
Мана, гестапонинг ишлашини кўриб қўйинг-II	229
Мулоҳаза учун маълумот (ФБР директори Жон Эдгар Гувер) – II	244

Кўп нарсадан хабардор одамнинг хатоси кам бўлади.....	255
Мана, гестапонинг ишлашини кўриб қўйинг – III	267
Сўнгги илинж.....	280
Мулоҳаза учун маълумот (Ўз ватанингда пайғамбар борми?)	296
Мулоҳаза учун маълумот (Максим Максимович Исаев)	301
Ҳакиқатни тушунишдаги фожиавий ва ажойиб қобилият (1945 йил 12 апрель).....	319
Қизил армиянинг зарбаси. Оқибат.....	327
Мана, гестапонинг ишлашини кўриб қўйинг! – IV	340
Қизил армиянинг зарбаси. Оқибат – II.....	350
Мулоҳаза учун маълумот (Шелленберг)	358
Мулоҳаза учун маълумот (Максим Максимович Исаев)– II.....	370
Шиша идишдаги ўргимчаклар	390
Мана, гестапонинг ишлашини қўриб қўйинг – V	398
Шиша идишдаги ўргимчаклар-II.....	410
Қизил армиянинг зарбаси. Оқибат – III	430
Мулоҳаза учун маълумот (ФБР директори Жон Эдгар Гувер) – III.....	432
Мулоҳаза учун маълумот (Максим Максимович Исаев) – III	437
Шиша идишдаги ўргимчаклар – III	451
Оқибат	459

Адабий-бадиий нашр

ЮЛИАН СЕМЁНОВ

ТИРИК ҚОЛИШ БУЮРИЛГАН

Роман

Мұхаррирлар
Мағмұра ҚҰТЛИЕВА,
Саида ИБОДИНОВА

Бадиий мұхаррир
Уйғун СОЛИХОВ

Мусақхих
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мұхаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10.да берилган.

Босишига 2016 йил 04.07.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табоги 30,0. Шартли босма табоги 50,04.

Гарнитура «Cambrіa». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нұсха. Буюртма № 145.

Баҳоси келишилган нархда.

«Яңғы аср авлоди» НММда тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87; факс – 273-00-14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru